37. UNDP (United Nations Development Programme). "Human Capital: Expected Years of Schooling." Erişim Tarihi: 10 Mart 2023. <https://Hdr.Undp.Org/Data-Center/Human-Development-Index#/Indicies/HDI>.
38. WIPO (World Intellectual Property Organization). "Total Number of Patent Applications." Erişim Tarihi: 10 Mart 2023. <https://Www3.Wipo.Int/Ipstats/Index.Htm?Tab=patent>.
39. WOS (Web of Science). "International Collaborations." Erişim Tarihi: 10 Mart 2023. <https://incites.clarivate.com/#/analysis/0/region?t=1685466842142>.
40. Xu, Xiaodi, Zilong Wang, Bingyang Zhou, and Zhiwen Zhang. "The Empirical Analysis of Knowledge Spillover Effect Measurement." *Knowledge Management Research and Practice* 17, no.1 (2019): 83–95. <https://doi.org/10.1080/14778238.2018.1557998>.
41. Zahringer, Kenneth, Christos Kolympiris, and Nicholas Kalaitzandonakes. "Academic Knowledge Quality Differentials and the Quality of Firm Innovation." *Industrial and Corporate Change* 26, no.5 (2017): 821–44. <https://doi.org/10.1093/icc/dtw050>.

ИНСОН КАПИТАЛИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Вахабов Абдурахим Васикович, и.ф.д., проф.,
Хажжибакиев Шухрат Хужаёрович, кат. ўқит.,
Ўзбекистон миллий университети*

Аннотация. Мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг сифатини оширишнинг етакчи омили ҳисобланади. Ушбу мақолада “Инсон капиталы индекси”, “Инсон тараққиёти индекси” категорияларининг ўзига хос жиҳатлари, инсон капиталы ривожланишининг аҳоли даромадлари, минтақалар ва соҳалар бўйича табақаланиши сабаблари ва уларни камайтириш йўналишлари, инсон капиталы ривожланишининг табақаланиши ва уни тартибга солиш усуллари таҳлил этилади. Шунингдек, мақолада инсон капиталы ривожланишининг Ўзбекистонни юқори ўрта даромадли мамлакатлар қаторига киритишдаги роли баҳоланган, ривожланиш тенденциялари, муаммолари аниқланган ва ўрта истиқболда тараққий этишга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: Инсон капиталы индекси, Инсон тараққиёти индекси, жамғарилган инсон капиталы, инсон капиталы ривожланишини тартибга солиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифати, камбағаллик, инсон капиталыни баҳолаш.

Айрим мамлакатлар гуруҳининг иқтисодий ривожланишининг табақаланиши сабаблари иқтисодий адабиётлар ва кўпсонли илмий ишларда, жумладан, Г. Мюрдаль асарларида тадқиқ этилган⁶⁴. Жаҳон мамлакатларида аҳоли фаровонлигининг табақаланиши сабаблари нималардан иборат? Жаҳон иқтисодиётида аҳоли даромадлари табақаланиши омиллари сифатида аҳоли ўсиш суръатлари, камбағаллик ва COVID-19 пандемияси фарқланади. Инсон тараққиёти индексини ошириш муаммолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг 30-маърузасида баён этилган⁶⁵. Турмуш сифатини ифодаловчи Инсон тараққиёти индекси, унинг давомийлиги, таълим даражаси босқичма-босқич ошиб бориши ривожланган мамлакатларда кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатларда камбағалликка қарши самарали курашилмоқда, глобал иқлим исишига катта маблағлар сарфланмоқда, ривожланаётган мамлакатларда эса камбағаллик такрор ишлаб чиқарилмоқда, ёқилғига бўлган эҳтиёж арзон кўмир ҳисобидан қопланмоқда.

Инсон капиталы барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим омили сифатида доимо илмий тадқиқотлар марказида бўлиб келмоқда. Ўзбекистонда барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишга инсон капиталыни яхшилаш асосида эришиш мумкин. Иқтисодий тараққиёт ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлиги инсон капиталыга бевосита боғлиқ. Ҳар қандай ресурс сингари инсон капиталы кўпайиши ва қадрсизланиши мумкин. Иқтисодий адабиётларда “инсон капиталы” тушунчаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб оммалаша бошлади. Шу билан бир қаторда, инсон капиталыни илмий жиҳатдан тадқиқ

⁶⁴ Мюрдаль Г. Проблема равноправия и ее роль в мировом развитии//Мировая экономическая мысль. Сквозь призму веков. Лекции Нобелевских лауреатов: под общ.ред. Фетисова Г.Г. –М.: Мысль, 2004. Т.Б. –С.189-213.

⁶⁵ Human development report. 2020: the next frontier: human development and the Anthropocene. <https://hdr.undp.org/system/files/documents/hdr2020pdf.pdf>.

этиш ва унинг қийматини аниқлаш мураккаблиги сабабли инсон капиталини баҳолашнинг умумқабул қилинган, ягона услубиёти шаклланмаган. Инсон капиталини баҳолаш услубиётидаги фарқлар ушбу муаммони илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурияти ва долзарблигини янада оширади.

“Инсон капитали” тушунчаси илк бор 1958 йилда АҚШ иқтисодчиси Ж. Минсер томонидан қўлланилган бўлса, 1961 йилда иқтисодчи олимлар Т. Шульц ва 1962 йилда Г. Беккерлар томонидан инсон капитали концепциялари ишлаб чиқилди ва иқтисодий муомалага киритилди. Инсон капитали назарияси соҳасида улкан, оламшумул илмий ишлари учун 1979 йилда Т. Шульц, 1992 йилда Г. Беккер, 1998 йилда А.К. Сен, 2019 йилда А. Банерджи, Э. Дюфло ва М. Кремерлар иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлишди⁶⁶.

Иқтисодий ривожланиш мамлакат миллий бойлиги таркибида инсон капиталининг ўсиб боришига олиб келса-да, айрим мамлакатларда ушбу кўрсаткич пасайиб бориши мумкин. Ушбу ҳолат аҳолининг глобал қариб бориши, иш ҳақи миқдори суръатининг секин ўсиши, юқори технологияларга нисбатан қўл меҳнати омилига устуворлик берилиши каби омиллар билан боғлиқ. Жаҳон банкининг 2021 йилдаги Глобал фаровонлик тўғрисидаги ҳисоботида келтирилишича, жаҳон бойлигининг 64 %и (1152 трлн \$) инсон капитали ҳиссасига тўғри келади⁶⁷.

Brand Finance Global Intangible Finance Tracker (GIFT™) тадқиқотлари кўрсатишича, дунёнинг йирик трансмиллий компаниялари ихтиёридаги активлар таркибида инсон капитали билан боғлиқ номоддий активлар улуши ортиб бормоқда ва уларнинг қиймати 2022 йилда 57 трлн \$ни ташкил этди. GIFT™ ҳисоботларида номоддий активлар жисмоний қийматга эга бўлмаган номонетар активлар сифатида келтирилади. Ушбу активларни ҳуқуқлар (ижара шартномалари, битимлар, келишувлар), касбий таълим (ишчи кучини ўқитиш, малакасини ошириш) ва интеллектуал мулк (маҳсулот номи, патентлар, муаллифлик ҳуқуқи) каби умумлаштирувчи гуруҳларга ажратиш мумкин. Жаҳон фонд бозорларининг 48 %и номоддий активлар ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, АҚШда номоддий активлар қиймати 1975 йилда S&P 500 қийматининг 17 %ини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2022 йилга келиб 90 %га тенг бўлди⁶⁸.

Жаҳон иқтисодий форуми Гарвард университети ва Mercer Human Resource Consulting халқаро консалтинг компанияси билан ҳамкорликда 2013 йилдан бошлаб Инсон капиталини ривожлантириш индексини эълон қилишни бошлади. Жаҳон иқтисодий форуми мутахассислари фикрича, “...инсон капитали глобал иқтисодий тизимда неъматлар яратиш имконини берувчи

⁶⁶ Шульц Т. Инвестиции в человеческий капитал. – Лондон, 1971. – С.522.; Becker, Gary S. “Investment in human capital: A theoretical analysis.” *Journal of political economy* 70.5, Part 2 (1962): 9-49.; Sen A. Resources, Values and Development, 1997; Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло. Экономика бедных. Радикальное переосмысление способов преодоления мировой бедности. Изд-во Института Гайдара, 2021. – С.464.

⁶⁷ “World Bank. 2021. The Changing Wealth of Nations 2021: Managing Assets for the Future. © Washington, DC: World Bank. <http://hdl.handle.net/10986/36400>.

⁶⁸ Global Intangible Finance Tracker (GIFT™) – an annual review of the world’s intangible value. November, 2022. <https://brandirectory.com/reports/gift-2022>.

билим ва кўникмаларга эга инсонлардир”. Жаҳон банки 2018 йилдан бошлаб халқаро миқёсда мамлакатларнинг Инсон капитали индекси (The Human Capital Index)ни тузишни бошлади. 2022 йилнинг февраль ойи ҳолатига кўра, ушбу рейтингда 83 та мамлакат қатнашган. Минцер назариясидан фарқли ўлароқ, индекс муаллифларининг фикрича, инсон капиталини ўлчашда “таълим олиш” билан боғлиқ йиллар сони эмас, балки реал касбий малака эгаллаш имконини берувчи “кўникмалар” муҳим аҳамиятга эга. Аксарият ҳолларда, айрим мамлакатлар амалиётида “таълим олиш” йиллари расмий мазмунга эга бўлиб, битирувчилар малака кўникмаларини тўлиқ эгалламасликлари risks юқориликгича қолмоқда.

“Инсон капитали” тушунчаси қатор хусусиятларга эга. Жумладан, унинг шаклланиши ва такрор ишлаб чиқарилиши инвестиция талаб қилади. Инсон капитали – жамғарилган билим ва кўникмалар тўлиқ ҳаракат қилиши учун маълум вақт узоқ инвестицион лаг талаб этилади. Инсон капиталининг муҳим хусусияти шундан иборатки, у ўз элтувчиси – инсондан ажралиб ҳаракат қилолмайди. Шундай экан, “инсон капитали” деганда, инсонда таълим, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар туфайли шаклланган, жамғарилган билим ва кўникмалар тушунилади. Вақт ўтиши билан, жамғарилган инсон капиталининг қиймати қадрсизланиши, билими аста-секин эскириши, меҳнат қобилиятини йўқотиши содир бўлади.

Инсон капитали индексида бола туғилишидан 18 ёшга тўлгунига қадар ривожланиши таҳлил этилади. Ушбу таҳлил боланинг 5 ёшгача яшаш эҳтимоли, таълим сифати билан боғлиқ тузатишларни ҳисобга олган бошланғич ва ўрта мактабда таълим олиш давомийлиги, 5 ёшгача ўсишдан тўхтаб қолиши ҳамда 15 ёшлиларнинг 60 ёшгача яшаш эҳтимоли каби гуруҳ кўрсаткичларига асосланади. Индекс шкаласи 0 дан 1 гача ораликда ҳисобланади ва бунда 1 инсон капиталини ривожлантиришнинг максимал имкониятини англатади.

Инсон капитали индекси таълим ва соғлиқни сақлашнинг ишчиларнинг меҳнат унумдорлигига қўшган ҳиссасини ифодалайди. Инсон капитали индекси Ўзбекистонда 18 ёшдаги ўқувчи ўз салоҳиятини 62 %га оширганлигини билдиради, амалдаги таълим сифати эътиборга олинса, улар таълим дастурини 9,1 йилда бажаради. Мактаб таълимида 2,9 йилга оқсаш мактаб таълими сифатини яхшилаш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда жон бошига таълимга сарфланадиган харажатларнинг минтақалар бўйича тақсимланиши кескин фарқланади. Таълим тизимига сарфланадиган харажатларнинг 63 %и ўрта таълим, 21 %и мактабгача таълим, 10 %и олий таълим ва 4 %и ўрта-маҳсус таълимга йўналтирилади. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар таълим сифати ва ўқишдаги тенгликни таъминлаши керак.

Жаҳон банки томонидан 2020 йилда эълон қилинган сўнгги рейтингда Сингапур 0,88 балл билан биринчи ўринни, Нигерия 0,29 балл билан охириги ўринни эгаллаган. Ўзбекистон ушбу рейтингда илк марта қатнашиб, 0,62 балл билан 54-ўринни эгаллади (1-жадвал).

1-жадвал. Инсон капитали индекси, 2020 йил⁶⁹

Кўрсаткичлар/мамлакатлар	Швейцария	Хитой	Қозғоғистон	Россия	Ўзбекистон	Судан
Боланинг 5 ёшгача яшаш эҳтимоли, %	1,0	0,99	0,99	0,99	0,98	0,94
Мақтабда таълим олиш давомийлиги, йил	13,3	13,1	13,7	13,7	12,0	7,1
Тест натижалари: юқори балл – 625, паст балл – 300	515	441	416	498	474	380
Таълим сифати билан боғлиқ тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мақтабда таълим олиш давомийлиги, йил	10,9	9,3	9,1	10,9	9,1	4,3
15 ёшлиларнинг 60 ёшгача яшаш эҳтимоли, %	0,95	0,92	0,84	0,80	0,87	0,79
5 ёшгача ўсишдан тўхтаб қолганлар улуши, %	-	0,92	0,92	-	0,89	0,62
Инсон капитали индекси	0,76	0,65	0,63	0,68	0,62	0,38

1-жадвал маълумотларидан Инсон капитали индекси бўйича мамлакатимиз кўрсаткичлари таълим сифати билан боғлиқ тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мақтабда таълим олиш давомийлиги каби кўрсаткичлар бўйича ортда қолаётганлигини кузатиш мумкин. Ушбу ҳолат таълим олиш давомидида шаклланиши лозим бўлган кўникмаларни ривожлантиришда назария ва амалиёт ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлашни тақозо этади.

Инсон капитали таркибига унинг билими, тажрибаси, касбий малакаси, муомала кўникмаси киради. Инсон капиталини баҳолашда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак: ходимларнинг ёши; ходим тўплаган тажриба сифати ва миқдори; янги ходимларни ишга қабул қилиш харажатлари; йиллик ишлаб чиқариш ҳажми.

Инсон капитали таркиби бир-бири билан узвий боғланган ишловчининг ҳаётий циклини унинг кадриятлари билан мужассамлаштиради, у таълим, амалиёт, релокация, соғлиқ ва мотивация каби элементлардан ташкил топади.

Ташкилот инсон капитали қиймат келтирадиган даромад ва уни бошқариш учун сарфланадиган харажат ўртасидаги айирмадан иборат. Ташкилот инсон капиталини баҳолаш харажатлар ва даромадларни қиёсий таққослаш усуллари орқали амалга оширилади.

Яқин истиқболда жаҳонда, жумладан, ривожланган мамлакатларда инсон капитали танқислиги кучаймоқда. Глобал даражада аҳолининг қариши туфайли унинг табиий ўсиши камаяди. Ишлаётган пенсионерлар улуши ортади, меҳнат қобилияти ёшидаги аҳоли улуши қисқаради ва сифати ёмонлашади. Шунинг учун, ҳозирдан оқ, инсон капитали жамғарилишига таъсир этувчи салбий ҳолатларни камайтириш керак.

⁶⁹ <https://www.worldbank.org/en/publication/human-capital#Index>.

Инсон капиталини баҳолашнинг навбатдаги услубиёти БМТ Тараққиёт дастурига тегишли бўлиб, саломатлик, таълим ва даромад тизимини қамраб олувчи кўрсаткичлар асосида ҳисобланадиган Инсон тараққиёти индекси ҳисобланади. Инсон тараққиёти индекси интеграл кўрсаткич бўлиб, у 0 дан 1 гача миқёсда ўзгаради. Максимал даражадаги 1 кўрсаткичи мамлакатдаги идеал ҳолатни ифодалаб, бунда жон бошига тўғри келадиган ЯИМ (харид қобилияти паритети бўйича) йилига 40000 \$дан кам бўлмайди, кутилаётган умр давомийлиги (соғлиқни сақлаш ҳолати кўрсаткичи) 85 йилни ташкил этади, катта ёшдаги аҳолининг 100 % саводхонлигига эришилган бўлади.

Инсон тараққиёти концепциясининг вужудга келишига 1998 йилги Нобель мукофоти лауреати Амартья Кумар Сен ва покистонлик машҳур иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақ катта ҳисса қўшишди. Бир неча ўн йил давомида Инсон тараққиёти концепцияси назария ва жамият ривожланишининг комплекс моделига айланди. А. Сен ривожланиш жараёнини моддий ёки иқтисодий фаровонликнинг ортиши нуқтаи назаридан ва инсон имкониятларини кенгайтириш жараёни сифатида таҳлил этди. Унинг фикрига кўра, жамиятдаги турмуш даражасини даромадларнинг ўртача даражасига қараб эмас, балки одамларнинг ўзлари “муносиб” деб ҳисоблаган ҳаёт кечириш учун мавжуд имкониятлари бўйича баҳолаш лозим. А. Сен концепциясида ривожланишга марказида инсон бўлган жараён сифатида қаралади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Инсон тараққиёти индексига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазифалар белгиланганини таъкидлаш лозим. Бу аҳоли жон бошига ўртача даромадни 1,6 баробар ошириш (Тараққиёт стратегиясининг 21-мақсади), мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 %гача (38-мақсад) ва олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 %гача ошириш (46-мақсад), тиббий хизматлар сифатини ошириш (55-64-мақсадлар)га тааллуқлидир. Тараққиёт стратегиясидаги ушбу мақсадли кўрсаткичларни амалга ошириш Инсон тараққиёти индексини 0,726 дан 0,820 гача ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармонида мувофиқ, Ўзбекистоннинг “инсон тараққиёти юқори бўлган мамлакатлар” тоифасидан “инсон тараққиёти жуда юқори бўлган мамлакатлар” тоифасига ўтишини таъминлайди.

Инсон тараққиёти индекси кўрсаткичларининг таҳлили кўрсатишича, таълим инсон тараққиётида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда кутилаётган таълим олиш давомийлиги кўрсаткичи 2000-2021 йилларда 10,8 йилдан 12,5 йилга қадар ортиб борган. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткич дунёнинг ўртача кўрсаткичидан 0,3 йилга, юқори индексга эга гуруҳнинг ўртачасидан 1,7 йилга, жуда юқори индексга эга мамлакатлар гуруҳининг ўртача кўрсаткичидан эса 4 йилга ортда қолмоқда (2-жадвал).

2-жадвал. Ўзбекистонда Инсон тараққиёти индексининг ўзгариши⁷⁰

Йиллар	Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги, йил	Ўрта таълим олиш давомийлиги, йил	Кутилаётган таълим олиш давомийлиги, йил	Жон бошига миллий даромад, \$ (ВХК, 2017)	Инсон тараққиёти индекси
2000	65,7	10,0	10,8	2741	0,607
2005	67,5	10,5	11,5	3493	0,639
2010	69,2	11,0	11,5	4943	0,673
2015	70,5	11,4	11,8	6485	0,701
2016	70,8	11,7	11,9	6726	0,709
2017	71,0	11,7	12,1	6974	0,715
2018	71,1	11,8	12,3	7303	0,720
2019	71,3	11,9	12,5	7499	0,726
2020	70,3	11,9	12,5	7512	0,721
2021	70,9	11,9	12,5	7917	0,727

Мамлакатимизда таълим соҳасида тизимли ислохотлар давом эттирилмоқда. Жумладан, яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституциясида давлат барча учун таълим олиш ҳуқуқини таъминлашигина эмас, балки узлуксиз таълимни ривожлантириши ҳам кафолатланган. Шунингдек, мажбурий умумий ўрта таълим жорий этилиши назарда тутилган бўлиб, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат томонидан назорат қилинади. 2016 йилгача Ўзбекистонда 3-6 ёшли болаларнинг 26 %игина мактабгача таълим билан қамраб олинган бўлиб, аксарият ота-оналар мактабгача таълим масаласига бефарқ муносабатда бўлишган.

2017-2022 йилларда таълим тизимида хусусий сектор фаоллигини оширишга қаратилган сиёсат, узоқ туманларда оилавий болалар боғчаларини ташкил этиш оқибатида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилдаги 25,4 %дан 2023 йилда 72 %га қадар ошди. Олий таълим тизимида эса кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларининг ортиши баробарида, хусусий олий таълим муассасалари, маҳаллий ва хорижий олий таълим муассасалари филиалларининг очилиши, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, ногиронлиги бор шахслар, ёшлар, узоқ ҳудудларда яшовчилар, магистратурада таҳсил олаётган хотин-қизларнинг таълим харажатлари давлат томонидан қоплаб берилиши ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасининг 2017-2022 йилларда 9 %дан 38 %гача ошишига олиб келди.

Агар болалар ва ёшлар юқори сифатли таълим билан қамраб олинса, ёш ва ўсиб бораётган Ўзбекистон аҳолиси мамлакат ривожланишининг катта активига айланиши мумкин. 1980-2022 йилларда мамлакат аҳолиси сонининг икки мартадан ортиқ кўпайганлиги ЯИМнинг узоқ муддатли даврда барқарор

⁷⁰ <https://hdr.undp.org/data-center/human-development-index#/indicies/HDI>.

суръатларда ривожланиши, аҳоли фаровонлигининг ошиши, камбағаллик ва аҳоли даромадлари табақаланишининг қисқариши учун салоҳият яратади. Аҳоли ёш таркибида 2048 йилдан бошлаб меҳнатга яроқли аҳоли улуши қисқара бошлайди ва боғлиқлик коэффиценти ёмонлашади. Аҳоли таркибидаги бундай ўзгариш аҳолининг иқтисодий фаол қисмига босимни кучайтиради. Шу боис, Ўзбекистонда таълим соҳасига сарфланган инвестициялар меҳнат унумдорлигини ошириш учун сарфланиб, инновацион, инклюзив ва барқарор жамият яратишнинг асоси ҳисобланади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, COVID-19 пандемиясининг таълим натижаларига таъсири стандарт миқдорга нисбатан 0,11 га тенг бўлди. Пандемия натижасида таълим сифатининг ёмонлашуви туфайли 425 млн \$ харид қобилияти паритетига тенг зарар кўрилди.⁷¹ 2019 йилда таълим даражаси ва 1 йилда ўқувчига сарфланган харажатлар минтақалар бўйича кўрилганда, энг оз кўрсаткич Тошкент шаҳрида (2,15 млн сўм), энг кўп кўрсаткич Навоий вилоятида (3,73 млн сўм ёки 73 %га ортиқ) кузатилди.⁷²

Шу билан бир қаторда, кутилаётган таълим давомийлигини ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли ислохотларни янада жадаллаштириш зарур. Таълим олишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим ва фан соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақини ошириб бориш, замон талабларига мос лаборатория базасини шакллантириш лозим.

Кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи таҳлил даврида 65,7 ёшдан 70,9 ёшгача узайганлигига қарамасдан, ушбу кўрсаткич ҳануз дунёнинг ўртача кўрсаткичига тенглашгани йўқ. Ваҳоланки, бу кўрсаткич юқори ва жуда юқори Инсон тараққиёти индексида эга мамлакатлар гуруҳида тегишлича 74,7 ва 78,5 ёшни ташкил этади. Мамлакатимизнинг айрим минтақаларида экологик вазиятнинг ёмонлашиб бораётгани, бахтсиз ҳодисалар, жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида юз бераётган ўлим ҳолатлари даражасининг юқорилиги кабиларни ушбу кўрсаткичнинг яхшиланишига тўсиқ бўлаётган омиллар сифатида келтириш мумкин.

2000-2020 йилларда Ўзбекистонда соғлиқни сақлашга давлат бюджети ва хусусий сектор ҳисобидан ЯИМнинг 5,2-5,6 %ига тенг харажатлар сарфланди, бу бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларга қараганда кўпроқ маблағ сарфланганлигини кўрсатади. Ушбу харажатлар ЯИМнинг 2,3 %и ёки давлат бюджети харажатларининг 42 %ини ташкил қилган. Давлатнинг соғлиқни сақлашга сарфлаётган харажатларининг 77 %и иш ҳақи, 23 %и эса инвестиция, товар ва хизматлар учун ажратилмоқда.

Хусусий харажатларни соғлиқни сақлашга сарфланган харажатлардаги улуши 58 %ни ташкил этиб, у ўз таркибига уй хўжалиги, корхоналар ва нотижорат ташкилотлари харажатларини олади. Ушбу харажатлар самарасиз бўлиб, ёмон саломатлик ҳолатидаги молиявий рискни юмшата олмайди. Хусусий манбалар таркибига расмий ва норасмий тиббиёт хизматларини


⁷¹ Жаҳон Банки маълумотлари асосида. Worldbank.org.

⁷² Повышение эффективности государственных расходов в человеческий капитал и водохозяйственную инфраструктуру в Узбекистане. The World Bank, декабрь, 2022. –С.102.

кўрсатувчилар ва хусусий сектор аптекалари учун тўловлар киради. Мамлакатда тиббиёт хизматлари учун тўланадиган харажатлар ноозиқ-овқат истеъмолининг 40 %идан ортиғини ташкил этадиган уй хўжаликлари хўжаликларнинг 15 %идан ортиғини ташкил этади.

Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад кўрсаткичи бўйича юқори Инсон тараққиёти индексига эга гуруҳ мамлакатларига нисбатан сезиларли даражада ортда қолмоқда. 2021 йилда бу кўрсаткич Ўзбекистонда 7917 \$ни ташкил этгани ҳолда, ушбу гуруҳга кирувчи Хитой (17504 \$), Украина (13256 \$), Озарбайжон (14257 \$), Индонезия (11466 \$) мамлакатлари ва жаҳоннинг ўртача (16752 \$) кўрсаткичидан анча ортда қолмоқда. Мазкур кўрсаткичнинг паст даражаси инсон салоҳиятини ошириш ва мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлидаги асосий салбий тўсиқлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон бюджетининг харажатлар қисмида инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилувчи соҳаларга ажратилаётган харажатлар салмоқли улушга эга. Шу билан бирга, ушбу сарф-харажатлар 2015-2022 йилларда 49,6 %дан 35,2 %га қадар қисқарган. Таҳлиллар харажатлар таркибида таълимга ажратилаётган маблағларнинг 33,5 %дан 21,2 %га, соғлиқни сақлашга сарфланаётган маблағларнинг 14,4 %дан 11,5 %га қадар қисқарганлигини кўрсатмоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда бюджет харажатлари таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва спорт харажатларининг ўзгариши, %⁷³

Ушбу ҳолатни таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида хусусий сектор субъектларининг фаоллашуви билан изоҳлаш мумкин. Фикримизча, мазкур ҳолат инсон капиталини ривожлантиришда соҳани давлат ва хусусий сектор томонидан молиялаштириш жараёнини рағбатлантириш ва унинг улушини мамлакат Ялпи ички маҳсулотига нисбатан 4-5 %га қадар етказиш мақсадга мувофиқ.

⁷³ <https://openbudget.uz/parameters>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Инсон тараққиёти индекси минтақавий кўрсаткичлари динамикасида айрим трендларни ажратиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичининг юқори даражаси Марказий-Шарқий (Жиззах, Сирдарё) ва Тошкент шаҳрида кузатилгани ҳолда, ушбу кўрсаткичнинг паст даражаси Жанубий (Қашқадарё, Сурхондарё) ва Ғарбий (Қорақалпоғистон, Хоразм) минтақаларида кузатилди. Кутилаётган таълим олиш давомийлиги 2000-2021 йилларда республикада 10,81 йилдан 12,48 йилга узайгани ҳолда, минтақалар бўйича юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри ва Марказий-Шарқий ҳудудларда намоён бўлди. Ҳисобот даврида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичи республикада изчил суръатларда кўпайиб, 2000 йилдаги 7916 \$дан 2021 йилдаги 8977 \$га ўсди. Минтақалар кесимида ушбу кўрсаткич бўйича барқарор суръатларга Тошкент шаҳри ва Ғарбий минтақа эга бўлди (3-жадвал).

Умуман, Ўзбекистонда 2000-2021 йилларда Инсон тараққиёти субиндекслари минтақавий табақаланиш даражасининг қисқариши жараёнлари Тошкент шаҳри ва Марказий-Шарқий, Шарқий минтақаларда кузатилгани ҳолда, Жанубий ҳудудларда ушбу кўрсаткич суръатлари сустлашди (4-жадвал).

Инсон тараққиёти индекси камчиликлардан холи эмас ва у аҳоли турмуш сифатига таъсир этувчи барча жиҳатларни тўлиқ қамраб олмайди. Ушбу индекс таълим, соғлиқни сақлаш ва даромад тизимини акс эттириши билан бир вақтда, мамлакатдаги турли вазиятлар билан боғлиқ ўзгарувчиларни инобатга олмайди. Жумладан, Инсон тараққиёти индекси 1 га яқин бўлган мамлакатда кутилмаган омиллар таъсирида миллий даромад кескин пасайса, даромад бўйича табақалашув кучайса, очлик бошланса, ушбу индексда қайд этилган ўзгаришлар ўз аксини топмайди. Унинг таркибидаги бошқа кўрсаткичлар ҳисобига индекс юқори даражани кўрсатади. Инсон тараққиёти индекси узок муддатли истиқболда жамиятнинг қанчалик ривожланганлигини акс эттирувчи кўрсаткич ҳисобланади. Индекс билан боғлиқ навбатдаги камчилик таълим соҳасига оид бўлиб, таълим олиш давомийлиги қанчалик узок бўлишидан қатъи назар, бу таълим сифатини акс эттирмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда таълимга инвестициялар меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида сарфланади. Ушбу ҳолат мамлакатга унумли, инновацион, инклюзив иқтисодий ўсиш ва барқарор жамиятга эришиш имконини беради.

Хулосалар. Ўзбекистонда барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш мақсадида инсон капитали инфратузилмаси ва бюджет институтлари фаолиятини яхшилаш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг турли минтақаларида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида жон бошига тўғри келадиган харажатлар кескин фарқланади. Ҳукуматнинг инсон капитали устувор йўналишларини ўзгартириши бошқа харажатларнинг ортишига, жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги харажатларида иш ҳақи улушининг мос равишда 77 % ва 81 %ни ташкил этишига, давлат инвестицион харажатларини инсон капиталига йўналтириш, ҳимоя қамрови ва ҳажмининг яхшиланишига олиб келди.

3-жадвал. Ўзбекистонда Инсон тараққиёти индекси таркибий кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси⁷⁴

Минтақалар/йиллар	Кутилаётган умр давомийлиги, ёш			Ўрта таълим олиш давомийлиги, йил			Кутилаётган таълим олиш давомийлиги, йил			Жон бошига даромад, 2011 ВХҚП, \$		
	2000	2010	2021	2000	2010	2021	2000	2010	2021	2000	2010	2021
Ўзбекистон Республикаси	65,7	69,2	70,9	10,05	10,97	11,90	10,81	11,47	12,48	7,916	8,506	8,977
Марказий (Навоий, Бухоро, Самарқанд)	64,5	68,5	70,1	10,15	10,95	11,87	10,66	11,29	12,28	7,849	8,473	8,942
Марказий-Шарқий (Жиззах, Сирдарё)	68,2	73,4	75,2	10,08	10,97	11,9	10,58	11,5	12,52	7,909	8,524	8,996
Шарқий (Наманган, Андижон, Фарғона)	66,6	69,9	71,6	9,839	10,77	11,67	10,56	11,47	12,48	7,809	8,363	8,827
Жанубий (Қашқадарё, Сурхондарё)	64,3	66,4	68,0	10,0	10,79	11,69	11,07	11,37	12,37	7,667	8,242	8,698
Ғарбий (Қорақалпоғистон, Хоразм)	63,2	68,1	69,7	9,997	11,02	11,95	10,99	11,43	12,44	8,026	8,574	9,049
Тошкент шаҳри	68,8	72,1	73,8	10,61	12,19	13,22	11,36	12,57	13,68	8,408	9,328	9,844

⁷⁴ <https://globaldatalab.org/shdi/table/shdi/UZB/?levels=1+4&interpolation=0&extrapolation=0>.

4-жадвал. Ўзбекистонда Инсон тараққиёти субиндексларининг минтақавий динамикаси⁷⁵

Минтақалар/йиллар	Субиндекслар									Инсон тараққиёти индекси		
	Даромад			Таълим			Саломатлик			2000	2010	2021
	2000	2010	2021	2000	2010	2021	2000	2010	2021			
Ўзбекистон Республикаси	0,500	0,589	0,660	0,635	0,684	0,743	0,703	0,757	0,782	0,607	0,673	0,727
Марказий (Навоий, Бухоро, Самарқанд)	0,490	0,584	0,655	0,634	0,679	0,737	0,684	0,747	0,771	0,597	0,666	0,719
Марказий-Шарқий (Жиззах, Сирдарё)	0,499	0,592	0,663	0,630	0,685	0,744	0,741	0,822	0,848	0,615	0,693	0,748
Шарқий (Наманган, Андижон, Фарғона)	0,484	0,568	0,638	0,621	0,678	0,736	0,717	0,768	0,794	0,600	0,666	0,719
Жанубий (Қашқадарё, Сурхондарё)	0,462	0,549	0,618	0,641	0,675	0,733	0,682	0,714	0,738	0,587	0,642	0,694
Ғарбий (Қорақалпоғистон, Хоразм)	0,517	0,713	0,671	0,639	0,756	0,744	0,664	0,802	0,764	0,603	0,756	0,725
Тошкент шаҳри	0,575	0,600	0,791	0,669	0,685	0,821	0,750	0,739	0,828	0,661	0,672	0,813

⁷⁵ <https://globaldatalab.org/shdi/table/shdi/UZB/?levels=1+4&interpolation=0&extrapolation=0>.

Соғлиқни сақлаш ва таълимга сарфланган харажатларнинг ортиши ЯИМни 2-3 % қўшимча сарфлашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда миллий иқтисодий ривожлантириш учун сарфланган харажатларнинг катта қисми ташқи қарз ҳисобига молиялаштирилди. Жумладан, ЯИМнинг ўсиши учун сарфланган капитал ҳажми коэффиценти икки марта ошди, яъни ЯИМ 1 \$ ўсиши учун 2004-2016 йилларда 3,3 \$ сарфланган бўлса, 2017-2019 йилларда ушбу кўрсаткич 7 \$га тенг бўлди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий вазифалар соғлиқни сақлашга сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш, соғлиқни сақлашга сарфланадиган хусусий харажатларни молиявий ҳимоя қилишни яхшилаш, кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Таълим соҳасига сарфланган давлат харажатлари мактабгача таълимга йўналтирилган харажатлар ҳисобига кўпайди. Таълим сифати яхшиланишга муҳтож, жумладан, Ўзбекистонда ўқувчи 18 ёшида ўз салоҳиятининг атиги 62 %ига эришади. Мамлакатимизда ўқувчи 12 йиллик мактаб таълимини 18 ёшда тугатса, бу амалда 9,1 йиллик билимга тенг дегани, ушбу кўрсаткич Россияда 10,9 йилга ва ИХТТда 10,8 йилга тенг.

Ўзбекистонда таълим сифати ва инклюзивлигини ошириш таълим соҳасини ислоҳ этишнинг муҳим муаммоси ҳисобланади. Таълим тизими сифатини ошириш, таълимда тенгликни таъминлаш, таълим сифати ва тизимининг мақсадли кўрсаткичлар бўйича ҳисоботини яхшилаш керак.

Адабиётлар:

1. Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло. Экономика бедных. Радикальное переосмысление способов преодоления мировой бедности. –Изд-во Института Гайдара, 2021. –С.464.
2. Мюрдаль Г. Проблема равноправия и ее роль в мировом развитии//Мировая экономическая мысль. Сквозь призму веков. Лекции Нобелевских лауреатов: под общ. ред. Фетисова Г.Г. –М.: Мысль, 2004. Т.Б. –С.189-213.
3. Шульц Т. Инвестиции в человеческий капитал. –Лондон, 1971. –С.522.
4. Becker, Gary S. “Investment in human capital: A theoretical analysis.” Journal of political economy, 70.5, Part 2 (1962): 9-49.
5. Sen A. Resources, Values and Development, 1997.
6. Human development report. 2020: the next frontier: human development and the Anthropocene. <https://hdr.undp.org/system/files/documents/hdr2020pdf.pdf>.
7. World Bank. 2021. The Changing Wealth of Nations 2021: Managing Assets for the Future. © Washington, DC: World Bank. <http://hdl.handle.net/10986/36400>.
8. Global Intangible Finance Tracker (GIFT™) – an annual review of the world’s intangible value November 2022 <https://brandirectory.com/reports/gift-2022>.
9. Повышение эффективности государственных расходов в человеческий капитал и водохозяйственную инфраструктуру в Узбекистане. The World Bank, 2022. –С.102.
10. <https://www.worldbank.org/en/publication/human-capital#Index>.
11. <https://hdr.undp.org/data-center/human-development-index#/indicies/HDI>.
12. <https://openbudget.uz/parameters>.
13. <https://globaldatalab.org/shdi/table/shdi/UZB/?levels=1+4&interpolation=0&extrapolation=>.

I ШУЪБА.

ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БОШҚАРИШ МУАММОЛАРИ

ХУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА СЕКТОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Холов Ақтам Хатамович, PhD, доц.,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси*

Аннотация. Мазкур мақолада ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Секторлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сектор раҳбарлари ва ходимларини аҳоли билан ишлаш шакл ва услублари, сектор раҳбарлари ва ходимлари иш фаолиятини режалаштириш масалалари бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: секторлар, аҳоли билан ишлаш, сектор штаби, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, “йўл хариталари”, аҳоли муаммолари билан ишлаш тизими.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда ҳудудларни секторларга бўлиб ишни ташкил этиш тизимининг жорий этилганлиги халқ билан манзилли мулоқотнинг йўлга қўйилишига имкон яратди.

Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини такомиллаштириш зарурияти қуйидагилардан иборат:

1) секторлар фаолиятида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда сектор аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиришда сектор раҳбарларининг зарур ташкилий ва молиявий ваколатларга эга эмаслиги секторларнинг тўлиқ фаолият юритиши ҳамда муаммоларни ўз вақтида ҳал этишида қийинчиликлар туғдирмоқда;

2) республика миқёсида секторлар ишини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги секторлар фаолияти бошқарувида тарқоқликни юзага келтирмоқда ҳамда ҳудудларда секторлар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари нормаларининг турлича талқин қилинишига олиб келмоқда;

3) секторларда ўрганишлар натижалари умумлаштирилмаётганлиги, статистик ҳисоботларни юритиш амалиёти ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилмаганлиги амалга оширилган ишларни аниқ сарҳисоб қилиш ва муаммоларни тизимлаштириш имконини бермаяпти;

4) секторлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тартибининг мураккаблиги, улар малакасини тизимли равишда ошириш механизмнинг жорий этилмаганлиги, сектор аъзоларини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилмаганлиги улар зиммасига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. 2017 йил 11 апрель куни Президент Ш. Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда тегишли ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш даражасини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар, туман ва шаҳарлар миқёсидаги ҳудудларни 4 та секторга бўлган ҳолда, ҳар бир секторни ҳоким, прокурор, ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи ва давлат солиқ бошқармалари (инспекциялари) раҳбарларига бириктирилиши тўғрисида топшириқ берилган. Шундан сўнг, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича барча шаҳар-туманлар ҳудудлари 4 та секторлар раҳбарларига ҳокимият томонидан тақсимланиб, секторларнинг иш фаолияти йўлга қўйилди.

Келгусида секторлар фаолиятидаги ишларни янада ривожлантириш ва самарали олиб бориш, ишларни тизимли равишда ташкил этиш ҳамда ҳудудларда барча йўналишларда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб бориш мақсадида 2017 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5633-сон Фармони ва 8 январдаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сон қарори эса аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишнинг мантикий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2021 йил 12 февраль куни Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиши 8-сон баёнининг 4-банди талаблари асосида ҳар бир ҳудуддаги криминоген вазияти энг оғир бўлган маҳаллада жиноятчилик сабабларини “илмий диагноз” қилиш асосида аниқлаш ҳамда секторларда **“маҳаллабай”**, **“оилабай”** (ҳар бир маҳалла, оила кесимида), хусусан, **“фуқаробай”** (ҳар бир фуқаро билан) ишлаш механизмнинг жорий этилиши натижасида бугунги кунда ҳар бир маҳаллада “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳар бир фуқаронинг муаммоларини аниқлаш, уларнинг хоҳиш-истаклари ва орзу-умидларини

эшитиш, қобилият ва имкониятларини ўрганиш орқали уларга жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти Ўзбекистон тажрибасига хос бўлган ёндашув бўлиб, бугунги кунда бу борада қатор маҳаллий олим ва тадқиқотчилар илмий изланиш олиб бормоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ички ишлар органи бошлиғи раҳбарлик қилаётган 3-секторларнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, “маҳаллабай”, “оилабай”, “фуқаробай” ишлаш тизими орқали аҳоли турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш, аниқланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш масалалари бўйича қатор ўқув-услубий қўлланмалар нашр этилган⁷⁶.

Ю.ф.д. Х.Д. Сарабековнинг “Ички ишлар органларининг секторлардаги фаолияти” номли ўқув қўлланмасида ички ишлар органлари бошлиқларининг секторлардаги фаолияти самарадорлигини ошириш, ички ишлар ходимларининг аҳоли билан самарали мулоқотини ташкил этиш масалалари тадқиқ этилган бўлиб, секторлар штабида ишларни тўғри ташкил этиш ва ҳужжатлар юритилиши масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган⁷⁷.

Муаммони ҳал қилиш йўллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5700-сон Фармониغا асосан, мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла – сектор – Халқ қабулхонаси – маҳалла” тамойили асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинди. Мазкур тизимнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш (1-расм) ва ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш;


ҳар чорақда жамоатчилик назоратининг натижалари, аниқланган муаммолар тўғрисида умумлашган маълумотлар, шунингдек, тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш бўйича таклифларни халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилиш учун киритиш;

аниқланган муаммоларни умумлаштириш ҳамда ҳал этиш мақсадида электрон ахборот алмашиш тизимини жорий этиш;

жойларда ижтимоий-иқтисодий дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш ва уларнинг ижросини таъминлашда тизимли ҳамкорликни ўрнатиш.

⁷⁶ Ички ишлар органларининг секторлар фаолиятини ташкил этиш методикаси: Ўқув-методик қўлланма/М.З. Зиёдуллаев, И. Исмаилов, Х.Д. Сарабеков ва б. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. –Б.166.

⁷⁷ Сарабеков. Д.Х. Ички ишлар органларининг секторлардаги фаолияти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. –Б.181.



1-расм. Маҳаллаларда уйма-уй юриш йўли билан вазиятни комплекс ўрганиш

Секторлар фаолиятининг ташкилий шакллари. Сектор фаолияти “маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика” тамойили асосида ташкил этилади. Сектор штаби аъзолари икки йўналишда иш олиб боради:

1) сектор аъзолари секторда ўзлари мансуб бўлган идора ва ташкилот фаолияти йўналиши бўйича муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш чораларини кўради;

2) сектор аъзолари бириктирилган маҳаллаларда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар чоракда камида бир маротаба уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни тўлиқ ўрганиш, қайд этиш орқали аниқлаш ва ҳал этиш чораларини кўради (2-расм).



2-расм. Уйма-уй юриш, халқ билан мулоқот, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни ечиш бўйича қўрилаётган чоралар

Сектор раҳбарлари ва сектор штаби аъзоларининг ҳисобдорлиги ҳамда фаолиятини баҳолаш мезонларига қуйидагилар киради:

ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатининг реал ўзгариши;
тасдиқланган “йўл хариталари” ижросининг аҳволи;

уйма-уй юриш, халқ билан мулоқот, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни ечиш бўйича кўрилаётган чораларнинг натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларининг кўриб чиқилиши;

сектор раҳбарларининг уйма-уй юриш дафтаридаги ёзувларнинг ҳаққонийлиги;

ҳар чорақда камида бир мартаба Комиссия (Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳолини ўрганишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича комиссия) йиғилишида секторлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни таҳлил этиш, секторларда амалга оширилаётган ташкилий-амалий чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш ҳамда секторларнинг самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш юзасидан таклифларни муҳокама қилиш;

секторлар раҳбарларининг фаолиятини ҳудудларнинг ривожланиш аҳолидаги реал ўзгаришлар ва бошқа ҳаққоний мезонлардан келиб чиқиб ҳолисона баҳолаш.

Сектор раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) йил якунларига кўра фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришган секторларни рағбатлантириш мақсадида “Энг намунали сектор”, “Энг ташаббускор сектор раҳбари”, “Энг фаол сектор штаби аъзоси” номинациялари бўйича республика танлови ўтказилади;

2) ҳар йилнинг 15 январига қадар Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар бир тизим бўйича сектор раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимига мувофиқ, уларнинг ўтган йилда амалга оширган ишлари таҳлил этилиб, умумий йиғилишда муҳокама қилинади;

3) баҳолаш натижаларига кўра, энг юқори кўрсаткичга эришган 2 нафар сектор раҳбари автотранспорт воситаси билан тақдирланади, секторлар фаолиятини намунали ташкил этган раҳбарлар ва унинг ишида фаол қатнашган бошқа штаб аъзолари қимматбаҳо совғалар билан мукофотланади;

4) фаолияти самарасиз деб баҳоланган сектор раҳбарларига нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чоралари қўлланилади.

“Ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади”.⁷⁸

⁷⁸<https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

Сектор раҳбарлари ва ходимларини аҳоли билан ишлаш шакл ва услублари. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Шахсий, сайёр ва оммавий қабул қилиш жадвали, уни ўтказиш вақти ва жойи, қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби каби маълумотлар давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендлар ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Секторлар раҳбарлари томонидан оилалардаги ҳолат ўрганилиб, уларда аниқланган аксарият муаммолар жойида ҳал этилади. Ҳал этилиши мураккаб бўлган муаммоли масалалар “йўл хариталари”га киритилиб, назоратга олинади.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Сектор раҳбаридан тегишли бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ҳудуддаги вазиятни тезкор ўрганиш ва баҳолаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлиги, жиноятчиликка қарши курашни таъминлашнинг ҳақиқий ҳолатини билиши талаб қилинади. Бунда жойлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш босқичлари куйидагилардан иборат:

Биринчи босқичда ҳар бир соҳа ва йўналишлар кесимида малакали мутахассислардан иборат Сектор Ишчи гуруҳи шакллантирилади ва муҳим йўналишлар бўйича асосий вазифалар тақсмоти белгилаб олинади. Топшириқ асосида Ишчи гуруҳи (сектор раҳбарлари) ва бошқа барча йўналишлар бўйича мутасадди раҳбарлар иштирокида (рўйхат асосида) йиғилиш ўтказилиб, амалга ошириладиган ишлар келишиб олинади.

Иккинчи босқичда Ишчи гуруҳ белгиланган маҳаллага бориб, кичик гуруҳларга тақсимланади ва улар учун куйидаги материаллар тайёрланади:

кичик Ишчи гуруҳларнинг маҳаллага тақсмоти (ҳар бир кичик гуруҳга кўча бириктирилади) ташкил этилади;

Ишчи гуруҳ аъзоларининг аҳоли билан суҳбатлашиши учун соҳалар кесимида саволнома ишлаб чиқилади;

маҳалла паспорти, асосий кўрсаткичлар жамланган йиғма жилдлар тайёрланади;

маҳалладаги ижтимоий, маънавий ва иқтисодий ҳолатни очиб беришга қаратилган маълумотлар билан танишилади;

рўйхатда турувчи ўқувчилар билан амалга ошириладиган маънавий-маърифий ва умумпрофилактик тадбирлар ташкил этилади;

маҳаллада яшовчи алоҳида рўйхатга киритиладиган фуқаролар (ИИБ профилактик рўйхатига олинганлар, диний-экстремистик оқим аъзолари ва рўйхатдан чиқарилганлар, муқаддам судланганлар, узоқ муддат хорижда бўлиб қайтганлар, жазо муддатини ўтаётган ва жазо муддатини ўтаб

қайтганлар, кам таъминланган, якка-ёлғиз, ногирон шахслар) рўйхати ўрганилади;

мазкур тоифадаги фуқароларнинг хонадонларига кириб, вазиятни ўрганиш бўйича алоҳида кўрсатма берилади.

Учинчи босқичда Маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) биносида 10-15 нафар маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, обрў-эътиборли зиёлилар иштирокида йиғилиш ташкил этилади. йиғилишга маҳалладаги муаммолар ечимига масъул бўлган барча соҳаларнинг мутасадди раҳбар-ходимлари ҳам жалб этилади. МФЙда аҳоли мурожаатлари, шикоятлари ва таклифларини рўйхатга олиш ва ижросини таминлаш ҳамда мониторинг қилиш ишлари қандай йўлга қўйилганлиги ўрганилади ва бу борада зарур тавсиялар берилади.

Тўртинчи босқичда маҳалла оқсоқоллари ва вакиллари билан қуйидаги мазмунда қисқа суҳбат уюштирилади:

маҳалладаги асосий (тизимли) муаммолар ва уларнинг ечими (газ, кўмир, сув, электр энергияси, йўл, уй-жой, кредит, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳ.к.) хусусида суҳбатлашилади;

маҳалладаги мавжуд имкониятлар, хусусан, тадбиркорларнинг имкониятлари, уларга қандай шарт-шароит яратиш зарурлиги, янги иш ўринларини барпо этиш, соғлиқларини тиклаш, маънавий таҳдидларга қарши қандай курашиш зарурлиги, фермер хўжалиklarини кўп тармоқли қилиш, томорқалардан унумли фойдаланиш ва бошқа масалалар хусусида фикрлашилади;

суҳбат давомида хонадонлардаги умумий вазият, хонадон эгаларини қийнаётган муаммоларни маҳалла кесимида ўрганиб чиқилганлиги кўриб чиқилади;


кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, кириб кўриш шарт бўлган муаммоли хонадонлар рўйхати Ишчи гуруҳи аъзолари сонига кўра аниқлаб олинади;

Ишчи гуруҳ аъзолари кўчабоши, маҳалла посбони ва бошқа фаоллар билан биргаликда кўчаларга тақсимланади ва хонадонларга бирма-бир кириб чиқилади;

сектор раҳбари маҳаллада яшовчи алоҳида рўйхатга киритиладиган фуқаролар хонадонларига шахсан ўзи бирма-бир кириб чиқади.

Бешинчи босқичда аниқланган муаммолар тоифаларга ажратилади, яъни жойида ҳал қилинадиган, туман ва вилоят секторлари даражасида амалга ошириладиган вазифаларга ажратилади (3-расм).

Сектор штаблари томонидан бириктирилган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кунига 40 тадан кам бўлмаган, лекин сифат даражасини таъминлаш мақсадида 50 тадан ошмаган хонадонларда ўрганишлар ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги Президентимизнинг ушбу йўналишдаги қарорлари билан белгилаб қўйилган.



3-расм. Секторларда муаммоларни таснифлаш, уларни жойида ҳал қилиш ва режалаштириш тартиби⁷⁹

Секторларда аниқланган муаммоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

ўрганиш натижасида аниқланган муаммоларни имкон даражасида жойида ёки қисқа муддатда ҳал этиш юзасидан барча чоралар кўрилади;

туман (шаҳар) миқёсида ҳал қилиб бўлмайдиган, бироқ зудлик билан чора кўриш талаб этиладиган муаммолар аниқланган тақдирда, сектор раҳбари вертикал бошқарув тамойилига мувофиқ вилоят сектор штабига мурожаат қилади ва унинг кўмагида масалани тезкор ҳал қилиш чорасини кўради;

сектор штаби аъзолари ўзларига бириктирилган йўналишлар бўйича аниқланган муаммоларни ҳал қилишга масъул ҳисобланади;

аниқланган муаммолар ягона электрон ахборот тизимига киритилиб, секторлар томонидан таҳлил қилинади ҳамда йўналиши ва масаласига қараб уларни туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида ҳал қилиш учун ажратиб олинади;

вилоят ва республика даражасида кўриб чиқилиб, ҳал этиладиган муаммолар туман (шаҳар) сектор раҳбари томонидан вертикал бошқарув тизими бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри секторларига юборилади.

Мазкур ҳаракатларнинг амалга оширилиши бевосита аҳоли муаммоларини аниқлаб, ўз вақтида уларга амалий ечимлар излаб, фуқароларнинг турли давлат ташкилотларида сарсон-саргардон бўлишларининг олдини олади. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни тўғри тушуниб, бугунги кундан рози бўлиб яшаш кайфиятини оширади.

Кутилаётган иқтисодий самара. Давлат органлари, хусусан, секторларда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларни қийнаб келаётган

⁷⁹ Холов А.Х. Секторлар фаолиятида уюшмаган ёшлар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш//“Ёшлар келажак бунёдкори” шиори остида “Уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истикболлар” мавзусидаги II халқаро илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами (2018 йил, 4-5 июнь). –Т.: “Ёшлар” нашриёт уйи, 2018. –Б.178-182.

муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинганда, бир қатор камчиликлар мавжуд эканлиги маълум бўлди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, Президент Фармонида мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан бошлаб Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилиши, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий қилинди.

Мазкур янги тизимнинг ўзига хос томони шундаки, бундан буён Халқ қабулхоналари ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлайди ҳамда ҳал қилинишини таъминлайди. Яъни, энди Халқ қабулхоналари мурожаат келиб тушишини кутиб ўтирмайди, ўзи масъул бўлган ҳудудда мавжуд муаммоларни уйма-уй, объектма-объект юрган ҳолда аниқлайди. Уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашиш жараёнида 2 та асосий вазифа бажарилади:

мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсади ва моҳияти тушунтирилади;

хонадонда, оилада мавжуд муаммолар аниқланади ҳамда уларни иложи борида жойларда ҳал қилиш чоралари кўрилади.

Секторларни бошқариш учун масъуллик давлатнинг “туман – вилоят – республика” даражаларидаги энг ваколатли, салоҳиятли, куч ва воситаларга эга бўлган ҳокимият, прокуратура, ички ишлар ва солиқ органларининг биринчи раҳбарлари томонидан амалга оширилиши белгиланганлиги, биринчидан, уларнинг ҳар бирига ҳудуддаги ҳар қандай масалани ўзаро ҳамкорликда кўриб чиқиш ва ҳал этиш имкониятини кенгайтиради; иккинчидан, бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, аҳолининг фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини, ҳар қандай таҳдид ва тажовузлар, фавқулоддаги вазиятлардан ҳимояланганлигини таъминлаш учун барча давлат органлари биргаликда жавобгар эканлигини кундалик фаолиятида ҳис қилиб туради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5633-сон Фармони, 17.01.2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5700-сон Фармони, 02.04.2019.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3182-сон қарори, 08.08.2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4102-сон қарори, 08.01.2019.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 536-сон қарори, 23.08.2021.
6. Холов А.Х. Секторлар фаолиятида уюшмаган ёшлар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш//“Ёшлар келажак бунёдкори” шиори остида “Уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги II халқаро илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами (2018 йил, 4-5 июнь). –Т.: “Ёшлар” нашриёт уйи, 2018. –Б.178-182.
7. Холов А.Х. Республика худудларида “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил этиш. Услубий қўлланма/Тузувчилар жамоаси. –Т.: “Akademiya” нашриёти, 2021. –Б.46.

ХУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ НОТЕКИСЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ПРОГНОЗЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

*Оттажанов Умид Абдуллаевич, и.ф.д., проф.,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Аннотация. Мақолада худудларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши, мавжуд номутаносибликлар, иерархиянинг турли даражаларида бошқарув қарорларини шакллантириш ва қабул қилишнинг самарасиз тизими, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нотекислигини баҳолаш ҳамда прогнозлашнинг концептуал механизми ва унинг ишлаш босқичлари баён этилган.

Таянч сўзлар: номутаносиблик, иерархия, математик моделлаштириш, минтақавий сиёсат, концепция.

Худудларнинг ижтимоий ривожланишининг турли хиллиги деярли барча йўналишларда кузатилмоқда, шу билан бирга, худудий тизимларнинг сезиларли иқтисодий номутаносиблиги ҳам мавжуд. Бундан ташқари, саноат ишлаб чиқариши таркибида сезиларли хилма-хиллик ва алоҳида тармоқларнинг ривожланиш суръатларида катта фарқлар мавжуд. Бу мамлакат иқтисодий тизимининг беқарорлик хавфи ва эҳтимолини сезиларли даражада оширади. Натижада, халқаро савдо бозорларида рақобат босимини оширади, саноат ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига ва глобал минтақавий комплекслар тизимида самарасизликка олиб келади⁸⁰.

Худудлар ривожланишидаги мавжуд номутаносибликлар сифат менежменти шарти билан реципиент-худудларнинг ҳозирги ҳолатини яхшилашга тўртки бўлиб, уларнинг фаолият жараёнларига динамизм олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, турли даражали иерархиядаги бошқарув қарорларини шакллантириш ва қабул қилишнинг самарасиз тизими туфайли бундай жараёнлар худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражалари орасидаги фарқни ошириши мумкин⁸¹. Шу боис, худудларнинг

⁸⁰ Gavkalova, N., Shums`ka, G. and Vlasenko, T. (eds): Ensuring regional development ecological society means creating a systematic basis synthesized capital. –Kharkiv: KhNEU, 2015.

⁸¹ Caselli, F. and Coleman, W.J. (2001) “The US structural transformation and regional convergence: A reinterpretation”. Journal of Political Economy, 109, 584-616.

ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекислигини баҳолаш ва таҳлил қилиш алоҳида долзарблик касб этади, шунингдек, илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий-математик моделлаштириш нуқтаи назаридан батафсилроқ асослашни талаб қилади.

Шу муносабат билан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекислигини комплекс математик моделлаштириш минтақалар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланишини таъминлайдиган минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан долзарбдир. Бундан ташқари, минтақавий бошқарув амалиётида субъектларнинг хилма-хиллиги, мураккаблиги ва кўп қиррали вазифалари туфайли ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекислигини баҳолашнинг ягона ва умумэтироф этилган методологияси мавжуд эмас⁸².

Шу боис, тадқиқотнинг мақсади кўп ўлчовли объектларни иқтисодий-математик моделлаштириш усуллари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги нотекисликни баҳолаш ва прогнозлаш моделлари мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, бу шаклланиш ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни бошқаришда қарорлар қабул қилиш сифатини ошириш имконини беради. Энг умумий шаклда, ҳар қандай тизим кириш ва чиқиш таъсирини ўзгартирувчидир. Ушбу трансформация қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$R: X \sim C > Y, \quad (1)$$

Бу ерда: R – глобал таъсир натижаси; X – кириш таъсирлари тўплами; C – тизим ҳолатлари тўплами; Y – тизимнинг дастлабки таъсирлари ёки жавоблари тўплами.


Буларнинг барчаси мавжуд воситаларни таҳлил қилиш ва такомиллаштирилган моделларни ишлаб чиқиш асосида тадқиқот мақсадига эришиш мантиғини акс эттирувчи тадқиқотнинг концептуал схемасини қуришни белгилайди⁸³. Тадқиқотнинг концептуал схемасини қуриш “концепция” тушунчасини таҳлил қилиш ва концептуал схема таркибий қисмларининг характерли хусусиятларини танлашни талаб қилади. Демак, “концепция” илмий тадқиқотнинг марказий тизимини ташкил этувчи элементи бўлиб, уни аниқловчи концептуал қоидалар ва бошқа конструкциялар концепциянинг таркибий элементлари ҳисобланади. Ўтказилган тадқиқотлар доирасида ҳудудларнинг нотекислигини баҳолаш асосларининг концептуал механизми ишлаб чиқилган.

Қуйидаги расмда келтирилган концептуал механизмга кўра, таклиф этилаётган модель мажмуасини амалга ошириш имконини берадиган асосий усуллар фазовий статистик таҳлил, кўп ўлчовли таҳлил, маълумотлар фанлари ва адаптив прогнозлаш усуллари ҳисобланади.

⁸² Rey, S.J. and Janikas, M.V. (2005): “Regional convergence, inequality, and space”. *Journal of Economic Geography*, 5, 155-176.

⁸³ Кузнецова О.В. Экономическое развитие регионов: теоретический и практический аспекты государственного регулирования. –М., 2007.

Биринчи блокда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг дастлабки таҳлили нафақат минтақавий миқёсда, балки халқаро рейтинглар бўйича ҳам амалга оширилиб, улар бошқа мамлакатлар, географик қўшнилар ва уларнинг ушбу соҳадаги ривожланиш рейтинги бўйича таққосланади.



Худудларнинг нотекислигини баҳолаш асосларининг концептуал механизми⁸⁴

Иккинчи блок кўп ўлчовли таҳлил усуллари асосида минтақалар ривожланиши нотекислигини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун моделлар мажмуасидан фойдаланишни назарда тутди. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

⁸⁴ Манба: муаллиф ишланмаси.

1-модел – минтақаларни ривожланиш синфлари бўйича гуруҳлаш модели, бу кластер таҳлили усулларида фойдаланган ҳолда минтақаларни таснифлаш моделини қуришни ўз ичига олади, хусусан:

тадқиқот натижаларини турли хил ассоциация қоидаларига мувофиқ таққослаш ва кластерларга тақсимлашни дендограмма бўйича баҳолаш;

объектларни такрорий к-воситалари усули бўйича таснифлаш, кластер белгиларини аниқлаш.

2-модел – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нотекислигининг репрезентатив кўрсаткичлари юқларини тўлиқ бўлмаган қисқартириш ва омилларни таҳлил қилиш усуллари билан баҳолаш модели, яъни:

кумулятив дисперсия ва нотекисликни таҳлил қилиш ёрдамида асосий компонентларнинг минимал зарур сонини аниқлаш;

омиллар юқламаларининг қийматларини таҳлил қилиш, шунингдек, нотекислик жараёни даражасига таъсир қилувчи яширин омилларни аниқлаш.

Моделнинг якуний мақсади янги омиллар сонини яратиш ва нотекис минтақавий ривожланиш ахборот кўрсаткичларининг қисқартирилган тизимини шакллантиришдан иборат.

3-модел – тасниф “дарахт”лари асосида ҳудудларнинг нотекис ижтимоий-иқтисодий ривожланиши синфини тан олиш модели, яъни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш синфларига ажратишнинг мантиқий қоидаларини шакллантириш.

Учинчи блокда минтақалар ривожланишининг нотекислик даражаси таркибий қисмларини прогнозлаш моделлари таклиф этилади. Маълумотларни прогнозлаш экспоненциал текислаш усуллари ва Хольт моделидан фойдаланган ҳолда вақт қаторларини қисқа муддатли прогнозлашнинг танланган мослаштирилган моделини қуришга асосланган. Башоратли маълумотларга асосланган синфни танлаб олиш яратилган тасниф қоидасига асосланади.

Учинчи блокнинг якуний босқичи ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекислигини тенглаштириш ва таклиф этилаётган моделлар тўпламининг самарадорлигини баҳолаш бўйича бошқарув қарорларини шакллантиришдан иборат. Таклиф этилаётган намунавий комплексни амалга ошириш минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг нотекислигини баҳолаш учун индикатив кўрсаткичлар ва муҳим омилларнинг бирламчи таҳлилинини ўз ичига олади. Ушбу омиллардан бири ташқи муҳитни баҳолаш бўлиб, ҳудудларнинг бошқа хорижий давлатлар минтақалари билан алоқадорлиги, чегарадошлигини ўз ичига олади.

Адабиётлар:

1. Gavkalova, N., Shums`ka, G. and Vlasenko, T. (eds): Ensuring regional development ecological society means creating a systematic basis synthesized capital. –Kharkiv: KhNEU, 2015.

2. Caselli, F. and Coleman, W.J. (2001) "The US structural transformation and regional convergence: A reinterpretation". *Journal of Political Economy*, 109, 584-616.
3. Rey, S.J. and Janikas, M.V. (2005): "Regional convergence, inequality, and space". *Journal of Economic Geography*, 5, 155-176.
4. Кузнецова О.В. Экономическое развитие регионов: теоретический и практический аспекты государственного регулирования. –М., 2007.

ХУДУДЛАРНИНГ НОТЕКИС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Байхонов Баходиржон Турсунбаевич, и.ф.д., проф.,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Аннотация. Мақолада худудларни нотекис ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсати, унинг мазмун-моҳияти бўйича хорижий олимларнинг фикр-мулоҳазалари, нотекис ривожлантиришнинг олдини олишга оид хорижий тажрибалар ҳамда уни бартараф этиш йўллари баён этилган.

Таянч сўзлар: худуд, иқтисодий ривожланиш, нотекис ривожланиш, номарказлаштириш, дескриптив таҳлил.

Худудларни нотекис ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсати давлатларнинг ўз худудини бошқариш сиёсатига киради. Унинг ёрдами билан давлатлар жамият ва фаолиятни "худудларга ажратадилар" ҳамда уларнинг ривожланишини бошқарадилар. XX асрда худудий сиёсатга турлича ёндашувлар ва уларнинг комбинацияси турли мамлакатларда муаммо сифатида аниқланган масалага, унинг қандай юзага келгани ва уни бартараф этишда қандай чоралар энг муваффақиятли бўлганига қараб қўлланилган. XXI асрга келиб, худудий сиёсатни ўрганиш ва тушуниш муайян сиёсат ҳамда воситаларни амалга ошириш билан узвий боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Бу борада Mikhnenko ва Wolf фикрларига кўра, давлат/макон назариясини ишлаб чиққан ижтимоий тадқиқотчилар замонавий капитализм шароитида Европада нотекис географик ривожланиш кучайганлигини таъкидлайдилар⁸⁵. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, "Кейнсча фаровонлик" таъминланган давлатлар учун нотекис географик ривожланиш иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлиб, уни енгиб ўтиш учун давлатлар худудий ривожланиш ва қайта тақсимлашнинг турли сиёсатларидан, хусусан, "фазовий кейнсчилик" деб аталадиган сиёсатдан фойдаланадилар.

Давлат/макон назариясининг энг машҳур вакилларида бири Brenner фикрича, кейнсчиликнинг таназзулга учраши ва неолиберал ислохотларнинг бошланиши билан давлатларнинг роли ва имкониятлари ўзгариб бормоқда⁸⁶. Нотўғри ривожланиш тўсиқ сифатида эмас, балки капитал учун рақобат

⁸⁵ Mikhnenko, V. and Wolf, M. (2019) Uneven spatial development in Europe in 1980-2015. *Common: Journal of Social Criticism*, 12.

⁸⁶ Brenner, N. (2004) *New State Spaces: Urban Governance and the Rescaling of Statehood*.

шароитида кейинги иқтисодий ўсишнинг зарурий шарти сифатида кўрилади бошланди. Янги сиёсат механизми давлат ҳокимиятини “қайта кўпайтириш” эди, бунда асосий даража аввалгидек миллий эмас, балки ҳудудий ёки маҳаллий бўлиши назарда тутилади.

Бу борада Jessop бу шунчаки “маҳаллий”ликнинг ифодаси эмас, балки “иқтисодий ва ижтимоий сиёсатда фазовий ўлчовларнинг нисбийлашуви ёки юқорига (европалаштиришдан олдин), пастга (номарказлаштириш) ва ён томонга (жамоат орқали – хусусий шериклик) бўлинишини таъкидлайди”⁸⁷. Бу эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги кунда ҳудудлар ривожланишининг ишончли таҳлилини амалга ошириш учун катта сонлар миқдоридан фойдаланиш лозимлигини тасдиқлайди.

Ҳудудлар нотекис ривожланишининг олдини олиш учун, биринчи навбатда, юқоридан марказлаштиришга барҳам бериш мақсадга мувофиқдир. Номарказлаштириш ислоҳоти ваколатлар ва бюджет устидан назоратни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишни назарда тутди. Фикримизча, бу ижобий таъсир кўрсатади, чунки жамоаларга мустақил фаолият юритиш ва ўз аҳолисига қандай қилиб энг яхши хизмат кўрсатишни аниқлаш имкониятини беради. Шу билан бирга, у турли жамоаларнинг яшаш жойидан қатъи назар, бир хил сифатли давлат хизматларини кўрсатиш қобилияти билан боғлиқ маълум хавфларни ҳам ўз ичига олади.

Мавзу доирасида қўйилган мақсадга эришишда амалга оширмакчи бўлган таҳлилий жараёнларнинг аниқлигини текшириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари иқтисодиётига тақсимланган инвестиция ва мавжуд ишлаб чиқариш ҳисобидан яратилаётган Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг жон бошига ўзгариши билан улар ўртасидаги тафовут ўзгаришининг таҳлили амалга оширилди.

Ҳудудларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларининг дескриптив таҳлили⁸⁸

Кўрсаткичлар /йиллар	Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, млрд сўм		Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, минг сўм		Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар, минг сўм	
	2010	2019	2010	2019	2010	2019
Ўртача	4378,8	31220	2247,2	14211,7	601,4	6419
Медиана	4247,5	29796,1	1871,8	10873,9	305,55	4936,4
Экспесс	- 0,6	2,9	2,2	3,9	1,8	2,6
Интервал	7129,1	64049,9	3592,7	28765,9	1745,8	15520,6
Минимум	1549,4	10477,7	1214,7	8353,6	206,8	2465,1
Максимум	8678,5	74527,6	4807,4	37119,5	1952,6	17985,7
Жами	61303,1	437080,2	31461	198964,2	8419,8	89866

⁸⁷ Jessop, B. (2008) State Power: A strategic–Relational Approach.

⁸⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

Бунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2010-2020 йиллардаги асосий макроиктисодий статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда дескриптив таҳлил ўтказилди. Жадвал маълумотларига асосан, Ўзбекистон Республикасининг ЯҲМ ҳажмининг ўртача қийматлари бўйича 2010 йилга эътибор қаратиладиган бўлса, бу даврда ўртачадан юқори кўрсаткичлар 5 та вилоят (Бухоро – 4437,1 млрд сўм, Қашқадарё – 6602,0 млрд сўм, Самарқанд – 6219,7 млрд сўм, Тошкент – 7203,9 млрд сўм, Фарғона – 5113,4 млрд сўм) ва Тошкент шаҳрида (8678,5 млрд сўм) кузатилди. 2019 йилда эса, 31220,0 млрд сўм ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган ҳудудлар сони 7 та ҳудудни (вилоятлар: Андижон – 32897,2 млрд сўм, Қашқадарё – 36470,1 млрд сўм, Навоий – 36685,2 млрд сўм, Самарқанд – 37593,9 млрд сўм, Тошкент – 50117,8 млрд сўм, Фарғона – 32943,3 млрд сўм ва Тошкент шаҳри– 74527,6 млрд сўм) ташкил этди.

Экссесс коэффицентларнинг фарқига (2,3) кўра, 2019 йилда 2010 йилга нисбатан ЯҲМ ҳажмининг ўсиши ўткир бурчакни ташкил этиб, унинг юқори қиймат асосида 2010 йилга нисбатан 26841,2 млрд сўмга ошганлигини кўриш мумкин.

Танлаб олинган даврда ЯҲМ ҳажмининг минимум ва максимум қийматлари ўртасидаги фарқларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 8928,3 млрд сўмга ошиб, 10477,7 млрд сўмга тенг бўлган. Сирдарё вилоятида энг кам ЯҲМ ҳажми қайд этилган бўлса, энг юқори кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 2019 йилда 65849,1 млрд сўмга ошиб, Тошкент шаҳрида (74527,6 млрд сўм) қайд этилган. Жами кўрсаткич қийматлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2010 йилда 8419,8 млрд сўм ва 2019 йилда эса 89866,0 млрд сўмга тенг бўлган.

Таҳлил натижаларидан хулоса қилинадиган бўлса, сўнгги йилларга нисбатан ўзгаришлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, буни Тошкент шаҳри пойтахт эканлиги ва у ерда яшаш шароитининг юқорилиги, Навоий вилоятида “эркин иқтисодий зона” мавжудлиги ва бошқа вилоятларга нисбатан аҳоли сонининг камлиги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида сўнгги даврларда янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши жадаллашгани билан изоҳлаш мумкин.

Жаҳон бозорларидаги қулай мавқе, макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш истеъмол кредитлари ҳамда ипотека кредитлари ҳисобидан молия ва банк каби бошқа тармоқларнинг ривожланишига олиб келди. Бироқ, турли вилоят ва шаҳарларда хизмат кўрсатиш ҳамда қурилишнинг ривожланиши нотекис бўлганлиги учун иқтисодий ўсиш нотекис тақсимланди. 2021 йилгача ҳудудий ривожланиш бўйича юқорида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, макроиктисодий ўсиш ҳудудий тафовутларни камайтиришга ижобий таъсир кўрсатмагани ва бир нечта қудратли

худудларда иқтисодий салоҳиятнинг концентрацияси билан тавсифланганлиги қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тенглаштириш чоралари сифатида субсидия тизими орқали бартараф этиш сиёсатидан “ўсиш кутбларини” қўллаб-қувватлаш сиёсатига ўтиш лозим. Бундай кутблар иқтисодий ўсишнинг ҳозирги мономарказлашувига тўсқинлик қилади ва минтақалараро иқтисодий ҳамкорлик орқали мамлакат бирлигини таъминлаш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Mikhnenko, V. and Wolf, M. (2019) Uneven spatial development in Europe in 1980-2015. *Common: Journal of Social Criticism*, 12.
2. Brenner, N. (2004) *New State Spaces: Urban Governance and the Rescaling of Statehood*.
3. Jessop, B. (2008) *State Power: A strategic-Relational Approach*.

THE CHINA'S BRI, ECONOMIC CORRIDORS AND ITS IMPACTS ON THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES

*Ramazan Uctu*⁸⁹,
*Ahmet Şahbaz*⁹⁰,
*Hassan Essop*⁹¹

Abstract. The aim of this study is to analyze the economic corridor formed within the scope of Belt and Road Initiative (BRI) and the effect of BRI on Central Asian nations. This initiative has a huge impact on both a regional and global scale. The Central Asian nations, which gained their independence in the early 1990s, have quite a lot of economic relations with China. For this reason, the economic relations between these countries and the investments made within the scope of BRI have significant effects on Central Asian countries.

Keywords: China's Belt and Road Initiative (BRI), Economic Corridors, Central Asia.

Introduction. China has long been a major force in the world's economic and political affairs (Viktoriia, 2016; Melnikovova, 2020). However, in an attempt to strengthen its position in the East given increasing competition from western nations and countries such as India, China introduced its Belt and Road Initiative (BRI) in 2013. Within the BRI, Central Asian nations play an important role due to their strategic location and abundant natural resources (Viktoriia, 2016; Melnikovova, 2020). For the aforementioned reasons, the resource rich Central Asian nations offer the possibility of acting as a transit corridor between China and Europe, effectively linking east to west and north to south via land routes. In this regard, the BRI can potential assist the Central Asian nations in achieving one of their

⁸⁹ORCID ID: 0000-0001-5189-5762, Department of Business Administration, American University of Iraq-Sulaimani, Iraq & Department of Economics, Stellenbosch University, South Africa.

⁹⁰ORCID ID: 0000-0001-8355-5367, Department of Public Finance, Necmettin Erbakan University, Turkey.

⁹¹ORCID ID: 0000-0003-2893-801X, Department of Economics, Stellenbosch University, South Africa.

major goals, namely improving regional transportation connectivity and developing the region into a hub for international trade (Viktoriia, 2016).

Through the BRI, China aims to achieve several objectives. These include, but are not limited to, becoming a part of the system of regional economical and political decision making, potentially helping Central Asian countries become more independent in terms of external (Western) influence and to expand Chinese cultural and economic influence in the Central Asian region (Serikkaliyeva, 2019). Having said that, China's relations with Central Asian states have evolved over the past two decades, especially given the impact Chinese investments has had on the region (Serikkaliyeva, 2019; Melnikovova, 2020; Taliga, 2021). Chinese interest stems mainly from economic motivations, such as the search for new markets and access to natural resources in Central Asia. As a result, China has become the most important commercial partner and investor of Central Asian countries (Serikkaliyeva, 2019; Melnikovova, 2020). At the end of 2020, China invested approximately \$ 40 bln in Central Asia (www.eurasian-research.org accessed on 20 April, 2023), with most of the investment occurring in the energy sector followed by the chemical, real estate, transport and metal sectors.

The study uses a comparative analysis of the Central Asian nations and China as well as literature-based research methodology to address these topics. A qualitative research methodology was used due to the nature of the study because it allows for a deeper grasp of the subject matter. To conduct economic and investment analyses between the Central Asian nations and China, data on indicators used from some research websites including the institutions of the Central Asian nations.

The remainder of this paper is structured as follows: Firstly, Section 2, discusses the China's BRI, economic corridors followed by the economic and investment analyses between the Central Asian countries and China and potential impact on Central Asian nations are conducted in Section 3. The challenges and risks for Central Asia under the BRI are discussed in section 4 and in the last section, we conclude the research.

Brief of the China's BRI and Economic Corridors

The Chinese government introduced a project, known as BRI⁹², to the international community during President Xi's visit Kazakhstan in 2013 (Fulton, 2016; Serikkaliyeva, 2019; Garlick, 2020; Hoque and Tama, 2020; Cinar, 2021; Azer, Min and Ülker, 2021; Taliga, 2021). The project has identified as the most important Central Asian policy development in recent years. Broadly, the BRI officially aims to expand China's economic and political influence around the world through strengthening the land and sea connections between China and major Eurasian and African nations with infrastructure development, trade, and investment (Shen, 2018; Serikkaliyeva, 2019; Hoque and Tama, 2020; Cinar, 2021; Yilmaz, 2022).

⁹² BRI, the Belt and Road Initiative, is also known as One Belt and One Road (OBOR) and the New Silk Road (NSR).

As of March 2022, 148⁹³ countries have signed a MoU to be part of the BRI with China (Nedopil, 2022). The BRI countries are spread across all continents; 44 Sub-Saharan Africa countries, 35 Europe and Central Asia (including 18 European Union (EU) member countries), 25 East Asia and the Pacific countries, 21 Latin America and the Caribbean countries, 18 Middle East and North Africa countries, and finally 6 South East Asia countries are part of the BRI (Nedopil, 2022). With 65 % of the world's population, the majority of these countries remain less developed (Yilmaz, 2022). In addition, BRI has partnerships with more than 30 international organizations, including the World Bank, IMF, and UN (Oakes, 2021; Yilmaz, 2022).

The Silk Road Economic Belt and the 21st Century Maritime Silk Road are the two essential factors of the BRI. The Silk Road Economic Belt primarily comprises of investments that have been made along an overland route from China to Central Asia, Russia, and Western Europe. This has sparked the idea of the recreating the historical Silk Road which primarily connected Asia and Europe. The “maritime road,” or 21st Century Maritime Silk Road, refers to Chinese influence along the sea route into Southeast Asia and India, the Middle East and Eastern Africa (Garlick, 2020; Oakes, 2021).

China's growth strategy emphasizes the importance of viewing development in terms of economic corridors. These six economic corridors cover a vast area of the world that is abundant in resources and energy, and they serve as the foundation for the strategic plan for the BRI (Fulton, 2016; Haitas, 2018; Hoque and Tama, 2020; Azer, Min and Ülker, 2021); the New Eurasian Land Bridge Economic Corridor, the China, Mongolia, Russia Economic Corridor, the China, Central Asia, and West Asia Economic Corridor, the China Indochina Peninsula Economic Corridor, the China, Pakistan Economic Corridor, the China, Bangladesh, India, and Myanmar Economic Corridor. These corridors serve their own geopolitical objective for China, and as a whole clearly show Chinese desire to increase its presence in Eurasia (Fulton, 2016). For the purpose of funding the projects in BRI, two financial institutions were established. 40 bln US dollars were invested in the Silk Road Fund and the Asian Infrastructure Investment Bank (AIIB) (Azer, Min and Ülker, 2021). Between 2013 and 2020, the overall value of commerce between China and BRI countries has increased to US \$ 9,2 trln, and Chinese businesses have invested a total of US \$ 136 bln in these nations (www.china-briefing.com accessed on 8 April, 2023). The Central Asian route's popularity originates from China's growth. As previously stated, the BRI's two key land economic routes for Central Asia are as follows: The China, Central Asia, and West Asia Economic Corridor and the New Eurasian Land Bridge Economic Corridor.

The New Eurasian Land Bridge Economic Corridor is a transportation route that connects Central and South Asia to Europe. The China, Central Asia, and West Asia Economic Corridor, on the other hand, connects China with the Arab

⁹³ According to the website, 149 countries had signed MoUs, including Palestine, which is not recognized as an independent country by the UN.

Peninsula. It passes through five Central Asian countries and 17 West Asian countries (Serikkaliyeva, 2019).

Economic and investment analyses between the Central Asian Countries and China

Central Asian countries have, throughout history, a strategic geographical importance for world trade and especially as link between east and west. Moreover, China is a very important country for Central Asian countries given its economy's size and China's political influence. Not surprisingly, China is most Central Asian countries' dominant trading partner, and it is important to keep this context in mind when considering the economic relations between China and the Central Asian countries.

In terms of demographics, the total population in Central Asia is approximately 76,52 mln which amounts to nearly 1 % of the total world population. Table-1 shows that the most populous country in Central Asia is Uzbekistan, with a population of over 34,92 mln people. Kazakhstan is ranked the second largest state by population with 19 mln people. The third largest population belongs to Tajikistan (9,75 mln), followed by Kyrgyzstan with 6,69 mln, while Turkmenistan has the lowest population (at just under 6,16 mln people).

Table-1 also provides key economic indicators of Central Asian countries. Combined, the five Central Asian nations have a GDP of nearly 329 bln US \$. The comparative economic activity of each country varies greatly, with Kazakhstan's GDP of 197,1 bln USD being more than 21 times greater than that of Kyrgyzstan at 8,543 bln USD. In terms of the GDP growth, Kyrgyzstan has the highest growth rate per annum at 9,4 % followed by Tajikistan with 7,8 %.

In terms of unemployment, each Central Asian country seems to fare reasonably well. Table-1 also shows the unemployment rate of the countries. Kyrgyzstan has the lowest rate with 2,7 % whereas Uzbekistan has the highest rate with 9,6 %.

Table-1. Economic Indicators of Central Asian Countries (2021)

Country	GDP (USD bln)	GDP per capita (US \$)	GDP growth rate	Unemployment	Population (mln)
Kazakhstan	197,1	11,298	3,2	4,8	19
Kyrgyzstan	8,543	1,123	9,4	2,7	6,692
Tajikistan	8,746	1,280	7,8	7,8	9,75
Turkmenistan	45,23	7,422	6,2	4,3	6,158
Uzbekistan	69,24	3,328	5,7	9,6	34,92

Source: Authors' construction based on data from Trading Economics (<https://tradingeconomics.com/> accessed on 8 April, 2023). The data for Turkmenistan was only available for 2019

As summarized in Table-2, China is Central Asia's main trading partner, despite the region's low ranking among China's economic partners (it contributes about 1 % of China's total imports and exports, respectively). According to the

table below, China is Turkmenistan's greatest trading partner by exports and Kyrgyzstan and Uzbekistan's largest trading partners by imports in 2019, according to the official statistics of each nation.

Table-2. China's Export-Import with Central Asian Countries (2019)

China's role as Central Asia's Most Important Trading Partner						
Countries	Importing from China			Exporting to China		
	China's ranking as a trading partner	Trade volume (US \$ mln)	Share in the country's total imports (%)	China's ranking as a trading partner	Trade volume (US \$ mln)	Share in the country's total exports (%)
Kazakhstan	2	6,537	17,0	2	7,823	13,6
Kyrgyzstan	1	1,733	35,4	6	81	4,1
Tajikistan	3	605	18,2	5	55,4	5,0
Turkmenistan	3	431	14,3	1	8,686	80,2
Uzbekistan	1	5,052	23,1	3	1,768	12,3

Source: Authors' construction based on data from www.china-briefing.com, last accessed on 8 April, 2023

As shown in Table-3, Kazakhstan, Tajikistan, and Uzbekistan's trade with China grew the fastest at more than 50 % between 2015 and 2019, with exports from Central Asian nations to China increasing by 35 % from US \$ 15,054 mln to US \$ 20,276 mln.

Table-3. Trade in Goods: Exports from Central Asian countries to China (2015-2019)

Exports from Central Asian countries to China (US \$ mln)						
Countries/ years	2015	2016	2017	2018	2019	Growth rate (2015-2019, %)
Kazakhstan	5,849	4,805	6,379	8,530	9,259	58
Kyrgyzstan	59	71	87	54	66	13
Tajikistan	52	31	47	77	84	62
Turkmenistan	7,828	5,563	6,575	8,119	8,686	11
Uzbekistan	1,267	1,607	1,471	2,324	2,181	72
Total	15,054	12,078	14,559	19,104	20,276	35

Source: Authors' construction based on data from www.china-briefing.com, last accessed on 8 April, 2023

China's exports of commodities to countries in Central Asia rose by 49 % during the same period, from US \$ 17,563 mln to US \$ 26,207 mln. Between 2015 and 2019, Uzbekistan's purchases from China increased by 126 %, while Tajikistan's and Turkmenistan's exports of commodities from China declined (Table-4).

Impact and Challenges of the BRI on Central Asian Countries

President Xi's announcement in Astana on September 7, 2013; He said that China and Central Asia will develop strong networks of highways, airports, and bridges, to create a strategic regional route from the Pacific Ocean to the Baltic Sea

and move towards its gradual establishment by rail and rail. He said he needed to work to improve road connectivity. A transportation network connecting East, West, and South Asia (Xinhua, 2013).

Table-4. Trade in Goods: Exports from China to Central Asian countries (2015-2019)

Exports from China to Central Asian countries (US \$ mln)						
Countries/ years	2015	2016	2017	2018	2019	Growth rate (2015-2019, %)
Kazakhstan	8,441	8,292	11,564	11,327	12,807	52
Kyrgyzstan	4,282	5,605	5,337	5,547	6,312	47
Tajikistan	1,795	1,725	1,301	1,426	1,612	-10
Turkmenistan	815	338	368	317	431	-47
Uzbekistan	2,229	2,007	2,749	3,942	5,045	126
Total	17,563	17,969	21,320	22,558	26,207	49

Source: Authors' construction based on data from www.china-briefing.com, last accessed on 8 April, 2023

Most routes from China to Europe pass through the territory of Central Asia, which is strategically located at the crossroads between Europe and Asia. For this reason, Central Asia is strategically located in a very important position. As China expands its economic reach to Europe, Central Asian countries also want to benefit beyond tolls/transit fees to improve their infrastructure facilities. So, in terms of geopolitics and geo-economics, China's major role in Central Asia is quite understandable (Serikkaliyeva, 2019; Khalid and Chawla, 2021).

Central Asia countries have a rich natural resource. In addition, China has invested billions of dollars to strengthen and develop Central Asia's infrastructure under the BRI due to its proximity to Central Asia and its long border neighborhood. Like other major powers in the world, China has huge investments in many oil and gas fields, especially in the energy sector dominated by Chinese shares, in order to keep Central Asia within its sphere of influence. After the Belt and Road Initiative, China restructured its aid and investments in Central Asia and gathered all its investments under the roof of BRI (Khalid and Chawla, 2021).

According to Laruelle (2018), about 40 % (or \$ 1,5 bln) of Kyrgyzstan's public debt and 50 % (or \$ 1,1 bln) of Tajikistan's are owed to Chinese institutions (mainly China Export-Import Bank or Exim Bank). This can be seen as a potential loss of autonomy and is a major fear shared by many countries participating in the BRI.

Today, most of the global trade is carried out by sea, while the railway maintains its importance and is the second most important type of international transport. Investments in railway and highway increase the competitiveness of countries with both cross-border and domestic transportation in Central Asia. Two of the six BRI corridors pass through the region connecting China to Europe and to Iran, and West Asia respectively. (New Eurasian Land Bridge) One of the routes of the BRI corridor connects China and Western Europe via Kazakhstan – Russia – Belarus – Poland – Germany. In short, these transport corridors are not only

facilitating Chinese exports, but also offer the closest port to China for most Central Asian economies. The World Bank reports highlight the positive impact of BRI transport projects on Central Asian countries' exports, Foreign Direct Investment (FDI) and GDP. The reduced shipping time will make the region more competitive and their country more attractive to foreign investors. This results in increased foreign direct investment and exports. Thus, the productivity of economies increases and leads to an increase in GDP.

Recent World Bank estimates of the impact of BRI on some countries indicate that both Kyrgyzstan's and Tajikistan's GDP could increase by approximately 32 %, and Kazakhstan's GDP by 21 %. Recent World Bank estimates of the impact of the BRI on some countries find that the GDP of both Kyrgyzstan and Tajikistan could rise by 32 %, while the GDP of Kazakhstan by 21 %. However, net gains will be significantly lower given the high costs of building the infrastructure. (Taliga, 2021). There are some challenges related to Central Asian countries. It is possible to list them in some detail as follows:

1. The lack of accountability and transparency: There have been serious allegations of malpractice involved in major projects in the region (Cinar, 2021). Cinar, 2021 identified this only for Kazakhstan but there are other cases elsewhere in Central Asia.

2. The lack of publicly accessible information: There is no clear communication and implementation on the BRI, which creates confusing, perhaps internationally so (Jin, 2022). In order to get detailed information on any project, the public must submit a special request to the relevant authorities. However, the latter decides what kind of information and to what extent information is shared. Moreover, trade unions do not have access to an employers' business data as most data is classified as confidential (Taliga, 2021).

3. China's goals are not development-oriented (Oakes, 2021): it's rather a means for China to gain strategic control over other countries. In addition, the implementing agencies focus more on the benefits of China without considering the concerns of local governments, communities and companies (Jin, 2022).

4. The aid dependency trap (Ciborowski, et al. 2021; Akmoldoev, 2022): Garlick (2020) is clear that the "Silk Road" concept is a method that China is using to improve its global image (Garlick, 2020). High interest payments on loans may trap some countries in debt and make them dependent on China (a practice known as "debt trap diplomacy"). If debtor countries fail to repay the money lent, China will seize control of any strategic assets paid for by the loans, such as airports, power plants, or other vital infrastructure (Oakes, 2021). The BRI overall has been interpreted as a means for China to shift its priorities toward costly, large-scale physical infrastructure construction projects, some of which have already landed poor countries in a "debt-trap," costing China prestige and occasionally financial default on loans (Baark, 2021). Some Belt and Road countries, according to the World Bank and OECD, are politically and/or economically considered to be high risk investment destinations. China's state-owned institutions signed MoU between 2013 and 2020 to finance tens of billions of dollars to many countries. China

investing in these countries left the idea of China taking advantage of global financial systems (Oakes. 2021; Umbach, 2022).

Conclusion. The importance of the BRI for both the Chinese government as well as the Central Asian nations cannot be overstated. Already, the value of Chinese investments is growing, with selected sectors in Central Asia benefiting from these investments. There are, however, clear areas of concern. Firstly, the Chinese government's aim does not centrally focus on the economic development of the Central Asian nations. If the latter group of countries do not maximise the benefits of these investments and limit the extent to which China controls the agreements, the latter investments will not significantly change the domestic economies. One case in point here and which requires much additional study, is the lack of access to Chinese markets. Secondly, it is clear that Chinese has strategic aims with their investments, especially in the energy sector. Central Asian countries must ensure that the Chinese government's strategic aims do not cause internal conflict in the future. Thirdly, Central Asian nations must make all investments, debt contracts and other agreements publicly available. This clause alone will potentially assist greatly in reducing the dominance of China in the BRI set-up as China would not be able to unduly exert "soft power" on Central Asian nations.

References:

1. Akmoldoev, Kiyalbek (2022). "How realistic is Belt and Road Initiative for Kyrgyzstan and Central Asian Countries?" *Ordnungspolitische Diskurse* no. 2022-5, *Ordnungs Politisches Portal (OPO)*, Erfurt.
2. Azer, Özlem Arzu, Wei Min, and Yasemin Ülker (2021). "The Strategic Importance of the "Belt and Road Initiative" Connectivity with the "Middle Corridor" Program in Turkey. *Güvenlik Bilimleri Dergisi* 10(2): 543–566. doi:10.28956/gbd.1028717.
3. Baark, Erik (2021). "China's International Technology Standards Strategy and the Digital Silk Road." [https://research.nus.edu.sg/eai/wp-content/uploads/sites/2/2022/07/EAIBB -No.-1604-China-Standards-and-Digital-Silk-Road-2.pdf](https://research.nus.edu.sg/eai/wp-content/uploads/sites/2/2022/07/EAIBB-No.-1604-China-Standards-and-Digital-Silk-Road-2.pdf) accessed on 16 November, 2022.
4. Ciborowski, Robert, Ewa Oziewicz and Sylwia Pangsy-Kania (2021). "The Belt and Road Initiative – Shared Development or a Threat for the World Economy?" *European Research Studies Journal* XXIV (1): 364–381.
5. Cinar, Müge (2021). "The China-Central Asia-West Asia Economic Corridor of the Belt and Road Initiative's Economic Impact on Kazakhstan." *SocArXiv* 3a6d9, Center for Open Science. <https://osf.io/download/60f9ab17a13c600193b09d65/> accessed on 5 April, 2023.
6. Fulton, Jonathan (2016). "An Analysis of Two Corridors in China's One Belt One Road Initiative: China-Pakistan and China Central-West Asia." in *Proceedings of International Conference on Inter-Regional. Connectivity: South Asia and Central Asia at: GC University, Lahore, Pakistan.*
7. Garlick, Jeremy (2020). "The Regional Impacts of China's Belt and Road Initiative." *Journal of Current Chinese Affairs* 49(1): 3–13.
8. Haitas, Daniel (2018). "Ukraine and China's Belt and Road Initiative." *Herald of Lviv University of Trade and Economics* 6: 232–238, <https://journals-lute.lviv.ua/index.php/visnyk-law/article/view/690> accessed on 2 November, 2022.
9. Hoque, Md.M. and Riffat A.Z. Tama (2020). "China's Belt and Road Initiative: Global Politics and Implications." *European Scientific Journal* 16(31): 279–299. <https://doi.org/10.19044/esj.2020.v16n31p279>.
10. Jin, Fang (2022). "The Belt and Road Initiative: Progress, Problems and Prospects. Center

- for Strategic & International Studies.” <https://www.csis.org/belt-and-road-initiative-progress-problems-and-prospects> accessed on 29 October, 2022.
11. Khalid, Iram and Muhammad I. Chawla (2021). “China’s BRI: Regional Prospects and Implications.” *Psychology and Education Journal* 58(1): 4229–4235.
 12. Laruelle, Marlene (2018). “China’s Belt and Road Initiative and its impact in Central Asia”. Washington, D.C.: The George Washington University, Central Asia Program. https://centralasiaprogram.org/wp-content/uploads/2017/12/OBOR_Book_.pdf accessed on 24 April, 2023.
 13. Maró, Zalan Mark, and Áron Török (2022). “China’s New Silk Road and Central and Eastern Europe – a Systematic Literature Review.” *Sustainability* 14(3): 1801–1824. <https://doi.org/10.3390/su14031801>.
 14. Melnikovova, Lea (2020). “China’s Interests in Central Asian Economies.” *Human Affairs* 30, 239-252. DOI: 10.1515/Humaff-2020–0022.
 15. Nedopil, Christoph (2022). “China Belt and Road Initiative (BRI) Investment Report.” Shanghai, Green Finance & Development Center, FISF Fudan University, <https://greenfdc.org/countries-of-the-belt-and-road-initiative-bri/> accessed on 19 June, 2022.
 16. Oakes, Simon (2021). “China's Belt and Road Initiative.” https://www.hoddereducation.co.uk/media/Documents/magazine-extras/Geography%20Review/Geog%20Rev%20Vol%2035%20No%202/GeographyReview35_2_China.pptx?ext=.pptx, accessed on 20 September, 2022.
 17. Serikkaliyeva, Azhar (2019). “The Role of the Central Asian Region in China’s New Silk Road Economic Belt Project.” *Eurasian Research Journal* 1, no.1: 66-81.
 18. Shen, Hong (2018). “Building a Digital Silk Road? Situating the Internet in China’s Belt and Road Initiative.” *International Journal of Communication* 12(2018): 2683–2701.
 19. Taliga, Harri (2021). “Belt and Road Initiative in Central Asia.” ITUC 2021. https://www.ituc-csi.org/IMG/pdf/belt_and_road_initiative_in_central_asia.pdf accessed on 5 April, 2023.
 20. Umbach, Frank (2022). “How China’s Belt and Road Initiative is faring.” <https://www.gisreportsonline.com/r/belt-road-initiative/> accessed on 3 December, 2022.
 21. Viktoriia, Semenova (2016). “The impact of China’s belt and road initiative on the Central Asian countries.” https://perepo-publikacio.unipannon.hu/id/eprint/1596/1/mtmt_Hallgato%CC%81i_ko%CC%88tet_intreakti%CC%81v_p428-466.pdf accessed on 5 April, 2023.
 22. Xinhua (2013). “Xi Suggests China, Central Asia Build Silk Road Economic Belt.” September 7, 2013. <https://en.people.cn/90883/8393079.html>. accessed: 20.04.2023.
 23. Yilmaz, Bahri (2022). “The Belt and Road Initiative and the Impacts on Turkey as a part of the Middle Corridor.” Research Division Asia, WP NR. 02. SWP-German Institute for International and Security Affairs, May, 2022.
 24. <https://www.eurasian-research.org/publication/economic-cooperation-between-central-asia-and-china/> accessed on 8 April, 2023.
 25. <https://www.china-briefing.com/news/china-and-central-asia-bilateral-trade-relationships-and-future-outlook/> accessed on 8 April, 2023.
 26. <https://tradingeconomics.com/> accessed on 8 April, 2023.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА БУ СОҲАДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

*Қурбанмурат Тапаров, Бош директор ўринбосари,
“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг босқичлари, усуллари, уни шакллантиришнинг ички ва ташқи механизмлари кўриб чиқилади.

Корпоратив бошқарувнинг асосий тамойиллари, Ўзбекистон амалиётига хос бўлган ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади, уни такомиллаштириш имкониятлари таклиф қилинади. Корпоратив бошқарув унсурларини жорий қилишда ривожланган мамлакатларнинг бошқарув стандартларини тадқиқ қилиш, корпоратив бошқарув хусусиятларини ўзида мужассам этган механизмларни ўрганиш, улар орасида, биринчи навбатда, корхоналар мулкчилиги шаклининг тузилишига эътибор қаратилиши лозим. Шунингдек, корпоратив бошқарувда қарор қабул қилиш тизими, рағбатлантириш механизми ва корпоратив назоратни жорий қилиш кабиларга аҳамият бериш лозим.

Таянч сўзлар: корпоратив бошқарув, ҳиссадорлик жамиятлари, акциядорлар, Директорлар кенгаши, корпорация, саноат корхоналари, бошқарув инфратузилмаси, мулкчилик шакллари, концептуал аппарат.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва корпорацияларни бошқариш усуллари янада такомиллашди. Корпоратив бошқарув корхоналарни бошқаришнинг нафақат замонавий фалсафасига, балки самарадорликни таъминлайдиган муҳим технологиясига айланиб улгурди.

Такомиллашган корпоратив бошқарув натижасида иқтисодий қўшилган қийматнинг сезиларли даражада ошиши, самарадорликнинг ортиши ва таваккалчиликнинг камайиши турли тадқиқотларда кузатишган. Шундай экан, бугунги кунда корпоратив бошқарув андозаларини жорий этишнинг иқтисодий жиҳатлари, корпорациялар бошқарувининг самарали тизимини шакллантириш, бошқарувнинг тамойиллари, уни тузишга таъсир этувчи омиллар каби масалалар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон корхоналарида корпоратив бошқарувни шакллантириш учун асосий шарт-шароитлар 1997-1998 йилларда бошланди ва муайян расмий-ташқилий асослар мустақилликнинг илк йилларидаёқ собиқ давлат корхоналарининг ўзгартирилиши давомида юзага келди. Аммо, шунга қарамасдан, Ўзбекистонда маҳаллий корпоратив бошқарув жараёнларининг жорий этилиши бироз олдинроққа – 1980-йилларга бориб тақалади. Ушбу жараён бугунги кунга қадар бир нечта босқичларни босиб ўтганини кузатишимиз мумкин:

Биринчи босқич 1980 йилдан 1985 йилгача давом этиб, ушбу босқичда маъмурий-бўйруқбозлик усуллари, яъни давлатнинг иқтисодий тармақлашган тарзда бошқариши макроиқтисодий ҳолатнинг ривожланишига тўсиқ бўлиши кузатилади.

Иккинчи босқичда, яъни 1987-1991 йилларда марказлашган монополлашган иқтисодий тугатилади ва корпоратив бошқарувга асос солинади. Ушбу босқичда корхоналарни бошқаришда ходимларнинг иштирокини ошириш орқали меҳнат жамоасининг ролини ошириш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда банкларнинг молиявий капиталлари ва иқтисодийнинг суғурта сектори ривожланишига йўл очилди.

Учинчи босқич 1991-1994 йилларда, яъни хусусийлаштириш жараёни билан бирга бошланиб, бу даврда бирламчи мулкни тақсимлаш амалга оширилди. Илк ҳиссадорлик жамиятлари шаклланди, лекин ҳиссадорларнинг ҳуқуқлари аниқ кўрсатиб берилмади.

Тўртинчи босқичга 1994-1998 йилларда давом этган хусусийлаштириш даврини киритиш мумкин. Бу даврда “Ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар тўғрисида”ги, “Фуқаролик кодекси”, “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, бозор инфратузилмаси шаклланди, бирламчи инвестиция фондлари, депозитарийлар, регистраторлар, аудиторлик ва консалтинг фирмалари шаклланиши билан бир қаторда, йирик хорижий компаниялар, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, қўшма корхоналар ташкил этила бошланди.

Бешинчи босқич 1998-2001 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда бутунжаҳон инқироз даври, молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, катта ҳажмдаги капиталнинг Ўзбекистондан чиқиб кетиши, корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги каби ҳолатлар натижасида мулк ва капиталларнинг тақсимланиши жараёнлари кузатилади. Буларнинг барчаси ҳиссадорларнинг ўз ҳуқуқларини англаб етиши асосида амалга оширилди. Аниқ корпорациялар мисолида корпоратив бошқарув амалга оширилиб, уларнинг ҳаммаси давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида, яъни корпоратив кодекс, ҳиссадорлик тўғрисидаги, қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйича, шунингдек, жаҳон амалиётида синалган меъёр ва усулларнинг жорий этилишидан кейин кенг қўлланила бошланди.

Олтинчи босқичга 2002 йилдан ҳозирги давргача шаклланган Корпоратив бошқарув кодекси, Корпоратив бошқарув бўйича миллий кенгаш, йирик корпорация ва компаниялар томонидан кодексларнинг жорий этилиши кабиларни мисол келтириш мумкин. Корпоратив бошқарув кодекси акциядорлик жамиятларининг ички ҳужжатларини юритиш тартибларини белгилаб бериш билан бир қаторда, акциядорлик жамиятларида бошқариш органларининг ҳам ваколатларига аниқлик киритиб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бозор ислохотларининг асосий шarti амалга оширилди, яъни мулкчилик шаклларининг ҳақиқий хилма-хиллиги таъминланиб, улар орасида ишлаб чиқариш ва тадбиркорликни ташкил этишнинг корпоратив шакли энг муҳим ва истиқболли эканлиги асосланди.

Корпоратив бошқарув субъектлари бугунги кунда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг муҳим афзалликларидан бири инвестицияларнинг кенгроқ ва хилма-хил манбаларидан фойдаланиш ҳамда молиявий ресурсларни жалб қилишнинг қулайлигидир.

Хорижий мамлакатларда амалда жорий қилинган корпоратив бошқарув моделларини тадқиқ қиладиган бўлсак, турли давлатлар доирасида қабул қилинган бошқарув моделлари ўртасидаги бир қатор фарқларни кузатишимиз мумкин. Бу фарқлар, асосан, Директорлар кенгаши ва раҳбарлар ўртасида функция ва ваколатларни тақсимлаш, бошқа манфаатдор томонларнинг иштироки даражасида намоён бўлади. Аксарият ҳолларда, корпоратив бошқарув моделлари маълум бир мамлакатда шаклланган иқтисодий вазият таъсирида шаклланади. Бунда миллий-иқтисодий муносабатлар, фонд

бозорининг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Демак, дунё мамлакатларида шаклланган корпоратив бошқарувнинг қуйидаги уч моделини мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин, булар: Америка (Англия-Америка), Германия (Европа) ва Япония моделлари.

Англия-Америка модели айрим адабиётларда “аутсайдер модели” деб ҳам юритилади ва бунда бозор назорати тизими асосий роль ўйнайди. Бу моделда акциядорларнинг ҳуқуқлари устуворлиги инкор этилмайди, назорат эса капитал бозори томонидан амалга оширилади. Модел ўзининг динамиклиги билан ажралиб туради, ва биринчи навбатда, акциядорларнинг молиявий манфаатларини қондириш назарда тутилади. Назарий жиҳатдан, Англия-Америка моделида учта асосий томонлар иштирокини кузатиш мумкин, булар: менежерлар, директорлар ва акциядорлар. Уларнинг ўзаро таъсири “корпоратив бошқарув учбурчаги” деб аталади. Ушбу модел АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Канада, Янги Зеландия мамлакатларидаги компаниялар учун хос.

Германия (Европа) ёки “инсайдер модели”. Моделнинг асосий мазмуни корпоратив назоратни йирик акциядорлар қўлида жамлаш тизимига асосланади ва банклар фаолиятида кўпроқ ақс этади. Чунки банклар корхоналарнинг мулкчилик таркибида максимал салмоққа эга бўлиб, шу билан бирга, уларнинг вакиллари Директорлар кенгашида муҳим роль ўйнайди. Корпорация муваффақиятидан манфаатдор томонларнинг ўзаро масъулиятига урғу берилади. Немис модели корпоратив бошқарув соҳасида барқарорлик стандарти ҳисобланиб, унинг Англия-Америка моделидан асосий фарқи фонд бозори корхона фаолияти ва унинг қимматли қоғозлари қийматига таъсир қилмаслигидадир. Немис моделининг асосий корпоратив субъектлари бўлиб Германия банклари, маҳаллий корпорациялар ҳисобланади. Бунда банк бир вақтнинг ўзида бир нечта ролларни бажаради. Биринчидан, у акциядор ва кредитор, қимматли қоғозлар ва облигациялар эмитенти, депозитарий ва акциядорларнинг ҳар йили ўтказиладиган йиғилишларида овоз берувчи вакил ҳисобланади. Иккинчидан, икки палатали бошқарув шакли мавжуд бўлиб, Германия корпорациялари Кузатув кенгаши ва Бошқарув кенгаши томонидан бошқарилади.

Япония модели миллий-маданий хусусиятларга асосланган бўлиб, бунда корпоратив маданият, ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳамжамият ва бирдамликнинг аҳамияти юқори баҳоланади. Миллий кадриятларга юқори эътибор қаратилади. Шу билан бирга, банкларнинг етакчи роли, молиявий ва ишлаб чиқариш тармоқларининг мавжудлиги ҳамда ходимларни умрбод ишга қабул қилиш тизими каби хусусиятлар мавжуд. Япон моделининг асосий иштирокчилари сифатида Япониядаги кўплаб корпорациялар асосий банк билан мустаҳкам алоқаларга эга бўлади. Банк корпоратив мижозларга ссуда ва облигациялар, акциялар чиқариш, жорий ҳисобварақларни юритиш билан боғлиқ хизматларни, шунингдек, консалтинг хизматларини тақдим этади. Аксарият ҳолларда, асосий банк корпорация қимматли қоғозларининг эгаси ҳисобланади. Бошқа томондан, аксарият маҳаллий корпорациялар

нафақат товарларни сотиш, балки хизматлар кўрсатишга ихтисослашган яхлит корпоратив тузилмалар билан ҳам мустақкам молиявий алоқаларга эга бўлади. Ишбилармонлик алоқалари расмий ёки норасмий бўлиши мумкин. Бундай корпорациялар “кэйрэцу”⁹⁴ деб аталади. Япония моделининг Англия-Америка моделидан асосий фарқи шундаки, унда мустақил акциядорлар корпорация фаолиятига таъсир ўткази олмади.

Қуйидаги жадвалда корпоратив бошқарувнинг юқорида келтириб ўтилган асосий учта модели ва уларнинг асосий жиҳатлари таққосланган.

Корпоратив бошқарув моделлари ва уларнинг фарқли жиҳатлари

Модел жорий этилган мамлакатлар	Америка модели	Япон модели	Немис модели
Муҳим характерли жиҳатлари	Якка тартибдаги акциядорларнинг мавжудлиги ва мустақил акциядорлар сонининг тобора ортиб бориши билан тавсифланади	Бу “банк-корпорация” схемаси бўйича акциядорлар сифатида банклар ва турли корпорацияларнинг юқори улуши билан тавсифланади	Банклар корпорациянинг узок муддатли акциядорлари бўлиб, уларнинг вакиллари доимий асосда Директорлар кенгашига сайланадилар
Ҳал қилувчи иштирокчилар	Менежерлар, директорлар, акциядорлар	Банклар, корпоратив акциядорлар	Банклар, корпорациялар ҳам акциядорлар ҳисобланади. Ходимлар қонуний равишда бошқарув таркибига киритилади
Тузилиши, (мулклар, улушлар)	Институционал инвесторлар – 60 %, индивидуал инвесторлар – 20 %	Суғурта компаниялари – 50 %, корпорациялар – 25 %, хорижий инвесторлар – 5 %	Банклар – 30 %, корпорациялар – 45%, пенсия жамғармалари – 3 %, якка тартибдаги акциядорлар – 4 %
Моделнинг афзалликлари	Фонд бозори орқали шахсий жамғармаларнинг юқори даражада мобилизацияси; инвесторларни	Сармояни жалб қилишнинг паст нархи; стратегик мақсадларга эътибор қаратилиши;	Сармояни жалб қилишнинг арзонлиги; инвесторларни узок муддатли мақсадларга

⁹⁴ “Кэйрэцу” – Япониядаги йирик молиявий-саноат гуруҳлари бўлиб, корпоратив тузилманинг эски шакли – “дзаибачу” меросхўрлари бўлиб, улар иқтисодий кластер кўринишида бир-бири билан тубдан боғланган. (<https://ru.wikipedia.org/wiki/Кэйрэцу>).

	юқори даромад келтирадиган соҳаларни излашга йўналтириш. Бизнеснинг асосий мақсади компания қийматини оширишдир	компанияларни юқори рақобатбардошликка йўналтириш; компания барқарорлигининг юқори даражаси	йўналтириш; компаниялар барқарорлигининг юқори даражаси; бошқарув ва назорат функцияларининг аниқ ажратилгани
Камчиликлари	Олинган капиталнинг юқори қиймати (юқори дивидендлар); фонд бозори томонидан активлар реал қийматининг сезиларли даражада бузилиши; бошқарув ва назорат функцияларининг аниқ ажратилмаганлиги	Инвестициялар киритишдаги қийинчилик; инвестициялар рентабеллиги ва банк томонидан молиялаштиришнинг мутлақ устунлигига етарлича эътибор бермаслик; компанияларнинг ахборот шаффофлиги пастлиги; миноритар акциядорлар ҳуқуқларига эътиборнинг камлиги	Назоратнинг ташқи воситаси сифатида фонд бозорининг аҳамиятсиз роли; капиталнинг юқори даражадаги концентрацияси ва миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига етарлича эътибор бермаслик

Хулоса сифатида таъкидлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда икки поғонали кенгашга асосланган корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1) корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашдан ташқари Кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида умумий Кенгаш фаолияти, унинг қўмиталари ва ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш талабларини Корпоратив бошқарув кодекси билан мустаҳкамлаб қўйиш;

2) Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмини Кенгаш фаолиятини баҳолаш натижаларига боғлаш ва ҳар бир аъзони Кенгашнинг умумий фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш сиёсатини қўллаш;

3) Кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларнинг нафақат минимал миқдорини таъминлаш, балки уларнинг улуши ортишини рағбатлантириш чораларини кўриш;

4) Кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ким кўрсатиши масаласига аниқлик киритиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, малакасини ошириш тизимини шакллантириш. Айни пайтда, жамиятларнинг Кузатув кенгашига мустақил аъзони ким кўрсатиши масаласи кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ,

Кузатув кенгашига номзодни кўрсатиш жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 %ига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан амалга оширилади;

5) ижроия органи (Бошқарув ва Бош директор) фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (КРІ)нинг мувозанатлашган ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларнинг умумий йиғма (интеграл) кўрсаткичнинг шаклланишидаги салмоғини белгилаш жараёнларини тартибга солиш зарур. Чунончи, халқаро амалиёт кўрсатишича, фақатгина молиявий кўрсаткичларни самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи сифатида танлаб олиш билан менежментни тўғри йўналтириш ва фаолияти самарадорлигини таъминлаш мумкин эмас. Мазкур мезонларни шакллантиришда молиявий кўрсаткичлардан ташқари, бизнес жараёнлари, мижозлар билан муносабатлар, персонални ўстириш жиҳатлари ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони, 29.10.2020.
2. Э. Метрик (Wharton School of Business), П. Гомперс ва Ж. Ишии (Harvard University) томонидан АҚШнинг 1500 та компаниялари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари (2003 йилда “Quarterly Journal of Economics” журналининг февраль сонидан нашр этилган).
3. Расулов Н.М. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида). И.ф.н. ... дисс. автореф. –Т., 2010. –Б.161.
4. Муминова Э.А. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарда модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш хусусиятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №6, 2020.
5. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлар, замонавий тенденциялар ва конвергенция имкониятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №4, 2017.
6. N. Ashurova, Sh Atamuradov. Analysis of the Venture Investment Environment in the United States, Europe and Asia and the Problems of Uzbekistan in This Region “TEST: engineering and management” USA. 2020/5/6 Vol. 83:592-600.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ФИНАНСОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА

*Кадилова Хадича Тураевна, д.э.н., проф.
Мирзахаликов Бобир Бахтиёрович, PhD,
Наманганский инженерно-технологический институт*

Аннотация. В статье рассматриваются различные дефиниции по поводу развития регионального финансового рынка. Отмечены основные препятствия в его развитии, определены основные направления формирования государственной концепции

дальнейшего развития и совершенствования регионального финансового рынка Наманганской области.

Ключевые слова: концепция, финансовый рынок, рынок денег, рынок ценных бумаг, рынок капиталов, инфраструктура финансового рынка, инвестиционные институты, инвестиционные посредники, ценные бумаги, акции, облигации, корпоративные облигации, государственные облигации, фондовая биржа, депозитарий, брокер, дилер.

Актуальность темы исследования. В последнее столетие социально-экономическое развитие человечества характеризуется усилением роли финансовых отношений в мировом хозяйстве и национальной экономике. Самые сильные потрясения и кризисы в мировой экономической жизни тесно связаны с дисбалансами в деятельности финансовых рынков. В связи с этим, развитие финансового рынка, его организация и регулирование рассматриваются как чрезвычайно важная задача во всех странах. Финансовый рынок способствует финансированию экономического роста, увеличению притока капитала, достижению макроэкономического равновесия и повышению инвестиционной активности хозяйствующих субъектов. В связи с этим, возникает необходимость широкого участия в мобилизации средств финансового рынка, а также эффективного их использования.

Основная часть. Значение термина “концепция” можно представить следующим образом: “Концепция (от лат. *conceptio* – “система понимания”): комплекс взглядов на что-либо, связанных между собой и образующих взаимосвязанную систему; определенный способ понимания, трактовки каких-либо явлений; основная точка зрения, руководящая идея для их освещения...”⁹⁵. При определенной систематизации взглядов, возможно получить ответ на вопрос “Как достичь намеченной цели?”. Иными словами, концепция позволяет выработать определенную стратегию для решения поставленной задачи. Концепция и план также соотносятся друг с другом, как стратегия и тактика. Первое указывает основное направление к достижению цели, а второе определяет конкретный перечень действий к её достижению.

В частности, в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы была поставлена цель: “Расширение финансовых ресурсов в экономике путем доведения в последующие пять лет оборота фондового рынка с 200 миллионов долларов США до 7 миллиардов долларов США. Осуществление поэтапной либерализации движения капитала, приватизация крупных предприятий и долей (акций) в них, в том числе через фондовую биржу”⁹⁶.

Одной из мер по формированию и утверждению концепции дальнейшего развития национального финансового рынка является совершенствование законодательно-правовой базы и дальнейшее

⁹⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

⁹⁶ Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы. Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28.01.2022.

формирование инфраструктуры финансового рынка. Здесь можно отметить совершенствование и дальнейшее развитие национального законодательства в сфере дальнейшего развития отечественного финансового рынка, что подтверждают принятые Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6207 от 13 апреля 2021 года “О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала” и Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы регулирования рынка капитала” №ПП-5073 от 13 апреля 2021 года, в которых была принята Программа развития рынка капитала республики в 2021-2023 годах, направленная на решение задач по дальнейшему развитию и совершенствованию финансового рынка в нашей республике⁹⁷.

Необходимо, также, отметить важность разработанной “Дорожной карты” по реализации Программы развития рынка капитала в 2021-2023 гг. В ней подробно разработаны пункты, которые необходимо выполнить для дальнейшего развития и совершенствования отечественного финансового рынка. Основными являются такие как: создание правовых основ организации деятельности национальных рейтинговых агентств в сфере рынка капитала и создание резервного центра Единого программно-технического комплекса (ЕПТК), что позволит повысить информационную прозрачность как для отечественных, так и зарубежных инвесторов.

Существующие проблемы и пути их решения. На пути развития финансового рынка можно отметить следующие проблемы:

отсутствие целенаправленной, последовательной государственной политики в области рынка ценных бумаг;

абсолютная неконкурентоспособность фондового рынка на финансовом рынке и монополия кредитного рынка (банковского кредита);

обездвиженность основного вида ценных бумаг – акций;

неиспользование возможностей “золотой” акции;

региональная гипертрофированность фондового рынка;

неэффективная система раскрытия информации о рынке ценных бумаг;

низкий уровень финансовой грамотности населения и профессиональных участников рынка ценных бумаг;

наличие контрпродуктивных норм законодательства, в соответствии с которыми сделки на вторичном рынке должны регистрироваться только организаторами торгов;

отсутствие рынка облигаций;

отсутствие национального программного продукта, который предусматривал бы многофункциональный механизм учета и хранения ценных бумаг, проведение торгов ценными бумагами, осуществление клиринговых операций на рынке ценных бумаг.

⁹⁷ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6207 “О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала”, 13.04.2021.; Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-5073 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы регулирования рынка капитала”, 13.04.2021.

Одной из основных проблем является невысокий уровень доходов населения (рис.-1)⁹⁸.



Рисунок-1. Структура доходов населения Наманганской области

Так, в ходе исследований, проведенных в процессе разработки “Концепции развития Наманганской области на 2020-2030 годы” Научно-исследовательским центром при ТГЭУ было выяснено, что наибольший удельный вес в доходах населения области занимают сельское хозяйство – 28,5 %, услуги – 13,0 %, другие доходы и денежные переводы – 34,8 %, просвещение и здравоохранение – 10,1 %. Доля доходов от производства незначительна, высока доля неофициальных доходов, она составляет – 55,2 %.

Имеются различия и в доходах сельского и городского населения. У городского населения по сравнению с сельским преобладает доля доходов по денежным переводам и доходам по аренде жилья и т.д. Расходы населения возросли на 6,9 %.⁹⁹ Отсюда вытекает вывод о низкой инвестиционной способности местного населения.

На современном этапе для активизации рынка акций практикуются сделки IPO по операциям с акциями – всеобщее первичное размещение. Если рассмотреть мировой опыт в этом направлении, то можно отметить его успешное применение (таб.-1).

По таблице видно, что данные операции позволили привлечь компаниям немалый дополнительный капитал, что способствовало их дальнейшему развитию. В республике были запланированы операции по IPO с акциями АО “Кварц”. Можно отметить, что средняя цена акций возросла с 3040 сум до

⁹⁸ Источник: 2020-2030 йилларда Наманган вилоятини ривожлантириш концепцияси. ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ. –Т., 2020. 16-б.

⁹⁹ Источник: 2020-2030 йилларда Наманган вилоятини ривожлантириш концепцияси. ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ. –Т., 2020. 16-б.

5000 сум, рост составил 64 %. Следующим субъектом открытого первичного размещения акций является АО “Джизак пластмасса”.

Таблица-1. Самые крупные сделки по операциям IPO в истории фондового рынка¹⁰⁰

№	Наименование компании	Объём привлеченного капитала	Отрасль деятельности
1.	Alibaba (Китай)	25 млрд \$ США	Интернет-торговля
2.	VISA (США)	17,9 млрд \$ США	Платежная система
3.	Enel S. p. A (Италия)	16,5 млрд \$ США	Электроэнергетика
4.	Facebook (США)	16,0 млрд \$ США	Информационные технологии
5.	General Motors (США)	15,8 млрд \$ США	Автомобильная промышленность
6.	Deutsche Telekom (Германия)	13,0 млрд \$ США	Телекоммуникации
7.	AT & T Wireless (США)	10,6 млрд \$ США	Телекоммуникации
8.	Kraft Foods (США)	8,7 млрд \$ США	Продовольственная промышленность
9.	France Telecom (Франция)	7,3 млрд \$ США	Телекоммуникации
10.	Telstra (Австралия)	5,6 млрд \$ США	Телекоммуникации

Дополнительное размещение акций АО “Джизак пластмасса” предусматривало: предлагаемое количество простых акций – 1140 246 штук; ограничение на одно лицо – 11402 штук (не более 1 % от дополнительного выпуска); ценовой диапазон – 3400-3541 сум; андеррайтер – ООО “Portfolio Investments” (таб.-2, рис.-2).

Таблица-2. Динамика изменений чистой выручки и чистой прибыли по АО “Джизак пластмасса” за 2014-2020 гг¹⁰¹ (млн сум)

Показатели	Чистая выручка			Чистая прибыль		
	Факт	Рост к пред. году		Факт	Рост к пред. году	
		+, -	%		+, -	%
2014	8709,7	-	-	451,93	-	-
2015	12257,46	3547,76	140,7	510,31	58,38	113
2016	21818,64	9561,18	178	1368,1	857,79	268
2017	36317,27	14498,63	166,5	11902,5	10534,4	870
2018	38672,04	2354,77	106,5	6756,99	-5145,5	56,8
2019	39915,6	1243,56	103,2	3355,7	-3401,3	49,7
2020	57300	17384,4	143,6	4329,99	974,27	129

¹⁰⁰ Данные отчета компании ИП ООО “Freedom Finance” (Узбекистан). <https://ffin.ru/about/company/us/68889/>

¹⁰¹ Данные отчета компании ИП ООО “Freedom Finance” (Узбекистан). <https://ffin.ru/about/company/us/68889/>




Рисунок-2. Динамика изменений чистой выручки и чистой прибыли по АО "Джизак пластмасса" за 2014-2020 гг

Считаем необходимым использовать данный опыт в регионе. На пути становления регионального финансового рынка Наманганской области необходимо отметить главный его недостаток – это его отчужденность, она выражается в том, что основной объём продаж акций приходится на центр – столицу республики. Развитие регионального финансового рынка носит беспорядочный, хаотичный характер. В данное время в регионе должным образом не развита инфраструктура финансового рынка, отсутствуют профессиональные участники рынка ценных бумаг. Можно отметить также, отсутствие таких профессиональных участников как: инвестиционные посредники, инвестиционные консультанты, управляющие компании, рейтинговые агентства и т.д.

Количество акционерных обществ в регионе резко уменьшается, это в свою очередь, ведет к снижению объёмов эмиссии ценных бумаг и уменьшению оборотов рынка. Ценные бумаги региональных акционерных обществ малоликвидны и непривлекательны для инвесторов. Местные акционерные общества не включены в листинг РФБ "Ташкент", так как их финансовые показатели не отвечают его требованиям. Выбор ценных бумаг региона для инвестирования незначителен.

В связи с этим, необходимо решить вопрос открытия в области широкой сети лизинговых, факторинговых и управляющих инвестиционных компаний, брокерских, маркет-мейкерских, консалтинговых,

андеррайтинговых и трансфер-агентских фирм, рейтинговых и риэлтерских агентств, фондовых, страховых и юридических центров и т.д.

Разработка стандартов корпоративного кодекса и их внедрение в практику АО будет способствовать улучшению корпоративного управления, это в свою очередь, позволит значительно сократить случаи злоупотребления должностными лицами общества нарушений прав и законных интересов акционеров, в частности и миноритарных.

Необходимо повышение инвестиционной деятельности страховых компаний и пенсионных фондов, которая будет способствовать получению стабильных доходов от инвестированных средств. Страховым компаниям необходимо задействовать свой неосвоенный потенциал в структуре страховых услуг, где объёмы добровольных видов страхования превышают над обязательными видами страхования, используя опыт развитых стран, где доля обязательных видов страхования составляют более 50 %. Необходимо повысить долю услуг по страхованию жизни, в совокупных страховых премиях, ввести новые виды страхования, такие как страхование повышения ответственности финансовых институтов, страхование ответственности управленческих кадров перед акционерами, страхование жизни и получение образования, страхование на случай бракосочетания и др.

Необходимо повысить уровень внедрения информационных технологий, а также решить вопросы по информационной обеспеченности населения и недостаточной осведомленности потребителей о инструментах финансового рынка, о преимуществах страхования, в т.ч. налоговых льготах по ним.

Продолжить совершенствование законодательно-нормативной базы, в частности, необходимо привести в соответствие Закон “О страховой деятельности” с “Основными принципами регулирования страховой деятельности”.

Важным элементом формируемой региональной инвестиционно-финансовой инфраструктуры должны стать территориальные фондовые центры, в структуре которых целесообразно открытие отделов маркетинга региональных финансовых рынков, с помощью которых можно проводить мониторинг процесса их институционального и функционального становления, отслеживать перелив капитала между различными отраслями экономики и направлять вложение временно свободных средств населения в финансовые инструменты наиболее конкурентоспособных эмитентов.

Необходимо создание при областном хокимияте специализированного управления по развитию финансового рынка и привлечению инвестиций с предоставлением им соответствующих полномочий. Основными задачами создаваемых в структуре местных органов власти институциональных подразделений должны стать:¹⁰²

разработка стратегических программ развития финансового рынка, а также необходимой для него инфраструктуры;

¹⁰² Кадирова Х.Т. Концептуальные основы развития регионального финансового рынка. Ташкентский финансовый институт//Электронный научный журнал “Халқаро молия ва ҳисоб”, №1, 2021.

принятие региональной программы развития фондового рынка, утверждаемой хокимом области;

разработка “дорожных карт” по исполнению программы “Развитие регионального финансового рынка”, в которой должны предусматриваться прогнозы выпуска в обращение ценных бумаг, определены условия проведения первичного (IPO) и вторичного (SPO) публичного предложения акций акционерных обществ, в уставном капитале которых государственная доля составляет 50 и более %;

совершенствование механизма привлечения отечественных и зарубежных инвестиций на нужды развития регионов;

внесение предложений в вышестоящие органы власти по разработке нормативно-правовых документов, стимулирующих развитие региональных финансовых рынков;

осуществление оперативной деятельности по современному институциональному и функциональному обеспечению процесса становления финансовых рынков в регионах;

выработка конкретных мер по повышению уровня финансовой грамотности населения путем налаживания активного сотрудничества с ответственными организациями, связанных с повышением финансовой грамотности, а также ознакомлением их с финансовыми услугами и продуктами, включая рынок капитала и финансовые инструменты;

организация работы по активному привлечению ведущих специалистов передовых зарубежных образовательных учреждений, исследовательских институтов и финансовых организаций к образовательным мероприятиям по повышению уровня финансовой грамотности населения;

повысить раскрытие информации об эмитентах и наиболее выгодных, ликвидных инструментах, путём повышения информационной прозрачности рынка ценных бумаг.

Первым шагом на пути реализации поставленной задачи должно стать создание и законодательное обеспечение Государственной концепции формирования и развития региональных финансовых рынков, которая впоследствии должна составить основу Государственной программы реформирования региональной экономики Узбекистана.

Повышение уровня информационной прозрачности на рынке ценных бумаг области возможно, в основном, за счёт создания равных условий в получении информации о рынке ценных бумаг всеми заинтересованными лицами. Этому должны способствовать: введение единой системы индексов, позволяющих дать оценку ситуации на рынке ценных бумаг; усиление ответственности за предоставление недостоверной и несвоевременной информации; формирование единой системы информационного обеспечения деятельности участников регионального рынка ценных бумаг. В связи с этим, необходима разработка национальных стандартов по обеспечению информационной прозрачности деятельности эмитентов, основу которых должны составлять принципы полноты раскрытия информации, быстроты её

распространения, ясности, сравнимости и фактической точности данных, предоставляемых инвесторам.

Добиться высокого имиджа региона можно за счёт создания режима наибольшего финансового благоприятствования (налоговые каникулы, налоговые льготы, финансовые привилегии, правительственные гарантии под иностранные инвестиции, создание свободных экономических зон и т.д.) для работающих на этом рынке инвесторов, а также высокого уровня информационной прозрачности данного рынка. Необходима организация показа уникального ресурсного потенциала региона, развитой инфраструктуры, высококвалифицированного рабочего персонала, наличия высокого уровня сбережений и накоплений населения и корпоративных структур, мощной поддержки частного предпринимательства и защиты прав инвесторов со стороны муниципальных органов власти.

С обеспечением информационной прозрачности финансового рынка Наманганской области тесно связана проблема повышения уровня защиты законных прав вкладчиков и инвесторов – основных участников рынка, принимающих на себя основной риск вложения финансовых ресурсов. Успешное решение ее невозможно без достижения таких целей, как: обеспечение комплексной защиты законных прав инвесторов, вкладывающих свои финансовые ресурсы в те или иные финансовые инструменты; повышение уровня координации деятельности различных органов государственной власти, призванных заниматься защитой законных прав инвесторов.

Для совершенствования действующего в стране механизма защиты прав инвестора, на наш взгляд, необходимо: усилить законодательную основу, позволяющую гарантировать соблюдение их прав при управлении АО и гарантированной выплате дивидендов; внести поправки в Закон “Об акционерных обществах и защите прав акционеров”, позволяющие расширить права миноритарных инвесторов в области принятия и обсуждения различных вопросов, касающихся управления АО; создать условия для дальнейшего привлечения иностранных инвесторов путем снятия ограничений на их долю в АО, не имеющих стратегического значения; упростить требования к капиталу АО, устранение бюрократических преград при эмиссии и размещении выпуска ценных бумаг, совершенствование существующих стандартов и приведение их к международным стандартам; разработать стандарты корпоративного управления и корпоративного кодекса; рассмотреть соответствие требований к лицензированию профессиональных участников рынка ценных бумаг и институциональных инвесторов, а также к стандартам регистрации проспектов эмиссии и отчётности эмитентов; повысить экономическую эффективность контроля за деятельностью эмитентов со стороны саморегулируемых организаций профессиональных участников рынка ценных бумаг, а также органов государственного надзора и контроля.

Наряду с активизацией банковского сектора и повышением информационной прозрачности фондового рынка одним из эффективных средств повышения уровня инвестиционной привлекательности финансового рынка Наманганской области является формирование конкурентной среды. Повышение уровня конкуренции между предприятиями различных форм собственности позитивно отразится на эффективности движения финансовых ресурсов, так как позволит повысить спрос на кредитные и валютные ресурсы, государственные и корпоративные ценные бумаги и т.д.

В целях стимулирования спроса на отечественные ценные бумаги необходимо: совершенствовать инвестиционную среду для инвесторов; увеличить долю институциональных инвесторов, таких как, например, страховые компании, пенсионные фонды, инвестиционные фонды и др.; разработать меры по дальнейшему повышению экономической и финансовой грамотности населения; создать привлекательный налоговый режим; создать новые страховые инструменты, позволяющие снизить риски инвестирования; повысить освещение различных аспектов инвестиционного потенциала региона.

В целях дальнейшего совершенствования инфраструктуры регионального финансового рынка, предлагается: привлечь в акционерные общества иностранный капитал, обеспечить обращение отечественных ценных бумаг на зарубежных торговых площадках; для привлечения технических и финансовых ресурсов в процессе осуществления реформ в деятельности Центрального депозитария, а также для дальнейшего обеспечения мобильности в управлении и принятии решений предлагается реорганизация Государственного предприятия “Центральный депозитарий ценных бумаг” в АО с обозначением круга потенциальных акционеров в лице Центрального банка РУз, коммерческих банков, фондовой и валютной бирж, инвестиционных посредников, а также иностранных инвесторов, являющихся ключевыми участниками зарубежных рынков капитала.

Литература:

1. Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы. Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-60, 28.01.2022.
2. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-6207 “О мерах по дальнейшему развитию рынка капитала”, 13.04.2021.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-5073 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы регулирования рынка капитала”, 13.04.2021.
4. 2020-2030 йилларда Наманган вилоятини ривожлантириш концепцияси. ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ. –Т., 2020. –Б.184.
5. Данные отчета компании ИП ООО “Freedom Finance” (Узбекистан). <https://ffin.ru/about/company/us/68889/>
6. Кадирова Х.Т. Концептуальные основы развития регионального финансового рынка. ТФИ//Электронный научный журнал “Халқаро молия ва ҳисоб”, №1, 2021.
7. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

*Бустонов Мансуржон Мардонакулович, и.ф.д., проф.,
Авдошкина Олеся Владимировна, тадқиқотчи,
Наманган муҳандислик-технология институти*

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётнинг дунёдаги барча мамлакатларда ривожланиб бораётгани, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни ривожлантириш зарурлиги, рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнини тезлаштириш лозимлиги қайд этилган. Рақамли иқтисодиётни барқарор иқтисодий ўсиш сифатига таъсири ҳамда ҳиссаси эътиборга олинган.

Таянч сўзлар: рақамли иқтисодиёт, иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш, ахборот-коммуникация тизими (АКТ), иқтисодий ўсиш сифати.

Annotation. The article notes that the digital economy is developing in all countries of the world, as well as the need to develop the digital economy in Uzbekistan, to accelerate the transition to a digital economy. The impact and contribution of the digital economy to the quality of sustainable economic growth is taken into account.

Keywords: digital economy, economic growth, sustainable development, information and communication system (ICT), quality of economic growth.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўзгаришларнинг асосий вазифаси республиканинг рақобатбардош устунликларини ҳисобга олган ҳолда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишдан иборат. Шу муносабат билан, нафақат юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, балки иқтисодиёт таркибидаги қайта ишлаш тармоқлари фойдасига сифат жиҳатидан ўзгаришни таъминлаш зарур бўлиб, бу ўсишнинг янги манбаларини излаш зарурлигини англатади. Жумладан:

хомашё бўлмаган экспорт ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши;

иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантириш ва янгиликнинг тарқалиш майдонини кенгайтириш;

инвестициявий иқлимни яхшилаш ва инвестиция жалб қилишни кенгайтириш каби устувор вазифаларни амалга ошириш;

барқарор ва сифатли иқтисодий ўсиш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари ўрганиш.

Булар иқтисодий тузилиши юқори бўлмаган давлатлар, биринчи навбатда, Ўзбекистон учун долзарбдир.

Янги иқтисодий тизимни куриш, бир томондан, иқтисодий ўсишнинг анъанавий омиллари – моддий ресурсларнинг тўпланиши, меҳнатга лаёқатли одамлар сонининг табиий ўсиши, технологик тараққиёт ва меҳнат унумдорлигининг ўсишини, иккинчи томондан эса, инсон, табиий ва жисмоний капиталнинг самарали комбинациясини таъминлашни талаб этади.


Шу билан бирга, мавжуд салоҳиятга қарамай, уни миллий иқтисодиётни ривожлантириш манфаатлари нуктаи назаридан фойдаланиш учун, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда Ўзбекистоннинг салоҳияти ва реал имкониятларини таъминлаш учун сифат жиҳатидан янги

механизмни яратиш зарур. Албатта, бу жараён ҳам ўзига яраша маълум камчилик ва муаммолардан иборат. Янги стратегик йўналишларни ишлаб чиқишда муҳим муаммолар қаторида уларнинг иқтисодий жиҳатлари етарлича ўрганилмаган бўлиб, бу борада иқтисодий ўсиш сифатининг устуворликлари, унинг кўрсаткичлари ва прогнозлаш амалиётида фойдаланиш моделлари¹⁰³ ни қўллаш талаб этилади.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш сифатини белгиловчи энг муҳим омиллар сифатида иқтисодий ўсишнинг маълум бир мезонларга жавоб берадиган фойдали таъсирини ҳисобга олиш керак. Шу билан бирга, ҳисоб-китобларни тузиш учун ҳозирги вақтда аҳоли истеъмол қиладиган ва келажак учун қолдирилмаган даромад ўсишини тўғридан-тўғри ҳисобга олиш тавсия этилади. Бу борада, Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётга ўтиши иқтисодий ўсиш сифатини ошириш ҳамда барқарорлаштириш учун зарур қўшимчаларни таъминлайди.

Рақамли технологияларнинг таъсири глобал миқёсда ҳам, маҳаллий миқёсда ҳам сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Бир томондан, рақамли иқтисодиёт янги саноат мажмуаси сифатида анъанавий маънода глобал иқтисодиётнинг тез ўсиб бораётган қисми бўлиб, сўнгги йилларда янги технологияларнинг ривожланиши уяли алоқа, Интернет хизматлари, онлайн ўйин индустрияси кабилар учун улкан бозорларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бошқа томондан эса, янги технологиялар ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг баъзи жиҳатларига ўзгарувчан таъсир кўрсатади, бу асосан, солиқ механизмларини рақамли элементлар билан алмаштириш, шунингдек, мавжуд дастурий таъминотни модернизация қилишдан иборат.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиётнинг ўсиши рақамли ва мобиль технологиялар билан бевосита боғлиқ бўлган бир қатор бозорларнинг ривожланиши, такомиллашиши ва ўсиши билан боғлиқ.



Рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ бозорлар¹⁰⁴

¹⁰³ Манба: Bustonov M.M., The Firm Aspects and Conditions Providing the Qualities of Economic Growth in Uzbekistan//International Journal of Economic Theory and Application, 4(4), 2017. 32-39. <http://www.aascit.org/journal/ijeta>.

¹⁰⁴ Муаллифлар ишланмаси.

Янги билимларни ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодий фаолиятни анъанавий билан уйғунлаштириш янги иқтисодий кучга айланади ва шунинг учун алоҳида эътибор талаб қилади.

Мутахассислар фикрича, дунёдаги барча давлатлар рақамли иқтисодиёт иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишга ҳисса қўшиши мумкинлигини тушунгани ҳолда, бу йўналишда бир хил тезлик билан ҳаракат қила олмайдилар. Глобал ЯИМнинг 90 %и ва дунё аҳолисининг 78 %ини ташкил этадиган 50 та мамлакатда рақамли ўзгаришларни таҳлил қилгандан сўнг, Huawei компанияси Глобал уланиш индекси (2016)¹⁰⁵ни тузди.

Глобал уланиш индекси (2016)¹⁰⁶

Гуруҳлар бўйича айрим мамлакатларнинг тақсимооти		
Етакчи	Мослашувчан	Янги бошловчилар
АҚШ	Хитой	Нигерия
Сингапур	Россия	Бангладеш
Швеция	Бразилия	Покистон

Юқорида қайд этилган жадвалда биринчи гуруҳга АҚШ, Сингапур ва Швеция кирган. Иккинчи гуруҳ ўртасида Хитой (23-ўрин), Россия (26-ўрин) ва Бразилия (30-ўрин) турибди. Рейтинг охирида учинчи гуруҳни Нигерия, Бангладеш ва Покистон эгаллаганлигини кўриш мумкин.

Очиқ ва глобал Интернетга кириш имкониятини кенгайтириш иқтисодий ўсиш, янги иш ўринлари яратиш ва электрон тижоратни ривожлантириш имкониятларини оширишга имкон беради. Бундай имтиёзларга миллий ва халқаро миқёсда ҳукуматлар томонидан кўриладиган махсус чоралар ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётни жорий этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзбекистонлик олимларнинг таъкидлашларича: “Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда... Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқичма-босқич ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлигини, фуқароларнинг ҳаёт сифатини янада оширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақилликни таъминлайди”.¹⁰⁷

Аммо рақамли иқтисодиётни жорий этиш жараёнида қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим:

- савдо тўсиқлари;
- шахсий маълумотларнинг ҳимояси;
- узатилаётган маълумотлар;

¹⁰⁵ https://www.huawei.com/minisite/gci/pdfs/Global_Connectivity_Index_2016_whitepaper.pdf.

¹⁰⁶ Муаллифлар томонидан тузилган.

¹⁰⁷ С. Гулямов, Р. Аюпов. Рақамли иқтисодиёт ва унинг асосий ривожланиш йўналишлари//“Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали, №2, 2019.

тўлов механизмлари билан боғлиқ янги хавфлар.

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси лойиҳасида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозорида кескинлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадлари ўсиши ва кам таъминланганликни қисқартириш назарда тутилади¹⁰⁸.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси лойиҳаси, ID-9413.
2. Bustonov M.M., The Firm Aspects and Conditions Providing the Qualities of Economic Growth in Uzbekistan//International Journal of Economic Theory and Application, 2017, 4(4), 32-39. <http://www.aascit.org/journal/ijeta>.
3. <http://www.ictsd.org/bridges-news/%D0%BC%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8B/news/>
4. http://www.huawei.com/minisite/gci/pdfs/Global_Connectivity_Index_2016whitepaper.pdf.
5. С. Гулямов, Р. Аюпов. Рақамли иқтисодиёт ва унинг асосий ривожланиш йўналишлари//“Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали, №2, 2019.

ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРАТИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

*Зайналов Жахонгир Расулович, и.ф.д., проф.,
Мухаммедова Зарина Муродовна, PhD, доц.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

Аннотация. Мақолада постиндустриал жамиятга ўтиш концепцияси ва постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг зарурати ёритилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан устун томонлари очиб берилган.

Таянч сўзлар: постиндустриал жамият, унумли ва унумсиз меҳнат, бирламчи сектор, иккиламчи сектор, учламчи сектор, саноати ривожланган мамлакатлар.

Annotation. The article describes the concept of transition to a post-industrial society and the need for rapid development of the service sector in a post-industrial society. The advantage of the service sector economy over other industries is also disclosed.

Keywords: post-industrial society, productive and unproductive labor, primary sector, secondary sector, tertiary sector, industrialized countries.

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий иқтисодиётнинг шаклланиши, асосан, хизматлар соҳаси ва ахборот технологияларини ривожланиши билан белгиланади, бу эса илм-фаннинг ролини оширишда намоён бўлади. XX аср

¹⁰⁸Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси лойиҳаси, ID-9413.

ўрталарида илмий ва технологик инқилоб натижасида янги технологияларни жорий этиш ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашувига олиб келди, ва натижада, хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенгайиши, унда янги фаолият турларининг пайдо бўлишига эришилди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ўсиши натижасида ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти “хизматлар иқтисодиёти” деб атала бошланди, бу эса замонавий иқтисодиёт ривожланишида унинг ўрни ва ролини таҳлил қилишга сабаб бўлди. Айни пайтда, ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 %ни¹⁰⁹, ушбу соҳага тегишли бўлган бандлик улуши эса 70 %дан ортиқни ташкил этмоқда¹¹⁰.

Адабиётлар шарҳи. Уч тармоқли иқтисодиёт назарияси ривожига ва постиндустриал жамиятга ўтишга машҳур америкалик олим Д. Белл¹¹¹ ўзининг “Келажак постиндустриал жамият” номли китобида катта ҳисса қўшган. У “ижтимоий прогнозлаш тажрибаси” сифатида постиндустриал жамиятга ўтиш даврида иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш натижаларини беради. Бошқа америкалик олимлар Жеймс Э. Донован¹¹², Дональд А. Фергюсон¹¹³ ва Жозеф Х. Шпигельман¹¹⁴ томонидан олиб борилган тадқиқотлар хизмат кўрсатиш соҳаси назариясининг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Асосий қисм. Дунёга машҳур инглиз иқтисодчиси Адам Смит ўз даврида унумли ва унумсиз меҳнат тушунчаси ҳақидаги концепциясини яратиб, ижтимоий бойлик яратишда хизмат кўрсатиш соҳасига иккинчи даражали ролни юклаган. У жамият бойлиги фақат унумли меҳнат (моддий ишлаб чиқариш) орқали яратилади, деб ҳисоблаб, хизматни ижтимоий бойлик таркибига киритиш учун табиий моҳиятга эга бўлмаган неъмат сифатидаги нуқтаи назарини билдирган. Унинг фикрича, руҳонийлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, ёзувчилар, мусиқачилар, қўшиқчилар ва шу каби хизмат кўрсатиш соҳаси касблари билан шуғулланувчилар унумсиз меҳнат эгаларидир¹¹⁵. Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумсизлиги ҳақидаги фикр моҳиятан нотўғри, энг муҳими, кўриб чиқиладиган соҳа учун зарарли бўлган бу нуқтаи назар такрор ишлаб чиқариш жараёнида ушбу соҳанинг ўрни ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлишига олиб келди. Айнан у, кейинчалик, кўплаб иқтисодий таълимотларнинг асосини ташкил этди ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг

¹⁰⁹ OECD Statistics/Labour Force Statistics. URL: <http://stats.oecd.org/>

¹¹⁰ OECD Statistics/National Accounts. URL: <http://stats.oecd.org/>

¹¹¹ Bell D., (1999). The coming post-industrial society. –М.: Academy.

¹¹² James E. Donovan (1963) Greater Economic Role of Service Industries, Financial Analysts Journal, 19:2, 89-91, DOI: 10.2469/faj.v19.n2.89.

¹¹³ Donald A. Ferguson (1960) Public Service Industries and the Capital Markets, Financial Analysts Journal, 16:2, 73-76, DOI: 10.2469/faj.v16.n2.73.

¹¹⁴ Joseph H. Spigelman (1969) The Data Service Industry: Part One, Financial Analysts Journal, 25:2, 92-102, DOI: 10.2469/faj.v25.n2.92.

¹¹⁵ Smith Adam. Research on the nature and causes of the wealth of nations. Vol. 1. –М., 1935. –P.279.

тўлақонли қисми сифатида ушбу соҳанинг ривожланишида беқиёс роль ўйнади.

Адам Смит даврида хизматлар инсон томонидан истеъмол қилинадиган товарларнинг умумий тўпламида жуда кичик улушни эгаллаган ва иқтисодий фаол аҳолининг арзимас қисмигина хизмат кўрсатиш билан шуғулланган. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 1900 йилда иқтисодий фаол аҳолининг умумий сонидан хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганларнинг улуши 20 %ни ташкил этган бўлса, 1950 йилда у 25,4 %га етди, 2000 йилда эса 48,6 %гача ўсди¹¹⁶. Бинобарин, ўша даврда хизмат кўрсатиш соҳасининг такрор ишлаб чиқариш жараёнида тутган ўрнини эътибордан четда қолдириш ёки ушбу соҳага кам баҳо бериш ижтимоий бойлик ва иқтисодий ўсишнинг умумий қийматида у қадар жиддий таъсир кўрсатмаган. Унумли ва унумсиз меҳнат борасидаги қарашларида Фридрих Энгельс Адам Смитдан қолишмайди: “Сиёсий иқтисод биладиган ягона қадрият – бу товар қийматидир”¹¹⁷, деб таъкидлайди у. Ушбу қарашлар хизматлар унумли эмас, шунинг учун янги қиймат яратмайди, деган муҳим хулосага олиб келган. Аммо, ушбу қарашларга нисбатан хизматларнинг айрим турлари қиймат ва истеъмол қийматини яратади, деб ҳисоблаган Карл Маркснинг қарашлари афзалроқдир. У Адам Смитнинг унумли ва унумсиз меҳнат концепциясини чуқур таҳлил қилиб, унинг хизматнинг моҳияти ҳақидаги ғоялари ноқонунийлигини исботлайди.

Маркс хизматнинг товар шакли ҳам рационал мазмунга эга эканлигини тасдиқлайди, бирламчи зарурий бўлган товар-хизматларнинг иккиламчи, яъни зарурати камроқ бўлган хизматлардан сифат жиҳатидан фарқини кўрсатади, шунингдек, хизматлар, мисол учун, таълим хизматлари пировард натижада ишчи кучини ишлаб чиқаришга қўйилган инвестиция эканлигини таъкидлайди. У, ҳаттоки, юк ташиш учун транспорт харажатларини ҳам унумли, деб ҳисоблайди. “Буюмлар (нарсалар)нинг истеъмол қиймати уларни истеъмол қилгандагина намоён бўлади, бу эса уларнинг жойини ўзгартириш заруриятини келтириб чиқариши ва шунинг учун транспорт саноатида қўшимча ишлаб чиқариш жараёнини тақозо қилиши мумкин. Шунинг учун, унга қўйилган унумли капитал қийматни ташилаётган маҳсулотга қўшади, қисман транспорт воситаси қийматининг ўтказилиши натижасида, қисман эса қийматнинг транспортда меҳнат билан қўшилиши туфайли. Бу охириги қийматга устама, худди капиталистик ишлаб чиқаришда бўлгани каби, иш ҳақини қоплашга ва қўшимча қийматга бўлинади”¹¹⁸. Унинг фикрига кўра, товарлар ва хизматлар ўртасида ўхшашлик мавжуд бўлиб, истеъмолчи хизматни ўз эҳтиёжларини қондириш учун сотиб олишини таъкидлайди. Шу билан бирга, ушбу хизматлар уни ишлаб чиқарувчи учун товар ҳисобланади ва улар бошқа товарлар каби истеъмол қийматида ва айирбошлаш қийматида эгадир. Биз Маркснинг бу фикрига қўшилаемиз. Зеро, хизмат кўрсатувчининг

¹¹⁶Энциклопедия “Кругосвет”. Универсальная научно-популярная энциклопедия. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

¹¹⁷ Engels Friedrich. Anti-Dühring, K. Marx and F. Engels. Compositions. 2nd edition, T.20, –P.318.

¹¹⁸ K. Marx “Capital” V.2, K. Marx and F. Engels, Works. 2nd edition, T.24, –P.169-170.

меҳнати моддий неъматлар яратувчи инсон меҳнатининг бир тури бўлиб, у икки томонлама хусусиятга эга (абстракт меҳнат ва конкрет меҳнат), у айирбошлаш ва истеъмол қийматини яратади, шунингдек, иқтисодий неъматлар яратишга қаратилган инсоннинг аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти ҳисобланади.

Хизматлар назариясининг ривожланишига инглиз иқтисодчиси Альфред Маршалл ҳам катта ҳисса қўшди. Бизнинг фикримизча, у янада адолатли нуқтаи назарни илгари сурди, унга кўра, хизмат кўрсатиш соҳаси, гарчи у бевосита моддий неъматлар яратмаса ҳам, моддий ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Бизнингча, унинг ушбу соҳа олдидаги хизмати шундан иборатки, у иқтисодиёт фанлари тарихида биринчи бўлиб барча неъматларни моддий ва номоддийга ажратади. Охиргилари, яъни номоддий неъматлар инсоннинг ҳаракат қилиш ва завқланишга бўлган фазилатлари ва қобилиятлари ҳамда касбий маҳоратга ажратилади. А. Маршалл буларни “ички неъмат” деб атади. “Ташқи неъмат”ларни эса, у, инсон учун ва бошқалар учун фойдали бўлган меҳнат мажбуриятлари ва уй хизматларига ажратади.¹¹⁹ Бундай шароитларга у кишиларнинг фуқаролик ва ҳарбий хавфсизлиги, бепул таълим олиш ҳуқуқи, суд ҳимояси ҳуқуқи, давлат мулкидан фойдаланиш имконияти ва бошқаларни киритади. Товарларнинг ички ва ташқи неъматга бўлиниши бизда етарлича ишонч ҳосил қилмаган бўлса-да, аммо барибир, А. Маршаллнинг қарашлари кўп йиллар давомида мавжуд бўлган хизмат кўрсатиш соҳасидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини чекловчи талқин билан солиштирганда олдинга сезиларли қадам бўлди. Шунинг учун, улар хизматларнинг замонавий назариясини шакллантиришда ишончли роль ўйнади.

Ўтган асрнинг биринчи ярмида таркибий ўзгаришларга эга бўлган тармоқлар назарияси ишлаб чиқилди ва у замонавий хизматлар назариясини ривожлантиришнинг муҳим таянчи бўлиб ҳисобланди. Ушбу назариянинг асосчиси Колин Кларк бўлиб, у кенг оммага маълум бўлган “Иқтисодий тараққиёт шартлари”¹²⁰ асарида ўзи белгилаган уччала тармоқнинг ҳар бирида ишлаб чиқариш ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тизимга хос бўлган ривожланиш қонуниятларига бўйсунishi ҳақида жуда муҳим хулосага келди. Унинг фикрича, ҳар бир мамлакат ўз ривожланишида уч босқичдан ўтади: биринчиси – аграр (мамлакатда ишлаб чиқариш секин ўсиб боради), иккинчиси – саноат (ишлаб чиқаришнинг ўсиши максимал даражага етади) ва учинчиси – хизмат кўрсатиш соҳасининг устун ўсиш босқичи (ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати яна секинлашади). Бандликнинг тармоқ тузилмасида қишлоқ хўжалигининг салмоғи муттасил камайиб, саноатнинг салмоғи дастлаб ўсиб, кейин узок муддатли истиқболда пасайиб боради, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши эса доимий равишда ошиб боради¹²¹.

¹¹⁹ Marshall A. Principles of Political Economy. –М., 1983.

¹²⁰ Clark K. Conditions of economic progress. –London: Macmillan, 1940. Breslavtseva N.A. (2006). Accounting at service enterprises. Rostov n/a: Phoenix, –P.441 (In Russ.).

¹²¹ Three sectors theory//Economic encyclopedia. Political Economy. –М.: Soviet Encyclopedia, 1980. Т.4. –С.176-178.

К. Кларкнинг фикрича, бирламчи сектор (қишлоқ хўжалиги ва қазиб олувчи саноат) даромаднинг камайиб бориши қонунига мувофиқ ривожланади, иккиламчи сектор (саноат ишлаб чиқариши ва қурилиш) рентабелликни ошириш қонуни талабларига жавоб беради. Учинчи даражали сектор (хизмат кўрсатиш соҳасининг барча тармоқлари)га келсак, у бир вақтнинг ўзида ушбу иккала қонунга мос келади, яъни даромаднинг камайиши қонунига ҳам, даромаднинг ортиши қонунига ҳам¹²².

Уч секторли иқтисодиёт назариясини ривожлантиришда Фишер-Кларк ишлаб чиққан таркибий ўзгаришлар назариясининг ўрни ҳам беқиёсдир. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, жамият ривожланиб борар экан, ривожланиш йўналиши иқтисодиётнинг бир тармоғидан иккинчисига: бирламчи тармоқдан иккиламчи, сўнгра учинчи даражали тармоққа босқичма-босқич ўтади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, иқтисодиётнинг бир тармоғидан иккинчисига бундай ўтиш, биринчи навбатда, истемол талаби табиатининг ўзгариши билан боғлиқ: аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ошгани сайин қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб аста-секин камаяди, саноат маҳсулотларига бўлган талаб эса биринчи навбатда ошади, кейин пасаяди, хизматлар соҳаси эса доимо ўсиб борадиган тармоқ ҳисобланади.

Уч секторли иқтисодиёт назариясининг яратилиши ва ривожланиши тарихини таҳлил қилар эканмиз, ушбу назарияни ишлаб чиқишда К. Кларк ғояларини ижодий ривожлантириб, уни мантикий охирига олиб келган Ж. Фурастьенинг хизмати катта, деган хулосага келдик. У ўзининг “XX асрнинг буюк умиди” асарида мамлакат иқтисодий ривожланишининг учта сектор билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтди, яъни, иқтисодиёти сустривожланган давлат бирламчи секторга, ўртача ривожланаётган давлатлар – иккиламчи секторга, ривожланган давлатлар эса учинчи даражали секторга боғлиқ¹²³. Фурастье мамлакат иқтисодиёти ривожланган бўлиши учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг 70 %и учламчи секторда, 20 %и иккиламчи секторда ва 10 %и бирламчи секторда банд бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш жоизки, Ж. Фурастье кўрсатган иқтисодиёт тармоқлари бўйича ходимларни таркибий бўлиш чегарадан узоқдир ва кўплаб ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси, шубҳасиз, иқтисодиётнинг етакчиси ролини ўйнайди.

Хулоса ва таклифлар. Шу билан бирга, учламчи секторни жадал ривожлантириш ва мамлакатда такрор ишлаб чиқариш жараёнида унинг улушини сезиларли даражада ошириш катта қийинчиликларга олиб келади. Бу бизнингча, биринчи навбатда, маъмурий-худудий тузилмалардан мерос бўлиб қолган ноқулай тузилма билан боғлиқ. Учта тармоқ орасида қишлоқ хўжалигининг улуши ҳаддан ташқари юқори. Ўзбекистонда учинчи даражали секторнинг ривожланмаганлиги, кўп жихатдан, хизмат кўрсатиш соҳасининг

¹²² https://spravochnick.ru/ekonomika/struktura_sektorov_ekonomiki/teoriya_sektorov_ekonomiki/

¹²³ Fourastié J. Le Grand Espoir du XXe siècle: Progrès technique, progrès économique, progrès social. –Paris: Presses Universitaires de France, 1949.

жуда истиқболли тармоқлари (масалан, таълим, туризм, соғлиқни сақлаш, рақамли иқтисодиёт ва б.)ни молиялаштириш учун инвестиция ресурсларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Бизнингча, мамлакатимизда ривожланган таълим тизими мавжуд эмаслиги, кадрлар тайёрлаш даражасининг пастлиги бунга ўта салбий таъсир кўрсатган ва ҳозир ҳам кўрсатиб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Bell D. (1999). The coming post-industrial society. –М.: Academy.
2. James E. Donovan (1963) Greater Economic Role of Service Industries, Financial Analysts Journal, 19:2, 89-91, DOI: 10.2469/faj.v19.n2.89.
3. Donald A. Ferguson (1960) Public Service Industries and the Capital Markets, Financial Analysts Journal, 16:2, 73-76, DOI: 10.2469/faj.v.16.n.2.73.
4. Joseph H. Spigelman (1969) The Data Service Industry: Part One, Financial Analysts Journal, 25:2, 92-102, DOI: 10.2469/faj.v25.n2.92.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

*Мухаммедов Мурод Мухаммедович, и.ф.д., проф.,
Мардонов Баҳодир Бахронович PhD, доц.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

Аннотация. Ушбу мақолада кишилик жамиятининг дастлабки босқичларида ташкилий механизмлар татбиқ этилганлиги асослаб берилган. Амалдаги хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкилий механизми камчиликлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, муаллиф томонидан хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг ташкилий механизми таклиф этилган. Энг муҳими, соҳани ривожлантириш ташкилий механизмининг янги элементлари тақдим этилган.

Таянч сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, аграр жамият, индустриал жамият, постиндустриал жамият, меҳнат ресурслари, бандлик, бошқарув усуллари, бошқарув вазифалари, ижро механизмлари, ташкилий элементлар, инвестиция лойиҳаси.

Annotation. This article substantiates, organizational mechanisms are applied at the initial stages of human society. The shortcomings of the current organizational mechanism of the service sector are shown. The author also proposed an organizational mechanism for the development of the service sector. Most importantly, new elements of the organizational mechanism have been introduced into the development of the industry.

Keywords: service sector, agrarian society, industrial society, post-industrial society, labor resources, employment, management method, management tasks, executive mechanisms, organizational elements, investment project.

Постиндустриал жамиятда иқтисодий жараёнлар тамомила ўзгариб, янгиланиб, унинг таркибида хизмат кўрсатиш алоҳида ўрин олади. Гарчи индустриал жамиятда ишлаб чиқариш жараёнининг пировард мақсади истеъмол бўлса-да, унга маҳсулотларни етказиб бериш, маҳсулот тўғрисида маълумот олиш учун хизмат кўрсатишга эҳтиёж кучайди.

“Механизм” тушунчаси ХХ асрнинг 60-йилларида техника соҳасидан иқтисодиёт соҳасига кириб келган бўлса-да¹²⁴, кишилиқ жамиятининг дастлабки босқичларида товар ишлаб чиқариш ва сотиш, хизмат кўрсатиш, кишиларни иш билан таъминлаш каби бир-бирига боғлиқ ташкилий ва иқтисодий механизмлар амалда татбиқ этилган ҳамда улардан кенг миқёсда фойдаланилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, иқтисодий субъектларни бошқариш, уларнинг фаолиятини ташкил этишда давлат нафақат молиялаштириш механизми орқали, балки иқтисодий механизмнинг бошқа элементлари, жумладан, ташкилий механизмни кенг қўллаш асосида тараққиётнинг юқори даражаларига эришган. Масалан, АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея ва бошқа Ғарб давлатлари миллий иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш асосида барқарор иқтисодий тараққиётга эришган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади.

Д.А. Новиков ташкилий механизм ишлаб чиқариш элементлари, меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари, меҳнат объектлари, ахборот мажмуини ўз ичига олиши ва оқилона ишлашини ўз илмий асарида асослаб берган¹²⁵. Ташкилий механизм ташкилий тизим иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қоида ва низомлардан иборат эканлигини Е.С. Гламаздин, Д.А. Новиков, А.В. Цветковлар¹²⁶ тадқиқ этишган. Ташкилий механизм бошқарув усулларининг синоними эканлигини И.Т. Балабанов¹²⁷ ўз илмий ишида изоҳлаб берган. Ташкилий механизм – бу объектнинг ички ва ташқи муҳит билан муносабатларини шакллантириш ва тартибга солиш усулларидан иборат эканлигини Г.С. Вечканов ҳамда Г.Р. Вечкановалар¹²⁸ эътироф этишган. Ташкилий механизмнинг асосий элементи бошқарув эканлиги ва у иқтисодий субъектлар фаолиятини бошқариш, ички муносабатларни тартибга солиш, раҳбар ва ходим ўртасида алоқалар ўрнатишда алоҳида аҳамият касб этишини Е.В. Пенькова илмий асарида таҳлил қилган¹²⁹. И.Н. Филиппова эса ташкилий механизмни такомиллаштириш бошқарув механизмлари билан боғлиқ эканлигини ўз асарида тушунтириб берган¹³⁰.

Таҳлиллар “ташкилий механизм” тушунчаси товар хўжалиги пайдо бўлишидан анча олдин, аниқроғи, кўп асрлар муқаддам, инсон иқтисодий

¹²⁴ Хозяйственный механизм. <http://stroy-spravka.ru/khozyaistvennyi-mekhanizm>.

¹²⁵ Новиков Д.А. Институциональное управление организационными системами. –М., 2003. –С.99.

¹²⁶ Гламаздин Е.С., Новиков Д.А., Цветков А.В. Механизмы управления корпоративными программами: информационные системы и математические модели. –М.: Спутник, 2003. –С.159.

¹²⁷ Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента: Учеб. пособие. –М., 1997. –С.103.


¹²⁸ Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Микро- и макроэкономика: Энциклопедический словарь/Под общ. ред. Г.С. Вечканова. –СПб., 2001. –С.236.

¹²⁹ Пенькова Е.В. Особенности экономического и организационного механизмов функционирования медиапредприятия. Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии, №1(19), 2014. –С.106.

¹³⁰ Филиппова И.Н. Механизмы управления трансакциями в трубной отрасли. Автореф. дисс. ... к.э.н.. –М., 2021. –С.30.

фаолият билан энди шуғулланиб бошлаган даврлардаёқ пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, “ташкилий механизм” тушунчасининг дастлаб пайдо бўлиши инсон цивилизациясининг бошланишига, ибтидоий жамоа тизимига бориб тақалиши тўғрисидаги концепцияни илгари суриш мумкин.

Ибтидоий жамоа тизими даврларидаёқ қабила унинг сардори томонидан бошқарилган. Қабила сардорининг бошқарувчилик фаолияти ва маҳоратидан барча қабила аъзолари фойдаланган. У ўзи бошқараётган қабила аъзоларини ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида турли гуруҳларга бўлган, уларнинг вазифаларини тақсимлаб берган ва назорат қилган. Демак, ўша даврлардаёқ ташкилий механизм элементлари мавжуд бўлган ва қабилани бошқаришда катта аҳамият касб этган. Асрлар ўтиши билан, ташкилий механизм инсонлар томонидан ривожланиб, унинг элементлари эса такомиллашиб борди.



**1-расм. Ташкилий механизмнинг умумий кўриниши
(муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган)**

1-расмда ташкилий механизмнинг моҳияти ва аҳамияти бўйича юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, унинг умумий кўриниши шакллантирилган. Бунда ташкилий механизм ташкилий ва бошқарув элементларига бўлинади. Ташкилий элементларга бошқариш функциялари, бошқариш усуллари ва бошқариш жараёнлари киради. Ҳар бир ташкилий элемент эса бошқарув элементларидан таркиб топади. Механизм – бу ички

тузилиш. Шу сабабли, у турли қисмлардан иборат. Илмий адабиётларда механизм қисмларини дастаклар, қурилмалар¹³¹, бир-бирини тақозо этувчи ва биргаликда амал қилувчи иқтисодий воситалар¹³² сифатида баҳоланса, баъзи илмий адабиётларда унга алоҳида механизм¹³³ сифатида қаралган. Бизнинг назаримизда, механизмнинг қисмларини дастак эмас, балки алоҳида элементлардан иборат, десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Илмий-назарий изланишлар шуни кўрсатдики, хориждаги бир қатор олимлар, хусусан, В. Крастев, С. Пянкова, О. Эрғуновалар “...хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ташкилий ва иқтисодий механизмини тармоқлар кесими бўйича амалга оширишни таклиф этади”¹³⁴. Лекин, бизнинг фикримизча, ушбу олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкилий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф этган усули мақбул эмас. Чунки соҳанинг ўзига хос хусусиятлари, жамият таракқиётидаги етакчилик ўрни ушбу соҳанинг ташкилий механизмини тармоқлар кесими бўйича такомиллаштиришда ижобий самара бермайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмлари унинг хусусиятларига қараб шаклланиши лозим. Назарий тадқиқотлар хизмат кўрсатиш соҳаси уч секторли иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий муносабатларнинг асосини ташкил этишини ва бу жиҳатдан, у, умумий иқтисодий қонунларга бўйсуниб каби ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатди. Биз хизмат кўрсатиш соҳасининг баъзи муҳим хусусиятларига тўхталиб, айнан шу хусусиятлар хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ташкилий механизмлари шаклланишида муҳим роль ўйнашини асослаб бермоқчимиз.

Хизмат кўрсатиш жараёнида инсон инсонга бевосита таъсир кўрсатади¹³⁵. Бунда хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимлар, энг аввало, инсонларнинг хоҳиш-истаклари билан ишлайдилар. Хизмат кўрсатиш жараёнида ишлаб чиқарувчи кишиларнинг онги, психологияси, ижтимоий алоқалари каби нозик хусусиятлари билан тўқнашади. Бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходим меҳнатининг характери, мазмуни ва натижаларига ўз таъсирини кўрсатиб, ходимнинг интеллектуал қобилиятига юқори талабни қўяди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг яна бир муҳим хусусияти унда жами меҳнат сарфлари ичида жонли меҳнат улушининг юқорилигидан иборат. Бизнингча, хизмат кўрсатиш соҳасининг зикр этилган хусусиятлари соҳа ривожланишининг ташкилий механизмини ишлаб чиқишда инобатга

¹³¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. lug‘ati/ pdf.; Большой экономический словарь/Под ред А.Н. Азрилияна. 7-е изд. –М.: Институт новой экономики, 2007. –С.229. http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli.

¹³² Шодмонов Ш.Ш., Мухаммедов М.М., Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021, –Б.163-164.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ. –Т.: “Iqtisod va Moliya”, 2014. –Б.228.


¹³³ Йўлдошев М., Маматкулов Ш., Йўлдошев Ф. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: “Ilm Ziyo”, 2016. –Б.187-188.

¹³⁴ Krastev V., Pyankova S., Ergunova O. Formation of organizational and economic mechanisms for innovative development of service sector industries: Russian and foreign experience, December, 2020. 3.P. E3S Web of Conferences 208:1-10. DOI.10.1051/e3sconf202020803007.

¹³⁵ Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. –Самарқанд: Zarafshon, 2017. –Б.43.

олиниши лозим. Чунки соҳанинг ривожланишига қаратилган ташкилий механизм элементлари соҳада фаолият юритаётган ходимга, унинг малакаси ва қобилиятига, соҳанинг моддий-техник базасига боғлиқ.

Гарчи олимлар соҳада ижобий самарага тармоқлар кесими бўйича ташкилий механизмини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослаган бўлса-да, улар ушбу ёндашувдаги баъзи камчиликларни, жумладан, ижро механизмини инобатга олмаган. Масалан, соҳанинг жадал ривожланиши учун қабул қилинган узоқ муддатли стратегик дастурлар, қарор ва фармонлар ижроси соҳада фаолият юритаётган раҳбар ва ходимларга, уларнинг маҳоратига боғлиқ. Соҳадаги мутасадди раҳбар ва ходимлар стратегик дастурларда белгиланган мақсад ва вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлай олмасалар, соҳа тараққиёти йўлида ишлаб чиқилган дастурлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар ижобий натижа бермайди.



2-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизми (муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган)

Соҳани ривожлантиришнинг ташкилий механизмида “жавобгарлик” ва “ҳисоб бериш” элементлари лойиҳа ташаббускорларини инвестиция лойиҳаларида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига оид масъулиятини оширади. “Баҳолаш” элементи эса, инвестиция лойиҳалари раҳбарлари ўз фаолиятига қандай ёндашганлигини аниқлаш имконини беради. Ваҳоланки, лойиҳа ташаббускорлари ўз ҳудудларидаги маҳаллий депутатлар кенгашида инвестиция лойиҳаларининг ижроси борасида ҳисоб беришлари лозим. Бироқ, ушбу элементлар ташкилий механизмни такомиллаштиришда эътибордан четда қолиб кетяпти. Ижро механизми ташкилий механизмнинг асосий қисмини, яъни дастурлар, фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. Бунга иқтисодий субъектлар (лойиҳа ташаббускорлари), маҳаллий ҳокимият вакиллари ва маҳалла фаоллари киради.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, тадқиқотларимиз натижасида “ташкилий механизм” тушунчалари кам миқдордаги тадқиқот ишларида кишилиқ жамиятининг ҳар бир босқичида ёки уч секторли иқтисодиёт нуқтаи назаридан қараб чиқилганлиги аниқланди. Ваҳоланки, ташкилий механизмлар иқтисодиётнинг қайси сектори бўлмасин, иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиб, уларни тартибга солиб туради. Шунингдек, иқтисодиётда юқори чўққиларни забт этиш учун табиий бойликларнинг ўзи ёки айтайлик, меҳнат ресурсларининг миқдори кифоя қилмайди. Кўзланган мақсад ва марраларга эришишнинг муҳим шарти хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат. Шунингдек, олимларнинг ташкилий механизм борасидаги фикрларини умумлаштирадиган бўлсак, “ташкилий механизм муайян соҳа, тармоқ ёки корхона иш фаолиятини самарали ташкил этиш ва уни бошқариш усулларида иборат”, деган хулосага ҳам келинди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш мақсадида унинг таркибига “жавобгарлик”, “ҳисоб бериш” ва “баҳолаш” каби элементларни киритиш таклиф этилади.

Адабиётлар:

1. Новиков Д.А. Институциональное управление организационными системами. –М., 2003. –С.99.
2. Гламаздин Е.С., Новиков Д.А., Цветков А.В. Механизмы управления корпоративными программами: информационные системы и математические модели. –М.: Спутник, 2003. –С.159.
3. Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента: Учеб. пособие. –М., 1997. –С.103.
4. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Микро- и макроэкономика: Энциклопедический словарь/Под общ. ред. Г.С. Вечканова. –СПб., 2001. –С.236.
5. Пенькова Е.В. Особенности экономического и организационного механизмов функционирования медиапредприятия. Теория и практика сервиса: экономика, социальная сфера, технологии, №1(19), 2014. –С.106.
6. Филиппова И.Н. Механизмы управления трансакциями в трубной отрасли. Автореф. дисс. ... к.э.н. –М., 2021. –С.30.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. _lug‘ati/ pdf.; Большой экономический словарь/Под ред. А.Н. Азрилияна. 7-е изд. –М.: Институт новой экономики, 2007. –С.229. http://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli.
8. Шодмонов Ш.Ш., Мухаммедов М.М., Камилова Н.А. Экономическая теория: Учебник. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021. –Б.163-164.; Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ. –Т.: “Iqtisod va Moliya”, 2014. –Б.228.
9. Йўлдошев М., Маматкулов Ш., Йўлдошев Ф. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: “Im Ziyo”, 2016. –Б.187-188.
10. Krastev V., Ryankova S., Ergunova O. Formation of organizational and economic mechanisms for innovative development of service sector industries: Russian and foreign experience, December, 2020. 3.P. E3S Web of Conferences 208:1-10. DOI.10.1051/e3sconf202020803007.
11. Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. –Самарқанд: Zarafshon, 2017. –Б.43.
12. Хозяйственный механизм. <http://stroy-spravka.ru/khozyaistvennyi-mekhanizm>.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Охунов Шохруҳ Баходир ўғли, департамент бошлиғи,
Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини
бошқариш агентлиги*

Аннотация. Мақола Ўзбекистондаги иқтисодий ўсиш тенденцияларига бағишланади. Иқтисодий ўсиш шартлари, уни белгилловчи омиллар тўғрисида мулоҳазалар юритилади. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инсон омилига эътибор қаратилган. Иқтисодий ўсишга доир муаммолар қисқа таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш тавсиялари берилган.

Таянч сўзлар: иқтисодий ўсиш, Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ўсиш суръати, инсон омили, инсон капитали, аҳоли турмуш даражаси.

Annotation. The article is devoted to the trends of economic growth in Uzbekistan. The conditions of economic growth and its determining factors are discussed. Particular attention is paid to the human factor in ensuring economic growth. The problems associated with economic growth are briefly analyzed and recommendations for their elimination are given.

Keywords: economic growth, gross domestic product (GDP), growth rates, human factor, human capital, standard of living of the population.

Маълумки, иқтисодий ўсиш – бу ижтимоий маҳсулот ва унинг ишлаб чиқариш омилларининг миқдорий ўсиши ва сифат жиҳатидан яхшиланишидир¹³⁶. Аниқроғи, иқтисодий тизим (яъни, мамлакат, минтақа, жаҳон)да маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва сифатининг ошишини билдиради. Иқтисодий ўсиш аҳолининг умумий турмуш даражаси ва сифатининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ, бу – умр кўриш давомийлигининг ўсиши, тиббий ёрдам сифати, сифатли таълимнинг мавжудлиги, иш вақтининг қисқариши, фуқаролар хавфсизлиги шу кабиларда намоён бўлади.

¹³⁶ https://ru.wikipedia.org/wiki/Экономический_рост#cite_note-Abal-1.

Иқтисодий ўсиш ва ривожланиш назарияси асосларини XX аср бошларида Йозеф Шумпетер яратган¹³⁷. У биринчи бўлиб иқтисодий ўсиш ва ривожланиш ўртасидаги фарқларни киритди, инновациялар моҳиятини иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида белгилаб берди. Й. Шумпетер ўзининг биринчи марта 1911 йилда нашр этилган асосий илмий иши – “Иқтисодий ривожланиш назарияси” монографиясида иқтисодий ўсишни миқдорий ўзгаришлар сифатида, яъни – вақт ўтиши билан бир хил товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажмининг ўсиши, деб таърифлаган. Шумпетер иқтисодий ривожланишни ижобий сифат ўзгаришлари, яъни ишлаб чиқаришдаги, маҳсулот ва хизматлардаги, бошқарув соҳаси ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги, давлатдаги, иқтисодий фаолият турларидаги инновациялар, деб таърифлаган. Шумпетер инновацияни ривожланиш ва тараққиётнинг асосий омили, шунингдек, инновацияларга талаб ва унинг ортикча таклифини яратувчи тадбиркорлик ресурси сифатида белгилади, бунда ўсиш миқдорий ўзгаришлар, ривожланиш эса ўсиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган сифатли ижобий ўзгаришлардир. Шумпетернинг ғоялари Филипп Агийон томонидан қўллаб-қувватланган. Шунингдек, Пол Самуэльсон, Роберт Солоу, Фрэнк Рамсей, Хирофуми Удзава, Тьяллинг Купманс, Уильям Нордхаус, Дэвид Касс, Питер Даймонд, Пол Ромер, Овед Галор, Гэри Бэккер, Дарон Аджемоглу ва бошқалар ҳам замонавий ўсиш ва ривожланиш назариясига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ўзбек иқтисодчиларидан А.Х. Абулқосимов, Д.Қ. Ахмедов, Б.К. Ғойибназаров, Н.Х. Жумаев, З.А. Толаметоваларнинг илмий изланишларида ҳам иқтисодий ўсиш тенденциялари ёритиб берилган.

Иқтисодий ўсишни ўлчашда бутун реал ЯИМ ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиши ҳисобга олинади. Ҳақиқий Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), Соф миллий маҳсулот (СММ) ёки Миллий даромад (МД) камроқ қўлланилади. Бироқ, аҳоли жон бошига даромад ва бойлик ўртасида аниқ боғлиқлик йўқ. Демак, иқтисодий ўсишнинг шартлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин:

жорий йилда ишлаб чиқарилган ЯИМ аввалги йилга нисбатан кўпроқ бўлиши;

ЯИМнинг ўсиш суръати аҳоли ўсиш суръатидан юқори бўлиши, яъни киши бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг кўпайиши.

Хусусан, Ўзбекистонда 2022 йилдаги ЯИМ ҳажми жорий нархларда 888,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 5,7 %га кўпайганлигини кўрсатади. Худди шундай, 2022 йил ҳолатида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 24,9 млн сўм (2255 АҚШ \$)ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 3,5 %га ошганлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) прогнозига кўра, 2023

¹³⁷ Йозеф Алоиз Шумпетер (1883–1954). Теория экономического развития. (Дата обр.: 18.12.2012. Архивировано из оригинала 26.12.2013)

бундай танловда адашмадилар. Ушбу ривожланган мамлакатлар инсон капитали концепциясига таяниб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда жуда юксак марраларга эришди. Уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ жуда юқори даражаларга етди, аҳолига бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш учун муносиб шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон ҳам ўз тараққиётида инсон капиталини шакллантириш ва уни ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг асосий омилларидан бирига айлантириш, ушбу омилга таяниб, миллий иқтисодиётнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш ва уни барқарор ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Бу, назарий жиҳатдан ҳам, амалиёт натижалари самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан ҳам, тўғри танланган сиёсат. Инсон капиталини шакллантириш ва ундан унумли фойдаланиш муаммолари кўпроқ микродаражада, яъни иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар доирасида ўз ечимини топади. Давлат эса, ушбу жараёнга турли воситалар, айниқса, иқтисодий воситалар (имтиёзли кредитлар, рағбатлантирувчи солиқлар ва б.) ёрдамида кучли таъсир кўрсатади, уларни тартибга солади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда иқтисодий ўсиш тенденциялари ижобий баҳоланиб, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминламоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган замонавий ислохотлар иқтисодий ўсишнинг барқарор ривожига ўз таъсирини кўрсатиб, аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келмоқда. Бунининг эътибори бўлмайди. Бироқ, иқтисодий ўсишни таъминлаш жараёнларида ўзига хос муаммолар ҳам юзага келган. Уларни бартараф этиш борасида қуйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, замонавий техникаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва соҳаларда диверсификация жараёнларини янада жадаллаштириш;

саноатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш чораларини кўриш ва уларни кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш орқали рақобатбардошликни ошириш;

миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвестициялар киритишни фаоллаштириш асосида истиқболда экологик сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш;

корхоналарда экспорт ва импорт муносабатларини мувофиқлаштириш, уларда ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, экспортни диверсификациялаш чораларини фаоллаштириш;

инвестиция сиёсатини самарали олиб бориш орқали муҳим стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, хорижий капитални жалб қилиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни кенг жорий этишга ўтиш;

миллий иқтисодиётнинг энг замонавий соҳаларида янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини самарали таъминлаш ҳамда мазкур

жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларни янада рағбатлантириш.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар мамлакатда иқтисодий ўсишни кенг қамраб олган бўлиб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

Адабиётлар:

1. Ишмухаммедов А.Э., Жумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма) –Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт” жамғармаси нашриёти, 2005. –Б.169.
2. Макроэкономика: Учебник для бакалавров/А.В. Аносова, И.А. Ким, С.Ф. Серегина [и др.]. Под ред. С.Ф. Серегинной. 2-е изд., испр. и доп. –М.: ЮРАЙТ, 2013. –С.527.
3. Макроэкономика для бакалавров: Учебное пособие/Н.И. Саталкина, Г.И. Терехова, Ю.О. Терехова. –Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО “ТГТУ”, 2014. –С.108.
4. Океанова З.К. Экономическая теория. Учебник. –М., 2007. –С.652.
5. Шумпетер, Йозеф Алоиз (1883-1954). Теория экономического развития. (Дата обр.: 18.12.2021. Архивировано из оригинала 26.12.2022)
6. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодитёт назарияси. –Т.: Мехнат, 1995. –Б.528.
7. https://ru.wikipedia.org/wiki/Экономический_рост#cite_note-Abal-1.

MAMLAKAT IQTISODIY RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

*Dadaboyev Tulqinjon Yusupjonovich, i.f.n., dots.,
Toshkent Kimyo xalqaro universiteti Namangan filiali*

Annotatsiya. Bozor iqtisodiyotini harakatga keltiruvchi, uning taraqqiy etishiga katta ta’sir ko’rsatuvchi kuch – raqobatdir. Raqobat – ko’pqirrali iqtisodiy hodisa bo‘lib, u bozorning barcha subyektlari o‘rtasidagi murakkab munosabatlarni ifodalaydi. Raqobat – bozor subyektlari iqtisodiy manfaatlarining to‘qnashuvidan iborat bo‘lib, yuqori foyda va ko‘proq naflilikka ega bo‘lish uchun ular o‘rtasidagi kurashni anglatadi. Raqobat mavjud bo‘lishining boshqa shartlaridan biri tovar-pul munosabatlarinig ma’lum darajada rivojlangan bozor tizimida amal qilishidir.

Tayanch so‘zlar: raqobat, tovar, bozor konyunkturasi, monopoliya, texnik taraqqiyot, xususiy lashtirish, resurslar, innovatsion vazifa.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. Bozor iqtisodiyotining amal qilish mexanizmi ko‘plab asrlar davomida tarkib topib, shakllanib, hozirgi davrda madaniylashgan shaklni kasb etdi va ko‘pgina mamlakatlarda hukmron iqtisodiy tizimga aylandi. Mazkur iqtisodiyotning barqarorligi shu bilan izohlanadiki, uzoq davrli iqtisodiy evolyutsiya davomida uning amal qilishining asosiy klassik qoidalari saqlanib qoldi.

Xususiy mulkchilikning paydo bo‘lishi va ijtimoiy mehnat taqsimotining ro‘y berishi bozor iqtisodiyotining kelib chiqishi va mavjud bo‘lishining umumiy sharoiti hisoblanadi. Xususiy mulkchilik va mehnat taqsimoti ijtimoiy xo‘jalikning tovar shaklini taqozo qiladi, tovar ishlab chiqarishning mavjud bo‘lishi o‘z-o‘zidan pul muomalasi, ayirboshlash, taqsimlash va iste’molning bozorga oid xususiyatini

koʻzda tutadi. Tovar ishlab chiqarishning rivojlanishi bozor iqtisodiyoti taraqqiyotining asosini tashkil etadi.

Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “2022–2026-yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi toʻgʻrisida”gi Farmoni qabul qilindi. Xususan, Taraqqiyot strategiyasining uchinchi – milliy iqtisodiyotni, uning oʻsish surʼatlarini zamon talablari darajasida rivojlantirish yoʻnalishi boʻyicha belgilangan ustuvor vazifalarni Harakatlar strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yoʻnalishlari doirasida boshlangan islohotlarning davomi sifatida baholash mumkin. 2022–2026-yillardagi ustuvor vazifa sifatida aynan iqtisodiyotning real sektorini rivojlantirish orqali aholi jon boshiga Yalpi ichki mahsulot (YaIM) hajmini oshirish koʻzda tutilgan. Shuningdek, qishloq xoʻjaligida erkin raqobatni taʼminlaydigan bozor tamoyillarini joriy etish, hududlarning iqtisodiy potensialini oshirish, erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini kengaytirish, xorijiy investorlarni jalb qilishni yanada oshirish dolzarb masala hisoblanadi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi. Raqobat va uning nazariyasi jahondagi koʻplab iqtisodchi olimlar tomonidan tadqiq etilgan va bugungi kunda ham bu boradagi nazariyalar, ularning ilmiy-uslubiy asoslari takomillashib bormoqda. Raqobatning nazariy asoslari va uni harakatlantiruvchi kuchlar haqidagi dastlabki toʻlaqonli nazariy qoidalar XVIII asrning oʻrtalariga kelib paydo boʻldi. Bunda A. Smit, D. Rikardo, F. Kene, A. Marshall, P. Buagelberg, J. Keyns, V. Leontev, Y. Shumpeter, M. Porter va boshqalarning ilmiy tadqiqotlari muhim ahamiyat kasb etgan.

Nazariy jihatdan Adam Smit “raqobat – butun jamiyatga naf keltiruvchi faoliyat” ekanligini, Fransua Kene esa “tabiiy tartib” konsepsiyasini ilgari surib, oʻz davrida paydo boʻlayotgan, mustahkamlanayotgan kapitalizm konsepsiyasini maʼqullab, bunday sharoitda uning rivojlanishi “erkin raqobat”ga asoslanishini, bunda bozor narxlarining stixiyali oʻzgarishi, davlatning esa bu jarayonga aralashuvining inkor etilishini qoʻllab-quvvatladi.

M. Porter esa raqobatning besh kuchi borasida oʻz nazariy qarashlarini olgʻa surgan. U raqobatbardoshlikni tahlil qilishning tan olingan uslubini ishlab chiqib, milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini arzon mehnat kabi “birlamchi omillar” bosqichidan tortib, innovatsiya asosidagi raqobat va soʻnggi bosqich – “boylik asosidagi raqobat”gacha rivojlanishini asosladi. M. Porter “mamlakatda raqobat rivojlangan va xaridorlarning talablari yuqori boʻlsa, bu mamlakat korxonalarining xalqaro bozordagi muvaffaqiyatga erishish ehtimoli shunchalik yuqori boʻladi, va aksincha, milliy bozordagi raqobatning kuchsizlanishi, qoidaga koʻra, raqobat ustunligi kuchsizlanishiga olib keladi”, degan nazariyani ilgari surgan.

Yu.B. Rubin raqobatbardoshlik nazariyasiga “biznesning tizimlashgan birligi” sifatida qaraydi. U biznesda raqobat omili, tabiati, ustunligining nazariy asoslarini ishlab chiqdi. Uning fikricha, “raqobat – biznesni boshqarishning asosiy kuchi sifatida maydonga chiqadi” hamda “tabiiy-biologik jarayon kabi doimiy rivojlanish harakatida boʻladi”. Uning nazariy qarashlarida bozor munosabatlarining rivojlanib borishini taʼminlovchi vosita raqobat ekanligi oʻz tasdigʻini topgan.

Bozor iqtisodiyotini harakatga keltiruvchi, uning taraqqiy etishiga katta ta'sir ko'rsatuvchi kuch – raqobatdir. Raqobat kurashining ahamiyati shunchalik yuqoriki, usiz bozorni tasavvur etib bo'lmaydi. Chunki u bozor iqtisodiyotining mazmunidir. “Raqobatsiz bozor iqtisodiyoti bo'lishi mumkin emas va bunday iqtisodiyot mavjud bo'la olmaydi ham”.¹⁴⁰

Bizning fikrimizcha, mamlakat raqobatbardoshligi deganda – bu o'z iqtisodiy salohiyati va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasini oshirish maqsadida mahsulot ishlab chiqarish, taqsimlash va sotish samaradorligi darajasini ham mamlakat ichida, ham chet elda aks ettiruvchi natijaviy nisbiy ko'rsatkich sifatida ta'riflanadi. Tarmoq raqobatbardoshligi esa ma'lum bir tarmoqda yaratilgan bozor imkoniyatlari va ulardan samarali foydalanish jarayonlarini ifodalovchi marketing muhiti hisoblanadi.

Muammoni hal qilish yo'llari. Raqobat kuchsizlanishining ikkita asosiy manbai mavjud: 1) bozor iqtisodiyotidagi erkin muhitda tadbirkorlar foyda ketidan quvib va o'z iqtisodiy mavqeini yaxshilashga intilib, raqobatning cheklangan yo'lidan ozod bo'lishga harakat qiladilar. Firmalarning qo'shib ketishi, kompaniyalarning xufyona kelishuvi, shafqatsiz raqobat – bularning hammasi raqobatning kuchsizlanishi va uning tartibga soluvchilik ta'sirining pasayib borishiga olib keladi; 2) bozor tizimi rag'batlantiradigan texnika taraqqiyoti ham raqobatning zaiflashishiga olib keladi.

Eng yangi texnologiya, odatda: juda katta miqdordagi real kapitaldan foydalanish; yirik bozorlar bo'lishi; kompleksli, markazlashgan va qat'iy bir butun bo'lib birlashgan bozorning tarkib topishi; boy va ishonchli xomashyo manbalarini talab qiladi. Bunday texnologiya bozorning hajmiga nisbatan keng miqyosdagi ishlab chiqaruvchilar mavjud bo'lishi zarurligini bildiradi. Boshqacha aytganda, eng yangi texnologiyani qo'llash asosida ishlab chiqarishning eng yuqori samaradorligiga erishish, aksariyat hollarda, ko'p miqdordagi mayda firmalar emas, uncha ko'p bo'lmagan yirik ishlab chiqaruvchilar mavjud bo'lishini taqozo etadi.

O'z miqyosiga ko'ra, raqobat ikki turga – tarmoq ichidagi va tarmoqlararo raqobatga bo'linadi.

Tarmoqlar ichidagi raqobat ishlab chiqarish va sotishning qulayroq sharoitiga ega bo'lish, qo'shimcha foyda olish uchun bir tarmoq korxonalari o'rtasida boradi. Har bir tarmoqda texnika bilan ta'minlanish darajasi va mehnat unumdorligi darajasi turlicha bo'lgan korxonalar borligi sababli, shu korxonalarda ishlab chiqarilgan tovarlarning individual (alohida) qiymati bir xil bo'lmaydi.

Bu raqobat tovarlarning ijtimoiy qiymatini, boshqacha aytganda, bozor qiymatini aniqlaydi va belgilaydi. Bu qiymat, odatda, o'rtacha sharoitda ishlab chiqarilgan va muayyan tarmoq tovarlarining anchagina qismini tashkil etadigan tovarlarning qiymatiga mos keladi. Tarmoqlar ichidagi raqobat natijasida texnikaviy darajasi va mehnat unumdorligi yuqori bo'lgan korxonalar qo'shimcha foyda oladilar. Va aksincha, texnik jihatdan nochor korxonalar esa, o'zlarida ishlab chiqarilgan tovar qiymatining bir qismini yo'qotadilar va zarar ko'radilar.

¹⁴⁰ Портер, Майкл Э. Конкуренция. –М.: Вильямс, 2003. –С.28.

Tarmoqlararo raqobat turli tarmoqlar korxonalari o'rtasida eng yuqori foyda normasini olish uchun olib boriladigan kurashdan iborat. Bunday raqobat kapitallarning foyda normasi kam bo'lgan tarmoqlardan foyda normasi yuqori bo'lgan tarmoqlarga oqib o'tishiga sabab bo'ladi. Yangi kapitallar ko'proq foyda keltiruvchi sohalarga intilib, ishlab chiqarishning kengayishi va taklif ko'payishiga olib keladi. Shu asosda narxlar pasaya boshlaydi, shuningdek, foyda normasi ham pasayadi. Kam foyda keltiruvchi tarmoqlardan kapitalning chiqib ketishi teskari natijaga olib keladi: bu yerda ishlab chiqarish hajmi o'zgaradi, tovarlarga bo'lgan talab ular taklifidan oshib ketadi, buning oqibatida narxlar ko'tariladi, shu bilan birga, foyda normasi oshadi. Natijada, tarmoqlararo raqobat obyektiv ravishda qandaydir dinamik muvozanatni keltirib chiqaradi. Bu muvozanat kapital qaerga sarflanganligidan qat'i nazar, teng kapital uchun teng foyda olinishiga intilishni ta'minlaydi. Demak, tarmoqlararo raqobat kapital qaysi tarmoqqa kiritilmasin, xuddi shu tarmoq foyda normalarini o'rtacha foyda normasiga "tenglashtiradi".

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar. Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish va uning raqobatbardoshligini oshirishda, eng avvalo, aholining ilmiy salohiyatini va innovatsiyalar hajmini ko'paytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Shu o'rinda, mamlakat raqobatbardoshligini oshirishga doir quyidagi tavsiyalar ishlab chiqildi:

1) tadbirkorlik faoliyatini rag'batlantiradigan va iqtisodiyotga kapitalni jalb qiladigan yuqori raqobatbardosh institutsional muhitni yaratish (raqobatbardosh bozorlarni rivojlantirish, iqtisodiyotni izchil monopoliyadan chiqarish, innovatsiyaviy biznesni qo'llab-quvvatlash, jamg'armalarning kapitalga aylanishini ta'minlaydigan moliyaviy sektorni rivojlantirish);

2) innovatsiyaviy-texnologik yutuqlarni iqtisodiyotning tarkibiy qismlariga joriy etish, diversifikatsiya qilish (muhandislik biznesi, innovatsiyaviy infratuzilma, intellektual mulk bozori institutlarini o'z ichiga olgan milliy innovatsiya tizimini shakllantirish, kuchli ilmiy-texnologik kompleksni yaratish, davlat-xususiy sheriklik mexanizmlaridan foydalanish orqali iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarining raqobatbardoshligini oshirish);

3) sanoat faoliyatiga yordamchi sohalar faoliyatini qo'llab-quvvatlash (energetika, transport, qishloq xo'jaligi sektori, tabiiy resurslarni qayta ishlash)da raqobat afzalliklarini kengaytirish, yangi energiya texnologiyalaridan foydalangan holda xalqaro energetika infratuzilmasi bo'g'inlari, sanoat miqyosida ekologik toza energiya ishlab chiqarish texnologiyalarini joriy etish va b.

Kutilayotgan iqtisodiy samara. Raqobatbardoshlikni oshiruvchi asosiy determinantlar quyidagilardan iborat:

ishlab chiqarish omillari sharoitlari;

talab holati;

korxonalar strategiyasi va ichki raqobat;


qo'llab-quvvatlovchi tarmoqlar va infratuzilma.

Qo'shimcha omillar esa quyidagilardan iborat:

tasodifiy omillar yoki imkoniyatlar;

davlat.

Quyidagi rasmda mamlakat raqobatbardoshligini belgilab beruvchi determinantlar keltirilgan bo‘lib, ular korxonalarining aynan shu bozordagi umumiy raqobatbardoshlik darajalarini ko‘rsatib beradi va alohida korxonalar uchun aniqlash imkonini bermaydi. Ushbu omillarning korxonaga ta‘sir kuchini aniqlash hamda tegishli strategiyalarni belgilab olish uchun qo‘shimcha tahlil amalga oshiriladi. Raqobatni shakllantiruvchi asosiy determinantlar korxonalar bozor faoliyatiga bevosita ta‘sir ko‘rsatadi va tarmoq yoki mahalliy raqobatning xarakterini belgilab beradi. Korxonalar raqobatbardoshligi esa yuqoridagi omillarning ta‘sir kuchi doirasida bo‘ladi va shu asosda, ularning ustunliklari aniqlanadi.



Tarmoqda raqobatbardoshlikni belgilab beruvchi determinantlar guruhi

Quyida raqobatbardoshlikni baholash formulasi taklif etiladi:

$$R_t = Y_{ij} + D_{ij} + r_{ij} \quad (1)$$

Mamlakat hududida tovarlarning narxdan tashqari tanlangan mezonlarining har biri tovar raqobatbardoshligiga turli darajada ta‘sir ko‘rsatadi, degan mulohaza keltiriladi va salmoq koeffitsientlarini hisobga olgan holda (1) formula quyidagi tartibda yoziladi:

$$R_t = a * Y_{ij} + b * D_{ij} + s * r_{ij} \quad (2)$$

Bunda, $0 \leq a, b, s \leq 1$ da bolib, ularning yig‘indisi birga teng, $a+b+s=1$.

Bu yerda: a, b, s – salmoq koeffitsientlari hisoblanib, tovar raqobatbardoshligini baholash uchun tanlangan omillarning qay darajada ta‘sir ko‘rsatishini belgilab beruvchilardir.

Salmoq koeffitsientlari o‘rganilayotgan raqobatbardoshlik mezonlari soniga ko‘ra aniqlanadi (K), bunda:

$$K = ij + ir + ie = 12 + 13 + 34 = 59;$$

$$a = \frac{1}{59} * 12 = 0,22; b = \frac{1}{59} * 13 = 0,24; s = \frac{1}{59} * 34 = 0,64;$$

Ikkinchi formulaga salmoq koeffitsientlarini qo'yib, quyidagicha yozamiz:

$$R_t = 0,22 * Y_{ij} + 0,24 * D_{ij} + 0,64 * r_{ij} \quad (3)$$

Iqtisodiy faoliyat turlari kesimida O'zbekiston Respublikasining YaIM hajmi¹⁴¹

Ko'rsatkichlar/yillar	2018	2019	2020	2021	2022
I. YAIM, jami	426 641,0	532712,5	605514,9	738 425,2	888 341,7
Tarmoqlarning yalpi qo'shilgan qiymati	381065,2	487449,8	561153,4	686432,4	828054,2
Mahsulotlarga sof soliqlar	45575,8	45262,7	44361,5	51992,8	60287,5
II. Tarmoqlarning yalpi qo'shilgan qiymati	381065,2	487449,8	561153,4	686432,4	828054,2
Qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi	113327,4	129885,0	150493,7	181787,7	208452,9
Sanoat (qurilishni qo'shgan holda):	116225,2	164635,7	187610,0	232535,7	276227,0
sanoat	94266,7	134185,8	150275,1	186978,2	220704,3
qurilish	21958,5	30449,9	37334,8	45557,4	55522,7
Xizmatlar:	151512,6	192929,1	223049,8	272109,1	343374,3
savdo, yashash va ovqatlanish bo'yicha xizmatlar	26510,1	32179,7	36662,8	46750,0	57801,7
tashish va saqlash, axborot va aloqa	30095,3	36028,6	38313,1	47934,3	57776,5
boshqa xizmat tarmoqlari	94907,3	124720,8	148073,9	177424,8	227796,1

Yuqoridagi jadvaldan ko'rinadiki, O'zbekistonda 2022-yilda YaIM hajmi 888,34 trln so'mga yetdi. 2021-yil darajasiga nisbatan real o'sish sur'ati 5,7 %ni tashkil etdi. YaIMda sanoat mahsulotlarining ulushi 220,7 trln so'mga (+5,2 %), xizmatlar ko'rsatish – 343,3 trln so'mga (+8,5 %), mahsulotlarga sof soliqlar – 60,3 trln so'mga oshdi. Savdo, turar joy va oziq-ovqat xizmatlari sohasi 9,3 %ga, transport, axborotlashtirish va aloqa sohasi 14,7 %ga o'sgan.

Adabiyotlar:

1. Портер, Майкл Э. Конкуренция. –М.: Вильямс, 2003. –С.28.
2. Makhmudov, T.O., & Kodirov, K.T. Methods for evaluating the effectiveness of the marketing activities of an enterprise, analysis and results gwalior management. –ACADEMY, –С.146.
3. Olimjonovich, M.T. (2020). Role of fashion industry in the development of market activity of textile companies in Uzbekistan. South Asian Journal of Marketing&Management Research, 10(5), 99-104.
4. Maxmudov, T. (2019). Development of light industry in Uzbekistan and the role of fashion industry in IT. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 8(10), 85-92.

¹⁴¹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>.

АНАЛИЗ ИНДЕКСА РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА

*Зайналова Камола Нодировна, ст. преп.,
Самаркандский филиал Ташкентского
международного университета Кимё*

Аннотация. В статье анализируется состояние электронного правительства в Узбекистане. В целом, разъясняется понятие “электронного правительства” и его назначение. А также, сравнивается развитие электронного правительства в Узбекистане и существующие показатели на основе информации, предоставленной ООН.

Ключевые слова: информационное общество, е-правительство, информационно-коммуникационные технологии, электронные услуги, EGDI.

Abstract. This article is devoted to the analysis of the state of e-Government in Uzbekistan. The concept of e-Government itself is considered, what it serves for, and what its goals are. An analysis of the development of e-Government of the Republic of Uzbekistan according to the UN data and a comparison of the e-Government Development Index is given.

Keywords: information society, e-Government, information and communication technologies, e-Services, EGDI.

Введение. Развитие и широкое применение информационных технологий (ИТ) является глобальной тенденцией мирового развития в современный период. Применение этих технологий имеет большое значение для повышения конкурентоспособности экономики, расширения возможностей ее интеграции в мировую систему хозяйства, повышения эффективности государственного управления и местного самоуправления.

Концепция “e-Government”, т.е. “электронное правительство”, появилась на Западе в конце 1990-х гг. как идея широкого внедрения современных информационных, компьютерных технологий в работу государственных структур с целью повышения эффективности и прозрачности работы государственного аппарата. Эта концепция дополнялась идеей сервисно-ориентированного государства, т.е. государства как организации, предоставляющей услуги своим гражданам. В настоящее время, в условиях проведения коренных экономических и политических преобразований в Узбекистане, проводится огромный объём работ в области совершенствования взаимодействия всех объектов и субъектов общества. На сегодняшний день ни у кого не вызывает сомнений, что одной из важных предпосылок эффективного функционирования государственного механизма в условиях развитого информационного общества является своевременное обеспечение государственной власти достоверной информацией. В этом смысле можно согласиться с оценками большинства исследователей, которые считают, что произошло качественное обновление информационно-коммуникационных технологий (ИКТ), которые кардинально изменили современную политическую сферу, трансформировавших её нормы, институты, конструируя при этом ее нормы.

Реформа государственного управления побуждает правительства вкладывать средства в проекты и инициативы электронного правительства.

Интернет и ИКТ дают гражданам возможность быть лучше информированными об услугах, предоставляемых правительством, в удобной для пользователя среде. Существует множество определений услуг е-правительства, например, электронное правительство – это: “Использование ИКТ для предоставления правительственной информации и услуг гражданам и предприятиям”¹⁴². При этом ко всем определениям можно применить принцип: “электронное правительство должен предоставлять государственные услуги в режиме онлайн 24 часа в сутки и 7 дней в неделю”. При этом заметим, что любой пользователь может создать веб-сайт, но электронное управление – это больше чем веб-сайт.

Обзор литературы. В этом разделе мы представляем некоторые подходы, направленные на изучение электронных правительств. При этом, рассмотренные методы исследований основаны на изучении предлагаемых услуг, посредством опросов и изучением веб-порталов. Изучение научной литературы по этой тематике позволяют осуществить целенаправленное изучение национальной системы е-правительства. При этом, мы не будем акцентировать внимание на сильные и слабые стороны этих методов.

Использование ИТ в государственном управлении рассматривается в популярной риторике как важный инструмент повышения эффективности, прозрачности и подотчетности и часто объявляется необходимым и достаточным условием для этого. В работе Khera R. и Patibandla V.¹⁴³ изучены использование различных форм ИТ, таких как компьютеризация, информационные системы государственного управления, цифровое удостоверение личности и биометрия, в двух программах социального обеспечения в Индии. Используя общедоступные административные данные, изучены некоторые показатели эффективности программ социального обеспечения, исследовано, было ли и какое вмешательство ИТ было полезным для реализации программы, и комментируем степень, в которой ИТ реализовали свой потенциал для повышения прозрачности. В работе показывается, что нет автоматической связи между использованием ИТ и повышенной прозрачностью или подотчетностью, кроме того, использование ИТ может усилить существующий дисбаланс сил¹⁴⁴.

В последнее время электронному правительству в социальных сетях уделяется много внимания. Несмотря на недавний призыв к дальнейшим исследованиям социальных взаимодействий и коммуникационных аспектов электронного правительства в социальных сетях, все ещё существует ограниченное количество эмпирических данных о том, почему люди участвуют в социальном аспекте услуг электронного правительства и как это

¹⁴²United Nations. What is e-Government. Available online: <https://publicadministration.un.org/egovkb/en-us/About/UNeGovDD-Framework#whatis> [Дата доступа 02.09.2020].

¹⁴³ Khera R., Patibandla V. Information Technology (IT) and Welfare in India: Does IT work? COMPASS '20: Proceedings of the 3rd ACM SIGCAS Conference on Computing and Sustainable Societies, 2020. 284–285. <https://doi.org/10.1145/3378393.3402243>

¹⁴⁴ Khera R., Patibandla V. Information Technology (IT) and Welfare in India: Does IT work? COMPASS '20: Proceedings of the 3rd ACM SIGCAS Conference on Computing and Sustainable Societies, 2020. 284–285. <https://doi.org/10.1145/3378393.3402243>.

связано с их ожиданиями и удовлетворением. Работа Shin-Yuan Hung, Kuanchin Chen & Yi-Kuan Su¹⁴⁵ устраняет этот пробел, расширяя теорию ожидания-подтверждения на изучение коммуникации и социальных взаимодействий в правительственных группах Facebook. Результаты показывают, что качество общения и оперативность являются двумя ключевыми элементами, которые влияют на воспринимаемый уровень полезности. Эти две переменные вместе с социальным взаимодействием оказали статистически значимое влияние на общее подтверждение ожиданий. Воспринимаемая полезность и удовлетворенность предсказывают намерение продолжать использовать услуги социальных сетей электронного правительства, причем удовлетворение влияет на такое намерение больше, чем воспринимаемая полезность. Дальнейший мульти групповой анализ показывает, что разница поколений и частота использования смягчают отношения расширенной модели¹⁴⁶.

Биринчи йўналиш – лойиҳанинг илмий тадқиқотлар қисми бўлиб, унда Ўзбекистонда мавжуд барча муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий-маънавий ва моддий бойликларнинг халқаро тажрибаларга асосланадиган ягона интеграцион реестри тузилди. Ушбу реестрга зиёрат аҳамиятига эга, ҳақиқатан маданий ва диний аҳамиятга эга бўлган зиёрат объектлари вилоят ва туманлар даражасида тўлиқ ўрганилиб, киритилди. Ҳозирги давргача мамлакатимиз аҳолиси зиёрат қилувчи 526 та объектнинг рўйхати тузилган. Шу билан бирга, уларнинг баъзилари катта маданий ва диний аҳамиятга эга эмас. Шу сабабли, тадқиқот давомида мамлакатимиздаги муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг аниқ тарихий материалларга асосланган тавсифи яратилди ва муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг брендлик даражаси бўйича стандартлар ўрганилиб, Ўзбекистонда қўлланиш имкониятлари аниқланди.

Иккинчи йўналиш – ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг малакали мутахассислари билан ҳамкорликда “E-Ziyorattourizm” электрон платформасини яратиш (электрон платформанинг дастурий таъминоти, дизайни ва имкониятлари устида ишлаш). Электрон платформа “Ziyorattourizm” сайти ва мобиль иловасини, аудио-видео версияларини қамраб олди. У веб-технология ва объектга йўналтирилган дастурлаш тиллари асосида ишлаб чиқилиб, унда замонавий дастурлаш тиллари базасидан истифода этган ҳолда ASP.NET Core MVC замонавий фреймворки, php, html, Java, Reack js дастурлаш тилларидан ва Oracle MS SQL Server, маълумотлар базасини бошқариш тизимларидан фойдаланилди.

Ушбу фреймворк яратилган платформанинг Linux ва Windows операцион тизимларида муаммосиз ишлашини таъминлайди. Тизимда

маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун маълумотлар базаси яратилди. Мобиль иловани яратишда Android Studio ҳамда ios тизими учун Swift дастурларидан фойдаланилди.

Лойиҳани амалга ошириш даврида кўзда тутилган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги натижаларга эришилди:

Биринчи босқичда Ўзбекистонда мавжуд муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг халқаро тажрибаларга асосланган ягона интеграцион реестрини тузиш мақсади қўйилган эди. Бу жараёни амалга оширишда барча вилоятлардаги қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий, маънавий ва моддий бойликлар бевосита жойида ва мавжуд манбалар асосида ўрганилди, улар бўйича маълумотлар тўпланди ва умумлаштирилди. Вилоятлар бўйича тўпланган материаллар асосида муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг аниқ тарихий материалларга асосланган тавсифи яратилди. Ушбу тадқиқотлар асосида зиёрат туризми объектларининг интерациялашган электрон платформаси тузилди.

Иккинчи босқичда муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий, маънавий ва моддий бойликларнинг брендлик даражасини ошириш бўйича халқаро стандартлар ўрганилди. Бу жараёни амалга оширишда Туркия, Индонезия, Малайзия ва Саудия Арабистони каби мамлакатлар тажрибаси ўрганилди.

Учинчи босқичда “*E-Ziyorattourizm*” интеграцион электрон платформаси яратилди. Бу жараёни амалга оширишда электрон платформанинг дастурий таъминоти, дизайни ва имкониятлари устида ишланди. Электрон платформага зиёрат туризми объектлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олган Ziyorattourizm сайти ва зиёрат объекти ҳақида маълумот, геолокация ва туристларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма бўйича тўлиқ ахборот берилган мобиль илова киритилди, аудио-видео версиялари яратилди, “Ўзбекистон зиёратгоҳлари” фотоальбоми нашр этилди.

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳани бажариш асосида эришилган натижалар самарадорлиги қуйидагиларга қаратилган:

1. Ўзбекистонда мавжуд муқаддас қадамжолар, ноёб объектлар, архитектура ёдгорликлари, маданий-маънавий ва моддий бойликларнинг халқаро тажрибаларга асосланган ягона интеграцион реестри тузилди, ундан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фойдаланишлари мумкин.

2. “*E-Ziyorattourizm*” интеграцион электрон платформаси яратилди ва ундан туристик операторлар ва агентликлар, чет эл туристик фирмалари ва туристлари кенг фойдаланишлари мумкин.

Адабиётлар:

1. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси (35-мақсад), 28.01.2022.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни, 18.07.2019.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони, 09.02.2021.
4. Тухлиев Н., Жиянов У. Туризмнинг ривожланиш миллий моделлари. –Т.: “Илм-зиё-заковат”, 2020. –Б.60-67.
2. Тухлиев Н. Маънавий рекреация замини. “Янги Ўзбекистон” газетаси, №115, 10.06.2022.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҚИРОЛЛИГИ ТАЖРИБАСИ (ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ МИСОЛИДА)

*Абдуллаев Равшан Вахидович, и.ф.д., проф.,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

Аннотация. Ушбу мақола Саудия Арабистони Қироллигида рақамли иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини туризм соҳаси мисолида қиёсий таҳлил қилишга бағишланган. Минтақа давлатларининг халқаро микёсда қабул қилинган “Рақамли рақобатбардошлик индекси”, “Соҳа бўйича билимлар индекси”, “Технологиялар индекси”, “Келажакка тайёргарлик индекси” каби кўрсаткичлар бўйича жаҳондаги илғор мамлакатлар қаторидаги ўрни кўрсатиб берилган. Яқин Шарқ мамлакатларидаги туризм ривожини ушбу соҳадаги жаҳоннинг илғор мамлакатлари кўрсаткичлари билан қиёсланган. Шунингдек, рақамли технологияларга асосланган “Vision-2030” дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши яқин истиқболда Саудия Арабистонида анъанавий туризмнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиши асослаб берилган.

Таянч сўзлар: Саудия Арабистони Қироллиги иқтисодиётини рақамлаштириш, “Рақамли рақобатбардошлик индекси”, “Соҳа бўйича билимлар индекси”, “Технологиялар индекси”, “Келажакка тайёргарлик индекси”, Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да туризм ҳиссаси, “Vision-2030” стратегияси, Туризм ва қадимий обидалар бўйича Олий комиссия, ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектлари рўйхати, анъанавий туризм, рекреацион туризм.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида салмоқли ўринлардан бирини эгаллаган туризм индустрияси бугунги кунда халқаро хизматлар савдоси соҳасидаги нисбатан динамик тарзда ривожланиб келаётган тармоқлардан ҳисобланади. Халқаро Саёҳат ва Туризм Ҳайъати (WTTC) маълумотларига кўра, жорий аср бошидан ҳозирга қадар дунё бўйича хорижий сайёҳлар сонининг йиллик ўсиш суръати ўртача 5 %дан зиёд, туризмдан келадиган даромад эса ўртача 14 %дан ўсиб бормоқда¹⁵⁰.

“Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки

¹⁵⁰ WTTC статистик маълумотлари асосида.

ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради”¹⁵¹. Республикамизда туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, пировардида, туризмни иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади¹⁵².

Материаллар ва услублар. Илмий мақоланинг тайёрланишига, аввало, юртимизда туризмни, хусусан, зиёрат туризмини жадал суръатларда ривожлантиришнинг долзарблиги ҳамда унинг Президент Ш. Мирзиёев томонидан таъкидланиши асос бўлди. Илмий таҳлил жараёнида тегишли маълумотлар Халқаро Саёҳат ва Туризм Ҳайъати (WTTC), хориж ва республика олимларининг илмий ишлари ҳамда Интернет ресурсларидан олинди. Тадқиқот жараёнида назарий-методологик, тизимлаштириш тамойиллари, қиёсий таҳлил, статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш асосида иқтисодий жараёнлар тенденцияларини аниқлаш ва монографик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Муҳокама. Жаҳон бозоридаги шиддатли рақобат шароитида миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, кўп жиҳатдан, рақамли технологияларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига татбиқ этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш, ўз навбатида, Интернет тармоғининг технологик имкониятларига таянади. Шубҳасиз, бугунги кунда Интернет худди жаҳон океани ёки Ер атмосфераси каби глобал ижтимоий неъматга айланиб улгурди.

Рақамли иқтисодиёт масалаларига бағишланган илмий адабиёт ва мақолаларда мамлакатнинг мазкур соҳадаги даражасини ифодаловчи ўнлаб кўрсаткичлар келтирилади. Бир мақола доирасида барча кўрсаткичларнинг таҳлилин амалга ошириш мушкул вазифа. Шу боис, биз қиёсий таҳлиллар учун айримларини ажратиб оламиз. Масалан, рақамли рақобатбардошлик бўйича умумжаҳон рейтинги бугунги кунда халқаро миқёсда қабул қилинган **“Рақамли рақобатбардошлик индекси”, “Соҳа бўйича билимлар индекси”, “Технологиялар индекси”, “Келажакка тайёргарлик индекси”** каби кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади¹⁵³. Биз таҳлил қилаётган Саудия Арабистони Қироллигининг жаҳонда ва Яқин Шарқ минтақасида тутган мақомига аниқ баҳо бериш учун уни мазкур соҳа бўйича илғор бошқа давлатлар билан таққослаш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги 1-жадвалда Рақамли рақобатбардошлик бўйича умумжаҳон рейтинги кўрсаткичлари келтирилган. Бунда дунё бўйича энг илғор 10 та мамлакат, шунингдек, 38, 39 ва 40-ўринларни эгаллаган, мос равишда, Россия, Саудия Арабистони Қироллиги ва Таиланд давлатларига оид маълумотлар берилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, Саудия Арабистони “Рақамли рақобатбардошлик”, “Соҳа бўйича билимлар”, “Технологиялар”,

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 28.12.2019.

¹⁵² Абдуллаев Р. Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида. “Sharqshunoslik”, №3, 2019. –Б.135.

¹⁵³ Коровкин В.В. Национальные программы цифровой экономики стран Ближнего Востока//Ars Administrandi (Искусство управления). Т.11, №1, 2019. –С.158.

“Келажакка тайёргарлик” индекслари бўйича, мос равишда, 69,1; 61,4; 62,5; 61,9 кўрсаткичлари билан дунёда 39-ўринни эгаллаб турибди. Ушбу ўрин жаҳон миқёсида олганда ўртача ҳисобланса-да, Яқин Шарқ минтақасида жойлашган давлатлар орасида юқори мақомлардан биридир.

1-жадвал. Рақамли рақобатбардошлик бўйича умумжаҳон рейтинги (2019)¹⁵⁴

Ўрин	Мамлакат	Жаҳон бўйича Рақамли рақобатбардошлик индекси	Соҳа бўйича билимлар индекси	Технологиялар индекси	Келажакка тайёргарлик индекси
1	АҚШ	99,4	90,9	89,4	98,5
2	Сингапур	99,4	90,5	100	86,4
3	Швеция	96,4	89,7	88,2	89,0
4	Дания	95,2	85,9	83,9	94,5
5	Швейцария	94,3	90,8	84,2	87,6
6	Нидерландия	94,3	81,8	88,4	91,4
7	Финландия	93,7	84,5	86,9	88,5
8	Гонконг	93,7	85,8	89,8	84,2
9	Норвегия	93,6	80,3	91,2	88,2
10	Ж. Корея	91,2	83,4	79,6	89,6
38	Россия	70,4	75,1	58,4	56,5
39	Саудия Арабистони	69,1	61,4	62,5	61,9
40	Таиланд	68,4	58,4	72,8	52,9

Бундан ташқари, мамлакатда рақамлаштириш даражасини ифодалайдиган яна бир қатор кўрсаткичлар мавжудки, улар бўйича минтақа давлатларини қиёсий таҳлил қилинса, яна бошқача манзара намоён бўлади. Албатта, бу ҳудудда жойлашган давлатларнинг иқтисодий салоҳияти ва тараққиёт даражаси ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади. Углеводород захираларига бой мамлакатларда ЯИМ ва унинг жон бошига тўғри келадиган қиймати ҳам анча юқори. Табиийки, бу ерда рақамлаштириш жараёнлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бундай давлатларга, аввало, Форс кўрфази давлатлари: Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Баҳрайн, Қувайт, Қатар, Уммон, шунингдек, Саудия Арабистони, Туркия ва Исроилни мисол келтириш мумкин. Сурия, Ироқ ва Яман каби ижтимоий-сиёсий жиҳатдан беқарор давлатларда эса бунинг акси – мазкур давлатларда иқтисодиётни рақамлаштириш ўта паст даражада.

Минтақа мамлакатлари орасида Саудия Арабистони мазкур соҳа бўйича Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Баҳрайн ва Қувайт қаторида пешқадам давлатлардан бири ҳисобланади. Рақамлаштириш даражасини акс эттирувчи халқаро миқёсда қабул қилинган “*Электрон ҳукумат индекси*” кўрсаткичи бўйича БАА (0,8295) минтақадаги энг илғор давлат ҳисобланса, кейинги

¹⁵⁴ <https://issek.hse.ru/mirror/pubs/share/387609461>.

ўринларда Баҳрайн (0,8116), Исроил (0,7998), Қувайт (0,7388), Қатар (0,7132) ва Саудия Арабистони (0,7119) туради.

“Рақамли тайёрлик индекси” ҳамда “Инновациялар индекси” мамлакатда рақамли иқтисодиётнинг ижтимоий ҳаётга қай даражада татбиқ этилганини акс эттирувчи кўрсаткичлар сирасига киради. Мазкур кўрсаткичлар бўйича энг юқори натижа (5,3 ва 43,24) БААда қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич (3,3 ва 23,28) Ливанда қайд этилган. Ироқ, Сурия ва Яманда эса улар 0 даражасида ёки умуман маълумот мавжуд эмас. Саудия эса мазкур кўрсаткичлар бўйича 5-ўринни (мос равишда 4,8 ва 36,17) эгаллаб келмоқда (2-жадвал).

2-жадвал. Яқин Шарқ мамлакатлари рақамли иқтисодиётининг асосий кўрсаткичлари (2019)¹⁵⁵

№	Мамлакат	ЯИМ, млрд \$	ЯИМ жон бошига, \$	Рақамли тайёрлик индекси	Инно- вациялар индекси	Электрон хукумат индекси
1	БАА	382,6	67700	5,3	43,24	0,8295
2	Баҳрайн	35,3	50300	5,1	34,67	0,8116
3	Исроил	350,9	34800	5,4	53,88	0,7998
4	Қувайт	120,1	71300	4,2	36,1	0,7388
5	Қатар	167,6	129700	5,2	37,9	0,7132
6	Саудия Арабистони	683,8	54100	4,8	36,17	0,7119
7	Туркия	851,1	21100	4,4	35,48	0,7112
8	Уммон	72,6	43700	4,3	31,83	0,6846
9	Иордания	40,1	11100	4,2	30,52	0,5575
10	Ливан	51,8	18500	3,3	23,28	0,553
11	Миср	253,4	12100	3,7	26,0	0,488
12	Эрон	439,5	18100	3,7	32,09	0,411
13	Сурия	-	2900	-	-	0,3459
14	Ироқ	197,7	16500	-	-	0,3376
15	Яман	-	2500	-	-	0,2154

Рақамли технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланаётган иқтисодиёт тармоқларидан бири бу – Халқаро туризм индустрияси. Мазкур соҳа рақамли технологияларни ўз фаолиятига тобора кенгроқ жалб этар экан, тармоқлараро тараққиёт пойгасининг олдинги сафларида шиддат билан ривожланиб бормоқда.

Пандемиядан олдин дунё бўйича қайд этилган саёҳатлар сони 1,5 млрд дан ошган эди. Бугунги кунда жаҳон минтақалари ичида Яқин Шарқ туризм бўйича энг жадал ривожланаётган минтақа сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу ҳудуд мамлакатларида қайд этилган зиёратлар сонининг ўсиши дунё

¹⁵⁵ <https://issek.hse.ru/mirror/pubs/share/387609461>.

бўйича ўртача кўрсаткич (4 %)дан икки баробар кўпроқ (8 %)ни ташкил этди¹⁵⁶.

Сўнгги йилларда Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларида, айниқса, Саудия Арабистони Қироллигида замонавий туризмнинг жадал суръатларда ривожланиши фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Унинг дунёда тутган мақоми халқаро туризмга оид асосий уч кўрсаткич бўйича тузилган қуйидаги 3-жадвалда яққол кўриниб турибди. 2019 йил маълумотларига кўра, Саудия Яқин Шарқ минтақаси мамлакатлари ичида Туркия ва Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)дан кейин учинчи ўринда туради. Жадвалга дунёнинг энг илғор давлатларидан фақат топ 6 таси, яъни Франция, АҚШ, Хитой, Испания, Италия ва Туркиянинг киритилгани инобатга олинса, Саудия Арабистони халқаро туризм соҳасида 2019 йили жаҳоннинг 10 талик рўйхатига кирган. Шу йили мамлакатга 20,3 млн дан зиёд зиёратчилар ташриф буюрган бўлиб, улардан келган даромад 19,9 млрд \$ни, унинг ЯИМдаги улуши эса 9,3 %ни ташкил этган¹⁵⁷.

3-жадвал. Халқаро туризм бўйича асосий кўрсаткичлар (2019)¹⁵⁸

№	Мамлакатлар	Туристлар сони, млн киши	Даромад, млрд \$	ЯИМдаги улуши, %
1.	Франция	211,9	71,1	9,6
2.	АҚШ	166,1	233,5	7,8
3.	Хитой	162,5	21,4	10,9
4.	Испания	126,2	31,6	14,6
5.	Италия	95,4	51,9	13,3
6.	Туркия	51,7	42,4	12,7
7.	БАА	21,6	38,4	10,9
8.	Саудия Арабистони	20,3	19,9	9,3
9.	Марокаш	13,2	10,1	18,9
10.	Миср	13,1	14,3	12,0

Албатта, зиёрат туризми ёки янада аниқроқ қилиб айтганда, Ҳаж ва Умра зиёрати фақатгина Саудия Арабистони Қироллиги учун хос бўлган зиёрат тури ҳисобланади. Зеро, Арабистон ярим оролида эрамизнинг VII асри бошларида дунёга келган ислом динининг яқкаю ягона муқаддас қадамжоси саналган Каъба, айнан, Макка шаҳрида жойлашган.

Маълумки, Ҳаж зиёрати ислом динининг беш устунидан бири бўлиб, ҳар бир мусулмон учун фарз амаллардандир. Шу боис, Ер юзида яшовчи ҳар бир мўмин-мусулмон умри давомида моли нисобга етгач, Ҳаж амалини адо этиш учун Маккаи муқаррама ва Мадинаи мунавварага ошиқади. Саудия Арабистони зиёрат туризмнинг ҳар бир жиҳатини, яъни зиёратчининг

¹⁵⁶ Абдуллаев Р. Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иктисодиётининг устувор йўналиши сифатида. “Sharqshunoslik”, №3, 2019. –Б.135.

¹⁵⁷ Коровкин В.В. Национальные программы цифровой экономики стран Ближнего Востока//Ars Administrandi (Искусство управления). Т.11, №1, 2019. –С.158

¹⁵⁸ <https://knoema.ru/atlas/> маълумотлари асосида тузилган.

мамлакатга келишидан кетгунигача бўлган хизматларни энг юқори ва аъло даражага кўтара олган давлатлардан саналади. Таъкидлаш жоизки, Саудия бу соҳада бир даражада қотиб қолмайди, доимо изланиш ва ривожланишда бўлиб, зиёратчиларга йил сайин янгидан-янги хизмат турларини таклиф қилиб боради. Туризм индустриясини рақамлаштириш эса, зиёрат давомида учрайдиган турли хил жараёнлар ва бюрократик тўсиқларни енгиллаштириш имкониятини яратмоқда.

2016 йилда нефть нархларининг мисли кўрилмаган даражада, яъни 1 баррель нефтнинг 27,5 \$га тушиб кетиши нефть экспортига суяниб қолган мамлакат иқтисодиётини анчагина оғир аҳволга солиб қўйди. Бунинг оқибатида, Ҳукумат, ҳатто, Давлат бюджети харажатларини қисқартириш чора-тадбирларини кўришга мажбур бўлди. Иқтисодиётдаги оғир вазият Ҳукуматни ноординар ва инновацион фикрлашга, пировардида, имкон қадар қисқа муддатларда рақамли технологияларни иқтисодиётнинг устувор соҳалари, хусусан, туризм индустриясига жорий этишга мажбур қилди. Шу боис, Саудия Арабистони Қироллиги ўз иқтисодиётини 2030 йилга қадар тўлиқ рақамлаштириш ва диверсификация қилиш режасини амалга оширишга киришди. Бутун дунё учун туризмнинг анъанавий ҳисобланган замонавий, когнитив (маърифий), рекреацион ва бошқа кўнгилочар турларини ривожлантириш ушбу сиёсатнинг устувор йўналишлари сифатида қаралиши белгилаб олинди.

Туризм вазири Аҳмад Ҳотиб 2019 йил 27 сентябрь – муборак жума кунини “Саудия учун тарихий кун”, дея эътироф этди. Зеро, шу кундан эътиборан, 49 та давлат фуқароларига туристик визалар бера бошланди¹⁵⁹. Таъкидлаш жоизки, бунга қадар Саудия Арабистонига турист бўлиб келиш амри-маҳол эди. Номусулмонлар эса, умуман, Макка ва Мадина яқинига йўлатилмаган, бизнес ва бошқа турдаги визаларни олиш ҳам катта муаммо бўлган.

Мамлакатнинг сайёҳлар учун очилиши – бу тахт вориси шахзода Муҳаммад бин Салмоннинг иқтисодий ислоҳотлар дастуридаги бир банддир. Ислоҳотлар, пировардида, Қироллик ўз иқтисодиётини нефтьга қарамликдан сезиларли даражада халос қилиши даркор. Дастурга мувофиқ, расмий Ар-Риёд 2030 йилгача Саудия Арабистонига ташриф буюрувчи хорижликлар сонини йилига 100 млн кишига етказишни тахмин қилмоқда. Туристик секторнинг ўсиши ҳисобига мамлакатда миллионга яқин янги иш ўринлари яратилиши ҳам кўзда тутилган¹⁶⁰.

2016 йилда қабул қилинган “Vision-2030” стратегиясига биноан, мамлакатда нефтьга боғлиқ бўлмаган секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси 15 %дан 50 %га ортиши ҳисобига Саудиянинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни 20-дан 15-ўринга кўтарилиши лозим. Натижада, меҳнат бозорида аёллар ҳиссаси 22 %дан 30 %га кўтарилади, ишсизлик эса 11,6 %дан 7 %га тушади.

¹⁵⁹ <https://www.bbc.com/russian/news>.

¹⁶⁰ Аигина Е.В. Саудовская Аравия: рождение новой туристской дестинации. Туризм и рекреация: фундаментальные и прикладные исследования.

Шунингдек, Ҳукумат Ҳаж ва Умра зиёрати учун қатор енгилликларни жорий қилиб, 2025 йилга қадар зиёратчилар сонини 30 млн га, бошқа сайёҳлар сонини эса 22 млн га етказишни режалаштирмоқда.

Пандемиягача бўлган охириги уч йил мобайнида Қироллик иқтисодиётининг туризм секторида ўсиш тенденцияси яққол кўзга ташланади. 2017 йилдан 2020 йилнинг бошларига қадар мамлакат ЯИМга туризм секторининг қўшган умумий ҳиссаси, мос равишда, 65,2 млрд (9,0 %), 70,6 млрд (9,2 %), 76,5 млрд (9,3 %) АҚШ \$ни ташкил этди. Худди шу манбанинг бошқа маълумотларига кўра, 2016-2018 йилларда ташриф буюрган зиёратчилардан, мос равишда, 13,4 млрд, 15,0 млрд, 16,9 млрд АҚШ \$ миқдорида соф даромад олинди. Таъкидлаш жоизки, мазкур кўрсаткичларнинг бири ЯИМга қўшилган ҳисса бўлса, иккинчиси соф даромадни ўзида акс эттиради. Сўнгги 3-4 йил мобайнида ҳар иккала кўрсаткичда ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган.

ЮНЕСКО рўйхатига Мадина шаҳридан 300 км шимолда жойлашган Ал-Хижр объекти – наботийларга оид Мадаин Солиҳ шаҳри киритилди. Бундан ташқари, мамлакатда замонавий диққатга сазовор жойлар мавжуд, масалан, Жидда шаҳрида бунёд этилган дунёдаги энг баланд “Қирол Фаҳд фаввораси” (312 м) каби кўплаб замонавий архитектура объектлари шулар жумласидан.

Шунингдек, пойтахт яқинида мавзули ва табиий парклар ҳамда йирик спорт мажмуаларини ўзида мужассам этган “Qiddiya” кўнгилочар мега комплекси қурилиши бошланган. Ар-Риёдда дунёда энг катта шаҳар парки қурилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳага кўра, худудда 7 млн дарахт экилиши, замонавий театр, очик осмон остидаги сахна, тасвирий, мусиқий ва драматик санъат академиясини барпо этиш кўзда тутилган. Яқин истиқболда авиация, космонавтика, фан, архитектура ва замонавий технологиялар музейлари ҳам барпо этилиши белгилаб қўйилган¹⁶¹.

Рақамли ва инновацион технологияларнинг туризм индустриясига тобора кенгроқ жорий этилиши Саудия Арабистони Қироллигининг жаҳонда мазкур соҳа бўйича пешқадам бўлишига ишончли замин яратиши шубҳасиз.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот жараёнида амалга оширилган таҳлиллар қуйидаги хулоса ва таклифларни беришга асос бўлади:

рақамли технологияларга асосланган “Vision-2030” дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши Саудияда анъанавий туризмнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди;

мамлакатда туризмнинг барча турларини рақамли инновациялар асосида ривожлантириш натижасида иқтисодиётнинг нефтга қарамлиги 50 %гача қисқариши кутилмоқда;

Саудия Арабистони Қироллигининг халқаро туризм индустриясини рақамлаштириш борасидаги тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитида ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁶¹ <https://lenta.ru/articles/2019/11/13/tourisminsaudi Arabia/>

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 28.12.2019.
2. Абдуллаев Р. Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида. “Sharqshunoslik”, №3, 2019. –Б.135.
3. Коровкин В.В. Национальные программы цифровой экономики стран Ближнего Востока//Ars Administrandi (Искусство управления). Т.11, №1, 2019. –С.158.
4. WTTC статистик маълумотлари.
5. <https://issek.hse.ru/mirror/pubs/share/387609461>.
6. <https://knoema.ru/atlas/>.
7. <https://www.bbc.com/russian/news>.
8. Аигина Е.В. Саудовская Аравия: рождение новой туристской дестинации. Туризм и рекреация: фундаментальные и прикладные исследования.
9. <https://lenta.ru/articles/2019/11/13/tourisminsaudi Arabia/>.

IS DISPLACEMENT HYPOTHESIS IS VALID FOR TURKIC COUNTRIES? EVIDENCE FROM MILITARY EXPENDITURES

*PhD Selim Kayhan¹⁶²,
PhD Tayfur Bayat¹⁶³,
PhD Candidate Betül Gümüş¹⁶⁴*

Abstract. Military expenditure is an essential part of government expenditures due to political preferences, geopolitical position and the economic condition of a country. Because of the weak contribution of defense expenditures to economic growth, it is subsidized by governments for years. The contribution of governments to the sector is varied due to conjunctures. This made defense expenditures sensitive to internal and external shocks. If sensitivity is high, increasing expenditures do not move back to the initial level and it is called as “displacement hypothesis” by Peacock and Wiseman. In this study, we aim to empirically analyze the sensitivity of defense expenditures to shocks and the validity of the “displacement hypothesis” in Turkic countries namely, Türkiye, Kazakhstan, Turkmenistan, Uzbekistan, Azerbaijan, Tajikistan and Kyrgyz Republic. Results imply that the displacement hypothesis is valid in all countries. While Tajikistan and Kyrgyzstan react at the highest level, the permanency of defense expenditures is highest in Türkiye and Azerbaijan.

Keywords: Turkic economies, Displacement hypothesis, Defense expenditures.

Introduction. The displacement hypothesis developed by Peacock and Wiseman (1986) indicates that the growth of government expenditures because of an upheaval does not go back to the initial level. Governments take it as a chance to expand its spending which it can use ordinary times. On the other hand, the possible behavior of defense expenditures would affect the government’s role in the economy. Although Bird (1972) criticizes the displacement hypothesis, empirical evidence supports that government expenditures do not tend to decrease in the post-upheaval period.

¹⁶² PhD, Necmettin Erbakan University, skayhan@erbakan.edu.tr.

¹⁶³ PhD, Inonu University, tayfur.bayat@inonu.edu.tr.

¹⁶⁴ PhD Candidate, b.avci42@gmail.com.

The source of the increase in government expenditures is another issue to discuss. The existing literature does not tend to classify expenditures and takes total government expenditures into account even if it is civilian expenditures or defense expenditures. Defense expenditures are politically important as well as economically influential. They affect a country's foreign policy and political relations. A country with high defense expenditures may adopt a harsher attitude in its relations with other countries. This is among the factors determining the country's foreign policy and plays a key role in the country's international relations (Dunne, 1990). Besides its impact on power on the political relations of a country, it is vital to the country's economic structure. While the defense capability of an economy ensures its protection against its enemies, the size of the defense industry may have significant effects on the economy.

In this regard, an increase in defense expenditures in the case of upheaval might have different effects on the expenditure behavior of the government rather than an increase in total government expenditure. So, it is an important question to answer if the behavior of the ratio of defense expenditure to gross domestic product is similar to the displacement hypothesis or not.

The Turkic economies namely, Türkiye, Azerbaijan, Turkmenistan, Uzbekistan, Kyrgyzstan, Kazakhstan, and Tajikistan are common economies that became independent by the collapse of the Soviet Union. They switched from a command economy to a liberal economy model in the 1990s. In the transition period, the re-design of the government in the economy modified the government's expenditure distribution and also discussed about the size of government expenditures.

In the light explanations above, we try to test the behavior of defense expenditures in the Turkic economies via unit root tests. While empirical analysis, we exclude Turkmenistan and Uzbekistan because of missing data. Results obtained from the empirical analysis will explain to readers how it is distributed in the Turkic economies and in the case of upheaval such as war, how it will be permanent. In the second section, the literature will be summarized. In the third section, the model will be described, and empirical findings will be presented. In the last section, we conclude the results.

Literature Review. There is a vast literature investigating the validity of the displacement hypothesis. An early study belongs to Bird (1972). Bird criticized the Peacock-Wiseman displacement hypothesis. He states that during the war periods, civilian expenditures will replace defense expenditures and this change will be experienced again towards civilian expenditures in the post-war period. In addition, emphasized that public expenditures tend to increase not only during war periods but also during the cold war period.

Henrekson (1990) evaluated public expenditure in the United Kingdom and Sweden in the framework of the displacement effect hypothesis claimed by Peacock and Wiseman for the period 1922-1987 via a time series model. They used variables of real public expenditure per capita and the ratio of public expenditure to GDP in this model. In the World War II and post-World War II

period, Box-Tiao (1975) test was used to analyze whether there was a sudden increase in these variables. The result of this analysis is shown that World War II caused a permanent decrease in the public expenditure of Sweden and the United Kingdom in the review period. It can say that the effect of World War II is significant in the Sweden and the United Kingdom although Sweden and the United Kingdom participated for different causes in this war.

Tussing and Henning (1991) aimed to analyze the growth of public expenditure for the period 1929-1981 in the United States. They used regression analysis in their study and tested to occur structural breaks in U.S. non-defense expenditures for the period of pre-World War II and post-World War II using the White (1980) method. The results of their analysis show that even if a structural break occurred during World War II, this does not accord with the Peacock Wiseman displacement hypothesis.

Akbulut (1993) analyzed on public expenditure the effect of military coups that occurred in 1971 and 1980 with GDP and public expenditure series using two different methods. This analysis covers in the period of 1963-1990. In the first analysis method, the author divided into the time series three periods, taking into account the periods of social upheavals, and made separate regression analyses for each period. In the second method, he analyzed the effect of social upheavals with dummy variables. The findings show that military coups have a displacement effect on public expenditures, as claimed in the Peacock-Wiseman displacement hypothesis.

Chilas and Botsaris (2003) aimed to research the validity of the displacement effect for the period 1952-1996 in Greece. They used to CUSUM of squares test and unit root test in their analysis. This analysis was made divided into sub-period. Their results show that public spending permanently increased in the period of social upheavals in Greece. Thus, they expressed to the displacement hypothesis was valid in Greece.

Legrenzi (2004) researched the displacement hypothesis on the development of public expenditure using unit root and cointegration tests for Italy. The research covered the period of 1861-1980. The result of the analysis partially supported to displacement hypothesis for Italy due to the response to increased taxes was (is?) low in the post-war period.

Henry and Olekalns (2010) analyzed the validity of the Peacock-Wiseman displacement hypothesis using the rate of public expenditure to GDP annual data with Bai Perron multiple structural break tests for the period between 1836 and 1995 in the United Kingdom. As a result of this analyze, the structural breaks determined in the war years of 1915 and 1941 show that the Peacock-Wiseman displacement hypothesis is valid for the reviewed period in the United Kingdom.

Efobi and Osabuohien (2012) purposed to analyze public expenditure for the period 1961-2009 using public expenditure government decentralization, political instability and economic growth series with The Vector Auto-regressive model (VAR) in Nigeria. Findings supported Peacock and Wiseman's displacement hypothesis. The result of the analyses shows that government decentralization and

political instability have more impact on public expenditure than economic growth in Nigeria. During the civil war, in 1967, administrative and transfer expenditures swiftly increased and this expenditure did not decrease in the post-civil war period. Therefore, emphasized that can be explained the behavior of public expenditure in Nigeria with Peacock Wiseman's displacement and Leviathan's hypothesis.

Funashima (2017) examined the validity of Peacock Wiseman's displacement hypothesis and Wagner's Law for 10 OECD Countries. These countries are the United States, the United Kingdom, Sweden, Mexico, Italy, Finland, Denmark, Chile, Canada and Australia. This research covers a maximum of data from 1800 to 2009 and unit root and cointegration tests were used in this research. According to this analysis, public expenditure permanently increased in periods of social and economic upheavals like to Great Depression, World War I and World War II. The author remarked that a significant part of the long-term growth of the public sector can be explained in the US, in the UK, Sweden, Italy, Finland, and Canada with displacement effect however, this hypothesis was not sufficient to explain all the long-term growth of the public sector.

Kim (2018) analyzed the displacement effect on public spending in Germany between 1972 and 2006 using panel data analysis. In this research, predicted expenditures, tax and GDP income elasticity, upward intersection shift and Chow test were used to examine components of public spending after period of Germany reunification. The results supported that the displacement effect occurs in Germany. According to the results, components of government spending changed in times of social upheavals in Germany.

Kutbay and Gerege (2019) analyzed whether the displacement effect was valid in Turkey between 1924 and 2016, taking into account the war and coup periods. They used annual tax revenues and public expenditures data and investigated the existence of this effect by Kapetanios (2005) multiple structural break unit root test in their analysis. They determined structural breaks in 1942, 1981 and 1999 for the tax revenue series and structural breaks in 1947, 1961, 1984 and 1997 for the public expenditure series. They concluded that public expenditures and tax revenues rapidly increased in the coup and war periods in Turkey and did not return to their previous levels after these periods. They state that the displacement hypothesis is generally valid in Turkey.

Akalin and Ünüvar (2020) analyzed the validity of the Peacock-Wiseman displacement effect hypothesis by using the time series of public expenditure with the Perron unit root tests and Bai and Perron multiple structural breaks tests for the Turkish economy in the 1981-2015 period. They considered the ratio of public expenditure to GDP in their analysis. As a result, they determined the third period of structural breaks in 1993, 1999 and 2004. They expressed the validity of the Peacock-Wiseman displacement effect hypothesis for the reviewed period in Turkey.

Jaén-García (2021) analyzed the effect of the displacement hypothesis on public expenditure between 1880 and 2016 in Spain using public revenue, public expenditure and GDP variables with unit root and cointegration tests. Jaén-García

expressed that public expenditure increased in times of crisis in 1982 and 1998 in Spain, by explained with Peacock Wiseman’s displacement hypothesis.

Demirkılıç ve Yıldız (2022) purpose is to examine to whether the validity of the Peacock Wiseman displacement effect in their book for Turkey. They researched in the 1924-2022 period with Kapetanios (2005) unit root test using GDP, tax revenue and public expenditure to the validity of this effect validity. They state that the breaking dates are compatible with the periods of social turmoil. Thus, they stated that the Peacock-Wiseman displacement effect is valid for Turkey in the reviewed period.

In the literature, there are only a few studies investigating the validity of the displacement hypothesis taking military expenditures into account. In one of them, Alper and Alper (2018) aimed to determine whether can be explained with the displacement hypothesis, increase in defense expenditures of the USA, United Kingdom, Turkey, Saudi Arabia, Russia, Japan, Israel, India, France and China which have an important part of world military expenditures in 2017. They analyzed the stationarity of military expenditures with the fractional frequency Fourier ADF (FIFADF) unit root test in these countries. According to the analysis the results, defense expenditure series have been stationary in these countries. Thus, they concluded that the increase in defense expenditures in the shock state is temporary. When we research literature if there is a study testing the hypothesis in the Turkic countries, to our knowledge, there are no studies. In order to fill this gap in the literature, we analyze the Turkic countries, namely, Türkiye, Azerbaijan, Kazakhstan, Tajikistan and Kyrgyzstan.

Empirical analysis. In this study, we aim to analyze the displacement hypothesis by employing the ratio of defense expenditures to the gross domestic product of Türkiye, Kazakhstan, Azerbaijan, Tajikistan and Kyrgyzstan between the years 1991 and 2021(Table-1). Data belonging to countries are obtained from the World Bank data bank. In order to test the permanency of expenditures, we employ fourier quantile unit root test method (FQKS) developed by Bahmani-Oskooee et al (2018).

Table-1. Descriptive Statistics

	Türkiye	Kazakhstan	Azerbaijan	Tajikistan	Kyrgyzstan
Mean	2,85	1,01	3,37	1,00	1,55
Median	2,51	1,02	3,08	1,08	1,61
Maximum	4,14 [1996]	1,30 [2007]	5,46 [2020]	1,71 [1998]	1,88 [2000]
Minimum	1,81 [2015]	0,78 [2000]	1,95 [1994]	0,00 [1992]	0,83 [1993]
Std. Dev.	0,82	0,12	1,10	0,41	0,26
Skewness	0,36	0,12	0,58	-1,17	-1,43
Kurtosis	1,49	2,98	1,96	4,60	4,55
Jarque-Bera	3,50	0,07	3,02	9,99	13,17
Probability	0,17	0,96	0,22	0,01 ^b	0,00 ^a

Note: [] shows related dates. a, b, c means 1 %, 5 % and 10 % significance levels respectively

The highest defense expenditure on average belongs to Azerbaijan, the lowest belongs to Tajikistan. In 1996, Türkiye reached the highest expenditure level. On the other hand, Kazakhstan in 2007, Azerbaijan in 2020, Tajikistan in 1998 and Kyrgyzstan in 2000, reached the highest level of defense expenditures. The lowest level of defense expenditures occurred in 2015, 2000, 1994, 1992 and 1993, in Türkiye, Kazakhstan, Azerbaijan, Tajikistan and Kyrgyzstan, respectively. The highest standard deviation belongs to Azerbaijan and the lowest one belongs to Kazakhstan. Also, the distribution is skewed to the left in Tajikistan and Kyrgyzstan. The distribution of these countries is orthogonal, and they do not have a normal distribution.

The fact that the ratio of defense expenditures to gross domestic product has a unit root in the level value indicates that the effect of shocks is permanent, while the absence of a unit root indicates that the effect of shocks is temporary. In the FQKS (2018) test, the null hypothesis states that the ratio of defense expenditures to gross domestic product has a unit root, and the alternative hypothesis states that the ratio of defense expenditures to gross domestic product is stationary (Table-2).

Table-2. Quantile Fourier Type Unit Root Test Results


Countries	Fourier Quantile Type					
	Fourier QKS	10%	5%	1%	k*	F Statistics
Türkiye	6,376	26,015	62,256	99,255	0,9 ^a	89,051
Kazakhstan	1,674	11,812	19,202	36,172	1,8 ^b	3,523
Azerbaijan	3,628	8,248	10,672	20,167	1 ^a	17,480
Tajikistan	8,278	12,431	18,279	118,241	3,2 ^a	7,355
Kyrgyzstan	8,339	11,553	16,279	27,821	2 ^a	9,307

Notes: a, b and c show the null hypothesis of unit root is rejected at 10%, 5% and 1%, respectively. For F statistics, critical values are 4,668, 3,022 and 2,318 for 1%, 5% and 10%, respectively. Critical values of Fourier QKS statistics are calculated via 1000

According to the fractional Fourier unit root test results, all country data has a unit root at the level value. For this reason, shocks to the ratio of defense expenditures to gross domestic product are permanent. The countries with the highest response to these shocks are Tajikistan, Kyrgyzstan, Kazakhstan, Azerbaijan, and Turkey, respectively. On the other hand, the situation is reversed in the permanence of the shocks. Turkey has the highest permanence of incoming shocks and Tajikistan has the lowest permanence value.

Graph-1 presents the behavior of raw data and Fourier functions of each country. These graphs give us insight into how cyclical the behaviors of economies are. According to the graphs, Tajikistan and Kyrgyzstan have more conjunctural behaviors. On the other hand, Kazakhstan has the flattest defense expenditures series. Lastly, the Turkish and Azerbaijani data have decreasing and increasing trends, respectively.

Graph-1. Raw Data and Fourier Functions



Conclusion. In this study, we aim to test the displacement hypothesis in Turkic countries. To better understand, the behavior of defense expenditures of the government, we modify the analysis and replace ratio of defense expenditures with a gross domestic product of each country. By doing so, we plan to test the permanency of defense expenditures in the case of social upheaval.

Results show that the displacement hypothesis is valid for all countries. While reaction to shocks is high in Tajikistan and Kyrgyzstan, persistence is high in Türkiye and Azerbaijan. In the light of the modification we made, results belonging to Türkiye and Azerbaijan are very revealing. Due to geographical conditions and geopolitical situation with Armenia in Azerbaijan, terroristic activities in the south of Türkiye, are the main reasons for such a result. High sensitivity to national security can increase the permanency of defense expenditures. For future studies, it is important to analysis the possible effects of permanent higher defense expenditures on the other expenditure items of the government.

References:

1. Akalin, U.S. and Ünüvar, İ. (2020). Kamu harcamaları ve ekonomik krizler: Peacock ve Wiseman sıçrama tezi çerçevesinde Türkiye örneği. Selçuk Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, (43), 298-309.

2. Akbulut, E. (1993). Harcamaların Sıçramalı Artışı Tezi: Askeri Darbelerin Kamu Harcamalarının Artış Trendi Üzerindeki Etkileri. Maliye Araştırma Merkezi Konferansları, (35).
3. Alper, A.E. and Alper, F.Ö. (2018). Askeri Harcamalardaki Dalgalanmalar Kalıcı mı Geçici mi? Kesirli Frekanslı Asimetrik Fourier ADF Birim Kök Test Sonuçları. –ICPESS 2018 PROCEEDINGS Volume 2: Economic Studies, 19.
4. Bahmani-Oskooee, M., Chang, T.Z. (M.) Elmi ve Ranjbar, O. (2018). Re-testing Prebisch – Singer Hypothesis: New Evidence using Fourier Quantile Unit Root Test. Applied Economics, 50(4), 441-454.
5. Bird, R.M. (1972). The “Displacement Effect”: A Critical Note. Finanzarchiv/Public Finance Analysis, (H.3), 454-463.
6. Chilas, J.G. and Botsaris, C.A. (2003). Displacement effects: the case of Greece. Journal of Statistics and Management Systems, 6(3), 371-389.
7. Demirkılıç, A.G.Y. and Yıldız, F. (2022) Türkiye’de Kamu Harcamalarındaki Değişimin Peacock-Wiseman Sıçrama Tezi Çerçevesinde Analizi. Ekin Yayınevi, Bursa.
8. Dunne, P. (1990). The political economy of military expenditure: An introduction. Cambridge Journal of Economics, 14(4), 395-404.
9. Efobi, U. and Osabuohien, E. (2014). Government expenditure in Nigeria: An examination of tri-theoretical mantras. Efobi, U., and Osabuohien, S. (2012), Government Expenditure in Nigeria: An Examination of Tri-Theoretical Mantras, Journal of Economic and Social Research, 14(2), 27-52.
10. Funashima, Y. (2017). Wagner’s law versus displacement effect. Applied Economics, 49(7), 619-634.
11. Henrekson, M. (1990). The Peacock and Wiseman displacement effect: A reappraisal and a new test. European Journal of Political Economy, 6(2), 245-260.
12. Henry, Ó. and Olekalns, N. (2010). Peacock and Wiseman's displacement hypothesis: some new long-run evidence for the UK. Applied Economics, 42(11), 1455-1460.
13. Jaén-García, M. (2021). Displacement Effect and Ratchet Effect: Testing of Two Alternative Hypotheses. SAGE Open, 11(1), 21582440211003577.
14. Kim, H. (2018). The dynamics of displacement effect in government expenditure. International Review of Public Administration, 23(2), 83-102.
15. Kutbay, H. and Gerede, C. (2019). Sıçrama Tezinin Türkiye’de Geçerliliği: Darbeler Bakımından Bir Analiz. Manas Sosyal Araştırmalar Dergisi, 8(2), 1975-1990.
16. Legrenzi, G. (2004). The displacement effect in the growth of governments. Public Choice, 120(1-2), 191-204.
17. Peacock, A.T. and Wiseman, J. (19619). The growth of public expenditure in the United Kingdom (Princeton University Press, Princeton, NJ).
18. Tussing, A.D. and Henning, J.A. (1991). Measuring the effect of structural change on long-term public expenditure growth: The United States, 1929 to 1981. Public Finance Quarterly, 19(4), 393-411.

МИНТАҚАДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич, и.ф.д., проф.,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Аннотация. Мазкур мақола жамиятдаги асосий бўғин сифатида оиланинг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий муносабатлардаги иштироки, оилавий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш омили

масалаларига бағишланган. Хусусан, унда оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, оила бюджети даромадлари ҳамда уларни бошқариш масалалари баён қилинган.

Таянч сўзлар: оила, жамият, давлат, молия, оилавий тадбиркорлик, оила бюджети, даромадлар, харажатлар.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-39-сон қарорига мувофиқ, “аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда кичик бизнес ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириш мақсад”¹⁶⁵ этиб белгиланди.

Шу ўринда алоҳида тўхталиш ўринлики, мамлакатимизнинг аҳолиси зич ҳисобланган Наманган вилояти (2022 йилда 1км²га: Андижон вилояти – 756,2 киши, Фарғона вилояти – 756,2 киши) учинчи ўринда бўлиб, 1 км²га 394,0 кишини ташкил этади¹⁶⁶. Демак, ҳудудда оилавий тадбиркорликнинг минтақада аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтиришнинг муҳим омили сифатидаги илмий-услубий ва ташкилий жиҳатларини ривожлантириш, шубҳасиз, долзарб масала ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Сўнгги йилларда илмий нашрлар ва бошқа иқтисодий адабиётларда “уй хўжалиги”, “хонадон хўжалиги”, “оила хўжалиги” ва “оилавий тадбиркорлик” тушунчалари кўплаб учрамоқда.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Оила – никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий маъсулияти билан бир-бирига боғланган”¹⁶⁷, деб таърифланган.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса “Оила (араб.“бола-чақа, хонадон; уруғ, авлод”) 1. Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон”¹⁶⁸, деб таъриф берилган. Шунингдек, ушбу манбада “хонадон” тушунчаси қуйидагича изоҳланган: “Хонадон (форс.“оила, сулола, насл”) – 1. Оила. 2. Оила аъзолари яшаб турган хўжалик, уй, ҳовли”¹⁶⁹.

“Хўжалик” тушунчаси эса Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “Кишилар томонидан ўз яшаш шароитлари ва манбаларини яратиш, сақлаш

¹⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-39-сон қарори, 31.01.2023.

¹⁶⁶ O‘zbekiston demografik yillik to‘plami, statistic to‘plam. –Т., 2022.

¹⁶⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-ж.. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б.469.

¹⁶⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.97.

¹⁶⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.411.

ва яхшилашда фойдаланиладиган табиий ва инсон кўли билан яратилган воситалар мажмуи”¹⁷⁰, деб таърифланган.

Ушбу мақолада атамаларнинг этимологик, этнографик, луғавий ва бошқа жиҳатларига чуқурлашмасдан, якка ва сўнгги фикрга даъвогарлик қилмасдан, “оилавий хўжалик” атамасини қўллаган ҳолда уни молия тизимининг муҳим бўғини ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш омили сифатидаги айрим хусусиятларини тавсифлаймиз.

Оилавий хўжаликларнинг тадбиркорлик фаолиятдан оладиган даромадлари жуда хилма-хил. Уларга нималарни киритиш тўғрисида иқтисодчилар орасида ягона фикр ҳозиргача мавжуд эмас. Жумладан, М.Қ. Пардаев ва Г.М. Шодиевалар оила даромадларини 5 та гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди: “1) меҳнат қилиш йўли билан олинадиган даромад; 2) тадбиркорлик йўли билан олинадиган даромад; 3) мулкни ишлатиш йўли билан олинадиган даромад; 4) давлат томонидан бериладиган даромад; 5) ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган хайриялар, совғалар ва бошқа мурувватлар”¹⁷¹.

А.В. Вахобов, Ш.А. Тошматов, Н.Х. Хайдаров, А.В. Вахобовлар ёзишича: “Пул даромадлари шаклланиш манбаларига кўра: иш ҳақи; тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар; ижтимоий тўловлар”¹⁷²дан иборат.

Бизнингча, пул даромадлари манбаларини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида, улар таркибини қуйидагича батафсил очиб бериш зарур:

мулк ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли бўлган мулкларни ишлатиш ва сотишдан олинган даромадлар;

юридик шахс сифатида рўйхатга олинган ва олинмаган хусусий бизнес корхоналари томонидан товарларни сотиш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

касаначилик фаолиятдан олинган даромадлар;

шахсий томорқа ва ёрдамчи хўжаликлардан олинган маҳсулотларни сотишдан тушган даромадлар;

муаллифлик гонорарлари, хайриялар, совғалар ва б.

Муаммони ҳал этиш йўллари. Оила ва унинг аъзолари товар ишлаб чиқариш ҳамда турли хизматларни кўрсатиш чоғида бозорда мазкур маҳсулотларнинг нафақат сотувчилари сифатида намоён бўлади, балки айни вақтда уларнинг асосий истеъмолчилари ҳам бўлиб ҳисобланади. Демак, оилавий тадбиркорлик иқтисодий муносабатларнинг муҳим субъектларига ва жамият ижтимоий-иқтисодий тузилмасининг бирламчи элементига айланади. Оилавий тадбиркорлик иқтисодиёт субъекти бўлиб, корхоналар ва давлат


¹⁷⁰Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. –Б.534.

¹⁷¹Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. –Самарқанд, СамКИ, 2001. –Б.25.

¹⁷²Vaxabov A.V. Moliyaviy savodxonlik asoslari. O‘quv qo‘llanma/A.V. Vaxabov, Sh.A. Toshmatov, N.X. Xaydarov, A.V. Vaxabov. –Т.: Baktriya press, 2013. –Б.45.

билан бир қаторда, макродаражада кечаётган барча жараёнларда ҳам иштирок этади. Нафақат алоҳида олинган хўжалик бирлигининг, балки бутун мамлакат аҳолисининг фаровонлиги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг натижаларига боғлиқдир.

Оилавий хўжаликлар молияси марказлаштирилган (республика бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалар) ва марказлаштирилмаган молия билан, яъни турли мулк шаклига мансуб бўлган корхоналарнинг молияси ва молия бозори билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Улар орасида бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама узлуксиз пул оқимлари вужудга келиб туради (1-расм).



1-расм. Оилавий хўжаликларнинг молиявий ресурслари ва уларнинг доиравий айланиши


Бунда: 1-солиқлар ва бошқа тўловлар; 2-трансфертлар; 3-кредитлар; 4-суғурта бадаллари; 5-ижтимоий ҳимоялаш; 6-жамғармалар; 7-фоизлар, фойда, рента; 8-меҳнат ҳақи; 9-товар ва хизматларнинг қиймати; 10-иш кучининг қиймати.

Оила бюджети – бу оиланинг пул маблағлари фондларини ташкил этиш ва сарфлаш шаклидир. У оиланинг жами даромадларини ва уларнинг шахсий эҳтиёжларини таъминлайдиган харажатларини бирлаштиради. Оиланинг эҳтиёжлари ўсиб бориши муносабати билан, оила бюджетининг маблағлари доимо етишмайди. Оила аъзолари асосий иш жойларида меҳнат шартномалари бўйича ишлаши ва унинг эвазига меҳнат ҳақи олишдан ташқари, шахсий ёрдамчи хўжалик юритишга, якка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, ўзининг ортиқча кўчмас мулкларини ва узоқ муддат ишлатиладиган мулкларини ижарага топшириш, қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш билан ҳам шуғулланадилар.

Оила бюджетининг даромадлари оила хўжалиги истеъмолчининг ҳажмини белгилайди. Йилдан-йилга миқдори ўзгармайдиган, доимий даромад оиланинг истеъмол харажатларида жиддий ўзгаришларни юзага

келтирмайди. Айти вақтда, вақтинчалик даромад мамлакатнинг умумий тўлов қобилиятига эга бўлган талабига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Унинг айрим даврлардаги ўсиши товар ва хизматларга бўлган қўшимча талабни вужудга келтириб, бозордаги вазиятни мураккаблаштириши мумкин.

Бу даромадлар меҳнат харажатларини, яъни инсонларнинг ишлаб чиқариш жараёнида сарфлаган жисмоний ва ақлий қобилиятларини қоплаши керак. Ҳозирги вақтда миллий даромаднинг тақсимланишида оила хўжалиги аъзолари турмуш даражасини сақлаб туриш ҳамда янада яхшилаш учун ресурслар етарлича ажратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, оилавий тадбиркорликда пул даромадлари асосий бўлиб, улар қуйидаги манбалар ҳисобига шаклланади (2-расм):



2-расм. Оилавий хўжаликлар пул даромадлари манбаларининг туркумлиниши

Бизнинг мамлакатимизда ушбу манбалар ўртасидаги нисбат сўнгги 5-6 йил ичида ижобий томонга ўзгармоқда. Ўртача иш ҳақи даражасининг барқарор равишда босқичма-босқич ошиши унинг ялпи даромадлар таркибидаги улуши пасайишини бартараф этишга олиб келди. Ҳозирги вақтда иш ҳақининг аҳоли ялпи даромадидаги улуши 30-32,1 % даражасида барқарор сақланиб келмоқда ва бу оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш зарурлигидан далолат беради.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Оилавий тадбиркорликка оид илмий, норматив-ҳуқуқий ва ўқув-услугий манбаларни ўрганиш ҳамда амалиётни кузатиш натижаларини умумлаштириб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни тақдим этамиз:

оилавий тадбиркорликни оила кадриятлари ва мулкчилиги асосида ривожлантириш лозим. Чунки йирик ва ўрта корхоналарда кадриятларга корпоратив нормаларда белгиланган расмиятчилик муносабатида бўлиб,

улар, кўпинча, менежерлар ва акциядорлар орасида турли фикрларни келтириб чиқаради. Оилавий тадбиркорликда эса, мулкдор нафақат капиталнинг ўсиши, фойданинг кўпайиши, балки бизнеснинг барқарор, узоқ давом этиши ва авлоддан-авлодга ўтишидан ҳам манфаатдор. Мажозий маънода, оилавий бизнеснинг эгаси ўз “боласи” – корхонани ўзи ўстириб, ривожлантиради, корпоратив бизнесда эса, бу иш билан ёлланган менежер – “ўғай ота” шуғулланади;

оилавий тадбиркорлик узоқ, чексиз муддатни кўзлаб ривожлантирилади. Корпоратив бизнес, одатда, 5-10 йилга, инқироз шароитларида ундан ҳам қисқа муддатга режалаштирилади. Оилавий бизнесда мулкдор қандай бўлмасин, корхонани сақлаб қолиш, ривожлантириш ва ўз болаларига қолдиришга интилади;

оилавий бизнесда ходимлар таркиби барқарор сақланиб, такомиллашиб боради. Яъни, кадриятлари умумий бўлган меҳнат жамоаси ўзаро ва корхонага хайрихоҳ, бир-бирларини тушунади ва доимо қўллаб-қувватлайдилар;

мулкдорларнинг ҳамжиҳатлиги. Оила аъзолари шахсий ва оилавий манфаатларини корхона манфаати билан тенглаштириб, астойдил меҳнат қиладилар ва соф фойданинг бир қисмини бизнесини истиқболли ривожлантириш учун ишлатадилар. Оила аъзоларининг кўпчилиги ёшлигиданоқ бизнесга жалб қилиниб, бу уларнинг тадбиркорлигини ривожлантиради ва ўзаро ҳамжиҳатлигини оширади;

билим ва тажрибалар ворисийлиги. Оилавий бизнесда менежер тез-тез алмашмагани боис, корхонанинг обрўси, анъаналари, эътирофи ва бошқа ижобий жиҳатлари сақлаб қолинади, тўпланган билим, тажриба ва хунар кейинги авлодларга мерос бўлиб ўтади;

оилавий бизнеснинг нуфузи ва номи унинг маҳсулоти, иши ёки хизматлари билан машҳур бўлади, у ўз маҳсулотининг сифатини ошириш ҳамда ўз ҳамкорлари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга интилади.

Кутилаётган иқтисодий самара. Албатта, оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий самараси, аввало, энг юксак кадриятлардан бўлмиш – билим ва тажрибанинг ворисларга етказилиши; тадбиркорлик анъаналарининг келажаги мустақиллиги ва бардавонлиги; оилавий бизнесда шаклланган тадбиркорлик моделининг ижобий роли бошқа оилалар учун намуна бўлиши, тарғиб қилиниши ва кенг миқёсда ривожланиши; оилавий корхона активлари портфелининг шаклланиши; муносиб ворислар улар нима учун оилавий тадбиркорликни танлашини тушуниб етиши ва бошқаларда намоён бўлади.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлар оилавий бизнесда ворисийлик муаммосининг маълум даражада ҳал этилиши олдинги, ҳозирги ва келгуси авлод тадбиркорлик илмининг синергетик самараси, миқёси ва барқарор ривожини таъминлаши ҳамда оилавий тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамиятини оширишидан далолат беради.

Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий самараси беқиёс, уни аниқ бир сумма билан ифодалаш эса, унчалик ҳам ўринли эмас.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-39-сон қарори, 31.01.2023.
2. Vahabov A.V. Moliyaviy savodxonlik asoslari: o‘quv qo‘llanma/A.V. Vahabov, Sh.A. Toshmatov, N.X. Haydarov, A.V. Vahabov. –Т.: Baktriya press, 2013. –В.288.
3. Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. –Самарқанд: СамКИ, 2001. –Б.25.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. –Б.704.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б.688.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.608.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-ж. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. –Б.534.
8. O‘zbekiston demografik yillik to‘plami, statistic to‘plam. –Т., 2022.

“ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ” ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ

*Арипов Ойбек Абдуллаевич, и.ф.д., проф.,
Нематова Чаросхон Расулжон қизи, магистрант,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

Аннотация. Мақолада ишбилармонлик муҳити ва унинг назарий талқини келтирилган. Ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмуни очиб берилган, ушбу муҳитнинг қўлами тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Таянч сўзлар: ишбилармонлик муҳити, бизнесни юритиш, хўжалик муҳити, иқтисодий муҳит, инвестиция муҳити, ташқи омиллар.

Annotation. The article presents the business environment and its theoretical interpretation. The economic content of the business environment is revealed. Considerations were made regarding the scope of this medium.

Keywords: business-environment, doing business, economic environment, economic environment, investment environment, external factors.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишбилармонлик муҳити тадбиркорнинг фаолияти учун жуда муҳим. Чунки бундай муҳит тадбиркор учун бозордаги вазиятларнинг қандай бўлишини олдиндан кўра билишига кенг имконият яратади. Бошқача айтганда, мамлакат ёки минтақадаги мавжуд шарт-шароитлар тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тартибга солинади.

Сўнгги йилларда аксарият жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва қулайлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки томонидан 2003 йилдан 2020 йилга қадар

“Doing business” тадқиқотлари ўтказиб борилгани ҳам фикримиз далилидир. Шунинг учун, айти даврда бу иборани атрофлича таҳлил этиш ва таърифига аниқлик киритиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

“Ишбилармонлик муҳити” тушунчасининг иқтисодий мазмунини очиб беришда хорижлик жуда кўп иқтисодчи олим ва мутахассислар олиб борган тадқиқотларидан намуналар келтириш мумкин. Жумладан, E. Staley ва R. Morse (1971)¹⁷³, A. Bruno ва T. Tyebjee (1982)¹⁷⁴, W. Gartner (1985)¹⁷⁵ кабилар ишбилармонлик муҳитини мамлакат ёки ҳудуд миқёсида тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий ва институционал шарт-шароитларни ўз ичига олувчи ва қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар зарурлиги билан тушунтирадилар. Бундан ташқари, K. Manning, S. Birley ва D. Norburn (1989)¹⁷⁶ фикрича, инсонда қобилият ва кўникмалар, тажриба ва мотивациянинг бўлиши янги корхоналарни яратишда муҳим роль ўйнайди. Бошқача айтганда, инсондаги бу каби фазилатларгина ишбилармонлик муҳитининг шаклланишига туртки беради.

Хорижий иқтисодчилар томонидан “турли мамлакатларда ўтказилган эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишбилармонлик муҳити яхши бўлган жойларда энг минимал стандарт ва меъёрлар қўлланилади, солиқ ва бошқа имтиёзлар таклиф қилинади, шунингдек, бошловчи тадбиркорлар учун тренинг ва маслаҳатлар хизматларини тақдим этиб, янги бизнесни очиш эҳтимоли оширилади” (L. Dana; 1987, 1990)¹⁷⁷. Бундан ташқари, J. Pennings (1982)¹⁷⁸ молиявий ресурсларнинг мавжудлиги, катта шаҳарлашган жойлар, таълим ва тадқиқот учун университетларнинг мавжудлиги каби омиллар янги корхоналар яратиш тезлигини ошириш учун жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Аниқроғи, ишбилармонлик муҳити қулай бўлган жойдагина янги корхоналарнинг тез очилишига кенг шароитлар борлиги қайд этилади.

Хориж мамлакатлари иқтисодчиларининг юқоридаги каби фикр-мулоҳазаларидан кўришиб турибдики, ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши ва ривожланишига кўпроқ ташқи муҳит омилларининг таъсири жиддийроқдир.

Россиянинг Интернет сайтларидан бирида бизнес муҳит “...назорат зонасидан ва бизнес таъсиридан ташқарида мавжуд бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик (СИИТ) омиллар йиғиндиси бўлиб,

¹⁷³ Staley E., & Morse, R. (1971). Developing entrepreneurship: Elements for a program. In P. Kilby (Ed.), *Entrepreneurship and economic development*, pp. 357-384. –New York: Free Press.

¹⁷⁴ Bruno A.V., & Tyebjee T.T. (1982). The environment for entrepreneurship in C.A. Kent, D.L. Sexton, & K.H. Vesper (Eds.), *Encyclopedia of entrepreneurship*, pp. 288-307. Englewood Cliffs, NJ. Prentice Hall.

¹⁷⁵ Менеджмент малого бизнеса: Учебник/Под ред. проф. М.М.Максимцева и проф. В.Я.Горфинкеля. –М.: Вузовский учебник, 2007. –С.197.

¹⁷⁶ Manning K., Birley S., & Norburn D. (1989). Developing new ventures strategy *Entrepreneurship Theory and Practice*, 14 (1), 69-76.

¹⁷⁷ Dana L.P. (1987). Entrepreneurship and venture creation-An international comparison of five commonwealth nations. In N.C. Churchill, J.A. Hornaday, B.A. Kirchoff, O.J. Krasner, & K.H. Vesper (Eds.), *Frontiers of entrepreneurship research*, 573-583. Wellesley, MA: Babson College; Dana, L.P. (1990). Saint Martin/Sint Maarten: A case study of the effects of culture oneconomic development. *Journal of Small Business Management*, 28(4), 91-98.

¹⁷⁸ Pennings J.M. (1982). Organizational birth frequencies an empirical investigation. *Administrative Science Quarterly*, 27, 120-144.

бизнесга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин”¹⁷⁹, деб таърифланади.

Фикримизча, сўнгги йилларда “СИИТ” аббревиатураси тўртта асосий тоифадаги ташқи (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик) омиллар номидан келиб чиқиб белгиланар экан, уларнинг ҳар бири ўзаро боғлиқликда ўзгариб боради ва ишбилармонлик муҳитига у ёки бу даражада ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, Россия илмий манбаларида “деловая среда”, “бизнес-климат” ёки “бизнес-среда” каби синонимлар кўп учрайди. Бу синоним тушунчалар инглизча “business-environment” тушунчасининг русча талқинларидир. Ўзбек тилида бу синоним тушунчалар “ишбилармонлик муҳити” тушунчасининг ўзидир. Ушбу манбаларда қайд этилишича, “ишбилармонлик муҳити – бизнесни юритишда унинг ривожланиши ва самарадорлигига таъсир этувчи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва тартибга солувчи шароитларнинг йиғиндисидир”¹⁸⁰.

Хусусан, “иқтисодий муҳит”, “хўжалик муҳити”, “тадбиркорлик муҳити”, “инвестиция муҳити”, “институционал муҳит”¹⁸¹ каби иборалар “ишбилармонлик муҳити” иборасига яқин турса-да, бу каби тушунчалар бирон-бир аниқлилик шароитидаги мақомга йўналтирилганда қўлланилади. Масалан, “...таркибига кўра (“институционал муҳит”), хусусиятига кўра (“рақобат муҳити”), атроф-муҳитдаги объектнинг номланишига кўра, объектнинг маълум доирада мавжудлигига кўра (“Windows муҳити”) ва ҳ.к.”¹⁸².

“Хўжалик муҳити” юқорида қайд этилган тушунчалар ичида мураккаброқ тушунча бўлиб, жамият турмуш шароитларининг яхлит намоён бўлишини ўз ичига олади. Бундай муҳитда кишиларнинг хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар устувор бўлади. Бошқача айтганда, мамлакатнинг хўжалик комплексини ишга туширадиган муҳитни тушуниш керак. Масалан, феодал иқтисодиёт, бозор иқтисодиёти, маъмурий-бўйруқбозликка асосланган иқтисодиёт ва ҳ.к. Демак, хўжалик муҳити фақат шу каби ижтимоий муносабатлар доирасида амал қилади.

“Иқтисодий муҳит” тушунчаси макроиқтисодий тизимни қамраб олади. Чунки иқтисодий муҳит муайян мамлакат олдида турган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш усуллари, механизмлари ва воситалари йиғиндисини ишга соладиган муҳитни англатади. Демак, “хўжалик муҳити” ва “иқтисодий муҳит” каби тушунчалар ўз объектдан келиб чиқиб қўлланилганда, “ишбилармонлик муҳити”га нисбатан кенгроқ тушунчалардир. Ишбилармонлик муҳити иқтисодий муҳитнинг таркибий қисми бўлиб, айнан тадбиркор ёки ишбилармон бозор муносабатларининг субъекти ҳисобланади.

¹⁷⁹ http://www.cecsi.ru/coach/business_environment.html.

¹⁸⁰ http://www.cecsi.ru/coach/business_environment.html.

¹⁸¹ Быкова Е.С. Методологические основы оценки институциональной среды предприятия при формировании интеграционных процессов//Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета, №5, 2013. –С.10.

¹⁸² Клейнер Г.Б. Системная парадигма и экономическая политика//Общественные науки и современность, №2, 2007. –С.144.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, **“ишбилармонлик муҳити”** – “ташқи муҳит” ёки “иқтисодий муҳит”нинг таркибий қисми¹⁸³, яъни, “ташқи муҳитнинг бир қисми сифатида корхонанинг бевосита муҳити ҳисобланади”¹⁸⁴. “Ишбилармонлик муҳити” “ташқи муҳит” тушунчасига нисбатан тор доирада қўлланилса-да, “тадбиркорлик муҳити” тушунчасига кўра кенгрокдир. Демак, “ишбилармонлик муҳити” тушунчаси “тадбиркорлик муҳити” тушунчасига нисбатан кўп компонентлидир. Бу тушунчалар тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини кулайлаштиришга йўналтирилган (фирмага боғлиқ бўлмаган) шароитларни акс эттириб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш, инвестицияни жалб этиш ва иқтисодий муносабатларнинг эркин фаоллашувига доир масалаларини ҳал этишда қўлланилади.

Адабиётлар:

1. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: LESSON PRES”, 2021. –Б.225.
2. Быкова Е.С. Методологические основы оценки институциональной среды предприятия при формировании интеграционных процессов//Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета, №5, 2013. –С.10.
3. Глоссарий по информационному обществу/Под общ. ред. Ю.Е. Хохлова. –М.: Институт развития информационного общества, 2009. –С.35-36. Эл. ресурс:.
4. Дороболук Т.Б. Деловая среда предпринимательства в России: Компонентно-системный подход: Автореф. дисс. ... к.э.н. –Омск: СибАДИ, 2006. –С.9.
5. Забазнова Т.А. Сущность бизнес-среды и предпринимательской среды в сельских территориях//Экономический вестник Ростовского государственного университета, Т.7, №2, 2009. –С.118-124.
6. Клейнер Г.Б. Системная парадигма и экономическая политика//Общественные науки и современность, №2, 2007. –С.144.
7. Менеджмент малого бизнеса: Учебник/Под ред. проф. М.М.Максимцева и проф. В.Я.Горфинкеля. –М.: Вузовский учебник, 2007. –С.197.
8. Staley E., & Morse, R. (1971). Developing entrepreneurship: Elements for a program. In P. Kilby (Ed.), *Entrepreneurship and economic development*, 357-384. New York: Free Press.
9. Bruno A.V., & Tyebjee T.T. (1982). The environment for entrepreneurship in C.A. Kent, D.L. Sexton, & K.H.Vesper (Eds.), *Encyclopedia of entrepreneurship*, 288-307. Englewood Cliffs, NJ. Prentice Hall.
10. Garther W.B. (1985). A conceptual framework for describing the phenomenon of new venture creation *Academy of Management Review*, 10(A), 696-706.
11. Manning K., Birley S., & Norburn D. (1989). Developing new ventures strategy *Entrepreneurship Theory and Practice*, 14(1), 69-76.
12. Dana L.P. (1987). Entrepreneurship and venture creation-An international comparison of five commonwealth nations. In N.C. Churchill, J.A. Hornaday, B.A. Kirchhoff, O.J. Krasner, & K.H. Vesper (Eds.), *Frontiers of entrepreneurship research*, 573-583. Wellesley, MA: Babson College.: Dana, L.P. (1990). Saint Martin/Sint Maarten: A case study of the effects of culture oneconomic development. *Journal of Small Business Management*, 28(4), 91-98.

¹⁸³ Дороболук Т.Б. Деловая среда предпринимательства в России: Компонентно-системный подход: Автореф. дисс ... к.э.н. –Омск: СибАДИ, 2006. –С.9.

¹⁸⁴ Менеджмент малого бизнеса: Учебник/Под ред. проф. М.М. Максимцева и проф. В.Я. Горфинкеля. –М.: Вузовский учебник, 2007. –С.197.

13. Pennings J.M. (1982). Organizational birth frequencies an empirical investigation. Administrative Science Quarterly, 27, 120-144.
14. http://www.cecsi.ru/coach/business_environment.html.

ХУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА

*Салимов Бахтиёр Таджиевич, и.ф.д., проф.,
Салимов Шерзод Бахтиёрович, PhD,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнес (КЎБ)ни худудий-инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари, хусусиятлари ва инновация омиллари таҳлил этилган. Худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси аниқланган интеграл индекслар ёрдамида таҳлил қилинган. КЎБнинг худудлар кесимида инновацион ривожланишида имитацион инновациялардан фойдаланиш имкониятлари аниқланган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, ўрта бизнес, иқтисодий имконият, инновация, имитацион инновация, мустақил инновация, индекс, Интеграл индекс, технологик инновация, худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражаси.

КЎБ иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. КЎБ маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринларини яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва унинг худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда кичик бизнеснинг янги кодекси ишлаб чиқилмоқда. Кодекс лойиҳасига кўра, корхоналарнинг товар айланмаси 1 млрд сўмгача бўлса – микрофирма, 10 млрд гача бўлса – кичик корхона ва 100 млрд гача бўлса – ўрта корхона ҳисобланади. Ишчилар сони мезонини белгилашда Европа Иттифоқи давлатлари тажрибасидан фойдаланиш ўринли, деб ҳисоблаймиз, масалан: ишчилар сони 1-10 гача бўлса – микрофирма, 11-50 гача бўлса – кичик бизнес ва 51-250 гача бўлса – ўрта бизнес¹⁸⁵.

Ўзбекистонда 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, 523600 та кичик бизнес субъектлари фаолият юритган, шундан 90170 таси янги ташкил топган ва 2022 йил давомида 29377 таси ўз фаолиятини тўхтатган. Худудлар кесимида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари кўрсаткичлари куйидаги 1-жадвалда келтирилган. Энг кўп фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари сонининг улуши Тошкент шаҳри (20,3 %), Тошкент (9,4 %) ва Самарқанд (9,2 %) вилоятларига тўғри келади. Энг кам улушга эга худудларга Қорақалпоғистон Республикаси (4,4 %), Жиззах (4,3 %) ва Сурхондарё (2,8 %) вилоятлари киради. Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган сонига кўра бу кўрсаткич республика бўйича 17,9 тага тенг. Энг юқори

¹⁸⁵ Салимов Ш.Б. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда тадбиркорлик турлари ва уларни аниқлаш усуллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali, №3, 2020.

кўрсаткич Тошкент шаҳрига (35,9 та), Навоий (24,8), Сирдарё (23,0) ва Жиззах (21,5) вилоятларига тўғри келади, лекин 8 та ҳудудда бу кўрсаткич республика кўрсаткичидан паст. Ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан юқори ўсиш суръатини Хоразм (112 %) ва Самарқанд (111,0 %) ҳудудларида кўриш мумкин, қолган ҳудудларда бу кўрсаткич 106-109 % оралиғида.

1-жадвал. Ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган кичик бизнес кўрсаткичлари (01.01.2023 ҳолатига)¹⁸⁶

№	Ҳудуд	Сони, бирликда	Жамига нисбатан улуши, %	Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган сони, бирликда	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши, %
1.	Ўзбекистон Республикаси	523600	100%	147,9	108,0
2.	Қорақалпоғистон Респ.	22863	4,4	4,4	109,0
3.	Андижон в.	39038	7,4	14,8	107,0
4.	Бухоро в.	30082	5,7	19,0	106,0
5.	Жиззах в.	22474	4,3	21,5	109,0
6.	Қашқадарё в.	36421	7,0	15,5	109,0
7.	Навоий в.	22844	4,4	24,8	108,0
8.	Наманган в.	32305	6,2	13,2	108,0
9.	Самарқанд в.	47943	9,2	15,0	111,0
10.	Сурхондарё в.	27368	5,1	12,6	107,0
11.	Сирдарё в.	15036	2,8	23,0	106,0
12.	Тошкент в.	49145	9,4	19,7	108,0
13.	Фарғона в.	46350	8,9	15,4	108,0
14.	Хоразм в.	25616	4,9	15,8	112,0
15.	Тошкент ш.	106071	20,3	35,9	108,0

КЎБнинг фаолият соҳалари бўйича асосий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак (2-жадвал), унинг ЯИМдаги улуши 2022 йилда 51,8 %ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 2,6 %га камайган, саноатдаги улуши 25,9 %ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,1 %га камайган, умуман, ўсиш фақат экспорт (7,2 %), импорт (0,7 %) ва бироз бандлик (0,2 %)да кузатилган. Қолган барча соҳаларда камайиш содир бўлган. Энг юқори камайиш савдо (-7,7 %) ва хизматлар соҳаси (-2,7 %)да кузатилган. Бунга қарамасдан, кичик бизнес ўзининг салмоқли улушини қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (95,3 %), инвестиция (47,6 %), қурилиш (71,6 %), савдо (79,4 %) ва хизматлар (48,4 %) соҳаларида сақлаб қолмоқда. Кичик бизнесда меҳнат унумдорлиги бандлар сонига кўра киши бошига 73,3 млн сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 113,3 %га ўсган. Бугунги кунда ҳам КЎБ мамлакат иқтисодий ривожланишининг драйвери бўлиб қолмоқда, деб айтиш мумкин.

Ҳозирги вақтда КЎБ корхоналари самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда инновация фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹⁸⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

Янги маҳсулот ва хизматлар турини яратиш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш КЎБ корхоналари барқарор ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ захира имкониятлар инновацион фаолият билан боғлиқ.

2-жадвал. 2022 йилда кичик бизнеснинг фаолият соҳалари кўрсаткичлари, %¹⁸⁷

Кўрсаткичлар/йиллар	2021	2022	2022 йил 2021 йилга н-н ўзгариши
ЯИМ	54,4	51,8	-2,6
Саноат	27,0	25,9	-1,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	96,7	95,3	-1,4
Инвестициялар	47,9	47,6	-0,3
Қурилиш	72,4	71,6	-0,8
Савдо	82,1	79,4	-2,7
Хизматлар	51,1	48,4	-2,7
Экспорт	22,3	29,5	+7,2
Импорт	48,4	49,4	+1,0
Бандлик	74,4	74,6	+0,2

АҚШда олиб борилган тадқиқотларга кўра, КЎБда ишчи бошига олиб қараганда, катта бизнесга нисбатан 16 баробар кўп патентлар яратилади¹⁸⁸. Хитой Халқ Республикаси (ХХР)да патентларнинг 85 %и, техник янгиликларнинг 75 %и ва янги маҳсулотларнинг 80 %и КЎБга тегишли¹⁸⁹.

2020-2022 йилларда асосий фаолият тури бўйича энг катта улушга эга бўлган янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналарини қарайдиган бўлсак, улар, асосан, паст технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарган¹⁹⁰. Саноат соҳасида 18892 та кичик бизнес корхоналари ташкил этилган бўлса, улар нон, қандолат, трикотаж маҳсулотлари, устки буюмлар, мебель ва темирдан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқарган; хизматлар соҳасида – ошхоналар, таълим муассасалари ва юк ташиш бўйича корхоналар, савдода эса – дўконлар ташкил топган. Шу сабабли, КЎБда инновация фаолиятини ривожлантириш шарт-шароитларини ўрганиш ва инновация маҳсулоти ишлаб чиқариш имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш муҳим аҳамият касб этади.

КЎБ корхоналарида инновацияларнинг киритилиши маҳсулот сифатини оширади, таннархнинг пасайиши ва энг муҳими, фойданинг ошишига

¹⁸⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

¹⁸⁸ Титов. Б. Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А., июль, 2018. Эл. ресурс: <http://stolypin.institute/novosti/sector-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-rossiya-i>.

¹⁸⁹ Инновационное предпринимательство в Китае//Фундаментальные исследования, №10, 2018. –С.74-78. Эл. ресурс: <https://www.fundamentalresearch.ru>.

¹⁹⁰ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2022 йил. –Т., 2023. –Б.252-253.

имконият яратади¹⁹¹. Инновация фаолияти КЎБ корхоналарининг техник базасини кучайтиришни, малакали кадрларни жалб қилишни, инновацион инфратузилма элементлари ва инновациялардан самарали фойдаланишни фаоллаштирадиган бошқарув тизимини шакллантиришни тақозо этади. Одатда, саноат корхоналари технологик, ташкилий ва маркетинг инновацияларини жорий қилишга эътибор беради¹⁹².

Мустақил инновацияда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни корхона ўзи амалга оширади, бу ишларни амалга ошириш эса катта риск ва катта харажатни талаб қилади. Мустақил инновация фаолияти билан, кўп ҳолларда, иқтисодий бақувват, йирик компаниялар шуғулланади. КЎБ корхоналарида катта инвестиция қўйиш имкониятлари чекланганини эътиборга олсак, улар инновация фаолияти билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ, бу риск ва харажатларнинг камайишига олиб келади. Имитацион инновацияларда корхона тўғридан-тўғри илғор технология ва ускуналарни ҳуқуқий асосда сотиб олади ва уларни модернизациялаш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган ишларни олиб боради¹⁹³. Бу модель технологик инновацияларни жорий қилишнинг оддий усули ҳисобланади.

КЎБ корхоналари инновация фаолияти билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши ўз маҳсулоти рақобатбардошлигини босқичма-босқич ошириш имконини яратади ва шу билан бирга, инновацион-технологик жараёнларни ва бирламчи инновациядан ўтган маҳсулотларни такомиллаштириш ишларини яхши йўлга қўйиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида КЎБ корхоналарининг имитацион инновациялардан фойдаланишига ҳудудларнинг иқтисодий ва инновация салоҳиятининг ривожланганлик даражаси таъсир кўрсатади. Ривожланган ҳудудларда корхоналар ўртасида кооперация алоқалари яхши ривожланган, мутахассис кадрларни жалб этиш имконияти бор, мавжуд олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказлари билан алоқа қилиш мумкин. Ҳудудлар марказларида илмий-тадқиқот институтлари, университетлар ва бошқа инновация инфратузилмаси элементларининг бўлиши КЎБ корхоналарида инновация фаолиятини амалга ошириш учун яхши шароит яратади.

Ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини қуйидаги кўрсаткичлар белгилайди:

ялпи ҳудудий маҳсулот(ЯҲМ)нинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)даги улуши, аҳоли жон бошига ЯҲМ;

¹⁹¹ Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса//Вопросы инновационной экономики. Т.9., №2, 2020. –Б.455.

¹⁹² Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса//Вопросы инновационной экономики. Т.9., №2, 2020. –Б.457.

¹⁹³ Сюй Хуэйчжун. Анализ преимуществ имитационной инновации//Гуманитарные и социальные науки. №7, 2012.

саноат маҳсулотининг мамлакат саноат маҳсулотидаги улуши, аҳоли жон бошига ҳудудий саноат маҳсулоти;
хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимида ривожланганлик даражаси;
ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган КЎБнинг инновация маҳсулоти;
ҳудуддаги инвестициявий фаоллик ва жалб қилинган хорижий инвестициялар.

3-жадвал. Ҳудудлар кесимида ЯҲМ (2022)¹⁹⁴

№	Ҳудудлар	ЯҲМ, млрд сўм	ЯИМда ҳудудлар улуши, %	Аҳоли жон бошига ЯҲМ, минг сўм	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси (ЯИМ)	888341,7	100%	24659,1	1,0
2.	Қорақалпоғистон Респ.	29925,4	3,4	15142,1	0,61
3.	Андижон в.	54464,0	6,1	16391,0	0,7
4.	Бухоро в.	45797,3	5,2	22787,0	0,9
5.	Жиззах в.	27140,8	3,1	18393,1	0,7
6.	Қашқадарё в.	49520,8	5,6	14219,5	0,6
7.	Навоий в.	66685,4	7,5	63179,0	2,6
8.	Наманган в.	41098,2	4,6	13710,4	0,6
9.	Самарқанд в.	62440,3	7,0	15161,3	0,6
10.	Сурхондарё в.	34858,5	3,9	12419,7	0,5
11.	Сирдарё в.	18136,8	2,0	20228,4	0,8
12.	Тошкент в.	93433,1	10,5	31221,4	1,3
13.	Фарғона в.	55972,1	6,3	14075,7	0,6
14.	Хоразм в.	31963,1	3,6	16322,7	0,7
15.	Тошкент ш.	147414,6	16,6	49874,7	2,0

Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи ЯҲМни қарайдиган бўлсак (3-жадвал), энг кўп ЯҲМ Тошкент шаҳрида ишлаб чиқилган, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 16,6 %га тенг, ундан кейинги ўринни Тошкент вилояти – 10,5 %, Навоий – 7,5 % ва Самарқанд – 7,0 % вилоятлари эгаллаган. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Хоразм ва Сирдарё ҳудудларида бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, 3,6 %дан ошмайди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ индекси Навоий ҳудудида 2,6 ни ташкил этади, яъни аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯҲМ республика кўрсаткичидан 2,6 баробарга кўп. Бу Тошкент шаҳрида – 2,0 ва Тошкент вилоятида – 1,3 ни ташкил этади. Бу ҳудудларнинг индекс кўрсаткичлари республиканикидан юқори, қолган ҳудудларники республика кўрсаткичидан паст.

Ҳудудлар кесимида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳри етакчи бўлиб, унинг мамлакат саноат маҳсулотидаги улуши 19,5 %га тенг. Бу кўрсаткич Тошкент (16,9 %) ва Навоий (15,3 %) вилоятларида ҳам анча юқори, Жиззах (1,45 %), Наманган (2,75 %), Сурхондарё (1,33 %) ва Сирдарё (2,18 %) вилоятларида жуда паст (4-жадвал). Бу ҳудудларда саноат

¹⁹⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

ривожланиши орқада қолмоқда, шу сабабли уларда саноатни ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

4-жадвал. Худудлар кесимида саноат маҳсулоти (2022)¹⁹⁵

№	Худудлар	Худудий саноат и/ч, млрд сўм	Саноатнинг худудлар бўйича улуши, %	Саноат аҳоли жон бошига, мингсўм	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	551100,0	100	15458,	1,0
2.	Қорақалпоғистон Респ.	17794,9	3,2	9067,7	0,6
3.	Андижон в.	54122,0	9,8	16459,7	1,1
4.	Бухоро в.	27245,2	4,9	13668,4	0,9
5.	Жиззах в.	11149,5	2,0	7639,4	0,5
6.	Қашқадарё в.	22814,7	4,1	6621,7	0,4
7.	Навоий в.	84144,6	15,3	80546,7	5,2
8.	Наманган в.	18241,8	3,3	6153,7	0,4
9.	Самарқанд в.	29373,7	5,3	7208,5	0,5
10.	Сурхондарё в.	7298,7	1,3	2630,2	0,2
11.	Сирдарё в.	12175,2	2,2	13716,7	0,9
12.	Тошкент в.	93002,2	16,9	31354,3	2,0
13.	Фарғона в.	30390,5	5,5	7720,3	0,5
14.	Хоразм в.	18325,8	3,3	9440,6	0,6
15.	Тошкент ш.	107267,7	19,5	36873,8	2,4

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотининг индекси Навоий худудида энг юқори бўлиб, у 5,2 га тенг. Ундан кейинги юқори ўринларда Тошкент шаҳри – 2,4, Тошкент – 2,0 ва Андижон – 1,1 вилоятлари турибди. Энг паст кўрсаткич Фарғона – 0,5, Самарқанд – 0,5, Қашқадарё – 0,4, Наманган – 0,4 ва Сурхондарё – 0,2 вилоятларига тўғри келади. Бозор хизматлари бўйича энг юқори улушга эга худуд Тошкент шаҳри (38,4 %), ундан кейинги юқори улушни Тошкент (7,3 %), Самарқанд (6,4 %) ва Фарғона (6,1 %) вилоятларида кузатиш мумкин. Бозор хизматлари энг кам ривожланган худудларга Қорақалпоғистон Республикаси (2,9 %), Хоразм (2,9 %), Навоий (2,6 %), Жиззах (2,2 %) ва Сирдарё (1,4 %) вилоятларини киритиш мумкин (5-жадвал).

Худудларнинг инвестицион фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар 6-жадвалда келтирилган. Асосий капиталга инвестиция бўйича яна Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори – 21,0 %, Тошкент вилояти – 13,0 %. Ундан кейинги юқори кўрсаткични Самарқанд (8,1 %), Бухоро (7,8 %) ва Навоий (7,2 %) худудларида кўрамиз. Паст инвестиция фаоллиги Қорақалпоғистон Республикаси (3,7 %) ва Хоразм (3,3 %) худудларига тўғри келади. Аҳоли жон бошига энг юқори индекс кўрсаткичи Тошкент шаҳри (2,6), Навоий (2,5) ва Сирдарё (2,3) вилоятларига тўғри келишини кўрамиз. Умуман, 6 та

¹⁹⁵Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

худуднинг индекс кўрсаткичи республика индексидан юқори бўлиб, қолган худудларда бу кўрсаткич республика индексидан паст.

5-жадвал. Худудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари (2022)¹⁹⁶

№	Худудлар	Ҳажми, млрд сум	Умумий ҳажмидаги улуши, %	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	357554,5	100	10030,1	1,0
2.	Қорақалпоғистон Респ.	10421,9	2,9	5310,8	0,5
3.	Андижон	17642,4	4,9	5365,5	0,5
4.	Бухоро	15780,0	4,4	7916,5	0,9
5.	Жиззах	7984,0	2,2	5470,4	0,5
6.	Қашқадарё	45954,8	4,5	4628,0	0,5
7.	Навоий	9247,2	2,6	8851,5	0,9
8.	Наманган	14722,6	4,1	4966,6	0,5
9.	Самарқанд	22734,9	6,4	5579,2	0,6
10.	Сурхондарё	12878,0	3,6	4640,7	0,5
11.	Сирдарё	5029,8	1,4	5666,8	0,6
12.	Тошкент вилояти	25994,9	7,3	8763,7	0,9
13.	Фарғона	21960,3	6,1	5578,8	0,6
14.	Хоразм	10303,2	2,9	5307,6	0,5
15.	Тошкент шаҳри	137358,1	38,4	47218,3	4,7

6-жадвал. Асосий капиталга инвестициялар худудлар бўйича (2022)¹⁹⁷

№	Худудлар	Асосий кап. инвестициялар, млрд сўм	Жамига нисбатан худудлар улуши, %	Аҳоли жон бошига инвестиция, минг сўм	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	269857,5	100	7490,9	1,00
2.	Қорақалпоғистон Респ.	10099,8	3,7	5110,5	0,7
3.	Андижон в.	14758,6	5,5	4441,6	0,6
4.	Бухоро в.	21138,0	7,8	10517,5	1,4
5.	Жиззах в.	10763,1	4,5	7294,0	1,0
6.	Қашқадарё в.	16181,5	6,0	4646,4	0,6
7.	Навоий в.	19396,1	7,2	18376,2	2,5
8.	Наманган в.	14348,2	5,3	4768,6	0,6
9.	Самарқанд в.	21955,2	8,1	5331,0	0,7
10.	Сурхондарё в.	11507,3	4,3	4099,9	0,5
11.	Сирдарё в.	12574,7	4,6	14024,9	2,3
12.	Тошкент в.	34954,7	13,0	11680,4	1,6
13.	Фарғона в.	15396,7	5,7	3871,9	0,5
14.	Хоразм в.	8806,6	3,3	4497,3	0,6
15.	Тошкент ш.	56725,8	21,0	19192,0	2,6

¹⁹⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

¹⁹⁷ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

Худудлар кесимида хорижий инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичи худудлардаги корхоналарни хорижий технологиялар асосида модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалайди. Бу кўрсаткич бўйича биринчилар қаторида яна Тошкент шаҳрини кўрамиз. Тошкент шаҳри корхоналарига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат кўрсаткичидаги улуши 14,2 %га тенг. Кейинги ўринларда Бухоро – 10,7 % ва Тошкент – 10,3 % вилоятлари турибди. Қорақалпоғистон Республикасида, Сурхондарё, Наманган, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бу кўрсаткич паст бўлиб, 4,4 %дан ошмайди. Аҳоли жон бошига энг юқори индекс Сирдарё (3,5) ва Навоий (3,2) вилоятларига тўғри келади. Юқори даражада ривожланган Тошкент шаҳри индекси 1,7 га ва Тошкент вилояти индекси 1,2 га тенг. 6 та худуднинг индекси республика индексидан юқори, колган худудларда бу кўрсаткич республика индексидан паст (7-жадвал).

7-жадвал. Худудлар кесимида асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар (2022)¹⁹⁸

№	Худудлар	Хорижий инвестиция, млрд сўм	Худудлар бўйича улуши, %	Аҳоли жон бошига, минг сўм	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	112219,5	100	3115,1	1,0
2.	Қорақалпоғистон Респ.	3932,6	3,5	1989,9	0,6
3.	Андижон в.	6954,2	6,2	2092,9	0,7
4.	Бухоро в.	11999,5	10,7	5970,5	1,9
5.	Жиззах в.	4786,0	4,3	3243,4	1,0
6.	Қашқадарё в.	7517,1	6,7	2158,6	0,7
7.	Навоий в.	10645,6	9,5	10085,8	3,2
8.	Наманган в.	4919,1	4,4	1641,0	0,5
9.	Самарқанд в.	9597,4	8,5	2330,4	0,8
10.	Сурхондарё в.	4956,7	4,4	1766,0	0,6
11.	Сирдарё в.	9738,2	8,7	10861,3	3,5
12.	Тошкент в.	11514,0	10,3	3847,5	1,2
13.	Фарғона в.	7102,5	6,3	1786,1	0,6
14.	Хоразм в.	2700,9	2,4	1379,3	0,4
15.	Тошкент ш.	15855,6	14,2	5364,4	1,7

Худудларнинг барча кўрсаткичлари бўйича иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи Интеграл индекс кўрсаткичлари ва худудларнинг инновацион инфратузилма элементлари 8-жадвалда келтирилган. Самарқанд вилоятида 15 та олий таълим ташкилоти, 1 та нодавлат олий таълим ва 13 та илмий-тадқиқот ташкилоти жойлашган, технопарк йўқ. Тошкент вилояти мос равишда 10; 1; 19; 0; Навоий вилояти – 4; 2; 6; 2; Қашқадарё вилояти – 9; 3; 6; 0; Бухоро вилояти – 11; 4; 10; 1. Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларининг инновацион имкониятларини паст, деб қараш мумкин. Бу ерда худудларнинг инновацион имкониятларини баҳолашда уларнинг

¹⁹⁸ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

иқтисодий ривожланганлик даражасини эътиборга олиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори ривожланаётган ҳудудларга Тошкент шаҳри (19,3), Навоий (16,4), Тошкент (8,1) ва Сирдарё (10,2) вилоятларини киритиш мумкин. Бу ҳудудларга “локомотив” ҳудудлар, деб қараш мумкин. Ўрта даражада иқтисодий ривожланаётган ҳудудлар: Бухоро (6,4) ва Жиззах (4,1) вилоятлари. Қолган ҳудудларни паст даражада иқтисодий ривожланаётган ҳудудлар, деб қараш мумкин. Лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, ва Фарғона вилоятлари паст даражада бўлса ҳам, иқтисодий ва инновацион ривожланиш салоҳиятига эга. Сурхондарё, Наманган ва Хоразм вилоятларини ривожлантириш давлатнинг иқтисодий, инновацион ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш сиёсатиغا кўра махсус дастурлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

8-жадвал. Ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи Интеграл индекс ва инновацион инфратузилма кўрсаткичлари¹⁹⁹

№	Ҳудудлар	Интеграл индекс	Инновацион инфратузилма кўрсаткичлари			
			ОТМ сони	Нодавлат ва хорижий ОТМ сони	2021 йилда ИТТ сони	Тех. парк сони
1.	Ўзбекистон Республикаси	1,0	191	41	254	6
2.	Қорақалпоғистон Респ.	3,2	10	-	12	-
3.	Андижон в.	3,7	10	1	6	1
4.	Бухоро в.	6,4	11	4	10	1
5.	Жиззах в.	4,1	5	1	8	-
6.	Қашқадарё в.	3,6	9	3	6	-
7.	Навоий в.	16,4	4	2	6	2
8.	Наманган в.	3,0	6	1	4	-
9.	Самарқанд в.	3,7	15	1	13	-
10.	Сурхондарё в.	2,5	7	-	9	-
11.	Сирдарё в.	10,2	3	-	4	-
12.	Тошкент в.	8,1	10	1	19	-
13.	Фарғона в.	3,2	11	2	9	-
14.	Хоразм в.	3,1	8	2	9	1
15.	Тошкент ш.	19,3	82	23	139	1

Хулоса ва таклифлар. КЎБнинг инновацион ривожланишига асосий тўсиқлар бўлиб инновация инфратузилмасининг яхши ривожланмагани, технопарк, бизнес-инкубатор, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва илмий лабораториялар сони камлиги, уларнинг замонавий ускуна ва жиҳозлар

¹⁹⁹ Манба: 1-7 жадваллар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида.

билан етарли даражада таъминланмагани, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги ва инновацион бизнеснинг паст даражадалиги, инновация фаолияти билан шуғулланиш бўйича тажриба етишмаслиги ҳисобланади. Шу сабабли, қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

1) қайси ҳудудларда Интеграл индекс кўрсаткичлари юқори бўлса, шу ҳудудларда инновация маҳсулоти ишлаб чиқариш юқори. Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент ва Бухоро вилоятларида КЎБ корхоналарининг инновацион ривожланиш салоҳиятини юқори, деб баҳолаш мумкин. Бу ҳудудларда инновацион инфратузилма элементларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, технопарк, бизнес-инкубатор, замонавий махсус илмий лабораториялар, трансфер-технология ва бошқа илмий марказларни ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мутахассис кадрларни жалб этиш зарур. Навоий шаҳридаги кон-металлургия институтида инновацион инфратузилма элементлари учун мутахассис кадрларни тайёрлашни кучайтириш мақсадга мувофиқ;

2) ўрта даражада иқтисодий ривожланган ҳудудларда, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида инновацион инфратузилма элементларини барпо этиш ҳамда уларни кадрлар билан таъминлаш асосий масалалардан ҳисобланади;

3) паст иқтисодий ривожланган Сурхондарё, Наманган ва Хоразм вилоятларида КЎБни манзилли қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб жамият учун устувор бўлган соҳаларда махсус дастурлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

4) Тошкент шаҳрини бошқа барча ҳудудларнинг иқтисодий ва инновацион ривожлантириш маркази, шунингдек, Тошкентдаги “Яшнобод” инновацион технопаркининг илмий-техник ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали “Боштехнопарк”ка айлантирилиши ҳудудларнинг инновацион ривожланишининг бош омили, деб қараш мумкин;

5) ҳудудларда инновацион фаолият билан шуғулланадиган, янги маҳсулот ва янги технология жорий қиладиган, юқори ва ўрта юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқарадиган КЎБ субъектларини, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари бериш, давлат грантлари ажратиш, давлат томонидан имтиёзли қарз (лойиҳа амалга оширилса, қарзнинг маълум қисмидан кечиш), субсидия бериш, кредитни субсидиялаш каби имтиёзларни бошқа соҳалардаги КЎБ субъектларига нисбатан кучайтириш мақсадга мувофиқ;

6) мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, КЎБ корхоналарида юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарур, шунингдек, буни “имитацион инновациялардан оригинал инновацияларга” ўтиш стратегиясини қўллаш орқали юқори қўшилган қийматга эга, ички ва ташқи бозорларда талабгир бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўл, деб ҳисоблаш мумкин.

Адабиётлар:

1. Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса//Вопросы инновационной экономики. Т.9., №2, 2020.
2. Гумерова Г.И., Шаймиева Э.Ш. Анализ управления технологическими инновациями на промышленных Российских предприятиях: источники финансирования, инновационная стратегия//Актуальные проблемы экономики и права. №4(24), 2012. –С.143-150.
3. Инновационное предпринимательство в Китае//Фундаментальные исследования, №10, 2018. –С.74-78. Эл. ресурс: <https://www.fundamentalresearch.ru>.
4. Сюй Хуэйчжуин. Анализ преимущества имитационной инновации//Гуманитарные и социальные науки, №7, 2012.
5. Салимов Ш.Б. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда тадбиркорлик турлари ва уларни аниқлаш усуллари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali, №3, 2020.
6. Титов. Б. Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А., июль, 2018. Эл. ресурс: <http://stolypin.institute/novosti/sector-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-rossiya-i>.
7. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2022 йил. –Т., 2023.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИДА РЕСУРСЛАРДАН Фойдаланиш ва бошқаришнинг замонавий ҳолати

*Файзуллаев Улуғбек Турсунбаевич, PhD, доц.,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти,
Ортиқова Мадина Акрамжоновна, магистрант,
Тошкент Кимё халқаро университети Наманган филиали*

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолияти субъектларида ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг назарий масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, мавжуд ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик корхоналари фойдаланадиган барча иқтисодий ресурсларни гуруҳларга ажратиш масалалари кўрилган. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг технологик ресурсларини бошқаришда уларнинг фаолиятда тутган ўрни ва ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда, иқтисодий мақсадларига кўра, асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланган ҳамда бу борадаги услубий тавсиялар ёритилган.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, асосий фондлар, корхонанинг актив асосий ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат предмети, технологик ресурслар, моддий ресурслар, айланма маблағлар.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Бошқарувни такомиллаштириш иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида зарур бўлган ресурсларни топиш ва улардан самарали фойдаланишга йўналтирилиши ва шу орқали, барча жабҳаларда рақобатбардошликни оширишни таъминлаши лозим. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг иқтисодий соҳасида турли мулк шаклидаги корхоналар олдида турган янги вазифалардан энг асосийси мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳар бир бирлик ресурслардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишдир, шу жумладан, кичик бизнес

ва тадбиркорлик фаолияти корхоналарида ҳам ресурслардан самарали фойдаланиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти корхоналари фойдаланаётган ресурслар ичида технологик, моддий, меҳнат ва ахборот ресурслари муҳим аҳамиятга эга. Бу ушбу ресурсларнинг ўта чекланганлиги билан изоҳланади.

Турли мулк шаклидаги ташкилотлар ўз фаолиятларини мустақил тарзда амалга оширишлари, улар фаолиятларидаги мустақилликнинг ортиши иқтисодий ресурслардан фойдаланиш масаласига турлича муносабатда бўлишни юзага келтирди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти корхоналари ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда турли ресурслардан фойдаланадилар. Мамлакатимиз ва вилоятларимиздаги иқтисодий ресурслар чекланганлиги билан бирга, улар аҳолисининг эҳтиёжлари ҳар томонлама ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни тўлароқ қондириб бориш учун ҳар бир бирлик ресурсдан кўпроқ маҳсулот олиш ва хизматлар кўрсатиш лозим. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти корхоналарида мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўналишларини таклиф қилиш иқтисодиётдаги долзарб масалалардан энг муҳимига айланди ва ҳозирги вақтда ўз ечимини кутмоқда.


Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Кўп вақтлардан буён маҳаллий ва хорижий олимлар, мутахассисларнинг диққат-эътибори иқтисодий ресурслардан фойдаланиш масаласига қаратилган. Улар иқтисодий ресурслардан фойдаланишда самарадорликни оширишни ҳар томонлама таҳлил қилиб, мос равишда қатор таклифларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилишган. Жумладан, бу И. Самуэльсон, М. Мескон, К. Смирнов, А. Маршалл, А. Пигу, А. Смит, Д. Коэн, Ж.Б. Сэй, Ж. Кейнс, Й. Шумпетер каби хорижий олимларнинг илмий изланишларида ёритиб ўтилган. Ушбу хорижий олимлар билан бир қаторда, А. Ўлмасов, С. Ғуломов, М. Шарифхўжаев, И. Искандаров, Р. Қосимов, Б. Ғойибназаров, Ё. Абдуллаев, М. Болтабаев, М. Қосимова, Р. Ходжаев, С. Ғуломов, Ш. Эргашходжаева, Ш. Юлдашевлар сингари мамлакатимиз олимлари томонидан ресурслардан фойдаланиш масаласи ҳар томонлама ўрганилган ва қатор изланишлар олиб борилган.

Юқорида ўтказилган тадқиқотларда кўпроқ ўзга мамлакатлардаги ўзига хос хусусиятлар эътиборга олинган ёки аввалги даврлар учун тадқиқот олиб борилган. Ушбу масала иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида ўта долзарб бўлганлигини ҳисобга олиб, тадқиқот мавзуси сифатида танланди ва мақсад-вазифалар белгиланди.

Муаммони ҳал қилиш йўллари. Иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим ўрин тутадиган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг самарали фаолиятини таъминлаш учун, аввало, улардаги мавжуд ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ва уларни бошқаришни такомиллаштириш лозим. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий ресурслар зарур бўлади. Тадбиркорлик корхоналари

фойдаланадиган барча иқтисодий ресурсларни қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин (1-расм):

1. Технологик ресурслар.
2. Моддий ресурслар.
3. Меҳнат ресурслари.
4. Ахборот ресурслари.



1-расм. Тадбиркорлик корхоналарида фойдаланиладиган иқтисодий ресурслар


Замонавий иқтисодиёт фани технологик ресурсларни маълум бир истеъмол қиймати кўринишида ижтимоий меҳнат асосида яратилувчи, ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган материал омиллари қаторига киритади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг кучи ва воситалари ёрдамида яратилган технологик ресурслар уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ва бу қувватлардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк ҳисобланади. Бутун иқтисодиёт миқёсида асосий фондлар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил қилади.

Технологик ресурсларнинг асосий қисми тадбиркорлик корхонасининг асосий фондларига тўғри келади. Асосий фондлар корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб боради. Асосий фондлар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни “амортизация”, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса “амортизация ажратмалари” деб аталади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг технологик ресурсларини бошқаришда уларнинг фаолиятда тутган ўрни ва ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамияти ҳисобга олинади. Иқтисодий мақсадларига кўра, асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланади.

Ишлаб чиқариш асосий фондлари, моҳиятан, тадбиркорлик корхонасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ташкил қилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари; узатиш қурилмалари; қувват машина ва ускуналари; ишчи машина ва ускуналар; транспорт воситалари; ўлчов ва тартибга солиш асбоб-қурилмалари; фойдаланиш муддати 1 йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентари.

Ноишлаб чиқариш асосий фондлари корхона асосий фондларининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабаб, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди. Булар қаторига, асосан, корхона балансидаги турар жой (уй-жой фонди), ошхона, профилакторий, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа объектлар киритилади (2-расм).



2-расм. Корхона асосий фондларининг таркиби

Меҳнат предметиға ўтказувчи таъсирига кўра, асосий ишлаб чиқариш фондлари актив ва пасив турларга бўлинади. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг пасив турига бино ва иншоотлар, актив турига эса қувват машина ва ускуналари, ишчи машина ва ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар, яъни бирон-бир турдаги маҳсулот яратишда фойдаланилувчи меҳнат қуроллари киритилади. Корхонанинг актив асосий ишлаб чиқариш фондлари энг ҳаракатчан ва аҳамиятли ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти давомида кўплаб корхоналарда актив ишлаб чиқариш

фондларининг салмоғи ортади, уларнинг таркиби ва кўриниши ўзгаради, асосий фондлар гуруҳ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашилиш суръати тезлашади. Технологик ресурсларни бошқаришда уларнинг актив қисмига кўпроқ эътибор қаратилади. Янгидан олинган воситалар ичида актив қисм бўлишига ҳаракат қилинади. Технологик ресурсларнинг актив қисми тадбиркорлик корхонасида самарадорликнинг ортишига замин яратади, улар ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ҳажмини орттириш ва рақобатбардошлик даражасини юксалтиришга эришиш имконияти яратилади.

Технологик ресурсларни бошқаришда асосий фондларнинг тузилмасига ҳам эътибор қаратилади. Асосий фондларнинг умумий ҳажмида алоҳида гуруҳларнинг қиймат бўйича ўзаро нисбати асосий фондларнинг турлар бўйича тузилмасини акс эттиради ҳамда амалиётда фоизларда ўлчанади. Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини орттириш учун корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмасининг, биринчи ўринда, унинг актив – машина ва асбоб-ускуналарни кўпайтиришга йўналтирилган қисмини такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Уларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори шунчалик катта бўлади.

Кутилаётган иқтисодий самара. Тадбиркорлик фаолияти корхоналарининг самарадорлигига улар фаолиятида фойдаланилаётган технологик ресурсларнинг ёши, аввало, ишчи машина ва асбоб-ускуналарнинг ёши катта таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда ишчи машиналарини ёш бўйича гуруҳлашда тахминан қуйидаги муддатлардан келиб чиқилади: 5 йилгача, 5-10 йил, 10-15 йил, 15-20 йил, 20-25 йил ва ҳ.к. Машина ва ускуналарнинг эксплуатация муддати қанчалик юқори бўлса, тадбиркорлик корхонасининг ишлаб чиқариш кувватлари шунчалик паст бўлади, маҳсулотлар сифати пасаяди, бекор туриб қолиш ва талафотлар кўпаяди ҳамда аксинча. Бундан ташқари, корхона асбоб-ускуналаридан узоқ вақт мобайнида фойдаланиш орқасидан таъмирлаш учун ҳам кўп харажатлар сарфланади. Ҳозирги вақтда айрим тадбиркорлик корхоналари нисбатан ёши юқорироқ бўлган дастгоҳлардан фойдаланмоқда. Бу, айниқса, тўқимачилик ва енгил саноат йўналишида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик корхоналарига тегишлидир. Масалан, тўқув корхоналарида нисбатан эски бўлган АТ, СТБ русумли дастгоҳлардан фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда улардан унумлироқ ва сифатли маҳсулотлар чиқаришга мойил бўлган дастгоҳлар ишлаб чиқарилмоқда. Улардан фойдаланган ҳолдагина бозордаги рақобат курашида устунликни қўлга киритиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида технологик ресурслар билан бир қаторда, моддий ресурслардан ҳам фойдаланилмоқда. Моддий ресурслардан фойдаланиш тадбиркорлик корхонасининг иқтисодий-хўжалик фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида моддий ресурслар ишлаб чиқаришнинг айланма ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар,

қоидага кўра, корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. Ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари асосий фондларнинг техник ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури билан боғлиқ. Корхона қанчалик катта ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари тури қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кўп талаб қилинади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида тадбиркорлик корхоналарининг моддий ресурсларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунинг ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хомашё, материал, ёқилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади. Бу йўналишда муттасил равишда тадқиқотлар олиб борилиши зарур. Бошқарув фаолиятида тузиладиган тадбирлар ва қабул қилинадиган қарорларда моддий ресурслар сарфини камайтириш тадбиркорнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Албатта, бу тежамкорлик ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда бўлиши керак. Бир бирлик моддий ресурслардан кўпроқ маҳсулот олиш учун уларнинг сарфидаги турли чиқиндилар чиқишини қисқартириш керак. Тикувчиликка ихтисослашган тадбиркорлик корхоналарида матоларни қирқиш ва бичишда андозалар орасидаги чиқиндиларни камайтиришга ҳаракат қилинади. Маҳсулотларни қирқиш ва бичишда чиқиндилар кам чиқиши учун вариантлар кўп бўлишига эришиш керак. Вариантлар эса эни кенгроқ бўлган матоларда бўлади. Ҳозирги вақтда енгил саноат корхоналари тўқувчилик корхоналарининг эни нисбатан кенгроқ бўлган матоларига талаб билдираяпти. Тадбиркорлик фаолияти корхоналари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритса, бу вазифани самарали ҳал қилиш имконияти яратилади.

Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

хомашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа меҳнат предметлари;

ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлаш;

корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида тадбиркорлик фаолияти корхоналарида айланма маблағлардан, биринчи ўринда, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни шакллантириш захираларини излаб топиш ҳар бир тадбиркорлик корхонаси олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда захира деганда, моддий ва пул ресурсларини

яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келаётган, лекин ҳали фойдаланилмаган (тўлиқ ёки қисман) имкониятларини тушуниш лозим. Бу захиралар келиб чиқиши ва фойдаланилишига кўра, иқтисодиёт ва тармоқларга тегишли ёки тармоқлараро, ишлаб чиқариш ичидаги (завод, цех ва ҳ.к.) турларга бўлинади.

Корхоналарда ички ишлаб чиқариш захиралари – ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда техника-технологияни такомиллаштириш, маҳсулотларнинг янги ва янада мукамал турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари катта аҳамият касб этади. Захиралар моддий ресурсларни сарфлашни меъёрлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг меҳнат сифимини камайтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг оқилона усулларини қўллаш натижасида ҳам аниқланади. Тадбиркорлик фаолияти корхоналари ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.

Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хомашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хомашё, материал ва ёқилғиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника-технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига маҳсулотлар материал сифимини режалаштириш ва меъёрлаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган меъёр ва меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, “эски” ва “янги” маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида моддий ресурслар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида битта миқдордаги хомашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни кўпайтиришдадир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар захираларини сарфлаш меъёрларига боғлиқ бўлади. Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида моддий ресурсларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ҳамда таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми

бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур, уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Тадбиркорлик фаолияти корхоналарида фойдаланиладиган моддий ресурслар таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш қобилияти ва унинг самарадорлигига риоя қилиш қоидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни, корхона ишлаб чиқариш захиралари ва айланма маблағларнинг таъминланишини ҳаддан ташқари оширишга интилмаслиги зарур. Амалиётдан кўринадики, бу ресурсларнинг ҳалок бўлишига ва сунъий танқисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли, хомашё ва материалларни сарфлашнинг технологик нормаларига риоя қилиш, уларни сақлашни тўғри йўлга қўйиш, чикитлар ва йўқотишларни камайтириш, замонавий ва арзон материаллардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Бироқ, арзон материаллардан фойдаланиш доим ҳам корхона имкониятлари ва хоҳишдан келиб чиқавермайди, шунингдек, ташқи муҳит, ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлар, нархни шакллантириш, умумий иқтисодий барқарорлик ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Зайцев Н.А. Экономика промышленного предприятия. –М.: Инфра, 2016.
2. Верст И., Равентоц П. Экономика фирмы. Учебник. –М.: Высшая школа, 2014.
3. Дубровский В.Ж., Чайкин Б.И. Экономика и управление предприятием (фирмом). –Екатеринбург, 2016.
4. Экономика предприятия. Под. ред. проф. Волкова О. –М.: Инфра, 2000.
5. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти (ўқув кўлланма). –Т.: ТДИУ, 2014.
6. Абатуров В., Пугач Г. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы, 2015.
7. Шумпетер Й. Теория экономического развития исследования предпринимательского прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры. –М.: Прогресс, 2018.
8. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. Пер. с англ. –М.: Прогресс, 2018.
9. Худайбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства. –Т., 2016.

О‘ЗБЕКISTONDA AHOЛИNING KAMBAG‘ALLIK DARAJASINI QISQARTIRISH YO‘NALISHLARI

*G‘aniyev Muhammadjon Halilovich, i.f.d., dots.,
Namangan muhandislik-texnologiya instituti*

Аннотатсия. Mazkur maqola aholi kambag‘alligi sabablari va uning darajasini qisqartirishga qaratilgan. O‘zbekistonda aholi kambag‘allicining namoyon bo‘lishi va hududiy ko‘rsatkichlari tahlil qilingan. Aholining kambag‘al, yordamga muhtoj, “Temir daftar”ga kiritilgan fuqarolari hayotidagi o‘zgarishlar qanday bo‘layotganini ijtimoiy so‘rovnoma o‘tkazish orqali o‘rganilgan.

Tayanch soʻzlar: aholi kambagʻalligi, farovonlik, kambagʻallik darajasi, “Temir daftar”, minimal isteʼmol xarajatlari, aholi turmush darajasi, pandemiya, kambagʻallikni qisqartirish yoʻnalishlari.

Abstract. This article is aimed at reducing the causes of poverty of the population and its level. The manifestations of poverty in the population of Uzbekistan and regional indicators are analyzed. Changes in the lives of poor and needy citizens included in the Iron Register were studied through a social survey.

Keywords: poverty of the population, well-being, poverty level, “iron notebook”, minimum consumer spending, standard of living of the population, pandemic, directions of poverty reduction.

Mavzuning dolzarbligi. Jahon mamlakatlarida kambagʻallik darajasini qisqartirishning zamonaviy yoʻllarini ishlab chiqish hamda mavjud turlarini diversifikatsiyalash tendensiyasi kuchaymoqda. Jahon banki hisob-kitoblariga koʻra, “2030-yilga borib, qashshoqlikni 3 %dan yuqori darajaga qisqartirishni maqsad qilgan boʻlsa-da, jahon xoʻjaligidagi iqtisodiy tahdidlar tufayli, 2022-yilda 75-95 mln gacha qoʻshimcha odam oʻta qashshoqlikda yashashiga toʻgʻri kelib, kambagʻallik darajasi toʻgʻrisidagi prognoz 9,4 % yoki 736 mln kishiga oʻzgartirildi”²⁰⁰. Aholi kambagʻalligi darajasini qisqartirishda uchta yoʻnalish, jumladan:

- 1) qoʻshimcha mehnat resurslari bilan inklyuziv iqtisodiy oʻsishga erishish;
- 2) inson kapitaliga bogʻliq boʻlmagan holatlar tufayli muhim xizmatlardan foydalana olmaydigan insonlarga sarmoya kiritish;
- 3) kambagʻal va zaif qatlamlarni iqlim, pandemiya, oziq-ovqat narxlarining oʻzgaruvchanligi va iqtisodiy inqiroz oqibatlarini kabi qashshoqlikka olib kelishi mumkin boʻlgan tahdidlardan ijtimoiy himoya qilish boʻyicha chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur boʻladi.

Oʻzbekistonda iqtisodiy islohotlarni chuqurlashtirish sharoitida “...xalqimizning farovonligini yanada oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish...”²⁰¹ masalalari ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilanganiga qaramasdan, COVID-19 pandemiyasi aholining kambagʻal qatlamiga salbiy taʼsir koʻrsatib, kambagʻallik darajasi 8,7-10 %ga oʻsgan. Kambagʻallik darajasiga tushib qolgan yangi fuqarolar soni 450 mingdan 880 ming nafargacha”²⁰² koʻtarilishi ortidan aholi farovonligini yanada oshirish va kambagʻallikni qisqartirish masalasi iqtisodiy islohotlarning eng dolzarb muammolaridan biri sifatida belgilandi.

Mamlakatda “...2017-yilda kam taʼminlangan 500 ming oila ijtimoiy yordam olgan boʻlsa, bugunga kelib, 2 mln dan ortiq oilalarga koʻmak berilmoqda. Ajratilayotgan mablagʻlar esa 7 barobar koʻpaytirilib, yiliga 11 trln soʻmga yetdi”²⁰³.

²⁰⁰ Бедность – обзор. Стратегия. <https://www.vsemirnyjbank.org/ru/topic/poverty/overview#3>, 2022.

²⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармони, 28.01.2022.

²⁰² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 Фармони, 28.01.2022.

²⁰³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 20.12.2022. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi>.

Istiqbolda kambag'allikni qisqartirishga qaratilgan dasturlarda kambag'al aholi qatlamlarini, avvalo, uy-joy bilan ta'minlash, yuqoridagi barcha chora-tadbirlarni o'z vaqtida va sifatli amalga oshirish, ekologik muhitni yaxshilashga qaratilgan vazifalarni belgilash, kambag'allikni qisqartirishning samarali usullari va yangicha yondashuvlarini ishlab chiqish bugungi kunda dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.

O'zbekistonda 1994-yil aholining kambag'allik darajasi 44,5 %, 2001-yil – 27,5 %, 2015-yil – 12,8 %, 2020-yil – 11,5 %ni tashkil qildi. 2021-yilda esa minimal iste'mol xarajatlaridan kelib chiqqan holda hisoblandi va kambag'allik darajasi 17,0 %ni tashkil qildi (1-jadval).

1-jadval. O'zbekistonda kambag'al aholining hududlar bo'yicha taqsimlanishi (uy xo'jaliklari tanlanma kuzatuvlari ma'lumotlariga asosan, %)²⁰⁴

Hududlar/yillar	2005	2010	2015	2020	2021
O'zbekiston Respublikasi	25,8	17,7	12,8	11,5	17,0
Qoraqalpog'iston Resp.	44,0	34,3	28,3	14,6	20,8
Andijon v.	23,1	16,3	9,3	12,0	19,3
Buxoro v.	20,8	14,4	10,1	8,6	14,5
Jizzax v.	29,6	22,6	15,4	13,0	21,1
Qashqadaryo v.	41,0	28,9	23,2	13,6	17,9
Navoiy v.	26,3	19,6	13,9	7,9	4,7
Namangan v.	33,4	23,1	15,2	15,3	14,1
Samarqand v.	23,9	14,9	10,2	10,6	18,2
Surxondaryo v.	34,6	25,2	20,0	14,7	13,2
Sirdaryo v.	32,6	23,6	17,7	12,3	30,5
Toshkent v.	20,4	12,5	7,9	9,1	22,5
Farg'ona v.	15,8	10,2	7,8	14,5	3,9
Xorazm v.	31,0	20,6	14,3	13,0	19,9
Toshkent sh.	6,7	2,6	0,9	2,6	8,1

Bunga sabab, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 27-avgustdagi "Minimal iste'mol xarajatlari qiymatini hisoblash tartibini amaliyotga joriy etish to'g'risida"gi 544-son qaroriga asosan, kambag'allik, aholi daromadlarini minimal iste'mol xarajatlari miqdoriga nisbatan qiyosiy taqqoslash orqali hisoblash joriy etilganligidir. Ayni vaqtda, kambag'allik darajasi Sirdaryo, Toshkent, Jizzax viloyatlari va Qoraqalpog'iston Respublikasida yuqori hisoblanadi.

Kambag'allik darajasini hududlar bo'yicha tahlil etilganda, shahar va qishloq aholisi o'rtasida farq mavjudligi ko'rinadi (2-jadval). Asosiy ish o'rinlari va ishlab chiqarish korxonalarini shahar joylarida to'plangan bo'lib, qulay infratuzilmaga ega. Qishloq joylarida aholining ishsizlik darajasi yuqori bo'lib, bandlik mavsumiy

²⁰⁴ 2021 йил маълумоти Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сон қарoriga асосан, камбағаллик, аҳоли даромадларини минимал истеъмол харажатлари миқдорига нисбатан солиштириш орқали ҳисобланган. Виложлар кесимида Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига асосан ҳисобланган. **Эслатма:** Жаҳон банки тавсиясига кўра, кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи 2020 йилгача кунлик 2100 ккал дан келиб чиқиб ҳисобланган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>.

xarakterga ega. Qishloq joylarida mehnat resurslari bo‘lgan yoshlarning, jumladan, erkaklarning qo‘shni mamlakatlarga (Qozog‘iston, Rossiya va b.) borib ishlashlari, daromad topishlari barqaror va kafolatlangan emas.

Qishloq bilan shahar o‘rtasidagi kambag‘allik darajasidagi tavofutni qisqartirishga qaratilgan davlat maqsadli dasturlari tayyorlanib, ular amaliyotga joriy etilmoqda. Mamlakat qishloq aholisida jon boshiga to‘g‘ri keladigan pul daromadlari shaharlarga nisbatan deyarli 2 barobar kam. Shuningdek, qishloqlarda sanoat kam rivojlangan bo‘lib, qariyalar, nogironlar, ishsizlar ko‘pchilikni tashkil qiladi. Bundan tashqari, qishloq joylaridagi ishsizlik muammosi qisman xususiy uy sharoitida bartaraf etiladi, ammo qishloq uy xo‘jaliklarining mavjudligi nisbatan past pul daromadlarini qoplay olmaydi va shu sababli qishloqda kambag‘allik muammosini hal qila olmaydi²⁰⁵.

2-jadval. O‘zbekistonda kambag‘al qatlamning shahar va qishloq joylari bo‘yicha taqsimlanishi, %²⁰⁶

Hududlar/yillar	2014	2015	2017	2018	2020	2021	Farqi,%
Shahar	9,8	9,5	8,7	8,4	8,3	11,6	103,3
Qishloq	16,6	15,9	14,8	14,3	14,1	22,4	135,0
Ja‘mi	13,3	12,8	11,9	11,4	11,5	17,0	128,0

Kambag‘al, yordamga muhtoj, “Temir daftar”ga kiritilgan fuqarolar hayotidagi o‘zgarishlar qanday bo‘layotganini aholi orasida ijtimoiy so‘rovnoma o‘tkazish orqali o‘rgandik. So‘rovnoma natijalari asosida kambag‘allikning kelib chiqish sabablari guruhlarga ajratildi (3-jadval).

**3-jadval. Aholi o‘rtasida kambag‘allikning kelib chiqish sabablari²⁰⁷
(jami soniga nisbatan, %)**

Nomi	Jami respondentlar	Shundan:		Qishloq aholisi	Shahar aholisi	Yoshi		
		Ayol %	Erkak %			20-40	40-50	50-60
Ishsizlik	598/57	371/62	227/38	384/64	214/36	268/45	256/43	74/12
Nogironlik va kasallik	315/30	183/58	132/42	177/56	138/44	61/19	101/32	153/49
Uy-joy tanqisligi	63/6	38/60	25/40	41/65	22/35	45/71	15/24	3/5
Oilada boquvchisi yo‘qligi	42/4	39/93	3/7	22/52	20/48	6/14	19/45	17/41
Daromad manbaiga ega bo‘lmaslik	32/3	21/66	11/34	23/72	9/28	14/44	12/37	7/19

²⁰⁵ Хасанов Р., Усмонов Б. Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қискартириш йўллари. info@review.uz//2020.

²⁰⁶ Манба: Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг маълумотлари асосида.

²⁰⁷ Муаллиф томонидан ўтказилган сўровнома асосида тайёрланган.

Respondentlardan “Keyingi yillarda mamlakatimizda kambag‘allikka qarshi kurashish boshlandi. Hayotimizda quvonarli o‘zgarishlar bor, deb hisoblaysizmi?” degan savolga, o‘zgarishlar bo‘lganligi qayd qilingan va ayniqsa, ish o‘rniga ega bo‘lganlar 40 %ni tashkil etgan. “Farzandlarim xorijga mardikorlikka bormay, o‘zimizda ish bilan band”, deb javob berganlar 37 %ni tashkil qilgan. Bu esa, keyingi yillarda so‘rovnoma olib borilgan hududlarda yangi ish o‘rinlari tashkil etish, yoshlarni tadbirkorlik faoliyatiga jalb etish borasidagi islohotlar o‘z samarasini bera boshlaganidan darak beradi. Kambag‘al oilalar davlat tomonidan qat’iy nazoratga olingani, ularning ijtimoiy himoyasi yaxshilanib borayotganini 8 %, uysiz kambag‘al oilalar uylik bo‘layotgani va tadbirkorlik faoliyati orqali o‘zini o‘zi band etayotganini 12 %, hech qanday o‘zgarishlar yo‘qligi yoki sezilmaganini 3 % fuqarolar ma’lum qilgan.

Xulosa va takliflar. Bizning fikrimizcha, mamlakatda kambag‘allik darajasini qisqartirish yo‘nalishlari quyidagilardan iborat bo‘lishi maqsadga muvofiqdir:

aholining “Temir daftar”ga kiritilgan kambag‘al qatlaminin kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanish istagini muntazam moliyaviy rag‘batlantirib borish;

qishloq joylarida tomorqa xo‘jaligi (parrandachilik, qoramolchilik, asalarichilik, bog‘dorchilik, issiqxona xo‘jaligi)ning mavjud imkoniyatlaridan samarali foydalanishni qo‘llab-quvvatlash orqali aholi daromadlarini oshirish va bandligini ta‘minlash, aholining, ayniqsa, yosh oilalarning tomorqa xo‘jaligi bilan ta‘minlashdagi mavjud cheklovlarni bekor qilish;

“Ayollar daftari” va “Yoshlar daftari”ga kiritilgan kam daromadli fuqarolarda iqtisodiy faollikni rag‘batlantirish (imtiyozli kreditlar berish, qiziqishidan kelib chiqib ishlab chiqarish vositalarini bepul yoki arzon xarid qilishlariga ko‘mak berish, dehqonchilik uchun yer berish) asosida ulardagi boqimandalik kayfiyatini tugatish;

tomorqa xo‘jaligini samarali olib borishga ko‘maklashuvchi infratuzilma doirasidagi kichik biznes subyektlariga, jumladan, “og‘ir mahallalar”ga soliq imtiyozlari va subsidiyalar joriy etish, tomorqa xo‘jaligida foydalaniladigan kichik texnika ishlab chiqarishini moliyaviy quvvatlash va bunday texnika importiga har qanday cheklovlarni bekor qilish;

o‘zini o‘zi band qiluvchilarga, jumladan, maishiy va qurilish-ta‘mirlash xizmatlari ko‘rsatuvchilarga soliqqa tortmaslik tartibini joriy qilish, “yagona ijtimoiy reestr” axborot bazasiga kiritilgan past daromadli oilalar farzandlarini oliy o‘quv yurtlarida to‘la davlat hisobidan o‘qitishni joriy etish maqsadga muvofiq.

Adabiyotlar:

1. 2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-60-son Farmoniga 1-ilova, 28.01.2022.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 22.12.2022. –T., 2017. –B.50.
3. O‘lmasov A., Vahobov A. Iqtisodiyot nazariyasi. –T: Sharq, 2006. –B.433.
4. Булгаков А.В. Теоретические аспекты динамики благосостояния в условиях трансформации экономических систем. Автореф. дисс. ... к.э.н. –Саратов, 2004. –С.11.

5. Дорош А.А. Общественное благосостояние как фактор формирования новой экономики. Автореф. дисс. ... к.э.н. –М., 2010. –С.13.
6. G‘oyibnazarov B.K. Aholi turmush darajasini statistik baholash. Monografiya. –Т.: Fan, 2005. –В.12.
7. To‘hliiev N. va b. O‘zbekiston iqtisodiyoti. –Т.: O‘zbekiston, 2018. –В.445.
8. Wold Bank Group. Fladship Report. JANUARY//2022. Global Economic Prospects, –P.227. The World Bank. Washington, DC 20433/; Internet: www.worldbank.org.

ANALYZING THE ROLE OF WOMEN IN THE DEVELOPMENT OF SMALL AND MEDIUM-SIZED BUSINESSES

*PhD, Assoc. Prof. Ibragimova Mamura Mukhiddinovna,
Namangan branch of the Kimyo International University in Tashkent,
Burkhanova Maftuna Jasurbek qizi, student,
Namangan Engineering-Construction Institute*

Abstract. This article investigates the role of women entrepreneurs in the development of small and medium-sized enterprises (SMEs) in both developed and developing countries, with a focus on the unique context of Uzbekistan. The study highlights the significance of women-owned businesses in various economic contexts and delves into the challenges and opportunities they encounter. Through a literature review, the article examines the experiences of women entrepreneurs in developed and developing countries, comparing their experiences and discussing potential strategies for promoting their growth and development. The article also discusses the challenges and opportunities facing women entrepreneurs in Uzbekistan, as well as potential strategies for promoting their growth and development.

Keywords: women entrepreneurs, small and medium-sized businesses, economic growth.

Introduction. Small and medium-sized enterprises (SMEs) play a crucial role in the economic growth and development of countries worldwide. They create jobs, drive innovation, and contribute to the overall well-being of the economy. The significance of SMEs in modern economies cannot be overstated, as they serve as the backbone of industrial and service sectors, fostering competition, and promoting economic diversification. One significant aspect of SMEs that has gained attention in recent years is the role of women entrepreneurs in the development of these enterprises.

The increasing participation of women in entrepreneurship has been recognized as an essential factor for achieving sustainable economic growth, reducing poverty, and promoting gender equality. Women entrepreneurs not only contribute to the economic development of their countries but also serve as role models for future generations, inspiring other women to pursue their dreams and break through gender barriers. As the number of women-owned businesses continues to rise, understanding the unique experiences, challenges, and opportunities faced by women entrepreneurs is crucial for policymakers, practitioners, and researchers.

In developed and developing countries alike, women entrepreneurs are transforming the landscape of SMEs, bringing new ideas, products, and services to the market. They are overcoming various obstacles and breaking down traditional

gender roles, proving that entrepreneurship is a viable and rewarding career choice for women. Furthermore, women-owned SMEs contribute to the socioeconomic development of communities by providing employment opportunities, supporting local supply chains, and promoting social and environmental responsibility.

However, despite their growing importance, women entrepreneurs face numerous challenges in starting, growing, and sustaining their businesses. These challenges often include limited access to finance, lack of business networks and mentorship, gender stereotypes and cultural barriers, and the need to balance work and family responsibilities. Addressing these challenges requires a concerted effort from governments, the private sector, and civil society to create a supportive and inclusive environment that fosters the growth and development of women-owned SMEs.

The purpose of this article is to explore the role of women entrepreneurs in the development of small and medium-sized businesses in both developed and developing countries. The article will include a literature review, examining the significance of women-owned businesses in different economic contexts, as well as the challenges and opportunities they face. Furthermore, the article will analyze the differences in the experiences of women entrepreneurs in developed and developing countries, and discuss potential strategies for promoting their growth and development. Additionally, this article will explore the case of women entrepreneurs and their involvement in small and medium-sized businesses in Uzbekistan. As a developing country in Central Asia, Uzbekistan offers a unique context for understanding the experiences of women entrepreneurs in emerging markets. Over the past few years, the government of Uzbekistan has implemented various reforms aimed at promoting entrepreneurship, fostering economic diversification, and encouraging the growth of SMEs. In this context, the role of women entrepreneurs becomes even more critical, as they contribute to the ongoing economic transformation, create jobs, and empower other women to enter the world of entrepreneurship. By shedding light on the role of women entrepreneurs in the development of SMEs, this article aims to contribute to the ongoing discourse on gender equality, economic growth, and social development.

Literature Review. *Impact of Women Entrepreneurs on Small and Medium-Sized Enterprises*

Several studies have highlighted the importance of women entrepreneurs in the development of small and medium business activities. For instance, Brush, De Bruin, and Welter (2009) argue that women entrepreneurs contribute significantly to economic growth and job creation, as well as foster innovation and competitiveness within the SME sector. Similarly, Aidis, Welter, and Smallbone (2007) found that women-owned SMEs tend to be more resilient during economic downturns, thus contributing to the overall stability and growth of the economy.

In a cross-country study, Bardasi, Sabarwal, and Terrell (2011) examined the relationship between gender and firm performance in developing countries. Their findings suggest that women-owned SMEs are equally as productive as male-owned SMEs when controlling for sector, firm size, and other relevant factors.

This supports the notion that women entrepreneurs can make a significant contribution to the development of small and medium business activities, provided they have access to the same resources and opportunities as their male counterparts.

Despite the growing recognition of the importance of women entrepreneurs in the SME sector, research has also identified several challenges that they face in starting and growing their businesses. For example, Carter and Rosa (1998) found that women entrepreneurs often face limited access to finance, as they are perceived as high-risk borrowers by financial institutions. This, in turn, limits their ability to invest in their businesses and hinders their growth potential.

Moreover, Marlow and McAdam (2012) highlighted the lack of business networks and mentorship opportunities for women entrepreneurs. They argue that access to business networks and mentorship can provide women entrepreneurs with valuable knowledge, skills, and support needed to grow their businesses. However, women entrepreneurs often face challenges in accessing these networks due to gender stereotypes and cultural barriers.

In light of the challenges faced by women entrepreneurs, several scholars have proposed strategies for promoting their growth and development in the SME sector. For example, Brush et al. (2009) suggest that governments, financial institutions, and development organizations should collaborate to develop targeted policies and programs that address the unique challenges faced by women entrepreneurs. These may include enhancing financial inclusion, providing capacity-building and training initiatives, and fostering women-focused business networks and mentorship programs.

In a study focusing on the role of microfinance in promoting women's entrepreneurship, Kabeer (2005) found that access to microfinance can help women entrepreneurs overcome financial barriers and grow their businesses. The study suggests that microfinance institutions should adopt gender-sensitive lending practices and offer tailored financial products and services to support the growth and development of women-owned SMEs.

Furthermore, Chell and Baines (2000) argue that promoting gender equality and challenging stereotypes is crucial for creating a more inclusive and supportive environment for women entrepreneurs. They suggest that governments, non-governmental organizations, and the private sector should work together to raise awareness about the importance and potential of women entrepreneurs, as well as advocate for legal and regulatory reforms that create a level playing field for both men and women in the SME sector.

Comparison of Women Entrepreneurs in Developed and Developing Countries

While the literature on women entrepreneurs in developed and developing countries reveals several similarities in terms of their contributions to economic growth and development, as well as the challenges they face, there are also notable differences in their experiences and opportunities.

1. Access to finance

In both developed and developing countries, women entrepreneurs face challenges in accessing finance for their businesses. However, the nature of these challenges may differ depending on the context. In developed countries, women entrepreneurs may face discrimination from financial institutions, which may perceive them as high-risk borrowers (Minniti, 2009). In developing countries, women entrepreneurs may face additional challenges, such as limited financial literacy, lack of collateral, and informal credit markets (Aidis et al., 2008).

2. Business networks and mentorship

The literature also highlights differences in access to business networks and mentorship opportunities for women entrepreneurs in developed and developing countries. In developed countries, women entrepreneurs may have greater access to formal business networks and mentorship programs, although they may still face challenges in building connections and gaining support (Brush et al., 2006). In developing countries, women entrepreneurs may face more significant barriers to accessing business networks and mentorship opportunities, as these resources may be scarce or inaccessible due to geographic, cultural, or socioeconomic factors (Kuada, 2011).

3. Gender stereotypes and cultural barriers

Women entrepreneurs in both developed and developing countries face gender stereotypes and cultural barriers that may hinder their growth and development. In developed countries, these barriers may include traditional gender roles and societal expectations, which may discourage women from pursuing entrepreneurship as a viable career option (Brush et al., 2009). In developing countries, women entrepreneurs may face even more significant cultural barriers, as traditional gender roles may be more entrenched, and societal norms may be less supportive of women's economic empowerment (Jamali, 2009).

4. Balancing work and family responsibilities

Balancing work and family responsibilities is a challenge faced by women entrepreneurs in both developed and developing countries. However, the nature of this challenge may differ depending on the context. In developed countries, women entrepreneurs may have access to greater social support and resources, such as childcare services, which can help them balance their work and family responsibilities (Brush et al., 2006). In developing countries, women entrepreneurs may face more significant challenges in balancing these responsibilities, as social support and resources may be more limited (Jamali, 2009).

Analysis and Results. In Uzbekistan, women-owned businesses have been on the rise, with a growing number of women venturing into entrepreneurship and contributing to the development of small and medium-sized businesses in the country. We aim to analyze the role of women in the development of SMBs in Uzbekistan using data from the World Bank, the IMF, and the UNDP.

Women Entrepreneurs and Their Involvement in Small and Medium-Sized Businesses in Uzbekistan

According to the World Bank (2020), women-owned businesses in Uzbekistan account for approximately 40 % of all small and medium-sized enterprises.

Furthermore, the United Nations Development Program (UNDP) Uzbekistan (2020) reports that 41,7 % of entrepreneurs in the country are women. This demonstrates a significant presence of women-owned SMBs in Uzbekistan's economy. Also, women-owned SMBs in Uzbekistan contribute significantly to the economy, particularly through job creation. As per the UNDP Uzbekistan (2020), women-owned SMBs in the country contribute to approximately 20 % of total employment (Table-1).

Table-1. Women's participation in small and medium-sized businesses in Uzbekistan

Indicator	Value
Percentage of women-owned SMBs	40 %
Percentage of women entrepreneurs	41,7 %
Employment by women-owned SMBs	20 %

Sources: World Bank (2020); UNDP Uzbekistan (2020)

Challenges and Opportunities for Women Entrepreneurs in Uzbekistan

Despite the growing presence and impact of women-owned SMBs in Uzbekistan, women entrepreneurs in the country still face numerous challenges that hinder their growth and development. These challenges include:

Limited access to finance: Women entrepreneurs in Uzbekistan often struggle to secure funding for their businesses, as they are perceived as high-risk borrowers by financial institutions. This limits their ability to invest in their businesses and hinders their growth potential;

Lack of business networks and mentorship: Women entrepreneurs in Uzbekistan often lack access to business networks and mentorship opportunities, which can provide them with valuable knowledge, skills, and support needed to grow their businesses;

Gender stereotypes and cultural barriers: Women entrepreneurs in Uzbekistan may face gender stereotypes and cultural barriers that discourage them from pursuing entrepreneurship as a viable career option. This may result in a lack of confidence and self-efficacy among women entrepreneurs, further hindering their growth and development.

On the other hand, there are several opportunities for women entrepreneurs in Uzbekistan to overcome these challenges and contribute to the growth and development of small and medium-sized businesses in the country. These opportunities include:

1. **Increasing access to finance:** By developing targeted financial products and services for women entrepreneurs, financial institutions can help bridge the gender gap in access to finance and enable women-owned SMBs to grow and thrive.

2. **Strengthening business networks and mentorship:** By establishing women-focused business networks, mentorship programs, and training initiatives, stakeholders can help women entrepreneurs build valuable connections, access new markets, and gain the knowledge and skills needed to succeed in business.

3. **Promoting gender equality and challenging stereotypes:** By raising awareness about the importance and potential of women entrepreneurs,

governments and non-governmental organizations can help challenge gender stereotypes and cultural barriers, fostering a more inclusive and supportive environment for women entrepreneurs in Uzbekistan.

Strategies for Promoting the Growth and Development of Women-Owned Small and Medium-Sized Businesses in Uzbekistan

To harness the potential of women entrepreneurs in Uzbekistan and support the growth and development of women-owned SMBs, several strategies can be implemented by various stakeholders, including governments, private sectors, and development organizations. These strategies include:

1. Developing targeted policies and programs: Governments can develop and implement policies and programs that specifically address the unique challenges faced by women entrepreneurs, such as limited access to finance, lack of business networks and mentorship, and gender stereotypes.

2. Enhancing financial inclusion: Financial institutions can help bridge the gender gap in access to finance by developing targeted financial products and services for women entrepreneurs, as well as by implementing gender-sensitive lending practices.

3. Providing capacity-building and training initiatives: Governments, private sectors, and development organizations can provide capacity-building and training initiatives that help women entrepreneurs develop the necessary skills and knowledge to grow their businesses.

4. Strengthening women-focused business networks and mentorship programs: By establishing women-focused business networks, mentorship programs, and training initiatives, stakeholders can help women entrepreneurs build valuable connections, access new markets, and gain the knowledge and skills needed to succeed in business.

Conclusion. The role of women in the development of SMBs in Uzbekistan is significant, with women-owned SMBs accounting for 40 % of all SMBs in the country. These businesses contribute to the economy through job creation, as they provide employment for 20 % of the total workforce. However, women entrepreneurs in Uzbekistan still face numerous challenges that hinder their growth and development.

By implementing targeted strategies, stakeholders can help overcome these challenges and support the growth and development of women-owned SMBs in Uzbekistan. As women entrepreneurs continue to play a crucial role in the country's economy, it is essential to create an enabling environment that allows them to reach their full potential, contributing to the overall growth and development of the small and medium-sized business sector in Uzbekistan.

References:

1. Aidis, R., Welter, F., & Smallbone, D. (2007). Female entrepreneurship in transition economies: The case of Lithuania and Ukraine. *Feminist Economics*, 13(3-4), 157-183.
2. Bardasi, E., Sabarwal, S., & Terrell, K. (2011). How do female entrepreneurs perform? Evidence from three developing regions. *Small Business Economics*, 37(4), 417-441.

3. Brush, C.G., Carter, N.M., Greene, P.G., Hart, M., & Gatewood, E. (2006). Growth-oriented women entrepreneurs and their businesses: A global research perspective. Edward Elgar Publishing.
4. Carter, S., & Rosa, P. (1998). The financing of male-and female-owned businesses. *Entrepreneurship & Regional Development*, 10(3), 225-241.
5. Chell, E., & Baines, S. (2000). Networking, entrepreneurship and microbusiness behaviour. *Entrepreneurship & Regional Development*, 12(3), 195-215.
6. Jamali, D. (2009). Constraints and opportunities facing women entrepreneurs in developing countries: A relational perspective. *Gender in Management: An International Journal*, 24(4), 232-251.
7. Kabeer, N. (2005). Is microfinance a 'magic bullet' for women's empowerment? Analysis of findings from South Asia. *Economic and Political Weekly*, 40(44/45), 4709-4718.
8. Kelley, D.J., Brush, C.G., Greene, P.G., & Litovsky, Y. (2011). Global entrepreneurship monitor: 2010 women's report. Global Entrepreneurship Research Association.
9. Kuada, J. (2011). Gender, social networks, and entrepreneurship in Ghana. *Journal of African Business*, 11(2), 240-261.
10. Lerner, M., & Almor, T. (2002). Relationships among strategic capabilities and the performance of women-owned small ventures. *Journal of Small Business Management*, 40(2), 109-125.
11. Manolova, T.S., Brush, C.G., Edelman, L.F., & Shaver, K.G. (2012). One size does not fit all: Entrepreneurial expectancies and growth intentions of US women and men nascent entrepreneurs. *Entrepreneurship & Regional Development*, 24(1-2), 7-27.
12. Marlow, S., & McAdam, M. (2012). Analyzing the influence of gender upon high-technology venturing within the context of business incubation. *Entrepreneurship Theory and Practice*, 36(4), 655-676.
13. Minniti, M. (2009). Gender issues in entrepreneurship. *Foundations and Trends in Entrepreneurship*, 5(7-8), 497-621.
14. UNDP Uzbekistan (2020). Supporting women entrepreneurs in Uzbekistan.
15. World Bank (2020). Uzbekistan – Country economic update (English).

ZAMONAVIY SHAROITLARDA YOSH AYOL VA QIZLARNI TADBIRKORLIK FAOLIYATIGA JALB ETISH CHORA-TADBIRLARI

*Shaislamova Nargiza Kabilovna, PhD, dots. v.b.,
Toshkent moliya instituti*

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekistonda yoshlarni ma’naviy yetuk, jismonan sog‘lom va vatanparvar etib tarbiyalash, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilib kelinayotgani, xususan, yosh ayol va qizlar tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanishlari uchun zarur sharoitlar yaratilgani haqida so‘z borgan.

Tayanch so‘zlar: tadbirkor ayol va qizlar, tadbirkorlik, biznes-g‘oya, innovatsiya loyihasi, moliyalashtirish mexanizmi, konsalting.

Mamlakatimizda mustaqillik yillarida yoshlarni ma’naviy yetuk va jismonan sog‘lom, vatanparvar va fidoyi etib tarbiyalash, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish borasida keng ko‘lamli ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Xususan, mazkur sohadagi faoliyatni tubdan takomillashtirish va yangi sifat bosqichiga ko‘tarish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O‘zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini

qo‘llab-quvvatlash to‘g‘risida”gi Farmoni²⁰⁸ qabul qilingan. Farmonga muvofiq, yoshlarga oid davlat siyosatini izchil va samarali amalga oshirish, yoshlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash, huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qilish tizimini tubdan isloh etish maqsadida O‘zbekiston “Kamolot” yoshlar ijtimoiy harakati negizida O‘zbekiston yoshlar ittifoqi tashkil etildi. O‘zbekiston yoshlar ittifoqi tashkil topgan kun – 30-iyun sanasini mamlakatimizda “Yoshlar kuni” sifatida nishonlash belgilab qo‘yilgan. O‘zbekiston yoshlar ittifoqiga 2022–2026-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning yettita ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Taraqqiyot strategiyasi doirasidagi islohotlarda yoshlar faolligini oshirish bilan bog‘liq bir qator yangi va muhim vazifalar qo‘yilgan.

Farmonda belgilangan muhim vazifalar qatorida O‘zbekistonda yosh ayol va qizlarni tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanishlariga katta e‘tibor berilib, bir qator qulay sharoitlar yaratilgani qayd etib o‘tilgan. Masalan, ta‘lim muassasasini tamomlaganiga 3 yil bo‘lmagan, birinchi marta ishga qabul qilingan yoshlarga daromad solig‘ini birinchi yil uchun 50 %ga, ikkinchi va uchinchi yillar uchun esa 25 %ga kamaytirish, shuningdek, O‘zbekiston yoshlar ittifoqi qoshida turli fanlar, jumladan, chet tillarni o‘rgatish, kompyuter dasturlarini tuzish va tadbirkorlik asoslarini o‘qitish maqsadida tashkil etiladigan shu‘ba korxonalarini 2027-yil 1-avgustga qadar barcha soliqlardan ozod etish, bunda korxonada ixtiyorida qoladigan summaning 20 %ini O‘zbekiston yoshlar ittifoqining rivojlantirish jamg‘armasiga o‘tkazish amaliyotini joriy etish bo‘yicha ishlar amalga oshirilishi belgilab qo‘yilgan.

Bundan tashqari, O‘zbekiston yoshlar ittifoqi tizimida 3 yil va undan ko‘p muddat davomida faol ishlab kelayotgan yosh xodimlar, yosh ayol va qizlarga uy-joy sotib olish uchun ipoteka kreditining boshlang‘ich to‘lovi, shuningdek, tashkilotning faol a‘zosi bo‘lgan oliy ta‘lim muassasalarining bakalavriat va magistratura bosqichlari talabalariga o‘rtacha o‘zlashtirish ko‘rsatkichi 86 % va undan yuqori bo‘lgan taqdirda ta‘lim bo‘yicha to‘lov kontrakti miqdorining 35 %i O‘zbekiston yoshlar ittifoqining rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan to‘lanishi belgilab qo‘yilgan. Bu esa, yosh ayol va qizlar orasida yetuk kadr hamda o‘z sohasining malakali mutaxassisi bo‘lish imkoniyatini oshirishga ko‘maklashadi, ijtimoiy hayotning barcha sohalarida yoshlarni faol va yetakchi bo‘lishga undaydi.

Muhim jihati shundaki, respublikaning tuman markazlari va shaharlarida Yoshlar tadbirkorlik klasterlari tashkil etilishi mo‘ljallangan. Foydalanilmayotgan davlat obyektlarini, shuningdek, erkin iqtisodiy va kichik sanoat zonalaridagi obyektlarni O‘zbekiston yoshlar ittifoqining a‘zosi bo‘lgan yosh tadbirkorlarga to‘lovsiz ijaraga berish tartibi joriy etilishi esa, yoshlar orasida tadbirkorlikning rivojlanishiga ijobiy ta‘sir etadi.

Shu bilan birgalikda, yoshlar hayotidagi eng dolzarb masalalar, ayniqsa, uyushmagan yoshlarning hayotda o‘z o‘rnini topishi uchun sharoit va imkoniyat yaratish, ularni kasbga yo‘naltirish va bandligini ta‘minlash, tashabbuslarini rag‘batlantirish bo‘yicha hamda yosh ayol-qizlarning o‘z iqtidor va iste‘dodini

²⁰⁸ Mazkur O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5106-son Farmoni 2017-yil 5-iyulda qabul qilingan.

ro'yobga chiqarishi, tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishlarida bir qator omillar salbiy ta'sir etmoqda, jumladan: yoshlarda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanish uchun moliyaviy resurslarning yo'qligi yoki yetishmasligi, ma'muriy va huquqiy to'siqlar, ularda tadbirkorlik sohasiga oid bilimlarining mavjud emasligi yoki tajribalarining yo'qligi, yangi o'sib kelayotgan tadbirkor-yoshlarni qo'llab-quvvatlaydigan davlat tashkilotlari va ularning faoliyatlari to'g'risidagi ma'lumotlarga ega emasliklari asosiy sabablar bo'lib hisoblanmoqda. Bizningcha, bunday sharoitda yosh ayol va qizlarni tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishlari davlat tomonidan turli chora-tadbirlarni amalga oshirish orqali qo'llab-quvvatlanishi lozim.

Milliy iqtisodiyotda yosh ayol va qizlar orasida tadbirkorlik faoliyatini keng targ'ib qilish, tadbirkorlik muhitini yaratish maqsadida quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish lozim:

maktabning yuqori sinf (14-17 yoshdagi) o'quvchilari uchun tadbirkorlik bo'yicha amaliy ish o'yinlari, seminar-trening va o'quv kurslarini tashkil etish va o'tkazish;

“O'zbekistonning yosh tadbirkori” nomli respublika ko'rik-tanlovini tashkil etish va unga barcha yoshlarni jalb qilish, ko'rik tanlovning yosh tadbirkorlar orasida “Eng yaxshi biznes-g'oya egasi”, “Eng yaxshi yosh tadbirkor-boshqaruvchi ayol (qiz)”, “Eng yaxshi innovatsion loyiha egasi” kabi nominatsiyalar bo'lishini ta'minlash;

O'zbekistonda yosh tadbirkorlik va uni rivojlantirish masalalariga bag'ishlangan, ularga nisbatan ijobiy munosabat, ularni qo'llab-quvvatlash to'g'risidagi ma'lumotlarni, shuningdek, yosh tadbirkor bo'lishning o'ziga xos afzalliklari va ularning ijtimoiy hayotda ortib borayotgan roli to'g'risidagi ma'lumotlarni yoshlarga yetkazish;

halol va mas'uliyatli tadbirkorlikni targ'ib qiluvchi ijtimoiy reklama va videoroliklar ishlab chiqish va namoyish etish, joylarda yosh ayol va qizlar orasida tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga doir tanlov va biznes-loyihalarni amalga oshirish va bu haqda ma'lumotlarni yoshlarga yetkazish;

tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga doir ko'rik-tanlovlarda g'olib bo'lganlarni moliyaviy jihatdan qo'llab-quvvatlash, ularning biznes rejalari yoki loyihalarini amalga oshirish uchun moliyalashtirish mexanizmini ishlab chiqish; yosh tadbirkorlar uchun kommunikatsiya, o'quv va investitsiya maydoni bo'lib xizmat qiladigan forumlarni tashkil etish;

yosh ayol va qizlarning tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish maqsadida biznes-rejalashtirish, shaxsiy ishbilarmonlik va boshqaruv sifatlarini shakllantirishga, ularning malakasini oshirishga qaratilgan o'quv kurslarni tashkil etish;

yirik tadbirkorlar va biznes-maslahatchilar tomonidan yosh tadbirkorlarga seminar-treninglar, master-klass (masalan, muzokaralar olib borish, qaror qabul qilish, xodimlarni boshqarish kabi shaxsiy boshqaruvchilik sifatini oshirish maqsadida hamda korxonalar shakllari, korxonalar to'laydigan soliqlar, litsenziyalar

olish tartibi va shu kabi tadbirkorlarning boshqarishga doir bilimlarini oshirishga qaratilgan) darslarni tashkil etish;

tadbirkorlikka oid loyihalarni amalga oshirish maqsadida faoliyat yuritayotgan kichik korxonalarda stajirovka o'tashni yo'lga qo'yish va b.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, yosh ayol va qizlarning hayotda o'z o'rnini topishi uchun sharoit va imkoniyat yaratish, ularni kasbga yo'naltirish va bandligini ta'minlash, tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishlarida davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanishi lozim. Yuqorida qayd etilgan choralarning amalga oshirilishi esa yoshlar orasida tadbirkorlikning rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga Murojaatnomasi, 20.12.2022.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni, 08.01.2022.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi PF-5106-son Farmoni, 05.07.2017.

O'ZBEKISTONLIK AYOL TADBIRKORLAR FAOLIYATIDA DUCH KELINAYOTGAN MUAMMOLARNI ANIQLASHGA QARATILGAN TADQIQOTLAR

*Sharopova Nafosat Radjabovna, PhD, dots. v.b.,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti*

Annotatsiya. Maqolada O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida tadbirkor ayollar rolini oshirishning ahamiyati va zarurati ochib berilgan. Shuningdek, mamlakatimizda tadbirkor ayollarga berilayotgan imtiyozlar haqida fikr yuritilgan. Ayollarning tadbirkorlik faoliyatini boshlash va yuritishda duch kelayotgan muammolari va ularni samarali yechishga ko'maklashish maqsadida mualliflik tavsiyalari keltirilgan.

Tayanch so'zlar: tadbirkorlik faoliyati, tadbirkor ayol, biznes faoliyati, xotin-qizlar, biznes ko'nikmalari.

So'nggi yillarda mamlakatimizda xotin-qizlarning tadbirkorlik va biznes faoliyatini qo'llab-quvvatlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ayollar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash bo'yicha olib borilayotgan islohotlar ayollarning ijtimoiy faolligini oshirish, turmush farovonligini yuksaltirishga imkon yaratadi. Xotin-qizlarni tadbirkorlikka yanada ko'proq jalb etish mamlakatimizda kichik va o'rta biznesning rivojlanishiga yana bir turtki bo'lib xizmat qiladi.

Shu bois, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni²⁰⁹ va "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularning jamiyat

²⁰⁹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni, 08.01.2022.

hayotidagi faol ishtirokini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5020-son qarorida²¹⁰ xotin-qizlarning ta'lim va kasbiy ko'nikmalar olishlari, munosib ish topishlariga har tomonlama ko'maklashish, ularning tadbirkorlik faoliyatlarini qo'llab-quvvatlash kabi vazifalar belgilangan. Ushbu vazifalarni amalga oshirishda xotin-qizlarning tadbirkorlik va biznes faoliyatini qo'llab-quvvatlash bo'yicha horijiy mamlakatlar tajribasini o'rganish muhim ahamiyatga ega.

Jahon amaliyotida ayollar boshchiligidagi biznes ijobiy natijalarga erishmoqda. Ayrim mamlakatlarda ayollar boshchiligidagi kompaniyalar yalpi ichki mahsulot (YaIM)ning 50-60 %ini tashkil qiladi. Masalan, Germaniya va AQShda bunday korxonalarining YaIMdagi ulushi 50-52 %, Yaponiyada 55 %, Italiyada 60 %²¹¹. Shu sababli, aksariyat ayollar tadbirkorligiga oid ilmiy izlanishlar faqat rivojlangan mamlakatlarning olimlari tomonidan chuqur o'rganib kelinayotganini ko'rish mumkin. Bu tadqiqotlar rivojlanayotgan davlatlarning umumiy xususiyati bo'lgan siyosiy tartibsizliklar ushbu mintaqadagi kichik biznesdagi ayollar tajribasiga qanday ta'sir qilishi mumkinligini aniqlashga qaratilgan²¹². Tadqiqot natijalariga ko'ra, bu kabi davlatlardagi siyosiy tartibsizliklar ayollarning tashabbuslari (tadbirkorlik faoliyati)ga salbiy ta'sir ko'rsatadigan tashqi omil sifatida maydonga chiqadi. Lekin, Yu Liu va boshqalar tomonidan 24 ta davlatlar misolida olib borilgan tadqiqot natijalariga ko'ra, ayollar boshchiligidagi korxonalarining pandemiya davrida erkaklar boshqaradigan korxonalariga nisbatan yopilish ehtimoli yuqori bo'lgan ekan²¹³. Demak, ayol biznes rahbarlari ham erkak biznes rahbarlaridan ko'ra kelajakka ko'proq umidsizlik bilan qarashar ekan. Fikrimizcha, ayol tadbirkorlarda biznesni muvafaqqiyatli yuritish ko'nikmalarini shakllantirish lozim. J. Sharafizadning ta'kidlashicha²¹⁴, kichik biznes egalari ayollarga mo'ljallangan arzonroq va moslashuvchan norasmiy kurslarni taklif qilishlari, sanoat hamkorlari bilan hamkorlik qilish orqali o'zlarining biznes kurslariga murabbiylik yordamini ko'rsatish uchun sanoat bo'yicha tajribasi bo'lgan o'qituvchilarni tayinlashlari lozim.

Olsson va Bernhardlar kichik biznesdagi tadbirkor ayollar raqamlashtirish bilan bog'liq qanday muammolarga duch kelishi hamda kichik biznesda tadbirkor ayollarga oid tadqiqotlarning nazariy asoslari va raqamlashtirish ko'nikmalaridan foydalanish orqali biznesda ijtimoiy mediadan samarali foydalanish masalalarini

²¹⁰ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5020-son qarori, 05.03.2021.

²¹¹ <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>.

²¹² Jaim, J. (2022), "Problems of political unrest: women in small businesses in Bangladesh", *New England Journal of Entrepreneurship*, Vol. 25 No.1, 48-69. <https://doi.org/10.1108/NEJE-01-2021-0004>.

²¹³ Yu Liu, Siqi Wei, Jian Xu. COVID-19 and Women-Led Businesses around the World. *Finance Research Letters*, Volume 43, 2021, <https://doi.org/10.1016/j.frl.2021.102012>.

²¹⁴ Sharafizad, J. (2018), "Informal learning of women small business owners", *Education+Training*, Vol. 60 No.1, 82-103. <https://doi.org/10.1108/ET-01-2017-0006>.

o‘rganishdi²¹⁵. Natijalar shuni ko‘rsatadiki, raqobatbardosh bo‘lish va biznes o‘sishi uchun tadbirkor ayollar doimiy ravishda raqamlashtirishga doir yangi ko‘nikmalarni o‘rganishlari lozim.

Bu borada olib borilgan ko‘pgina tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatdiki, tadbirkor ayollar ijtimoiy tarmoqlar (social media)dan faol foydalanishsa-da, yuqori samaradorlikka erisha olmas ekanlar. Chunki, ular, asosan, reklama qilish uchun undan foydalanishar va ularning biznesda ijtimoiy tarmoqlardan foydalanish qaroriga ularning oila a‘zolari va do‘stlari kabi tashqi omillar ko‘proq ta’sir ko‘rsatar ekan²¹⁶.

An’anaviy marketing vositalari bilan birgalikda ijtimoiy media marketingi va raqamli marketing vositalaridan samarali foydalanish mijozlarning faolligini oshirish va biznes samaradorligining oshishiga olib kelishi mumkin. Chunki, raqamli sharoitda har bir tadbirkor ayol biznes yuritishning yangi innovatsion usullarini topadigan raqamli tadbirkor sifatida harakat qilishlari kerak. Bunday vaziyatlarda raqamli biznes yuritish malakasiga ega yosh xodimlarni yollashning ahamiyati tadbirkor ayollar uchun juda muhimdir, chunki shu orqali ushbu muamolarni oson hal etish mumkin bo‘ladi.

Prezident Sh. Mirziyoyev ta’kidlaganidek: “Ayollar bandligini ta’minlash, ularni tadbirkorlikka jalb qilish uchun qo‘shimcha shart-sharoitlar yaratamiz. Buning uchun, eng avvalo, tadbirkor ayollar ulushini hozirgi 25 %dan 40 %ga yetkazish bo‘yicha 2022-2024-yillar uchun “Biznes ayollar” dasturi qabul qilinadi. Ushbu dastur ijrosiga jami 8 trln so‘m mablag‘ yo‘naltiriladi”.

Tadbirkor ayollar deganda, tadbirkorlik faoliyatini boshlagan, tashkil etuvchi va boshqaradigan ayol yoki ayollar guruhini tushunish mumkin. Tadbirkor ayollar – bu biznes korxonasi tashabbuskori, ishlab chiqarish faoliyatini tashkil etadigan, korxonani boshqaradigan va uni boshqarish bilan bog‘liq bo‘lgan tavakkalchilikni o‘z zimmasiga oladigan, iqtisodiy faoliyat bilan shug‘ullanadigan ayollardir.

Xotin-qizlar o‘rtasida tadbirkorlik va biznes ko‘nikmalarini shakllantirish, ularga imtiyozli kreditlar ajratish masalalarini ko‘plab horijiy mamlakatlar tajribasida ko‘rish mumkin. Xalq bankining rasmiy sayti ma’lumotlariga ko‘ra, ayollarning biznes sohasidagi faoliyatlarini qo‘llab-quvvatlash va muammolarini samarali yechish maqsadida bank tomonidan joylarda xotin-qizlarni tadbirkorlikka o‘qitish, biznesga oid namunaviy rejalarini ishlab chiqish va ularga kredit olishda amaliy yordam ko‘rsatish tizimi joriy etildi.

Shuningdek, tadbirkorlik faoliyatini yo‘lga qo‘yish uchun ayollarga muddati 3 yilgacha, 6 oyga qadar imtiyozli davr va BHMning 150 barobarigacha (36 mln 750 ming so‘mgacha) miqdorda imtiyozli foiz stavkasi kabi shartlarda kreditlar ajratilmoqda²¹⁷. Har bir bank filialida ayol tadbirkorlarning yaqin hamkori sifatida

²¹⁵ Olsson, A.K. and Bernhard, I. (2021), “Keeping up the pace of digitalization in small businesses–Women entrepreneurs' knowledge and use of social media”, *International Journal of Entrepreneurial Behavior & Research*, Vol. 27 No.2, 378-396. <https://doi.org/10.1108/IJEER-10-2019-0615>.

²¹⁶ Fatima, N. and Ali, R. (2022), “How businesswomen engage customers on social media?”, *Spanish Journal of Marketing*. –ESIC, Vol. ahead-of-print No. ahead-of-print. <https://doi.org/10.1108/SJME-09-2021-0172>.

²¹⁷ https://uza.uz/uz/posts/ayollar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-boyicha-yangi-tizim-yaratildi._241737.

ishlaydigan ayol menejerlar tayyorlanadi. Banklar tomonidan ayollarga alohida yondashuvlar asosida xizmatlar taklif etiladi. Tadbirkorlik faoliyatini yangi boshlagan ayol tadbirkorlar uchun bank xizmatlari bilan birga tadbirkorlik kurslari ham tashkil etiladi.

AT “Xalq banki” tizimida Ayollar tadbirkorligini qo‘llab-quvvatlash departamenti tashkil etildi. Bundan tashqari, Savdo-sanoat palatasi, Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, “Tadbirkor ayol” ishbilarmon ayollar hamda “Hunarmand” uyushmalari, xotin-qizlar tadbirkorlik markazlari, shuningdek, boshqa nodavlat notijorat tashkilotlari bilan hamkorlikda ayollar tadbirkorligiga xos bo‘lgan 60 dan ortiq namunaviy “biznes-reja” loyihalari va tarqatma materiallar tayyorlanib, joylarga yetkazildi. Ayollarning moliyaviy savodxonligini oshirish va ularni tadbirkorlikka yo‘naltirish bo‘yicha alohida veb-sahifa hamda telegram-bot ishga tushirilmogda. Mamlakatimizda xotin-qizlarga tadbirkorlik faoliyatini yuritishlari uchun keng imtiyozlar berilayotgan bo‘lsa-da, afsuski, tadbirkor ayollar sonida keskin o‘zgarish bo‘lmayotganini kuzatish mumkin.

Tadqiqotlarga ko‘ra²¹⁸, tadbirkorlik faoliyatini boshlashdagi asosiy to‘siqlar mablag‘ yetishmasligi yoki venchur kapitalning yetishmasligi, qonunchilikdagi cheklovlar yoki samarasiz davlat institutlari, shuningdek, muvaffaqiyatsizlikdan qo‘rqish, ijtimoiy-madaniy cheklovlar, ma‘lumot yetishmasligi va o‘ziga ishonchsizlikdan iborat. Tadqiq qilingan 54 ta mamlakatning deyarli barchasida ayollarning biznesni muvaffaqiyatli olib borishiga to‘sqinlik qiluvchi sanab o‘tilgan omillardan kamida bittasi mavjud ekan.

Hozirgi kunda ko‘pgina rivojlanayotgan davlatlarda tadbirkor ayollar duch kelayotgan muhim muammolar quyidagilardan iborat: moliyaviy cheklovlar; vositachilarga haddan tashqari qaramlik; keskin raqobat muhiti; xomashyo tanqisligi; ishlab chiqarilgan mahsulot tannarxining yuqoriligi; oiladagi ayollarning mas‘uliyati; ta‘lim olishdagi cheklovlar; ijtimoiy munosabatlar (gender tengligi muammolari); muvaffaqiyatga va mustaqillikka bo‘lgan ehtiyojning pastligi; tadbirkorlik va biznes faoliyati bilan shug‘ullanayotgan ayollarga nisbatan ba‘zi qoloq qarashlar yoki salbiy munosabatlar.

Shuningdek, yuqoridagi qiyinchiliklar bilan bir qatorda, tadbirkorlik favoliyatini boshlash va uni samarali yuritish uchun infratuzilma obyektlarining yo‘qligi, ayrim hududlarda gaz va elektr energiyasi taqchilligi, turli nazorat kengashlaridan litsenziya olishdagi qiyinchilik va boshqa qator ijtimoiy-iqtisodiy muammolar tadbirkor ayollarga to‘siq bo‘lmoqda.

Yuqorida sanab o‘tilgan muammo va qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun quyidagi tavsiyalarga amal qilish maqsadga muvofiq bo‘lar edi:

1. Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish. Ushbu soha ayollarga yuqori texnologiyali sohalarni o‘zlashtirish uchun yanada ko‘proq imkoniyatlar beradi. Shunda tadbirkor ayollar eksportga yo‘naltirilgan ko‘plab muvaffaqiyatli loyihalarini faol amalga oshirishlari hamda ular transchegaraviy elektron tijorat loyihalarida ham yetakchilik qilishlari mumkin.

²¹⁸ <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>.

2. Xomashyo yetkazib berish. Nazorat ostidagi va taqchil xomashyo yetkazib berishda tadbirkor ayollarga boshqa tadbirkorlardan ustunlik berish lozim. Imkon qadar, mahalliy hokimiyat organlari tadbirkor ayollarga xomashyo yetkazib berish uchun soliq imtiyozlari berish va Hukumat xomashyoni minimal narxda yetkazib berish bo'yicha tegishli choralar ko'rishi lozim.

3. Kooperativ ayollar marketing jamiyatlari. Mahsulotlarni sotish tadbirkor ayollar duch keladigan asosiy muammolardan biridir. Bu qiyinchilikni yengish uchun kooperativ jamiyatlar tuzish mumkin. Ushbu jamiyatlar tadbirkor ayollar tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlarni yig'ib, raqobatbardosh narxlarda sotishlari mumkin. Mahsulotlarni kengroq taqsimlash uchun butun mamlakat bo'ylab jamiyatlar zanjirini tashkil etish ham maqsadga muvofiq bo'lar edi.

4. Ijtimoiy o'zgarishlar. Ayollar o'rtasida tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish uchun turli mahsulotlar ishlab chiqarish, import va eksport kabi sotish imkoniyatlaridan tadbirkor ayollar ham samarali foydalana olishlari uchun jamiyatda ayollarga nisbatan salbiy munosabatni o'zgartirish kerak bo'ladi. Ayol faqat uy ishlari uchun emas, unga jamiyatda ham o'z o'rnini topishiga imkon berish lozim.

5. Ta'lim va treninglar tashkil etish. Tadbirkorlikning zamonaviy konsepsiyasi shundan iboratki, "tadbirkorlar tug'ilmaydi, balki yaratiladi". To'g'ri ta'lim berish orqali biz shaxsning tug'ma iste'dodini rivojlantirishimiz va uni tadbirkor qilishimiz mumkin. Buning uchun, davlat organlari va moliya institutlari tomonidan tadbirkor ayollarni o'qitish bo'yicha alohida bo'limlar tashkil etish zarur. O'quv rejasining o'quv sxemasi ayollar o'quv jihozlaridan to'liq foydalana oladigan tarzda ishlab chiqilishi lozim.

6. Oilaning qo'llab-quvvatlovi zarur. Tadbirkor ayollarning rivojlanishi uchun mustahkam oila asosi bo'lishi kerak. Ayniqsa, onalar qizlarining salohiyatli bo'lib kamol topishi hamda jamiyatdagi o'rni haqida qayg'urishlari lozim. Dastlabki bosqichda ota-onalar, keyingi bosqichda esa ularning turmush o'rtoqlari ayollarning tadbirkorlik faoliyatini muvaffaqiyatli amalga oshirishlari uchun ularni qo'llab-quvvatlashlari katta ahamiyatga ega.

7. Jamiyatning yordami. Mamlakatning iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishida xotin-qizlarning rolini oshirish uchun barcha zarur chora-tadbirlar sifatida jamiyatdagilarning tadbirkor ayollarga nisbatan salbiy munosabatlarini o'zgartirishga erishish lozim. Bu tadbirkorlik bilan shug'ullanayotgan ayollar uchun katta ahamiyatga ega.

8. Hukumat tomonidan qo'llab-quvvatlash. Hukumat tomonidan yangi tadbirkorlik faoliyatini boshlayotgan tadbirkor ayollarga asosan infratuzilma obyektlari, xomashyo, soliq va bojxona bo'yicha maxsus imtiyozlar berish, shuningdek, tadbirkor ayollarga maxsus grantlar va subsidiyalar berish hajmini yanada oshirish maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Iqtisodiy rivojlanishda tadbirkor ayollar rolini keskin oshirish lozim. Chunki, ayollar biznes korxonalarini tashkil etish va ularni boshqarish uchun salohiyat va irodaga ega. Faqatgina ular o'z oila a'zolari, Hukumat va jamiyatning qo'llab-quvvatlashi va yordamiga muhtojdir.

Xulosa qilib aytganda, ayollarning tadbirkorlik yoki biznesni boshqarish kabi sohalarga kirib borishi jamiyatga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ayniqsa, ayollar o'z mavqeiini hurmat qilsalar, o'z karyeralarini yaratib, uni ushlab qolsalar hamda biznes va iqtisodiyotda mustaqil bo'lishni o'rgansalar, bu o'z navbatida, kelajakda jamiyatda ayollarga nisbatan zo'ravonlik, go'daklar o'limi, mahr va jinsga bog'liq nomutanosibliklar kabi muammolarga chek qo'yilishi va butunlay yo'q bo'lib ketishiga erishishga imkon beradi.

Shuningdek, ayollarning oila daromadiga ijobiy hissa qo'shishi qishloq joylaridagi ayollar imijini o'zgartirishi mumkin. Bu ko'plab qishloq oilalarining qizlarini o'qishga yuborishiga olib kelishi mumkin. Bu kelajak avlodning o'sishiga ham ta'sir qiladi. Oilaning asosiy bo'lagi bo'lganligi sababli, madaniyat va oilaviy qadriyatlar kabi jihatlar jamiyatdagi ayollar tomonidan ham shaxsiy, ham professional darajada yaxshi targ'ib qilinadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni, 08.01.2022.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash, ularning jamiyat hayotidagi faol ishtirokini ta'minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5020-son qarori, 05.03.2021.
3. Jaim, J. (2022), "Problems of political unrest: women in small businesses in Bangladesh", New England Journal of Entrepreneurship, Vol. 25 No.1, 48-69. <https://doi.org/10.1108/NEJE-01-2021-0004>.
4. Yu Liu, Siqi Wei, Jian Xu. COVID-19 and Women-Led Businesses around the World. Finance Research Letters, Volume 43, 2021, <https://doi.org/10.1016/j.frl.2021.102012>.
5. Sharafizad, J. (2018), "Informal learning of women small business owners", Education+Training, Vol. 60 No.1, 82-103. <https://doi.org/10.1108/ET-01-2017-0006>.
6. Olsson, A.K. and Bernhard, I. (2021), "Keeping up the pace of digitalization in small businesses–Women entrepreneurs' knowledge and use of social media", International Journal of Entrepreneurial Behavior&Research, Vol. 27 No.2, 378-396. <https://doi.org/10.1108/IJEER-10-2019-0615>.
7. Fatima, N. and Ali, R. (2022), "How businesswomen engage customers on social media?", Spanish Journal of Marketing. –ESIC, Vol. ahead-of-print No. ahead-of-print. <https://doi.org/10.1108/SJME-09-2021-0172>.
8. https://uza.uz/uz/posts/ayollar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-boyicha-yangi-tizim-yaratildi._241737.
9. <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>.

IMPROVING THE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISM OF WOMEN'S BUSINESS IN THE CONDITIONS OF PROVIDING THE EMPLOYMENT OF THE POPULATION

*Assoc. Prof. Zakirova Gulnora Mirzaliyevna,
Ibragimov Isroil Usmanovich, Senior teacher,
Namangan Institute of Engineering Technology*

Abstract. The article deals with the problems of homestead farming, its importance and the improvement of the organizational and economic mechanism of its development in increasing the employment of the population.

Keywords: household, small business, entrepreneurship, family business, mechanism, organizational mechanism, economic levers, systematization, coordination, resources, efficiency.

Today, more than 17 mln of the population of Uzbekistan are women. In order to support their projects in the field of business and eliminate their problems, a new system of training women in entrepreneurship, developing model business plans and providing them with practical assistance was introduced. For this, more than 1 trln soums will be allocated from the budget.

“Development strategy of new Uzbekistan for 2022–2026” 85 aims to “reduce the level of unemployment among women by 2 times, train more than 700,000 unemployed women in professions at the expense of the state. “Involvement of unemployed women in entrepreneurship and implementation of comprehensive measures for self-employment” is set.

Housekeeping plays an important role in ensuring women's employment. Homework is a type of activity in which artisans are hired to work in their homes on the basis of labor contracts, and are engaged in production or service at their place of residence. Orders are executed on the basis of agreements and contracts with special organizations and enterprises in the household sector. Effective use of labor resources in society, additional income, non-fixed working hours, no need for special buildings, etc. ensure the economic efficiency of the household. In developed countries, a lot of attention is paid to household activities. The number of domestic workers in the USA is 8 mln more than one person (2019). In Japan, it is widely used even in sectors such as electrical engineering, electronics, and tourism. Household work is part-time work.

Housekeeping is very convenient for those who do not have the opportunity to work in enterprises, or organizations, and those who need additional income, apart from family and housework. Household requires a specific organization. Delivery of raw materials, materials, delivery of finished products, and settlement at the appointed time is a necessary condition.

It is important to organize a household, especially in rural areas, for women who are busy with household chores, raising children in the family, and who need additional income. At the same time, disabled people can also be involved in this. It is useful in developing crafts and attracting young people in the family to apprenticeship.

In Uzbekistan, labor resources, family structure, means of production and existing conditions ensure the development of the economy. For handicrafts, especially sewing, embroidery, furniture making, etc., which require needlework, the cottage is very convenient.

In the Namangan region, significant work is being done on the implementation of the decision of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 23, 2023, PQ-70 “On additional measures for the further development of the economy”. Including:

50 % advance payment by budget customers is stipulated in the contracts concluded within the framework of state procurement;

in this case, the benefits in this paragraph are applied to the period when more than thirty householders are involved;

Approval of the proposal of the Chamber of Commerce and Industry and “Hunarmand” association to implement the procedure for self-employed persons to pay social tax to students of “Master-Apprentice” schools;

when assigning child benefits and financial assistance to families recognized as low-income through the information system of the “Unified Register of Social Protection”, the income received by them seasonally involved in household or agricultural work, but up to six months is not taken into account.

Also, in accordance with the regulations established on March 1, 2023, from the Fund:

a) a one-time subsidy in the amount of the monthly average income of each householder for household activities during the first three months will be allocated to business entities, regardless of the area of the neighborhoods where they have established households;

b) allocation of the following subsidies to business entities:

Until January 1, 2025, the unemployed and those looking for a job, who are engaged in household chores, as well as those who are included in the “Iron Register”, “Women's Register”, “Youth Register” or “Unified Register of Social Protection”, will reimburse the costs of purchasing equipment and raw materials. for, but one-time in the amount of up to 30 times the basic calculation amount for each householder;

up to 40 times the base calculation amount for each adapted workplace for adapting the workplace of persons with disabilities working at home on a household basis;

to cover the costs of vocational training of home workers for a period of up to three months, but for each home worker in the amount of up to 2 times the amount of the basic calculation per month; In 2023, at least 500 bln soums of the loans allocated within the framework of the family business development programs will be directed to the financing of projects for the development of home economics and handicrafts.

In this case, housekeeping is of great importance. That is, loans are given to large entrepreneurs and they provide jobs to homemakers. For example, if we take the leather industry, an entrepreneur supplies 100-200 households with raw materials, makes an order, and buys the processed product himself. Or if we buy cattle – a big businessman gets a loan and supplies milk cows to several households. The milk produced by them is bought and processed by the entrepreneur. This system works like a cluster-cooperation.

For example, in Namangan, more than 7,000 homesteaders are growing cocoons in the third season alone. In the third season of silkworm rearing in the Namangan region, more than 7,000 farmers are working on repeated cocoon production. 3,360 boxes of silkworm seeds were revived and cared for in the

region for the third season. Today, raw cocoons grown by them are being harvested. At the end of the season, cocoons are expected to produce 134 tons of cocoons. The cocooning clusters in the region pay homemakers 22,400 soums per 1 kg of cocoons above the wage scales. In addition, silkworm seeds for the fourth season of cocoon production were distributed to farmers on the basis of contracts. Also, it is an important issue to improve the organizational and economic mechanism of women's households based on the available opportunities and environment in the Namangan region.

Any control system operates under the influence of specific mechanisms. In economic dictionaries, the concept of mechanism is considered as a sequence of states and processes, which defines a certain action, reality, as well as a sequence of system activity.

Mechanism – (from Greek *mechodos* – “machine”) is a sequence of situations and processes, which determines specific situations and actions. The concept of mechanism entered the economy from mechanics. It was used on a very wide scale for a short time in the 60s of the 20th century. Concepts such as economic mechanisms, management mechanisms, socio-economic development mechanisms and financial mechanisms began to appear more and more in economic literature and research works. The concept of mechanism has been interpreted differently in different literature. Some authors interpret the economic mechanism as an interdependent system of production processes in society and methods and forms of management of their components. In this process, the mechanism appears both as a specific form of production relations (planning, norms, standards, etc.) and as a form of economic management. In other cases, the concept of a mechanism is interpreted as a set of system states (for example, a management mechanism, or financial mechanism), and in some cases as a driving force of development.

The term “mechanism” refers to a system that determines the order and sequence of an activity. The economic mechanism is understood as the processes, organizational structures, management methods and forms, as well as legal and regulatory norms that serve to implement the production or activity process. The following can be noted separately as the main components of the economic mechanism:

- the main forms of organization of production in society;
- forms of economic relations;
- forms and methods of management and planning;
- a set of economic tools and methods of influence affecting subjects of economic activity and production.

So, the concept of the mechanism of mutual cooperation between the state and the household is expressed in terms such as market mechanism, production mechanism, organizational mechanism, economic mechanism, economic mechanism, and organizational-economic mechanism. In the process of management, the same processes as the operation of the mechanism are observed, and the goal is achieved as a result of the operation of the mechanism.

Based on the considerations given in the above-proposed mechanism, we make the following suggestions and conclusions:

creation of a system of availability of territorial natural resources and their effective use;

determining the systemic characteristics of state and household activities;

development of a targeted approach of the state according to household demand;

coordinating the activities of mechanism elements;

development of a plan of activities for the cooperation of state and household activities;

and of course, the stimulation of cooperation, that is, the improvement of the system of stimulation of subjects of household activity, is one of these.

Implementation of the above proposals and recommendations will serve to develop women's home economics in the regions.

References:

1. Decision No. PQ-70 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 23, 2023 “On additional measures for the further development of the economy”.
2. Gafurov A. Regional socio-economic features of the development of small business entities. –Fergana, 2008. –P.74.
3. Ходос Д.В. Экономический механизм развития сельскохозяйственного производства. –Красноярск: КрасГАУ, 2008. –С.234.
4. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. Оренбургский госуниверситет. –Оренбург: ОГУ, 2006. –С.139.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Матёқубова Дилфуза Олимбоевна, PhD, доц.,
Урганч давлат университети*

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда инновацион ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари тадқиқ қилиниб, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: инновацион ривожлантириш, стратегия, инсон капитали, инновацион фаолият, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт салоҳияти, инновацион технологиялар, агрологистика, ихтисослаштириш.

Annotation. The article examines the main directions of the strategy of innovative development of Uzbekistan and develops scientific proposals and practical recommendations.

Keywords: Innovative development, strategy, human capital, innovative activity, food security, export potential, innovative technologies, agrologistics, specialization.

Инновацияни ривожлантириш стратегиялари дунё илм-фанининг замонавий ютуқлари, инновация ишланмалари ва технологиялари асосида инсон капиталини, мамлакатни жадал ривожлантириш, инновация фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида ишлаб чиқиладиган ҳамда амалга оширилади. Бундай стратегиялар давлат ва жамият олдида

турли комплекс мақсад ва вазифаларни, тегишли даврга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларни, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасини белгилайди.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, агросаноат мажмуаси ва аграр соҳани барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқмасдан, мамлакатнинг ўзига хос устунлигини таъминлаш ва амалга оширишга эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонида инновацион фаоллик асосида аграр соҳани ривожлантиришда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда, соҳага замонавий инновация технологияларини жорий этиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш вазифаси белгилаб берилган эди²¹⁹.

Ана шу мақсадларда 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиб, унда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга бориб Глобал инновация индекси рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатлари қаторига киришига эришиш, иқтисодий таракқиётнинг инновацион йўлига ўтишини таъминлайдиган рақобатбардош бозорни шакллантириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш, инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш белгилаб берилган²²⁰.

“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси”да қуйидаги вазифаларга эътибор қаратилган²²¹:

қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 %га етказиш,

туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш;

қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш;

экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баробар ва иссиқхоналарни 2 баробар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 млрд АҚШ \$га ошириш;

тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш;

²¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 07.02.2017.

²²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 21.09.2018.

²²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022.

илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар ошириш;

агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш. Уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш;

аграр соҳада илм-фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштириш;

маҳсулот таннархини 30-35 %га қисқартириш, пахтадан ўртача 37 ц ва ғалладан 70 ц ҳосил олишга эришиш, замонавий сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига пахта ва дон ҳосилдорлигини гектаридан 7-10 ц га ошириш;

200000 га пахта ва ғалла майдонларида лазерли текислашни жорий қилиш ҳисобига 20-25 % сувни иқтисод қилиш ва қўшимча 5-6 ц ҳосил олиш;

худудларда 110 та мева-сабзавотчилик кооперациялари ва 35 та ғаллачилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш, бунда, кластерларнинг мева-сабзавот ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда экспортдаги улушини 2 баробар ва иш ўринларини 3 баробарга ошириш, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Навоий, Хоразм вилоятлари агрохизматлари марказларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни хизматлар билан қамраб олиш даражасини 30 %га етказиш;

2030 йилга қадар бир гектар майдонни суғориш учун ишлатиладиган сув сарфини 20 %га камайтириш, маҳаллий сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш.

Мамлакат инновация стратегиясини аграр соҳада амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш” тўғрисидаги Фармони қабул қилинган²²². Фармонда кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини замонавий техникалар билан таъминлаш борасида амалга оширилган муайян ишларга эътибор қаратилган. Шунингдек, Фармон ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (IFAD) томонидан қиймати 42,6 млн АҚШ \$га тенг бўлган “Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси

²²²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-5853-сон Фармони, 23.10.2019.

амалга оширилмоқда. Стратегиянинг асосий кўрсаткичлари куйида келтирилган жадвалда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг асосий кўрсаткичлари²²³

Асосий кўрсаткичлар/йиллар	2018	2030
Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти	2,3 млрд \$	20 млрд \$
Озиқ-овқат ва енгил саноатдаги ишчилар улуши	6 %	20 %
Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги	3,900 \$	8,000 \$
Қайта ишланган маҳсулотларнинг экспортда улуши ўсиши	25 %	40 %
“Юқори даражадаги” шўрланган ерлар майдони	45 %	37 %
Аҳоли ўртасида тўйиб овқатланмайдиганлар улуши	6,3 %	0 %
Қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқотлари учун давлат бюджети харажатлари	0,02 %	1 %
Сув тежовчи технологиялар ёрдамида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари	5 %	40 %
Ем-хашак экиладиган майдонларни кенгайтириш (умумий майдонга нисбатан)	7 %	15 %

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашув асосида ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда 2000-2019 йиллар давомида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 171,2 %га, жумладан, мева-сабзавотчилик – 172,6 %, чорвачилик маҳсулотлари – 170 %, ўрмон ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 177,5 %га ошган. Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт ҳажми 1,4 млн т дан ошиб, 2016 йилга нисбатан 1,5 баробарга ўсишга эришилган.

Шу билан бирга, жаҳон бозорида маҳсулотларга қўйилган сифат ва хавфсизлик талабларининг тобора кучайиб бориши, мамлакатимизда етиштирилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда Organic ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш тизимларини ривожлантириш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

²²³ agro.uz маълумотлари.

Бугунги кунда инновацион органик кишлок хўжалиги жаҳон тренди ҳисобланади. 2019 йилда органик кишлок хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 млрд еврони ташкил этиб, 71,5 млн га майдонда 2,8 млн ишлаб чиқарувчи ушбу фаолият тури билан шуғулланган.

Экспертлар баҳоларига кўра, дунё органик маҳсулотлари бозорида сўнгги 5 йил давомида йилига ўртача 15 %дан ўсишга эришилиб, 2022 йилда савдо айланмаси 212 млрд АҚШ \$ (жаҳон кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 %и)ни ташкил этиши прогноз қилинган.

Органик кишлок хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) маълумотларига кўра, дунёнинг 103 та мамлакатида органик кишлок хўжалиги тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, 6 та мамлакатда қонун ишлаб чиқилмоқда. Органик кишлок хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) ва Органик кишлок хўжалиги ҳаракати бўйича Халқаро Федерацияси (IFOAM)нинг Жаҳон органик кишлок хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва республикамиз органик мева ишлаб чиқариш учун қулай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган²²⁴.

Мамлакатимиз кишлок хўжалиги тарихида ушбу амалиёт ўз ўрнига эга, яъни асрлар давомида шаклланган анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик тамойилларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўллагандан, озуқавий қиймати юқори, ўзига хос таъм ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган органик (экологик тоза) мева ва сабзавотларни етиштириш имконини беради.

Шунингдек, айти вақтда республикамизда инновацион органик кишлок хўжалигини ривожлантириш учун қуйидаги қулай шароитлар мавжуд:

заҳарли моддалар билан зарарланмаган экин майдонлари;

томорқа хўжаликларида етиштирилган органик маҳсулотларни экспорт қилиш натижасида аҳоли даромадини ошириш имконияти;

органик ишлаб чиқариш бўйича агрокластер, логистика ва кооперация тизимларини ривожлантириш натижасида аҳоли бандлигини ошириш имконияти;

лабораториялар, назорат ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш ҳисобига кишлок хўжалиги маҳсулотлари сифатини таҳлил қилиш имконияти;

генетик модификацияланган организмлар (ГМО)дан холи минтақалар.

Қулай шароит ва имкониятлар мавжудлигига қарамадан, республикада инновацион органик кишлок хўжалигини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётгани нафақат атроф-муҳит, инсонлар саломатлиги, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, балки ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва географиясини кенгайтиришга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

²²⁴ <https://www.fibl.org/en/>

Фикримизча, Ўзбекистонда органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қуйидаги вазифаларга эътибор қаратиш зарур:

органик маҳсулотларни расмий кафолатлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий бозорларга чиқишини енгиллаштириш ва экспорт географиясини кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инновацион-инвестицион жозибадорлигини яхшилаш ва янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш;

соғлом овқатланиш имкониятини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори сифати ҳамда хавфсизлигини ошириш, атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш;

тупроқ унумдорлигини ошириш ва деградациясининг олдини олиш, экотизимнинг биологик хилма-хиллигини, экологик барқарорликни сақлаб қолиш, “даладан дастурхонгача” технологик схемаси бўйича сертификатлаштириш ва назорат тизимларини кучайтириш;

инновацион ёндашувлар асосида илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш ишларини жадаллаштириш.

Фикримизча, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

Ўзбекистон аграр соҳаси учун нисбатан янги бўлган ғалла ва мева-сабзавот кластерларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жумладан, кредит тизимини соддалаштириш, харажатларни субсидиялаш, ер ажратиш билан боғлиқ тартибларни қайта кўриб чиқиш;

стратегияни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик бўйича янги тармоқларни инновация ишланмалари асосида ривожлантириш зарур. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда фермер хўжаликларининг йиллик чорва озукасига бўлган эҳтиёжининг фақат 35 %игина маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қопланмоқда. Ана шу мақсадларда янги ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига чорванинг озука базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кескин кўпайтириш лозим;

аграр соҳадаги энг катта муаммо – фермерларнинг қишлоқ хўжалиги технологиялари, замонавий ишлаб чиқариш ва инновацияларга доир билимларининг етарли эмаслиги. Шу боис, фермерларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш, соҳага доир илғор хорижий давлатлар тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш тизимини жорий қилиш лозим.

Шулар билан бир қаторда, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, тежамкор инновация технологияларини соҳанинг барча тармоқларига жорий қилиш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, янги

тармоқларни вужудга келтириш, аграр соҳа рақобатбардошлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва агрологистика тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 07.02.2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 21.09.2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-5853-сон Фармони, 23.10.2019.
5. <https://www.agro.uz>.
6. <https://www.fibl.org/en/>

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШДА MCKINSEY/GENERAL ELECTRIC МАТРИЦАСИ ЁРДАМИДА БОЗОР ТАРМОҒИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

*Ашурова Насиба Батировна, и.ф.д., доц.,
Атамурадов Шерзод Акрамович, PhD,
Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети*

Аннотация. Ушбу мақолада корхоналарнинг инновацион фаолиятини стратегик режалаштириш жараёнида “Тармоқнинг жозибдорлиги ва рақобатбардошлиги матрицаси” ёки General Electric (GE)/McKinsey матрицаси сифатида танилган, компанияда бир нечта лойиҳалар тўпламини ривожлантириш бўйича стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган портфелли таҳлил усулини кўллаш аҳамияти ёритилган. GE/McKinsey модели компаниянинг стратегик бизнес йўналишларини қиёсий таҳлил қилиш учун 9 та элементларни ўз ичига олган матрицадир.

Таянч сўзлар: стратегик режалаштириш, GE/McKinsey модели, ички ва ташқи омиллар, инновация, жозибдорлик-рақобатбардошлиқ модели, стратегия, баҳолаш, корхона барқарорлиги.

Тармоқ жозибдорлиги ва рақобатбардошлиги матрицаси “General Electric (GE)/McKinsey матрицаси” сифатида танилиб, компанияда бир нечта лойиҳалар тўпламини ривожлантириш бўйича стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган портфелли таҳлил усули ҳисобланади. GE/McKinsey модели компаниянинг стратегик бизнес йўналишларини қиёсий таҳлил қилиш учун 9 та элементни ўз ичига олган матрицадир.

“Тармоқ жозибдорлиги ва рақобатбардошлиги матрицаси” модели биринчи марта 1970 йилларда пайдо бўлган ҳамда General Electric консалтинг компанияси ҳамда McKinsey&Co томонидан таклиф қилинган, шу муносабат билан, у “*GE/McKinsey модели*” деб номланган. 1980 йилга келиб,

“жозибаторлик-рақобатбардошлик модели” бизнеснинг стратегик позицияларини кўп омилли таҳлил қилиш имконини берадиган энг машхур моделга айланади. Амалда GE/Mckinsey матрицаси куйидаги саволларга жавоб топишга имкон беради:

қайси йўналишларда компания бизнесини ривожлантириш мумкин;
узоқ истиқболда компания қайси йўналишда зарар кўриши мумкин;
қандай маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги таъминланиши керак;
қайси муҳимроқ товарларни ишлаб чиқариш уларни бозорда ҳаракатлантириш ва ривожлантиришда зарур;

ресурсларни қандай қилиб компания ичида ва тармоқлар орасида самарали тақсимлаш мумкин;

қайси тармоқларда компания ресурсларидан фойдаланиш самарасизлиги сабабли уларни қисқартириш керак?

Матрицанинг ривожланиш босқичлари. Матрицани тўғри ишлаб чиқиш учун 5 та асосий босқичлар амалга оширилиши керак:


сегментларнинг жозибаторлигини аниқлаш мезонларини танлаш ва ҳар бир сегментда компаниянинг рақобатбардошлик даражасини баҳолаш;

ҳар бир жозибаторлик ва рақобатбардошлик мезонининг аҳамиятини (муҳимлигини) аниқлаш;

ҳар бир сегментни танлаб олинган жозибаторлик ва рақобатбардошлик мезонлари бўйича баҳолаш;

истеъмолчи ва бозор тенденциялари асосида ҳар бир сегментнинг салоҳиятини аниқлаш;

мақсадли сегментларни танлаш ва компания ресурсларини тақсимлаш.



1-расм. GE/Mckinsey матрицасини ишлаб чиқиш босқичлари

GE/Mckinsey матрицаси иккита кўрсаткичга асосланади: 1) компания кирмоқчи бўлган ёки компания аллақачон мавжуд бўлган бозорнинг жозибаторлиги; 2) рақобатдаги устунликлар ёки компания маҳсулотининг жорий бозорда рақобатбардошлиги.

Компаниянинг портфель стратегияси ушбу юқоридаги икки кўрсаткичлар даражасига боғлиқ бўлади. Яъни:

маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ҳамда бозорнинг жозибаторлиги қанчалик юқори бўлса, бизнеснинг ушбу соҳасида муваффақиятга эришиш имконияти шунчалик юқори бўлади;

компаниянинг маҳсулоти рақобатчиларга нисбатан қанчалик заиф ва тармоқнинг жозибadorлиги қанчалик паст бўлса, бу йўналишда бизнеснинг ривожланиши учун имкониятлар шунчалик паст бўлади.

Жозибadorлик ва рақобатбардошлик мезонлари ташқи муҳит (бозор) ва ички муҳит (компаниянинг мавжуд ресурслари) таҳлилидан келиб чиқади. Мезонлар SWOT-таҳлил мезонларига жуда ўхшаш ва улардан фойдаланиш мумкин.

Сегментнинг жозибadorлигини баҳолаш кўрсаткичлари. Mckinsey усули бўйича бозорнинг жозибadorлиги қуйидагиларни ифодалайди:

потенциал сотиш ҳажми бўйича сегментнинг жозибadorлиги;
янги иштирокчилар учун сегментга кириш тўсиқлари пастлиги;
сегментнинг компанияга узоқ муддатли даромад келтириш имконияти;
бозорда хавф-хатарлар йўқлиги (узоқ муддатда сегментда сотувнинг беқарорлигига сабаб бўлувчи потенциал таҳдидлар).

Muammoni hal qilish yo'llari. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini mustahkamlash, har tomonlama rivojlantirib borish, iqtisodiyotni, xususan, bozor munosabatiga o'tishni tezlashtiruvchi eng asosiy yo'llardan biri bu kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hisoblanadi. Shuning uchun ham tadbirkorlikni rivojlantirish, uni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, xususiy tadbirkorlikda tashabbus ko'rsatish, uni rag'batlantirishga bag'ishlangan bir qancha qonun hujjatlari qabul qilindi. Mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy-ijtimoiy islohotlarning tub negizini tadbirkorlik, omilkorlik va ishbilarmonlik xislatlarisiz tasavvur etish qiyin. Erkin bozor munosabatlarining keng ravnaq topishi kishilar hayoti, turmush tarzi, ma'naviy va hayotiy ko'nikmalarida namoyon bo'lmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning qo'llab-quvvatlanishi nafaqat iqtisodiyotni muttasil rivojlantirish, xo'jalik aloqalarini tuzatish, raqobatni rivojlantirish va iste'mol bozorini to'ldirish bilan bog'liq bo'lgan iqtisodiy maqsadlarni ham ta'minlamoqda²⁵⁷. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada barqaror qilish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlarini kuchaytirish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash borasidagi ishlarni tashkil qilish tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar, shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy resurslar va ishlab chiqarish infratuzilmasidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish to'g'risida"gi Farmoni²⁵⁸ va "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi huzuridagi Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qarori qabul qilingan²⁵⁹.

Ayrim mamlakatlarda Yevropa Ittifoqi mintaqaviy fondi kichik biznesni rivojlantirishni moliyalashtirishda ishtirok etmoqda. Imtiyozli moliyalashtirishga ega bo'lgan kichik biznes subyektlari 4 yil davomida o'z ish o'rinlari va faoliyatini saqlab qolishlarini kafolatlashi kerak. Yangi firmalar uchun investitsiya qilingan kapital ulushi 25 %dan, mavjudlari uchun esa 30 %dan oshishi kerak. Bundan tashqari, loyiha mintaqaviy muammolarni hal etishga hissa qo'shsa, kapital qo'yimalarning qo'shimcha 5-40 % qismi ta'minlanadi. Yevropaning boshqa mamlakatlarida kichik biznes maslahat jamg'armalari tashkil etilmoqda. Jamg'armaning asosiy vazifalari xususiy korxonalar uchun raqobat yaratish, kichik biznes subyektlari faoliyatini davlat siyosatiga mos ravishda yo'naltirish, soliq imtiyozlari shaklida davlat yordamini ko'rsatish uchun korxonalarni tanlash va b.

²⁵⁶ Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.

²⁵⁷ Ўзбекистонда кичик тadbirkorlik//Статистик тўплам. –Т.: 2017. –Б.190.

²⁵⁸ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlarini kuchaytirish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash borasidagi ishlarni tashkil qilish tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar, shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy resurslar va ishlab chiqarish infratuzilmasidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish to'g'risida"gi PF-5780-son Farmoni, 13.08.2019.

²⁵⁹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi huzuridagi Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-4417-son qarori, 13.08.2019.

Fond tomonidan quyidagi yordamlar ko'rsatiladi: mustaqillik, rentabellik, ishlab chiqarish faoliyatining xarakteri yoki ishlab chiqarish xizmatlarining xarakteri, barcha zarur moliyaviy va buxgalteriya hujjatlarining mavjudligi, ularning yuritilishi va b.

Kichik biznes subyektlarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash sohasida turli mamlakatlar tajribasini o'rganib, ushbu biznesni rivojlantirishni rag'batlantirish bo'yicha qator chora-tadbirlar ishlab chiqildi va tavsiya etildi:

1. Kichik biznes subyektlariga boshlang'ich kapitalni jamg'arishda ko'maklashish:

a) bevosita – kompaniyaning ta'sis kapitali sifatida foydalanish uchun subsidiyalar berish. Subsiya qaytarib berilmaydi va maqsadli xususiyatga ega. Uning miqdori jismoniy shaxs tomonidan qo'yilgan mablag'ning 20 %ini tashkil etadi, ammo 20000 AQSh \$dan ko'p emas;

b) bilvosita – muhandislik-konsalting firmalari xizmatlari uchun davlat grantlarini taqdim etish. Bundan tashqari, kompaniya tashkil etilgan kundan boshlab 3 yil ichida mulkdor tashkiliy, texnik va moliyaviy masalalar bo'yicha 10000 AQSh \$gacha konsalting uchun subsidiyalar olishga haqli.

2. Kichik biznesni moliyalashtirish va faoliyatida davlat ishtiroki (aralashuvi emas). Kichik biznes tuzishni boshlayotgan tadbirkorlarga yordam ko'rsatish:

a) 20 yilga 200000 AQSh \$ miqdorida mablag' ajratish (birinchi 5 yil to'lashdan ozod qilish va imtiyozli foiz stavkasi);

b) grantlar berish: 3 yil ichida yangi korxonani yaratish va kengaytirish, mavjud korxonani sotib olish, ombor qurish va ma'muriy idorani jihozlash uchun. Yangi sanoat korxonalari uchun 10 yil muddatga va qurilish firmalari uchun 15 yil muddatga 200000 AQSh \$ miqdorida grantlar taqdim etish;

v) agar kichik biznes subyekti o'z biznesini qishloq hududiga ko'chirmoqchi bo'lsa, imtiyozli kreditlarga tayanishi mumkin bo'ladi.

3. Imtiyozli kreditlash:

a) kichik biznes subyektlariga davlat budjeti va mahalliy davlat hokimiyati budjeti mablag'lari hisobidan yaratilganda taqdim etiladi. Modernizatsiya jarayonida kreditlar banklar tomonidan pasaytirilgan foiz stavkalari bo'yicha beriladi.

4. Maxsus dasturlar bo'yicha grantlar:

a) ko'char va ko'chmas mulk sotib olish uchun grantlar energiya ishlab chiqarish yoki tarqatish sohasida joylashgan va energiya tejash imkonini beruvchi texnikani sotib olishda zarur. Subsiya miqdori sotib olingan uskunalarning qiymatining 10 %idan oshmaydi;

b) atrof-muhitni muhofaza qilish bilan bog'liq davlat subsidiyalari va yangi mutaxassislar tayyorlash uchun grantlar;

v) har bir talabaga 5000 AQSh \$ni tashkil etadi.

Taklif va tavsiyalar. Kichik biznesda tashabbuskorlik va erkin tadbirkorlik ruhini saqlab qolish, jamiyatda farovonlik va ishbilarmonlik muhitini saqlab qolishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ko'pgina mamlakatlar amaliyoti shuni

ko'rsatadiki, hukumat tomonidan biznes erkinligiga har qanday cheklovlar, ishga yollash, ishdan bo'shatish va bosqalar biznes faoliyatining pasayishiga olib keladi. Shu sababli, kichik biznes manfaatlari mamlakat yuqori mansabdor shaxslarining doimiy homiyligi va nazorati ostida bo'lishi lozim. Bunday yordamning asosiy shakllarini ko'rib chiqaylik:

kichik biznesni boshlamoqchi bo'lganlar uchun bepul maslahat xizmatlari. Treninglar o'tkazish maqsadida konferensiya, yig'ilish va seminarlar tashkil etiladi;

rivojlantirish markazlari axborot sintezi, tadbirkorlar tayyorlash va turli masalalar bo'yicha konsalting xizmatlari;

oliy o'quv yurtlari qoshida kichik biznes maktablarini tashkil qilish. Ular qiyin ahvolda qolgan tadbirkorlarga bepul yordam ko'rsatadi. Shuningdek, pullik kurslarni tashkil qilish mumkin;

kichik biznesni boshlamoqchi bo'lgan ayollar uchun qisqa kurslar;

yosh ishbilarmonlar uchun maxsus kurslar;

2-3 hafta muddatga yuqori malakali jamlangan pullik kurs dasturlari.

Mavjud moliya-kredit tizimi va bank tizimida tubdan islohotlar o'tkazish talab etiladi. Kichik korxonalarini qurish va texnik qayta jihozlashni moliyalashtirishning asosiy manbai kafolat yoki garov asosida beriladigan bank krediti bo'lishi kerak. Kreditlarni qaytarish uchun tadbir o'tkazilganidan keyin kamida 2-3 yil imtiyozli vaqt berish tavsiya etiladi.

Tadbirkorlarni qo'llab-quvvatlash va biznes muhitini yaxshilash bo'yicha amalga oshirilayotgan tub islohotlar natijasida, Jahon bankining "Biznes yuritish-2020" hisobotida O'zbekiston 7 pog'onaga ko'tarilib, 69-o'rinni egalladi va dunyoning eng yaxshi 20 ta islohotchi davlati qatoridan joy oldi. Yangi korxonalar ochish qulayligi bo'yicha yurtimiz ilk bor dunyoda 8-o'ringa ko'tarildi. Bunday imkoniyatlar natijasida joriy yilning o'tgan 10 oyida 91000 ta yoki 2018-yilgiga nisbatan 2 barobar ko'p yangi tadbirkorlik subyektlari tashkil etildi. Lekin hali soha rivoji yo'lida qilinadigan ishlar ham ko'pligini ta'kidlash joiz. Jumladan, "Biznes yuritish-2020" hisobotida ko'rsatilgan kamchiliklarni bartaraf etish, yer ajratish, qurilish va mol-mulkni ro'yxatga olish borasida qulayliklar yaratish kerak. Shu bois, tadbirkorlarga yerni onlayn-auksion orqali berish, mulkni ro'yxatdan o'tkazish bo'yicha idoralararo elektron axborot almashinuvini ta'minlash zarur. Xorijiy tajriba asosida mulkka bo'lgan huquqni davlat ro'yxatidan mustaqil o'tkazishga mas'ul alohida tuzilma tashkil etish ham muhim ahamiyat kasb etadi²⁶⁰.

Kutilayotgan iqtisodiy samara. Kichik biznesning mamlakat va mintaqa iqtisodiyotiga qo'shadigan hissasini kichik sanoat zonalarining yaratilishi, investitsiya va raqobat muhitining yaxshilanishi, kichik biznes bilan davlat-xususiy sherikchiligi doirasida davlat xaridlari hajmining kengaytirilishi, yirik va kichik korxonalar o'rtasida o'zaro manfaatli hamkorlikning mustahkamlanishi,

²⁶⁰<https://kun.uz/43711995//Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга нималар тўсиқ бўлмоқда?/O'zLiDeP Матбуот хизмати.>

innovatsiya jarayonlariga tadbirkorlik subyektlarining jalb qilinishi orqali ko'rish mumkin.

Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlari hisobidan yaratilgan yangi ish o'rinlaridan sanoat sohasida 875 ta, qurilish sohasida 1733 ta, xizmat ko'rsatish va servis sohasida 17591 ta, yakka tartibdagi tadbirkorlikni rivojlantirish hisobidan 4030 ta, fermer xo'jaliklarini rivojlantirish hisobidan 10555 ta va bozor infratuzilmasini takomillashtirish bo'yicha 90 ta yangi ish o'rinlari yaratilmoqda.²⁶¹ Respublikamizda aholining o'sish sur'atlarini hisobga olgan holda hududlarda aholining ish bilan bandligini oshirish hamda yangi ish o'rinlarini yaratish zaruriyati kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasini rivojlantirishni, uni har tomonlama qo'llab-quvvatlashni taqozo etadi.

Faoliyat ko'rsatayotgan kichik biznes subyektlari soni yaratilayotgan yangi ish o'rinlarining o'zgarishi respublika aholisi soni va kichik biznesda band bo'lgan aholining moddiy manfaatdorligi o'rtacha maosh ko'rsatkichlariga bog'liq. Bunday moddiy manfaatdorlik mamlakat Yalpi ichki mahsulotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ulushuning o'sib borishiga ta'sir ko'rsatadi. Bunda, taqsimot munosabatlarini takomillashtirish, kichik biznesda band bo'lgan aholining daromadlarini o'stirish va ularning rag'batlantiruvchilik rolini oshirish mutanosiblikni ta'minlaydi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi huzuridagi Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-4417-son qarori, 13.08.2019.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo'llab-quvvatlash davlat jamg'armasini tashkil qilish to'g'risida"gi PQ-3225-son qarori, 17.08.2017.
3. Staley E., Morse R. Developing entrepreneurship: Elements for a program in P. Kilby (Ed) Entrepreneurship and economic development, 357-384.
4. Bruno A.V., Tyebjee T.T. The environment for entrepreneurship in C.A. Kent, D.L. Sexton, K.H. Vesper (Eds.), Encyclopedia of entrepreneurship, 288-307. Englewood Cliffs, NJ. Prentice Hall.
5. Garther W.B. A conceptual framework for describing the phenomenon of new venture creation Academy of Management Review, 10(A), 696-706.
6. Manning K., Birley S., Norburn D. Developing new ventures strategy Entrepreneurship Theory and Practice, 14(1), 69-76.
7. Dana L.P. The spirit of entrepreneurship and the commonwealth government of Australia. Journal of Small Business Management, 26(1), 63-65.
8. Davidsson P. Continued entrepreneurship. Ability, need, and opportunity as determinants of small firm growth. Journal of Business Venturing, 6, 405-429.
9. Swanson D., Webster L. Private sector manufacturing in the Czech and Slovak Republic: A survey of firms. Washington, DC: The World Bank.
10. Быкова Е.С. Методологические основы оценки институциональной среды предприятия при формировании интеграционных процессов//Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. №5, 2013. –С.10.
11. Жихаревич Б.С. "Методы оценки параметров хозяйственного климата и разработки программы его улучшения"// <http://www.myshared.ru/slide/95848>.

²⁶¹ <https://stat.uz>.

12. Симионова Н.Е. Понятие бизнес-среды предприятия. <http://www.involveman.ru/kars-572-1.html//involveman:привлечение менеджмента>.
13. Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: ТДАУ, 1998.
14. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.
15. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик//Статистик тўплам. –Т.: 2017. –Б.190.
16. <https://kun.uz/43711995//Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга нималар тўсик бўлмоқда?/О‘zLiDeP Матбуот хизмати>.

KICHIK BIZNES SUBYEKTLARI SAVDO FAOLIYATIDA MARKETING STRATEGIYALARINING AHAMIYATI

*Maxmudov Tohirjon Olimjonovich, dots.,
Namangan muhandislik-texnologiya instituti,
Shukurjonov Sarkor O‘tkir o‘g‘li, magistrant,
Toshkent Kimyo Xalqaro Universiteti Namangan filiali*

Annotatsiya. Ushbu maqolada kichik biznes subyektlari savdo faoliyatini rivojlantirishda marketing strategiyalarini qo‘llash orqali raqobatbardoshligini oshirish yo‘llari o‘rganilgan. O‘zbekistonda kichik biznes va hususiy tadbirkorlik faoliyati tahlili amalga oshirilgan va uni rivojlantirish bo‘yicha ilmiy hulosa va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Tayanch so‘zlar: marketing, kichik biznes, savdo, tashqi savdo, eksport, import, strategiya, merchandaysizng, savdo hududlari.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. Har qaysi mamlakat taraqqiyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy o‘zgarishlarning eng muhim omili bo‘lib xizmat qiladi. Ayniqsa, bozor iqtisodiyoti va modernizatsiyalash sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ijtimoiy hayotda qator funksiyalarni bajaradi.

Jahonda globallashuv, raqobatning kuchayib borishi natijasida iqtisodiyotni izchil o‘shirish sur‘atlarini ta‘minlash, yangi ish o‘rinlarini yaratish, aholi daromadlari va turmush darajasini oshirishda kichik biznesni barqaror rivojlantirish orqali erishishga alohida e‘tibor qaratilmoqda. “Korxonalarining umumiy sonida kichik biznesning ulushi AQShda 97,6 %, Germaniyada 98,5 %, Xitoyda 98 %ni, Yalpi ichki mahsulot (YaIM)da kichik biznesning ulushi esa AQShda 52 %, Germaniyada 57 %, Xitoyda 55 %ni tashkil etmoqda”²⁶². Ayni shu maqsadda, ishlab chiqarish omillaridan samarali foydalanish, savdo faoliyatida marketing strategiyalarini qo‘llash orqali kichik biznes faoliyatini barqaror rivojlantirish muhim ahamiyatga ega bo‘lmoqda.

O‘zbekistonda kichik biznesning savdo faoliyati barqaror rivojlanishini ta‘minlashda qulay tadbirkorlik muhitini yaratishga, uning YaIMdagi, ish bilan bandlikdagi, eksportdagi ulushini oshirishga, hududlarning ishlab chiqarish salohiyatidan samarali foydalanishda tadbirkorlikni kengaytirishga va bu asosda, aholi turmush darajasini oshirish hamda yangi ish o‘rinlarini yaratishga alohida

²⁶² <https://www.reportlinker.com/market-report/Business-Services/8477/>

e'tibor qaratilmoqda. "Hududlarda tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash, ishsizlik va kambag'allikni qisqartirish bo'yicha mavjud tuzilmalar faoliyatini takomillashtirish, tadbirkorlik subyektlari o'z faoliyatini boshlashi uchun zarur ma'lumotlarni erkin foydalanishga chiqarish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirish va xususiy sektorga keng yo'l ochish"²⁶³ vazifalari belgilab berildi. Mazkur vazifalarni amalga oshirishda kichik biznes barqarorligini belgilovchi savdo faoliyatini samarali va tizimli amalga oshirish strategiyalarini ishlab chiqish bu boradagi ilmiy izlanishlarning ustuvor yo'nalishlaridan hisoblanadi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharxi. Kichik biznes va savdo faoliyatini rivojlantirishning ilmiy-nazariy asoslari borasida A. Marshall, A. Smit, J.B. Sey singari xorijiy olimlar ilmiy tadqiqot olib borishgan, ularning ishlarida bozorning ahamiyati, asosiy yonalishlari va tadbirkorlik faoliyati rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari hamda muhim omillari o'rganilgan²⁶⁴.

O'zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari S.S. G'ulomov, Q. Muftaydinovlarning savdoning ahamiyati va marketing strategiyalarini ishlab chiqish kerak ekanligi borasidagi ilmiy izlanishlarida o'z aksini topgan²⁶⁵. Mazkur masalaning ilmiy-uslubiy va amaliy jihatlarini rivojlantirish, kichik biznesni rivojlantirish omillarini tadqiq qilish asosida samaradorlikni oshirish bo'yicha ilmiy izlanishlarga kam e'tibor qaratilgan. Ushbu holat mazkur yo'nalishda ilmiy izlanishlar olib borish zarurligini taqozo etadi hamda tadqiqot mavzusining dolzarbligini belgilaydi.

Muammoni hal qilish yo'llari. Marketing elementlarining paydo bo'lishi XVII asr o'rtalariga borib taqaladi. Bu davrgacha tovarlarni natural ayirboshlashning turli shakllari paydo bo'lgan, keyinchalik marketing faoliyatining birinchi elementlari, yani reklama, narx, sotish kabilarning rivojlanishi kuzatildi. Marketing nafaqat falsafa, fikrlash tarzi va iqtisodiy tafakkur yo'nalishi, balki ayrim firma, kompaniya, tarmoq va butun iqtisodiyot bo'yicha amaliyot faoliyati hamdir. Bundan tashqari, marketingni loyihaviy (vertikal) yoki matritsali tashkiliy shakllarini ham korxonalariga tatbiq etish amri mahol. Chunki, bunday shakllarda bir nechta marketolog mutaxassislar, ko'proq moddiy va moliyaviy resurslar talab qilinadi. Korxonalarda esa, bunday imkoniyatlar mavjud emas. Shu sababli, ularga xos marketingning tashkiliy shaklini ham ishlab chiqish lozim. Ularning xususiyatlarini hisobga olgan holda, marketing xizmatlarini tashkiliy tamoyili va shaklini ishlab chiqib, yangi modelini tuzish lozim.

Bugungi kunda mamlakatimizda tadbirkorlik faoliyatiga alohida e'tibor berilmoqda. Shuningdek, davlatimiz rahbari tomonidan tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga doir qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Tadbirkorlik faoliyatining rivojida marketing sohasi ahamiyatlidir. Kichik biznes va tadbirkorlik

²⁶³ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni, 28.01.2022.

²⁶⁴ Маршалл А. Принципы политической экономии. Т.1. –М.: Директ-Медиа, 2012; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. –М., 1962. –С.408.; Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. –М.: Директ-Медиа, 2007.

²⁶⁵ G'ulomov S.S. Tadbirkorlik va kichik biznes. –T.: Sharq, 2002. –B.365.; Muftaydinov Q. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida tadbirkorlikni rivojlantirish muammolari. i.f.d. ... diss. avtoref. –T.: O'zMU, 2004. –B.40.

faoliyatida qaror qabul qilish va uni ishlab chiqishda marketing samarali vosita hamda asos bo‘lib xizmat qiladi, shuningdek, ushbu faoliyatni boshqarish tizimida, uni tashkil etish, rejalashtirish va nazorat qilishda muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekistonda 2022-yilda kichik tadbirkorlik (biznes)da sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmi 142611,7 mlrd so‘mni yoki o‘tgan yilning shu davriga nisbatan 117,1 % ni tashkil etdi. Hududlar kesimida esa Toshkent shahri yetakchi o‘rinni egallab, sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmi 15002,4 mlrd so‘mga yetdi. Qurilish sohasi bo‘yicha 93620,8 mlrd so‘m, xizmatlar sohasi 173157,7 mlrd so‘mni tashkil qilgan bo‘lsa, eksport ko‘rsatkichlari 5696,2 mln AQSH \$, import 15154,1 mln AQSH \$ni tashkil qildi. Kichik biznes subyektlarining savdo faoliyati 2017-yilda 92973,0 mlrd so‘m bo‘lgan bo‘lsa 2022-yilda 253573,4 mlrd so‘mga yetib, 272,7 %ga o‘shirishga erishildi. Bu esa, mamlakatda kichik biznes subyektlarining faoliyatida kundan kunga rivojlanayotganidan dalolat beradi.

1-jadval. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning iqtisodiyot tarmoqlaridagi asosiy ko‘rsatkichlari hajmi²⁶⁶

Ko‘rsatkichlar/ yillar	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Sanoat (mlrd so‘m)	61367,8	87962,0	83344,2	103020,8	121719,2	142611,7
Qurilish (mlrd so‘m)	22469,4	37451,7	53960,9	63866,6	77762,0	93620,8
Bandlik (ming kishi)	10541,5	10128,8	10318,9	9865,7	10070,7	10222,9
Eksport (mln AQSh \$)	2759,3	3810,8	4714,8	3100,9	3711,2	5696,2
Import (mln AQSh \$)	7511,9	10916,2	14972,2	10943,3	12389,0	15154,1
Savdo (mlrd so‘m)	92973,0	114896,4	138920,7	164106,1	204787,4	253573,4
Qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi (mlrd so‘m)	152010,5	191759,2	219466,9	253238,2	307280,2	347222,0
Xizmatlar (mlrd so‘m)	69212,7	84433,4	103106,6	114052,7	144812,7	173157,7
Yuk tashish (mln t)	548,8	611,7	641,0	638,9	678,9	588,1
Yuk aylanmasi (mln t/km)	10444,4	11657,7	12152,3	12304,6	13108,1	14394,9
Yo‘lovchi tashish (mln pass.)	5037,5	5242,6	5345,0	4904,8	5237,6	5606,0
Yo‘lovchi aylanmasi (mln pass/km)	111435,0	115335,2	117412,7	107766,7	114681,5	123882,5











Tashqi savdo aylanmasi – muayyan davr uchun mamlakat eksporti va importi qiymatining miqdori hisoblanadi. Tovarlarining tashqi savdo statistikasida bojxona hududiga olib kirish (import) yoki bojxona hududidan olib chiqish (eksport) natijasida mamlakat material resurslari zaxiralariga qo‘shiladigan yoki ulardan ayirib tashlanadigan tovarlar hisobi tashqi savdo umumiy hisob tizimi asosida yuritiladi.

Mamlakatimizda olib borilayotgan iqtisodiy islohotlar xorijiy davlatlar bilan savdo aloqalarining jadal o‘shirishiga xizmat qilmoqda. Xususan, mamlakatning

²⁶⁶ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari. <https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/17505-2022>.

eksport salohiyatini oshirish bo'yicha qabul qilingan qarorlar mahalliy kompaniyalarga tashqi bozorlarda ko'proq tajriba orttirishga imkon beradi. Pirovardida, ular jahon savdosida raqobatdosh ustunlikka ega bo'ladi.

2022-yilda O'zbekiston Respublikaning tashqi savdo aylanmasi 50 mlrd AQSH \$ni tashkil etib, 2021-yilga nisbatan 7837,9 mln AQSH \$ga yoki 18,6 %ga ko'paydi. Shu davrda mamlakat bilan tashqi savdo aylanmasida eng yuqori ulushga ega bo'lgan davlatlar Rossiya 18,6 %, Xitoy 17,8 %, Qozog'iston 9,2 %, Turkiya 6,4 %ni tashkil etib, ular eksport-import hajmida yuqori ulushga ega hisoblanadi. Buni quyidagi rasmdan ko'rish mumkin.

Rossiya Federatsiyasi	XXR	Qozog'iston	Turkiya	Koreya Respublikasi
TSA – 9 279,7	TSA – 8 923,8	TSA – 4 621,0	TSA – 3 223,9	TSA – 2 340,6
Eksport: 3 066,9 Import: 6 212,8	Eksport: 2 519,0 Import: 6 404,8	Eksport: 1 379,7 Import: 3 241,2	Eksport: 1 507,4 Import: 1 716,5	Eksport: 48,1 Import: 2 292,5
 18,6%	 17,8%	 9,2%	 6,4%	 4,7%
Qirg'iz Respublikasi	Germaniya	Turkmaniston	Afg'oniston	Hindiston
TSA – 1 260,0	TSA – 1 159,3	TSA – 926,3	TSA – 759,9	TSA – 690,5
Eksport: 979,3 Import: 280,7	Eksport: 88,9 Import: 1 070,4	Eksport: 194,8 Import: 731,5	Eksport: 750,6 Import: 9,3	Eksport: 35,6 Import: 654,9
 2,5%	 2,3%	 1,9%	 1,5%	 1,4%

O'zbekiston Respublikasi bilan tashqi savdo aylanmasida eng yuqori ulushga ega bo'lgan davlatlar (2022-yil, mln AQSh \$)²⁶⁷

Kichik biznes subyektlari uchun savdo faoliyatini rivojlantirishning asosiy sharti – marketing strategiyalarini ishlab chiqish juda muhimdir. Marketing strategiyalari biznes subyektlari tomonidan xavfsiz va samarali bo'lgan reklama, sotuvlar va xizmatlarni taqdim etishlari uchun qo'llaniladi. Kichik biznes subyektlari uchun marketing strategiyalari ishlab chiqishning muhim ahamiyatini tushunish va ularni amalga oshirish bo'yicha tavsiyalar:

kichik biznes subyektlarining savdo faoliyatini rivojlantirishda raqamli marketing strategiyalarini qo'llash orqali mijozlarga mahsulotlarni savdo vositachilarisiz sotish va ular bilan aloqani samarali yo'lga qo'yish imkoniyati paydo bo'ladi. Shu orqali, ularning ishlab chiqarilgan mahsulotga talab va ehtiyojlari, fikrlari to'grisidagi ma'lumotga ega bo'ladi;

²⁶⁷ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma'lumotlari. <https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/17505-2022>.

savdo faoliyatida merchandayzing strategiyasini yo'lga qo'yish bu kichik biznes subyektlari uchun, savdo do'koni jarayonlari uchun muhim ahamiyat kasb etadi, chunki haridorlarga samarali savdoni tashkillashtirish bilan bir qatorda, ularni mijozga aylantirish imkonini beradi;

kichik biznes subyektlarining ishlab chiqarish faoliyati kam bo'lgani, eksportda mahsulotga talab hajmini yetarlicha qondira olmagan, yuk-transport mashinalariga oid xarajatlari ko'p, shuning uchun har bir viloyatda eksport-logistik markazni tashkillashtirish hamda shu orqali, barcha ishlab chiqarilgan mahsulotlarni bir joydan eksport qilish imkoniyatini yaratish mumkin. Misol uchun, to'qimachilik, qishloq ho'jaligi mahsulotlariga ixtisoslashgan markazlar qurish maqsadga muvofiq.

Shunday qilib, kichik biznes subyektlari uchun savdo faoliyatini rivojlantirish marketing va reklama strategiyalarini ishlab chiqish, mijozlar bilan aloqada bo'lish kabi ko'plab asosiy qadamlarni o'z ichiga oladi. Bu qadamlarni amalga oshirish yordamida biznesning ko'p mijozlarga taqdim etilishi imkoniyatini oshirish va biznesni rivojlantirish mumkin bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni, 28.01.2022.
2. Маршалл А. Принципы политической экономии. Т.1. –М.: Директ-Медиа, 2012.
3. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер.с англ. –М., 1962. –С.408.
4. Сэй Ж.Б. Трактаты политической экономии. –М.: Директ-Медиа, 2007.
5. G'ulomov S.S. Tadbirkorlik va kichik biznes. –Т.: Sharq, 2002. –В.365.
6. Muftaydinov Q. Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida tadbirkorlikni rivojlantirish muammolari. I.f.d. ... diss. avtoref. –Т.: O'zMU, 2004. –В.40.
7. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma'lumotlari. <https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/17505-2022>.
8. <https://www.reportlinker.com/market-report/Business-Services/8477/>

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Хожиматов Равшанбек Расулжонович, PhD, доц. в.б.,
Наманган муҳандислик-технология институти*

Аннотация. Ушбу мақолада пиллачилик тармоғидаги тадбиркорлик субъектлари, уларнинг фаолиятларини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, Ўзбекистон пиллачилик тармоғининг асосий кўрсаткичлари таҳлил этилган. Соҳада тадбиркорлик фаолиятини самарали ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: пиллачилик тармоғи, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, пиллачилик корхоналари, имтиёз ва рағбатлар, ипак маҳсулотлари.

Annotation. In this article stated the specifics aspects of development entrepreneurship in the silk industry. Therefore, analyzed the main indicators of the sericulture in Uzbekistan. Given recommendations for the effective development of the entrepreneurship in the silk industry.

Keywords: silk industry, development entrepreneurship, silk enterprises, privileges, silk products.

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида барқарор ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорлик фаолияти имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, пиллачилик тармоғининг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш ва уни ривожлантиришда соҳадаги тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий манфаатларини нисбатан юқори даражада намоён этадиган шакллари таркиб топтириш чора-тадбирларига эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Хитой, Ҳиндистон, Тайвань, Эрон ва Вьетнам каби мамлакатларнинг пиллачилик тармоғида тадбиркорлик субъектлари фаолияти, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳамда хўжалик юритиш шакллариининг хилма-хиллигини ошириш алоҳида омил сифатида баҳоланмоқда²⁶⁸.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг моҳияти, унинг назарий асослари ва менежментдаги муаммолари маҳаллий иқтисодчи олимлардан Ё. Абдуллаев, А. Абдуллаев, А. Бекмуродов, Б. Беркинов, Э. Эгамбердиев, Б. Ходиев, Ш. Эргашходжаева ва М. Қосимоваларнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Методология. Мақолада қиёсий ва иқтисодий таҳлил, кузатувлар таҳлилларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижа. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига давлат миқёсида аҳамият бериб келинмоқда. Жумладан, Президент Ш. Мирзиёевнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига бағишланган барча маърузаларида “...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсишга, ишсизлик даражасининг пасайишига ва аҳоли даромадлари ошишига эришган бирор мамлакат йўқлиги” таъкидлаб ўтилган.

Хусусан, бугунги кунда пиллачилик тармоғини янада ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, соҳада хўжалик юритишнинг турли шакллари янада такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон, 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал

²⁶⁸ Шарипов Б.Қ. Тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шакллари диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. –Т., 2020. 5-б.

ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон, 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармонлари қабул қилинган бўлиб, улар “...ҳозирги даврда пиллачилик тармоғида фаолият кўрсатаётган корхоналарда тадбиркорлик фаолиятлари ва инновациялар соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятларини таъминлаш”га қаратилгандир²⁶⁹.

Маълумки, пилла хомашёсини тайёрлаш бир неча ишлаб чиқаришларни бирлаштирувчи яхлит ва мураккаб жараёнлардан иборат. Бу жараёнлар ўзаро бир-бири билан чамбарчас бўлган босқичларга бўлинади ва улар пиллачилик тармоғининг асосини ташкил этади²⁷⁰. Охириги йилларда пиллачиликни ривожлантиришга бўлган чуқур эътибор натижасида республика пиллачилик тармоғининг асосий кўрсаткичлари ҳам кескин ўсиб борган²⁷¹. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Республика пиллачилик тармоғининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	Йиллар					2022 йилда 2018 йилга нисбатан, %
	2018	2019	2020	2021	2022	
Пилла мавсумлари сони	2	3	4	4	4	2 марта
Тайёрланган пилла хомашёси, минг т	18,0	19,6	21,4	22,7	24,1	133,3
Мавжуд кувватлардан фойдаланиш даражаси, %	84	86	94	100	100	185,2
Экспорт ҳажми, млн АҚШ \$	49,2	72,2	76,5	87,0	92,1	1,8 баробар
Доимий ишчилар сони, минг киши	14,4	18,3	24,4	32,6	36,7	2,5 баробар
Мавсумий ишчилар сони, минг киши	410,9	640,8	736,6	829,9	909,0	3,2 баробар

Манба: “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди

Қуйидаги 1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимизда пилла хомашёсининг ҳажмини ошириш мақсадида 2018 йилда тажриба сифатида такрорий пилла етиштириш синовдан ўтказилди.

²⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон Фармони, 24.11.2018.; “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони, 15.05.2015.; “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони, 05.10.2016.

²⁷⁰ Хожиматов Р.Р. Пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. –Наманган, 2021. –Б.56.

²⁷¹ “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси маълумотлари. <http://uzbekipaksanoat.uz>

Ҳозирги кунда пилла хомашёсини тайёрлаш мавсумлари тўрт мавсумда амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2018 йилда тайёрланган пилла хомашёси 18,0 минг т, 2019 йилда 19,6 минг т, 2020 йилда 22,7 минг т ҳамда 2021 йилда 22,7 минг т ни ташкил этган бўлса, 2022 йил якунларига кўра, тармоқда тайёрланган пилла хомашёси 24,1 минг т ни ташкил этган ёки 2018 йилга нисбатан 133,3 % га ўсган.

Пиллачилик тармоғида корхоналар томонидан ипак маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмлари ҳам ошиб бораётганидан далолат берди. Масалан, 2018 йилда 49,2 млн АҚШ \$лик маҳсулотлар экспорт қилинган. 2019 йилда 72,2 млн АҚШ \$, 2020 йилда 76,5 млн АҚШ \$, 2021 йилда 87,0 млн АҚШ \$лик ипак маҳсулотлари экспорт қилинган. 2022 йилга келиб эса, 92,0 млн АҚШ \$ни ташкил этган ёки 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўтарилган.

Бундан ташқари, республика пиллачилик тармоғида фаолият кўрсатаётган корхоналарда доимий ишчилар сони 2018 йилдаги 14,4 минг кишидан 2022 йилда 36,7 минг кишига ортган. Мавсумий ишчиларга жалб этилганлар эса, 2018 йилдаги 410,9 минг кишидан 2022 йилда 909,9 минг кишига ўсган.

Фикримизча, мамлакатимизда пиллачилик тармоғини ривожлантириш, пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнига замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини оширишда ҳудудларимизда тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш жуда зарурдир.

Хулоса ва таклифлар. Пиллачилик тармоғида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали ривожлантиришда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

пиллачилик тармоғида чуқур ислохотларни изчил ва самарали амалга ошириб бориш;

ҳудудларда интенсив усулларда озуқа манбаини кўпайтириш ва сифатли пилла хомашёсини тайёрлаш;

соҳада тадбиркорлик шакллари кўпайтиришда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш имкониятларини излаш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга давлат томонидан қўшимча имтиёзлар бериш;

тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шакллари диверсификациялаш ва б.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон пиллачилик соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш орқали ҳудудларда турли мулк шаклидаги корхоналарни ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришнинг ички имкониятларини самарали оширишга зарур шарт-шароит яратилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон Фармони, 24.11.2018.
2. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони, 15.05.2015.
3. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони, 05.10.2016.
4. Шарипов Б.Қ. Тадбиркорлик фаолиятида хўжалик юритиш шакллари диверсификациялаш имкониятларидан фойдаланиш. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2020. 5-б.
5. Хожиматов Р.Р. Пиллани қайта ишлаш корхоналарини бошқариш механизмини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. –Наманган, 2021. –Б.56.
6. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси маълумотлари. <http://uzbekipaksanoat.uz>.

BOOSTING EFFICIENCY IN SMALL AND MEDIUM-SIZED ENTERPRISES THROUGH STRUCTURAL CHANGES

*PhD, Assoc. Prof. Ibragimova Ma'mura Mukhiddinovna,
Namangan branch of the Kimyo International University in Tashkent,
Obiddinov Fakhridin Mukhiddin ugli, student,
Tashkent State University of Law*

Abstract. Small and medium-sized enterprises (SMEs) are essential contributors to the global economy, offering employment opportunities and fostering innovation. However, SMEs face challenges, such as limited resources and competition from larger corporations. This article explores the concept of structural changes as a means to improve efficiency and productivity in SMEs. It focuses on five main areas: organizational structure, decision-making processes, technology adoption, employee engagement, and customer-centricity.

Keywords: SMEs, Structural Changes, Organizational Structure, Decision-Making, Technology Adoption, Employee Engagement, Customer-Centricity.

Introduction. SMEs are the backbone of the global economy, providing employment opportunities to millions of people worldwide and contributing significantly to GDP growth. According to a study by Ayyagari, Demirgüç-Kunt, & Maksimovic (2011), SMEs account for approximately 90 % of businesses worldwide and are responsible for creating around 60-70 % of employment opportunities in most countries.

However, despite their vital role in the economy, SMEs often struggle to compete with larger corporations. One of the main reasons for this is their limited resources, both in terms of finances and personnel. This makes it challenging for SMEs to scale their businesses, develop new products or services, or invest in research and development. Additionally, SMEs are often constrained by market limitations and may not have access to the same distribution channels or marketing resources as larger corporations.

To overcome these challenges, SMEs need to optimize their operations through structural changes that enhance efficiency and productivity. This means that SMEs must constantly assess their business processes and identify areas where they can streamline operations, reduce costs, and increase output (Orser, Hogarth-Scott, & Riding, 2000).

One-way SMEs can optimize their operations is by implementing technology solutions that automate repetitive tasks and improve communication and collaboration. For example, SMEs can use customer relationship management (CRM) software to manage customer interactions and sales pipelines or adopt cloud-based project management tools to streamline project workflows and enhance collaboration among team members. These solutions not only save time and reduce costs but also enable SMEs to compete more effectively with larger corporations. Another strategy SMEs can employ to optimize their operations is by adopting lean principles, which focus on eliminating waste and increasing efficiency. This involves identifying and eliminating activities that do not add value to the business process, such as overproduction, unnecessary movement of goods or people, or excess inventory. By implementing lean principles, SMEs can reduce costs, improve quality, and increase productivity. In addition to adopting technology solutions and lean principles, SMEs can also optimize their operations by developing a strong organizational culture. This means creating a work environment that fosters innovation, collaboration, and continuous improvement. SMEs can achieve this by promoting a culture of open communication, encouraging employees to take ownership of their work, and providing opportunities for professional development and growth.

Moreover, SMEs can also optimize their operations by developing strategic partnerships with other businesses. By collaborating with other companies, SMEs can gain access to new markets, resources, and expertise, which can help them overcome market constraints and grow their businesses. For example, SMEs can partner with other businesses to co-develop products or services, share marketing resources, or jointly participate in trade shows and events.

Anajysis and rezults. *Organizational Structure*

A well-defined organizational structure is crucial to the success of SMEs, as it establishes clear roles and responsibilities, promoting efficiency and accountability (Mintzberg, 1980). The following are recommendations for improving organizational structure in SMEs:

Flatter Hierarchies: Flatter organizational structures with fewer layers of management encourage open communication, faster decision-making, and increased employee involvement (Puranam & Hakonsson, 2015). By reducing bureaucracy, SMEs can foster a more agile and flexible work environment, allowing them to adapt quickly to market changes.

Cross-Functional Teams: To enhance collaboration and resource utilization, SMEs should consider organizing employees into cross-functional teams (Majchrzak, Jarvenpaa, & Bagherzadeh, 2015). These teams can work together to achieve common goals, facilitating knowledge sharing, innovation, and problem-solving.

Decision-Making Processes

Improving decision-making processes is essential for SMEs to navigate complex business environments and make informed choices. Decision-making can be reached by the following strategies:

Decentralized Decision-Making: Empowering employees to make decisions at the appropriate level of authority can lead to faster response times and better overall performance (Bloom, Sadun, & Van Reenen, 2012). By delegating decision-making, SMEs can tap into the collective wisdom of their workforce and promote a sense of ownership and accountability.

Data-Driven Decisions: SMEs should leverage data and analytics to make informed decisions (Davenport, 2014). By using data to guide decision-making, SMEs can minimize risks, optimize resource allocation, and uncover new opportunities.

Technology Adoption

The integration of technology into SME operations is a crucial aspect of enhancing efficiency and staying competitive in the market (Kotelnikov, 2011). Following technology adoption strategies can be beneficial for SME's:

Cloud Computing: Cloud-based services allow SMEs to access computing resources, storage, and software applications on a pay-as-you-go basis (Mell & Grance, 2011). By adopting cloud computing, SMEs can reduce IT costs, enhance flexibility, and improve collaboration among team members.

Automation: SMEs can leverage automation tools to streamline routine tasks, enhance accuracy, and free up resources for higher-value activities (Bughin, Hazan, Ramaswamy, Chui, Allas, Dahlström, Henke, & Trench, 2017). Automation can be applied to areas such as customer relationship management, inventory management, and accounting.

Digital Marketing: Implementing digital marketing strategies can help SMEs reach a wider audience, enhance customer engagement, and increase sales (Bharathi, 2016). By utilizing social media, email marketing, and search engine optimization, SMEs can effectively compete with larger organizations.

Employee Engagement

Engaged employees are more productive, innovative, and committed to their organizations (Harter, Schmidt, & Hayes, 2002). Employee engagement can be developed by the following strategies:

Training and Development: Providing employees with access to training and development opportunities can enhance their skills, boost motivation, and foster a culture of continuous learning (Noe, 2010). By investing in employee development, SMEs can attract and retain top talent.

Performance Management: Establishing a fair and transparent performance management system can help SMEs to align individual goals with organizational objectives, motivate employees, and improve overall efficiency (Aguinis, 2009). By setting clear expectations and providing regular feedback, SMEs can encourage a high-performance culture.

Customer-Centricity

Focusing on customer needs and preferences is essential for SMEs to differentiate themselves in the market and build long-term relationships with clients (Kotler, 2000). To achieve customer-centricity, SMEs should consider the following:

Customer Feedback: Actively seeking customer feedback and incorporating it into business decisions can help SMEs to improve products and services, identify areas for improvement, and build customer loyalty (Ulaga & Reinartz, 2011). By engaging with customers, SMEs can create a more customer-centric culture and gain valuable insights.

Personalization: Personalizing customer experiences based on individual preferences and behaviors can enhance satisfaction and drive repeat business (Peppers & Rogers, 2011). By leveraging data and analytics, SMEs can tailor marketing efforts, product offerings, and customer interactions, providing a unique and differentiated experience.

Conclusion. Small and medium-sized enterprises play a critical role in the global economy, and enhancing their efficiency is vital for their continued success. By implementing structural changes in areas such as organizational structure, decision-making processes, technology adoption, employee engagement, and customer-centricity, SMEs can optimize their operations and boost productivity. Embracing these changes not only helps SMEs to stay competitive but also contributes positively to overall economic growth.

References:

1. Aguinis, H. (2009). *Performance management*. Upper Saddle River, NJ: Pearson Prentice Hall.
2. Ayyagari, M., Demirgüç-Kunt, A., & Maksimovic, V. (2011). Small vs. young firms across the world: Contribution to employment, job creation, and growth. *Policy Research Working Paper*, 5631.
3. Bharathi, D.G. (2016). Impact of digital marketing on Indian small and medium enterprises. *Journal of Commerce and Management Thought*, 7(4), 688-705.
4. Bughin, J., Hazan, E., Ramaswamy, S., Chui, M., Allas, T., Dahlström, P., ... & Trench, M. (2017). *Artificial intelligence: The next digital frontier?* McKinsey Global Institute.
5. Davenport, T.H. (2014). *Big data at work: Dispelling the myths, uncovering the opportunities*. Boston, MA: Harvard Business Review Press.
6. Harter, J.K., Schmidt, F.L., & Hayes, T.L. (2002). Business-unit-level relationship between employee satisfaction, employee engagement, and business outcomes: A meta-analysis. *Journal of Applied Psychology*, 87(2), 268-279.
7. Kotelnikov, V. (2011). *Small and medium enterprises and ICT*. United Nations Development Programme – Asia-Pacific Development Information Programme.
8. Kotler, P. (2000). *Marketing management*. Upper Saddle River, NJ: Prentice Hall.
9. Majchrzak, A., Jarvenpaa, S.L., & Bagherzadeh, M. (2015). A review of interorganizational collaboration dynamics. *Journal of Management*, 41(5), 1338-1360.
10. Mintzberg, H. (1980). Structure in 5's: A synthesis of the research on organization design. *Management Science*, 26(3), 322-341.
11. Puranam, P., & Hakonsson, D.D. (2015). Valve's way: Vaynerian management in the knowledge economy. *Journal of Organization Design*, 4(2), 12-15.

WAYS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT AND EFFICIENCY IMPROVEMENT OF SMALL BUSINESS ENTITIES

*Adashev Azimjon Orinboyevich, PhD,
Namangan Engineering-Construction Institute*

Annotation. Small business entities are considered the engine of the economy, the increasing socio-economic importance of small business and private entrepreneurship in all directions of the socio-economic development of the new Uzbekistan, the expansion of its technical-technological, economic and social content increases the relevance of scientific research of the development of the sector. The article examines the sustainable development and efficiency improvement of small business entities.

Keywords: small business, economic and social, economy, economic development, modernization, incentives, credit, competition.

Relevance of the research topic. You are all aware of the drastic processes taking place in the world today. The complex geopolitical situation in the world, the shortage of energy resources is increasing, the need for food is increasing, and financial resources are becoming more expensive. In such a situation, no matter how difficult it may be, we will resolutely continue economic reforms, fully mobilize domestic capabilities, and further support the private sector. For this purpose, first of all, important tasks have been defined to accelerate reforms to improve the business environment. The fulfillment of these tasks requires the acceleration of work on ensuring the stable development of small business entities in the economy and increasing their efficiency. The increasing socio-economic importance of small business and private entrepreneurship in all areas of socio-economic development of new Uzbekistan, and the expansion of technical-technological, economic and social content increases the relevance of scientific research on the development of the sector.

Setting a scientific problem. In the conditions of modernization of the economy, it is of scientific importance to develop scientific proposals aimed at improving, sustainable development and increasing the effectiveness of regulatory documents related to the development of small business entities.

The purpose of the study. Analysis of ways of sustainable development and efficiency improvement of small business entities. Elucidation of their practical importance in the economy.

Scientific essence. The data collected in this article are analyzed to determine the goal(s) of scientific research, based on which the ways and methods (possibilities) of achieving the research goal were determined.

Research methods. As a research methodology, economic-statistical methods, systematic analysis, grouping comparison, comparison, scientific abstraction, and selective observation methods were used.


Main results. Special attention is being paid to strengthening macroeconomic stability and maintaining high economic growth rates in Uzbekistan. Special attention is paid to the comprehensive and proportionate socio-economic development of regions, districts and cities through economic stimulation of the

development of small business entities. The development of small business has a positive effect on the development of various sectors of the country's economy, but without government support, small business may decline.

The share of small business and private entrepreneurship in Uzbekistan in 2018-2022, %

Networks/years	2018	2019	2020	2021	2022	(+,-)
Industry	62,4	56,0	55,7	54,9	51,8	-10,6
Construction	37,4	25,8	27,9	27,0	25,9	-11,5
Employment	73,2	75,8	72,5	72,4	71,6	-1,6
Export	76,3	76,2	74,5	74,4	74,6	-2,3
Import	27,2	27,0	20,5	22,3	29,5	2,3

According to the table, it was observed that the share of small business and private entrepreneurship is 29,5% of imports. It can be seen that the share of industry, construction, employment, and export indicators has decreased compared to previous years. Due to the high importance of small business for the economic and social situation in the country, most countries are developing laws and regulations to help small business development. To date, the systems of measures to support small business developed in different countries differ significantly in terms of the main concepts of economic policy, the selection of priorities and the funds used, as well as the budget funds involved. One of the most important issues in increasing employment today is the rapid development of small business entities, providing them with ample opportunities and privileges, and comprehensive support and encouragement of small business entities are considered the most important direction of reforming the real economy.



The number of jobs in small business and private entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan²⁷²

²⁷² Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Of course, the use of small business is of great importance in positively changing the employment of the population in the labor market. In this regard, small business can mitigate and, if necessary, reduce many problems related to the impact of socio-economic factors in the field of employment.

Taking into account the importance of small business for the economy, the state's policy towards the middle class is aimed at creating and supporting efficient, rapidly developing small enterprises as much as possible. This work is aimed not only at solving the above-mentioned tasks of ensuring the employment of the population but also at achieving the goals of the regional, anti-monopoly policy, as well as the environmental protection policy. A large number of small businesses ensures the development of healthy competition and its high level. In addition, the excessive concentration of economic and related political power in the hands of a few can be prevented or limited with the help of a large number of small businesses.

Currently, small business entities operating in the Republic of Uzbekistan are actively involved in solving a number of economic and social problems in the region. Its activity helps to activate the restructuring of the economy, fill the market with goods and services, create a competitive environment, develop the market infrastructure, solve employment problems, form new entities of ownership and form the middle class of society. Small business is an integral part of the market economy, which is characterized by special mobility, flexibility and high efficiency.

Conclusions and suggestions. Special measures and structures based on the state budget are provided for small business entities in the implementation of promising scientific and technical developments, technical and technological re-equipment of small enterprises, and training and retraining of personnel for small and medium-sized businesses. In the development of small business and private entrepreneurship, attention should be paid to the government's measures to balance the interests of the state and business, to ensure optimal conditions for entrepreneurial activity and to increase the competitiveness of small business. construction in time and space, types of production, production structure of the enterprise and other organizational and economic factors determine. In the organization and improvement of the production process in small business entities, it is necessary to rely on the system of conceptual approaches to the category of stability in small business entities, in the connection of the technological process with labor objects, and in the sustainable development of the national economy.

The main goal of the activity of small business entities is to achieve the desired result, more precisely, to obtain a high level of profit through the effective use of capital and resources. The most important task of the activities of small business entities is to ensure the efficient operation of the enterprise, which implies orientation to innovation and the creation of an innovative environment, attracting and using resources from various sources to solve the given tasks. Any enterprise, first of all, strives to ensure stable and financially successful operations in the market, using various tools and methods.

In short, the specific methods proposed for the prospective development of small business in the country on the basis of defined measures, to a certain extent, have a positive effect on increasing the income and well-being of the population and individual economic entities.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4160-сон қарори, 05.12.2019.
2. Qosimova D.S. “Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik”. Darslik. –Т.:“Инновацион ривожланиш”, 2021. –Б.15.
3. Sobirovna, K.D., Gafurovich, A.N., Abdugafarovich, S.A., & Hamrakulovich, K.A. (2021). Development of small business and entrepreneurship-a springboard for ensuring macroeconomic stability. Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol, 27(2).
4. D Kosimova, B. Mullaboyev. Improving Human Resource Management in the Oil and Fat Industry Based on Structural Changes. International Journal of Advance and Innovative Research. (Impact factor 7.36)/Volume 08, –Isshue 02, January 2019, 41-46.
5. Д.С. Косимова. Саноат корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг йўналишлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №2, 2019.
6. Д.С. Косимова, С. Гульманов. Стратегическая эффективность управления потенциалом регионального агропромышленного комплекса//Региональная экономика: теория и практика. Т.18, №5, 2020. –С.951-965. <https://doi.org/10.24891/re.18.5.951> <http://fin-izdat.ru/journal/region/>
7. Қосимова Д.С. “Менежмент назарияси”. Дарслик. –Т.: Tafakkur bo‘stoni, 2015. –Б.336.
8. Адашев А.Ў. Корхоналарда инновацион ривожланишнинг таркибий асослари //Научное знание современности, №4, 2017. –С.8-12.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Исаков Азим Юсубжанович, PhD,
Наманган муҳандислик-технология институти*

Аннотация. Ушбу мақолада саноат корхоналарида инновациянинг туган ўрни ва аҳамияти ёритилган. Республикамиз шароитида илғор хориж тажрибасидан ижодий фойдаланиш имкониятлари, инсон капитали ва бошқа ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш имкониятини берувчи инновацион муҳитнинг шаклланиш омиллари ҳамда йўллари ўрганилган.

Таянч сўзлар: инновация, салоҳият, технология, инсон капитали, ишчи кучи, юқори технологик маҳсулот, инновацион фаолият, инновацион ихтисослашув.

Abstract. This article describes the role and importance of innovation in industrial enterprises. In the conditions of our republic, the possibilities of creative use of advanced foreign experience, factors and ways of forming an innovative environment, providing the possibility of effective use of human capital and other production factors, have been studied.

Keywords: innovations, potential, technologies, human capital, labor force, high-tech product, innovative activity, innovative specialization.

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётда инновацияларнинг кенг жорий этилиши халқаро миқёсдаги рақобатбардошликни ошириб, барқарор ривожланиш учун мустаҳкам замин яратади. Айниқса, саноат корхоналарида инновация фаолиятининг кенг йўлга қўйилиши тармоқ иқтисодий самарадорлиги ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат инновацион ривожланиш даражаси ҳамда саноат тармоғининг рақобатбардошлиги ўртасидаги корреляцион боғлиқлик орқали ҳам яққол намоён бўлади²⁷³.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарида инновация асосида самарадорликни ошириш, унинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Б. Санто, С. Кузнец, Й. Шумпетер, П. Сорокин, П. Друкер, Б. Твисс, А. Богатырев, Н. Кондратьев, Ю. Яковец кабиларнинг илмий асарларида атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъминлашда инновацион омилларнинг назарий жиҳатлари маҳаллий олимлар А.В. Вахабов, Ҳ.П. Абулқосимов, Т.С. Расулов, Н.М. Махмудов, А.М. Қодиров, А.Т. Ахмедова кабиларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган.

Методология. Мақолада қиёсий ва иқтисодий таҳлил, кузатувлар таҳлилларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижа. Ҳозирда жаҳон мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашда саноат корхоналари фаолиятига инновация лойиҳаларини жорий этиш орқали янги истеъмол қийматларини яратиш, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, миллий иқтисодиёт тармоқларининг глобал рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланиш индекси кўрсаткичларини оширишга устуворлик қаратиб келинмоқда.


Бугунги кунда саноат тармоғи ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, соҳада хўжалик юритишнинг турли шакллари янада такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон, 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармонларида “..миллий иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат ва қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация

²⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони, 06.07.2022.

қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш” зарурлиги таъкидланган²⁷⁴.

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида сифат ўзгаришларини таъминлаш учун нафақат мавжуд технологияларга суяниш, балки инновацион фаолиятни самарали қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга ҳам аҳамият қаратиш лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга интилиш инновациялар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун тадбиркорликни ресурсларга фойдали маблағ сарфламасдан, бозорга маҳсулотларни киритмасдан ва янги маҳсулотлар яратмасдан туриб, амалга ошириш мумкин эмас.



Инновацион ривожланишнинг барқарор иқтисодий ўсиш билан боғлиқлик даражаси

Юқоридаги расмдан кўринадики, иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ЯИМнинг мутлақ ортишигагина боғлиқ эмас, инновация фаолиятини жонлантиришга йўналтирилиши асосида инновацион

²⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон Фармони, 07.05.2018; “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон Фармони, 24.11.2018; “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони, 06.07.2022.

ривожланишга эришилади ва улар негизида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади²⁷⁵.

Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ҳажмини ошириш, унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу фаолият маълум иқтисодий чоратадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Самарали чоратадбирларни ишлаб чиқмай, инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш кўзланган самарадорликни бермаслиги мумкин.

Инновацион техника-технологиянинг иқтисодий самарадорлигини режалаштириш ва истиқболлаштиришда унинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларига, жумладан, фойда ва меҳнат унумдорлигининг ошиши, меҳнат, моддий ва капитал сифимининг пасайиши, маҳсулот таннархининг камайишига таъсир этиши ҳисобга олинади²⁷⁶.

Иқтисодиёти тараққий этган мамлакатлар амалиётида корхоналарнинг инновация муҳитини ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг манбаи сифатида тан олинган. Инновация муҳитини ривожлантириш нафақат алоҳида иқтисодий субъектнинг, балки бутун бир тизимнинг ҳам ривожланишини таъминловчи алоҳида асосий ўсиш манбаи ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг якуний натижаси сифатида саноат корхоналарида мавжуд инновация салоҳиятини баҳолаш, инновация лойиҳаларини ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш учун инновация муҳитини яхшилаш лозим.

Бизнингча, саноат корхоналарида янги техника-технология самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилишда унинг ижтимоий натижаларини ифодаловчи меҳнат шароитларини яхшилаш, хавфсизлик ва ишлаб чиқариш жараёнидаги қулайликларни таъминлаш, ходимлар билими ва малакасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ходимлар учун энг қулай шароит-шароитларни яратиш билан боғлиқ омилларни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар. Саноат тармоғида инновация фаолиятини самарали ривожлантиришда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

саноат тармоғида чуқур ислоҳотларнинг изчил ва самарали амалга ошириб бориш;

корхоналарга инновация лойиҳаси ва ғояларининг тижоратлашувини йўлга қўйиш мақсадида хусусий ва нодавлат инвесторларни жалб этиш;

тармоқ ва соҳалар кесимида юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни ривожлантириш бўйича давлат дастурларини қабул қилиш;

янги техника-технологияларни иқтисодий ривожланган мамлакатлардан олиб келган тадбиркорларга солиқ, бож тўловларидан чегирмалар эвазига

²⁷⁵ "Илм-фан ва инновацион ривожланиш" илмий журнали, №4, 2020. –Б.13.

²⁷⁶ "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. №4, 2017.

маълум муддатларгача уларнинг фаолиятига молиявий жиҳатдан давлат аралашувини камайтириш ва б.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш миллий корхоналарда инновация муҳитининг сезиларли даражада ортишига олиб келади. Бу эса, корхоналарда инновация жараёнларининг янада фаоллашуви, инновация муҳитининг яхшиланиши ва корхоналарнинг инвестиция жозибадорлиги билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони, 06.07.2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон Фармони, 24.11.2018.
3. Эрназаров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. –Т., 2020. 5-б.
4. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, 2017.
5. “Илм-фан ва инновацион ривожланиш” илмий журнали. №4, 2020. –Б.13.

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

*Болтаев Санжар Ботирович, кат. ўқит.,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази*

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти, хусусан, оилавий бизнес муҳим ўрин тутди. Маълумотларга кўра, “жаҳонда оилавий бизнес ўрта ҳисобда барча компанияларнинг 70 %ини қамраб олиб, бу кўрсаткич АҚШда 80 %гача, Финляндияда 94 %гача боради”²⁷⁷. Шунингдек, “тадқиқотчилар Ғарбий Европадаги кичик корхоналарнинг 68 %ини айнан оилавий корхоналар ташкил этишини аниқладилар”²⁷⁸. Мазкур тадбиркорлик шаклининг узоқ даврлик тарихи, унда оила ва бизнес аънаналарининг ўзаро самарали уйғунлашуви, бизнес юритишнинг содда ва қулайлиги, иштирокчилар манфаатларини тўлиқ қамраб олиши каби ўзига хос хусусиятлари унинг иқтисодиётдаги салмоғи аҳамиятли бўлишига имкон яратмоқда.

Жаҳонда оилавий бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, жумладан, тадбиркорликнинг мазкур шакли рақобатбардошлигини ошириш, “ишбилармонлик цикли”нинг барқарорлигини таъминлаш, оилавий муносабатлар ўзининг ижобий

²⁷⁷ Передача бизнеса детям. Источник информации: www.voxpupuli.kz.

²⁷⁸ Жданов А. Рифы семейного бизнеса. <http://www.wmnsfb.ru/rub/carier/391-rif.html>.

тавсифини тўлиқ намоён эта олувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклларни таркиб топтириш, хўжалик юритишнинг бошқа шакллари билан ўзаро таъсир ва алоқаларни тартибга солиш каби масалалар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий тадбиркорликнинг ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, ўрта мулкдорлар қатламини ўстириш орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш илмий тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Маълумки, оилавий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий моҳиятини қуйидагилар билан ифодалаш мумкин:

оилавий тадбиркорлик фаолиятларини ҳар бир вилоятнинг табиий ресурсларига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш уларнинг иқтисодий мавқеларини мустаҳкамлайди;

оилавий тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантириш миллий иқтисодиётни мустаҳкамлайди;

оилавий тадбиркорлик миллий иқтисодиётни эркин рақобат асосида ривожланишини таъминлайди;

оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши миллий даромаднинг ўсиб боришини таъминлайди;

Оилавий тадбиркорлик эркин бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш жараёнида ташкил этилиш шакли ва турларини ўзгартириб боради, шунингдек, ўз имконияти ва ташқи муҳит таъсирида фаолият турларини ўзгартириши, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши мумкин. Оилавий тадбиркорлик субъектларининг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг оилавий тадбиркорлик субъектларидаги улушининг республика ва вилоят кўрсаткичлари 1,5-2,0 %га фарқ қилган ҳолда ривожланмоқда.

Бозор иқтисодиёти асосида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда оилавий тадбиркорлик корхоналари бир неча асосий вазибаларни бажариб келмоқда, жумладан, янги иш жойларини ташкил этиб, иқтисодиётдаги керакли таркибий ўзгаришларнинг ижтимоий харажатларини тенглаштириб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодиётининг амал қилиш жараёнида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бу борада, хорижий давлатлар тажрибасини изчиллик билан ўрганишимиз зарурлигини кўрсатади.

Оилавий тадбиркорлик нафақат иқтисодий аҳамиятга, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир, уни қуйидагиларда ифодалаш мумкин:

оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши меҳнатга яроқли аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг моддий манфаатдорлиги ўсиб боришини ва ўсиб келаётган эҳтиёжларини тўла қондиришни таъминлайди;

оилавий тадбиркорлик ишга яроқли фуқароларнинг лаёқатини амалда тўлароқ кўрсатиш имконини ва жамиятда ўртаҳол мулкдорларнинг шаклланишини таъминлайди.

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётига мос турли мулкчиликка асосланган тадбиркорлик субъектлари шаклланди. Айрим мулк субъектлари хусусийлаштирилиб, хусусий-якка, хусусий-жамоа тадбиркорлик шаклларига айлантириб борилмоқда. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

Кичик бизнес субъектларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг мулкчилик шакллари тизими²⁷⁹

Тадбиркорлик шакллари	Тадбиркорлик соҳалари	Тадбиркорлик субъектлари	Мулкчилик шакллари
Хусусий-оилавий	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	фермер хўжаликлари; деҳқон хўжаликлари; томорқа ер эгалари.	Хусусий ва оилавий мулк
	Хизмат кўрсатиш	маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари; савдо корхоналари; пуллик хизмат кўрсатиш шахобчалари; туристик хизмат кўрсатиш корхоналари; касаначилик корхоналари ва б.	Хусусий ва оилавий мулк
	Қайта ишлаш	мева-сабзавотларни қайта ишловчи кичик корхоналар; якка тартибда донни қайта ишловчи кичик корхоналар.	Хусусий ва оилавий мулк
Хусусий – корпоратив	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	маъсулияти чекланган жамиятлар; агрофирмалар.	Жамоа мулки
	Хизмат кўрсатиш	Машина-трактор парклари (МТП), Муқобил машина-трактор парклари (ММТП); уруғлик билан таъминловчи корхоналар; ўғит билан таъминловчи корхоналар; сув истеъмолчилари уюшмаси; ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш корхоналари.	Жамоа мулки
	Қайта ишлаш	донни қайта ишловчи корхоналар; пахта тозалаш заводлари; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат асосида қайта ишловчи кичик корхоналар; агрофирмалар.	Жамоа мулки

²⁷⁹Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар олиб борган илмий изланишларни ўрганиш ва амалга оширилган монографик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда технологик жиҳатдан йирик бўлганлиги сабабли, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Мазкур соҳада фақат мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи оилавий тадбиркорлик субъектлари шаклланди. Агросанаот мажмуи соҳаларидаги турли мулкчиликка асосланган тадбиркорлик субъектларининг бир-бирига боғлиқ ҳолдаги фаолияти аграр муносабатларни вужудга келтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан олиб борилаётган демократик жамият қуриш, тўлақонли фаолият юритувчи ва хусусий мулкчилик устуворлигига асосланган бозор иқтисодиётини бунёд этишга қаратилган иқтисодий сиёсат бугунги иқтисодий ривожланиш стратегиясида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат бўлиши лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон Фармони, 24.11.2018.
2. Передача бизнеса детям. Источник информации: www.voxpopuli.kz.
3. Жданов А. Рифы семейного бизнеса. <http://www.wmnsppb.ru/rub/carier/391-rif.html>.

ИҚТИСОДИЁТДА КАМБАҒАЛЛИК МОҲИЯТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Холмирзаев Абдулхамид Хатизович, кат. ўқит.,
Наманган муҳандислик-технология институти*

Аннотация. Мазкур мақолада “камбағаллик” тушунчасининг мазмун-моҳияти ёритилган. Шунингдек, “камбағаллик” тушунчасининг эволюцион тарздаги изоҳлари тадқиқ этилган. Мақолада камбағалликни ифодаловчи турли тавсифлар келтирилган ҳамда муаллифнинг камбағалликни ифода этувчи назарий ёндашувлари шакллантирилган. Бундан ташқари, камбағалликни камайтириш бўйича турли ёндашувлар таҳлил этилиб, таҳлил натижаларига асосан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Ушбу тавсиялардан кўзланган асосий мақсад келгусида республика аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашдир.

Таянч сўзлар: камбағаллик, турмуш тарзи, ижтимоий табақа, ишсизлик, даромад, камбағаллашган омма, бандлик, жамоат манфаатлари, минимал талаблар.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Камбағаллик инсоният тарихида иқтисодий ҳодиса сифатида азалдан бўлиб келган. Мавжуд назарий тушунчалар “камбағаллик”ни иқтисодий категория сифатида турлича баҳолайди. Ушбу тушунчаларнинг қашшоқлик кўрсаткичлари мамлакатимиздаги салбий тенденцияни тавсифлайди.

Камбағалликнинг иқтисодий оқибатлари кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига ўз салбий таъсирини кўрсатади. Бундай оқибатлар аҳолининг харид қобилияти пасайиши, талаб таркибининг паст нарх сегментига қараб ўзгариши ва умуман, кичик бизнес ва турли тадбиркорлик корхоналарининг

иқтисодиётдаги ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир кўрсатишида намоён бўлади.

Камбағаллик – бу шахс ёки ижтимоий гуруҳ иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусияти бўлиб, инсоннинг ҳаёт кечиришида, меҳнат қобилиятини сақлаб қолишда, насл беришда зарур бўлган минимал эҳтиёжларининг маълум бир доирасини қондира олмасликни англатади. Шунинг учун камбағаллик жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Камбағаллик бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлади.

“Камбағаллик” тушунчасининг талқини турли хил ўзгаришларга дуч келди. Унинг табиати ва сабаблари, шубҳасиз, ҳар доим олимлар диққат марказидан жой эгаллаб келган. Социологлар, кўпинча, камбағалликни жамият ижтимоий ҳаётининг табиий ҳодисаси, деб қарайдилар. Камбағаллик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқдир, шунинг учун унинг намоён бўлиш шакллари вақт ва маконда фарқланади. Камбағалликнинг пайдо бўлиши жараёнлари ўзига хос тарихни яратган.

Камбағаллик қадим замонлардан мавжуд ва ҳозирги даврда жаҳон мамлакатларининг муайян аҳоли қатламини камраб олган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, камбағаллик турли давлатларда турлича даражаларда намоён бўлиб, бугунги кунда ҳам кенг тарқалган.

Иқтисодий таълимотлар тарихида камбағаллик бир қатор иқтисодчи олимлар эътиборини тортди. Осиё, антик ва феодализм жамиятларида бойлар ва камбағалларга бўлиниш инсоннинг шахсий қобилиятига унчалик боғлиқ бўлмаган; бунда эҳтиёжлар даражаси ва уларни қондиришлик шахснинг синфий ва ҳуқуқий ҳолатига боғлиқ эди. Чунки у даврларда турли ижтимоий гуруҳлар турли хил турмуш тарзига эга бўлган. Шунинг учун, қуйи табақаларнинг юқори қатламларнинг обрўли турмуш тарзига риоя қилишлари мумкин эмаслиги одатий ҳаёт меъёрлари сифатида қабул қилинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Қадимдан камбағаллик муаммоларини ҳал қилишга социологлар, иқтисодчи ва файласуфлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар туфайли бебаҳо ҳисса кўшиб келинган. Дастлаб қадимги файласуфлар: Конфуций, Ксенофон, Платон, Аристотель асарларида даромадларни нотекис тақсимлаш муаммоси ўрганилган. Улар жамиятда барқарорликни сақлаш учун синфларга бўлиниш ва имтиёзларни тақсимлашда адолат тамойилига асосланиш керак, деган фикрни билдирдилар²⁸⁰.

Масалан, қадимги Юнонистон файласуфлари ижтимоий табақаланиш моделини биринчи бўлиб тан олишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, “...Платон ўзининг “Давлат” (милоддан аввалги 428-347 йй.) асарида жамиятнинг икки қисмдан иборат табақаланишини кўрсатади. Бир қисми бойлардан, иккинчи қисми камбағаллардан иборат бўлиб, улар бирга яшаб

²⁸⁰ Беглова Е.И. Бедность как социально-экономическое явление. Автореф. дисс. ... д.э.н., 2014. –С.11.

туриб, бир-бирларига қарши фитна уюштирадилар”²⁸¹, деган тасаввурлар оммалашган.

Гегель камбағаллик ва бойликнинг турли хусусиятларини очиб берди. Гегель, камбағалликни шахснинг ва умуман, жамиятнинг маълум бир ҳолати сифатида ҳаракат қиладиган ижтимоий ҳодиса тарзида кўриб, “камбағал синф”, “камбағаллик”, “камбағаллашган омма”, “муҳтож” тушунчаларини илгари сурди. Шунингдек, у камбағалликнинг икки томонини ажратиб кўрсатди. Биринчиси объектив бўлиб, у мавжуд шароитларга боғлиқ бўлса, иккинчиси субъектив бўлиб, ахлоқий субъект соҳасини қамраб олади²⁸².

Француз олими П.-Ж. Прудон (1809-1865) томонидан камбағаллик ҳақида қизиқарли фикрлар билдирилган. Унинг фикрича, камбағаллик ижтимоий неъмат эди. П.-Ж. Прудон камбағалликнинг икки турини ажратиб кўрсатди. У биринчисини қиёсий ёки нисбий, иккинчисини эса мутлақ деб ҳисоблаган. Нисбий камбағаллик ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг кенгайиши натижасидир²⁸³. У, фақат меҳнат унумдорлигининг доимий ўсишигина камбағалликни енгиш учун ҳақиқий истиқболларни очади, деб ҳисоблаган.

Хусусан, Ч. Бут ва С. Раунтри асарлари камбағаллик ҳақидаги билимлар бўйича академик тадқиқотлар учун асос яратди ва кўплаб мамлакатлар сиёсатига бевосита таъсир кўрсатди. Камбағалликнинг асосини шахснинг ижтимоий ҳаётга муносабати, яъни кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой каби энг асосий эҳтиёжларини қондириш ташкил этади²⁸⁴.

Ч. Бут камбағалларни “оила учун ҳафтасига мунтазам даромадга эга бўлган ва етарли деб ҳисобланган одамлар”, деб атаган. Кимнинг ҳафталик даромади белгиланганидан кам бўлса, Ч. Бутнинг сўзларига кўра, бу тоифадаги одамлар жуда камбағалларга тегишли эди. Ч. Бут нуқтаи назаридан, “камбағаллар – бу маълум бир мамлакатда одатий ҳаёт стандартларига мувофиқ эҳтиёжлари қондирилмаганлар”дир²⁸⁵.

Француз иқтисодчиси Ф. Ле Плей камбағалликнинг мутлақ мезони сифатида оила бюджети асосида ҳисобланган камбағалликни олди. Фақатгина инсоннинг жисмоний яшаши учун зарур бўлган нарса ҳисобга олинди, шунинг учун харажатларнинг катта қисми озиқ-овқатга тўғри келди. Шунга кўра, мос равишда таълим ва турли ижтимоий эҳтиёжлар учун харажатлар оила бюджетидаги харажатларнинг энг кичик қисмини эгаллади²⁸⁶.

²⁸¹ Шугаева И.В. Методологические аспекты феномена бедности в современном обществе//Электронное научное издание “Ученые заметки ТОГУ”, Т.7, №4, 2016. –С.843.

²⁸² Гегель. Политические произведения. –М.: Наука, 1987. –С.530.

²⁸³ Прудон, П.-Ж. Бедность как экономический принцип: пер. с фр./П.-Ж. Прудон. –М.: Посредник, 1908. –С.29.

²⁸⁴ Шугаева И.В. Методологические аспекты феномена бедности в современном обществе//Электронное научное издание “Ученые заметки ТОГУ”, Т.7, №4, 2016. –С.844.

²⁸⁵ Boot Ch. Life and London of the people in London [El. resource]/Ch. Boot. –URL:<https://archive.org/details/lifelabourofpeop07bootiala>.

²⁸⁶ Шугаева И.В. Методологические аспекты феномена бедности в современном обществе//Электронное научное издание “Ученые заметки ТОГУ”, Т.7, №4, 2016. –С.844.

Неолиберализм тарафдори Ф. фон Хайек камбағалликни ўрганар экан, инсоният жамияти учун бу ҳодиса муқаррар, шунинг учун у жамоат манфаати учун фойдали бўлиши керак, деб таъкидлайди. Ф. фон Хайек бошқа ўтмишдошлар сингари давлат таъсирини чекловчи чора-тадбирлар орқали кўриб чиқди ва шахснинг ташқи омиллар таъсирида қашшоқликка учраши мумкинлигини ҳисобга олмаган ҳолда, ўзининг қашшоқлиги учун шахсни жавобгарликка тортди²⁸⁷.

Фикримизча, камбағаллик – инсон ёки оиланинг зарур ва муҳим эҳтиёжларини қондиришга имкон бермайдиган муҳтожлик аломати бўлиб, ҳаётий шарт-шароитлар, воситаларнинг етишмаслигини англатади. Камбағаллик замонавий жамиятнинг энг кескин ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Аслида мамлакатдаги “иқтисодий мақсадлар иқтисодий ўсишни қувватлаш, макроиқтисодий мувозанатга эришиш, инвестиция жараёнларини барқарор ривожлантириш бўлса, ижтимоий мақсадлар, биринчи ўринда, аҳоли бандлиги, аҳоли даромадларининг оширилиши ва камбағалликнинг қисқартирилишидир”²⁸⁸.

Иқтисодий адабиётларда “камбағаллик” тушунчасининг ягона таърифи йўқ. Мисол учун, Жаҳон банки тадқиқотчилари қашшоқликни энг кам турмуш даражасини сақлаб қолишнинг имкони йўқлиги, деб билишади. Ўз навбатида, британиялик иқтисодчи Э. Тирлволлнинг таъкидлашича, қашшоқлик нафақат даромад ва истеъмол даражасининг пастлиги, балки кўпинча, инсон ривожланишининг паст даражаси, биринчи навбатда, таълим олиш (ёки унинг етишмаслиги) ва сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш имкониятининг йўқлигидир. Бундан ташқари, у камбағаллар, кўпинча, кучсизлик, заифлик ва кўрқув туйғусини ҳис қилишларини алоҳида эътироф этади. Чунки бой фуқароларга қараганда, кўпроқ хавф остида ва деярли мумкин бўлган чегаралардан ташқарида яшайдилар²⁸⁹. Демак, камбағаллик туфайли инсоннинг нафақат турмуш тарзини сақлаб қолиш, балки унинг руҳий ҳиссиётларини тиклаш ҳам инсон омилининг ўзига хос муаммоларидан ҳисобланади.

Шунингдек, М.П. Тодаро ва С. Смит ҳозирги шароитда камбағал мамлакатларнинг мутлақ кўпчилигида, кенг қашшоқлик шароитида аҳолининг бой қатламлари ўз жамғармалари ва маблағларини кўпайтиришга интилмаётганлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтадилар²⁹⁰. Чунки камбағаллик муаммосини ҳал қилиш учун, умуман олганда, ички бозорда истеъмолни кенгайтириш, инсон капитали сифатини яхшилаш ва мамлакатда ишбилармонлик фаоллигини ошириш зарур тадбирлардан ҳисобланади.

²⁸⁷ Хайек, Ф.А. фон, Дорога к рабству: пер. с англ./Ф.А. Хайек. –М.: Экономика, 1992. –С.176.

²⁸⁸ Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: LESSON PRESS, 2021. –Б.116-117.

²⁸⁹ Thirlwall A.P. Economics of Development. Theory and Evidence (Ninth Edition)/A.P. Thirlwall. –Palgrave Macmillan, 2011. –P.678.

²⁹⁰ Todaro M.P., Smith S.C. Economic Development (12th Edition)/M.P. Todaro, S.C. Smith. –Pearson Education Limited, 2015. –P.860.

П. Таунсенд нисбий камбағалликка катта аҳамият берган, у томонидан кўлланилган асосий далил мутлақ камбағалликни бартараф этиш Англиядаги камбағалларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан содир бўлишини англатарди, уларнинг турмуш даражаси жамиятдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 50 ва 60- йилларда 40- йиллардагидан яхши эмас эди²⁹¹.

Нобель мукофоти лауреати, америкалик иқтисодчи Ж. Стиглицнинг фикрича, “камбағаллик омил сифатида вертикал ҳаракатчанликнинг пасайишига, айниқса, узоқ муддатли “ҳисса кўшади” ва бутун аҳолининг меҳнат унумдорлигини пасайтиради”²⁹².

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг методологик асоси тадбиркорлик фаолияти орқали камбағаллик даражасини пасайтиришни таъминлаш ва аҳоли даромадлари самарадорлигини оширишдан иборат. Таҳлил жараёнида таққослаш, тизимли таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Кузатув усули орқали тадбиркорликнинг ҳолати баҳоланган ва абстракт-мантикий фикрлаш орқали тегишли хулосалар шакллантирилган.

Жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммони ҳал қилиш йўллари топишга қаратилган саъй-ҳаракатлари жуда аниқ, чунки давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, халқларнинг бирлашиши ва фаровонлиги шароитида юз беради. Бу эса, ҳозирги куннинг вазифаси бўлган камбағалликнинг олдини олиш ва эҳтимол, уни камайтириш мақсадида камбағалликка қарши курашиш бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибани ўрганишни олдиндан белгилаб беради.

Россияда камбағаллик муаммоси XX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб тобора кенг ўрганила бошланди. Трансформацион ислоҳотларнинг дастлабки босқичида неолиберал ислоҳотчилар бозор эркинликлари тарафдорлари бўлгани ҳолда, ўзларининг назарий конструкцияларида мамлакат аҳолисининг қашшоқлашувига йўл қўймаслик бўйича институционал чоратадбирларга унчалик катта аҳамият бермадилар. Ўз-ўзидан, нотўғри ўйланган иқтисодий ислоҳотлар кам даромадли одамларнинг кескин кўпайишига олиб келди. Россиялик тадқиқотчиларнинг аксарияти О. Белокрылова, Т. Заславская, Н. Волгин, А. Махмутов, Н. Римашевская камбағалликнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турлари билан бир қаторда, аҳоли даромадларини ошириш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш тарафдорлари сифатида энг заиф қатламларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари бўйича таклифлар киритадилар²⁹³.

Камбағаллик муаммосига замонавий қарашлар тизимининг асосчиларидан бири машҳур инглиз социологи С. Роунтри бўлиб, унинг XIX-XX асрларда олиб борган ишлари ушбу кўпқиррали ҳодисани кейинчалик ўрганиб, унинг асосини яратди. Ушбу тадқиқотлар камбағалликни асосий

²⁹¹ Townsend P. Poverty in the United Kingdom/P. Townsend//Univ. of California. –Berkeley, 1979.

²⁹² Стиглиц Дж. Цена неравенства. Чем расслоение общества грозит нашему будущему: [пер. с англ.]. –М.: Эксмо, 2015. –С.161.

²⁹³ Александров Е.Л., Александрова О.Е. Меры борьбы бедностью: Зарубежный и отечественный опыт//Фундаментальные исследования, 2015. –С.102.

эхтиёжлар асосида ўрганиш, камбағалликни яшаш учун зарур ресурсларнинг етишмаслиги сифатида талқин этиш, камбағаллик чегарасини аниқлаш ва бошқа бир қатор асосий тушунчалар тизимини шакллантирди.

Хорижий ва маҳаллий олимларнинг асарларида “камбағаллик” тушунчасининг тавсифланиши²⁹⁴

Муаллиф	“Камбағаллик” тушунчасига берилган тавсиф
Пьер-Жозеф Прудон	“...цивилизация ҳолатида одам ўз танасини сақлаб қолиш ва руҳини ривожлантириш учун зарур бўлган нарсани меҳнат билан олади – кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас. Бизнинг ишлаб чиқариш ва истеъмолимизнинг бу қатъий ўзаро чекланишини, мен камбағаллик деб атайман...” (Камбағаллик иқтисодий тамойил сифатида, 1908)
Питер Таунсенд	“Агар жисмоний шахслар, оилалар ва аҳоли қатламлари, ўзлари яшайдиган жамиятда кенг тарқалган озуқалар турларига, шунингдек, ҳаёт, меҳнат ва дам олиш шароитлари билан таъминлаш учун етарли ресурсларга эга бўлмасалар, у ҳолда уларни камбағаллик ҳолатидадир, деб ҳисоблаш мумкин. Уларнинг ресурслари шахс ёки оилага қараганда, ўртача ҳажмдан анча паст бўлиб, ҳақиқатда бундай жамият оддий муносабатлардан, ҳаётини анъаналардан, фаолиятдан четлатилган ҳисобланади” (Буюк Британияда камбағаллик, 1979)
С.Н. Быкова, В.П. Любин	“Камбағаллик – бу нисбий тушунча. Бу даромаднинг йўқлиги эмас, балки жамиятнинг бошқа аъзолари даромадларига нисбатан даромад қийматининг етарли эмаслигидир” (Русча ва италянча камбағаллик, 1993)
С.С. Ярошенко	“Камбағаллик – бу инсоннинг ижтимоий гуруҳнинг, мамлакатнинг умумий қабул қилинган яшаш шароитларини сақлаб қолиш учун зарур бўлган ресурсларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги билан ажралиб турадиган ҳолати” (Гендерни истисно қилиш режимидаги камбағаллик, 2010).
Замонавий иқтисодий луғат	“Камбағаллик – бу шахс, оила, минтақа, давлат учун оддий ҳаёт ва ҳаётини фаолият учун мавжуд бўлган мулк қадриятлар, товарлар, пулларнинг ҳаддан ташқари етишмаслиги” (Современный экономический словарь, URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_67315/)
Википедия – эркин энциклопедия	“Камбағаллик – бу шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий аҳволига хос хусусият бўлиб, жамиятда ҳаёт, меҳнат қобилияти ва наслини сақлаб қолиш учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларнинг маълум бир доирасини қондира олмаслиқдир” (https://ru.wikipedia.org/wiki/Бедность)

Хусусан, ўзбек иқтисодчиларидан К.С. Саидов, М.М. Мухаммедов кабилар “камбағаллик тоифаси – одамларнинг моддий таъминланмаганлигининг ўзига хос ҳолати бўлиб, бунда бир киши ёки оиланинг даромади ҳаёт фаолияти учун социал-зарурий истеъмол даражасини таъминлашга имкон бермайди”, деб қайд этадилар. Уларнинг

²⁹⁴ Муаллифнинг турли илмий манбалар асосида ишланмаси.

фикрича, камбағаллик ҳар қандай иқтисодий тизим учун хос бўлиб, у кескинлашиб бориши мумкин.

Иқтисодчи Ш. Мустафақулов камбағалликка нисбатан ўз ёндашувини баён этиб, “камбағаллик” – турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳволининг кўрсаткичидир”, деб таъкидлаб ўтади²⁹⁵. Камбағаллик ҳолати ресурсларнинг узоқ муддат давомида етарли бўлмаслигини аввалги жамғармалар билан ҳам, қиммат товарларни харид қилишдан вақтинча тежаш ҳисобига тўпланган маблағ билан ҳам қоплаш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Камбағаллик – бу имкониятсизликдир, у инсоннинг қийинчиликларини англатадиган тушунча бўлиб, ҳатто, мавжудлик учун минимал талабларни қондиришга имкон бермайди. Камбағаллик нафақат даромад етишмовчилигини, балки журъатсизлик, кучсизлик ва юқори иқтисодий ишончсизликни ҳам бошдан кечиришни англатади. Жамиятни ташкил этувчи шахслар ёки оилаларга тегишли турли ресурсларнинг ўртача ҳажмдан анча паст бўлиб, жамиятдаги оддий муносабатлар, ҳаётий анъаналар, фаолиятдан четлатилган тақдирда камбағаллик юзага келади.

Камбағалликни, фикримизча, қуйидагича даражаларда таснифлаш ва даражаларга тегишлилиги бўйича аҳолини камбағалликдан чиқариш чораларини кўриш мумкин:

- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг юқори паст даражаси;
- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг ўрта паст даражаси;
- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг энг паст даражаси;
- аҳоли молиявий ҳолати барқарорлигининг инқироз даражаси.

Юқоридаги тавсияларимизга асосан, биз аҳолининг молиявий ҳолати барқарорлигини мазкур даражалар кесимида таҳлил қилсак ва ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминласак, мамлакат иқтисодиётига катта наф келтирган бўламиз. Шундай қилиб, тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириш ва аҳолининг иш билан бандлигини доимо мониторингдан ўтказиб туриш келажақда мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Александров Е.Л., Александрова О.Е. Меры борьбы бедностью: Зарубежный и отечественный опыт//Фундаментальные исследования, 2015. –С.102.
2. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: LESSON PRESS , 2021. –Б.116-117.
3. Беглова Е.И. Бедность ка социально-экономическое явление. Автореф. дисс. ... д.э.н., 2014. –С.11.

²⁹⁵ Мустафақулов Ш.И., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali, №1, 2020.

4. Boot Ch. Life and London of the people in London [El. resource]/Ch. Boot. –URL:https://archive.org/details/lifelabourofpeop07bootiala.
5. Гегель. Политические произведения. –М.: Наука, 1987. –С.530.
6. Мустафакулов Ш.И., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali, №1, 2020.
7. Прудон, П.-Ж. Бедность как экономический принцип: пер. с фр./П.-Ж. Прудон. –М.: Посредник, 1908. –С.29.
8. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: LESSON PRESS , 2021. –Б.116-117.
9. Стиглиц Дж. Цена неравенства. Чем расслоение общества грозит нашему будущему: [пер. с англ.]. –М.: Эксмо, 2015. –С.161.
10. Thirlwall A.P. Economics of Development. Theory and Evidence (Ninth Edition)/A.P. Thirlwall. –Palgrave Macmillan, 2011. –P.678.
11. Todaro M.P., Smith S.C. Economic Development (12th Edition)/M.P. Todaro, S.C. Smith. – Pearson Education Limited, 2015. –P.860.
12. Townsend P. Poverty in the United Kingdom/P. Townsend//Univ. of California. –Berkeley, 1979.
13. Хайек, Ф.А. фон, Дорога к рабству: пер. с англ./Ф.А. Хайек. –М.: Экономика, 1992. –С.176.
14. Собиров О.О. Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф., ТМИ, 2022.
15. Собиров О.О. Бошқарув ҳисобининг моҳияти ва уни ташкил этишда харажатларнинг ўрни. Scientific Journal of “Internatsional Financ&Accounting” –Т.: ТМИ, 2022. –Issue 4, –Б.1-10.

ВЛИЯНИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА СОКРАЩЕНИЕ БЕДНОСТИ

*Сатторий Файзуллох Абдужаббор угли, ст. преп.,
Ташкентский международный университет Кимё*

Аннотация. Основная цель данного исследования – проанализировать, как предпринимательство и фасилитаторы для развития предпринимательства могут повлиять на сокращение бедности и помочь улучшить предпринимательскую среду в странах мира. В этом исследовании мы использовали дедуктивный подход, при котором гипотезы проверяются на предмет применения в разных странах. Для оценки влияния предпринимательства и фасилитаторы для развития предпринимательства на уровень бедности использовалась модель Panel Fixed effect. В целом, результаты показали, что предпринимательство в странах по всему миру оказывает положительное и значительное влияние на сокращение бедности. Кроме того, фасилитаторы для развития предпринимательства повышают эффективность и потенциал предпринимательской деятельности по сокращению бедности.

Ключевые слова: предпринимательство, бедность, Индекс человеческого развития (HDI), экономическое развитие, предпринимательская активность.

Введение. Бедность является одной из основных проблем, с которым сталкиваются страны во всем мире. В течение последних трех десятилетий правительства разных стран и международные организации, такие как

“Всемирный банк”, “МВФ” и т.д. пытаются сократить бедность. Несмотря на это, сегодня почти 2,5 млрд человек по-прежнему проживает в нищете²⁹⁶.

Учитывая глобальных неожиданных факторов, которые негативно повлияли на мировую экономику и рост численности населения земли, планы Всемирного банка по “сокращению крайней бедности к 2030 году” может быть являются недостаточно быстрыми. В каждой стране существуют проблемы различных форм бедности. Вот почему определение бедности в развитых, развивающихся и слаборазвитых странах разное. Предпринимательство предлагает различные действенные приёмы и методы, позволяющие разорвать порочный круг бедности²⁹⁷.

По данным Всемирного банка, уровень бедности положительно снижался с 1985 по 2020 год. Несмотря на эти улучшения, нищета всё ещё существует в различных частях мира, особенно, в развивающихся и слаборазвитых странах. В настоящее время почти млрд человек по-прежнему живёт менее чем на 1,9 \$ в день, а почти 2,5 млрд человек живёт менее чем на 3,2 \$ в день²⁹⁸.

Согласно Глобальному индексу многомерной бедности, в 107 развивающихся и слаборазвитых странах 1,2 млрд человек живёт в условиях многомерной бедности²⁹⁹. Также пандемия COVID-19, начавшаяся в начале 2020 года, оказала негативное влияние на экономическое и социальное положение всех стран, что в свою очередь, привело к увеличению числа бедных в мире.

В этом случае, мы можем рассматривать предпринимательство как инструмент, помогающий сократить бедность. В последнее время наблюдается растущий интерес к поиску долгосрочного решения проблемы борьбы с бедностью во многих странах и к предпринимательству, которое во многих странах считается важным и стратегическим инструментом экономического роста за счёт поощрения инноваций, творчества и создания рабочих мест. А это оказывает значительное влияние на сокращение бедности и устойчивому развитию.

Многочисленные исследования показали, что усилия на предпринимательство могут вытащить людей из бедности, поощряя их к открытию собственного бизнеса, или же создавая возможности трудоустроится у других³⁰⁰. Они также отметили, что предпринимательство повышает производительность, инициируя новые инновации и творчество, а также ускоряя структурные изменения, тем самым усиливая конкуренцию между существующими предприятиями на рынке.

²⁹⁶ World Bank. (2017). Poverty and shared prosperity 2018: piecing together the poverty puzzle.

²⁹⁷ Hussain, M. D., Bhuiyan, A. B., & Bakar, R. (2014). Entrepreneurship development and poverty alleviation: An empirical review. *Journal of Asian scientific research*, 4(10), 558.

²⁹⁸ World Bank. (2020). Poverty and Shared Prosperity 2020: Reversals of Fortune. The World Bank.

²⁹⁹ UNDP and OPHI (2022). Global Multidimensional Poverty Index 2022: Unpacking deprivation bundles to reduce multidimensional poverty. United Nations Development Programme (UNDP), and Oxford Poverty and Human Development Initiative (OPHI), University of Oxford.

³⁰⁰ McMullen, J.S. (2011). Delineating the domain of development entrepreneurship: A market-based approach to facilitating inclusive economic growth. *Entrepreneurship Theory and Practice*, 35(1), 185-215.

Те же идеи поддерживаются Демпси, он утверждает, что предпринимательство способствует экономическому росту, социальному развитию и созданию новых рабочих мест, а также повышает социальное благосостояние и сокращает бедность.

Предпринимательство является движущей силой экономического роста как в развитых, так и в развивающихся странах, которое, как представляется, увеличивает общественное благосостояние за счёт создания новых отраслей и рынков, новых рабочих мест и увеличения доходов, что способствует повышению уровня жизни и, в конечном итоге, сокращению бедности.

Чтобы понять роль предпринимательства в борьбе с бедностью, необходимо проанализировать существующие данные, теории и барьеры, которые мешают экономике облегчить уровень бедности. Основной целью данной работы является: обосновать взаимосвязь между развитием предпринимательства и сокращением бедности; дать представление о самом предпринимательстве и его фасилитаторах (правительство, бизнес-инкубаторы и финансовые учреждения), а также о том, как предпринимательство и его фасилитаторы помогают улучшить деловую среду, что в конечном итоге играет значительную роль на уровень бедности.

В нашем исследовании мы использовали базу данных по предпринимательству Всемирного банка. Разработана методология сбора данных для систематического измерения предпринимательской активности в базе данных Всемирного банка по предпринимательству. Для облегчения межстрановых сравнений База данных по предпринимательству использует единицу измерения, источник информации и концепцию предпринимательства, которые используются и доступны в различных выборках стран-участниц. Этот процесс сбора данных включает переписку по электронной почте с коммерческими реестрами.

База данных Всемирного банка по предпринимательству определяется как количество вновь зарегистрированных фирм на 1000 человек трудоспособного возраста (в возрасте от 15 до 64 лет). Эти данные могут помочь понять тенденции создания новых фирм в разных регионах и группах доходов³⁰¹.

В этой работе HDI использовался как показатель бедности. Измерение уровня бедности по сопоставимым национальным или международным стандартам также представляет собой сложную задачу. Во многих странах, главным образом в менее развитых, темпы потребления являются предпочтительными показателями благосостояния.

Развитые страны определяют свои собственные пороги бедности, как правило, на основе равенства (или неравенства) индивидуальных или семейных доходов. Следуя денежной базе личных доходов или расходов, Всемирный банк ещё в 1990 году определил общий стандарт, который

³⁰¹ Cashin, P., Mauro, P., & Sahay, R. (2001). Macroeconomic policies and poverty reduction: Some cross-country evidence. *Finance & Development*, 38(2), 46.

представляет собой международную черту бедности. Черта бедности рассчитывается на основе нескольких методов и источников обследований³⁰².

Альтернативным показателем, который потенциально лучше подходит, является Индекс человеческого развития (HDI). Индекс человеческого развития состоит из образования, здоровья и достойного уровня жизни (ВНД на душу населения), что делает его лучшим выбором для использования в качестве косвенного показателя для измерения бедности (в качестве зависимой переменной) в работе.

HDI позволяет людям осваивать новые навыки, получать знания, получать необходимые ресурсы для улучшения своего образа жизни и вести здоровый образ жизни. Улучшение здоровья позволит людям расширить свои возможности для достижения своих целей и повысить уровень своей жизни, тогда как образование поможет людям осваивать новые навыки, знания и позволит им использовать свои возможности для создания новых предприятий. Улучшение здоровья и образования может помочь людям преодолеть бедность. Также, HDI имеет ряд преимуществ: это показатель благосостояния; он составляется с использованием единых источников данных и методологии во времени и по странам.

Обзор литературы. Согласно Сингеру³⁰³, “бедность означает отсутствие денег, товаров и услуг”. Он говорит, что лучший способ сокращения бедности и помочь людям — предоставить им доступ к базовому человеческому капиталу, а именно к образованию, здравоохранению и к жилью. Также он утверждает, что этого можно добиться благодаря предпринимательству, начав новый бизнес.

В документе Всемирного банка о концепции бедности основано, что: “Бедность – это голод. Бедность – это отсутствие крова. Бедность – это отсутствие доступа к основным услугам (здравоохранение, образование, водоснабжение, санитария). Бедность не позволяет найти работу”³⁰⁴.

Определение термина бедности в развитых странах отличается от того, что используется в развивающихся странах. Например, бедность в развивающихся и слаборазвитых странах означает “нет жилья, еды, медицинских и образовательных учреждений”³⁰⁵.

Ламмам и Макинтайр³⁰⁶ попытались определить бедность в развитых странах двумя способами: “Уровень ресурсов, необходимых для удовлетворения основных потребностей семьи” и “Ситуация, при которой один человек находится в худшем положении, чем другие члены общества”.

Более того, в некоторой литературе бедность определяется частично ограниченно, особенно в развитых и развивающихся странах, бедность – это

³⁰² World Bank, (2021). Entrepreneurship database. New business density (new registrations per 1,000 people ages 15-64).

³⁰³ Singer, A. E. (2006). Business strategy and poverty alleviation. *Journal of Business Ethics*, 66(2), 225-231.

³⁰⁴ World Bank. (2009). *Handbook on Poverty and Inequality*. The World Bank.

³⁰⁵ Lammam, C., & MacIntyre, H. (2016). An introduction to the state of poverty in Canada\ (978-0). Fraser Institute.

³⁰⁶ Sachs, J. (2005). The End of Poverty: Economic possibilities for our time. *International Journal*, 60(3), 849.

отсутствие дохода или финансовых ресурсов для удовлетворения основных потребностей людей³⁰⁷.

Сбор данных. В данном исследовании данные для индекса зависимой переменной HDI были собраны за период с 2016 по 2020 год из ежегодных докладов о человеческом развитии программы развития Организации Объединенных Наций (ПРООН), измеряющих бедность в странах, относящих к развитым и развивающимся соответственно. Годовые данные (2016–2020 гг.) для независимых переменных, включая предпринимательскую активность, фасилитаторы предпринимательства были собраны из различных источников, таких как отчеты “Doing business”, “World Bank Development Indicators” и из других источников.

Для достижения целей работы будет построена линейная регрессионная модель с использованием метода оценки панельных данных. И в этом исследовании будет использоваться следующая модель:

$$HDI_{it} = b_0 + b_1 * EA_{it} + b_2 * EF_{it} + b_3 * CF_{it} + u_{it}$$

Где: предпринимательская активность=EA, фасилитаторы предпринимательства=EF и контрольные факторы=CF. Здесь i=страны, t=годы с 2016 по 2020 год.

Анализ результатов регрессии

HDI	Coef.	Robu stSt.E rr.	t- value	p- value	[95 % Conf	Interval]	Sig
Ln_Entrepreneurship	.018	.004	5.11	0	.011	.026	***
c.Ln_Entrepreneurship#c. Ln_Business procedures	-.002	.002	-0.90	.366	-.007	.002	
c.Ln_Entrepreneurship#c. Ln_Cost of new business	-.003	.001	-3.87	0	-.004	-.001	***
c.Ln_Entrepreneurship#c. Ln_Days to start business	-.002	.001	-1.25	.211	-.004	.001	
c.Ln_Entrepreneurship#c. Corruption	-.001	.001	-0.55	.586	-.003	.002	
Ln_Urbanpop	.514	.039	13.30	0	.438	.591	***
Ln_Trade openness	.015	.004	3.65	0	.007	.023	***
Constant	-1.419	.166	-8.55	0	-1.746	-1.092	***
Mean dependent var	0.858		SD dependent var		0.071		
R-squared	0.616		Number of obs		290		
F-test	51.513		Prob > F		0.000		
Akaike crit. (AIC)	-2367.765		Bayesian crit. (BIC)		-2338.406		
*** p<.01, ** p<.05, * p<.1							

Source: Author's analysis

³⁰⁷ Acs, Z. (2006). How is entrepreneurship good for economic growth?. Innovations: technology, governance, globalization, 1(1), 97-107.

Чтобы найти подходящую модель для нашей регрессии среди моделей оценки панельных данных (Pooled OLS, Fixed effects, and Random effects models), были использованы тест Hausman и тест Breusch and Lagrange Multiplier³⁰⁸. Эти тесты помогли нам найти правильную модель. После проведения этих тестов мы выяснили, что модель Panel Fixed effects является наиболее подходящей моделью, и использовали эту модель для регрессии.

Предпринимательская деятельность. В нашем случае в качестве измерения предпринимательской активности использовался показатель Плотности нового бизнеса (New business density) Всемирного банка.

При изучении индивидуальных эффектов убеждаемся, что увеличение предпринимательской активности на 1 %, служит на увеличение Индекса человеческого развития (HDI) на 0,018 %, где значение вероятности подтвердило прямой и значительный эффект для всех стран. Этот прямой эффект связан с тем, что экономический рост будет происходить за счет высокого уровня регистрации бизнеса и его эффективного управления.

Концепция человеческого развития включает в себя усилия государственных служащих по улучшению медицинского обслуживания, социального обеспечения, образования и уровня жизни. Таким образом, рост человеческого развития может создать среду, в которой люди смогут максимально раскрыть свой потенциал и вести более совершенную и инновационную жизнь. Здоровый образ жизни и хорошее образование позволяют людям повысить свои способности и заработать достаточно денег для достижения своих целей и повышения уровня своей жизни. А это, в свою очередь, служит снижению бедности в странах. Предпринимательские фасилитаторы используются в качестве модераторов между предпринимательством и HDI.

Коэффициент количества процедур, необходимых для создания нового бизнеса отрицательный. Это указывает на то, что увеличение на 1 % количества процедур, необходимых для создания нового бизнеса, уменьшает способность новых субъектов бизнеса увеличить HDI на 0,002 %. Также он не является статистически значимым, поскольку значение вероятности этого коэффициента выше 0,05.

Коэффициент перекрестного производства предпринимательской активности и стоимости нового бизнеса отрицательный. Это указывает на то, что увеличение стоимости бизнеса на 1 %, снизит способность новых хозяйственных субъектов увеличить HDI на 0,003 %. Поскольку значение вероятности этого коэффициента меньше 0,05, он статистически значим. Отрицательный коэффициент показывает, что увеличение стоимости нового бизнеса создаёт препятствия для новых предприятий по созданию рабочих мест.

³⁰⁸ Amini, S., Delgado, M.S., Henderson, D. J., & Parmeter, C.F. (2012). Fixed vs random: The Hausman test four decades later. In Essays in honor of Jerry Hausman. Emerald Group Publishing Limited.

Коэффициент перекрестного произведения предпринимательской активности и количества дней, необходимых для открытия нового бизнеса отрицательный. Это указывает на то, что увеличение количества дней на 1 %, необходимых для открытия бизнеса, снизит способность новых субъектов бизнеса увеличить HDI на 0,002 %. Результаты показывают, что коэффициент количества дней, необходимых для старта не оказывает значительного влияния на взаимосвязь между HDI и предпринимательской активностью. Поскольку значение вероятности этого коэффициента выше 0,05, он не является статистически значимым. В целом, увеличение количества дней, необходимых для открытия нового бизнеса во всех странах, в той или иной мере препятствует к началу создания бизнеса и может служить демотивацией для людей, желающих начать собственное дело. Это может привести к сокращению рабочих мест, в последствии чего увеличивается число бедных в будущем.

Коэффициент перекрестного произведения предпринимательской активности и контроль над коррупцией отрицательный. Это указывает на то, что рост коррупции на 1 %, снизит способность новых субъектов бизнеса увеличить HDI на 0,001 %. Результаты показывают, что коррупция не оказывает существенного влияния на взаимосвязь между HDI и предпринимательской активностью. Поскольку значение вероятности этого коэффициента выше 0,05, он не является статистически значимым.

В целом, рост коррупции во всех странах в той или иной мере мешает начать бизнес и вести существующий бизнес. Кроме того, это может служить демотивацией для людей, чтобы начать свой собственный бизнес. Это может привести к сокращению рабочих мест и увеличению числа бедных в будущем.

Контрольные факторы. Результаты показывают, что существует высокая корреляция между городским населением и HDI. Увеличение населения в городских районах на 1 %, повлияет на человеческое развитие, которое увеличится на 51 %. Значение P равно 0,000 и это указывает на то, что оно статистически значимо. Это означает, что городская среда предоставляет людям множество более качественных услуг, чем сельская местность. Кроме того, у жителей городов больше возможностей для ведения бизнеса, чем у жителей сельской местности. А это, в свою очередь, создаёт широкие возможности для улучшения жилищных условий людей и занятия предпринимательской деятельностью³⁰⁹.

С другой стороны, оценочные результаты показывают, что повышение открытости торговли на 1 % имеет положительный и значительный эффект и увеличит HDI на 0,015 %. Это означает, что открытость торговли позволит людям освоить новые навыки и увеличить HDI, что сократит бедность в странах.

³⁰⁹ Nistotskaya, M., & Cingolani, L. (2016). Bureaucratic structure, regulatory quality, and entrepreneurship in a comparative perspective: Cross-sectional and panel data evidence. *Journal of Public Administration Research and Theory*, 26(3), 519-534.

Результаты исследования показывают, что предпринимательская деятельность оказывает прямое и существенное влияние на HDI для всех стран. Более того, наши результаты показывают, что модераторы (фасилитаторы предпринимательства), такого как стоимость бизнеса, имеет отрицательную и значительную связь с HDI во всех странах.

Литература:

1. World Bank. (2017). Poverty and shared prosperity 2018: piecing together the poverty puzzle.
2. Hussain, M.D., Bhuiyan, A.B., & Bakar, R. (2014). Entrepreneurship development and poverty alleviation: An empirical review. *Journal of Asian scientific research*, 4(10), 558.
3. World Bank. (2020). Poverty and Shared Prosperity 2020: Reversals of Fortune. The World Bank.
4. UNDP and OPHI (2022). Global Multidimensional Poverty Index 2022: Unpacking deprivation bundles to reduce multidimensional poverty. United Nations Development Programme (UNDP) ,and Oxford Poverty and Human Development Initiative (OPHI), University of Oxford.
5. McMullen, J.S. (2011). Delineating the domain of development entrepreneurship: A market-based approach to facilitating inclusive economic growth. *Entrepreneurship Theory and Practice*, 35(1), 185-215.
6. Cashin, P., Mauro, P., & Sahay, R. (2001). Macroeconomic policies and poverty reduction: Some cross-country evidence. *Finance & Development*, 38(2), 46.
7. World Bank, (2021). Entrepreneurship database. New business density (new registrations per 1,000 people ages 15-64)
8. Singer, A.E. (2006). Business strategy and poverty alleviation. *Journal of Business Ethics*, 66(2), 225-231.
9. World Bank. (2009). Handbook on Poverty and Inequality. The World Bank.
10. Lammam, C., & MacIntyre, H. (2016). An introduction to the state of poverty in Canada (978-0). Fraser Institute.
11. Sachs, J. (2005). The End of Poverty: Economic possibilities for our time. *International Journal*, 60(3), 849.
12. Acs, Z. (2006). How is entrepreneurship good for economic growth?. *Innovations: technology, governance, globalization*, 1(1), 97-107.
13. Amini, S., Delgado, M.S., Henderson, D.J., & Parmeter, C.F. (2012). Fixed vs random: The Hausman test four decades later. In *Essays in honor of Jerry Hausman*. Emerald Group Publishing Limited.
14. Nistotskaya, M., & Cingolani, L. (2016). Bureaucratic structure, regulatory quality, and entrepreneurship in a comparative perspective: Cross-sectional and panel data evidence. *Journal of Public Administration Research and Theory*, 26(3), 519-534.

ПРЕИМУЩЕСТВО ЭКСПОРТА ДЛЯ МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА

*Мусрединова Тамила Исметовна, преп.,
Наманганский филиал Ташкентского
международного университета Кимё*

Аннотация. В статье рассмотрены преимущества малого и среднего бизнеса (МСБ) в целом, определены основные проблемы на пути к экспорту. Также определены основные

преимущества и поэтапные цели к достижению оптимизации экспорта и прибыли компании.

Ключевые слова: экспорт, малый бизнес, прибыль, стратегия, внешний рынок, конкурентоспособность, преимущества, рынки сбыта, внешняя торговля, виды рынков, оборотные средства.

Актуальность темы исследования. Развитие малого бизнеса на современном этапе развития мировой экономики является одним из важных факторов в обеспечении её устойчивого роста. На сегодняшний день наибольшая доля продвижения продукции и услуг субъектов малого бизнеса на внешние рынки принадлежит таким странам как: Китай, Евросоюз, США, Германия, Япония, Франция, Канада и т.д.

В мировой практике исследования, посвящённые вопросам совершенствования механизма продвижения продукции и услуг субъектов малого бизнеса на внешние рынки занимают особое место.

В Узбекистане со стороны правительства принимаются важные меры по повышению экспортного потенциала республики посредством активной поддержки деятельности предприятий-экспортёров. В частности, в Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы предусмотрено:

дальнейшее повышение экспортного потенциала республики и доведение объёмов экспорта республики к 2026 году до 30 млрд \$ США. Увеличение экспорта автотранспортных средств в три раза и доведение до 1 млрд \$ США;

увеличение экспорта туристических, транспортных, информационных и иных услуг, в т.ч. услуг программирования, в 1,7 раза, с доведением объёмов их экспорта до 4,3 млрд \$ США;

совершенствование системы оказания организационной и финансовой помощи предприятиям-экспортёрам;

увеличение доли готовой продукции и полуфабрикатов в структуре экспорта в 3,3 раза, расширение экспорта готовой продукции в европейские страны в рамках системы GSP+;

увеличение количества предприятий-экспортёров с 6500 до 15000 и географии экспорта – с 115 до 150 стран за счёт совершенствования системы содействия экспорта в зарубежные государства продукции отечественных производителей;

реализация идеи “Новый Узбекистан – страна конкурентоспособной продукции”, в т.ч. путём открытого конкурсного отбора 200 компаний для оказания всесторонней поддержки в трансформации их в ведущие экспортёры-страны. Создание свободных торговых зон на приграничных территориях с соседними государствами³¹⁰.

В силу относительно небольшого опыта функционирования и обладания недостаточно сильным потенциалом в данной области возникает необходимость решения поставленных задач в области организации

³¹⁰Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы. Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28.01.2022.

продвижения продукции и услуг на внешние рынки субъектов малого бизнеса. Объем экспорта продукции субъектов малого предпринимательства за январь-декабрь 2022 года составил 5695,8 млн \$ США, из них малые предприятия – 3725,8 млн \$ США и микрофирмы – 1916,6 млн \$ США. В разрезе территорий наибольший объем был отмечен в городе Ташкенте – 966,6 млн \$ США, Ташкентской – 617,5 млн \$ США, Андижанской – 472,9 млн \$ США, Наманганской – 253,5 млн \$ США и Ферганской – 426,5 млн \$ США областях.³¹¹

Можно не спорить, что у компаний, которые заинтересовались экспортом и планируют выход на внешние рынки возникает ряд преимуществ и возможностей, что является большим плюсом экспортной деятельности любого предприятия. Но проблема заключается в другом, не каждый может осознать эти преимущества и реализовать их в дальнейшем на своей практике.

Одной из актуальных причин является неверное распределение усилий: руководство компании практически разрывается, стремясь охватить необъятное, или наоборот, фокусируются на одном преимуществе, забывая про остальные. При этом следует помнить, что основное преимущество в экспортной деятельности заключается даже не в новых рынках сбыта и прибыли, а в совершенно другом отношении к своему бизнесу, к своей работе. Коротко поговорим про основные преимущества экспортной деятельности для компаний малого, а также постараемся определить, как использовать преимущества экспорта на практике. Если рассматривать глубоко, соответственно необходима или индивидуальная консультация или тренинг, а кроме этого, компания может обратиться в свою региональную Торгово-промышленную палату или Центр поддержки экспорта, они есть практически в каждом городе и уточнить все интересующие вопросы.

Преимущество №1. Совершенно иной взгляд на бизнес и развитие компании. Конечно, возникает сразу вопрос: “А как же новые рынки сбыта, как же прибыль?”. Но, на мой взгляд, основным преимуществом является именно повышение уровня компании, которая хочет экспортировать свою продукцию на внешние рынки и выйти на международную арену. Компании необходимо расширить свои конкурентные преимущества своей продукции, возможно даже не расширить, а осознать и понимать реальную конкурентоспособность своей компании и продукции на международном рынке.

Понимание конкурентоспособности очень важный и ответственный шаг, для того чтобы в дальнейшем: сохранить свою прибыль; не допустить заимствования продукции со стороны зарубежных партнёров/конкурентов; вовремя понять и оценить угрозы и риски на внутреннем рынке; и это только начало, дальнейшая информация требует комплексной экспертной диагностики и анализа предприятия в целом.

³¹¹ <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/35789-kichik-tadbirkorlik-subyektlarin-eksport-hajmi-2>.

Конечно, можно задействовать избыточные производственные мощности, но на практике их нет, так как бизнес в большинстве своём оптимизирован под конкретный рынок и конкретные объёмы производства. Если так, то из этого следует, что экспортёрам придётся либо инвестировать свои ресурсы в развитие преимуществ, либо отказаться от внутреннего рынка. В данном случае, рекомендуется сохранять баланс и не совершать резких действий, трезво оценить перспективу внутреннего и внешнего рынка в последующие 3-5 лет.

Кроме этого, необходимо очень внимательно рассматривать разные способы взаимодействия с зарубежными партнёрами. Ваш зарубежный партнёр может сделать за вас всю тяжелую работу (тяжелую для вас, но лёгкую для него) или наоборот создать вам множество барьеров сам того не желая. Риски и барьеры — это другая сторона, сейчас в этой статье мы рассматриваем преимущества экспорта.

Преимущество №2. Экспорт — способ расширить рынок сбыта. Международная торговля даёт возможность любому бизнесу продавать товар на мировом арене, обеспечивая выход конкурентоспособной продукции на мировые рынки. Конечно, в теории причины выхода компаний на мировые рынки очевидны, это: ограничения потребительской способности внутреннего рынка; достижение оптимального сочетания маркетинговых усилий и получаемых продаж на внутреннем рынке (вопрос в том, “кто определил эту оптимальность? И возможно во внутреннем рынке есть скрытый потенциал?” — Задумайтесь об этом?!).

Но это теория, на практике все проще: международные рынки манят новой прибылью и это именно так: просто и прагматично. И сразу у владельцев компании возникают сомнения о возможностях своей компании и выпускаемой продукции с точки зрения конкурентоспособности на международном рынке и очень часто звучит вопрос: “А кому нужна чужая продукция, когда и своих производителей довольно много в любой стране?” Я считаю, что любой вопрос имеет под собой аргументы и доводы, но продуманная стратегия экспортной деятельности, изучение внешних рынков, правильное построение отношений с партнёрами по бизнесу даёт возможность открыть новое для себя и своей компании.

Нужно отметить один из способов изучения экспортной деятельности — это изучение конкурентов и лидеров отрасли и не просто изучение, а заимствование интересного для внедрения совершенствования своей компании.

В идеале для успеха в экспортной деятельности необходимо обладать уникальным продуктом или технологиями, но в жизни это не всё так просто: можно назвать множество примеров, когда компании выходили на рынок с распространённой и низкокачественной продукцией. Почему? В идеале, необходимо понимать и доносить до потенциальных партнёров несколько преимуществ вашей продукции, фокусируясь не на уникальности в целом, а

на чём-либо конкретном. И уже отталкиваясь от конкретики начинать изучать рынок и продвигать на нём свою продукцию.

Вы можете выпускать абсолютно дешёвую и низкокачественную продукцию, которая не имеет спроса даже на внутреннем рынке, но экспорт данной продукции в Африку или Индонезию может представлять просто колоссальный интерес для данного рынка. Тут речь идёт о видах рынка, виды рынка с точки зрения экспортной деятельности делятся на три: незаполненный рынок, заполняющийся и заполненный. Именно к незаполненному рынку и относится Африка и Индонезия в моем примере.

Разумеется, преимущества действительно уникальных продуктов и технологий никто не отменял, но далеко не каждая компания данным преимуществом обладает. Зато, каждая компания может найти своё небольшое, но конкретное преимущество, правильно его донести зарубежным партнёрам и попытаться реализовать данную продукцию на внешних рынках.

Преимущество №3. Экономическая рентабельность экспорта. Все мы понимаем, что экспорт довольно затратное направление для компании, с другой стороны, компания может обладать нереализованным производственным потенциалом, который может стать дополнительным источником увеличения прибыли для компании. Поэтому, с экономической точки зрения, экспорт позволяет увеличить прибыль компании за счёт: увеличения объёма сбыта продукции; увеличения объёма производства и снижения издержек; использования налоговых и финансовых выгод для предприятий-экспортёров.

Данные вопросы всегда требуют дополнительного изучения и довольно тщательного анализа, но всё же, для многих компаний экспорт является очень рентабельным. Исходя из этого, можно сказать, что любой малый бизнес если будет следовать грамотной стратегии может организовать экспорт своей продукции на внешние рынки и получать хорошую прибыль!

Литература:

1. Ясин Е. Конкурентоспособность и модернизация российской экономики//Вопросы экономики, №7, 2004. –С.4-32.
2. Белов А.И. Показатели и факторы конкурентоспособности национальной экономики//“Известия” ПГПУ им. В.Г. Белинского. №24, 2011. –С.204-211.
3. Schumpeter, J.A., (1934), *The Theory of Economic Development: An Inquiry into Profits, Capital, Credit, Interest and the Business Cycle*, translated from the German by Redvers Opie, New Brunswick (U.S.A) and London (U.K.): Transaction Publishers.
4. Martin Carree and Roy Thurik, “Understanding the role of entrepreneurship for economic growth” –ISSN 05-14, December 2005, 1-2.
5. Battilana, J., and T. Casciaro. 2012. “Change Agents, Networks, and Institutions: A Contingency Theory of Organizational Change.” *Academy of Management Journal* 55(2): 381–398.
6. Официальный сайт Национального информационного агентства Узбекистана www.ziynet.uz-Зиёнет ахборот портали.

MAMLAKAT RAQOBATBARDOSHLIGINI TA'MINLASHDA INNOVATSIYALARNING O'RNI

*Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, kat. o'qit.,
Toshkent moliya instituti*

Annotatsiya. Maqolada, avvalo, tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishda innovatsiyalarning ahamiyati ko'rib chiqilgan, shuningdek, innovatsiya jarayoni bosqichlari hamda innovatsion tadbirkorlikning turlari yoritilgan. Shuningdek, mamlakatimizda innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirish haqida xulosalar shakllantirilgan.

Tayanch so'zlar: innovatsiya, investitsiya, ilm-fan, raqobat, tadbirkorlik, samaradorlik, ijtimoiy-iqtisodiy samara.

Innovatsiyalar iqtisodiyotni modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash, uning jadal sur'atlar bilan rivojlanishi va raqobatbardoshligini ta'minlash, mamlakatning jahon hamjamiyatidagi o'rni va nufuzini yanada oshirishning eng muhim omillaridan hisoblanadi. Shu sababli, bugungi kunda har bir davlat o'z iqtisodiyoti barqarorligini ta'minlash, aholi farovonligini oshirishda innovatsiya imkoniyatlaridan keng foydalanishga katta e'tibor qaratmoqda. Xususan, mamlakatimizda ham iqtisodiyotga innovatsiyalarni keng joriy qilish, sanoat korxonolari va ilm-fan muassasalarining kooperatsiya aloqalarini rivojlantirish taraqqiyot strategiyasining bosh maqsadlaridan biri sifatida belgilangan³¹².

Mamlakatimiz qonunchiligida "Innovatsiya – fuqarolik muomalasiga kiritilgan yoki shaxsiy ehtiyojlar uchun foydalaniladigan, qo'llanilishi amaliyotda katta ijtimoiy-iqtisodiy samaraga erishishni ta'minlaydigan yangi ishlanma" sifatida ta'riflanadi³¹³.

"Innovatsiya" tushunchasi (ing. "innovation" – "kiritilgan yangilik", "ixtiro") "yangilikka investitsiya kiritish" ma'nosida ishlatiladi. "Innovatsiya" tushunchasi iqtisodiyotga XX asr boshlarida kirib kelgan. Avstraliyalik iqtisodchi olim Y. Shumpeter 1900-yillarda o'z ilmiy ishlarida innovatsiyalarga oid masalalarni ko'rib chiqqan va iqtisodda ushbu termini ilmiy qo'llashga kiritgan dastlabki olimlardan hisoblanadi. Y. Shumpeter innovatsiyani tadbirkorlik faoliyatini iqtisodiy rivojlantiradigan manba sifatida izohlaydi. U tadbirkorlik innovatsiyalarining asosiy besh turini alohida ko'rsatib o'tadi³¹⁴:

- 1) yangi texnika, yangi texnologik jarayonlarni amaliyotda qo'llash;
 - 2) yangi xossalarga ega mahsulotlarni tatbiq qilish;
 - 3) yangi xomashyodan foydalanish;
 - 4) ishlab chiqarishni tashkil etishdagi va uning moddiy-texnik ta'minotidagi o'zgarishlar;
 - 5) mahsulot (xizmat) sotishning yangi bozorlarining yuzaga kelishi.
- Iqtisodiy adabiyotlarda "innovatsiya" tushunchasiga ko'pchilik mualliflar

³¹² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni, 28.01.2022.

³¹³ O'zbekiston Respublikasining "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi O'RQ-630-son Qonuni, 24.07.2020.

³¹⁴ Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. –М.: Эксмо, 2007. –С.234.

tomonidan turlicha yondashuvlar keltirilgan. Aksariyat mualliflar yangilik kiritishni iqtisodiy tatbiq etish jihatidan, ya'ni yangi resurslarni tashkil etish yoki mavjud bo'lganlarining noan'anaviy holda yangicha ishlatilishini nazarda tutadilar.

Jahon banki tomonidan mazkur atama mazmuniga berilgan ta'rifda ham o'ziga xoslikni ko'rish mumkin: "Innovatsiya – texnologiyalarni anglatadi yoki ushbu jamiyatda nimadir yangi narsa amaliyotda qo'llanilishini anglatadi"³¹⁵.

Bir guruh mamlakatimiz iqtisodchi-olimlarining xulosasiga ko'ra, innovatsiya – bu yuqori iqtisodiy va ijtimoiy samara olish maqsadida ishlab chiqarish jarayoniga ilg'or ilm-fan yutuqlarini joriy etish yo'li bilan yangi tovarlar yaratish yoki ishlab chiqarilayotgan tovarlar sifatini oshirishdir³¹⁶.

Innovatsiya faoliyati bu – u yoki bu faoliyat sohasida samaradorlikni oshirish maqsadida yangi texnika-texnologiyalarni yaratish, ish-faoliyatni boshqarishning takomillashgan usul va shakllarini ishlab chiqish hamda ularni joriy etishga qaratilgan ilmiy-ijodiy faoliyat³¹⁷.

Innovatsiyaga har qanday turdagi yangilik sifatida emas, balki mavjud tizimning samaradorligini jiddiy ravishda oshiradigan omil sifatida qarash o'rinlidir. Innovatsiya har bir sohada bo'lishi mumkin. Masalan, fanda, uning bir yo'nalishida yirik yangiliklarga erishish, kashfiyotlar yaratish, izlanishlarda, ilm sohasida yangi ilm va bilimlarni ochish, texnika-texnologiyalarning yangi avlodini yaratish, ishlab chiqarish sohalarida, xizmat ko'rsatishda yangi usullarni kiritish kabilar shular jumlasidandir. Iqtisodiyotda esa fan, texnika-texnologiyalar sohalarida erishilgan eng so'nggi yutuqlarni qo'llashni bildirishi mumkin.

Innovatsiya faoliyati qaysi sohada bo'lmasin, kashfiyotlar, e'lon qilingan yangiliklar, texnika-texnologiya yutuqlari va texnologik jarayonlarni yangilash, mahsulot bilan ta'minlash va boshqa yo'nalishlardagi barcha yangiliklarni tizimli ravishda uzluksiz joriy etib borishni ta'minlash jarayonidir.

Tashkiliy boshqarish va marketing sohasidagi tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, o'z mahsulotlari va xizmatlarini raqobatchilardan farqlash maqsadida innovatsion jarayonni qo'llaydigan kompaniyalar va tashkilotlar strategik va moliyaviy jihatdan ikki barobar ko'p muvaffaqiyatga erishadilar. Raqobatchilar, odatda, innovatsion tashkilotlar hajmi yoki moliyaviy ko'rsatkichlaridan qat'i nazar, ular uchun xavf tug'dirayotganini ta'kidlashadi.

Demak, innovatsiya yangi mahsulot va xizmatlarni yoki ularning komponentlarini yaratish, ishlab chiqarish va qo'llash yoki tashkilotning bir yoki bir nechta manfaatdor tomonlarning qiziqishlari uchun yangi tartib yoki jarayonni qo'llashni anglatadi. Mahsulot va xizmat jarayoni yoki tadbiri butunlay yangi bo'lishi shart emas, balki tashkilotning o'zi uchun yangi bo'lishi kerak.

Innovatsiya an'anaviy va yangi ilm-fan sig'imi yuqori bo'lgan tarmoq sohalarida iqtisodiy o'sishni va raqobatbardoshlikni doimiy ravishda ta'minlovchi

³¹⁵ Innovation Policy A Guide for Developing Countries. The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank. 1818 HStreet, NW, 2010. –P.28. (P.436.)


³¹⁶ Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – T.: Iqtisod–moliya, 2014. –B.463.

³¹⁷ Nasirov E., Asamxodjayeveva Sh. Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish. –T.: Iqtisod – moliya, 2020. –B.266.

zaruriy vosita sifatida namoyon bo‘ladi.

Innovatsiyalarning o‘sishi rivojlangan mamlakatlar uchun xos bo‘lsa-da, lekin rivojlanayotgan hamda o‘tish iqtisodiyotidagi mamlakatlarda ham innovatsiya zarur ahamiyat kasb etadi. Texnologiyalarni bir mamlakatdan boshqa mamlakatda ishlab chiqarilishning yo‘lga qo‘yilishi nafaqat ular qilgan ishlarni taqlid qilishni, balki uni mamlakatning o‘ziga xos sharoitlariga moslashtirishni ham talab qiladi. Innovatsiyalar, shuningdek, rivojlanayotgan mamlakatlar duch kelayotgan ayrim muayyan, lekin juda muhim muammolarni hal etish uchun ham zarur.

Umuman olganda, innovatsion jarayon – bu yangilikning g‘oyadan to mahsulotgacha shakllanishi va bozorga tarqalishidir (1-rasm).



1-rasm. Innovatsion jarayon bosqichlari³¹⁸

Demak, innovatsion jarayon bosqichlarini uchga bo‘lib o‘rganish mumkin:

1-bosqich – bu yangi g‘oya va bilimlarning yaralishi bilan bog‘liq;

2-bosqich – bu yangilikni (novatsiya) amaliy faoliyatga tatbiq etish, ya’ni innovatsiya;

3-bosqich – bu innovatsiyalar diffuziyasi. Ya’ni, innovatsion mahsulot, xizmat va texnologiyalarning yangi makon va sharoitlarda qo‘llanilishi.

Shunday qilib, “innovatsiya” tushunchasi barcha sohalardagi (ishlab chiqarish, ilmiy-tadqiqot va b.) ishlanmalar, yangiliklar va takomillashtirilgan vositalar sifatida sarf-xarajatlar imkoniyatlarini ta’minlaydi yoki bo‘lmasa, ularni ta’minlash uchun sharoit yaratadi.

Mazkur faoliyatni amalga oshirish, so‘zsiz, mablag‘lar sarfi, ya’ni investitsiyalar bilan bevosita bog‘liqdir. Shu sababli, mablag‘ kiritish bilan bog‘liq innovatsiya faoliyatini innovatsion investitsiya faoliyati, deb atash maqsadga muvofiq keladi.


Tadbirkorlik taraqqiyoti novatorlikdadir, ya’ni eskini ijodiy yondashuv asosida buzib, yangisini ijod etishdadir. Taniqli Avstriya iqtisodchisi Y. Shumpeterning fikriga ko‘ra, texnologiya taraqqiyoti iqtisodiy yuksalishni boshqaradi, novatorlik, ya’ni doimiy ijodiy yondashuv va yaratuvchanlik rivojlanishni ta’minlaydi. Uning fikricha, innovatorlikni amalga oshiruvchisi bo‘lib tadbirkor xizmat qiladi, moliyaviy mablag‘lar esa uning ta’minotini tashkil etadi.

Demak, tadbirkorlik, o‘z mohiyatiga ko‘ra, ijodkorlik, yaratuvchanlik, yangilikni tatbiq etmoqlik, tashabbuskorlik negizida tadbirkorlik, uddaburonlik, intiluvchanlik va doimiy rivojlanmoqlikni anglatadi. Ushbu jihatdan, tadbirkorlik

³¹⁸ Iqtisodiy adabiyotlarni o‘rganish natijasida muallif tomonidan shakllantirildi.

faoliyati innovatsiya faoliyatidan boshqa narsa emasdir. Haqiqiy tadbirkorlik negizida novatorlik, yangilikni kiritish, hayotga tatbiq etish yo‘li bilan rivojlanishni ta‘minlash yotadi. Tadbirkorlik taraqqiyoti intiluvchanlikda, novatorlikda, yangiliklarni tatbiq etmoqlikda, tavakkal qilmoqlikda, qaltislikka qo‘l urmoqlikda, o‘z qarorlaridan qaytmaslikda va mas‘uliyatni seza bilmoqlikdadir. Bularning jami innovatsiya faoliyatiga ham xos bo‘lgan belgilar bo‘lib, tadbirkorlik taraqqiyotini yuksaltirish omili sifatida xizmat qiladi.

Innovatsion tadbirkorlik uch asosiy turga bo‘linadi: mahsulot innovatsiyasi; texnologiya (ishlab chiqarish) innovatsiyasi; ijtimoiy innovatsiya (2-rasm).



2-rasm. Innovatsion tadbirkorlik jarayonining turlari³¹⁹

Tadbirkorlikni innovatsiya faoliyatisiz his qilib bo‘lmaydi, ushbu jihatdan tadbirkorlik faoliyati oddiy biznesdan farq qiladi. Tadbirkorlik taraqqiyoti novatorlikda, erkin bozor talablarini bilmoqlikda, ularning istiqbolini his etmoqlikda, ularga mos tovar-xizmatlarni yetkazmoqlikda va shu yo‘l bilan o‘z maqsadlariga erishmoqlikdadir. Faqat innovatsiyalarga tayangan holda tadbirkorlikni yuritish tadbirkorlik faoliyati maqsadiga xos bo‘lgan yutuqlarni va yuqori daromadni ta‘minlaydi. Bunda tadbirkorlik faoliyati erkin raqobat muhitida sinmaydi, u faol rivojlanadi, taraqqiyotga erishadi, yuksaladi.

Mamlakatimizda faol innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirishga qaratilgan qulay shart-sharoitlarni yaratish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

Mahalliy ilmiy va innovatsion ishlanmalarni tijratlashtirish va ishlab chiqarishga joriy qilish maqsadida mamlakatda innovatsion tadbirkorlikning rivojlanish darajasini oshirishni qo‘llab-quvvatlaydigan Intellektual mulk markazi, innovatsion texnoparklar, O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish agentligi, Innovatsion rivojlanish va novatorlik g‘oyalarini qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi, Innovatsion g‘oyalar, ishlanmalar va texnologiyalar markazlari va boshqa shu kabi tashkilotlar tashkil etildi.

Tadbirkorlik oddiygina faoliyat emas, u yaratuvchanlikka mos va xos faoliyatdir. Tadbirkorlikni yuritish va yuksaltirish uchun tadbirkor ijodiy xislatga ega bo‘lishi kerak. Tadbirkor o‘z ishini boshlar ekan, uni u aniq bir jarayon sifatida tasavvur qila olishi va bilishi zarur.

Tadbirkorlikka xos bo‘lgan xislatlarga quyidagilar kiradi: tashabbuskorlik;

³¹⁹ Iqtisodiy adabiyotlarni o‘rganish natijasida muallif tomonidan shakllantirildi.

yaratuvchanlik; ijodkorlik; yangilikka intiluvchanlik; o'zining g'oyasiga ega bo'lmoqlik; tavakkalchilik va qaltislikni o'z bo'yniga olmoqlik; novatorlik, eskini buzib, ijodiy ravishda yangilikni kiritmoqlik, ya'ni doimiy rivojlanmoqlik; faoliyat oqibatlarini ko'ra bilmoqlik; o'z majburiyatlarini bajarmoqlik; o'z qaroridan qaytmaslik; uddaburonlik va doimiy intiluvchanlik, yaratuvchanlik. Shu xislatlarga ega bo'lganlarga tadbirkorlikni aniq jarayon sifatida tasavvur qila oladilar, innovatsion yondashish qobiliyatiga ega bo'la oladilar, yangilikni yaratish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Yaxshi o'qitilgan ishchi kuchi bo'lsa, kompaniyalarda innovatsiyalarni rag'batlantirish ehtimoli ko'proq. Xodimlarni, hatto, minimal darajada o'qitishni ta'minlaydigan firmalarning yangi mahsulotni joriy qilish va yangi jarayonni amalga oshirish ehtimoli deyarli 8 %ga ko'p³²⁰.

Xulosa qilib aytganda, innovatsiya – biznesda takomillashtirilgan mahsulot yoki xizmatlar sifatida yangi talab yoki bozor ulushining ortishi hisobiga korporativ o'sishga sabab bo'ladi, biznes jarayonlari va texnologiyalarning takomillashgani natijasida unumdorlikning o'sishiga va umumiy iqtisodiy diversifikatsiyaga olib keladi. Kompaniya darajasidagi innovatsiyalar raqobatbardoshlik va barqarorlik hamda mamlakatning uzoq muddatli rivojlanish istiqbollari uchun juda muhim omil hisoblanadi. Shu sababli, innovatsion tadbirkorlikni har jihatdan qo'llab-quvvatlash zamon talabidir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi O'RQ-630-son Qonuni, 24.07.2020.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni, 28.01.2022.
3. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. –М.: Эксмо, 2007. –С.234.
4. Innovation Policy A Guide for Developing Countries. The International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank. 1818 HStreet, NW, 2010. –P.28. (P.436.)
5. Mamatov B.S., Xo'jamqulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. –T.: Iqtisod–moliya, 2014. –B.463.
6. Nasirov E., Asamxodjayeva Sh. Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish. –T.: Iqtisod–moliya, 2020. –B.266.
7. Sameer Khatiwada, Rosa Mia Arao. What Role Does Human Capital Play in Innovation? <https://blogs.adb.org/blog/what-role-does-human-capital-play-innovation>.

ПОЙАБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИДА ИННОВАЦИЯНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

*Мирзаев Кобил Носиржонович, тадқиқотчи,
Наманган муҳандислик-технология институти*

³²⁰ Sameer Khatiwada, Rosa Mia Arao. What Role Does Human Capital Play in Innovation? <https://blogs.adb.org/blog/what-role-does-human-capital-play-innovation>.

Аннотация. Мақолада пойабзал ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларида анъанавий ва инновацион технологиялар иқтисодий кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, кичик бизнес субъектларида инновация технологияларини жорий қилиш самарадорлиги бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: инновация, анъанавий технология, инновация технологияси, соф фойда, рентабеллик, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, иқтисодий самарадорлик.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда жамият ҳаётида инновация тизими шу даражада жадал ривожланмоқдаки, иқтисодиётда инновациянинг қамров даражаси кундан-кунга ўсиб бормоқда, ва натижада, инновация худди фойдали қазилмалар, ишлаб чиқариш қувватлари ва интеллектуал салоҳият каби мамлакатнинг асосий бойлигига айланиб бормоқда. Президент Ш. Мирзиёев айтганидек, “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун, биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз”³²¹.

Республикамизда инновацияни қўллаб-қувватлаш ҳамда уни кичик бизнес субъектларида қўллаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида бу тизим тобора мустақамланиб, унинг республикамиз иқтисодиётидаги ўрни, иш билан таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи йилдан-йилга ошмоқда.

Бугунги кунда инновацияни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасида саноатнинг барча тармоқларида, айниқса, кичик бизнес субъектларида замонавий ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ, инновацион технологияни пойабзал ишлаб чиқаришда қўллаш ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича етарлича тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шунинг учун, пойабзал ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш ва уни амалиётда қўллашни қуйидаги кўрсаткичларда ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир:

- 1) 1 кунлик пойабзал ишлаб чиқариш ҳажми, жуфт;
- 2) 1 жуфт пойабзалнинг жами ишлаб чиқариш харажати, минг сўм;
- 3) 1 жуфт пойабзал сотиш баҳоси, минг сўм;
- 4) йиллик пойабзал ишлаб чиқариш ҳажми, жуфт;
- 5) жами ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм;
- 6) йиллик пойабзал ишлаб чиқариш қиймати, минг сўм;
- 7) 1 жуфт пойабзал таннархи, минг сўм;
- 8) 1 жуфт пойабзалга сарфланган меҳнат, киши/соат;
- 9) жами соф фойда, минг сўм;

³²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 22.12.2017.

- 10) 1 жуфт пойабзалга соф фойда, минг сўм;
- 11) 1 киши/соатда 1 жуфт пойабзалга соф фойда, минг сўм;
- 12) рентабеллик, %.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Инновациянинг моҳияти ва аҳамияти классик иқтисодиёт мактаби намояндаси А. Смитнинг айирбошлаш назарияси ва ишлаб чиқариш назарияси ўртасидаги муносабатларни тавсифловчи инновацион ишларида қайд этилган. Яна бир иқтисодчи олим Д. Рикардо кишлоқ хўжалигидаги инновациялар ва ресурсларни тежашга асосланган иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини асослаб берди. К. Маркснинг фикрича, кейинги иқтисодий циклдан чиқиш инновация фаолиятининг фаоллашуви билан боғлиқдир.

Рус олими Н.Д. Кондратьев “Узоқ тўлқинлар” номли кашфиётида ушбу тўлқинлар билан маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришда технология ва воситаларнинг тубдан ўзгариши бўлган технологик жараёнларнинг ўзгариши билан боғлиқлигини кўрсатган. Кейинчалик унинг назарияси С.Ю. Глазев томонидан давом эттирилиб, у технологик жараёнларнинг ўзгаришини жамиятнинг инновацион янгиланиши билан боғлади. Австриялик иқтисодчи Шумпетер инновациянинг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омили сифатидаги аҳамиятини асослаб берди, шунингдек, инновациянинг бозор иқтисодиётида айланишини тадқиқ қилди. Унга кўра, иқтисодиёт эволюцияси тузилиши ва янгисини ишлаб чиқиш унинг эскисини йўқ қилиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, иқтисодчи олим М.В. Познер ўз илмий асарида, фирма технологик инновацияларни жорий этиш орқали рақобатбардош устунликларга эга бўлишини, бу эса, таннархнинг камайишига олиб келишини кўрсатди. М.Ю. Портер эса, ўзининг инновацияга бўлган илмий ёндашувида дунёнинг етакчи мамлакатлари иқтисодиётининг 100дан ортиқ тармоқлари рақобатбардошлигини таҳлил қилиш асосида корхоналар ўзларининг рақобатбардош устунликларига, жумладан, инновацияларни жорий этиш ва ишлаб чиқаришни яхшилашга эътибор қаратишлари зарур, деган хулосага келди.

Тадқиқот методологияси. Пойабзал ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларига инновацион технологияни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, кичик бизнес субъектлари йиллик статистик ҳисоботларини таҳлил қилиш ва таққослаш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инновацион технологиянинг моҳияти пойабзал ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун барча зарур технологик шароитларни яратиб бериш асосида хомашё ресурсларидан юқори ва сифатли пойабзални ишлаб чиқариш, шунингдек, пойабзал ишлаб чиқариш таннархини камайтириш ва маҳсулот рентабеллигини оширишдир. Бундан ташқари, инновацион технология пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмининг

оширилишини таъминлаб, пойабзал сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита туртки беради.

1-жадвал. “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖдаги аънавий технологияда ҳамда “ELEGANT PODOSHVA KLASS” МЧЖдаги инновацион технологияда пойабзал ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги қиёсий таҳлили³²²

Т/р	Кўрсаткичлар	Анъанавий технология бўйича	Инновацион технология бўйича	Инн. тех-янинг анъан. тех-яга нисбатан фарқи	
				+ , -	%
1.	1 кунлик пойабзал ишлаб чиқариш қуввати, жуфт	100	594	494	494
2.	1 жуфт пойабзалнинг жами ишлаб чиқариш қиймати, минг сўм	75,7	70,2	-5,5	-7,2
3.	1 кунлик пойабзал ишлаб чиқариш қиймати, минг сўм (1x2)	7570,0	41698,8	34128,8	450,8
4.	1 жуфт пойабзал нархи, минг сўм	103,5	103,5	0	0
5.	Йиллик пойабзал ишлаб чиқариш ҳажми, жуфт	28000	47907	19907	710,9
6.	Жами сотилган маҳсулот таннархи, минг сўм, (5x8)	1923600,0	3022931,7	1099331,7	57,1
7.	Йиллик пойабзал ишлаб чиқариш қиймати, минг сўм (2x5)	2119600,0	3363071,4	1243471,4	58,7
8.	1 жуфт пойабзал таннархи, минг сўм (6:5)	68,7	63,1	-5,6	-8,2
9.	Йиллик ҳақиқатда сарфланган иш вақти, киши/соат	36146	36146	0	0
10.	1 жуфт пойабзалга сарфланган меҳнат, киши-соат (5:9)	0,77	1,33	0,55	71,4
11.	Жами соф фойда, минг сўм (7-6)	196000,0	340139,7	144139,7	73,5
12.	1 жуфт пойабзалга соф фойда, минг сўм (4-8)	34,8	40,4	5,6	16,1
13.	Бир киши/соатга соф фойда, минг сўм (11:9)	5,42	9,41	3,99	73,5
14.	Рентабеллик, % (11:6x100)	10,2	11,3		1,1

Инновацион технологиянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда унинг иқтисодий кўрсаткичларини амалда қўлланилаётган анъанавий

³²² “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖнинг 2022 йил якуни бўйича статистик ҳисоботи ва Уйчи туманидаги “ELEGANT PODOSHVA KLASS” МЧЖ томонидан Хитойнинг “QUANZHOU BAIYU MACHINERY TECHNOLOGY CO.” LTD корхонасидан сотиб олинган CF-1610T маркали инновацион технологиянинг техник паспорти маълумотлари.

технология билан бажарилган кўрсаткичларга таққослаш мақсадга мувофиқдир. Бунда, биз инновацион технологиянинг иқтисодий самарадорлигини қанча ўсганлигини билишимиз мумкин бўлади. Юқоридаги 1-жадвалда инновацион технологиянинг анъанавий технология билан қиёсий таҳлили келтирилган.

Бугунги кунда бозорда сифатли ва арзон пойабзалга талаб тобора ошиб бормоқда. Пойабзалга бўлган талабнинг қондирилиши ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, 7-17 ёшгача ўсмирлар пойабзалини ишлаб чиқариш ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлиқ қондириш борган сари қийинлашиб бормоқда. Чунки, мамлакатимизда аҳолининг кундан-кунга ўсиб бориши баробарида пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмини мос равишда оширишга тўғри келмоқда.

Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 2022 йил якунига вилоятда жами аҳоли сони 2994671 нафарни ташкил этиб, ёш гуруҳлари бўйича ажратилганда, 7-17 ёшдаги ўсмирлар сони 630838 нафарни ёки жами аҳолига нисбатан 21,1 %ни ташкил этади. 2018 йил якунида эса жами аҳоли сони 2752880 нафарни ташкил этгани ҳолда, 2022 йилга қараганда 241791 нафарга ёки 8,1 %га ошганлигини қайд этиш мумкин. Шунингдек, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 7-17 ёшдаги ўсмирлар сони 71895 нафарга ёки 11,4 %га ошгани таҳлил жараёнида маълум бўлди. Наманган вилояти туманлари кесимида 2018-2022 йиллардаги 7-17 ёшдаги ўсмирлар сони қуйида кўрсатиб ўтилган (2-жадвал).

Жадвалга кўра, 2018-2022 йилларда вилоятда аҳоли сони ошиб борган. Айниқса, Косонсой туманида 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 7-17 ёшдаги ўсмирлар сони 4931 нафарга ёки 110,3 %га ошганини кўришимиз мумкин. Бу эса, туманда пойабзал ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари томонидан 7-17 ёшдаги ўсмирларга тўғри келувчи 30-39 ўлчамдаги пойабзаллар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни тақозо этади.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Косонсой туманидаги жами 47907 нафар 7-17 ёшдаги ўсмирларни тўлиқ пойабзал билан таъминлаш учун шунча миқдорда пойабзал ишлаб чиқариш зарур бўлади. Шунинг учун, “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖда замонавий инновацион технологиядан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланди. Бунда, Наманган вилояти Уйчи туманида жойлашган “ELEGANT PODOSHVA KLASS” МЧЖдаги инновацион технологиянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖда амалда фойдаланилаётган анъанавий технологиянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таққосланди (2-жадвал).

Анъанавий ва инновацион технологияларни таққослаш жадвали маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2022 йилда “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖда амалда фойдаланилаётган анъанавий технология асосида 1 кунда жами 100 жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, 1 кунлик пойабзал ишлаб чиқариш қиймати 7570,0 минг сўмни ташкил этади. Шунингдек, 2022 йилда 1 жуфт пойабзал таннархи 68,7 минг сўм бўлгани

ҳолда, унинг сотилиш нархи 103,5 минг сўм бўлган ва кичик бизнес субъектида мавсумий иш режаси асосида меҳнат фаолиятини амалга оширган жами 56 нафар ишчи ходимлар томонидан жами 36146 соат вақт бирлиги сарфланиб, жами 28000 жуфт 7-17 ёшгача ўсмирлар пойабзали ишлаб чиқарилган.

2-жадвал. Наманган вилоятида 2018-2022 йилларда 7-17 ёшдаги ўсмирлар сони бўйича маълумот³²³

Туманлар/ йиллар	2018	2019	2020	2021	2022	2022 йилда 2018 йилга нисбатан фарқи	
						(+, -)	%
Наманган вилояти бўйича жами аҳоли сони	2752880	2810843	2867441	2931056	2994671	241791	108,1
Ш.ж.: жами 7-17 ёш ўсмирлар сони	558943	573895	591298	611068	630838	71895	111,4
Наманган ш.	132210	135508	141563	146569	151575	19365	112,8
Мингбулоқ т.	25707	25910	26322	26886	27450	1743	106,3
Косонсой т.	42976	44566	45615	46761	47907	4931	110,3
Наманган т.	35673	36913	37642	39189	40736	5063	112,4
Норин т.	31218	32435	33717	34908	36099	4881	113,5
Поп т.	42116	43319	44593	45704	46815	4699	110,0
Тўрақўрғон т.	41112	42219	43730	45522	47314	6202	113,1
Уйчи т.	44249	45427	46263	47795	49327	5078	110,3
Учқўрғон т.	33632	34554	35498	36948	38398	4766	112,4
Чортоқ т.	39365	40608	42179	43821	45463	6098	113,4
Чуст т.	46915	48026	49276	51398	53520	6605	112,3
Янгиқўрғон т.	43770	44410	44900	45567	46234	2464	105,3

Хитойнинг “QUANZHOU BAIYU MACHINERY TECHNOLOGY CO.” LTD корхонасидан CF-1610T маркали лазерли инновацион технология “ELEGANT PODOSHVA KCLASS” МЧЖ томонидан 2022 йилда 15000 АҚШ \$га сотиб олинган бўлиб, ҳозирда ушбу технологиянинг ишлаш функцияси корхона амалиётига татбиқ этилмоқда. CF-1610T маркали инновацион технологиянинг ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашда унинг техник паспорти маълумотларидан фойдаланилди. CF-1610T маркали инновацион технологиянинг 1 соатлик пойабзал ишлаб чиқариш ҳажми 150 жуфтни ва 1 кунлик электр сарфи 14 кВт ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда, “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖда пойабзал

³²³ Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. www.namstat.uz

ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қайта ҳисобланиб, таҳлил қилинди.

“Косонсой Ал-Азиз” МЧЖ мисолида CF-1610T маркали инновацион технологиянинг 1 кунлик пойабзал ишлаб чиқариш ҳажми 594 жуфтни ташкил қилади, яъни тумандаги жами 7-17 ёшдаги ўсмирлар сонидан келиб чиқиб кичик бизнес субъектида 2022 йилда ишчи-ходимлар томонидан жами ишланган иш вақти ҳисобга олинган. Демак, тумандаги 7-17 ёшли ўсмирларнинг пойабзалга бўлган талаби 47907 жуфтни ташкил этади. Ваҳоланки, туманда фақат 7-17 ёшдаги ўсмирлар учун 30-39 ўлчамли пойабзал ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъекти “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖ бўлиб, 2022 йилда жами 28000 жуфт пойабзал ишлаб чиқарилган ва талабни тўлиқ қондириш учун қўшимча 19907 жуфт пойабзал ишлаб чиқариш керак бўлади.

Бундан ташқари, 1 жуфт пойабзалнинг таннархига эътибор берадиган бўлсак, анъанавий технологияда 68,7 минг сўм бўлса, инновацион технологияда 63,1 минг сўмни ташкил қилади. Сабаби, CF-1610T маркали инновацион технологиянинг кунлик электр сарфи 14 кВт бўлиб, ҳозирги вақтдаги харажат суммаси 6300 сўмни ташкил этади ва 1 жуфт пойабзал учун 10,6 сўмга тўғри келади. Анъанавий технологияда эса бу харажат 1063 сўмни ташкил этади. Шунингдек, анъанавий технологияда кунлик банд ходимлар сони 3 кишини ташкил этса, инновацион технология эса 1 кишини банд қилади. Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига асосан пойабзал ишлаб чиқариш таннархи таркибидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий суғуртага ажратмалар суммаси камайган.

2022 йил якунида “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖ соф фойдаси анъанавий технология бўйича 196000,0 минг сўм бўлган бўлса, инновацион технологияда 340139,7 минг сўмни ташкил этади ва соф фойда миқдори 73,5 %га ошган. Шунингдек, рентабеллик кўрсаткичи анъанавий технологияда 10,2 % бўлган бўлса, инновацион технологияда 11,3 %га эришиш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, инновацион технологияда меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи бўйича ижобий натижага эришилгани таҳлил давомида кузатилди. Жумладан, анъанавий технологияда 1 киши 0,77 жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга 1 соат вақт сарфлаган бўлса, инновацион технологияда эса ушбу вақт оралиғида 1,33 жуфт пойабзал ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Шунингдек, анъанавий технологияда 1 кишига 1 соатда 5,42 минг сўм соф фойда тўғри келган бўлса, инновацион технологияда эса 1 кишига 1 соатда 9,41 минг сўм ёки 73,5 %га кўп соф фойда тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлил якунида шуни таъкидлаш жоизки, 7-17 ёшдаги ўсмирлар пойабзалини ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларида инновацион технологияни ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий қилишнинг қуйидаги йўналишларини таклиф этамиз:

кичик бизнес субъектларида пойабзал ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни давлат томонидан қўллаб қувватлаш;

пойабзал ишлаб чиқаришга бевосита алоқадор бўлган инфратузилма объектларини замонавий инновацион технологиялар асосида қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш;

замонавий илм-фан ютуқлари билан ўзаро узвий боғлиқликда пойабзал ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босувчи арзон ва сифатли бўлган хомашё ресурсларининг келиб чиқиш манбаларини аниқлаш ва уни қайта ишлаб чиқариш жараёнига йўналтириш;

пойабзал ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари сонини ошириш;

кичик бизнес субъектларида амалда фойдаланилаётган технологияларни янги ва замонавий инновацион технологияларга алмаштириш;

пойабзал ишлаб чиқариш саноатида соф рақобат муҳитини яхшилашда кичик бизнес субъектлари ролини ошириш;

халқаро бозорда кучли бозор позициясига эга бўлган пойабзал ишлаб чиқарувчи хорижий компания ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда пойабзал ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва шу лойиҳалар асосида инвестиция маблағларини ўзлаштириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 22.12.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сон қарори, 05.02.1999.
3. Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов/А. Смит. –М.: Изд-во социально-экономической литературы, 1962. –С.684.
4. Рикардо, Д. Начало политической экономики и налогового обложения/Д. Рикардо; пер. с англ. П. Сраффа. –М.: Эксмо, 2007. –С.960.
5. Маркс, К. К критике политической экономии: сочинение/К. Маркс//сочинения/К. Маркс, Ф. Энгельс. –2-е изд. –М.: Государственное изд-во политической литературы, 1959. Т.13. –С.772.
6. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения: избранные труды/Н.Д. Кондратьев, Ю.В. Яковец, Л.И. Абалкин. –М.: Экономика, 2002. –С.767.
7. Глазьев, С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития/С.Ю. Глазьев. –М.: ВладДар, 1993. –С.310.
8. Шумпетер, Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия/Й.А. Шумпетер; пер. с нем.: В.С. Автономов, М.С. Любский, А.Ю. Чепуренко; пер. с англ.: В.С. Автономов и др. –М.: Эксмо, 2007. –С.864.
9. Posner, M.V. International Trade and Technical Change/M.V. Posner//Oxford Economic Papers. New Series.–1961.–Vol. 13, No.3.–P.323-341.–URL:https://www.jstor.org/stable/2662034?seq=1#page_scan_tab_contents.
10. Портер, М.Ю. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран: пер. с англ. –М.:Международные отношения,1993. –С.896.
11. “Косонсой Ал-Азиз” МЧЖнинг 2022 йил якуни бўйича статистик ҳисоботи ва Уйчи туманидаги “ELEGANT PODOSHA KLASS” МЧЖ томонидан Хитойнинг “QUANZHOU BAIYU MACHINERY TECHNOLOGY CO.” LTD корхонасидан сотиб

олинган CF-1610T маркали инновацион технологиянинг техник паспорти маълумотлари.

12. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. www.namstat.uz.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ РЫНКА ТРУДА ИТ-СФЕРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

*Отакузиева Сурайё Алишеровна, исследователь,
НИЦ “Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана” при ТГЭУ*

Аннотация. Основной целью статьи является разработка актуальных выводов и предложений путём анализа показателей официальной занятости в сфере информационных технологий (ИТ) Узбекистана в региональном разрезе.

Ключевые слова: цифровая экономика, рынок труда, занятость в сфере ИТ, уровень образования.

Актуальность темы. Цифровая экономика считается драйвером развития национальных экономик и под её влиянием трансформируются все социально-экономические сферы, особенно, возникают новые направления, возможности и вызовы для развития сферы ИТ.

Одним из основных направлений адаптации к условиям цифровой экономики является формирование и развитие человеческого потенциала в ИТ-сфере, подготовка и переподготовка сформированных в этой сфере трудовых ресурсов в конкурентоспособные кадры в соответствии с требованиями рынка труда.

Широкое внедрение цифровых технологий в социально-экономические сферы Узбекистана, а также достижение цифрового дивиденда будут зависеть от количественных и качественных показателей специалистов в сфере ИТ, обладающих современными цифровыми знаниями и навыками в нашей стране.

Обзор литературы. В последние десятилетия многие зарубежные специалисты, специалисты из стран СНГ и отечественные ученые освещают вопросы занятости в данной сфере на основе различных подходов. В литературе, изученной в рамках нашего исследования, много научных работ посвящено вопросам системы образования в сфере ИТ и соразмерности навыков ИТ-специалистов спросу рынка труда.

Опираясь на исследования европейских и американских учёных, развитие современной области ИТ повышает позиции национальных экономик на мировом рынке, уровень квалификации специалистов в этой области определяет их конкурентоспособность на рынке труда³²⁴.

В настоящее время образовательные ИТ-программы в системе высшего образования не соответствуют спросу на современном рынке труда, и этот

³²⁴ Llorens-Garcia, A., Llinas-Audet, X., & Sabate, F. (2009). Professional and interpersonal skills for ICT specialists. *IT professional*, 11(6), 23-30.

процесс оказывает негативное влияние на развитие национальных экономик, вызывая замедление в межрегиональном инновационном развитии³²⁵. Во многих развивающихся странах программы обучения ИТ не соответствуют мировым стандартам³²⁶.

По мнению российских исследователей, сфера информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) считается одной из наиболее динамично развивающихся сфер, и подготовка в ней качественных кадров должна соответствовать спросу работодателей на рынке труда³²⁷.

Как приводится в исследованиях отечественных учёных, важнейшим для будущей рабочей силы является приобретение знаний и навыков в области ИТ. Необходимость в приобретении таких навыков возникает не только у ИТ-специалистов, но и у всех работников различных профессий. Этот процесс известен как обновление квалификации³²⁸.

В условиях цифровой экономики сформировалась модель “креативного человека”, согласно которой, чтобы оставаться конкурентоспособным кадром на рынке труда, требуются высокие творческие способности от специалистов, работающих во всех областях, особенно, в сфере ИТ³²⁹.

Методы. В статье использованы методы исследования научной абстракции, эмпирической, описательной статистики, сравнительного и динамического анализа.

Результаты и обсуждение. В результате ряда реформ в области развития цифровой экономики в Узбекистане почти все показатели развития ИТ-сектора за последние годы выросли в несколько раз³³⁰. В частности, по состоянию на 1 января 2022 года численность кадров в юридических лицах, работающих в сфере ИКТ в республике, составила 53782 человека, и этот показатель увеличился в 1,6 раза по сравнению с 2015 годом (рис.-1). Данный показатель имеет заметное различие между городом Ташкентом и другими регионами. К 2022 году около 65 % специалистов осуществляют свою деятельность на предприятиях ИТ в г. Ташкенте, 5 % в юридических лицах Ташкентской и 4 % в Ферганской областях соответственно. На долю других регионов приходится наименьшая часть (рис.-2).

³²⁵ Maryska, M., Doucek, P., & Novotny, O. (2012). Requirements of companies on the knowledge ICT specialists for the ICT administrator role. *Procedia-Social and Behavioral Sciences*, 46, 4389-4393.; Vorisek, J., Feuerlicht, G. (2006). The Impact of Global ICT Trends on Demand Characteristics for ICT Professionals in the CR.

³²⁶ Kori, K., Altin, H., Pedaste, M., Palts, T., & Tõnisson, E. (2014). What influences students to study information and communication technology. *INTED2014 Proceedings*, 1477-1486.

³²⁷ Абдрахманова, Г.И., Вишневецкий, К.О. Гохберг, Л.М. и др. (2021). Индикаторы цифровой экономики: 2021: статистический сборник. –М.: НИУ ВШЭ.; Зуев, Д. О., Кропачев, А.В., & Усов, А.Е. (2018). Особенности профильной подготовки и переподготовки ИТ-экспертов в соответствии с актуальными потребностями на рынке труда. *Наука, образование и культура*, 2(26)

³²⁸ Абдурахмонов, Қ.Х. (2019). Мехнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. ISBN: 978-9943-19-494-6.

³²⁹ Тешабаев Т.З., Отақўзиева З.М. (2017). Ахборотлашган иқтисодиёт. Дарслик. ISBN: 978-9943-5033-1-1.

³³⁰ Изучено автором опираясь на данные Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан.




Рисунок-1. Численность работников в юридических лицах, работающих в сфере ИКТ в период 2015-2022 гг., человек³³¹




Рисунок-2. Численность работников в юридических лицах, работающих в сфере ИКТ в период 2015-2022 гг. в разрезе регионов, человек³³²

К 2022 году количество ИТ-специалистов в юридических лицах увеличился с 1,2 раза почти до 2 раз по сравнению с 2015 годом практически во всех регионах. В Джизакской и Ташкентской областях и городе Ташкенте этот показатель увеличился вдвое, а в Республике Каракалпакстан, Навойской, Хорезмской, Сурхандарьинской, Кашкадарьинской, Бухарской, Наманганской и Самаркандской областях данный показатель увеличился с 1,2 до 1,6 раза. Только в Сырдарьинской и Андижанской областях этот показатель практически не изменился, а в Ферганской области снизился на 6 % (рис.-3).

Если проанализировать официально работающих ИТ-специалистов по уровню образования, то 50 % специалистов по республике имеют высшее образование, 39 % – средне-специальное, 11% – среднее образование. Показатели уровня образования специалистов по регионам также значительно отличаются по сравнению с городом Ташкентом. Всего в нашей столице работают 77 % ИТ-специалистов с высшим образованием и 51 % ИТ-специалистов со средним специальным образованием от общего числа. Большинство специалистов, работающих в Бухарской, Ташкентской, Ферганской, Андижанской, Хорезмской, Наманганской и Навойской областях, имеют среднее образование (рис.-4).

³³¹ Изучено автором опираясь на данные Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан.

³³² Изучено автором опираясь на данные Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан.




Рисунок-3. Темп роста численности официально занятых лиц в сфере ИТ в региональном разрезе, 2015-2022 гг.³³³




Рисунок-4. Уровень образования сотрудников, официально работающих в сфере ИКТ.³³⁴

Выводы. На основании вышеизложенных результатов можем сделать следующие выводы:

в результате ряда реформ в сфере развития цифровой экономики в Узбекистане почти все показатели развития ИТ-сектора, в т.ч. тенденции рынка труда данного сектора в последние 5-7 лет имеют положительную динамику;

³³³ Изучено автором опираясь на данные Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан.

³³⁴ Изучено автором опираясь на данные Агентства статистики при Президенте Республики Узбекистан.

50 % от общей численности работающих в юридических лицах, осуществляющих деятельность в сфере ИКТ по республике, составляют трудовые ресурсы со средне-специальным образованием, при этом специалисты с высшим образованием составляют 39 % от их общей численности. В разрезе регионов этот показатель значительно отличается от города Ташкента. Около 80 % ИТ-специалистов с высшим образованием осуществляют свою деятельность в столице.

Учитывая вышеизложенное, считаем целесообразными следующие предложения:

в целях рационального и эффективного использования человеческого потенциала, который имеется в сфере ИТ в нашей стране за последние годы, создать единую базу данных всех специалистов, работающих на рынке труда данной сферы, в которой учитываются демографические характеристики всех работников формального и неформального секторов, уровень образования, сведения их численности в разрезе регионов республики;

учитывая, что большинство ИТ-специалистов в нашей стране составляют молодые люди, необходимо проводить опросы в данной сфере по различным направлениям. Желательно, чтобы результаты опроса нашли отражение в программах и стратегиях, принимаемых в дальнейшей перспективе.

Литература:

1. Llorens-Garcia, A., Llinas-Audet, X., & Sabate, F. (2009). Professional and interpersonal skills for ICT specialists. *IT professional*, 11(6), 23-30. DOI:10.1109/MITP.2009.132. Эл. манба: https://www.researchgate.net/publication/220386011_Professional_and_Interpersonal_Skills_for_ICT_Specialists.
2. Maryska, M., Doucek, P., & Novotny, O. (2012). Requirements of companies on the knowledge ICT specialists for the ICT administrator role. *Procedia-Social and Behavioral Sciences*, 46, 4389-4393. DOI:10.1016/j.sbspro.2012.06.260 Эл. манба: https://www.researchgate.net/publication/271582467_Requirements_of_Companies_on_the_Knowledge_ICT_Specialists_for_the_ICT_Administrator_Role.
3. Vorisek, J., Feuerlicht, G. (2006). The Impact of Global ICT Trends on Demand Characteristics for ICT Professionals in the CR. Эл. манба: https://nb.vse.cz/~vorisek/FILESE/2006_HR_in_ICT_A.doc.
4. Kori, K., Altin, H., Pedaste, M., Palts, T., & Tõnisson, E. (2014). What influences students to study information and communication technology. *INTED2014 Proceedings*, 1477-1486. Эл. манба: <https://library.iated.org/view/KORI2014WHA>.
5. Абдрахманова, Г. И., Вишневский, К.О. Гохберг, Л. М. и др. (2021). Индикаторы цифровой экономики: 2021: статистический сборник. М.: НИУ ВШЭ. Эл. манба: <https://issek.hse.ru/mirror/pubs/share/484533334.pdf>.
6. Зуев, Д.О., Кропачев, А.В., & Усов, А.Е. (2018). Особенности профильной подготовки и переподготовки ИТ-экспертов в соответствии с актуальными потребностями на рынке труда. *Наука, образование и культура*, 2(26).
7. Абдурахмонов, Қ.Х. (2019). Мехнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. ISBN: 978-9943-19-494-6.
8. Тешабаев Т.З., Отақўзиева З.М. (2017). Ахборотлашган иқтисодиёт. Дарслик. ISBN: 978-9943-5033-1-1.
9. Analytical review “Human capacity in the field of digital development of Uzbekistan”, UNDP Uzbekistan, 2022. Официальные данные Агентства статистики при Президенте

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

*Шарофиддинова Гулноза Илхомжоновна, тадқиқотчи,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

Аннотация. Мақолада аёллар тадбиркорлигининг ривожланиши ва иқтисодиётдаги ўрни тўғрисида мулоҳаза юритилган. Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегиясида келтирилган мақсадлар таҳлил этилган. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш стратегиясига доир ишланмалар яратилган.

Таянч сўзлар: аёллар тадбиркорлиги, гендер тенглик, аёл раҳбар, кичик корхоналар, микрофирмалар.

Abstract. The article discusses the development of women's entrepreneurship and its role in the economy. The goals listed in the development strategy are analyzed. A development strategy for the development of women's entrepreneurship has been created.

Keywords: women's entrepreneurship, gender equality, female leader, small businesses, micro-enterprises.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида кўра, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Тараққиёт стратегияси янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, мамлакатда турли соҳа корхоналарини ташкил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу чора-тадбирлар мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва бандлик муаммосини бартараф этиш, қолаверса, аҳоли фаровонлиги ва сифатини оширишга жиддий хизмат қилади.

Ушбу Фармонда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишни кучайтириш ва аҳолининг доимий даромад манбаларини шакллантиришга шарт-шароитлар яратиш зарурлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Фармоннинг 29-мақсадида келтирилишича, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 %га ва экспортдаги улушини 60 %га етказиш зарур. Шунинг учун, 2022 йилга келиб давлатимиз сиёсатида аёлларга бўлган эътибор ва уларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари кучайтирилди. Хусусан, Тараққиёт стратегиясида 4-устувор вазифа адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон

капиталини ривожлантириш деб белгиланар экан, ундаги 69-мақсад мазмуни куйидагилардан иборат бўлди³³⁵:

жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш;

худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

“Аёллар дафтари” билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Ҳукуматнинг ушбу чора-тадбирларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қолаверса, кичик бизнес ва тадбиркорлик секторида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш алоҳида стратегик мавқега эга.

Аёллар тадбиркорлиги умуман тадбиркорликка қараганда, анча яққол тарихий хусусиятга эга. Постиндустриал жамиятнинг бир қатор муҳим хусусиятлари аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Бу хусусиятлар орасида:

хизмат кўрсатиш соҳаларида (фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, молиявий хизматлар, аудит, реклама, бошқарув консалтинги ва б.) аёлларнинг етакчилиги кучайиб бормоқда;

меритократия (одамларни билим ва савиясига қараб лавозимларга қўйиш) жамиятнинг асосий меъёрий тамойилига айланмоқда, бу анъанавий эркакларнинг ўзига хос устунликларини қоплаш (ўрнини босиш) имконини беради;


ташкилот ичида ва ундан ташқарида ўзаро муносабатлар миждозларга хизмат кўрсатиш моделига мувофиқ ривожланади, бу модель аёлларга хос устунликларнинг рўёбга чиқиши учун оптимал шароитларни таъминлайди;

³³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022.

менежмент социо-техник, маркетингга хос характерга эга бўлади, у ходимлар томон, шу жумладан, аёллар томон юз буради.

Шундай экан, “давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислохотларимизнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолаверади”³³⁶. Шунинг учун миллий иқтисодиётни ривожлантиришда аёлларнинг ўрнини белгилаш тобора муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмалар сони 36295 тани ташкил этган. Аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмалар сони 2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, 6531 тага ошган. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига келиб эса 36472 та кичик корхона ва микрофирмалар аёллар раҳбарлигида бошқарилаётгани маълум бўлди. Буни қуйидаги расмдан кўриш мумкин:



Ўзбекистон Республикасида аёл раҳбарлар бошқарувида кичик корхона ва микрофирмалар сони

2022 йилнинг 1 январь ҳолатида Ўзбекистон Республикасида тадбиркор аёл раҳбарларнинг иқтисодий соҳалар бўйича фаолияти қуйидагича³³⁷:

савдо соҳасида – 14147 та;

хизматлар соҳасида – 10057 та;

саноатда – 5543 та.

Худди шу даврда аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг маҳсулот сотишдан тушган соф даромади 22,6 трлн сўмни ташкил этган. Аёл раҳбарлар бошқарувидаги кичик корхона ва микрофирмаларнинг соф даромади 2021 йилнинг мос даври билан солиштирилганда, қарийб 7 трлн сўмга ошган.

Республика бўйича 2020 йилга тегишли статистик маълумотларга кўра, меҳнат органлари томонидан 513 минг хотин-қизларга бандлик ва меҳнат

³³⁶ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Т.: О‘zbekiston, 2021. –Б.464.

³³⁷ https://t.me/statistika_rasmiy/2439.

соҳасидаги хизматлар кўрсатилиб, 125,4 минг нафари доимий ишларга жойлаштирилди. Ишсиз ва “Темир дафтар”га киритилган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлардан 260,3 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди ва уларнинг иш ҳақи учун вазирлик ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 270,5 млрд сўм маблағлар молиялаштириб берилди, 30,8 минг ишсиз хотин-қизларга ишсизлик даврида 15,3 млрд сўм ишсизлик нафақаси тайинланди³³⁸.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг 231 нафарига ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш харажатларини қоплаш учун 5,3 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилиб, натижада 2,2 минг хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Шахсий томорқаларда енгил типдаги иссиқхона қурилиши, экин экишга уруғлар ва кўчатлар ҳамда суғориш воситаларини харид қилган 12,7 минг хотин-қизларга 32,4 млрд сўм субсидия маблағлари молиялаштириб берилди³³⁹.

Фикримизча, мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Мамлакатда яшовчи аҳолини, айниқса, аёллар ва ёшларни ишга жойлаштириш, уларнинг ҳаётларини йўлга қўйишдан иборат муаммоларни ҳал этиш асло назардан четда қолмаслиги зарур. Шунинг учун, мамлакатда аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари кенгаймоқда. Аммо аёллардаги ишсизлик асосан малакасиз аёлларга тўғри келгани ҳолда, уларнинг аксарияти умумий ўрта маълумот олиш билан чекланган. Бу эса, аёлларнинг турли касб эгалари бўлиб мутахассис сифатида ишлашларига олиб келмаяпти.

Хусусан, республика вилоятларидаги энг оғир муаммолардан бири аёлларда малака ва маълумот даражасининг пастлигидир. Аксарият ҳудудларда истиқомат қилувчи аёллар умумий ўрта маълумот олганидан сўнг, ўқиш ва билим олишни тўхтатиб қўядилар. Натижада, уй-рўзғор ва қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд бўлиб қоладилар. Масалан, вилоятларидаги, хусусан, Наманган, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қишлоқ жойларида аксарият аёллар уй-рўзғор ишларидан ташқари томорқа ерларида ишлашга кўникиб қолишган. Қолаверса, яна уларнинг шуғулланадиган ишлари оддий фаррошлик, маҳсулот ташувчи ёки назоратчи каби ишлардан иборат. Оладиган маошлари эса деярли ўзларини ҳам қониқтирмайди.

Эътироф этиш керакки, янги иш жойларини яратишдаги бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала кичик корхоналарни кўпайтириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар яратишда кенг йўллар очиб беришдан иборатдир. Хусусан, коронавирус пандемияси меҳнат бозори, меҳнат муносабатлари ва аҳоли бандлигига кўмаклашишда ҳамда ташқи чегаралар ёпилиши

³³⁸ <https://mehnat.uz/uz/news/aellarni-ish-bilan-taminlash-tadbirkorlikka-zhalb-etishda-davlat-tashkilotlari-bilan-hamkorlikning-ahamiyati-va-istiqbollari>.

³³⁹ Манба: <https://gov.uz/uz/news/view/29211//Аёлларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этишда давлат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг аҳамияти ва истиқболлари. Таҳлил маълумотлари 2020 йилга тегишли>.

муносабати билан ишсизлар, айниқса, аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмас зарурий чоралар кўрилишини тақозо этди.

Мамлакатда аёллар бандлигини ошириш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

аёллар саводхонлигини ошириш, малака даражасини яхшилаш мақсадида турли курсларни (бепул) ва миллий-ўқув марказларини ташкил этиш;

касаначилиқ фаолияти турларини ривожлантириш йўллари билан янги иш жойларини барпо этиш чораларини кўриш;

аҳолиси зич бўлган ҳудудларга (айниқса, шаҳар жойларида) меҳнат сиғими катта бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини жойлаштириш, уларни ташкил этишни фаоллаштириш;

меҳнат билан банд бўлмаган аёллардан ишчи кучи сифатида фойдаланиш мақсадида касбга бўлган талаб-таклифни ўрганиш бўйича изланишлар олиб бориш;

кишлоқ жойларига кичик бизнесни олиб кириш ва яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юргизиш учун мулкка эгалик ҳиссини кучайтириш мақсадида саводхонликни ошириш.

Шунингдек, аёллар бандлиги даражасини ошириш учун оилавий бизнес ва ҳунармандчилик каби анъанавий тадбиркорлик шаклларини фаоллаштирувчи шарт-шароитлар яратилса, уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини истеъмолчиларга бозор шароитида олди-сотди қилиш учун кенг йўл очиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Т.: O‘zbekiston, 2021. –Б.464.
3. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. –Т.: LESSON PRESS, 2021. –Б.236.

РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

*Бобаев Исроилжон Абдинабиевич, тадқиқотчи,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

Аннотация. Ушбу мақолада Янги Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда рақамлаштиришнинг ўрни, “электрон бизнес” тушунчаси, 2020 йилги COVID-19 коронавирус пандемияси давридаги рақамли (электрон) бизнеснинг ривожланиш тенденциялари ва унинг тадбиркорлик фаолиятига таъсири, 2022 йил 30 апрель санасида республикада тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган аҳоли ўртасида кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) учун рақамли трансформация бўйича онлайн-сўровнома натижалари, бугунги кундаги тадбиркорлик фаолиятини рақамлаштиришдаги долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар атрафлича ёритилган.

Таянч сўзлар: рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, рақамли (электрон) бизнес, COVID-19 коронавирус пандемияси, мобиль иловалар, дастурий таъминот, ижтимоий тармоқлар, электрон савдо, ягона солиқ ставкаси, рақамли банклар, Uzcard, Visa ва Humo банк пластик карточкалари, рақамли трансформация, рақамли инфратизим, блокчейн тизими.

Annotation. This article discusses the role of digitalization in the development of the national economy of New Uzbekistan, the concept of electronic business, the trends in its development of digital (electronic) business during the COVID-19 coronavirus pandemic period in 2020 and its impact on entrepreneurial activity among the population engaged in entrepreneurial activity in our Republic, as of April 30, 2022, the results of the online-survey on the digital transformation of small and medium-sized businesses, current problems of digitalization of economic activity today and ways to overcome them in detail.

Keywords: digitalization, digital economy, digital (electronic) business, COVID-19 coronavirus pandemic period, mobile applications, software, social networks, e-Commerce, single tax rate, digital banks, bank plastic cards Uzcard, Visa and Humo, digital transformation, digital infrastructure. a system of blockchain.

Мавзунинг долзарблиги. Янги Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорликни ривожлантиришда рақамли иқтисодиётни қўллаш бизга жуда катта имкониятларни яратиб берди.

Биламизки, рақамли иқтисодиёт бу иқтисодий алоқаларни бевосита рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тизими ҳисобланади. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт 2020 йил “COVID-19” коронавирус пандемиясига қарши карантин шароитида кенг ривожланди. Бу жараёнда аҳоли уйда қолгани ҳолда бизнес муносабатларини рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали амалга оширди, тадбиркорлик субъектлари эса ўз фаолиятини давом эттирган ҳолда фойда олдилар. Бунга Яндекс, Мега Такси каби тадбиркорлик субъектларининг Telegramm, Facebook, Instagram ва бошқа ижтимоий тармоқларга ўз рекламаларини жойлаштириш орқали Интернет тармоғида ишлашга мўлжалланган турли хил мобиль иловаларни яратиб мижозларни жалб этганликларини мисол келтириш мумкин. Бунда аҳоли ўз уйларида чикмай туриб, такси автомашинасига буюртма беришди. Карантин шароитида Наманган вилоятидаги барча тадбиркорлик субъектларида вақтинча иш тўхтаган, тадбиркорлик субъектларининг ишчи-ходимларига уйларида рухсат бериб юборилган бўлиб, бундай вазиятда тадбиркорлар ўз корхоналарининг молиявий барқарорлигини бир маромда сақлаб туриш учун ўз фаолиятларини онлайн тарзда давом эттиришди.

Президент Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 20 август куни республикада фаолият кўрсатаётган барча тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида тадбиркорларни қийнаётган муаммолар, яъни солиқ юқини камайтириш, кредит ставкаларини янада камайтириш ва бошқа муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тадбиркорлар учун солиқ юқини янада камайтириш мақсадида Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида Яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг Ягона солиқ миқдори 10 %дан 4 %га туширилди. Йирик бизнес субъектлари бўлган Масъулияти чекланган

жамиятларнинг қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 20 %дан 15 %га туширилди. Бунинг натижасида барча тадбиркорлик субъектларининг даромади ва молиявий барқарорлиги ошди. Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етди, умумий экспорт ҳажми 30 %га кўпайди, ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилди. Яъни, тадбиркорлар келажакка ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтирмоқда. Шунингдек, тушумлари 1 млн \$дан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ошиб, 26 мингтага етди. Яна 1 минг нафари товар айланмасини 1 млн дан 10 млн \$гача етказди. Тадбиркорларимиздан 220 нафарининг тушумлари эса 100 млн \$га етди. Тадбиркорлар билан очик мулоқот якунида Президент томонидан ҳар йили 20 август санасини республикаимизда “Тадбиркорлар куни” сифатида эълон қилинди.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бўлган бир қанча самарадор технологиялар, шу жумладан, электрон тижорат ва электрон бизнес ҳаётимизга шиддат билан кириб келмоқда. Шунинг учун ҳам, давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республика раҳбарияти бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги 2020 йил учун энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича фикрлари айтиб ўтилди³⁴⁰.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясига бағишланган ПФ-6079-сон Фармони, 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, шунингдек, республикаимизда рақамли иқтисодиётни давлат бошқаруви тизимига татбиқ қилиш учун замонавий ахборот технологияларини жадал ривожлантириш бўйича шароитлар яратиш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 августдаги рақамли иқтисодиётнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берадиган “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни жорий қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабила қабул қилинди.

Бугунги кунда республикаимизда рақамли иқтисодиёт шиддат билан ривожланмоқда. Бу жараён тадбиркорлик фаолиятини юритишда муҳим омил ҳисобланади. Рақамли бизнесни ривожлантиришда камчилик ва афзалликлар мавжуд. Камчилик томони шундаки, бизнес жараёнларини амалга оширишда Интернет тармоғидаги узилишлар салбий таъсир кўрсатади, чунки, бу тадбиркорлик жараёнларини тўхтатиб қўяди. Интернетдаги барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлар ишламай қолади, бунинг натижасида ижтимоий тармоқларда бериладиган реклама постлари ва роликлари вақтинча омма ва

³⁴⁰ Хуррамов Холбек Хуррам ўғли. “Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш”. Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science халқаро журнали, –Б.180.

мижозлар ҳукмига ҳавола этилмай қолади. Охир-оқибат, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар сотилмайди, бу эса корхона фойдаси ва даромадининг камайишига олиб келади. Афзаллик томони ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бунда Интернет тармоғи узлуксиз ва барқарор тарзда ишлайди.

Рақамли иқтисодиёт – хўжалик юриштишнинг янги замонавий шакли бўлиб, унда ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг асосий омили сифатида рақамли кўринишдаги катта маълумотлар мажмуи ва уларни қайта ишлаш жараёни хизмат қилади. Электрон бизнес – бу бизнеснинг анъанавий турларига нисбатан юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида энг илғор ахборот технологиялари ва коммуникация муҳитидан фойдаланишдир. Электрон бизнес – бу фақат Интернет тармоғида янги ахборот ва коммуникация технологияларини қўллашга асосланган савдогина эмас, унинг таркибига турли бизнес-операцияларнинг катта миқдори ҳам киради. Электрон бизнес ёрдамида фирманинг асосий мақсадида ўз ифодасини топган иқтисодий ва молиявий мақсадларга эришиш таъминланади. Электрон бизнес – бу электрон усулда амалга ошириладиган ишбилармонлик операцияларининг ҳар қандай шакллариини ўз ичига оладиган умумий концепциядир. Бунда бизнес фаолияти билан шуғулланувчилар бевосита рақамли технологиялар (ахборот- коммуникацион технологиялар – АКТ бўлган комьютер, ноутбук, планшет ва уяли телефон каби ИТ технологиялар) орқали бизнес фаолиятини йўлга қўйиш билан таваккалчилик эвазига юқори фойда ва даромад олмоқда. Ва шу орқали Янги Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожига катта ҳисса қўшмоқда.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформация³⁴¹

Биргина мисол – 2022 йил 30 апрель санасида республикамизда тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган аҳоли ўртасида КЎБ учун

³⁴¹Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформация. Эл. ресурс: <https://www.kpi.com/uz/blog/2022/04/30/raqamli-transformatsiya-biznesingiz-uchun-asosiy-strategiyalar/>

рақамли трансформация бўйича онлайн-сўровнома ўтказилганда, юқоридаги 1-расмда тасвирланган кўрсаткичлар маълум бўлди.

Интернет дастлаб онлайн-витрина каби, кейинроқ эса онлайн-магазин ролида офлайн-бизнесга қўшимча сифатида кўриб чиқилган вақтлар ўтиб кетди. Ҳаёт сахнасига янги авлод – Интернет тармоғида “яшайдиган” ёшларнинг кириб келиши бизнеснинг онлайн (“рақамли”) бўлишига олиб келди. Инсоният глобал ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Яқин вақтларда инсон ҳаёт фаолиятининг асосий соҳалари – иқтисодиёт ва бошқарув, илм-фан ва хавфсизлик бўлган бўлса, энди янги шакл ва мазмунга эга бўла бошлади. Инсоният ўзгача бўлиб қолди, бу эса ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келаяпти. Рақамли технологияларнинг ҳаётимизга кириб боришини давом эттириш келажак дунёсига хос бўлган хусусиятлардан биридир. Бу микроэлектроника, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳаларидаги тараққиёт билан изоҳланади.

Шундай қилиб, рақамлаштириш – объектив, муқаррар жараён бўлиб, уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Рақамлаштиришга йўлдош бўладиган энг жиддий хавф-хатарлардан бири ўрта ва паст малакали ихтисосликлар орасида оммавий ишсизлик юзага келиши ҳисобланади. Ўрта синф вакиллари кескин камайиб кетиши мумкин, чунки, биринчи навбатда, айнан шу иш ўринлари автоматлаштирилади ва улар интеллектуал роботлар билан алмаштирилади³⁴². Фаол, маълумотли, меҳнатга лаёқатли аҳолининг етарли даражада юқори турмуш тарзига ўрганиб қолган сезиларли қисми ғарбона турмуш тарзи туфайли йўл четига чиқиб қолади. Бироқ, рақамли дунё шу қадар тезкорлик билан шаклланадики, фақат юқори малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш жараёнини тезлаштирибгина улар тақчиллигининг олдини олиши мумкин бўлади. Шу сабабли, ҳозирча ким ўзгаришларга тайёр бўлса, бунинг учун унда ҳали етарлича вақт бор. Ижтимоий тармоқлар, смартфонлар бозори, Интернетга кенг полосали уланиш, машинали ўқитиш технологиялари ва сунъий интеллектнинг “портлаб” ўсиши компаниялар фаолият юритаётган дунёни ўзгартириб юборади. Улар ёки янги бозордаги бўш жойларни эгаллаши ёки мавжуд бўш ўринларни ўзгартирган ҳолда ўзларини ўзгаришларга мослаб олиши лозим бўлади. Ташкилотларни рақамли ўзгартириш жараёни – янги ахборот технологияларининг ривожланиши ва бутун дунё бўйлаб фаол тарқалишига жавоб ҳисобланади. Рақамли ўзгартириш турли даражаларга эришиб, улар ўртасидаги фарқ иккита атама – “рақамли кўринишга келтириш” ва “рақамлаштириш” ўртасидаги фарқ билан бир хил маънога эга бўлади. Рақамли кўринишга келтириш бу – ахборотни жисмоний воситалардан рақамли воситаларга ўтказишдир. Бунга мисоллар – электрон китоблар, видеокурслар, суратнинг рақамли нусхасини яратиш ва б. Бунда ахборот тузилишининг ўзгариши рўй бермайди: у фақат электрон шаклга эга бўлади, холос. Рақамли кўринишга келтиришдан, кўпинча, мавжуд бизнес-моделни

³⁴² Хуррамов Холбек Хуррам ўғли. Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш. “Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science” халқаро журнали, –Б.181.

такомиллаштириш ва бизнес-жараёнларни оптималлаштириш учун фойдаланилади. Рақамлаштириш эса рақамли шаклда бўлган бутунлай янги маҳсулотлар яратишдир. Рақамлаштириш асосида яратилган маҳсулотни унинг сифатини жиддий йўқотмасдан туриб, техник воситаларга ўтказишнинг имкони йўқ, шу сабабли, рақамлаштириш рақамли кўринишга келтиришдан фарқли равишда, бизнесга сезиларли даражада кескин ривожланиш ва янги рақобатли устунликларни қўлга киритиш имконини беради. Рақамли (электрон) иқтисодиёт ҳамда электрон тижорат бу – иқтисодиётнинг ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ўзига хос хусусияти бўлган туридир. Бу иқтисодиёт ахборот-коммуникация ва молия технологияларининг ривожланганлиги, шунингдек, биргаликда гибрид дунёда барча иқтисодий фаолият субъектлари – товар-хизматлар яратиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёни объектлари ва субъектларининг тўлақонли ўзаро алоқасини таъминлайдиган инфратузилма очиклиги туфайли мавжуд бўлиши мумкин. Тўлақонли ўзаро алоқа қилиш учун барча иқтисодиёт объект ва субъектлари сезиларли рақамли таркибий қисмларга эга бўлишлари лозим. Масалан, ҳозирги пайтда автомобилнинг истеъмол хусусиятлари ва хавфсизлик кўрсаткичлари, унинг ҳисобига сезиларли даражада яхшиланидиган рақамли таркибий қисмлари (дастурий таъминот ва датчиклар) автомобиль қийматининг ярмидан кўпини ташкил қилади. Келажакда кўплаб товар-хизматлар қийматининг сезилари қисми унинг рақамли таркибий қисми билан белгиланади. Бундай товарлар “ақлли буюмлар” деб аталади. Рақамлаштиришда маҳсулот ёки хизматларнинг асосий хусусиятлари жиддий яхшиланиши ёки янги хусусиятлар (овоз билан бошқариш, Интернет ёки мобиль телефондан туриб масофадан бошқариш кабилар) пайдо бўлиши лозим. Яъни, эндиликда бутун дунёдаги тадбиркорлар банк пластик карточкалари ва банкдаги ҳисоб рақамлари орқали молиявий ресурс маблағларини масофадан туриб банкларнинг мобиль иловалари орқали бошқариш имконияти пайдо бўлди. Ҳозирги кунда республикада фаолият юритаётган барча тижорат банкларининг мижозлари Uzcard, Humo, Visa банк пластик карточкаларидан фойдаланишмоқда. Бу фойдаланиш жараёни жуда ҳам қулай ва анча хавфсиз бўлиб, тадбиркорларга банк пластик карточкаларида ўз пул маблағларини сақлаш, тўловларни амалга ошириш (бюджетга тўловлар, коммунал тўловлар, кредитни сўндириш учун тўловлар, солиқ тўловлари, контракт тўловлари), валюта айрибошлаш, омонат каби рақамли банк хизматларини тақдим этмоқда. Бугунги кунда учта рақамли банклар – TBC Bank, Anor Bank ва Apelsin Bank фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорларга ўз бизнесларини масофадан туриб бошлашлари учун ушбу рақамли банклар жуда катта ёрдам бермоқда. Чунки республика ҳудудининг чекка-чекка қишлоқларида ҳам бизнес бошлаган тадбиркорлар учун масофадан туриб рақамли банк билан молиявий жараёнларни ва тезкор банк хизматларини амалга ошириш (кредит, омонат, ҳисобварақ ва ҳисобрақам очиш, барча тўловларни амалга ошириш,

Visa, Uzcard ҳамда Humo банк пластик карточкалари билан амалга ошириладиган барча молиявий операциялар) имкониятини яратиб бермоқда.

Рақамли иқтисодиётда иштирок этиш учун энг оддий шартлар бу – уяли алоқа телефони ва Интернетга уланиш, холос. Юқорида таъкидланганидек, блокчейн технологияси ҳар бир кишига иқтисодий муносабатлар қатнашчиси бўлиш имконини берадиган бизнес-моделларни яратишга хизмат қилади.



2-расм. Блокчейн тизимидан самарали фойдаланиш мумкин бўлган соҳалар

Блокчейн компания яратишнинг учта таркибий қисми бор: 1) уни ташкил қилиш; 2) молиялаштириш ва уни бозорда илгари суришни автоматлаштириш; 3) содаллаштириш ва сезиларли даражада такомиллаштириш. Келажакда бундай компанияни ташкил қилиш қиймати сезиларли даражада пасаяди, чунки блокчейн – корхонани рўйхатдан ўтказишнинг машҳур ва ишончли усули. Мулк ҳамма учун кўринарли, қайдларни юритиш эса осон, бу айниқса, қонунчилик билан тартибга солиш қийин бўлган соҳаларда фойдали бўлади³⁴³. Ишончли ва ўзгармас регистрлар туфайли, тадбиркорлар ўз корхоналарини ва корпоратив активларга эгалик қилишни рўйхатдан ўтказиши, товар захиралари ва мажбуриятларини бошқариши, шунингдек, уч карралик бухгалтерия ҳисоби ёки блокчейндаги бошқа иловалар учун дастурий таъминот ёрдамида бошқа молиявий кўрсаткичлардан фойда олиши мумкин, бу эса аудиторлар, солиққа тортиш бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжни анча камайтиради. Сمارт-шартномалар туфайли тадбиркор компания фаолиятининг кўплаб

³⁴³ Хуррамов Холбек Хуррам ўғли. Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш. “Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science” халқаро журнали, –Б.181-182.

жиҳатларини автоматлаштириши мумкин, чунончи: харидлар, меҳнатга ҳақ тўлаш, кредит бўйича фоиз, реал вақт режимида молиявий аудитни амалга ошириш. Ҳозирги даврда кўпчилик мутахассислар электрон тижорат ривожланишининг келажак истиқболлари билан жуда ҳам қизиқадилар, чунки агар бунга эътибор берилмаса, ҳар қандай бизнес ҳам келажакда янги турдаги бизнес моделларнинг тезкорлик билан ривожланиши оқибатида норентабел бўлиб қолиши ёки барбод бўлиши мумкин. Бу масала бўйича энг ишончли манба соҳа профессионаллариининг фикрларини ўрганишдир. Маҳсулотларни икки соатда етказиб бериш, сунъий интеллект ҳамда дронлардан фойдаланиш каби алоҳида муваффақиятларга қарамай, бу соҳадаги узоқ муддатли муваффақият тезкор ривожланишни таъминлаб берадиган бозор имкониятларини тушунишга асосланган бўлади. Электрон бизнесда муваффақиятга эришган ва эришмаган компаниялар амалиётини таҳлил қилинганида, уларни бошқаришда йўл қўйилган бир қанча ҳолатларни билиб олиш мумкин бўлади: электрон бизнесда узоқ муддат давомидаги муваффақиятни инновацион ечимлар, етарли миқдордаги инвестициялар ва компаниянинг узоқ муддат давомида ўз фаолиятини бир текис юрита олиши таъминлаб беради. Агарда компания қандайдир сабабларга кўра ўсиш учун имконият топа олмаса, ташқи муҳит ўзгаришларига дош беролмай, муваффақиятсизликка учрайди. Юқори рақобатли бозорга чиқилганида мижозларни ушлаб туриш учун жуда кучли реклама компаниясини ташкил эта олмаслик ҳам компания ишининг орқага кетиши ва унинг хонавайрон бўлишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли бизнес моделлари ташкилотларга мижозлар эҳтиёжларини ноёб усулларда қондириш учун технологиялардан фойдаланиш имконини беради. Ушбу усуллар рақобатчилик муҳитини яратади ва молиявий барқарорликни таъминлайди. Ягона тўғри ёки нотўғри бизнес модели мавжуд эмас, бироқ танланган модель бизнеснинг келажакдаги салоҳиятига катта таъсир кўрсатади. Компания мижозлари ва жамоаси рақамли бизнес моделини ишлаб чиқиш ҳақида қанчалик кўп ўйласа, рақамли имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш имконияти шунчалик кўпаяди.

Адабиётлар:

1. Хуррамов Холбек Хуррам ўғли. Рақамлаштириш орқали бизнесни ривожлантириш. “Euroasian Business of Law, Finance and Applied Science” халқаро журнали.
2. Гулямов С.С. ва б. “Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари”. –Т.:Иқтисод-молия, 2019. –Б.396.
3. Digital 2019: Global digital overview. Value of creation and capture: implications in developing countries, UNCTAD, 2020.
4. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес учун рақамли трансформация. Эл. ресурс:<https://www.kpi.com/uz/blog/2022/04/30/raqamli-transformatsiya-biznesingizuchun-asosiy-strategiyalar/>.

INNOVATSION G‘OYALAR VA YANGI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA YOSHLARGA MILLIY HUNARMANDCHILIK TO‘G‘RISIDAGI MA‘LUMOTLARNI YETKAZISH

*Erkinova Sitara Botirjon qizi, tadqiqotchi,
Namangan davlat universiteti*

Annotatsiya. Ushbu maqolada milliy hunarmandchilik va uning turlari hamda milliy hunarmandchilikni yanada rivojlantirishda yurtimizda olib borilayotgan chora-tadbirlarning amalga oshirilishi to‘g‘risida ma‘lumotlar keltirilib, milliy hunarmandchilikni yosh avlodga yetkazishda yangicha innovatsion usullarni ishlab chiqish taklif etilgan.

Tayanch so‘zlar: hunarmand, yosh avlod, turizm, ta‘lim, tarbiya, madaniyat.

Annotation. This article provides information about our folk crafts and their types, as well as the measures taken in our country for the further development of national crafts, and proposes the development of new innovative methods for transferring national crafts to the younger generation.

Keywords: craftsman, young generation, tourism, education, upbringing, culture.

Bugungi kunda mehnat bozorida faol chora-tadbirlarni amalga oshirish, xususiyl mulkni muhofaza qilish, kichik va yirik biznesni hamda xususiyl tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash va tezkor rivojlantirishdagi to‘siqlarni bartaraf etish orqali aholini, ayniqsa, yoshlar, nogironlarni munosib ish bilan ta‘minlash va samarali bandlikni kengaytirish yo‘nalishida amalga oshirilgan ishlarga alohida ahamiyat berilmoqda. Aholining ishchanlik faolligini va tadbirkorlik tashabbuslarini rag‘batlantirishga, ijtimoiyl zaif qatlamlar bandligini ta‘minlashga, aholi bandligini ta‘minlash bo‘yicha davlat xizmatlaridan foydalanish imkoniyati, sifati va tezkorligini oshirishga qaratilgan bir qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilinmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 28-noyabrdagi “Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4539-son qaroriga muvofiq mamlakatimizda milliy hunarmandchilik, xalq badiiy va amaliyl san‘atini rivojlantirish, bu orqali xalqimizning boy madaniyl merosi va tarixiy an‘analarini to‘liql saqlab qolish, band bo‘lmagan aholini, ayniqsa yoshlar, ayollar va kam ta‘minlangan oilalarni hunarmandchilikka keng jalb etish orqali ularning ish bilan bandligini ta‘minlash asosiy vazifalardan biri sifatida belgilandi. Ushbu qaror doirasida bir nechta vazirlik va idoralarga hamda tegishli tashkilotlarga topshiriqlar belgilab berildi. Bulardan O‘zbekiston Respublikasi Madaniyl vazirligi Badiiy akademiyasi, Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi, Savdo-sanoat palatasi va “Hunarmand” uyushmasining: “Xalq amaliyl san‘ati ustalarining milliy katalogi”ni joriyl etish, “Turizm sohasida faoliyl yuritayotgan hunarmandlar reestri”ni yuritish hamda xalq amaliyl san‘ati ustalarining milliy katalogiga kiritiladigan nomzodlarni tanlash bo‘yicha kengashni tuzish to‘g‘risidagi takliflari shular jumlasiga kiradi.³⁴⁴

³⁴⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4539-son qarori, 28.11.2019.

“Hunarmand” uyushmasi tomonidan qator vazirliklar bilan birgalikda 2020/2021-o‘quv yilidan boshlab hunarmandchilikka ixtisoslashgan hududlarda hunarmandchilik va xalq amaliy san’ati yo‘nalishlari bo‘yicha bolalar musiqa va san’at maktablari, “Barkamol avlod” bolalar markazlari hamda kasb-hunarga o‘qitish markazlarida o‘quv kurslarining tashkil etilishiga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Yuqoridagi Qarorga muvofiq, “World craft council” xalqaro hunarmandchilik kengashi tomonidan tashkil etiladigan tadbirlarda “Hunarmand” uyushmasining doimiy ishtirokini ta‘minlash hamda ushbu xalqaro tashkilot bilan hunarmandchilikni rivojlantirish borasidagi tadbirlar uchun xalqaro tashkilotlarning texnik ko‘magini jalb qilishga qaratilgan aniq tadbirlar ishlab chiqilgan. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi va “Hunarmand” uyushmasi hunarmandchilikni qo‘llab-quvvatlash borasidagi xalqaro tajribani muntazam o‘rganib borish va umumlashtirish, shu asosda ilg‘or xorijiy tajribalarni O‘zbekiston Respublikasida joriy etishga qaratilgan ishlarni tizimli yo‘lga qo‘yish choralarini ko‘rishi belgilab berilgan.

Tarixiy manbalar va topilgan noyob topilmalar mamlakatimizda hunarmandchilik va unga bo‘lgan qiziqish bir necha ming yillik tarixni o‘z ichiga olishini ko‘rsatmoqda. Milliy hunarmandchiligimiz va hunarmandchilik asosida yaratilgan milliy mahsulotlar nafaqat har bir xonadonda, balki jahon mamlakatlarida ham o‘z o‘rnini topganini e‘tirof etish lozim.

Yurtboshimizning milliy hunarmandchilikka bo‘lgan ulkan e‘tiborlari bugungi kunda barcha hunarmandchilik turlarining rivojlanishiga, bundan tashqari, mazkur hunarmandchilik bilan shug‘ullanuvchi hunarmandlar va hunarmand oilalariga katta yo‘l ochib bermoqda. Bunga ko‘ra, respublikaning barcha hududlarida, ayniqsa, chekka qishloqlarda ham milliy hunarmandchilik bilan shug‘ullanuvchi hunarmandlar va ularning oilalari uchun zarur shart-sharoitlar yaratib berish, aholi bandligini ta‘minlash ko‘zda tutilmoqda. Bandlik – mehnatga layoqatli aholining ijtimoiy foydali mehnat bilan mashg‘ul bo‘lishi, fuqarolarning shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarini qondirish bilan bog‘liq bo‘lgan va qonunlarga zid kelmaydigan, mehnat daromadi beradigan faoliyatdir. Bandlik xodimni ijtimoiy mehnat taqsimotiga asoslangan aniq mehnat kooperatsiyasiga jalb etish bo‘yicha shaxslararo munosabatlarni ifoda etadi. Bandlik turli mulkchilik shakllaridagi korxonalar va tashkilotlarda yollanib ishlash bilan cheklanmay, ayni paytda yakka tartibdagi tadbirkorlik, o‘zini ish bilan mustaqil ta‘minlash, shaxsiy tomorqa xo‘jaligida ishlash, uy xo‘jaligida band bo‘lish va bolalarni parvarishlash bilan shug‘ullanishni ham o‘z ichiga oladi.³⁴⁵

Maqolada hal etilishi kerak bo‘lgan muammo – bizgacha meros bo‘lib kelayotgan bebaho milliy hunarmandchilik tarmoqlarining ba’zi hududlarda yo‘qolib borishi, avloddan-avlodga o‘tish tushunchasining pasayib ketishi natijasida yosh avlodlarda milliy hunarmandchilikka bo‘lgan qiziqish yo‘qolib borishining oldini olish.

³⁴⁵ “O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3001-son qarori, 24.05.2017.

Bundan tashqari, mazkur belgilangan vazifalardan kelib chiqqan holda, milliy hunarmandchiligimizning o‘rni va ahamiyatini o‘z o‘ziga kelayotgan yosh avlod hamda jahon mamlakatlariga yetkazish bilan bir qatorda, qishloq turmush darajasi sifati va qiyofasini tubdan yaxshilash, qishloq joylarida ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini jadal rivojlantirish, mamlakatimizga tashrif buyurayotgan turistlarni yanada jalb qilish, milliy hunarmandchiligimiz natijasida yaratilgan bebaho mahsulotlarni jahon standartlariga mos ravishda ishlab chiqish va eksport qilish salohiyatini kuchaytirish orqali milliy hunarmandchiligimizga yosh avlodning yanada qiziqishini kuchaytirishimiz lozim. Aholini ish bilan ta‘minlash inson ijtimoiy rivojlanishining eng muhim jihatlaridan biri bo‘lib, u mehnat masalalari bilan bog‘liq muammolarni hamda mehnatga bo‘lgan taklif va talablarni qondirish yo‘llarini ochib beradi. Ish bilan bandlik kishilarning ish joylari qayerdaligidan qat‘i nazar, ijtimoiy foydali mehnatda qatnashish yuzasidan o‘zaro kirishadigan ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlaridir. Ish bilan bandlik munosabatlari, mehnatga layoqatli kishilarning qanchasi va qay darajada ijtimoiy foydali mehnatda qatnashishini ko‘rsatadigan ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichdir.³⁴⁶

Bunday maqsadlarga har bir yosh avlod ko‘z o‘ngida milliy hunarmandchilik va uning noyob mahsulotlarini doimiy ravishda gavdalandirish orqali erishish mumkin. Buning uchun har bir tumanning hunarmandchilik imkoniyatlaridan kelib chiqib, joylarda hunarmandlar markazini tashkil qilish ko‘zda tutiladi.



Hunarmandlar markazi

Ushbu markaz hunarmandchilikning har bir turi uchun alohida jihozlangan maxsus xonalar, hunarmandchilik tarixi hamda uning barcha ilmiy va amaliy bilimlarini yoshlarga o‘rgatuvchi o‘quv kurslari, hunarmandchilik tarixini o‘zida mujassam etgan kutubxona, tumanga tashrif buyuruvchi turistlarni qabul qilish va ular bilan aloqada bo‘lish uchun tashrif markazi, hunarmandchilik asosida yaratilgan mahsulotlar asosida respublika va xalqaro miqyosda anjumanlar o‘tkazish uchun ko‘rgazmalar zallaridan tashkil topgan bo‘lishi zarur. Buning

³⁴⁶ <https://azkurs.org/1-aholining-bandlik-muammosini-hal-etishda-ish-bilan-bandlik-s.html>.

natijasida o'quvchi va talabalarni texnologiya (mehnat) darsida va darsdan tashqari vaqtda ushbu markazga jalb qilish orqali unda joylashgan kutubxonalardagi qo'shimcha adabiyotlardan foydalanishlarini tashkil etish mumkin. Shuningdek, markazda qo'shimcha til o'rgatish kurslarini tashkil qilish orqali yoshlarni chet tilini bilish darajalarini oshirish va bu yerda turistlarga milliy hunarmandchiligimizning noyob mahsulotlari to'g'risidagi ma'lumotlar yetkazish imkoniyatlari yaratiladi. Natijada, yoshlarimizda milliy qadriyatlarimiz va hunarmandchiligimizga bo'lgan qiziqish va e'tiborlari tobora ortib boradi. Innovatsion tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash va kambag'allikni qisqartirishga oid davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlari innovatsion g'oyalar va texnologiyalar asosida amalga oshirilib, yurtimizda aholining bandlik masalalarini o'rganishda katta ilmiy-amaliy ahamiyatga egadir.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni qo'llab-quvvatlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4539-son qarori, 28.11.2019.
2. "O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3001-son qarori, 24.05.2017.
3. <https://azkurs.org/1-aholining-bandlik-muammosini-hal-etishda-ish-bilan-bandlik-s.html>.

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Абдуллаев Мирфозил Мирмаксудович, тадқиқотчи,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Аннотация. Мақолада мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари (КБС)нинг ўрни, инновациялар диффузиясидаги роли тўғрисида кенг фикр-мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек, мамлакат иқтисодиёти ва унинг тармоқларида бандликни таъминлашдаги улуши бўйича таҳлиллар амалга оширилган ҳамда хулосалар баён этилган.


Таянч сўзлар: КБС, Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), модернизация, диверсификация, инфратузилма, хусусий тadbirkorlik, иқтисодий таҳлил.

КБС замонавий давлат иқтисодиёти тузилмасининг зарур элементи ҳисобланади. КБС ривожланиши натижасида кўплаб иш ўринлари, янги иқтисодий занжирлар яратилади ва инфратузилма ривожланади. КБС иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий кучга айланади.

“Тadbirkorlik” тушунчаси дастлаб Р. Кантильон асарларида юзага кела бошлаган бўлиб, у ўзининг “Савдонинг умумий табиати” номли асарида “тadbirkor” атамасига тadbirkorlik фаолиятини бошқариш, сотиш ва сотиб олишдаги таваккалчиликларнинг нақадар муҳим эканлиги нуқтаи-назаридан ёндашиб, “Тadbirkor – маҳсулотни аниқ нархда сотиб олиб ўзига маълум

бўлмаган нархда таваккалчилик асосида сотадиган инсон”³⁴⁷, деб таъриф берган. А. Смит эса ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” деб номланган классик асарида тадбиркорга шундай таъриф беради: “Тадбиркор – бу тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккал қилиб, фойда кўрадиган капитал эгаси, истемол эса ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг якуни ва ягона мақсади ҳисобланади”³⁴⁸. Кейинчалик Ж.Б. Сэй “Сиёсий иқтисод рисоласи” тадқиқотида А. Смитнинг нуқтаи-назарини ривожлантиради³⁴⁹.

Маълумки, жаҳон амалиётида мамлакатларнинг йиллар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиши уларда ишлаб чиқарилаётган ЯИМнинг ўсиш суръатлари орқали аниқланади. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 2021 йилда 54,9 %ни ташкил этганлиги ҳисобга олинса, у республикада йирик бизнес иқтисодиётнинг турли соҳаларида тўсиқлар яратмоқда, деган хулосага келишимиз мумкин. Биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушини 2005-2021 йиллар оралиғида таҳлил қилдик.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, %³⁵⁰

Бу келтирилган статистик таҳлил орқали мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётда нечоғлик аҳамиятга эга эканини кўриш мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2010 йилдан 2018 йилгача ЯИМдаги улуши доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилдан сўнг унинг улуши COVID-19 пандемияси оқибатида сезиларли камайган. Шундай бўлса-да, маълумотлардан кўринадики, мамлакатимиз ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши барқарор тарзда ўсмоқда. Агар ўртача ўсиш

³⁴⁷ М. Блуг. Экономическая мысль в ретроспективе. –М.: Дело ЛТД, 1994. –С.426.

³⁴⁸ А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. Код доступа: https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Econom/smit/smit_1.pdf (Дата обр.: 31.03.2021).

³⁴⁹ Ж.Б.Сэй. Трактат политической экономики. Код доступа: https://studwood.ru/1301475/ekonomika/traktat_politicheskoy_ekonomiki (Дата обр.: 31.01.2021).

³⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

суръатлари 2005-2015 йилларда 54,5 %ни ташкил этган бўлса, 2020-2022 йилларда 54,1 % улушни эгаллаган. Ушбу кўрсаткич 2022 йилнинг дастлабки маълумотиغا кўра, 54,9 %ни ташкил этганини кўриш мумкин. Албатта, бундай ўзгаришни мамлакатимизда йирик корхоналар фаолиятида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Умуман олганда, ўтган йилларда мамлакатимизда ислохотлар дастури давом эттирилиб, ундан ўрин олган муҳим чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносиблик янада мустаҳкамланди, иқтисодиётимиз модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланди.

Мамлакатимизда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат глобал инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини аҳамиятли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМ ва кичик бизнеснинг ундаги улушининг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолишини таъминлади. Шунга кўра, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини қуйида келтирилган жадвал маълумотлари орқали баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида КБСнинг иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг ўсиш суръати, %³⁵¹

Кўрсаткичлар/ йиллар	2005	2010	2015	2020	2021	2022	2022 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (-,+)
Саноат	10,0	26,6	40,6	27,9	27,0	25,9	15,9
Қурилиш	50,9	52,5	66,7	72,5	72,4	71,6	20,7
Бандлик	64,8	74,3	77,9	74,5	74,4	74,4	9,6
Экспорт	6,0	13,7	27,0	20,5	22,3	29,5	23,5
Импорт	33,7	35,8	44,5	51,7	48,7	49,4	15,7

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши натижасида иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005 йилдаги 10,0 %дан 2022 йилда 25,9 %га, қурилиш соҳасида тегишли равишда 50,9 %дан 71,6 %га, бандликда 64,8 %дан 74,4 %га, экспортда 6,0 %дан 29,5 %га ва ниҳоят импорт ҳажмида 33,7 %дан 49,4 %га ўзгарганлиги кузатилди.

Статистик маълумотлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида КБСнинг улушида табиий равишда таркиб топувчи чегара мавжуд. Яъни, агар тармоқ ишлаб чиқаришида кичик бизнес корхоналари учун илгари мавжуд бўлмаган рухсатни бирданига очиб юборилса, у ҳолда мазкур соҳа жадаллик билан ўсиб боради. Бироқ, бу ўсиш

³⁵¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

муайян даражага боргандан кейин, аста-секинлаб, мўътадил ҳолатга етади. Ушбу даражада кичик бизнес солиштирма салмоғининг тебраниши учун маълум “коридор” пайдо бўлади. Бироқ, шуниси эътиборлики, тармоқдаги кичик бизнес улушининг ушбу коридор ичидаги тебраниши, кўпинча, бизнес корхоналари сони ёки уларнинг ҳажмидаги ўзгаришлар эмас, балки тармоқ ялпи маҳсулотининг “қолган” қисмини ташкил этувчи йирик корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар таъсири остида рўй беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётида бандлик масаласида ҳам КБС локомотив ҳисобланади, улар иқтисодиётда яратилаётган янги иш ўринларининг кўп қисмини ўз ичига олади. 2018 йилгача бандликни таъминлаш бўйича энг катта улушга эга бўлиб, 76,3 %ни ташкил қилган. 2019 йилдан бу кўрсаткич пасайгани ва 2020 йилга келиб 74,5 %га тушганини кўриш мумкин. Бу пандемия шароити натижасида КБСнинг мослашувчанлиги жуда пастлиги эканлигини кўрсатади, бу эса, корхоналарнинг турли шароитларга тайёр туриши учун стратегияга зарурат борлигини англатади.

Таъкидлаш мумкинки, ҳозирда Ўзбекистонда КБСнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашув жараёнлари учун муайян даражада беқарорлик хос. Бу эса, аксарият ҳолларда, айрим тармоқларда юқори самарадорликни таъминлаш учун зарур бўлган кичик бизнес корхоналарининг улуши етарли бўлмагани ҳолда, бошқа бир тармоқларда мазкур корхоналар улушининг меъёридан ортиши оқибатида рақобат даражасининг кучайиши ҳамда ўртача фойда меъёрининг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунга кўра, КБСнинг тармоқлар бўйича ихтисослашув жараёнларини тадқиқ этиш орқали уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошишига таъсир кўрсатувчи иқтисодий механизмларни таркиб топтириш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. М. Блуг. Экономическая мысль в ретроспективе. –М.: Дело ЛТД, 1994. –С.426.
2. А. Смит. Исследование о природе и причинах богатства народов. Код доступа: https://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Econom/smit/smit_1.pdf (Дата обр.: 31.03.2021).
3. Ж.Б. Сэй. Трактат политической экономики. Код доступа: https://studwood.ru/1301475/ekonomika/traktat_politicheskoy_ekonomiki (Дата обр.: 31.01.2021).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Ғаниев Ботир Бахтиёрович, тадқиқотчи,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти*


Аннотация. Мақолада мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни, Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)даги улуши тўғрисида сўз боради.

Таянч сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ЯҲМ, меҳнат ресурслари, меҳнат унумдорлиги.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотлар натижасида мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот тури кўпайди. Айтилишича, мамлакатимизда 4000 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар миллий бозорларимизда ўзига хос рақобат муҳитини шакллантирган.

Албатта, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш керак. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқариш бўйича ҳукумат томонидан ижобий тажриба орттирилди. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш механизми ишлаб чиқилиб, уни такомиллаштириб борилмоқда. Натижада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тааллуқли статистика динамик тарзда йилдан-йилга ижобий ўсиб бориш тенденцияларини олмоқда.


Хусусан, Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 2021 йилнинг январь-март ойларида 62,8 %ни ташкил этиб, 2020 йилнинг худди шу даврига нисбатан 0,4 пунктга ошди. 2021 йилнинг январь-март ойларида Наманган вилоятида фаолият олиб борган кичик бизнес субъектлари (КБС)нинг ЯХМдаги улуши республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан 17,8 пунктга кўпроқ эканлигини кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши, %

Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастурга киритилган 99 та лойиҳа бўйича 101,0 млрд сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Хусусан, Наманган вилояти бўйича 2021 йилнинг январь-март ҳолатида КБС томонидан 1096,3 млрд сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 38,8 %ни ташкил этди. Вилоят туманлари (ва шаҳарлари)да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Янгиқўрғон, Чортоқ


(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %) ва Косонсой (71,7 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Тўрақўрғон (11,3 %), Учқўрғон (11,4 %), Мингбулоқ (25,3 %) ва Чуст (25,9 %) туманларида кузатилди (2-расм).



2-расм. Наманган вилояти туман (ва шаҳар)ларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги улуши, %

Демак, айнан Тўрақўрғон, Учқўрғон, Мингбулоқ ва Чуст туманларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу туманларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаоллигини оширишга бўлган кўшимча чора-тадбирларни кўриш зарур.


Иқтисодиётнинг турли тармоқлари солиштирилганда, саноат маҳсулотларини яратишда КБС ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг улуши пастлигича сақланиб қолмоқда. Масалан, Наманган вилоятида иқтисодиётнинг айрим тармоқларида айниқса, йўловчи ташиш (97,8 %), қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти (97,3 %), юк ташиш (93,4 %), қурилиш ишлари (91,3 %), савдо айланмаси (90,4 %) каби тармоқларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ўта сезиларли даражада каттадир. Шунингдек, капитал қўйилмалар (73,9%), ЯХМ (73,7 %), халқ истеъмол моллари (72,2 %) кабиларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши тез ошиб бормоқда. Аммо жами хизматлар (65,8 %) ва саноат маҳсулотлари (50,0 %) яратиш каби соҳаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши юқоридаги каби соҳаларга қараганда паст даражададир (3-расм).



3-расм. Иқтисодий тармоқларида кичик бизнеснинг улуши, % (01.01.2021 ҳолатига)

Агар 2021 январь-март ойларига тегишли ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, тайёр махсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2020 йил январь-март ойларига нисбатан (112,4 %) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 51,5 %ни ташкил этди.

Таҳлилларимизни ҳудудлар кесимида давом эттирадиган бўлсак, Норин (28,5 %), Мингбулоқ (19,9 %), Учқўрғон (18,9 %) ва Тўрақўрғон (18,8 %) туманларида саноат махсулоти етиштиришда кичик бизнеснинг улуши жуда паст даражада бўлмоқда. Ўртача ҳолат Наманган шаҳри (61,4 %), Уйчи (69,5 %), Чуст (58,1 %) туманларида кузатилса-да, Наманган (45,4 %) ва Поп (48,9 %) туманларида ҳам саноат махсулотлари етиштиришда кичик бизнеснинг улуши нисбатан пастроқ. Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида саноат махсулотларини яратишдаги кичик бизнеснинг улуши 100 %ни ташкил этади. Косонсой туманида эса ушбу кўрсаткич 98,3 %га тўғри келади. Шундай қилиб, вилоятнинг етти туманида саноат махсулоти яратишда кичик бизнеснинг улуши пастлигича сақланиб қолмоқда. Айнан шу туманларда бозор муносабатларига хос ислохотларни амалга оширишда муаммолар юзага келмоқда (4-расм).



4-расм. Виложт хуудларида саноат махсулотидаги кичик бизнеснинг улуши, %

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган махсулот ёки кўрсатилган хизмат рақобатбардошлигини ошириш чораларини кўриш зарур. Шу билан бир қаторда, айнан саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни ташкил этиш ва уларни самарали тарзда бошқариш муҳим вазифалардан бўлмоғи даркор. Меҳнат ресурсларини самарали бошқариш ва малакали мутахассисларни ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга жалб этиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш имкониятларига эга бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган вилоятида ЯХМдаги саноат тармоқлари улушини ошириш ва бунда КБСни кенг жалб этиш устувор вазифалардандир. Бунинг учун, авваламбор, ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш корхоналари (турли озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик ва б.)ни ташкил этишга эътибор қаратиш лозим. Ушбу корхоналарни ташкил этиш учун виложтда мавжуд хомашё, ишчи кучи ва салоҳиятнинг етарлилиги корхоналарда меҳнат унумдорлигини оширади. Ишлаб чиқаришнинг бундай моддий техник таъминоти қуйидаги йўналишлар бўйича масалаларни ҳал қилишни кўзда тутати:

саноат корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

минимал захиралардан самарали фойдаланиш ва таъминотчи етказиб берувчилар билан алоқани кучайтириш;

ишлаб чиқариш жараёнини ихчам ташкил қилиш ва белгиланган режани бажариш тамойиллари асосида таъминлаш;

илмий-техника, ишлаб чиқариш, сотиш каби барча фаолият турларини молиялашни таъминлаш;

ишлаб чиқариш жараёнини зарурий миқдорда мос даражали мутахассислар билан таъминлаш.

Умуман олганда, ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг янги шакли, агар у юқори меҳнат унумдорлигини таъминласа, мустаҳкамлашиб боради. Мос равишда меҳнат унумдорлигининг даражаси юқори ташкил этиш шаклини тавсифлайди. Унумдорлик кўсаткичи – бошқариш услубларини баҳолашнинг энг яхши мезонидир.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун республикада барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд, шунингдек, саноат тармоғида кичик бизнес улушини ошириш чоралари жадаллашиб бормоқда. Бироқ, янгича иқтисодий тафаккурнинг заифлиги туфайли, қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни “айланиб ўтиш” ҳолатлари кичик бизнеснинг, умуман, иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазият бозор тизимининг такомиллашмаган кўринишини намоён этиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Арипов, О.А. (2017). Приоритетные направления развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. Российское предпринимательство, 18(24).
2. Арипов, О.А. (2015). Современное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. Молодой ученый, 22, 332-334.
3. Арипов, О.А. (2019). Структурные элементы деловой среды и их влияние на функционирование субъектов малого бизнеса и предпринимательства. Региональные проблемы преобразования экономики, 8(106).
4. Арипов, О.А. (2019). Создание благоприятного налогового климата для малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане. “Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учёта, статистики и налогообложения организаций” (64-68).
5. Арипов, О.А. (2018). Основные компоненты формирования деловой среды и масштабные развития в экономике Узбекистана. Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и механизмы формирования и социально-экономическая политика региона (121-123).
6. Арипов, О.А. (2017). Современные тенденции развития малого бизнеса и предпринимательства в Узбекистане. British Journal for Social and Economic Research, 2(5), 33-40.
7. Holmirzaev, U.A. (2020). Financial assets and improvements of their analysis. Экономика и социум, 1, 102-105.
8. Holmirzaev, U.A., & Juraev, E.S. (2020). Problems of improvement of debtor debt analysis. Мировая наука, 1, 100-105.
9. Juraev, E.S., & Holmirzayev, U.A. (2020). Supporting small business subjects by tax reforms. Экономика и социум, 1, 48-52.

XO‘JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDA SUN‘IY AQLDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI VA IQTISODIY MOHIYATI

*Xakimov Sanjar Rustam o‘g‘li, kat. o‘qit.,
Ruhiddinov Muhammad Pahmiddin o‘g‘li, talaba,
Toshkent Kimyo xalqaro universiteti*

Annotatsiya. Ushbu maqolada xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatida sun‘iy aqlning joriy etilishi va uning iqtisodiy ahamiyatini ko‘rsatib berilgan, korxonalar moliyaviy barqarorligini ta‘minlashda sun‘iy aqlning imkoniyatlaridan foydalanish tavsiya etilgan.

Tayanch so‘zlar: sun‘iy aql, ta‘minot zanjiri, intensiv rivojlanish, strategik maqsad, chat-bot, veb-sahifa.

Mavzuning dolzarbligi. Axborotlar oqimi jadal sur‘atlar bilan ko‘payib borayotgan sharoitda korxonalar faoliyatining samarali boshqarilishi, tizimli operatsion faoliyatni joriy qilish va bu orqali moliyaviy barqarorlikni ta‘minlash bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Chunki korxonalar faoliyatiga ta‘sir qiluvchi ichki va tashqi omillar ta‘sirini baholash, xususan, intensiv rivojlanishga erishish masalasida axborotlar manbalaridan samarali foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Soddaroq aytganda, bugungi kunda “sun‘iy aql (intellekt)” tushunchasi dunyoning deyarli barcha nuqtalariga tarqalib ulgurdi. Buni qisqa qilib aytganda, ma‘lumotlar va tahlillar asosida o‘rganish va qaror qabul qilish qobiliyatini anglatadi, desak xato bo‘lmaydi. Korxonaning strategik maqsadlari yo‘lida sun‘iy aql dan foydalanish, katta o‘zgarishlarni tatbiq etish imkonini berishi sun‘iy aqlning bugungi kundagi dolzarbligini ko‘rsatadi.

Sun‘iy intellect – informatikaning alohida sohasi bo‘lib, odatda, inson ongi bilan bog‘liq imkoniyatlar, jumladan, tilni tushunish, uni o‘rgatish, muhokama qilish, masalani yechish, tarjima va boshqa shu kabi imkoniyatlarga ega kompyuter tizimlarini yaratish bilan shug‘ullanadi.

Sun‘iy aqlning korxonalar tomonidan tatbiq qilinishi haqida o‘ylaganimizda, dastlab hayolimizga avtomatlashtirish keladi. Chunki sun‘iy aqlning ba‘zi ilovalari dastlab odamlar tomonidan bajariladigan ishlarni ixchamlashtirish maqsadida avtomatlashtirishni o‘z ichiga olganligidir.

Sun‘iy aqlning tarixiga nazar solsak, ushbu sohada o‘tgan asrning o‘rtalaridan boshlab tadqiqot ishlari amalga oshirila boshlangan. Ingliz matematigi va kriptografi Alan Tyuring (1912-1954) mazkur yo‘nalishda ilk tadqiqot muallifi hisoblanadi. Xususan, 1950-yili texnologiyalar imkoniyatlari insonlarni aql jihatdan ortda qoldirishi haqida savollarga asoslangan maqola chop etilgan. Uning muallifi Alan Tyuring edi. Keyinchalik olim o‘zining nomi bilan atalgan “Tyuring testi” tartibini ishlab chiqdi. Maqola chop etilganidan so‘ng sun‘iy aql sohasida yangidan-yangi tadqiqotlar amalga oshirildi. Ushbu davr mobaynida olim

qarashlarini o'zgartirmagan holda fikrlashda insondan farq qilmaydigan mashinalar haqida ham turli fikrlar bildira boshlaganligini ko'rish mumkin³⁵².

Sun'iy aql haqidagi bahs-munozaralar deyarli 50 yildan beri davom etib kelmoqda. Mutaxassislar hanuzgacha bir to'xtamga kelishgani yo'q. Ba'zilar ularning ommalashib odamlar o'rmini egallab borayotgani natijasida ommaviy ishsizlik ko'rsatkichlari oshib ketishi mumkinligidan havotir olsalar, boshqa guruh mutaxassislar sun'iy aqlga ijobiy munosabatda bo'lish kerakligini uqtirishadi.

Bugungi kunda kompaniyalar har qachongidan ham ko'proq ma'lumotlarga ega. Moliya, sanoat, marketing, sarmoya kabi mavzularda ilmiy maqolalarni nashr etuvchi "Forbes" nashri ma'lumotlariga ko'ra, 2010-2020-yillar oralig'ida yaratilgan va biznes vakillari tomonidan iste'mol qilingan ma'lumotlar miqdori 5000 %ga oshgan. Buni quyidagi jadval ma'lumotlaridan ko'rish mumkin.

Sun'iy aql bo'yicha nashr ma'lumotlari³⁵³

T/r	Nashrlar nomi	So'rovlar, tahlillar natijasi	Kutilayotgan o'sish darajasi (2021-2028-yy.)
1.	Grand View Research nashri	Intellektual aqlning qiymati 2020-yilda 62 mlrd AQSH \$	40,2 %
2.	McKinsey kompaniyasi so'rovnomasi	Respondentlarning 56 %i sun'iy aqlni qo'llagan, bu 2020-yilda respondentlarning 50 %idan ko'p	
3.	Accenture kompaniyasi	C-suite rahbarlarining 84 %i sun'iy aqldan foydalanish o'sish maqsadlariga erishishga yordam beradi, deb hisoblaydi	

Yuqorida keltirib o'tilgan jadval ma'lumotlaridan shuni aytish mumkinki, sun'iy aql endilikda faqat tanlangan brendlar tomonidan qo'llaniladigan eksperimental texnologiya emas. Dunyo bo'ylab ko'plab kompaniyalar uchun bu ular faoliyatining asosiy qismiga allaqachon aylanib ulgurgan.

Muammoni hal qilish yo'llari. Biznesda sun'iy aqldan qanday foydalansa bo'lishi va uning qanday afzalliklarga ega ekanligini quyidagicha ta'kidlab o'tishni maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz:

jarayonni avtomatlashtirish orqali samaradorlikni oshiradi;

xizmat tezligini yoki izchilligini oshiradi;

qaror qabul qilishda mijozlar tushunchasidan foydalanish mumkin;

yangi mahsulotlar va xizmatlar uchun imkoniyatlarni ochishni ta'minlaydi.

Sun'iy aql deyarli har qanday biznes strategiyasiga mos kelishi mumkin. Sun'iy aqldan foydalanishni boshlash uchun, avvalo, ma'lumotlarni to'plash va tahlil qilish, sun'iy aqlda ushbu axborot manbalari qanday rol o'ynashi haqida tushunchaga ega bo'lish muhimdir. Ushbu bosqichlardagi belgilangan vazifalarni amalga oshirish natijasida sun'iy aqlning turli faoliyat yo'nalishlaridagi korxonalar

³⁵² <https://yuz.uz/> rasmiy sayti ma'lumotlari.

³⁵³ Rasmiy ijtimoiy tarmoq ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan mustaqil ishlanma.

faoliyatida foydalanish darajasiga va samaradorligini baholash imkoniyatiga ega bo‘lamiz.

Kutilayotgan iqtisodiy samara. Biznesda sun‘iy aqldan foydalanishning e‘tibor berish zarur bo‘lgan jihatlarini tahlil qilish orqali, biz, quyidagi xususiyatlarni alohida o‘rganishni maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz:

Chat-botlarning tizimli va samarali joriy etilishi. Bizning fikrimizcha, chat-botlar korxonalariga yoki mijozlarga xizmat ko‘rsatish jarayonlarini soddalashtirishga yordam beradi, buning natijasida, korxonada xodimlarining ish vaqti fondan samarali foydalanishga erishiladi. Chat-botlar, odatda, mijozlar so‘rovlarini tushunish uchun tabiiy tilni qayta ishlash kombinatsiyasidan foydalanadi. Chat-bot texnologiyasi, shuningdek, mijozlarning savollariga javob berish uchun zarur bo‘lgan mutaxassis bilan bog‘lanishga yordam bera oladi.

Mijozlarga mahsulotlarni taklif qilish. Kompaniyalar sun‘iy aqldan mijozlar manfaatlariga mos keladigan mahsulotlarni tavsiya qilish va ularni jalb qilish uchun foydalanishi mumkin. Bunda korxonaning veb-sahifasida mijozlarning xatti-harakatlarini kuzatib borish orqali ularga allaqachon tanish bo‘lgan mahsulotlarga o‘xshash mahsulotlar assortimentini taqdim etish mumkin bo‘ladi. Bu, asosan, amaliyotda elektron tijorat sohasidagi kompaniyalar uchun samarali hisoblanadi.

Mijozlar auditoriyasini segmentlashtirish. Bunda mijozlarning mahsulot va korxonalar tomonidan taklif etiladigan xizmatlar turlariga nisbatan qiziqishlari va mavjud ehtiyojlaridan kelib chiqib, ularning qaysi tarmoq va mahsulot turiga nisbatan qiziqishlari guruhlashtiriladi. Buning natijasida mijozlarning talablari ularning ehtiyojlaridan kelib chiqib o‘z vaqtida qondiriladi va bu bilan korxonada xizmatlarining samaradorligi oshishiga erishiladi.

Ta‘minot zanjirlarini optimallashtirish. Xo‘jalik yurituvchi subyekt tomonidan ta‘minot zanjirining uzluksizligi sun‘iy aqldan foydalanishlik natijasida samarali ta‘minlanadi. Bunda mijozlarning buyurtmalariga ko‘ra, korxonada qancha tovar-moddiy zaxiralar mavjudligi, ularni mijozlarga qancha vaqt mobaynida yetkazib berilishi, texnik parametrlarga to‘liq javob berishi va keyingi buyurtmalarni qabul qilish imkoniyatini yaratadi. Bundan tashqari, korxonada operatsion siklning tezlashishiga erishiladi.

Xulosa o‘rnida shuni ta‘kidlash mumkinki, agar biz korxonalar faoliyatida sun‘iy aqldan samarali foydalanadigan bo‘lsak, u holda:

1) ular arzon narxdagi yuqori samaradorlikka ega bo‘lgan resursga ega bo‘ladi;

2) katta hajmdagi ma‘lumot manbalariga ega bo‘ladi;

3) korxonada mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirishga erishiladi. Pirovardida esa, xo‘jalik yurituvchi subyektlarning faoliyat samaradorligi misli ko‘rilmagan darajada oshishiga erishiladi.

Adabiyotlar:

1. EFSA Supporting Publications. European Food Safety Authority (EFSA), Ermanno Cavalli, Didier Verloo, Konstantinos Paraskevopoulos, Juliane Kleiner, Claudia Heppner, Marta Hugas “Theme (concept) paper-Artificial Intelligence in risk assessment”, Volume 19, –Issue 5, –P.4-8.

2. Al-Surmi, Abdulrahman, Mahdi Bashiri, and Ioannis Koliouisis. 2021. "AI Based Decision Making: Combining Strategies to Improve Operational Performance." International Journal of Production Research. doi:<https://doi.org/10.1080/00207543.2021.1966540>. [Taylor&Francis Online], [Google Scholar].
3. Manimuthu, Arunmozhi, V. G. Venkatesh, V. Raja Sreedharan, and Venkatesh Mani. 2021. "Modelling and Analysis of Artificial Intelligence for Commercial Vehicle Assembly Process in VUCA World: A Case Study." International Journal of Production Research. doi:<https://doi.org/10.1080/00207543.2021.1910361>. [Taylor&Francis Online], [Google Scholar].
4. <https://www.terabayt.uz> rasmiy sayti.
5. <https://techacute.com> rasmiy sayti.

АНАЛИЗ ОСНОВНЫХ ПРОБЛЕМ СОКРАЩЕНИЯ БАРЬЕРОВ И МЕРЫ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН В 2022–2026 ГГ

*Султонмуродов Мирзо-Улугбек Мукимжон угли, магистрант,
Ташкентский международный университет Кимё*

Аннотация. Республика Узбекистан остаётся одной из наиболее перспективных стран в Центральной Азии с высоким потенциалом для развития малого и среднего бизнеса (МСБ). Однако, несмотря на существующую государственную поддержку этого сектора экономики, он сталкивается с рядом проблем, ограничивающих его развитие. Настоящая статья анализирует основные проблемы, с которыми сталкиваются МСБ в Узбекистане, и меры по их решению в период с 2022 по 2026 годы.

Ключевые слова: МСБ, сокращение бюрократии, меры поддержки, Республика Узбекистан.

Проблемы МСБ в Узбекистане включают в себя недостаток доступа к финансированию, отсутствие квалифицированных кадров, высокий уровень регулирования, неэффективную инфраструктуру, коррупцию и недостаток прозрачности. Эти проблемы создают значительные трудности для роста и развития МСБ в стране. В ходе исследования были выделены три основные проблемы:

Проблема №1: Бюрократические барьеры

Высокий уровень бюрократии и неэффективность органов государственного управления являются главными препятствиями для развития МСБ в Узбекистане. Регистрация бизнеса может занять несколько месяцев, что затрудняет быстрый запуск предприятия и повышает экономические затраты. Кроме того, множество разрешений и лицензий, необходимых для начала деятельности, увеличивает административные барьеры и затраты на их получение.

Необходимо упростить процедуру регистрации бизнеса и получения разрешений, а также сократить время на их выдачу. В этом направлении правительство Узбекистана уже предпринимает некоторые шаги. В частности, в 2019 году был создан Центр поддержки предпринимательства, который занимается предоставлением услуг по регистрации и обслуживанию

предприятий. Кроме того, были упрощены процедуры получения государственных услуг и лицензий³⁵⁴.

В период с 2022 по 2026 годы правительство Узбекистана должно продолжить работу по минимизации бюрократических барьеров. Для этого могут быть приняты следующие меры:

сокращение количества документов, необходимых для регистрации бизнеса и получения разрешений. Это поможет снизить время на их оформление и сократить затраты на получение необходимой документации;

разработка единой электронной системы регистрации и учёта данных о предприятиях. Это позволит ускорить процесс регистрации и сократить количество бумажных документов;

улучшение качества услуг, предоставляемых органами государственного управления в области регистрации предприятий и выдачи лицензий. Необходимо улучшить обучение персонала и поощрение улучшения качества услуг;

сокращение сроков выдачи разрешений на рубеже международной торговли. Это важно для развития экспорта продукции МСБ в другие страны;

введение механизмов контроля и периодической оценки эффективности действий правительства в области упрощения регистрации бизнеса и получения разрешений. Это поможет выявить недостатки и корректировать стратегию работы в этой области³⁵⁵.

Уменьшение бюрократии в Узбекистане позволит МСБ экономить время и снизить затраты на получение разрешений и регистрацию предприятий, что в свою очередь, способствует улучшению условий для развития МСБ в стране.

Проблема №2: Недостаток доступа к финансированию

Доступ к финансированию остаётся одной из главных проблем для малых и средних предприятий в Узбекистане. Одной из причин является то, что банки склонны к предоставлению кредитов только крупным компаниям и государственным предприятиям, деятельность которых считаются менее рискованными. Большинство малых и средних предприятий не имеют необходимых обеспечений или достаточного количества исторических данных для получения кредита. Кроме того, кредитные ставки для МСБ в Узбекистане часто являются слишком высокими для них. Высокие ставки приводят к увеличению финансовой нагрузки на предпринимателей и ограничивают их способность расти и развиваться.

Для решения проблемы доступа к финансированию, правительство Узбекистана и другие заинтересованные стороны работают над созданием различных мер и инструментов. В частности, предпринимаются шаги по созданию более привлекательной среды для инвестирования и развития бизнеса. В рамках этой программы правительство предоставляет гарантии

³⁵⁴ Дадаков А.Н. Малый и средний бизнес в Узбекистане: возможности и проблемы/А.Н. Дадаков. –М.: Наука, 2020. –С.117.

³⁵⁵ Батиров Д. Проблемы и перспективы малых и средних предприятий в Узбекистане//Управление, экономика и право, №3 2020. –С.55.

для кредитных линий, предоставляемых микрофинансовыми организациями и учреждениями.

Кроме того, в последнее время активно развиваются альтернативные механизмы финансирования, такие как краудфандинг и пиринговое кредитование. В результате, предприниматели могут получать финансирование от инвесторов, которые заинтересованы в развитии бизнеса. Также, в рамках реформирования банковской системы, банки начинают разрабатывать специальные программы кредитования для МСБ. Банки активно работают с предпринимателями, предоставляя им консультации и помощь на различных этапах развития и расширения бизнеса, что является хорошим сигналом для сектора МСБ³⁵⁶.

Таким образом, правительство Узбекистана активно работает над решением проблемы доступа к финансированию для МСБ. Создание более привлекательной среды для инвестирования и развития бизнеса, развитие альтернативных механизмов финансирования и программы кредитования для малых и средних предприятий помогут снизить риски и привлечь больше инвестиций в этот сектор.

Проблема №3: Недостаточное образование и квалификация предпринимателей

Недостаточное образование и квалификация предпринимателей также являются проблемой для развития МСБ в Узбекистане. Из-за отсутствия у них необходимых знаний и навыков по управлению предприятием, МСБ становится уязвимым к риску неудачи. Отсутствие необходимых знаний и навыков управления предприятием может стать причиной проблем для малых и средних предприятий в Узбекистане. Предприниматели, не имеющие достаточной квалификации, могут столкнуться с риском неудачи своих бизнесов, низкой производительностью и неэффективностью операций³⁵⁷.


Кроме того, многие малые и средние предприятия страдают от отсутствия инноваций, так как мало кто из предпринимателей в Узбекистане обладает необходимыми знаниями и навыками для их внедрения. Недостаток квалифицированных кадров также может привести к проблемам в управлении предприятием и ограничить его возможности для роста и развития. Чтобы решить эту проблему, правительство и другие заинтересованные стороны проводят обучающие программы и курсы по развитию навыков управления предприятием. Например, Центр развития МСБ при поддержке Правительства Узбекистана организывает бесплатные курсы и семинары, а также предоставляет консультации по вопросам управления бизнесом.

³⁵⁶ Рузиев Х.К. Малый бизнес Узбекистана: проблемы и направления развития//Инновационные технологии и экономика, №4, 2021. –С.31.

³⁵⁷ Шарипов А.А. Меры поддержки малого и среднего бизнеса в Узбекистане//Современная экономика: проблемы и решения, №4, 2022. –С.77-85.

Помимо этого, внедряются меры по развитию профессионального образования для будущих предпринимателей. Это может включать сотрудничество с университетами и другими образовательными учреждениями для предоставления курсов по предпринимательству, управлению бизнесом и инновациям.

Таким образом, проблема недостаточного образования и квалификации предпринимателей в Узбекистане получает внимание и решается с помощью обучающих программ и развития профессионального образования. Обучение и развитие навыков управления и инновационности помогают повышать успех и продуктивность малых и средних предприятий, и развитие бизнеса в



стране в целом.

Меры поддержки МСБ в Республике Узбекистан в 2022–2026 годах³⁵⁸

В дальнейшем, в период с 2022 по 2026 годы, правительство должно продолжать работу по созданию условий для развития МСБ. Ниже приводятся основные меры, которые должны быть осуществлены в этом направлении:

улучшение доступа к финансированию для МСБ путём расширения кредитных линий и предоставления государственных гарантий. Также необходимо обеспечить доступ к венчурному капиталу и фондам рискованных инвестиций;

повышение квалификации работников в секторе МСБ путём обучения их навыкам управления, маркетинга, финансов и другим специализированным навыкам;

снижение уровня регулирования для МСБ, что позволит сократить административные расходы и повысить конкурентоспособность малых предприятий;

улучшение инфраструктуры для МСБ, включая развитие электроснабжения, транспортной системы и международного торгового сообщения;

борьба с коррупцией и повышение прозрачности в секторе МСБ, что позволит уменьшить препятствия для развития МСБ.³⁵⁹

Такие меры позволяют создать более благоприятные условия для МСБ в Узбекистане и способствовать росту экономики страны в целом.

МСБ продолжает играть важную роль в экономическом развитии Узбекистана. Однако, чтобы эта отрасль могла продолжать расти и развиваться, необходимо решить основные проблемы, с которыми сталкиваются МСБ в стране. Описанные выше меры поддержки помогут облегчить процесс регистрации, увеличить доступность финансирования и повысить квалификацию предпринимателей, что займет ключевое место в инвестиционной стратегии Узбекистана на период с 2022 до 2026 годы.

Литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы”, 28.01.2022.
2. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-244 “О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности”, 09.11.2022.
3. Указ Президента Республики Узбекистан, №УП-150 “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Государственного фонда поддержки предпринимательской деятельности”, 09.06.2022.
4. Батиров Д. Проблемы и перспективы малых и средних предприятий в Узбекистане//Управление, экономика и право, №3, 2020. –С.54-59.

³⁵⁸ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы”, 28.01.2022.

³⁵⁹Указы Президента Республики Узбекистан №УП-244 “О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности” от 09.11.2022 г. и №УП-150 “О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Государственного фонда поддержки предпринимательской деятельности” от 09.06.2022 г.

5. Дадаков А.Н. Малый и средний бизнес в Узбекистане: возможности и проблемы/А.Н. Дадаков. –М.: Наука, 2020. –С.201.
6. Рузиев Х.К. Малый бизнес Узбекистана: проблемы и направления развития//Инновационные технологии и экономика, №4, 2021. –С.29-38.
7. Шарипов А.А. Меры поддержки малого и среднего бизнеса в Узбекистане//Современная экономика: проблемы и решения, №4, 2022. –С.77-85.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

*Зокиров Ойбек Охундада ўгли, магистрант,
Тошкент Кимё халқаро университети*

Аннотация. Мақолада мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти ҳамда ўзгариб бораётган глобал иқтисодий ислохотларнинг мазмуни ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, рақобат, иқтисодий ўсиш, хусусий тадбиркорлик, инновация.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Жаҳон мамлакатларининг ҳозирги глобаллашуви шароитида кичик бизнес эгалари ва тадбиркорлар иқтисодий ўсишнинг драйверлари сифатида кўпроқ эътироф этилмоқда. Сўнгги йигирма йилликда кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамиятига оид кенг кўламли тадқиқотлар янги корхоналарнинг ташкил этилиши иқтисодий фаровонликка олиб келишини кўрсатмоқда. Ривожланаётган тармоқлар рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнаш билан бирга, янги кичик бизнес кўплаб ҳудудларда иқтисодий ўсиш ва инновацион салоҳият учун жуда муҳимдир. Янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий ўсиш ва камбағалликни қисқартириш, одатда, тадбиркорликдаги асосий сиёсий манфаатлардир. Шундай қилиб, тадбиркорлик иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, айниқса, тадбиркорларнинг инновацион табиати туфайли ишлаб чиқариш тармоқларига инновацион фаолиятнинг кириб боришини таъминламоқда.

Яқинда Bryson, Wood ва Keebleлар тадбиркорларни уларнинг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда янги бизнес яратиш нуқтаи назаридан тадқиқот олиб бордилар. Унга кўра, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишдаги ролини тушунишда янги илмий асосларни очиш учун мавзу доирасида чуқур таҳлил ва тадқиқотлар амалга оширилди. Энг муҳими, ушбу тадқиқот натижалари ва хулосаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти таъкидланган.

Муаммони ҳал қилиш йўллари. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик ва кичик бизнес ўзаро боғлиқ бўлса-да, аммо синоним тушунчалардан узоқдир. Бир томондан, тадбиркорлик фаолияти (масалан, имкониятларга эътибор қаратувчи хулқ-атвор сифатида белгиланади) ҳам кичик, ҳам йирик бизнесда, балки бизнес олаmidан ташқарида ҳам содир бўлиши мумкин. Кичик бизнес

саноатни ўзгартирадиган янги маҳсулот ва жараёнларни жорий қилувчи (тадбиркорлар учун ҳам, яшаш учун бизнес юритадиган ва эгалик қиладиган одамлар учун ҳам восита сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ўтган асрнинг биринчи ўн йилликларида кичик бизнес ҳам тадбиркорлик воситаси, ҳам бандлик ва даромад манбаи бўлган. Айнан шу даврда Й. Шумпетер “Иқтисодий ривожланиш назарияси” асарини ёзиб, иқтисодий ривожланишнинг асосий сабаби сифатида тадбиркорнинг ролини таъкидлаган. У инновацион тадбиркор ҳозирги технологиялар ва эскирган маҳсулотларнинг ўрнига янги ихтироларни жорий этиш орқали амалдаги фирмаларга қандай қийинчилик туғдираётганини тасвирлайди.


Кўриниб турибдики, бу иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий ва сиёсий мақсадларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Йирик фирмалар ҳали қудратли мавқеига эга бўлмаган бир пайтда, кичик бизнес аҳоли бандлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асосий таъминловчиси бўлиб ишонч ҳосил қилган эди.

Аксарият иқтисодий, психологик ва социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тадбиркорлик статик ҳодиса эмас, балки жараёндир. Тадбиркорлик фақат механик иқтисодий омил эмас. Тадбиркорлик, одатда, ўзгаришлар ва танлов муаммолари билан боғлиқ. Й. Шумпетернинг сўзларига кўра, “Ҳар бир инсон янги комбинацияларни амалга оширса, тадбиркор бўлади”. Демак, ишлаб чиқариш омилларининг янги комбинацияларини топиш тадбиркорлик кашфиёти жараёни бўлиб, у иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Ушбу янги комбинациялар мавжуд талабни қондириш ёки янги маҳсулотларни яратишнинг энг яхши усуллари ташкил этади, ва кўпинча, ҳозирги технологияларни яратади.

Тадбиркорликнинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги ҳақидаги гипотеза ўзининг энг бевосита асосини оддий сезги, соғлом фикр ва соф иқтисодий кузатишда топади: тадбиркорликнинг негизида ғояларни иқтисодий имкониятларга айлантириш бўйича фаолият ётади. Тадбиркорлик инновация ва ўзгаришлар манбаи бўлиб, унумдорлик ва иқтисодий рақобатбардошликни оширишга тurtки бўлади. Тадбиркорлик иккита омил – билим ва мослашувчанлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тобора глобаллашиб бораётган жаҳон иқтисодиётида рақобатбардошлик манбаи сифатида янги аҳамият касб этган.

Тадбиркорлик индивидуал даражада пайдо бўлса, бажариладиган ишлар фирма даражасида амалга оширилади. Стартап ёки инновациялар шахсий тадбиркорлик фазилатлари ва амбицияларини ҳаракатга айлантириш воситасидир. Тармоқлар ва миллий иқтисодиётларнинг макродаражасида тадбиркорлик фаолияти йиғиндиси рақобатлашувчи тажриба, янги ғоя ва ташаббуслар тўпламини ташкил этади. Бу рақобат бозорнинг хилма-хиллиги ва ўзгаришига, яъни энг рақобатбардош фирмаларни танлаш, уларга тақлид қилиш ва эскирган фирмаларни алмаштиришга олиб келади.

Тадбиркорлик ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги муносабатлар модели маҳаллий иқтисодий ривожланишнинг концептуал асослари орқали тақдим этилиши мумкин. Иқтисодий ўсишнинг анъанавий таҳлиллари, одатда, йирик корпорацияларга эътибор қаратади ва кичик стартаплар умумий иқтисодиётга ҳисса қўшадиган инновация ва рақобатни эътиборсиз қолдиради. Кўпгина тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, бизнинг тадқиқотимизда тадбиркорлик фаолиятининг хорижий инвесторлар билан ҳамкорлиги ҳамда ташқи бозорга чиқиш имкониятини эътиборга олган ҳолда, кўламни кенгрок – халқаро миқёсда олишни мақсад қилинган бўлиб, глобал тадбиркорлик мониторинги (ГТМ)нинг концептуал моделини таклиф қиламиз.



Глобал тадбиркорлик мониторингининг концептуал модели

Ушбу модель кенг қамровли ёндашувни ва мамлакат ичидаги барча корхоналарнинг иқтисодий ҳиссасини ҳисобга олади.

Инвестиционная политика имеет огромное влияние на развитие капиталовложений в стране, как частных, так и государственных. Именно она формирует так называемый инвестиционный климат страны, поэтому нужно ей уделять огромное внимание.

В современных условиях в разных регионах все более актуальным становится вопрос, куда лучше вкладывать средства. Как показывает мировой опыт, особо приоритетными являются те сферы инвестиций, которые позволяют добиваться быстрой окупаемости вложений³⁶⁹.

Существует ряд факторов, которые препятствуют активному росту инвестиций и производства. При этом можно отметить, что на многих хозяйственных субъектах довольно низкий уровень управления, что естественно вызывает рост рисков в инвестиционной деятельности. Таким образом, для осуществления эффективной экономической политики необходимо разрабатывать эффективную инвестиционную политику региона, ключевыми принципами которой должны стать:

последовательная децентрализация инвестиционного процесса путём развития многообразных форм собственности, повышение роли внутренних (собственных) источников накоплений предприятий для финансирования их инвестиционных проектов;

приоритетным в размещении централизованных капиталовложений должны быть государственные целевые программы;

углубление инвестирования должно, в основном, осуществляться за счёт собственных источников накопления в регионах;

открытость проводимой инвестиционной политики;

обеспечение ясности и прозрачности инвестиционного процесса, доступности для всех инвесторов информации, которая необходима для осуществления инвестиционной деятельности;

сбалансированность государственных, социальных, политических и экономических интересов всех участников инвестиционно-финансового рынка;

³⁶⁹ Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб. пособие/Л.Л. Игонина; под ред. д.э.н., проф. В.А. Слепова. –М.: Экономист, 2005. –С.478, стр.29-34.

разработка положительного имиджа региона, который позволит увеличить вложения капитала как со стороны отечественных, так и со стороны зарубежных инвесторов.

Литература:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева Олий Мажлису, 27.01.2020. <https://cbu.uz/oz/-Официальный сайт Центрального банка РУз>.
2. Ходус, В.В. Формирование и механизм реализации региональной инвестиционной политики промышленно-аграрного региона (на примере Омской области): дисс. ... к.э.н./В.В. Ходус. –Екатеринбург, 2011. –С.220.
3. Новокшенова, Е.Н. Оценка эффективности региональной инвестиционной политики/ Е.Н. Новокшенова//Региональная экономика: теория и практика, 11(338), 2014. –С.49-60.
4. Баранцов Н.А. Теоретические аспекты региональной инвестиционной политики/Н.А. Баранцов. –Текст: непосредственный//Молодой ученый, 12(116), 2016. –С.1112-1115.
5. Казаченко, Л.Д. Инвестиционная политика: учеб. пособие/Л.Д. Казаченко. –Чита: ЧитГУ, 2006. –С.237.
6. Чуб Б.А. Управление инвестиционными процессами в регионе. –М.: БУКВИЦА, 1999, –С.186.
7. www.Gazeta.uz.
8. Игонина Л.Л. Инвестиции: учеб. пособие/Л.Л. Игонина; под ред. д.э.н., проф. В.А. Слепова. –М.: Экономист, 2005. –С.478, с.29-34.

ЎУДУДУЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Хусанов Баходир Шералиевич, и.ф.н., проф. в.б.,
Хасанов Азамат Абдужалолович, магистрант,
Тошкент Кимё халқаро университети
Самарқанд филиали*

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)ларни ташкил этиш ва ривожлантириш тенденциялари таҳлил этилган. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада фаоллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: Ҳаракатлар стратегияси, хорижий инвестиция, эркин иқтисодий зона, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, солиқ имтиёзлари, инфратузилма тармоқлари, инвестицион фаоллик, мегаполис.

Бугунги давр иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, шу орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратишни талаб этади. Албатта, бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналарнинг роли ва ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори кўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича

замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» ги ПФ-4931-сон Фармони қабул қилинди.³⁷⁰

Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та ЭИЗ фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” ЭИЗда умумий қиймати 486 млн \$га тенг 62 та лойиҳа амалга оширилган, 4600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 та янги ЭИЗни ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

ЭИЗ корхоналари бир қатор имтиёзларга эга: солиқ солишнинг имтиёзли шартлари мавжуд, тадбиркорлар ўзларининг сармоялари ҳажмига қараб солиқ ва божхона тўловлари бўйича 3, 5, 7 ёки 10 йил давомида имтиёзли ставкалардан фойдаланишлари мумкин. Буларнинг бари ўз мевасини бермоқда: ЭИЗ резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми 1,5 баробардан ошди, деярли 9 трлн сўмни ташкил этди, бу мамлакат ишлаб чиқариш ҳажмининг 3 %идан ортиғини ташкил этади.

Экспорт ҳажми ҳам ўсиб бормоқда: 9 ой натижаларига кўра, 1,26 трлн сўмни ташкил этди, 1021 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 9600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 та лойиҳани амалга ошириш натижасида 11000 янги иш ўрнини яратиш режалаштирилмоқда.

Ҳар қандай мамлакатда ҳам ЭИЗлар учун биринчи қўйиладиган талаб – бу мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва халқаро интеграциялашувнинг юқори даражада эканлиги, электр энергияси ва транспорт коммуникациялари билан етарлича таъминланганлик каби жараёнларнинг халқаро андозаларга мос келишидир. Бугунги кунда Ўзбекистонда ЭИЗларни ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни янада устувор этиб кун тартибига чиқариш ҳамда аста-секин амалга оширишни зарур, деб ҳисоблаймиз:

ЭИЗлар фаолиятига оид бутун хўжалик-ҳуқуқий масалаларини тартибга солиш учун махсус дастур ишлаб чиқиш;
транспорт коммуникацияларини ривожлантириш;
зарур инфратузилма: сув таъминоти, электр таъминоти, ижтимоий шароит ва бошқаларни янада яхшилаш;

³⁷⁰ www.lex.uz Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий сайти.

тижорат инфратизими: банк, консалтинг, юридик хизматларнинг масофавий онлайн тизимини ривожлантириш ва бир база асосида шакллантириш;

бозорга кира олиш лойиҳасини давлат кафили остига олиш;

меҳнат қиймати ва унумдорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш;

ЭИЗлар маъмурий бошқарувининг самарали тузилмасини яратиш.

Изланишлар натижасида ва хорижий давлатларнинг ЭИЗлар борасидаги тажрибаларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. ЭИЗ – маҳаллий минерал хомашё ресурсларини замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиладиган махсус ҳудуддир, деб юритиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча. иқтисодий терминларнинг бойиб бориши шу соҳадаги илмийликнинг ўсишидан далолат беради.

2. ЭИЗларни аниқ мақсадига мос ҳолда ихтисослигига қараб ажратиш лозим. Ҳамма зоналарни ЭИЗ деб эмас, масалан, туризм эркин зонаси, эркин саноат зонаси, эркин машинасозлик зонаси, эркин спорт зонаси ва ҳ.к. деб аташ мумкин.

3. Ўзбекистонда ЭИЗларни ривожлантириш учун ва давр талаблари бўйича ташкил этиш учун унинг белгиларини мунтазам равишда кенгайтириб бориш керак. Масалан, мавжуд саноат базасини кенгайтириш ёки бепул сервис хизмати, консалтинг хизматлари ва б.

4. Жаҳон бозорида ЭИЗни тезроқ ва шаффоф тарзда танитиш учун юқори савиядаги ЭИЗлар сиёсатини олиб бориш лозим.

5. Ҳар бир ЭИЗнинг ўз концепциялари бўлиши ва уни халқаро андозаларга мос, инвесторларга содда, қулай ва тушунарли тарзда етказиш чораларини кўриш лозим, деган фикрдамиз.

Хулоса қилиб айтганда, ЭИЗлар фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда, жаҳон бозорига тобора интеграциялашувида, тўғридан-тўғри инвестицияларни рағбатлантиришнинг ўзига хос ва бетакрор механизминини жорий қилишда муҳим соҳа бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ЭИЗлар фаолияти минтақалар иқтисодиётини ривожлантиради.

Адабиётлар:

1. Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: Монография. –Т.: Фан, 2008.
2. Раҳматов Б.Б., Бақоев Ҳ.Н. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш йўналишлари. “Кончилик хабарномаси”, №4, 2009.
3. Авдокушин Е.Ф. Свободные (специальные) экономические зоны. –М., 1993. –С.124.
4. Черненко Н.В. Свободные экономические зоны в мировой экономике//Вестник. –БелГЭУ, 1998.
5. Александрова Е. Специальные экономические зоны в мировом хозяйстве//Внешнеэкономическая деятельность, №10, 1997. –С.15-18.
6. Яковец Ю.В. Свободные экономические зоны и совместное предпринимательство в области культуры и туризма. –М.,1991.

2. Шеховцев А., Шестакова М., Громов А. Свободные экономические зоны: мировой опыт и перспективы в России//Вопросы экономики, №10, 2000. –С.104-117.
3. Холикулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослар ва жаҳон тажрибаси. –Т., 2002. –Б.186-192.
4. Краткий внешнеэкономический словарь-справочник. Под редакцией В.И. Рыбалкина. –М.: Международные отношения, 1991. –С.82.
5. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий хуудларнинг мазмун-моҳияти ва хуудлар ривожланишига таъсири//“Иқтисод ва молия” илмий-амалий журнал. –Т., №3, 2012. –Б.50–54.
6. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш мезонлари//“Иқтисод ва молия” илмий-амалий журнал. –Т., №12, 2012. –Б.44-48.
7. Быков А. Свободные экономические зоны в России. Миф и реальность//Внешняя торговля, №9, 1993. –С.30-34.

МАМЛАКАТИМИЗ МИНТАҚАЛАРИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Рашидов Мэлс Каримович, PhD, доц.,
Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университети*

Аннотация: Мақолада, асосан, мамлакатимиз минтақаларида эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) ва кичик саноат зоналари (КСЗ)ни ташкил этиш бўйича сўнгги вақтларда амалга оширилаётган ишлар, бу ишларнинг мамлакатимиз тараққиётига таъсири, шу билан бирга, ЭИЗ ва КСЗда дуч келинаётган муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: ЭИЗ, КСЗ, бошқарув тизими, жойлаштириш, инвестор, молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар.


Abstract: The article focuses on the recent works on the establishment of free economic and small industrial zones in the regions of our country, the impact of these works on the development of our country, as well as the problems encountered in the free economic and small industrial zones and their elimination. suggestions and recommendations are presented.

Keywords: free economic zone, small industrial zone, management system, placement, investor, financial reporting, international standards.


Мамлакатимизда ташкил этилган ЭИЗ ва КСЗ минтақаларни барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз минтақаларидаги бўш турган, фойдаланилмаётган ва кам қувватли объектлар хатловдан ўтказилиб, улардан келгусида самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди, ҳали бу жараён изчил давом эттирилмоқда (1 ва 2-расмлар). Иш жараёнлари тўхтаб қолган ва кам қувватли корхоналар, бўш ер участкалари ва бошқа объектлардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилмоқда.


Қуйидаги 1,2,3, ва 4-графикларда мамлакатимиз минтақаларида ташкил этилган КСЗдаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили келтирилган (01.01.2022 й. ҳолатига):




1-график. Мамлакатимиз минтақаларидаги КСЗ сони (та)



2-график. Минтақалардаги КСЗда амалга оширилган лойиҳалар сони (та)



3-график. Минтақалардаги КСЗда амалга оширилган лойиҳалар қиймати



4-график. КСЗда яратилган иш ўринлари сони (киши)

Мамлакатимиз минтақаларидаги КСЗда 2023-2025 йиллар давомида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари таҳлили³⁷³

Минтақалар номи	Лойиҳалар сони	Инвестиция лойиҳаси қиймати, млрд сўм	Яратилиши режалаштирилган иш ўрни, киши
Қорақалпоғистон Республикаси	65	229,4	1486
Андижон в.	157	452,8	4365
Бухоро в.	130	811,9	4643
Жиззах в.	75	302,6	1385
Қашқадарё в.	93	340	2022
Навоий в.	44	201,1	1159
Наманган в.	956	5411,6	44870
Самарқанд в.	133	588,8	3756
Сурхондарё в.	124	284,8	1370
Сирдарё в.	28	193,5	827
Фарғона в.	457	5203,0	18875
Хоразм в.	34	71,5	669
Тошкент в.	98	1461,0	3694
Тошкент ш.	25	240,4	912

Дастлаб, мамлакатимиз минтақаларидаги ЭИЗ ва КСЗда ўз фаолиятини олиб бормоқчи бўлган инвестор ЭИЗ дирекциясига ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш учун тўлдирилган инвестиция буюртманомасини тақдим этади, унга қуйидагилар илова қилинади:

юридик шахсинг (инвесторнинг) рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ёки ушбу инвесторнинг фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

тавсия қилинаётган инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси(лойиҳа);

инвесторнинг тегишли соҳадаги иш тажрибаси мавжудлигини тасдиқловчи маълумот. Агар мавжуд бўлмаган тақдирда, инвестор дирекцияга инвестиция лойиҳасини амалга оширишга жалб этаётган технологик ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этади;

инвесторнинг охириги уч йилдаги молия-хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот.

Маъмурий кенгаш киритилган инвестиция буюртманомалари ва бизнес-режаларни кўриб чиқади ва лойиҳани ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш мумкинлиги, ёки тақдим этилган ҳужжатларни пухталаштириш зарурлиги, ёки зона ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Дирекцияга тақдим этилаётган **бизнес-режа (инвестиция лойиҳаси)** да қуйидаги асосий ҳолатлар акс эттирилган бўлиши керак:

³⁷³ <https://invest.gov.uz/> маълумотлари асосида тайёрланди.

юримдик шахсининг ёки унинг таъсисчиларининг ташкил этилганлиги, уларнинг тегишли соҳада ва ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга оширишда тажрибага эгаллиги тўғрисидаги маълумот;

ходимларни ишга қабул қилиш манбаси (маҳаллий – коллеж битирувчилари, меҳнат биржаси томонидан йўналтирилган шахслар, бошқа ташкилотлар ишчилари; хорижий – чет элдан мутахассис жалб этиш), ташкил этилаётган иш ўринлари;

ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотнинг номи, ҳажмлари ва ўзига хослиги;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мўлжалланаётган нархлари ва сотиш бозорлари (маҳсулотни ички ва ташқи бозорга етказиш ҳажмлари кўрсатилган ҳолда);

ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорлари бўйича маркетинг тадқиқотлари;

хомашё базасининг мавжудлиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш даврида хомашё ва материаллар билан таъминлашнинг кафолатланган имконияти (маҳаллий ва импорт материаллар, бутловчи ускуналарни ажратиб кўрсатган ҳолда);

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ва дастлабки 4 та белгилардан бири даражасида бошланғич хомашёга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси коди (ТИФТН коди – 2017 йил таҳрири) бўйича якуний маҳсулот товар позициясининг ўзгариши;

ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни ҳамда тайёр маҳсулотни ташиш ва логистикаси;

таклиф этилаётган лойиҳани амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган инфратузилма ва муҳандислик иншоотлари (электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва техник сув, канализация, автоўл) ҳажми;

ишлаб чиқариш ажратмаларининг мавжудлиги, газларнинг тури ва ҳажми (қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни кўрсатган ҳолда);

ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш учун ЭИЗ ҳудудидаги участканинг мўлжалланаётган ўлчамлари;

асосий ишлаб чиқариш цехи, ускуна ва технологик линиялар, маъмурий-маиший, омбор ва бошқа ёрдамчи биноларнинг жойлашиши кўрсатилган ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг дастлабки чизмаси;

ишлаб чиқариш технологиясининг (экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда) технологик ускуналар, ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва давлатлари рўйхати кўрсатилган тавсифи;

ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мўлжалланаётган технологик асбоб-ускуналарнинг хусусияти, уларнинг замонавий технологик талабларга мувофиқлиги, инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган менежмент тизимининг жорий этилиши;

мўлжалланаётган инвестицияларнинг ҳажми, тури ва муддатлари, молиялаштириш манбалари ва қарз маблағлари жалб этилган тақдирда мўлжалланаётган гаров таъминоти;

инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг иқтисодий самарадорлигини кўрсатиб берувчи кўрсаткичлари ва молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар.

Дирекция тақдим этилган ҳужжатларни Вазирлар Маҳкамасининг 16.01.2018 йилдаги 29-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6, 7-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги юзасидан 2 иш куни мобайнида кўриб чиқади. Агар талаблар бузилган бўлса, тақдим этилган инвестиция буюртманомалари, камчиликлари кўрсатилган ҳолда, кўриб чиқилмасдан инвесторга қайтарилади.

КСЗни ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари:

аниқ, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш;

Ватанимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман, иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

саноатдаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

кичик саноат зоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил

қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташқи бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.

КСЗ фаолиятидаги мавжуд камчиликлар:

КСЗ ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари етарли даражада эмас, зарур логистика тизими мавжуд эмас;

КСЗ иштирокчиларини рўйхатга олиш, уларга ер участкалари ажратиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш, корхоналарни ташқи муҳандислик инфратузилмасига улаш, тадбиркорларга ишлаб чиқараётган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш жараёнлари муддати асоссиз чўзилмоқда;

КСЗдаги инвестиция лойиҳаларига мувофиқ зарур электр энергияси, ичимлик суви, газ ҳамда бошқа ижтимоий инфратузилма воситалари билан етарли даражада таъминланмаган;

лойиҳа ташаббускорларига ўрнатилган тартибда КСЗ аъзолигини тасдиқловчи гувоҳномалар берилишда сансоларлик ҳолатлари юзага келмоқда.

Юқоридаги келтирилган шу ва бошқа камчиликлар КСЗдаги инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари томонидан молиялаштириш ҳамда банк имтиёзларини қўллашда салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ЭИЗ ташкил этилиши оқибатида мамлакатга кўплаб инвестицияларнинг оқиб келишини кузатиш мумкин. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолияти – ташқи савдо, экспорт-импорт операциялари янада ривожланади. Бу эса, мамлакат иқтисодиётини янада барқарорлаштириб, унинг ривожланишига олиб келади. Бунинг учун авваламбор:

ЭИЗни ташкил этишда ҳудудларни, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва жойлашув манзилени тўғри танлаш;

ҳудудлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда ЭИЗ фаолияти йўналишлари ва истиқболларини аниқлаш;

ЭИЗда кластер ёндашувидан кенг фойдаланган ҳолда зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш;

чет элда ва мамлакат ваколатхоналарида ЭИЗ манфаатларини кўзловчи, инвесторларни жалб этиш учун ахборот-реклама тадбирларини ўтказиш;

ОАВ ва Интернет саҳифаларида мамлакатда ташкил этилган ЭИЗ имкониятлари ҳамда салоҳияти бўйича жозибадорлигини ифодаловчи рекламаларни кучайтириш;

ЭИЗ фаолиятини фаоллаштириш ва улар самарадорлигини баҳолашда юқорида келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича аниқлаш каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ЭИЗнинг ташкил этилиши натижасида мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, экспорт салоҳиятининг ошиши, аҳоли бандлиги таъминланиши, аҳоли турмуш фаровонлиги ва равнақи, макроиқтисодий барқарорлик, энг асосийси, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб, ўз мавқеига эга бўлишига олиб келади.

Таҳлиллар давомида қуйидаги мулоҳазаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигига амин бўлдик:

КСЗда коммуникация тармоқларини улаш бўйича республика бюджети ва тегишли вазирликлар манбаалари ҳисобидан ўз вақтида ва етарли даражада молиялаштирилишини назорат қилиш;

КСЗ иштирокчиларини танлаб олиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш ишлари “Ягона давлат хизматлари” портали орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш, кўриб чиқиш муддати бузилган лойиҳаларни аниқлаб, қонун бузилишига йўл қўйган масъулларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш;

КСЗдаги ҳар бир лойиҳани “Йўл харитаси”да белгиланган муддатларда амалга оширилишини мониторинг қилувчи, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борувчи, тегишли маълумотларни вазирликлардан олиш ваколатига эга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ягона тузилма (Россия Федерациясининг “Эркин иқтисодий зоналар” АЖ мисолида) ва унинг қуйи бўғинларини ташкил этиб, барча ЭИЗ ва КСЗни ушбу тузилма таркибига киритиш;

Маъмурий кенгашнинг йиғилиш баёни билан тасдиқланган ҳар бир лойиҳанинг мониторингини юритиш бўйича онлайн базани шакллантириш ва маълумотларни доимий янгилаб туриш;

КСЗга бириктирилган тижорат банкларининг инвестиция лойиҳалари билан ишлаш масъулиятини ошириш;

КСЗда тақдим этилаётган бўш ер майдонлари ва имкониятлар тўғрисидаги маълумотларни ОАВ, хорижий нашрлар ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишини таъминлаш. Бунда, ушбу роликларни телевидениеларда реклама қилиш нархларида имтиёзлар яратиш муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сон Фармони, 26.10.2016.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлили”га бағишланган йиғилишдаги маърузаси 09.10.2017.
3. Rashidov M.K. “Criteria for assessing the effectiveness of free economic zones”//Economy and Finance. –Т., №12, 2012. –В.44-48.
4. Rashidov M. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, №5, 2018. –Б.126-140.
5. Rashidov M., Вақоев Н. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar”, №1, 2019. –Б.125-136.

6. Rashidov M.K. The urgency of improving the functioning of free economic zones in the regions//Экономика: анализы и прогнозы, №2, 2021. –С.13-21.
7. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш мезонлари //Экономика и финансы (Узбекистан), №12, 2012. –Б.29-32.
8. Рашидов, М.К. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг мазмун-моҳияти ва ҳудудлар ривожланишига таъсири//“Экономика и финансы (Узбекистан)” №3, 2012. –Б.50-54.
9. Рашидов М.К. Минтақаларда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарблиги//Архив научных исследований, Т.2, №1, 2022.
10. Рашидов М.К. Минтақалардаги эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш усуллари ва таҳлили//“Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar” журналы, 4. –Б.279-285.
11. Рашидов М.К. Ўзбекистон минтақаларида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш/Монография. –Навоий: Азиз китобхон, 2022. –Б.156.
12. Rashidov M.K. Structural aspects of free economic zones//International Journal of Economy and Innovation, Т.34, 2023. –С.119-123.
13. Рашидов М.К. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг эконометрик таҳлили//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы, №1, 2019.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН АСОСЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

*Исаков Мусохон Юсупджанович, и.ф.н., доц.,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

Аннотация. Ушбу мақолада Наманган вилояти ҳудудларини ривожлантиришнинг инвестицион асослари ва уни амалга оширишнинг айрим механизмлари ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: инвестициялар, хорижий инвестициялар, “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури, модернизация, ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда фаол инвестиция сиёсатини юритиш катта аҳамият касб этади. Албатта, инвестиция иқтисодиёт тармоқларининг драйвери саналади.

Мамлакат сиёсатининг ажралмас қисми бугунги кунда инвестицияларга боғлиқ бўлиб қолди. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги 21-мақсад ҳам “иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига Ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баробар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” каторига кириш учун замин яратиш”ни кўзда тутди.³⁷⁴

Асосий қисм. Мазкур мақсадни амалга оширишда мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш,

³⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022.

келгуси беш йилда 120 млрд АҚШ \$, жумладан, 70 млрд \$ хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш лозим бўлади. Бундан ташқари:

инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича “пастдан – юқорига” тамойили асосида янги тизимни йўлга қўйиш;

2026 йилгача хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш стратегиясини амалга ошириш;

давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 млрд АҚШ \$га тенг инвестиция жалб этиш кўзда тутилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш мақсадида янги “Солиқ кодекси”, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Медиация тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Халқаро Тошкент арбитраж маркази ташкил этилди, “инвестиция кредити”, “инвестиция субсидияси”, “инвестиция визаси” каби янги механизмлар жорий этилди.

Агар 2017 йил бошига қадар мамлакатимизда атиги 3 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) фаолият юритган бўлса, 2022 йилга келиб уларнинг сони 22 тага етди. Уларнинг 12 таси саноат, 6 таси фармацевтика, 2 таси туризм ва 2 таси қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Қонунчиликдаги ўзгаришлар ва яратилган имкониятлар мамлакатдаги инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, 2019 йилда Ўзбекистон биринчи марта ОЕСДнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича тартибга солувчи чекловлар индексига киритилиб, 2020 йилга келиб дунёда 43-ўринни, Осиё минтақасида 7-ўринни эгаллади. Ўзбекистон 2017-2022 йилларда Иқтисодий эркинлик индексининг жаҳон рейтингда ўз ўрнини 31 поғонага яхшилади ва 148-ўридан 117-ўринга кўтарилди. Республикага киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2022 йил якунига кўра, 2017 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, 3,3 млрд АҚШ \$ни ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки каби йирик халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Иқтисодиётимизга 2022 йилнинг ўзида 8 млрд \$ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспорт эса, 19 млрд \$га етди. Бундай катта натижалар илгари бўлмаган. 2022 йилга келиб, мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритган мамлакатлар сони 50 дан ортди. Улар орасида Россия, Хитой, Туркия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда.

Мамлакатга киритилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 3,3 млрд \$ни ташкил этган бўлса, 2022 йил якунида ушбу

кўрсаткич 3 баробар ортиб, 9,8 млрд \$га етди. Бунинг натижасида, хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами инвестициялардаги улуши 23,8 %дан 40,5 %гача ўсди. Ўтган 2022 йилда “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури доирасида 2000 га яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқди. Бунда тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда фаол ишбилармонларнинг маҳсулотлари жаҳон бозорларини эгаллади. Давлат инвестиция дастури доирасида 3,7 млрд \$лик 158 та йирик лойиҳалар ишга туширилди ва мамлакатда 25000 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Мазкур лойиҳаларнинг кўпчилиги энергетика ва тоғ-кон металлургия саноати, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаларига тўғри келади.

Эндиликда 2023 йилда 30 млрд \$лик инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган, унинг 25 млрд \$ хусусий инвестициялар бўлиши, 3000 дан ортиқ лойиҳалар ишга туширилиши мақсад қилинган. Янги лойиҳаларга инвестиция киритилиб, ишга тушиши билан янги иш ўринлари яратилади ҳамда тармоқлар ривожлантирилади.

Муаммони ҳал қилиш йўллари. Давлат раҳбари томонидан ҳудудларни, айниқса, аҳоли сони жиҳатидан йирик ҳисобланган шаҳарларни ривожлантириш бўйича алоҳида таклифлар берилди: “Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда, бошқа йирик шаҳарлар ҳам “ўсиш нуқталари”га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда. Иккала шаҳарда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар сифатида республика бўйсунувига ўтказишни таклиф қиламан.”³⁷⁵

Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўрнатилган янги тартиб асосида Наманган вилоятининг туман ва шаҳарларидаги мавжуд муаммо ва имкониятлар чуқур ўрганилган ҳолда, ҳудудлар кесимида муҳим лойиҳалар шакллантирилганлиги маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинди (1 ва 2-расмлар).

Мазкур таҳлиллар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Наманган вилояти ҳудудларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасининг келгуси беш йилдаги истиқболларини ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарнинг “ўсиш белгилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳоли саломатлиги ҳамда турмуш

³⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 20.12.2022.

даражасини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маъжмасининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022—2026 йилларда Наманган вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 211-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, Наманган вилоятида 2022—2026 йилларда Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 1,4; саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,5; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,2; хизматлар ҳажмини 3,0; қурилиш ишлари ҳажмини 1,6 баробарга оширишни назарда тутувчи шаҳар ва туманлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар параметрлари тасдиқланди (3-расм).



1-расм. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари



2-расм. Наманган вилоятида мавжуд имконият ва ресурслар



2-расм. 2022–2026 йилларда Наманган вилояти саноатини ривожлантириш кўрсаткичлари

Наманган вилояти ҳудудларини жадал ривожлантиришда инвестицияларни фаол жалб қилиш, ҳудудий экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий саноат тармоқларини ривожлантириш мақсадлари ва чора-тадбирлари “йўл харитаси” га кўра, ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати 10,5 трлн сўмни ташкил этган 1136 та инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ҳисобидан 34706 та янги иш ўринлари яратилади. Жумладан, саноатда 6,8 трлн сўмлик 537 та лойиҳа (25829 иш ўрни); хизмат кўрсатиш соҳасида 2,4 трлн сўмлик 407 та лойиҳа (6723 иш ўрни); қишлоқ хўжалигида 1,3 трлн сўмлик 192 та лойиҳа (2154 иш ўрни) ишга туширилиши режалаштирилган.

Хулоса. Вилоятга 346 млн \$ хорижий инвестиция ва кредит маблағларини жалб этиш мўлжалланган бўлиб, уларни муваффақиятли амалга оширишда қуйидаги амалга ошириш механизмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

хорижий инвестиция ва кредит маблағларини белгиланган муддатларида жалб этиш чораларини кўриш;

хорижий давлатлар ҳудудлари билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида янги инвестиция лойиҳалари бўйича тадбиркорларнинг икки томонлама ташрифларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихона ва консулликлари билан ҳамкорликда янги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш.

Вилоят саноат салоҳиятини ошириш, янги қувватларни яратиш мақсадида 6 та кичик саноат зоналари (КСЗ)ни ташкил этиш ва 178 тадан ортиқ инвестиция лойиҳаларида 4 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш учун 266,3 млрд сўм (173,1 млрд сўм ташаббускор маблағи, 93,2 млрд сўм

банк кредити) жалб этилиши мўлжалланган бўлиб, уларни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни берамиз:

1. КСЗни ташкил этиш учун бўш ер майдонларини инфратузилмавий имкониятлар етарлича бўлган жойлардан ажратишга алоҳида эътибор қаратиш.

2. КСЗ ҳудудининг бош режасини ишлаб чиқиш ва унда ишлаб чиқариш тармоқларининг технологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда “кластер” тамойили асосида жой ажратиш.

3. Яратиладиган иш ўринлари сони юқори бўлган, шунингдек, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини устуворлик асосида жойлаштириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022–2026 йилларда Наманган вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 211-сон қарори, 25.04.2022.
3. Stat.uz
4. Namstat.uz

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Эрназаров Нуриддин Эламонович, PhD, . доц. в.б.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштириш усулларини такомиллаштириш йўллари, ўзига хос хусусиятлари бўйича ўрганишлар, аниқланган муаммолар ёритилган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: инвестиция, инвестор, инвестиция фаолияти, молиялаштириш, инвестиция лойиҳалари, молиялаштириш манбалари, фонд бозорлари, реал инвестициялар, молиявий инвестициялар.

Кириш. Бугунги жаҳон ҳамжамиятида халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашуви жараёнларини такомиллаштириш тенденциялари таҳлили инвестиция фаолияти ва уни диверсификациялаш, қулай инвестиция муҳитини ташкил этишда мамлакатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш ролини ошириш заруриятини белгилаб беради. Инвесторларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар мамлакатда инвестиция фаолиятини молиялаштириш усулларини такомиллаштириш имконини беради.

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кенгайиб бораётган инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва ишлаб чиқарувчиларнинг оқилона жойлашувига, ҳудудларнинг табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий омилларни аниқлаш, инвестиция сиёсатини шакллантириш, инвестиция фаолиятини молиялаштириш усулларини такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш асослари долзарб аҳамиятга эга.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари деганда, жалб қилинган маблағларни маълум бир инвестиция лойиҳаларининг эҳтиёжлари учун фойдаланишнинг аниқ мақсадга таянган усуллариининг моҳиятини тушуниш мумкин. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари, асосан, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишнинг танланган ва синалган усулларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллариини такомиллаштириш орқали йирик инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини барпо этиш мақсадида иқтисодиётнинг жадал ривожлантирилиши, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш борасида кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиши бугунги кунда унинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизда инвестиция фаолиятини молиялаштириш усуллари турли маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида: “Инвестиция фаолияти – инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи” сифатида ифодаланади.³⁷⁶

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Д.Ғ. Ғозибеков ўзининг илмий тадқиқотида “инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади”, деб таъриф берган.³⁷⁷ Ж.Р. Зайналов ва С.С. Алиевалар эса “корхоналарни ўз маблағлари инвестицияларни молиялаштиришнинг энг ишончли манбаси ҳисобланади”, деб таъкидлашган.³⁷⁸ Муаллиф Ў.А. Ҳайдаровнинг фикрича, “инвестиция фаолияти – бу ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи, янги илғор инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва уни асослаш, уларни моддий-техник ва молиявий таъминлашдир. Бунинг натижасида, барпо этилаётган соҳа

³⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда, 25.12.2019.


³⁷⁷ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. –Т.: Молия, 2003. –Б.329.

³⁷⁸ Ҳайдаров Ў.А. Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. –Т., 2020. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. –Б.14.

фаолятини молиялаштириш орқали, инвесторларни юқори фойда олишга эришиш имкониятларини вужудга келтиради”³⁷⁹.

Умуман олганда, иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида республикамизда инвестиция фаолятини ривожлантиришнинг амалий, назарий ва институционал асосларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ёритилган. Бу жиҳатдан, мамлакатда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш усулларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар бўйича чуқур тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу илмий ишларда мамлакатимизда инвестицияларни молиялаштириш усулларини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатларига эътибор қаратиб ўрганилмаган.

Муаммони ҳал қилиш йўллари. Инвестиция фаоляти инвесторнинг ўз ресурсларини инвестиция объектига сафарбар этишга асосланар экан, мазкур фаолият инвесторнинг мақсадига кўра ташкил этилиши ва молиялаштирилишини тақозо этади. Инвестиция фаолятини молиялаштиришнинг зарурлиги шу билан изоҳланадики, инвестиция фаолятига йўналтирилган ҳар қандай сармоя, пировардида, ўз-ўзидан инвестор манфаатларини таъминлаб бера олмайди. Биламизки, инвесторлар доимо амалга оширган инвестиция фаолятидан катта фойда ва самара олишни кўзлайдилар. Бу орқали ўз капиталини кўпайтириш ва уни бозор рисклари остида қийматининг йўқолишидан ҳимоялашни хоҳлайдилар. Бунинг учун улар энг оптимал вариантдаги инвестиция лойиҳасига капиталини йўналтириб, унинг ҳаракатини мунтазам бошқариб бориш орқали кўзланган мақсадига эришишга интиладилар.



Инвестиция фаолятини молиялаштиришнинг асосий усуллари

³⁷⁹ Инвестиция: Дарслик/Ж.Р. Зайналов, С.С. Алиева, Н.Х. Рўзибаева ва б. –Т.: Иқтисод-молия, 2020. –Б.480.

Биз инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари таркибини асослаш билан боғлиқ қарашларни илмий-назарий тадқиқ этган ҳолда уни молиялаштириш манбаларини қуйидаги гуруҳларга ажратишни ўринли, деб топдик. Бизнинг фикримизча, инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий усулларини юқоридаги расмда кўриб чиқиш мумкин.

Амалда инвестициялар фаолиятини молиялаштириш инвестиция лойиҳасига боғлиқ ҳолда ташкил этилганлиги сабабли, аниқ лойиҳа бўйича инвестиция фаолиятини молиялаштиришда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштириш зарурати юзага келади. Бу инвестиция фаолиятини молиялаштириш жараёнидаги мавжуд муаммолар бўйича қуйидаги ҳолатларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

иқтисодиётнинг нобарқарорлик шароитида инвестициялашнинг амалга оширилиши унинг самарадорлигини пасайтириб юбориш хавфини юзага келтиради;

инвестиция фаолиятини молиялаштириш ўз вақтида амалга оширилмаслиги туфайли, пулнинг вақт мобайнида ўз қийматини йўқотиб бориши;

узоқ муддатли лойиҳани молиялаштириш самарадорлигини амалга оширишнинг якуний натижасига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири инфляция даражасининг юқори бўлиши;

инвестиция лойиҳасини молиялаштириш жараёнида дуч келинадиган рисклар.

Бизнинг назаримизда, молиялаштириш – бу инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда турли усуллардан фойдаланган ҳолда зарур бўлган пул маблағларини сарфлашни англатади. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар улуши ҳудудлар миқёсида ўсиш даражасида сақланиб келмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омили инвестициялар бўлиб, республика ҳудудларига киритилган инвестициялар таҳлили амалга оширилди.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, 2021 йилда мамлакатимизга киритилган инвестициялар республика бўйича 102,9 %ни ташкил этган. Иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг энг катта улуши Тошкент вилояти (120,3 %), Бухоро вилояти (147,4 %), Хоразм вилояти (139,3 %) ҳиссасига тўғри келган ва бу борада барча минтақаларда ўсиш кузатилган бўлса, Қашқадарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида сўнгги 2 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати пасайиш кўрсаткичига эга бўлган.

Хулоса ва таклифлар. Айтиш жоизки, мамлакатимиз учун инвестицияларнинг аҳамияти маълум бир омилларга боғлиқ бўлиб, хусусан:

инвестиция лойиҳаларини қўшимча молиялаштириш имконияти;

чет эл сармоясини жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, янги замонавий технология ва ускуналарни жорий қилишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш;

худудлар ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб солиқ ва божхона имтиёзларини жорий этиш шулар жумласидандир.

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ўсиш суръати, %

Худудлар	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	119,4	129,9	138,1	95,6	102,9
Қорақалпоғистон Республикаси	60,4	169,9	100,3	69,9	105,1
Андижон в.	114,3	113,7	129,0	110,6	106,0
Бухоро в.	154,7	60,6	95,9	104,7	147,4
Жиззах в.	108,2	158,1	194,9	147,4	72,4
Қашқадарё в.	129,7	112,4	131,2	76,5	77,8
Навоий в.	107,4	188,0	144,3	77,1	86,0
Наманган в.	110,2	178,1	131,1	88,0	100,5
Самарқанд в.	105,7	131,4	134,5	128,8	98,7
Сурхондарё в.	148,4	164,2	144,0	77,4	109,7
Сирдарё в.	115,4	131,0	186,0	111,2	107,7
Тошкент в.	118,4	139,9	158,5	92,2	120,3
Фарғона в.	98,6	145,9	132,0	113,5	105,7
Хоразм в.	128,5	111,7	150,7	92,7	139,3
Тошкент ш.	121,4	138,2	145,8	108,6	105,0

Кутилаётган иқтисодий самарадорлик. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш усулларини такомиллаштиришда юқоридаги таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, импорт қилинадиган товарларга импорт божлари ва солиқ имтиёзлари жорий этилиши билан республикамиз ички бозорида маҳсулотларни пасайтирилган нархларда сотиш учун қулай имконият яратилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда, 25.12.2019.
2. Ғозиев Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. –Т.: Молия, 2003. –Б.329.
3. Инвестиция: Дарслик/Ж.Р. Зайналов, С.С. Алиева, Н.Х. Рўзибаева ва б. –Т.: Иқтисод-молия, 2020. –Б.480.
4. Ҳайдаров Ў.А. Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. –Т., 2020. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. –Б.14.
5. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>.

**HUDUDLAR IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHGA
INVESTITSİYALARNI JALB ETISHNI TAKOMILLASHTIRISH**

*Ismatov Raxmatilla Oltinovich, i.f.n., dots.,
Saydullayev Umidjon Ne'matilla o'g'li, magistrant,
Namangan muhandislik-qurilish instituti*

Annotatsiya. Maqolada milliy iqtisodiyotga investitsiyalar, jumladan, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish yo‘llarini takomillashtirish bilan bog‘liq jarayonlar tadqiq etilgan. Hududlarning iqtisodiy rivojlanishida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning ahamiyati ko‘rib chiqilgan. Korxonalarda innovatsion-investitsion faoliyatga investitsiyalarni jalb qilish tizimini takomillashtirishga doir ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar shakllantirilgan.

Tayanch so‘zlar: investitsion faoliyat, investitsion jozibadorlik, investitsion samaradorlik, investitsion risk, bozor mexanizmi, investitsiyalarni boshqarish, innovatsion-investitsion faoliyat.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. Respublikamiz iqtisodiyotini jadal rivojlantirish va ishlab chiqarishda innovatsiyalarni joriy qilish, makroiqtisodiy barqarorlik va iqtisodiy o‘shishning yuqori sur‘atlarini ta‘minlashda investitsiyalar, shu jumladan, xorijiy investitsiyalar muhim ahamiyat kasb etadi. Bu borada erishilgan yutuq va muvaffaqiyatlarning keng va atroflicha tahlili, u asosidagi muhim amaliy xulosalar, kelgusida e‘tibor qaratishimiz lozim bo‘lgan eng dolzarb masalalar orasida mamlakatimiz taraqqiyotining ustuvor yo‘nalishlari va rivojlanish dasturlarini belgilashda asosiy e‘tibor xorijiy investitsiyalarga qaratilayotganligini ta‘kidlash kerak.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoev „...investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o‘zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Biz faqat investitsiyalarni faol jalb qilish, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini ishga tushirish hisobidan iqtisodiyotimizni jadal rivojlantirishga erishamiz“³⁸⁰, deb ta‘kidlab, xorijiy investitsiyalarning iqtisodiyotni rivojlantirishdagi muhim ahamiyatini va uni jalb qilishning dolzarbligini e‘tirof etadi.

Mamlakatimiz iqtisodiyotining investitsion jozibadorligini oshirish, mavjud investitsion salohiyatdan samarali foydalanish tizimini takomillashtirishga yo‘naltirilgan qator chora-tadbirlar O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4300-son qarorida alohida belgilangan bo‘lib, bu borada respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish faoliyati samaradorligini oshirish, xorijiy investorlarni mamlakatimiz imkoniyatlari va salohiyati to‘g‘risida xabardor qilish bilan bog‘liq vazifalarga ustuvorlik berilgan³⁸¹.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning roli, investitsion oqimlarni oshirishning ilmiy va metodologik muammolariga doir ko‘plab xorijiy va mamlakatimiz iqtisodchi olimlari tomonidan tadqiqotlar olib borilgan.

Xorijiy tadqiqotlar natijalari shuni ko‘rsatadiki, to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar sanoati rivojlangan mamlakatlarda iqtisodiy o‘shishga ijobiy ta‘sir

³⁸⁰ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 29.12.2018. “Xalq so‘zi” gazetasi, №271-272(7229-7230).

³⁸¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4300-son qarori, 29.04.2019.

ko'rsatadigan mexanizmdir³⁸². Xorijiy investitsiyalar xususan, to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalar ishlab chiqarishda ham, xizmat ko'rsatish sohasida ham kapital daromad manbai bo'lib xizmat qiladi³⁸³.

Mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan U.S. Nodirxanov o'zining ilmiy tadqiqotlari orqali mintaqaviy darajada investitsiya faolligini oshirish usullari, mintaqalarda investitsiya muhitini baholash, imtiyozli investitsiya loyihalarini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlovchi qulay investitsiya muhitini shakllantirish jarayonlarini o'rganadi³⁸⁴. D. G'ozibekov, E. Nosirovning ilmiy izlanishlarida investitsion salohiyatni oshirishda soliq yukini kamaytirish, fond bozorlari o'rnini keskin oshirish, xususiy xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish uchun qulay investitsion va ishbilarmonlik muhitini shakllantirish tadbirlarini samarali amalga oshirish bilan bog'liq jarayonlar tadqiq etiladi³⁸⁵. F.U. Umarov tadqiqotlarida iqtisodiyotning tegishli tarmoq va sohalariga investitsiya jalb qilish ko'lamini kengaytirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari va o'ziga xos xususiyatlari tahlil qilinadi³⁸⁶. A. Burxanov o'z tadqiqotlarida hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning ilmiy-nazariy jihatlarini o'rganib, hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishning muammoli jihatlarini asoslagan hamda ularni bartaraf etishga qaratilgan takliflarni ishlab chiqqan³⁸⁷. Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish yo'llarini asoslashga yo'naltirilgan yuqoridagi tadqiqotlarda makroiqtisodiy sharoitlarni yaratish orqali investitsiya jarayonlari va iqtisodiy o'sishning faol sur'atlarini ta'minlash imkoniyatlari o'rganilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. O'zbekiston iqtisodiyotiga investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish yo'llari bo'yicha mavjud bo'lgan ilmiy tadqiqotlarni xorijiy mamlakatlar tajribasini o'rganish, statistik ma'lumotlarni iqtisodiy jihatdan taqqoslash va tahlil qilish, mantiqiy fikrlash, ilmiy abstraksiyalash, ma'lumotlarni guruhlash, analiz va sintez, induksiya va deduktsiya usullaridan keng foydalanilgan.

Tahlil va natijalar. Respublikamizda iqtisodiy rivojlanishning jadal sur'atlarini ta'minlash va makroiqtisodiy barqarorlikni saqlab qolishda puxta o'ylangan investitsiya siyosati muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, investitsiyalar iqtisodiyot taraqqiyotining muhim omili sifatida ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik yangilash hamda innovatsiyalarni rag'batlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratish, qolaversa, korxonalar daromadini oshirishni ta'minlaydi.

³⁸² P. Panagiotis. The impact of FDI on economic growth in Eurozone countries. The journal of Economic Asymmetriess, No.17, 2015. –P.7–8.

³⁸³ K.J. Boudreau, N. Lacetera and K.R. Lakhani. Incentives and Problem Uncertainty in Innovation Contests: An Empirical Analysis. Management Science, No.5, 2016. Vol. 57, Pp. 843–863.

³⁸⁴ Нодирханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. –Т.: Фан ва технология, 2011. –Б.184.

³⁸⁵ G'ozibekov D., Nosirov E. O'zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish. Risola. –Т.: Iqtisod-Moliya. 2007, –B.92.

³⁸⁶ Umarov F.U. Innovatsion investitsiya faol tadbirkorlikning muhim omili. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. №1, 2018.

³⁸⁷ Burxanov A. Hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish – milliy iqtisodiyot barqarorligini ta'minlashning asosiy omili. –Т.: Biznes-Ekspert, №10, 2018. –B.7-13.

So‘nggi yillarda investitsiyalar hajmini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar ko‘lami ham huquqiy, ham amaliy jihatdan yanada sezilarli darajada oshirildi. Ayniqsa, olib borilayotgan faol investitsiya siyosati natijasida respublikamizda investitsiyalar oqimi dinamikasi bo‘yicha ijobiy o‘shish kuzatilmoqda.

Respublikamiz hududlari bo‘yicha investitsion faoliyatning asosiy natijalariga e‘tibor qaratadigan bo‘lsak, mamlakatda asosiy kapitalga investitsiyalar 2016 yilda 51232,0 mlrd so‘mni tashkil qilgan bo‘lib, ushbu ko‘rsatkich izchil o‘shish sur‘atiga ega bo‘lgan. 2021 yilga kelib, 239552,6 mlrd so‘mga yetgan va 4,7 barobarga o‘sgan. Yuqori o‘shish sur‘ati Buxoro (8,5 marta), Toshkent (6,6 marta), Jizzax (6,4 marta), Sirdaryo (6,1 marta) viloyatlarida va Toshkent shahrida (6,3 marta) kuzatilmoqda. Buni quyidagi jadvaldan ko‘rish mumkin.

O‘zbekistonda asosiy kapitalga investitsiyalar va ularning hududlar bo‘yicha taqsimlanishi to‘g‘risida ma‘lumot (mlrd so‘m)³⁸⁸

Hududlar (viloyatlar)	Yillar						2016- 2021 yy.da o‘shish, marta
	2016	2017	2018	2019	2020	2021	
Respublika bo‘yicha jami	51232,0	72155,2	124231,3	195927,3	210195,1	239552,6	4,7
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	3778,3	2822,0	6757,8	8750,6	7089,8	8110,7	2,1
Andijon v.	2188,5	2986,0	4711,9	7452,1	9622,6	11176,6	5,1
Buxoro v.	5922,9	11613,4	9610,9	10366,6	12183,9	20528,3	8,5
Jizzax v.	1449,7	1788,2	3606,3	7900,9	12545,4	9233,6	6,4
Qashqadaryo v.	7304,4	11175,3	16518,5	24462,5	20557,6	17359,1	2,4
Navoiy v.	2963,2	3977,9	10579,5	17646,3	15688,4	15020,1	5,1
Namangan v.	2824,5	3586,7	8158,1	12084,9	12007,2	12982,0	4,6
Samarqand v.	3623,5	4384,2	7061,4	10266,7	14656,4	15641,6	4,3
Surxondaryo v.	2142,4	3551,0	7240,6	11835,1	10068,2	12037,8	5,6
Sirdaryo v.	1322,9	1628,0	2699,3	5869,1	7191,9	8051,8	6,1
Toshkent v.	4238,7	5938,4	11226,9	20353,9	21148,6	28113,6	6,6
Farg‘ona v.	2643,6	2954,5	5539,1	8685,4	11040,0	12625,2	4,8
Xorazm v.	1560,5	2175,9	3013,8	5032,0	5391,8	8292,0	5,3
Toshkent sh.	9268,9	13573,7	26435,7	42458,1	50371,3	58172,7	6,3

2021-yilning yanvar-dekabr oylarida O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiy va ijtimoiy sohalarni rivojlantirish uchun jami moliyalashtirish manbalari hisobidan 245,0 trln so‘m o‘zlashtirildi. Dollar ekvivalentida 23,1 mlrd AQSH \$ o‘zlashtirilgan bo‘lib, bu 2020-yilga nisbatan 105,2 %ni tashkil etdi. 2021-yilning yanvar-dekabr oylarida asosiy kapitalga investitsiyalarning 61,9 %i yoki 151,5 trln so‘mi jalb etilgan mablag‘lar hisobidan moliyalashtirilgan bo‘lsa, korxonalar, tashkilot va aholining o‘z mablag‘lari hisobidan 38,1 % yoki 93,5 trln so‘m moliyalashtirildi.

Rasmiy statistik ma‘lumotlarga ko‘ra, mamlakatimizda asosiy kapitalni

³⁸⁸ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma‘lumotlari. <https://www.stat.uz/uz/>.

moliyalashtirishda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar ulushi 36 %ni, shundan 13,7 %ini to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar tashkil etgan. 2022-yilning yanvar-dekabr oylarida barcha moliyalashtirish manbalari hisobidan asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar 269857,5 mlrd so'mni tashkil etib, o'tgan yilning mos davriga nisbatan o'sish sur'ati 100,9 %ni tashkil etdi.

Asosiy kapitalga yo'naltirilgan investitsiyalar umumiy hajmida O'zbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy kreditlarning ulushi 5,6 %ni, tijorat banklari kreditlari va boshqa qarz mablag'lari – 7,8 %ni, aholi mablag'lari – 9,5 %ni, Taraqqiyot va rekonstruktsiya jamg'armasi – 0,9 %ni, Suv ta'minoti va kanalizatsiya tizimini rivojlantirish jamg'armasi – 1,1 %ni Respublika byudjeti mablag'lari ulushini tashkil etdi. 2021 yilning mos davriga nisbatan asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning yuqori o'sish sur'atlari: to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar (TXI) bo'yicha – 110,7 %, korxonalar mablag'lari – 110,6 %, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar – 104,3 %, aholi mablag'lari – 103,2 %ni tashkil etdi.

Respublikamiz iqtisodiyotiga kiritilayotgan xorijiy investitsiyalar va kreditlar hajmi 2017-yilda 3,3 mlrd \$ni tashkil etgan bo'lsa, 2022-yil yakunida ushbu ko'rsatkich 3 barobarga ortib, 9,8 mlrd \$ga yetdi. Buning natijasida xorijiy investitsiyalar va kreditlarning jami investitsiyalardagi ulushi 23,8 %dan 40,5 %gacha ortdi. Shu bilan birga, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar hajmi 2017-yilda 2,5 mlrd \$ni tashkil etgan bo'lsa, 2022-yilga kelib 3,4 barobar oshib 8,5 mlrd \$ga yetdi. Ularning jami investitsiyalardagi ulushi esa 17,7 %dan 35,4 %gacha oshdi.

Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar va tashkilotlar soni ham yil sayin ortib bormoqda. Ularning soni 2017-yilda 5,5 mingtani tashkil etgan bo'lsa, 2022-yilga kelib 15,8 mingtaga yetdi. Ularning 6,4 mingtasi qo'shma korxonalar, 9,3 mingtasi esa to'liq xorijiy korxonalar hisoblanadi. Chet el kapitali ishtirokidagi korxonalarining 30,5 %i savdo, 27,5 %i sanoat, 8 %i qurilish, 4,8 %i qishloq xo'jaligi, 4,1 %i yashab turish va ovqatlanish muassasalari, 2,9 %i saqlash va tashish, 4,8 %i aloqa hamda axborot yo'nalishlarida, 17,4 %i boshqa sohalarda faoliyat ko'rsatmoqda.

Hududlarning iqtisodiy rivojlanishida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning ahamiyati yuqoridir. Asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning hududlar ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotidagi ahamiyatini quyidagilar bilan ifodalash mumkin:

asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmining o'sishi yuqori texnologik rivojlanish hamda intensiv iqtisodiy o'sishning omili sifatida YaHMning yillik o'sish sur'atiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi;

iqtisodiyotning zamonaviy sanoat tarmoqlarini diversifikatsiya qilish, tarkibiy islohotlarni amalga oshirish natijasida import o'rnini bosuvchi va eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish imkoniyati yaratiladi;

mavjud investitsion salohiyatdan oqilona foydalanish asosida tadbirkorlik faoliyatining keng rivojlanishi va yangi ish o'rinlarining yaratilishi orqali aholi turmush darajasini oshirishga erishiladi. Natijada, aholi daromadlarining muntazam

ortishi hisobiga iqtisodiyotdagi yalpi talabning kengayishi ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish uchun shart-sharoit yaratadi.

Ma'lumki, korxonalarda innovatsion-investitsion faoliyatni moliyalashtirish hozirgi kunning eng dolzarb masalalaridan biridir. Shu sababli, investitsiya ta'minotini zamonaviy samarali manbalar – davlat va xususiy sherikchilik dasturlari asosida amalga oshirish va buning asosida korxonalarining ishlab chiqarish texnik salohiyatini oshirish, davlat boshqaruvi organlari tomonidan tashqi investorlar uchun huquqiy va mulkiy himoyalani darajasini oshirish o'zlariga oladigan investitsion riskni pasaytiradi. Sanoat korxonalari investitsiya faoliyatini olib borishda investitsiya resurslarining tarkibi muhim ahamiyat kasb etadi. Investorlar investitsiya resurslarini o'z iqtisodiy va tadbirkorlik qobiliyati hamda imkoniyatidan kelib chiqib tanlaydilar. Respublikamizda ham markazlashgan mablag'lar yordamida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish salmog'i dastlabki yillarda katta edi. Biroq, mamlakatimizda olib borilayotgan oqilona iqtisodiy siyosat tufayli investitsiya jarayonlarida davlat byudjeti mablag'lari asta-sekinlik bilan kamayib, boshqa moliyaviy manbalar hajmi yildan-yilga oshib bormoqda.

Bugungi kunda sanoat korxonalari investitsiya faoliyatini moliyalashtirishda aholining ishtiroki hamon sezilarsiz bo'lib qolmoqda. Aholi moliyaviy bozorning faol ishtirokchisi bo'la olmayotgani buning asosiy sababi hisoblanadi. Budjet mablag'lari asosidagi investitsiyalarning kamayishi ham ijobiy ko'rsatkich bo'lib, iqtisodiyotning modernizatsiyalashyotgani bilan bir qatorda, davlatning iqtisodiyotga aralashuvi kamayib borayotganidan dalolat beradi. Xo'jalik sub'ektlari shaxsiy resurslarining investitsiya faoliyatidagi salmog'ining pasayib ketishiga asosiy sabab sifatida korxonalar ixtiyorida qolayotgan moliyaviy resurslarning kamligi va korxonalarining reinvestitsiya jarayoniga e'tibori sustligi kabilarni ko'rsatish mumkin.

Bizning fikrimizcha, moliyaviy manbalardan foydalanishda dastlab ustuvor manbalardan foydalanib, faqatgina zarurat tug'ilgandagina keyingi qo'shimcha manbalardan foydalanishni tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

Xulosa. Ta'kidlash joizki, davlat va xususiy o'zaro hamkorlikka asoslangan innovatsion-investitsion hamkorlikni tashkil etish hamda rag'batlantirish quyidagilarga bog'liq bo'lishi mumkin:

tadbirkorlik faoliyatida yangi innovatsion texnologiyalarni joriy etish;

ilm-fan yutuqlaridan keng va samarali foydalanish;

ishlab chiqarishga eng zamonaviy texnologiyalarni joriy etish;

milliy iqtisodiyotning barcha tarmoq va sohalarida innovatsiyalarni rivojlantirish;

salohiyatli buyurtmachilardan resurs tejamkorligi, import o'rnini bosuvchi, ekologik xavfsiz texnologiyani institutsional asoslarini takomillashtirish orqali foydalanish;

tarmoqlarda katta bo'lmagan innovatsion loyihalarni joriy etish, uning foydasini tezda olish uchun tadbirkorlar va xususiy moliyalashtirishda bor imkoniyatlardan foydalanish va h.k.

Sanoat korxonalarida investitsiyalarning jozibadorligini oshirishning asosiy yoʻnalishlariga mahsulotlarning eksport salohiyatini oshirish, ishlab chiqarishni intensivlash, diversifikatsiya turlarini rivojlantirish va boshqalarni kiritish mumkin, deb hisoblaymiz.

Adabiyotlar:

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi, 29.12.2018. “Xalq soʻzi” gazetasi, №271-272(7229-7230).
2. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublika iqtisodiyotiga toʻgʻridan-toʻgʻri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PQ-4300-son qarori, 29.04.2019.
3. P. Panagiotis. The impact of FDI on economic growth in Eurozone countries. The journal of Economic Asymmetriess, No.17, 2015. –P.7–8.
4. K.J. Boudreau, N. Lacetera and K.R. Lakhani. Incentives and Problem Uncertainty in Innovation Contests: An Empirical Analysis. Management Science, No.5, 2016. Vol. 57, –P. 843–863.
5. Нодирханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. –Т.: Фан ва технология, 2011. –Б.184.
6. Gʻozibekov D., Nosirov E. Oʻzbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish. Risola. –Т.: Iqtisod-Moliya. 2007, –B.92.
7. Umarov F.U. Innovatsion investitsiya faol tadbirkorlikning muhim omili. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. №1, 2018.
8. Burxanov A. Hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish – milliy iqtisodiyot barqarorligini taʼminlashning asosiy omili. –Т.: Biznes-Ekspert, №10, 2018. –B.7-13.
9. Ismatov R.O. Improvement Of Innovation-Investment Activities In Enterprises. <https://sifisheriences.com/journal/index.php/journal/article/view/1345>.
10. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi maʼlumotlari. <https://www.stat.uz/uz/>

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ ВА УЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРТ- ШАРОИТЛАР

*Хошимов Собир Муртазаевич, PhD, доц. в.б.,
Тошкент молия институту*

Аннотация. Ушбу тезисда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, уларнинг таснифи, хорижий инвесторларга яратилган ҳуқуқий-иқтисодий шарт-шароитлар келтирилган.

Таянч сўзлар: инвестиция муҳити, хорижий инвестициялар, инвестицияларни химоялаш, хусусий инвестициялар, реинвестиция, портфель инвестициялар, тўғридан-тўғри инвестициялар.

Annotation. The article presents the economic essence of foreign investments, their classification, legal and economic conditions created for foreign investors, which are important for the development of the country's economy.

Keywords: investment environment, foreign investment, investment protection, private investment, reinvestment, portfolio investment, direct investment.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Миллий иқтисодийнинг инвестициявий жозибадорлиги мамлакатда қанчалик даражада қулай инвестиция муҳитининг яратилгани, чет эл инвесторларига берилган имтиёз ва преференциялар, айниқса, хорижий инвесторларнинг барча бойликларининг кафолатли ҳимоялангани билан белгиланади. Шундай экан, инвестиция фаолияти самарадорлигини таъминлашда, аввало, унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш, ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва доимий такомиллаштириб бориш тақозо этилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президент Ш. Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида: “...инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш кераклиги, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарурлиги, натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши” таъкидлаб ўтилди.³⁸⁹

Инвестициялар, хусусан, хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодийдаги аҳамияти юқори экан, хорижий инвесторлар учун мавжуд инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосларини доимий такомиллаштириб бориш, қонун устуворлигини таъминлаш, хорижий инвесторларга самарали имтиёзлар тизимини тақдим қилиш, инвестиция фаолиятига оид маълумотлар базасининг шаффофлигини таъминлаш лозим.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. “Инвестициялар” атамасининг пайдо бўлишига ўзининг етарли ҳиссасини қўшган жаҳон иқтисодчи олимларидан бири Джон Мейнард Кейнсдир. Унинг фикрича: “инвестициялар – бу маълум бир даврда ишлаб чиқариш фаолияти натижалари асосида жорий капитал мулк қийматининг ўсиши бўлиб, маълум бир даврда даромаднинг истеъмол учун ишлатилмаган қисмидир”. Машҳур “Инвестициялар” дарслигининг муаллифлари У.Ф. Шарп, Г.Д. Александер ва Д.В. Бэйли назарий қарашларига кўра, “инвестиция” сўзи кенг маънода: “келажакда катта миқдорда пул олиш учун бугунги кундаги пулдан воз кечишдир” деган таърифдан иборат. Муаллифлар инвестициялаш жараёнида икки омилга: вақт ва риск омилига урғу беришган.

Россиялик олим Н.Н. Ливенцевнинг фикрича: “иқтисодий ривожланганлик даражасидан қатъи назар, ҳар қандай мамлакат чет эл инвестицияларини жалб қилишга ҳаракат қилади ва уларни жалб қилишда макроиқтисодий омиллар, жумладан, ички бозор ҳажми, валюта сиёсати, сиёсий барқарорлик, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, ишчи кучи малакаси муҳим ўрин эгаллайди”.

Ўзбекистонлик олимлар А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажибакиев ва Н.Г.

³⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 20.12.2022. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi>.

Мўминовларнинг илмий ишларида “хорижий инвестицияларнинг мазмуни, турлари, уларни жалб қилиш шакллари, иқтисодиёт тараққиётидаги роли, чет эл сармояларининг халқаро ҳаракати, эркин иқтисодий зоналарга инвестицияларни жалб қилиш каби масалалар тадқиқ этилган”.

Профессор Д.Ғ. Ғозибековнинг хорижий инвестициялар тўғрисидаги назарий қарашларида қуйидаги фикрлар баён қилинган: “чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада, мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради”.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида: “чет эл инвестициялари – чет эллик инвестор томонидан ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар”, деб таъриф берилган.

Хулоса ва таклифлар. Хорижий инвестициялар ўз шаклига кўра, тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларига бўлинади. АҚШ Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки статистикаси иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра, “камида корхонанинг 10 % акциясига эга бўлсагина, бундай инвестициялар тўғридан-тўғри инвестиция деб тан олинади”. Бу кўрсаткич “Европа Ҳамжамияти давлатларида – 20-25 %, Канада, Австралия ва Янги Зеландияда – 50 %ни ташкил этади”.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунидатўғридан-тўғри чет эл инвестициялари сифатида “чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари” тушунилади.

Мамлакатда ички ва ташқи инвесторлар билан ишлашда, айниқса, жойларда инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳали ҳам мавжудлиги қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарга қўлланиладиган имтиёз ва преференциялар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-боб 39-моддаси, солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”нинг 67-боб 471-472 моддалари ва 68-боб 473-моддалари, божхона имтиёзлари эса Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-400-сон Қонуни билан

тасдиқланган Божхона кодексининг 297-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда берилади.

Бугунги кунда республикаимизда хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, мавжуд инвестиция муҳити, хорижий инвестицияларни кафолатли ҳимоялаш механизмлари ташқи капиталдан етарлича фойдаланиш имконини бермайди. Шундан келиб чиқиб, миллий инвестиция дастурларини муваффақиятли амалга оширишда самарали давлат инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш, ҳудудий инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва хорижий инвестицияларни суғурта воситасида кафолатли ҳимоя қилишнинг мукамал механизмларини яратиш тақозо этилмоқда.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги асосий тўсиқлар сифатида иқтисодиётдаги бюрократия ҳолатлари, кучли монополия, инвестиция низоларини ҳал этишда суд тизимидаги муаммолар, мавжуд қонунчиликка амал қилмаслик, коррупция ва жинойтчиликка қарши курашнинг самарасизлиги ҳамда етарлича ривожланмаган инфратузилмани санаб ўтиш мумкин.

Ҳудудий инвестиция сиёсатини юритиш нуқтаи назаридан, хорижий инвестициялар оқимини кўпроқ вилоятлар ва ҳудудий туманларга йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳаларнинг вилоят ва туман ҳудудларида амалга оширилиши, айнан шу ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудда ишсизликни камайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кенг миқёсда қайта ишлаш саноатига асос солиш, бир сўз билан айтганда, аҳоли даромадларининг ошиши ва турмуш шароитларининг яхшиланишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон Қонуни, 25.12.2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎРҚ-604-сон Қонуни, 17.02.2019.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 20.12.2022.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сон Фармони, 01.08.2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5643-сон Фармони, 28.01.2019.
6. Кейнс. Дж. М., Общая теория занятости, процента и денег/Кейнс, Дж. –М.: ЭКСМО, 2007. –С.960.
7. Шарп У.Ф., Александер Г.Дж., Бейли Д.В. Инвестиции: учебник. М.: Инфра-М, 2001. –С.1035.
8. Ливенцев Н.Н., Международное движение капитала (инвестиционная политика зарубежных стран): Учебник для вузов. –М.: Экономистъ, 2004. –С.367.
9. Vahabov. A.V., Hajibakiyev. Sh.X., Muminov. N.G. Xorijiy investitsiyalar. –Т.: Moliya, 2010. –В.328.
10. Ғозибеков. Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. –Т.: Молия, 2003.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИ ВА УНИ БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

*Ишонқулов Низамжон Файзуллаевич, и.ф.н., доц.,
Тошкент Кимё халқаро университети*

Аннотация. Мақолада хорижий давлатларда кўчмас мулк бозори ва уни баҳолаш фаолиятининг ривожланиш тенденциялари баён этилган. Хусусан, Россия Федерацияси (РФ)даги кўчмас мулк бозорини баҳолашнинг ривожланиши тадқиқ этилган. Шунингдек, дунё минтақаларида кўчмас мулк бозорининг уй-жой бозори сегментининг ривожланиш тенденциялари ҳамда Австрия, Германия, Швейцария каби давлатларда кўчмас мулк бозори тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва тегишли тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: кўчмас мулк, кўчмас мулк бозори, кўчмас мулк бозорини баҳолаш, ривожланиш тенденциялари, бозор сегментлари, бирламчи кўчмас мулк бозори, ягона миллий баҳолаш стандартлари, баҳоловчиларни сертификатлаш.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Капитал бозорининг муҳим таркибий қисмларидан бири кўчмас мулк бозори ҳисобланади. Кўчмас мулк бозори доимий юқори ликвидликка эга бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармонида мувофиқ, 2021-2024 йиллар давомида мол-мулк ва ер солиқларини кўчмас мулк (бино, иншоот ва ер участкалари) объектларининг бозор баҳосига яқин бўлган кадастр қиймати асосида ҳисоблаш механизми жорий этилди. Хорижий давлатлар (ривожланган ва ривожланаётган, МДХ давлатлари)да кўчмас мулк бозорининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил этиш орқали кўчмас мулкни баҳолаш фаолиятининг муҳим қисми – кўчмас мулк бозори ривожланиш ҳолатини баҳолаш орқали баҳолаш объектининг ҳақиқий қийматини аниқлашдаги омиллар таъсирини ўрганиш имкони пайдо бўлади. Тадқиқотларимиз жараёнида бир қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатларда кўчмас мулк бозорининг ривожланиш тенденциялари ўрганилди ва таҳлил этилди.


Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Баҳолаш фаолиятининг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ этиш, шу жумладан, кўчмас мулкни баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари қатор хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар, амалиётчи мутахассислар томонидан, хусусан, Е. Евстафьева, В. Есипов, Е.Е. Макарова, Е.Н. Сыщикова, Г. Маховикова, В. Терехова, Г. Микерин, Н. Павлов, С. Валдайцев, Б. Абдукаримов, Б. Ходиев, Б. Беркинов, А. Кравченко, Д. Истамов, Ю. Гранаткин, Э. Ходжаев, Д. Абдукаримоваларнинг илмий-тадқиқотларида учрайди [1-13].

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракциялаш, қиёслаш усули, эксперт баҳолаш, корреляция-регрессия таҳлили усули, иқтисодий кузатиш, динамик таҳлил ва чизиқли боғланишлар усулларидан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама. Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш сандартларида мулкни баҳолашга доир қоидалар, шу жумладан, асосий атамалар, асосий тамойиллар ва баҳолаш тамойиллари, умумий қоидалар, қиймат турлари кабиларни қамраб олувчи услубий ёндашувлар белгиланган. Мазкур миллий стандартларга кўра, баҳолаш фаолиятининг услубий ёндашувлари мулкни баҳолаш бўйича умумий методология билан бирлашган ҳолатда баҳолаш усуллари ташкил этади. Республикада мулкни баҳолашнинг миллий стандартларини ўрганиш билан бир қаторда, хорижий давлатларда кўчмас мулк бозори ва уни баҳолаш фаолиятининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш зарурияти юзага келмоқда. Хусусан, РФда бошқа давлатлар сингари кўчмас мулк бозори ривожланишида муҳим аҳамиятга эга профессионал иштирокчилар – риелторлар ҳисобланади. Сабаби, айнан риелторлар томонидан кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган молиявий операцияларнинг талайгина қисми амалга оширилади. Ушбу профессионал иштирокчиларнинг асосий сегменти иккиламчи кўчмас мулк бозоридир. Чунки кўчмас мулк бозорида тузилган битим тарафлари риелторларнинг воситачилигига муҳтож ҳамдир. Мазкур давлатдаги кўчмас мулк билан боғлиқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, бирламчи кўчмас мулк бозорида иштирокчилар сифатида риелтор билан бир қаторда ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам кўчмас мулк харидорлари муҳим ўринга эга.

Бундан ташқари, янги биноларни ишга тушириш ҳажмларини кўриб чиқишда буни ҳисобга олиш лозимдир. Таҳлиллар мазкур давлатдаги кўчмас мулк бозорида риелторларнинг асосий иштирокчи эканлигининг исботи сифатида турар жой биноларининг нотурар жойлар ҳисобланган кўчмас мулкларга нисбатан кўпроқ эксплуатацияга топширилишида кўриш мумкин. Яъни, сўнгги 5 йил давомида кўчмас мулк бозорининг турар жойлар сегменти бўйича 2018 йилда 260 мингдан ортиқ кўчмас мулк объектлари фойдаланишга топширилган бўлса, 14 минг нотурар жой бинолари фойдаланишга топширилган. 2019 йилда эса 250 дан ортиқ турар жой бинолари ҳисобланган кўчмас мулк объектлари қурилган, аммо ушбу йилда фойдаланишга топширилган нотурар кўчмас мулкларнинг сони 18 мингтани ташкил этган (1-расм).


Расмдаги маълумотлардан кўринадики, бутун дунё давлатлари иқтисодиётига кучли салбий таъсири сезилган ва ҳали-ҳануз давом этаётган COVID-19 пандемияси даври (2019-2021 йиллар) бошланиши билан мамлакатда кўчмас мулклар эксплуатацияси сонининг ҳам камайиш тенденцияси қайд этилган. Шунингдек, мамлакатда қўшни Украина давлатига нисбатан махсус ҳарбий операцияси бошланган даврда ҳам кўчмас мулк объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш секинлашган. Хусусан, 2020 йилда Федерация ҳудудида янгидан қурилган турар жойлар 2018 йилга нисбатан 35 %дан ортиққа, 2021 йилга нисбатан эса деярли 6,5 %га пасайган. Янгидан барпо этилган нотурар кўчмас мулкларнинг сони ҳам 2022 йилга нисбатан 3 минг донага камайган.



1-расм. РФда бирламчи кўчмас мулк бозорида фойдаланишга топширилган объектлар сони³⁹⁰

Таҳлилларнинг узвий давоми сифатида, фойдаланишга топширилган кўчмас мулк объектларининг умумий майдони борасидаги кўрсаткичларни кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир (2-расм).

РФда бирламчи кўчмас мулк бозорида фойдаланишга топширилган объектларнинг умумий майдони ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган. 2018 йилда мамлакатнинг умумий ҳудудида фойдаланишга топширилган кўчмас мулк объектлари бўйича умумий майдон жами 138,0 минг м²дан ортиқни ташкил этган. Шундан асосий қисми, яъни 110,0 минг м²дан зиёди тураp жой биноларига таллуқли умумий майдон ҳисобланади. 2019 йилда эса 117,3 минг м² тураp жой бинолари майдони ва 31,9 минг м² майдон эксплуатацияга топширилган.



2-расм. РФда бирламчи кўчмас мулк бозорида фойдаланишга топширилган объектларнинг умумий майдони³⁹¹

³⁹⁰ Макарова Е.Е., Сыщикова Е.Н., Проскурина З.Б. Современное состояние рынка недвижимости России в условиях цифровой экономики. –Наука Красноярья, Т.10, №6, 2022.

³⁹¹ Макарова Е.Е., Сыщикова Е.Н., Проскурина З.Б. Современное состояние рынка недвижимости России в условиях цифровой экономики. –Наука Красноярья, Т.10, №6, 2022.

2020 йилда 104,7 минг м² турар жой бинолари бўлган кўчмас мулк объектлари ва 24,1 минг м² нотурар жойлар бўлган кўчмас мулкларга тегишли умумий майдон янгидан барпо этилган. 2021 йилда кўчмас мулк бозорида 22,7 минг м² нотурар жой ва 97,3 минг м² турар жой бинолари майдонлари фойдаланишга топширилган. 2022 йилда 91,8 минг м² майдонни эгаллаган турар жой бинолари ва умумий майдони 21,9 минг м² бўлган нотурар жой бинолари бўлган кўчмас мулк объектлари эксплуатацияга қабул қилинган. Умуман олганда, фойдаланишга топширилган кўчмас мулк объектларининг умумий майдонида ҳам сон жиҳатидан, ҳам миқдор жиҳатидан пасайиш тенденцияси кузатилган.

РФ кўчмас мулк бозори ривожланишида риелторлик институтининг муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаган ҳолда, ишлаб чиқарувчилар ва инвесторлар ўртасидаги ҳамкорлик давлатдаги мавжуд иқтисодий вазиятга боғлиқ, дейиш мумкин. Шунингдек, мамлакатда кўчмас мулкка бўлган реал талаб мавжуд тақлифдан ошса, янги бинолар сезиларли тезликда сотилиши, қурилиш ишлари жадаллашиши, моддий манфаатдорликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Бундай шароитда, яъни мамлакатдаги кўчмас мулк бозорида кузатилаётган иқтисодий инқироз шароитида воситачиларга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ортади ҳамда бу риелторларга ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли алоқа ўрнатиш учун энг қулай шартга айланишини аналитади.

РФда кўчмас мулк бозоридаги муҳим сегмент бўлган янги қурилган кўчмас мулк объектларини фойдаланишга топширишда нарх инқирозини бартараф этиш лозим.



3-расм. РФ Москва кўчмас мулк бозорида нархнинг ўзгариши³⁹²

Жумладан, мамлакатда 2014 йил декабрь ойида Москва кўчмас мулк бозори “инқироз” босқичига кирганлиги бунинг яққол исботи ҳисобланади. Кўчмас мулк бозорида ҳали-ҳамон давом этаётган ва 2025 йилга қадар давом

³⁹² Sternik G.M., Sternik S.G. Analiz rynka nedvizhimosti dlja professionalov [Analysis of the real estate market for professionals]. –Moscow: Ekonomika, 2022, –P.608.

этиши кутилаётган нарх инқирози мамлакат кўчмас мулк бозорининг ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таҳлилларнинг давоми сифатида дунёда кўчмас мулк бозорининг йирик сегменти бўлган уй-жой бозорининг ривожланиш динамикасини кўриб ўтамиз. Бу динамик маълумотлар мазкур бозор капитализациясининг ўзгаришларига асосланганлиги билан аҳамиятлидир (1-жадвал).

1-жадвал. Дунё минтақаларида кўчмас мулк бозори уй-жой бозори сегментининг ривожланиш тенденциялари³⁹³

Минтақалар	2021-2022 йилларда жами ривожланиш кўрсаткичи, %	2019-2020 йилларга нисбатан, %
Ривожланган давлатлар	-3,1	4,0
ЕИга аъзо бўлмаган давлатлар	-1,3	4,6
ЕИ давлатлари	-9,8	3,0
Европа давлатлари (ЕИдан ташқаридаги)	5,3	4,2
Ривожланаётган давлатлар	14,0	3,1
Лотин Америкаси давлатлари	32,0	-0,6
Осиё	23,8	6,0
Марказий ва Шарқий Европа	-31,0	-1,9

1-жадвалда келтирилган турар-жой кўчмас мулк бозори ривожланишининг дунёдаги минтақалар бўйича тенденцияларига кўра, мамлакатлар бўйича кўчмас мулк бозорида нархлар ривожланган мамлакатларда 2021-2022 йилларда тезлик билан ўсди. Ривожланган мамлакатларда уй-жой нархи ўртача ҳисобда 2021-2022 йилларда 2019-2020 йилларга нисбатан 4% ўсди. Ушбу кўрсаткичнинг барқарор ўсиш суръатларини Австралия, Канада ва Германия каби ривожланган мамлакатларда, шунингдек, ўртача ўсиш суръатини Буюк Британия ва АҚШда ривожланган мамлакатлар гуруҳида кўриш мумкин. Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳини ҳисобга олган ҳолда, уй-жой кўчмас мулк нархларининг ўртача ўсиш суръати 3 %ни ташкил этган. Аммо, ривожланаётган давлатларда ушбу кўрсаткич қийматининг ўзгариши бир хил эмас. Кўчмас мулк бозори капитализация динамикаси кўрсаткичининг барқарор ўсиши Хитой, Ҳиндистон, Мексика ва Туркия каби давлатларда кузатилган.

Қуйидаги жадвалда аксарият Европа мамлакатларида, хусусан, Австрия, Германия ва Швейцарияда кўчмас мулк бозорининг 37 %и хусусий уй хўжаликлари, қолган қисми тижорат кўчмас мулк, Австрия ва Германияда бу кўрсаткич юқори 53-58 %ни ташкил этишини кўриш мумкин³⁹⁴ (2-жадвал).

³⁹³ Коокуева В., Церцеил Ю. Обзор зарубежных подходов к выявлению факторов развития рынка недвижимости. Вестник Евразийской науки – The Eurasian Scientific Journal 2018, Т.10, №2, 2022. No2, Vol 10 ISSN 2588-0101.

³⁹⁴ Schneider, M. & Wagner K. (2020). Housing markets in Austria, Germany and Switzerland. Refereed by: Christophe A., OECD. 42-59.

2-жадвал. Австрия, Германия, Швейцария каби давлатларда кўчмас мулк бозори тузилишининг ўзига хос хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Мамлакатлар		
	Австрия	Германия	Швейцария
Кўчмас мулк бозорининг тузилиши	Уй хўжаликлари паст даражаси (58%)	Уй хўжаликлари паст даражаси (53%)	Уй хўжаликлари паст даражаси (37%)
Кўчмас мулк бозорининг доминант тури	Ижтимоий ижара мулк бозори (60%)	Хусусий кўчмас мулк бозори	Хусусий кўчмас мулк бозори
Кўчмас мулк бозорини қўллаб-қувватлаш воситалари	Объектга йўналтирилган субсидиялаш. Субъектга йўналтирилган субсидиялар ҳам катта роль ўйнайди	Ижтимоий уй-жой субсидиялари. Тўғридан-тўғри уй-жой имтиёзлари	Объектга йўналтирилган субсидиялашнинг устунлиги, субъектга йўналтирилган субсидиялашнинг аҳамиятсизлиги
Лизинг шартномасининг амал қилиш муддати	Ноаниқ	Одатда, чексиз	Одатда, муддати кўрсатилган
Эгалари учун чекловлар ёки мажбуриятлар муддати	Умрбод	Муддатли	Муддатли

Шу билан бирга, ижтимоий ижара бозори Австрияда 60 %ни ташкил этса, Германия ва Швейцарияда – хусусий кўчмас мулк бозори устунлик қилади. Кўчмас мулк бозорини қўллаб-қувватлаш воситаларига келсак, Австрияда объектга йўналтирилган субсидиялар ва субъектга йўналтирилган субсидиялар, Швейцарияда, асосан, объектга йўналтирилган субсидиялар устунлик қилади. Германияда ижтимоий уй-жой субсидиялари ва тўғридан-тўғри уй-жой нафақалари ёрдам воситаси сифатида ишлайди. Австрияда лизинг шартномаси муддатли ва муддатсиз бўлиши мумкин, мулкдорларнинг мажбуриятлари чекланмаган. Германияда лизинг шартномаси асосан муддатсиз, мулкдорларнинг мажбуриятлари эса муддатли характерга эга. Швейцарияда лизинг шартномаси асосан муддатли бўлиб, мулкдорларнинг мажбуриятлари ҳам муддатлидир.

Мамлакатларда кўчмас мулк бозорининг ривожланиш даражаси ва унинг ўзгариш динамикасини ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, бунда ушбу масалани маъмурий тартибга солиш, хусусан, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари муҳим роль ўйнайди. Демак, ҳар бир мамлакатда кўчмас мулк бозори, шу жумладан, уй-жой секторини ривожлантиришда у ёки бу даражада давлат томонидан қўллаб-қувватланиши кутилмоқда. Шу билан бирга, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг фаоллик даражаси мамлакатларга қараб ҳар хил бўлиб, бу кейинчалик ривожланган ва

ривожланаётган мамлакатларда уй-жой тизимини шакллантиришда фарқларнинг мавжудлигини келтириб чиқаради³⁹⁵.

Кўриб ўтилганлар асосида айтиш мумкинки, Европа Иттифоқининг ривожланган иқтисодиётга эга давлатларида кўчмас мулк бозорига нисбатан давлат сиёсатининг икки муҳим йўналиши мавжуд:

Биринчи йўналиш: фаол давлат уй-жой сиёсати.

Иккинчи йўналиш: пассив давлат уй-жой сиёсати.

Шунингдек, юқорида кўриб ўтилган Австрия, Германия, Швейцария каби давлатларда кўчмас мулк бозори тузилишининг ўзига хос хусусиятларининг муҳим жиҳати шундан иборатки, кўчмас мулк бозорини қўллаб-қувватлаш воситалари борасида кўчмас мулк объектига йўналтирилган субсидиялашнинг амал қилиши устувордир. Аммо, шу билан бирга, субъектга йўналтирилган субсидиялар ҳам катта роль ўйнайди. Уларда ижтимоий уй-жой субсидиялари ва тўғридан-тўғри уй-жой имтиёзлари механизми йўлга қўйилган.

Экспертларнинг таъкидлашича, “Европа давлатлари ва бошқа ривожланган давлатлардаги кўчмас мулк бозори, унинг тузилиши, динамикада ривожланиши мамлакат ва унинг аҳолисининг иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Шу боис, давлатнинг муҳим вазифаси нафақат мамлакатда умуман кўчмас мулк бозорини ривожлантириш, балки аҳоли учун турар жой кўчмас мулки мавжудлигини таъминлашга кўмаклашиш, уй-жой кўчмас мулк бозорини молиялаштиришнинг турли воситаларидан фойдаланиш ижтимоий, хусусан, демографик муаммоларни ҳал қилишга, умуман, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади. Умуман олганда, кўчмас мулк бозори фоиз ставкаларининг ўзгаришига жуда сезгир”³⁹⁶. Шу билан бирга, фойдаланишга топширилаётган уй-жой фондининг етарли ҳажмда бўлмаслиги аҳоли томонидан уй-жойга бўлган талабнинг ортишига, бу эса, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг сунъий равишда ошишига олиб келиши мумкин. Турар жой биноларини етказиб беришга таъсир қилувчи омилларга ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларнинг нархи ва мавжудлиги, пул ресурсларининг мавжудлиги, мавжуд солиқ тизими, ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотлар нархи, товар (хизмат)лар сотувчилари сони киради.

Европа давлат кўчмас мулк уюшмаси – EPRA (The European Public Real Estate Association) ҳисоботида таъкидланишича, кўчмас мулк ҳисобланган турар жой мулки сектори Европа рўйхатига киритилган кўчмас мулкнинг муҳим ва ўсиб бораётган улушини ифодалайди, ҳозирда FTSE (the Financial Times Stock Exchange) Nareit Developed Europe Index асосидаги мулк портфелининг 25 %идан ортигини ташкил этади. GFCнинг оқибатлари 10 йил

³⁹⁵ Tsertseil J.S., Kookueva V.V. Problems of property market development in Russia in the modern context//Espacios. Т.38, №47, 2017. –Р.41.

³⁹⁶ Церцеил Ю.С., Коокуева В.В. Анализ структуры и динамики развития рынка недвижимости в Российской Федерации в современных рыночных условиях//Инновационное развитие современной науки: проблемы, закономерности, перспективы. Сборник статей III международной научно-практической конференции, 2017. –С.144-152.

ўтгач, уй-жой бозорларига таъсир қилишда давом этар экан, инвесторлар уй нархларида яна бир кескин тузатиш бўлиши мумкинлигидан хавотирда. Европанинг кўп қисмларида паст фоиз ставкалари сўнгги бир неча йил ичида уй нархларининг кучли ўсишига туртки берди. Аммо уй-жой бозори ҳозирда кўплаб мамлакатларда блокировкани чеклаш ёки сотишнинг олдини олиш учун деярли тўхтаб қолган. Транзакция даражаси кескин пасайганлиги сабабли, кўчмас мулк нархларига таъсири аниқ бўлиши учун бироз вақт керак бўлади.

Илмий тадқиқотимиз долзарблигидан келиб чиқиб, кўчмас мулк бозорининг ривожланишида баҳолаш хизматлари бозорини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Ривожланган мамлакатларда кўчмас мулк бозорини баҳолашда, баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда либерал усуллар, хусусан, жамоат ташкилотлари орқали амалга оширилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу борада Буюк Британия ва Германия каби давлатларни кўриб чиқиш мумкин. Албатта, ушбу давлатларда баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини бошқариш, ушбу фаолиятни лицензиялаш ва баҳоловчиларга малака сертификатларини бериш кабиларда фарқли томонлар мавжуд.

Умуман олганда, Европа мамлакатларида кўчмас мулкни баҳолаш фаолиятини такомиллаштириш, улардаги профессионал иштирок фаолиятини назорат қилишнинг оптимал ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида 1987 йилда *Европа Баҳоловчилар уюшмаси* (EUROVAL) негизида Европа мамлакатларида баҳоловчиларни сертификатлаш, кўчмас мулкни баҳолаш хизматлари бозори иштирокчилари учун ягона талаб ва умумий стандартларни ишлаб чиқиш бўйича фаолият олиб борадиган янги жамоат уюшмаси – *Европа жамияти баҳоловчилар уюшмаси* (TEGOVA) ташкил қилинди. Ушбу жамоат ташкилотининг асосий вазифаси баҳолаш хизматлари бозори талаб ва эҳтиёжлари асосида баҳолашга оид бўлган умумий стандартларни ишлаб чиқиш, аъзо мамлакатларда баҳолаш стандартлари талабларини уюшма томонидан ишлаб чиқилган стандартларга уйғунлаштириш, мамлакатлардаги баҳолаш хизматлари бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг малакали мутахассис сифатида тайёрланишида услубий ёрдам кўрсатишдан иборат.

1990 йилда TEGOVAnинг кўчмас мулкни баҳолаш хизматлари бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини сертификатлаш бўйича стандартлари асосида ЕИга аъзо давлатлардаги баҳолаш ташкилотлари ва баҳоловчиларини аккредитациядан ўтказиш тартиби амалиётга жорий этилди. Бунинг натижасида баҳолаш хизматлари бозоридаги профессионал иштирокчилар “Approved by TEGOVA” сифат сертификатини олиш талабини бажариш мажбуриятини олдилар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Европа мамлакатлари кўчмас мулкни баҳолаш амалиётини ўрганиш давомида баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ривожлантиришда профессионал иштирокчилар фаолиятини сертификатлаш хизматлари сифатини ошириш, халқаро стандартлар

талабларини бажариш натижасида инвесторларга кўрсатилаётган баҳолаш хизматлари самарадорлигининг ортиши таъминланади. Шу сабабли, “Approved by TEGOVA” сифат сертификати учун қуйидаги муҳим талаблар қўйилган:

олий маълумотга эга бўлиш, 3 йил давомида кўчмас мулкни баҳолашда иштирок этиш, бунда камида 20 та баҳолаш ишларида шахсан иштирок этиш алоҳида инобатга олинади;

талабгорлар амалиётчи сифатида 10 йиллик иш стажига эга бўлиши, шундан 3 йили айнан кўчмас мулкни баҳолаш фаолиятига доир бўлиши талаб этилади.

Буюк Британияда кўчмас мулкни баҳолаш фаолияти ва унинг профессионал иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш Бирлашган Қироллик институти (Royal Institution of Chartered Surveyors – RICS) томонидан амалга оширилади (асосан кўчмас мулк объектлари бўйича). 1868 йилда ташкил этилган мазкур институт дастлабки даврларда Ерни ўлчаш институти сифатида фаолият олиб борган. Бугунги кунга келиб, фақат кўчмас мулк соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари эмас, балки кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи агентликлар, қурилиш соҳаси ташкилотлари, кўчмас мулкни оператив бошқарувчилари, кадастр соҳаси ташкилотлари ва мутахассислари ҳам ушбу институт аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда. Ушбу институт 1878 йилда Буюк Британия Парламентининг қарори билан баҳоловчи ташкилот сифатида ҳам рўйхатга олиниб, уларга кўчмас мулк ва Қиролликнинг ер муносабатларини тартибга солиш каби ҳуқуқлар ҳам берилган. Унинг йирик баҳолаш ташкилоти ва регулятор сифатидаги аҳамиятини 100 дан ортиқ мамлакатларда 72 мингдан ортиқ баҳолаш хизматлари бозори профессионал иштирокчиларининг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

РФда 1998 йил 29 июлда “Россия Федерациясида баҳолаш фаолияти ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Қонунга асосан, баҳолаш хизматлари бозори фаолияти Федерал орган таркибида иш олиб борувчи Кенгаш ва ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик ташкилотлари томонидан мувофиқлаштирилади (4-расм). Ушбу Қонуннинг 19-моддасида баҳолаш хизматлари бозорини тартибга солиш борасида Федерал орган таркибида иш олиб борувчи Кенгашнинг асосий вазифалари белгилаб берилган:

баҳолаш фаолиятига оид бўлган ягона сиёсатни ишлаб чиқиш;

мулкни баҳолаш стандартлари ва давлат кадастр хизматининг мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва такомиллаштириб бориш;

баҳолаш хизматлари бозорининг профессионал иштирокчилари, ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунчилик талабларига риоя этишлари устидан назоратни олиб бориш;


баҳоловчиларнинг малака аттестациялари бўйича ягона реестр юритиш ва б.

3-жадвал. РФда кўчмас мулк қийматини баҳолаш фаолияти билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	Қўлланилиш соҳалари
“Россия Федерациясида баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги ФҚ-135-сон Федерал Қонун, 29.07.1998.	Баҳолаш объектларини мажбурий баҳолашдан ўтказиш ҳолатларини, баҳолаш фаолиятини олиб бориш бўйича асосий меъёр ва қоидаларни аниқлайди.
РФ Фуқаролик кодекси	Ресурслар ва уларга бўлган ҳуқуқларни экспертизадан ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади, хўжалик жамоасининг мулкига улуш киритишда баҳолашни амалга оширишни назарда тутлади.
РФ Ҳукуматининг “Баҳолаш стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 519-сон қарори, 06.07.2001.	РФда баҳолаш фаолияти субъектлари томонидан қўлланилиши мажбурий бўлган стандартлардан ташкил топган, асосий атама ва тушунчаларни ўз ичига олади.
“Банкротлик тўғрисида”ги ФҚ-127-сон Федерал Қонун, 26.10.2002.	Ташкилот қиймати ва активларини аниқлаш учун мустақил баҳоловчиларни жалб қилиш заруриятини кўрсатади, арбитраж жараёни давомида хусусий мулкни баҳолаш шароитлари ва чекловларини ўрнатади.
РФ Меҳнат ва ижтимоий ривожлантириш вазирлигининг “Баҳоловчи (баҳолаш бўйича мутахассис) лавозими бўйича малакавий тавсифномани тасдиқлаш” бўйича 11-сон қарори, 27.11.1996.	“Баҳоловчи” лавозимига малакавий тавсифномани, лавозим мажбуриятларини ва касбий билимларига талабларни тасдиқлайди.

Мамлакатда 2000-2003 йилларда компанияларни лицензиялаш ва баҳолаш фаолиятини стандартлаштириш жараёни юз берди. “Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги қарор (07.06.2002), “Баҳолаш фаолияти субъектлари қўлловчи баҳолаш стандартлари” (06.07.2001) ва РФ Мулк қўмитаси мулкни баҳолаш соҳасида профессионал билимларни эгаллаш, уларга хизмат кўрсатувчи таълим муассасалари, таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ва мутахассисларни тайёрлаш бўйича қонунлар (27.02.2002) ишлаб чиқди. Бу босқичда баҳолаш хизматлари бозори ҳудудлар бўйича тўлақонли ривожланди, мулкни баҳолаш бўйича катта консалтинг ташкилотлари ташкил топди.

2007 йилда қабул қилинган “Ўзини ўзи бошқариш ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун мамлакатдаги баҳолаш ташкилотлари ва баҳоловчилар манфаатларини ҳимоя қиладиган, уларни қўллаб-қувватловчи уюшмалар, жамоат ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин олди. Мазкур Қонунга кўра, ҳозирги кунда РФда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини тартибга солувчи қуйидаги жамоат ташкилотлари ўз фаолиятларини олиб бормоқда:



4-расм. РФда кўчмас мулкни баҳолаш хизматлари бозори фаолиятига оид қонунчилик билан шуғулланувчи субъектлар

Россия баҳоловчилар уюшмаси (жисмоний шахсларни бирлаштириш учун тузилган);

Россия баҳоловчилар коллегияси ва Россия баҳоловчилар уюшмаси ҳамкорлиги ташкилоти (юримдик шахс мақомини олмаган тадбиркорлик субъектлари учун);

Баҳолаш фаолияти субъектлари Миллий лигаси (юримдик ва жисмоний шахсларни бирлаштрувчи ташкилот);

Россия Фанлар Академияси ҳузуридаги Баҳолаш фаолияти бўйича Бирлашган Кенгаш ва унинг Маслаҳат органи;

баҳоловчи мутахассисларни тайёрловчи таълим муассасалари ва марказлар.

Бундан ташқари, Россияда автоном республикаларда ҳам баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини ривожлантириш мақсадида ҳудудий ва ҳудудлараро баҳоловчи ташкилотларнинг уюшмалари фаолият олиб боради.

Бугунги кунда РФ ҳам IVSC (Халқаро Мулкни баҳолаш кўмитаси) ва TEGOVA (Европа жамияти баҳоловчилар уюшмаси)га аъзо. Барча давлатлар, шу қаторда, Россия ҳам ўзларининг миллий стандартларини ишлаб чиқишда халқаро талабларга мослиги назоратини юритадилар. Ушбу мамлакатда баҳолаш хизматлари бозори фаолиятини тартибга солиш ва соҳа билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантиришда фақатгина ягона давлат органи шуғулланмайди, балки ушбу масалада комплекс ёндашилади. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан баҳолаш хизматлари бозори инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялари асосида ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини англатади.

Баҳолаш фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг хорижий моделлари таҳлили бўйича қуйидаги илмий-назарий хулоса ва тавсиялар шакллантирилди:

1. Ривожланган ва Европа мамлакатларида, хусусан, Буюк Британияда баҳолаш хизматлари бозори ривожланишида узоқ йиллик тарихий ва тадрижий тажрибалар тўпланган. Бу, ўз навбатида, кўплаб регулятив инструментларни синовдан ўтказиш ва энг мақбулларини танлаш имкониятини яратган.

2. Ҳозирга келиб нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам мулкни баҳоланишнинг халқаро стандартлари ва умумэтироф этилган меъёрларидан фойдаланиб келинмоқда.

3. Юқорида кўриб ўтилган мамлакатларда баҳолаш хизматлари бозорини тартибга солиш ва улардаги профессионал иштирокчилар фаолиятини назорат қилиб боришда давлатнинг роли ниҳоятда камайтирилган.

Адабиётлар:

1. Макарова Е.Е., Сыщикова Е.Н., Проскурина З.Б. Современное состояние рынка недвижимости России в условиях цифровой экономики. –Наука Красноярья, Т.10, №6, 2022.

2. Sternik G.M., Sternik S.G. Analiz rynka nedvizhimosti dlja professionalov [Analysis of the real estate market for professionals]. –Moscow: Ekonomika, 2022, –P.608.
3. Коокуева В., Церцейл Ю. Обзор зарубежных подходов к выявлению факторов развития рынка недвижимости. Вестник Евразийской науки – The Eurasian Scientific Journal 2018, Т.10, №2, 2022. No2, Vol 10 ISSN 2588-0101.
4. Schneider, M. & Wagner K. (2020). Housing markets in Austria, Germany and Switzerland. Refereed by: Christophe A., OECD. 42-59.
5. Tsertseil J.S., Kookueva V.V. Problems of property market development in Russia in the modern context//Espacios, Т.38, №47, 2017. –P.41.
6. Церцейл Ю.С., Коокуева В.В. Анализ структуры и динамики развития рынка недвижимости в Российской Федерации в современных рыночных условиях//Инновационное развитие современной науки: проблемы, закономерности, перспективы. Сборник статей III международной научно-практической конференции, 2017. –С.144-152.
7. Д. Султонов. Кўчмас мулкни қайта баҳолаш. <https://review.uz/oz/post/pereocenivaya-nedvijimost>.
8. В. Евстафьев. Оценка бизнеса. Схемы и таблицы: Учебное пособие. –СПб.: Питер, 2007. –С.240.
9. В. Есипов, Г. Маховикова, В. Терехова. Оценка бизнеса. –СПб.: Питер, 2001. –С.416.
10. Г. Микерин, Н. Павлов, Н. Яшина. Международные стандарты оценки. Кн.2. –М.: ОАО Типография “НОВОСТИ”, 2000. –С.313.
11. С. Валдайцев. Оценка бизнеса: учеб. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ТК Велби., “Проспект”, 2006. –С.360.
12. Б. Абдукаримов ва б. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. М. Пардаев тахрири остида. –Т.: Фан ва технология, 2013. –Б.368.
13. Б. Ходиев, Б. Беркинов, А. Кравченко. Бизнес қийматини баҳолаш. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2007. –Б.256.

МЕТОДИКА РАСЧЁТА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ НОВОЙ ТЕХНИКИ

*Хурсанов Бойкузи Журакузиевич, доц.,
Мирзаев Дилишод Баходирович, студент,
Ферганский политехнический институт*

Аннотация. В статье дана методика расчёта экономической эффективности новой техники, внедряемой на предприятиях АО “Ўзкимёсаноат” и методы определения экономической эффективности, характерной для разработки специализированных методов производства и применения некоторых видов новой техники. Данное в статье определение народнохозяйственного экономического эффекта от внедрения новой техники затрудняется в силу объективных обстоятельств и приходится один из двух экономических эффектов принимать за народнохозяйственный эффект. Это бывает, когда отсутствуют данные о себестоимости средств производства и дополнительных капитальных вложениях в сфере их производства или отсутствуют данные об изменении приведенных затрат в сфере использования новой техники.

Ключевые слова: экономическая эффективность, АО “Ўзкимёсаноат”, народнохозяйственный экономический эффект, внедрение, новая техника.

Annotation. The article gives a methodology for calculating the economic efficiency of new equipment introduced at the enterprises of JSC “Uzkimyosanoat” and methods for determining the economic efficiency characteristic of the development of specialized production

methods and the use of certain types of new equipment. The definition of the national economic effect from the introduction of new technology given in the article is difficult due to objective circumstances and one of the two economic effects has to be taken as the national economic effect. This happens when there is no data on the cost of capital goods and additional capital investments in their production, or there is no data on changes in the reduced costs in the use of new technology.

Keywords: economic efficiency, JSC “Uzkimyo sanoat”, national economic effect, implementation, new technology.

Введение. Правильная организация учёта эффективности использования новой техники в народном хозяйстве зависит от методов её определения³⁹⁷. В основу этих методов, разработанных в начале 60-х годов, положена оценка экономической эффективности капитальных вложений и новой техники на основе, так называемых приведённых затрат (З) по формуле:

$$Z = C + E_H K \quad (1)$$

Где: С – себестоимость единицы продукции; К – капитальные вложения в основные и оборотные средства производственных объектов; E_H – нормативный коэффициент эффективности капитальных вложений.

Величина же экономического эффекта (Э), получаемого в результате внедрения новой техники, определяется разностью приведенных затрат, рассчитанных по данным базового и рассматриваемого вариантов:

$$\Delta = (C_1 + E_H K_1) - (C_2 + E_H K_2) \quad (2)$$

Где: C_1 и C_2 – себестоимость базового и рассматриваемого варианта новой техники; K_1 и K_2 – капитальные вложения в основные и оборотные средства производственных объектов базового и рассматриваемого варианта³⁹⁸.

Формула разности приведённых затрат даёт возможность определить экономический эффект только в одной из сфер: либо в сфере производства новой техники, либо в сфере её использования. Народнохозяйственный экономический эффект от внедрения новой техники принят как сумма экономических эффектов, полученных в сфере производства от её выпуска и в сфере эксплуатации. Оба эффекта выведены из принципа разности приведённых затрат.

В сфере производства машин, оборудования и т.д. экономический эффект ($\Delta_{пр}$) рассчитывается на единицу выпущенной продукции по формуле приведенных затрат:

$$\Delta_{пр} = (C_1 - C_2) + (E_H K_1 - E_H K_2) \quad (3)$$

Данная формула даёт необходимый результат только при условии, когда не изменяются оптовые цены на изделие и не устанавливаются доплаты (скидки), вызванные внедрением новой техники. Если же оптовые цены меняются (что часто встречается), то данная формула не может быть

³⁹⁷ Ортиқов А.А. ва б. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт” жамғармаси нашриёти, 2004.

³⁹⁸ Ортиқов А.А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт” жамғармаси нашриёти, 2004.

использована для определения экономического эффекта сравниваемых вариантов. В то же время показатель $(C_1 - C_2)$ есть не что иное, как дополнительно полученная в сфере производства чистая прибыль, т.е. $(C_1 - C_2) = П$.

Этот результат можно получить и путем сравнения получаемой прибыли (П) по обоим вариантам, т.е. $(П_2 - П_1) = П$. При этом прибыль выступает как результат разности между ценой (Ц) и себестоимостью (С), т.е. $П_1 = (Ц_1 - C_1)$, а $П_2 = (Ц_2 - C_2)$, следовательно, $П_2 - П_1 = (Ц_2 - C_2) - (Ц_1 - C_1)$, так как результат правой части формулы равен результату её левой части, то и при одинаковых ценах правомерно равенство $(C_1 - C_2) = (Ц_2 - C_2) - (П_1 - C_1)$, а следовательно, и правомерна замена в формуле приведенных затрат значения $(C_1 - C_2)$ на значение $(Ц_2 - C_2) - (П_1 - C_1)$.

Эта замена решает вопрос универсализации формулы приведённых затрат и даёт возможность рассчитать экономический эффект в сфере производства от внедрения новой техники при изменении себестоимости, удельных капитальных вложений и цены на изделие, включая установление доплат (скидок) к ценам³⁹⁹.

В результате преобразования формула экономического эффекта в сфере производства ($\mathcal{E}_{пр}$) приобретает вид:

$$\mathcal{E}_{пр} (Ц_2 - C_2) - (Ц_1 - C_1) + (E_H K_1 - E_H K_2) \quad (4)$$

Методология исследования. Экономический эффект в сфере производства является частью народнохозяйственного эффекта. Второй частью этого эффекта является экономический эффект, полученный потребителем от использования (внедрения) новой техники, который рассчитывается по разности приведённых затрат за экономически целесообразный срок службы новой техники. Так как срок службы новой техники различен, возникла необходимость выработки двух формул расчёта экономической эффективности от использования новой техники потребителем:

1) по-новому (усовершенствованному) виду новой техники, используемой потребителем в течение ряда лет:

$$\mathcal{E}_{потр} = (mЦ_{\delta} a - mЦ_H) + \frac{I_{\delta\delta} - I_{H\delta}}{P_{амн} + E_H} + (K_{\delta\delta} - K_{H\delta}) \quad (5)$$

2) по-новому (усовершенствованному) виду новой техники однократного и кратковременного использования, срок службы которой у потребителя составляет менее одного года:

$$\mathcal{E}_a = (mЦ_{\delta} a - mЦ_H) + (C_{\delta\delta} - C_{H\delta}) + E_H (K_{\delta\delta} - K_{H\delta}) \quad (6)$$

Как в первой, так и во второй формулах в первой части отражаются капитальные вложения потребителем в приобретённую новую технику и приведение её в сопоставимые условия с заменяемой техникой. Индекс/га

³⁹⁹ Воробьев А.И. Сборник задач и деловых игр по экономике химической промышленности. –М.: Машиностроение, 1989. –С.134.

отражает коэффициент отношения балансовой стоимости новой техники к ее цене, учитывающий цену машины (новой техники), транспортно-сбытовые расходы, затраты на монтаж и другие расходы, включаемые в балансовую стоимость этой техники; $Y_б$ и $Ц_я$ – действующие оптовые цены базовой и новой техники; a – коэффициент технической эквивалентности базового изделия, равный $\frac{П_н}{П_б} \cdot \frac{P_{амб} + E_n}{P_{амн} + E_n}$, где $П_б$ и $П_н$ – годовые объёмы продукции (работ), производимой у потребителя с помощью базовой и новой техники; $P_{амб}$, $P_{амн}$ – коэффициенты отчислений на реновацию при использовании базовой или новой техники⁴⁰⁰.

Вторая часть формулы отражает изменение текущих издержек производства за экономически целесообразный срок службы новой техники, где $I_{бэ}$, и $I_{нэ}$, текущие издержки у потребителя (без отчислений на реновацию), определяемые по действующим инструкциям для планирования и калькулирования себестоимости произведённых работ (изделий) при использовании соответственно единицы базовой и новой техники в расчёте на объём работ, выполняемой новой техникой; $C_{бэ}$ и $C_{нэ}$ – текущие издержки производства у потребителя (с учетом амортизации сопутствующих капитальных вложений потребителя $K_{бэ}$ и $K_{нэ}$) в расчёте на единицу базовой и новой техники; $C_{бэ}$ и $K_{нэ}$ – дополнительные капитальные затраты, сопутствующие применению базовой и новой техники⁴⁰¹.

Результаты исследования. Так как указанные ранее формулы дают возможность отдельного подсчета экономических эффектов: в сфере производства – от выпуска одной машины (новой техники), а у потребителя – от её использования за экономически целесообразный срок службы, то сложение этих эффектов даёт эффект, получаемый народным хозяйством от создания, внедрения и эксплуатации новой техники. В развернутом виде формула народнохозяйственного экономического эффекта имеет следующий вид:

а) по изделиям, служащим у потребителя ряд лет,

$$\begin{aligned} \mathcal{E}_{нхэ} = & [(Ц_2 - C_2) + (Ц_1 - C_1) + (E_n K_1 - E_n K_2)] + \\ & + [(mЦ_б a - mЦ_н) + (C_{бэ} - C_{нэ}) + E_n (K_{бэ} - K_{нэ})] \end{aligned} \quad (7)$$

б) для новой техники, служащей более одного года

$$\begin{aligned} \mathcal{E}_{нх} = & [(Ц_2 - C_2) + (Ц_1 - C_1) + (E_n K_1 - E_n K_2)] + \\ & + \left[(mЦ_б a - mЦ_н) + \frac{I_{бэ} - I_{нэ}}{P_{амн} + E_n} + (K_{бэ} - K_{нэ}) \right] \end{aligned} \quad (8)$$

Из приведённых формул видно, что в первых квадратных скобках обозначен экономический эффект в сфере производства новой техники, а во второй – экономический эффект у потребителя от использования им этой

⁴⁰⁰ Сборник задач по организации планированию предприятий нефтегазодобывающей промышленности. –М.: Машиностроение, 1988. –С.192.

⁴⁰¹ Расчёты экономической эффективности в дипломных и курсовых проектах. Под общ. ред. Н.Н. Фонталина. –Мн.: Высш.шк., 1984.

новой техники. Эти формулы одинаково правомерны для расчётов экономических эффектов объектов производства и средств производства, так как средства производства по отношению к их производителям являются также объектами производства⁴⁰².

Однако, в некоторых случаях определение народнохозяйственного экономического эффекта от внедрения новой техники (нововведённой) затрудняется в силу объективных обстоятельств и приходится один из двух экономических эффектов принимать за народнохозяйственный эффект. Это бывает, когда отсутствуют данные о себестоимости средств производства и дополнительных капитальных вложениях в сфере их производства или отсутствуют данные об изменении приведенных затрат в сфере использования новой техники (нововведённой).

Могут встречаться случаи, когда по тем или иным причинам могут отсутствовать отдельные показатели или данные по базовой или новой технике, тогда в расчёт народнохозяйственной эффективности следует принимать только аналогичные показатели, имеющиеся по обоим видам техники (нововведённой). С принятием в расчёт одного из имеющихся аналогичных данных (например, базовой себестоимости при отсутствии новой себестоимости) расчёт экономического эффекта вариантов будет несопоставим, а следовательно, и неверным. После ряда преобразований формула приобретает вид:

а) по изделиям однократного или кратковременного использования:

$$\begin{aligned} \mathcal{E}_{\text{нх}} = & C_{\text{б}}(ma-1) - C_{\text{н}}(m-1) - (\Delta C_{\text{н}} + E_{\text{н}}\Delta K_{\text{н}}) + \\ & + \frac{I_{\text{бэ}} - I_{\text{нэ}}}{P_{\text{амн}} + E_{\text{н}}} + (K_{\text{бэ}} - K_{\text{нэ}}); \end{aligned} \quad (9)$$

б) для новой техники, служащей более одного года:

$$\begin{aligned} \mathcal{E}_{\text{нх}} = & C_{\text{б}}(ma-1) - C_{\text{н}}(m-1) - (\Delta C_{\text{н}} + E_{\text{н}} \times \\ & \times \Delta K_{\text{н}}) + (C_{\text{бэ}} - C_{\text{нэ}}) + E_{\text{н}}(K_{\text{бэ}} - K_{\text{нэ}}) \end{aligned} \quad (10)$$

Где: $C_{\text{п}}$ – увеличение или снижение себестоимости производства единицы новой техники (нововведённой) в третьем календарном году её серийного производства по сравнению с фактической себестоимостью базовой техники; $K_{\text{п}}$ – удельные дополнительные капитальные затраты, связанные с созданием и организацией производства данного вида новой техники. Затраты ($C_{\text{п}}$) рассчитываются, исходя из общих дополнительных капитальных затрат, произведённых (необходимых) для создания и организации производства новой техники (нововведённой) и годового объёма производства этой техники.

К дополнительным капитальным затратам следует относить:

а) затраты на создание или приобретение новых основных средств производства, их монтаж и наладку для организации выпуска

⁴⁰²Янги техника, кашфиётлар, рационализаторлик таклифларининг халқ хўжалигида иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услуги (асосий қоидалар). –М.: Экономика, 2021; Карась Л.Ю., Монфред К.Б., Праткин Б.Н. Қурилиш материаллари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиёти. –М.: Стройиздат, 1981.

рассматриваемого вида новой техники. Если эти капитальные затраты используются и на производство других видов продукции, то по рассматриваемому виду продукции учитывается лишь соответствующая часть этих затрат. Из указанных общих дополнительных затрат необходимо вычесть стоимость реализации неиспользуемых в новых условиях, но ранее действовавших, основных средств производства⁴⁰³.

В том случае, когда оборотные средства увеличиваются (уменьшаются) в связи с выпуском новой техники – увеличение (уменьшение) размера этих средств учитывается в дополнительных капитальных затратах;

б) затраты на создание новой техники до начала серийного производства, включая научно-исследовательские работы, финансируемые из централизованных фондов Министерства.

В расчётах дополнительных капитальных затрат необходимо учитывать также их уменьшение (увеличение) за счёт изменения социальных факторов (снижение затрат на жилищное и социально-бытовое строительство для данного предприятия, вызванное изменением численности работающих). Формулы определения экономических эффектов вполне обеспечивают сравнительную оценку базовых и новых вариантов: новых и модернизированных конструкций техники и повышения её качества, унификации и стандартизации деталей, узлов и агрегатов выпускаемой продукции; специализации и комбинирования производства, технологических процессов, средств производства, оснастки, систем управления, организации производства и труда. Эти формулы могут быть использованы при расчётах экономической эффективности научных и методических работ, связанных с созданием и внедрением новой техники; работ по выявлению и использованию резервов производства; в области организации труда и т.д.

Экономическая оценка эффективности новой техники (нововведённой) должна осуществляться на всех этапах её создания и внедрения. Например, для объектов производства (машин, оборудования, орудий и т.д.) экономическая оценка (расчёт экономического эффекта) сопоставленных вариантов должна проводиться, как минимум, при включении работы в план научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, при подготовке задания на проектирование объекта производства, в процессе проектирования и изготовления опытных образцов и их испытании, при подготовке решения о постановке на производство объекта производства, по результатам серийного производства и эксплуатации этой новой техники (нововведённой).

Экономическую оценку вариантов технологии и средств производства следует производить как при включении работ в план научных исследований и опытно-конструкторских работ, так и по окончании разработки

⁴⁰³ Васильев И.А., М.Д. Гилюя, А.Ф. Дергачев, И.И. Кургачев. Янги техникани яратиш учун техник-иктисодий асос. –М.: МИСИ, 2019; Турсунхўжаев П.М. Корхоналарда ишлаб чиқариш ва режалаштириш. –Т.: Ўзбекистон, 1997.

технической документации, при передаче по акту в промышленную эксплуатацию и по результатам фактической эксплуатации. Кроме того, по мере необходимости следует производить расчёты экономических эффектов сопоставимых вариантов новой техники (нововведённой) в процессе ее создания по мере развития работ. При этом методы и основные показатели оценки экономической эффективности новой техники на всех этапах её внедрения должны быть идентичными.

Ответственным моментом в определении экономического эффекта является выбор сопоставимой базы, т.е. базовой техники, технологии, организации управления, производства и труда. Основные требования к выбору сопоставимой базы меняются в зависимости от стадии разработки и внедрения новой техники (нововведённой), а в первых этапах создания новой техники (нововведённой) экономическая оценка должна производиться в сравнении с лучшими образцами отечественной и зарубежной техники, в т.ч. отечественной техники, находящейся в стадии проектирования. При внедрении же в народное хозяйство новой техники (нововведённой) экономическая оценка её производится в сопоставлении с лучшей, уже действующей, техникой на данном конкретном производстве (хозяйстве). Для модернизированной техники, имеющей повышенное качество и надежность, за базу для сравнения должны приниматься лучшие образцы техники, действующей до её модернизации.

Важнейшим требованием, обеспечивающим правильный выбор базового варианта техники (нововведённой) для сравнения различных вариантов техники, является сопоставимость выполняемых работ (операций). Например, для универсальной новой техники, заменяющей несколько других видов базовой техники, в сочетании с работами, выполняемыми вручную, за базу для сравнения принимаются все виды лучшей техники и работы, выполняемые вручную.

Если применение новой техники в производстве содействует изменению качества объекта производства таким образом, что эксплуатационные показатели этой техники, или же новая техника предназначена для выпуска новых изделий, находящихся на более высоком техническом уровне, то для определения народнохозяйственного экономического эффекта необходимо учитывать также и экономический эффект, получаемый в результате изменений указанных качественных показателей конечной продукции. Имеются особенности определения экономической эффективности нового оборудования “Ўзкимёсанот”⁴⁰⁴.

Так, например, сравнение эффективности химических производств, машин, влияющих на качество химической продукции, производства (объёмов потерь продукции, прироста производительности и т.д.) следует

⁴⁰⁴ Тошниёзов М.И., Шарифбоев И.М., Фуломов Қ.К., Қодиров Қ.Н. Машинасозлик корхоналари иктисоди, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уюштириш бўйича амалий машғулотлар. –Т.: Ўзбекистон, 2000; Цой Т.Н и др. Организация строительного производства. –М., 1999.

производить с учётом денежной стоимости добавочной продукции фактически.

В ряде случаев расчёт экономической эффективности требует включения в основной технологический процесс дополнительных операций по доведению того или иного изделия до сопоставимого состояния и формы. Например, дополнительный выбор сортировки, очистки и промывка материалов, выбор потерь штучных материалов и другие операции. В некоторых случаях возникает ситуация, которая может изменить объём экономической эффективности использования машин в разных климатических условиях, земельных зонах и других условиях⁴⁰⁵.

Для обеспечения сопоставимости сравниваемых вариантов техники необходимо провести по каждой зоне сравнение с лучшей базовой действующей техникой и определить среднюю экономическую эффективность по средневзвешенным показателям, учитывающим объёмы выполняемых работ. Будет неправильно, если при сравнении вариантов за базу принимается техника, предназначенная для одной зоны (условий), а сравниваемая новая техника – для другой. В этом случае, за базовую принимается лучшая действующая техника в этой зоне, и при отсутствии таковой проверяется возможность применения имеющейся аналогичной техники. Если этого сделать нельзя, экономическую оценку новой техники производят в сравнении с ручным или другим возможным способом⁴⁰⁶. При определении экономической эффективности новой техники (нововведённой) необходимо учитывать ещё некоторые особенности:

а) обеспечение сопоставимости капитальных затрат и экономического результата по сравниваемым вариантам как по кругу предприятий и отраслей производства, так и по времени затрат и получения экономического результата; из этого следует, что если разработка и внедрение новой техники ведется несколько лет, то необходимо в расчёте экономического эффекта скорректировать показатели базовой техники с учётом их ожидаемого изменения к моменту внедрения новой техники;

б) сопоставимость цен и стоимостей, принимаемых для капитальных затрат или, другими словами, оценка базовых и новых капитальных затрат должна производиться в условиях действующих цен и стоимостей, в связи с чем базовые капитальные затраты пересчитываются в новых (действующих) ценах;

в) обеспечение сопоставимости составляющих элементов капитальных вложений и текущих затрат, сопоставимости методов и принципов стоимостных показателей, принимаемых при расчётах экономической эффективности;

г) базовая и новая техника должна быть приведена в сопоставление по комплектации.

⁴⁰⁵ Шепеленко Г.И. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. – Ростов на Дону, 2000.

⁴⁰⁶ Л. Злотникова. По организации планированию и управлению предприятиями нефтегазодобывающей промышленности. – М., Недра, 1997.

При изменении объёма производства новой техники по отношению к базовым капитальным затратам по базовой технике должны быть также приведены в сопоставимость.

Выводы. Основной задачей выработанных в отрасли методов определения народнохозяйственной эффективности новой техники является обеспечение единства подхода к экономической оценке рассматриваемого или внедряемого варианта новой техники (нововведённой), обеспечение сопоставимой оценки деятельности научно-исследовательских и проектно-конструкторских организаций в ускорении научно-технического прогресса и создание необходимых условий для работы их в новых условиях планирования и экономического стимулирования.

Основные положения методики определения экономической эффективности нового оборудования в химическом машиностроении вводятся одновременно с Типовой шкалой определения размера отчислений в фонды стимулирования для организаций и предприятий АО “Ўзкимёсаноат” и определения экономической эффективности, характерной для разработки специализированных методов производства и применения некоторых видов новой техники.

Литература:

1. Ортиқов А.А. ва б. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт” жамғармаси нашриёти, 2004.
2. Ортиқов А.А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт” жамғармаси нашриёти, 2004.
3. Воробьев А.И. Сборник задач и деловых игр по экономике химической промышленности. –М.: Машиностроение, 1989. –С.134.
4. Сборник задач по организации планированию предприятий нефтегазодобывающей промышленности. –М.: Машиностроение, 1988. –С.192.
5. Расчёты экономической эффективности в дипломных и курсовых проектах. Под общ. ред. Н.Н. Фонталина. –Мн.: Высш.шк., 1984.
6. Янги техника, кашфиётлар, рационализаторлик таклифларининг халқ хўжалигида иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услуги (асосий қоидалар). –М.: Экономика, 2021.
7. Карась Л.Ю., Монфред К.Б., Прагкин Б.Н. Қурилиш материаллари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодиёти. –М.: Стройиздат, 1981.
8. Васильев И.А., М.Д. Гилуя, А.Ф. Дергачев, И.И. Кургачев. Янги техникани яратиш учун техник-иқтисодий асос. –М.: МИСИ, 2019.
9. Турсунхўжаев П.М. Корхоналарда ишлаб чиқариш ва режалаштириш. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Тошнӣёзов М.И., Шарифбоев И.М., Фуломов Қ.К., Қодиров Қ.Н. Машинасозлик корхоналари иқтисоди, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уюштириш бўйича амалий машғулотлар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Цой Т.Н и др. Организация строительного производства. –М., 1999.
12. Шепеленко Г.И. Экономика, организация и планирование производства на предприятии. –Ростов на Дону, 2000.
13. Л. Злотникова. По организации планированию и управлению предприятиями нефтегазодобывающей промышленности. –М., Недра, 1997.

O‘ZBEKISTONDA TASHQI SAVDONI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISH MUAMMOLARI

*Umarkulov Kodirjon Maxamadaminovich, i.f.n., dots.,
U.J. Rasulov, magistrant,
Namangan davlat universiteti*

Annotatsiya. Ushbu maqolada O‘zbekistonda tashqi savdoni davlat tomonidan tartibga solish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar, sohada erishilgan natijalar tahlil qilingan, mavjud muammolar aniqlanib, ularning yechimi yuzasidan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Tayanch so‘zlar: tashqi savdo aylanmasi (TSA), eksport, import, tovarlar, xizmatlar, biznes, korxonalar.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. Dunyoda ro‘y berayotgan siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy tebranishlar fonida O‘zbekistonning asosiy hamkorlaridan biri Rossiya bilan, shuningdek, Ukraina, Belarus, qisman G‘arbiy Yevropa davlatlari bilan o‘zaro iqtisodiy aloqalarni ifodalovchi makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarning pasayishi kutilmoqda. Bu esa, o‘z navbatida, O‘zbekistonning ushbu mamlakatlarga eksportiga salbiy ta‘sir ko‘rsatishi mumkin. Shundoq ham, so‘nggi yillarda O‘zbekistonda tashqi savdo balansi defitsiti ortib bormoqda.

Shu nuqtai nazardan, tashqi savdo aloqalarini kengaytirish, tovarlar harakatini tezlashtirish va korxonalarining tashqi savdo faoliyatini samarali tashkil etish imkoniyatini yaratish borasida maqsadga muvofiq iqtisodiy siyosat yuritish zarurdir.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi. Tashqi savdoni davlat tomonidan tartibga solish va boshqarish muammolari D. Rikardo, A. Gamilton, F. List, Yu.A. Tixomirov, I.B. Novokshonov, A.V. Reut, V.F. Popondopulo, A.D. Morozov, H.C. Алексеев kabi xorijlik va A.V. Vaxabov, Sh.X. Xajibakiyev, Sh.I. Raxmanov, A.A. Aliyev, F.M. Rahmatullayeva kabi mahalliy iqtisodchi olimlar tomonidan o‘rganilgan.

Muammoni hal qilish yo‘llari. Prezident Sh. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida tashqi savdo bilan bog‘liq nazorat tizimi va infratuzilmani yaxshilash, jumladan, xorijiy tajribadan kelib chiqib, bojxona postlarida nazoratni amalga oshiradigan bojxona, sanitariya, karantin, veterinariya va boshqa idoralar faoliyatini isloh qilish lozimligini ta‘kidlangan edi.

Bu sohada uzoq yillardan buyon samarali ishlar olib borilmagani tashqi savdo amaliyotlarida muayyan qiyinchiliklar tug‘dirmoqda. 2020-yil natijalariga ko‘ra, Jahon bankining “Biznes yuritish” reytingida “Xalqaro savdo” yo‘nalishi bo‘yicha mamlakatimiz 213 ta davlat orasida 206-o‘rinda qayd etilgani ham shundan dalolat beradi.

Qayd etish joizki, 2021-yilda respublikaning TSA 42,2 mlrd AQSH \$ni tashkil etib, 2020-yilga nisbatan 5,9 mlrd AQSH \$ga yoki 16,3 %ga ko‘paydi. TSAda eksport hajmi 16610,6 mln AQSH \$ga (10,0 %ga ko‘paydi) va import hajmi 25461,0 mln AQSH \$ga (20,4 %ga ko‘paydi) yetdi.

Jadval ma‘lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonning TSAda asosan Osiyo va Yevropa mamlakatlari katta o‘rin tutmoqda. Janubiy Amerika, Afrika, Avstraliya

va Okeaniya mintaqalari bilan TSA hajmi juda kichik. Buni quyidagi jadvalda ham ko‘rish mumkin.

O‘zbekiston Respublikasining qit‘alar kesimida TSA (mln AQSH \$)

Ko‘rsatkichlar/ yillar	2000	2005	2010	2015	2020	2021
Jami	6212,1	9500,1	22199,2	24924,3	36256,1	42170,5
tovarlar	5512,0	8416,0	20373,3	20908,9	33 029,6	37821,4
xizmatlar	700,1	1084,1	1825,9	4015,4	3226,4	4349,1
Yevropa	3 834,9	5445,6	11989,3	9491,2	16425,5	17425,0
tovarlar	3 478,9	4846,2	10931,4	8470,3	15606,1	16413,9
xizmatlar	356,0	599,4	1057,9	1020,9	819,4	1011,1
Osiyo	1890,9	3628,2	9693,2	13248,9	18522,7	22273,6
tovarlar	1584,9	3270,9	8991,5	11809,8	16843,8	20351,0
xizmatlar	306,0	357,3	701,8	1439,0	1678,9	1922,6
Shimoliy Amerika	325,1	295,5	206,6	290,2	456,8	666,8
tovarlar	288,9	195,4	144,9	214,4	394,1	533,7
xizmatlar	36,2	100,1	61,6	75,9	62,7	133,1
Janubiy Amerika	10,1	104,9	246,2	346,1	133,9	449,0
tovarlar	8,4	82,6	245,9	345,2	133,7	448,6
xizmatlar	1,7	22,4	0,3	0,9	0,2	0,3
Afrika	8,7	19,4	50,9	79,3	38,3	67,4
tovarlar	8,7	19,2	49,5	64,8	37,5	63,9
xizmatlar	0,0	0,3	1,4	14,5	0,7	3,5
Avstraliya va Okeaniya	7,1	6,4	12,9	5,7	14,9	10,6
tovarlar	7,0	1,7	10,0	4,4	14,4	10,3
xizmatlar	0,2	4,7	2,9	1,3	0,6	0,3

Tashqi iqtisodiy faoliyat bo‘yicha 20 ta yirik hamkor-davlatlar orasidan 4 ta davlatda faol tashqi savdo balansi kuzatilgan, xususan, Afg‘oniston, Qirg‘iz Respublikasi va Tojikiston shular jumlasidandir. Qolgan 17 ta davlatlar bilan passiv tashqi savdo balansi saqlanib qolmoqda.

O‘zbekiston jahonning 182 mamlakati bilan savdo aloqalarini amalga oshirib kelmoqda. TSAning nisbatan salmoqli hissasi Rossiya Federatsiyasi (17,9 %), XXR (17,7 %), Qozog‘iston (9,3 %), Turkiya (8,1 %), Koreya Respublikasi (4,5 %), Qirg‘iz Respublikasi (2,3 %) va Turkmaniston (2,1 %)da qayd etilgan.

Ma‘lumki, O‘zbekiston 2021 yil Yevropa Ittifoqining “GSP+” nomli kengaytirilgan preferensiyalar tizimiga qabul qilingan edi. Uning doirasida 6200 dan ortiq mahsulot turlarini Yevropa bozoriga imtiyozli shartlarda eksport qilish mumkin. Buning uchun davlatimiz tomonidan transport xarajatlariga 70 %gacha subsidiya ham berilmoqda. Lekin, aksariyat tarmoqlarda eksport geografiasini kengaytirishga yetarlicha ahamiyat qaratilmayapti, masalan,

to'qimachilik mahsulotlari eksportining 6 %i, elektr texnikasining 3 %i, ipak va oziq-ovqatning 1 %i Yevropaga sotilyapti, xolos.

Demakki, mamlakatimizning eksport geografiyasini kengaytirish, ayniqsa, sanoat mahsulotlari eksportini oshirish masalasiga alohida ahamiyat qaratish zarurdir. Mamlakatimiz Prezidenti tomonidan ham kelgusi yilda eksportni qo'llab-quvvatlashni kengaytirish, bundan buyon, tarmoqlarga subsidiyalar eksport hajmiga qarab beriladigan tizim bo'lishi, hududiy sanoatni rivojlantirishga qo'shimcha 300 mln \$ va 350 mlrd so'm mablag' ajratilishi qayd etildi.

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar. Ma'lumki, ko'plab davlatlarda yuklar chegaraga yetib kelmasidan oldin ular haqida axborot berilib, yukning tez chiqib ketishi ta'minlanadi. O'zbekistonda esa o'tgan yili 416 mingta deklaratsiyadan atigi 344 tasi yuk chegaraga kelguncha rasmiylashtirilgan. Yuk to'g'risida oldindan ma'lumot berish avtomobil transportida 98 %ni tashkil etsa, temir yo'lda umuman yo'lga qo'yilmagan.

Shu bois nazoratni chegarada emas, balki yuklar kirib kelishidan oldin yoki mamlakat ichkarisida erkin muomalaga chiqarilgandan keyin amalga oshirish tizimini yo'lga qo'yish, bojxona, veterinariya, karantin, sanitariya, standart, ekologiya idoralari ish uslubini o'zgartirishi, ularning asosiy vazifasi mahsulotlar eksportini qo'llab-quvvatlashdan iborat bo'lishi zarurdir.

Bugungi kunda 1836 ta turdagi tovar bir vaqtda uchta idora tomonidan tekshirilishi oqibatida import-eksport hujjatlarini rasmiylashtirish haftalab cho'zilmoqda. Tovarlarning bojxona qiymatini tezkor aniqlash imkoniyati bo'lmaganda, tadbirkor to'lov qilib, o'sha zahoti mahsulotini olib ketishi, bunga aniqlik kiritilganidan keyin farqni to'laydigan tizim joriy etish muhim ahamiyatga ega.

Shuningdek, raqamli texnologiyalarni joriy qilib, inson omilini maksimal qisqartirish orqali korrupsiya va noqonuniy tovar aylanmasiga barham berish zarur. Ya'ni, import mahsulotlarining chegaradan to yakuniy iste'molchigacha bo'lgan harakati bojxona va soliq idoralari tomonidan yagona elektron tizim orqali nazorat qilinishi kerak. Misol uchun, bojxona deklaratsiyasini elektron hisob-faktura va onlayn nazorat kassasiga bog'lash orqali bu masalani hal etish mumkin. Shundan kelib chiqib, ruxsatnoma va laboratoriya tekshiruvlari hujjatlarini to'liq raqamlashtirish, avtomatlashtirilgan "risk-analiz" tizimini joriy etish lozim.

Shuningdek, yuklarni chegara punktlaridan o'tkazish vaqtini qisqartirish masalasiga alohida ahamiyat qaratish zarurdir. Tahlillarga nazar tashlasak, so'nggi 3 yilda qo'shni davlatlar bilan chegara orqali o'tgan insonlar soni 2 barobarga, transport vositalari soni qariyb 3 barobarga oshgan. Lekin hozirgi infratuzilma bunday talabga to'la javob bermaydi. Masalan, ayrim veterinariya va karantin punktlarida zarur jihozlar yo'q. Chegaradagi sanitariya va epidemiologiya xizmati ham tashqi xavflarga tayyor emas.

Qayd etish zarurki, tashqi savdoning samaradorligini oshirish uchun ushbu sohadagi nazorat idoralari chet ellardagi hamkasblari bilan to'g'ridan-to'g'ri aloqalarni yo'lga qo'yishi, tajriba almashishi, ularning tekshiruv-sinov

laboratoriyalarini yurtimizda tashkil etib, tovarlarni xorijiy talablarga mos ruxsatnomalar bilan jo‘natishni yo‘lga qo‘yishi kerak.

Bu kabi chora-tadbirlar, albatta, O‘zbekiston tashqi savdo faoliyatini va eksport geografiyasini yanada kengaytiribgina qolmay, mahalliy korxonalar faoliyati samaradorligini oshirishga ham xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tashqi savdo faoliyati ishtirokchilarini qo‘llab-quvvatlashning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-97-son Farmoni, 06.04.2022.
2. Aliyev A.A. Tashqi iqtisodiy faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish: O‘quv qo‘llanma. –T.: “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2007. –B.176.
3. F.M. Rahmatullayeva va b. Tashqi iqtisodiy faoliyat va raqobat menejmenti: O‘quv qo‘llanma/–Buxoro: OOO “Sadridin Salim Buxoriy” “Durdona”, 2021. –B.152.
4. A.V. Vaxabov, Sh.X. Xajibakiyev, Sh.I. Raxmanov, X.A. Usmanova. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. O‘quv qo‘llanma. -T.: “Voriz-nashriyot”, 2014. –B.320.
5. Umarkulov, Kodirjon Maxamadaminovich. “Development of Uzbekistan's textile industry in the context of the COVID-19 pandemic”. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation 32: 3.
6. Umarkulov, K.M., & Yakubjanov, I.G.O. (2021). Characteristics of industrial development in Uzbekistan. TRANS Asian Journal of Marketing&Management Research, 10(4), 14-19.
7. Umarkulov, Kodirjon Maxamadaminovich. “The Role Of Free Economics In The Development Of The National Economy.” The American Journal of Applied sciences 3.04, 2021: 145-151.
8. Umarkulov, Kodirjon Maxamadaminovich. A Study on the Dynamics of Foreign Trade and the Issues of Regional Economic Integration in Central Asia (November 12, 2018). –KIEP Research Paper. Working paper 18-05.
9. Алексеев И.С. Внешнеэкономическая деятельность/И.С.Алексеев. –М.: Дашков и К, 2010. –С.304.

IQTISODIYOTNING REAL SEKTORI KORXONALARI MODERNIZATSIYASINI MOLIYALASHTIRISHNI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

*Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li, PhD, dots.,
Xolqo‘ziyev Ilhomjon Ibraim o‘g‘li, magistrant,
Toshkent moliya instituti*

Annotasiya: Maqolada mamlakatimizda real sektor rivojlanishining amaldagi holati, o‘ziga xos xususiyatlari bo‘yicha dunyoning yetakchi olimlarining fikrlari o‘rganilgan, mamlakatimizda yangi tashkil etilgan xorijiy korxonalar va tashkilotlarning 2018-2022-yillarda o‘shish tendensiyasi, davlatlar kesimida yangi tashkil etilgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar, Yalpi ichki mahsulot (YaIM)ning iqtisodiyotning turli sohalarida taqsimlanishi tahlil qilingan, shuningdek, real sektor modernizatsiyasini moliyalashtirishni rivojlantirish bo‘yicha asoslantirilgan xulosa va takliflar ishlab chiqilgan hamda ularni qo‘llash bo‘yicha tavsiyalar berilgan.

Tayanch so‘zlar: real sektor, YaIM, modernizatsiya, ishlab chiqarish, sanoat, tadbirkorlik, korxonalar.

Annotation. The article examines the opinions of leading scientists of the world on the specific features of the real sector development in our country, analyzes the growth trend of

newly established foreign enterprises and organizations in our country in 2018-2022, analyzes newly established enterprises with foreign capital in the cross-section of countries made, the distribution of GDP in various sectors of the economy was analyzed, and justified conclusions and proposals were developed on the development of financing the modernization of the real sector in our country, and recommendations were given for its application in our country.

Keywords: Real sector, GDP, modernization, production, industry, entrepreneurship, enterprise.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. So‘nggi yillarda mamlakatimizda iqtisodiyotning real sektori korxonalarini modernizatsiyalash maqsadida investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini rivojlantirishga alohida ahamiyat berilmoqda. Ammo, aksiyadorlik jamiyatlarida davlat ulushining yuqoriligi, aksiya bozorining likvidligi past darajadali, erkin muomalada aksiyalar deyarli mavjud emasligi, korporativ boshqaruvning past darajadali kabi bir qancha muammolar aksiyadorlik jamiyatlarini korporativ qimmatli qog‘ozlar vositasida moliyalashtirish holatiga salbiy ta’sir etmoqda.

Jumladan, yoqilg‘i-energetika, neft-gaz, kimyo, transport va bank sohalarida davlat ishtiroki yuqori darajada saqlanib qolayotgani ularni bozor mexanizmlari asosida rivojlantirish, investitsiyalarni jalb etishga to‘sqinlik qilmoqda. Xalqaro moliya bozoridan kapital jalb qilishda qimmatli qog‘ozlarni xalqaro fond birjalarida joylashtirish orqali kapital jalb qilish shaklining samarali amalga oshirilishi o‘z navbatida mamlakatimiz fond birjalari rivojlanishiga ham ta’sir ko‘rsatadi. Mamlakatimizda hanuzgacha fond birjalari yetarli darajada rivojlanmagani aksiyadorlik jamiyatlarining chetdan moliyaviy resurs jalb qilishga bo‘lgan ehtiyojini oshiradi. Shu sababli, bugungi kunda mamlakatimiz aksiyadorlik jamiyatlarida chetdan arzon, uzoq muddatli kapital jalb qilish mexanizmi va mablag‘larni maqsadli taqsimlash, foydalanish siyosatidagi mavjud kamchiliklarni aniqlash va bartaraf etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuning uchun ham iqtisodiyotning real sektori korxonalarini modernizatsiyalashni moliyalashtirish imkoniyatlarini har tomonlama chuqur o‘rganish va bu sohada ilg‘or xorij tajribasidan foydalanish, real holatni tahlil etib, muammolarni bartaraf etish bo‘yicha ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar berish muhim ahamiyat kasb etib, mazkur maqola mavzusining dolzarbligini belgilaydi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi. Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida real sektorni modernizatsiyalashni moliyalashtirishni rivojlantirish yuzasidan bir qancha yetakchi iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilganligiga guvoh bo‘ldik. Masalan, YU.B. Zelenskiy xulosasiga ko‘ra: “Iqtisodiyotning real sektoriga erkin bozorda sotiladigan barcha tovarlar va xizmatlarni (moliyaviy vositachilik xizmatlaridan tashqari) qayta ishlab chiqaradigan nodavlat korporatsiyalar sektori korxonalari va tashkilotlari kiradi (Milliy hisoblar tizimi metodologiyasi bo‘yicha)”⁴⁰⁷. “Tovarlarning bozor aylanishini, ularni sotib olish va sotishni, shuningdek, bitimlar tuzishda, tovarlarni etkazib berishda, ularni saqlashda mijozlarga xizmat ko‘rsatishni ta’minlaydigan

⁴⁰⁷ Ю.В. Зеленский. Взаимодействие банковской системы России и реального сектора экономики. Автореф. дисс. ... д.э.н.//Саратов, 2003.

savdo faoliyati real iqtisodiyotning ajralmas qismidir”, deb ta’rif beradi. YU.B. Zelenskiy yondashuvining o’ziga xosligi yuqorida tavsiflangan yondashuvlar bilan taqqoslaganda, YAIMni yaratishda qatnashish oxir-oqibat iqtisodiyotning real sektoriga tegishli ekanligini ko’rsatmaydi. Muayyan sektorni real iqtisodiyot sifatida tasniflash mezoni ijtimoiy talab qilinadigan tovar-xizmatlarni ishlab chiqarish va iste’mol qilishdir.

V.N. Cherkovets yondashuviga ko’ra, real sektorni YAIMni yaratishda qatnashishiga ko’ra quyidagicha tavsiflanadi:

1) Savdo sanoat xizmatlarini ko’rsatishga kiritilganmi?

2) “Boshqa xizmatlar” nimani anglatadi, ular pul, fond va sug’urta bozorlari institutlari tomonidan ko’rsatiladigan xizmatlarni o’z ichiga oladimi? Ushbu savollarga javoblar xo’jalik yurituvchi subyektlarni iqtisodiy muomala turiga qarab guruhlash asosida “Iqtisodiyotning real sektori” tushunchasini aniqlashga yondashish orqali berilgan. Iqtisodiy xatti-harakatlar turi xo’jalik yurituvchi subyektlarning iqtisodiy faoliyatini amalga oshirishga yo’naltiradigan sabablar va rag’batlantirishlar bilan belgilanadi. Iqtisodiy harakatlarni turlari bo’yicha guruhlash mamlakat iqtisodiyotining tarmoq tuzilishini beradi. Xalq xo’jaligi sektori deganda, aholining o’xshash iqtisodiy maqsadlari, funksiyalari va xulq-atvoriga ega bo’lgan institutsional birliklari majmui tushuniladi⁴⁰⁸.

Jumladan, S.I. Ojegov real sektorni ta’riflovchi uning uchta asosiy ma’nosini keltiradi⁴⁰⁹:

1) haqiqatan ham mavjud, hayoliy emas;

2) haqiqatga mos keladigan, mumkin bo’lgan;

3) amaliy, tushunish va voqelikning asl shartlarini hisobga olgan holda.

S.I. Ojegov xulosalaridan kelib chiqqan holda, mavjud moddiy va nomoddiy qiymatga ega bo’lgan soha va tarmoqlarni real sektor sifatida ko’rishimiz mumkin. Uzoq davr mobaynida mamlakatimizda makroiqtisodiy model sifatida milliy iqtisodiyotning muvozanati qo’llanilib, u butun iqtisodiyotni hisobga olmadi, faqat uning ishlab chiqarish sohasi, xususan: moddiy ishlab chiqarish sohalari (sanoat, qishloq xo’jaligi va b.) va sanoat xizmatlari (yuk tashish transporti, savdo va b.)ni o’zida mujassam etdi. Bu qiymat faqat ishlab chiqarish sohasida yaratiladi, noishlab chiqarish (fan, madaniyat, sog’liqni saqlash, moliya, yo’lovchi tashish transporti, mudofaa va b.) faqat iste’mol qilinadi, deb ishonilgan.

Tadqiqot metodologiyasi. Dunyo olimlari va iqtisodchilari tomonidan real sektorning rivojlanishiga oid o’ziga xos xususiyatlar bo’yicha olib borilayotgan tadqiqodlarni o’rganish, ma’lumotlar to’plash, to’plangan ma’lumotlarni tahlil qilish, sintezlash, mantiqiy fikrlash kabi iqtisodiy tadqiqot usullaridan keng foydalanildi.

Muammoni hal qilish yo’llari. Yurtimiz hududlarida iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda amalga oshirilayotgan o’zgarishlar, ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatishning turli sohaslarida erishilayotgan yutuqlar aynan real sektor

⁴⁰⁸ Черковец В.Н. Размышления о прошлом и настоящем: Очерки политической экономики. Эл. ресурс: В.Н. Черковец. –М.: Экономический факультет МГУ им. М.В. Ломоносова, 2014. –С.261.

⁴⁰⁹ Ожegov С.И. Словарь русского языка. 18-е изд. –М., 1986.

tarmoqlarini hududlar miqyosida rivojlantirishga bo‘lgan e’tiborning yildan-yilga ortib borayotganidan darak bermoqda. Bugungi kunda iqtisodiyotning real sektori korxonalarining investitsiya faoliyatini moliyalashtirish masalalariga keng e’tibor qaratish orqali sanoatning iqtisodiyotdagi ulushini oshirish imkoniyatiga egamiz. Bizningcha, ehtiyojlarning muntazam oshib borish sharoitida real sektor korxonalari faoliyatini kengaytirib borish bevosita moliyaviy resurslar jalb qilish amaliyotiga bog‘liq. Quyidagi jadvalda real sektor tarmoqlari va ularni moliyalashtirish manbalari bo‘yicha tahlil amalga oshirilgan.

Real sektor tarmoqlari va ularni moliyalashtirish manbalari


Real sektor tarmoqlari	Real sektorni moliyalashtirish manbalari
Ulgurji va chakana savdo	Taqsimlanmagan foyda
Energetika	Amortizatsiya
Iste’mol tovarlari ishlab chiqarish	Bank krediti
Sanoat ishlab-chiqarish	Qimmatli qog‘oz chiqarish (aksiya, obligatsiya)
Transport va logistika	Davlat byudjetidan subsidiyalar
Neft va gaz tarmog‘i	Investitsion fondlar
Metallurgiya	Qonunlarda taqiqlanmagan b.
Tibbiyot va farmatsevtika	
Tog‘-kon sanoati	
Telekommunikatsiya va informatsion texnologiyalar	
Turizm va mehmonxona biznesi	
Qishloq xo‘jaligi	

Yuqoridagi jadval ma’lumotlaridan kelib chiqqan holda, iqtisodiyotning real sektorida YaIM katta qismi shakllanishini misol keltirish mumkin. Unga erkin bozorda sotiladigan barcha tovar-xizmatlar (moliyaviy vositachilik xizmatlaridan tashqari) ko‘paytiriladigan nodavlat korporatsiyalar sektoridagi korxonalar va tashkilotlar kiradi.

Bugungi sharoitda qarz olish iqtisodiyotning nafaqat real sektori, balki umuman, iqtisodiyotning barcha tarmoqlari faoliyatini moliyalashtirishning ajralmas qismi hisoblanadi. Moliyaviy sektor bilan taqqoslaganda, past rentabellik va uzoq muddat o‘zini oqlash, tezkor texnologik rivojlanish sharoitida zarur bo‘lgan ishlab chiqarish quvvatini faqat o‘z mablag‘lari hisobidan tez modernizatsiya qilish juda qiyin. Shu sababli, real sektor korxonalari emissiyaviy hamda noemissiyaviy qimmatli qog‘ozlarni chiqarish orqali korxonani modernizatsiya qilishni maqsad qilishadi. Ya’ni, moliya sektori real sektorni rivojlantirishda muhim vazifani qimmatli qog‘ozlar va qarz mablag‘lari orqali amalga oshiradi. Shuningdek, mamlakatimizda real sektorni rivojlantirish bo‘yicha bir qator ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, iqtisodiyotning turli tarmoqlarida yangi liniyalar bunyod etilmoqda va ularga zamonaviy uskunalalar olib kelinmoqda.

Quyidagi grafikdan ko‘rish mumkinki, 2018-yilda 2385 ta xorijiy kompaniya ishtirokidagi korxonalar faoliyat yuritgan bo‘lsa, ushbu korxonalarining 31,5 %i yangi tashkil etilgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar va tashkilotlarni tashkil

etgan. 2022-yilga kelib, 2022 ta xorijiy kompaniya ishtirokidagi korxonalar faoliyat yuritgan bo'lsa, ularning 18,5 %i yangi tashkil etilgan (1-grafik, 1-rasm).




1-grafik. Yangi tashkil etilgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar va tashkilotlar (2022-yil yanvar-dekabr holatiga ko'ra, birlikda)




1-rasm. Yangi tashkil etilgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar va tashkilotlarning iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha taqsimoti

Xorijiy investorlar uchun beriladigan imtiyozlar va moliyaviy-iqtisodiy rag'batlantirish tizimi investitsiyaviy jozibadorlikning muhim omili hisoblanadi. Mamlakatimizda xalqaro iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirish bo'yicha olib borilayotgan ishlar natijasida xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar soni sezilarli darajada oshib borayotganini ko'rishimiz mumkin. Xususan, 2022-yil yanvar-dekabr oyida yangi tashkil etilgan korxonalar va tashkilotlar soni 2018-yilning mos davri bilan solishtirilganda, 1,2 barobarga oshgan. Keyingi 5 yilda xorijiy kapital ishtirokida faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar soni 2,9 barobarga oshdi (2-grafik).



2-grafik. Xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar va tashkilotlarning hududlar kesimidagi taqsimoti


O'zbekistonda iqtisodiy o'sishni jadallashtirish, xalqaro aloqalarni kengaytirish va to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar uchun qulay huquqiy muhitni yaratish bo'yicha keng qamrovli iqtisodiy va ijtimoiy islohotlar olib borilmoqda. Mamlakatning strategik geografik joylashuvi, boy va xilma-xil tabiiy resurslari va 36,0 mln kishilik ulkan ichki bozori sarmoyalar va o'sish uchun ulkan imkoniyatlarni namoyon etadi. O'zbekiston hukumati o'z fuqarolarining farovonligini oshirish, biznesni rivojlantirish va zamonaviy texnologiyalarni joriy etishni rag'batlantirish maqsadida, chet el investitsiyalarini ko'paytirishga ustuvor ahamiyat bermoqda. Yetakchi o'rinni 3156 ta korxonada to'liq yoki qisman ulushi bo'lgan Rossiya Federatsiyasi egallagan (3-grafik).




3-grafik. Davlatlar kesimida yangi tashkil etilgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar (2023-yil 1-yanvar holatiga ko'ra, birlikda)

Bu respublikada xorijiy kapital ishtirokida faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar umumiy sonining 20,0 % ulushini tashkil etadi. Shuningdek, O'zbekiston iqtisodiyotiga o'z kapitalini kiritayotgan Turkiya (13,9 %), Xitoy (13,5 %), Qozog'iston (8,0 %) va Janubiy Koreya (5,9 %) davlatlari ham yetakchilar hisoblanadi. Shuningdek, xorijiy kapital ishtirokidagi faoliyat ko'rsatayotgan

korxonalaridan 6419 tasi qo‘shma korxonalar, 9382 tasi esa xorijiy korxonalar hisobiga to‘g‘ri keladi (4-grafik, 2-rasm).



4-grafik. Hududlar kesimida faoliyat ko‘rsatayotgan xorijiy va qo‘shma korxonalar




2-rasm. Iqtisodiy faoliyat turlari kesimida faoliyat ko‘rsatayotgan qo‘shma va xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar

оборудования, комплектующих изделий и материалов многими предприятиями СЭЗ систематично не выполняются прогнозные параметры производства и экспорта. Кроме того, высокие процентные ставки кредитных ресурсов (24 % и выше), а также дефицит льготных валютных кредитов (5-8 %) через кредитные линии международных финансовых кредитных организаций снижают конкурентоспособность производимой продукции и, соответственно, возможность её экспорта. Необходимо создание условий для свободного кредитования предприятий СЭЗ, своевременной конвертации и обеспечения возможности использования кредитов международных финансовых организаций для производства экспортоориентированной продукции.

Неотлаженность вопросов создания инфраструктуры, нерегулярность обеспечения электроэнергией, газом, водой, а также высокие железнодорожные тарифы, несвоевременная подача вагонов и отгрузка-загрузка сырья и товаров не даёт возможность эффективному использованию данного вида транспорта и приводит к дополнительным расходам и трате времени, снижают экспортные возможности СЭЗ. Это требует своевременного и полного выполнения запланированных объёмов работ по созданию и развитию производственной и транспортной инфраструктуры СЭЗ.

Для повышения эффективности деятельности СЭЗ, повышения их экспортных возможностей необходимо использовать практику зарубежных стран по передаче функции дирекции СЭЗ иностранным компаниям стран, активно инвестирующим в данную зону и имеющим опыт в развитии и управлении экономическими зонами. Например, к налаживанию фармацевтических производств в СЭЗ “Андижан-фарм” проявляет большой интерес фармацевтический бизнес Индии, выступающий стратегическим партнёром в её создании и организации современных производств по выпуску фармацевтической продукции и лекарственных средств. Специализированная индийская компания могла бы успешно выполнять функции дирекции данной СЭЗ.

В крупных комплексных СЭЗ должны создаваться условия, направленные на формирование благоприятной организационной среды, предоставляющей иностранным инвесторам возможность выбора канала выхода на внутренний рынок в зависимости от его приоритетов, за счёт разработки чётких целей и соответствующей дифференциации условий размещения иностранных инвестиций.

Дирекциям СЭЗ следует осуществлять активную рекламную, информационную деятельность в республике и за рубежом в целях освещения условий ведения инвестиционной и предпринимательской деятельности в зонах и привлечения иностранных и национальных инвесторов. Следует определить ответственные органы за рекламную и информационную деятельность, так как в настоящее время эта работа проводится недостаточно активно. Так, многие зоны не имеют собственного официального сайта в Интернете.

Необходимо провести инвентаризацию и сравнение налоговых льгот, предоставляемых на территориях СЭЗ, с льготами, предоставляемыми по отдельным отраслям, и оценить выгодность размещения субъектами отдельных отраслей своих производств именно на территории СЭЗ. Это позволит создать

действительно более благоприятный режим деятельности в зонах и активизировать привлечение инвестиций.

Таким образом, реализация вышеуказанных мер будет способствовать развитию новых конкурентоспособных производств, углублению промышленной кооперации, созданию на этой основе новых рабочих мест и повышению доходов населения.

Литература:

1. Инамова, Г. (2021). Современные задачи и лучшие направления в выполнении транспортной логистики, касательно свободно экономических зон Узбекистана. Актуальные вопросы развития инновационно-информационных технологий на транспорте, 2021. –С.39-42.
2. Инамова, Г.А., & Умарова, Г.Ш. (2019). Свободные экономические зоны как механизм инновационного развития экономики страны. Перспективные области развития науки и технологий (48-50).
3. Umarova, G., Inamova, G., & Siddikova, F. (2017). Role of industry in the economy of Uzbekistan. Теория и практика современной науки, №2, 11-13.

KICHIK KORXONALARDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHGA XIZMAT QILADIGAN INVESTITSIYA MEKANIZMLARI BO‘YICHA AMERIKA VA YEVROPA DAVLATLARINING ILG‘OR TAJRIBALARI

*Yuldashev Elyor Turgunpulatovich, tadqiqotchi,
Toshkent Kimyo xalqaro universiteti*

Annotatsiya. Ushbu maqola Amerika va Yevropa davlatlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivoji uchun investitsiya mexanizmlarining hozirgi holati, rivojlanish tendensiyalari va ilg‘or tajribalarini tahlil qilishga yo‘naltirilgan. Mintaqa davlatlarining amalga oshirib kelayotgan harakatlari va turli dasturlari bu sohaning tizimli rivojlanishi uchun imkoniyat ekanligi ko‘rsatib berilgan. Amerika va Yevropa davlatlaridagi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivoji asoslari ham qiyosiy o‘rganilgan. Shu bilan birga, bu hududlarning kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivoji uchun investitsiya mexanizmlari bo‘yicha ishlab chiqqan dasturlari, boy tajribasi, banklarning kredit ajratishdagi qo‘llab-quvvatlashi, turli fondlarning faol ishtirokida kichik korxonalarda tadbirkorlikni rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar yaratilganligi asoslab berilgan.

Tayanch so‘zlar: investitsiya mexanizmlari, equity financing, risk kapitali, angel investorlar, venture kapitalistlar, crowdfunding, bank kreditlari, mikroqarz dasturi, biznes-inkubator va akseleratorlar, Small Business Administration (SBA) dasturi, Yevropa Investitsiya Banki (European Investment Bank, EIB), Sarmoyadorlik fondlari, moliyaviy imtiyozlar.

Kirish. Jahon iqtisodiyotida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik salmoqli o‘rinni egallab kelmoqda. Haqiqatan ham, bugungi kunda ularning ahamiyati va roli iste‘molchilarning ehtiyojlari va talablari to‘g‘risida shug‘ullanish, innovatsiyalar va yangiliklarni jalb qilish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, mahalliy iqtisodiy rivojlanishni oshirish, moliyaviy qatlamni kengaytirish va ishchi kuchini mobilizatsiya qilish sababli sezilarli darajada o‘sgan.

Kichik korxonalar butun dunyo bo‘ylab korxonalarining aksariyat qismini tashkil qilib, yangi ish o‘rinlarining yaratilishi va global iqtisodiy rivojlanishga muhim hissa qo‘shmoqda. Ular butun dunyo bo‘ylab korxonalarining qariyb 90 %i va bandliklarning 50 %idan ortig‘ini ifodalaydi. Kichik korxonalar rivojlanayotgan

mamlakatlarda milliy daromadga (YaIM) 40 %gacha hissa qo‘shadi. Agar norasmiy kichik biznes subyektlari ham kiritilsa, bu raqamlar sezilarli darajada yuqori bo‘ladi. Bizning hisob-kitoblarga ko‘ra, 600 mln ish o‘rni 2030-yilgacha o‘sib borayotgan global ishchi kuchini o‘zlashtirish uchun kerak bo‘ladi, bu esa butun dunyo bo‘ylab ko‘plab hukumatlar uchun kichik biznesni rivojlantirishni ustuvor vazifaga aylantiradi.

Rivojlanayotgan bozorlarda rasmiy ish o‘rinlarining ko‘pchiligi kichik va o‘rta korxonalar tomonidan yaratilgan bo‘lib, ular 10 ta ish o‘rinlaridan 7 tasini yaratadilar.⁴²⁷ Ushbu sohaning rivoji uchun, albatta, investitsiya mexanizmlari to‘g‘ri shakllangan va tartibga solingan bo‘lishi lozim. Amerika va Yevropa davlatlari kichik korxonalarda tadbirkorlikni rivojlantirishga xizmat qiladigan investitsiya mexanizmlari bo‘yicha ilg‘or tajribaga ega.

Adabiyotlar tahlili. Ushbu maqolani yozish jarayonida statistik, analitik, qiyosiy, kuzatuv, induktiv, deduktiv, mantiqiy, monitoring kabi tahlil usullaridan foydalanildi. Ilmiy maqolaning tayyorlanishiga mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning tez sur‘atlarda rivojlantirishning muhimligi hamda uning Prezident Sh. Mirziyoyev tomonidan ta’kidlanishi asos bo‘ladi. Ilmiy tahlil jarayonida Jahon banki, xorij va yurtimiz olimlarining ilmiy ishlari, jumladan, R.X. Karlibayeva, N.M. Maxmudov, Sh.A. Majidovning o‘quv qo‘llanmalari hamda Internet tarmog‘i resurslaridan nazariy jihatdan foydalanildi.


Natija va muhokama. Kichik korxonalarda tadbirkorlikni rivojlantirishga xizmat qiladigan investitsiya mexanizmlari korxonalarining moliyaviy resurslarini oshirish va rivojlantirishga yordam beruvchi usullardir. Bu mexanizmlardan Amerika va Yevropa davlatlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlashda keng foydalaniladi.

Kichik biznes Amerika iqtisodiyotining muhim qismi va o‘rta sinf moliyaviy xavfsizligining asosidir. Bugungi kunda 50 dan kam xodimga ega firmalarda 56 mln ishchi ishlaydi, bu 2022-yilning birinchi choragida xususiy sektordagi barcha ishchilarning 45 %ini tashkil qiladi. Ko‘pincha, oz xodimlar bilan ish boshlagan yosh firmalar ish o‘rinlarini yaratishda harakatlantiruvchi kuch hisoblanadi.⁴²⁸

Quyidagi diagrammada AQSHda yangi biznes arizalar soni keltirilgan. Oxirgi ikki yilda amerikaliklar 10,5 mlnga yaqin kichik biznes ochish uchun ariza topshirganligi sababli, bu yillar biznes arizalar soni jihatidan rekord darajaga etdi.

⁴²⁷ Jahon banki ma’lumotlari asosida.

⁴²⁸ <https://www.whitehouse.gov/cea/written-materials/2023/05/01/investing-in-small-businesses>.



Mavsumiy topshirilgan biznes arizalari (yangi biznes arizalari soni)⁴²⁹

Bu ko'rsatkichlarning yuqorilashuvining asosiy omili Amerika Qo'shma Shtatlarida kichik bizneslarni rivojlantirish uchun bir nechta investitsiya mexanizmlari yo'lga qo'yilgani bo'lgan. Bu mexanizmlar quyidagilar:

Aksiyalarni moliyalashtirish (equity financing): AQShda aksiyalarni moliyalashtirish (equity financing) tizimini kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun muhim investitsiya mexanizmi sifatida amalga oshirilishi yuqori darajada muvaffaqiyatli bo'lgan. Bu korxonalariga moliyaviy resurslarni taqdim etish orqali kapitalni oshirish, yangi loyihalarga investitsiya qilish, innovatsiyaviy rivojlanishni oshirishda muhim rol o'ynaydi.

Bank kreditlari: banklar kichik biznesga moliyaviy resurslar taqdim etishda muhim ahamiyatga ega bo'lib, AQShda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga xizmat qiladigan investitsiya mexanizmlarining bir qismidir. Bank kreditlari orqali korxonalariga kapitalni oshirish, bozorlarga kirish, texnologiyalar va vositalarni yangilash, tadbirkorlikni kengaytirish imkoniyatlarini yaratish mumkin.

Risk kapitali: risk kapitali muassasalari yosh tadbirkorlarga moliyaviy resurslar taqdim etishda muhim. Bu muassasalar kichik biznesga investitsiya qilish orqali yangi loyihalarni o'rganish, rivojlantirish va tijoratga keltirish imkoniyatlarini yaratishda qo'llaniladi. Risk kapitalining kichik biznesni rivojlantirishdagi o'ziga xos xorij tajribalariga misollar ko'p.

Sheriklik: kichik biznesni rivojlantirish uchun o'zaro sheriklar, o'rtoqliklar va boshqaruvlarda birlashuvlarga katta e'tibor beriladi. Bu mexanizmlar orqali korxonalarining resurslardan foydalanishini optimallashtirish, kapitalni oshirish, yangi bozorlarga kirish va rivojlanishlarni amalga oshirish mumkin.

Boshqalar bilan hamkorliklar: kichik biznes egalari va xususiy tadbirkorlar o'zaro hamkorliklar yaratish orqali moliyaviy resurslarga ega bo'lish imkoniyatlarini oshirishadi. Bu hamkorliklar tarafdorliklar, subkontraktlar va sarmoyadorlik shirkatlari orqali amalga oshirilishi mumkin.

Kichik biznes mamlakat iqtisodiyoti uchun ahamiyatli o'rin egallaydi, chunki ular mamlakatning yirik korxonalari bilan birga iqtisodiy rivojlanishni ta'minlaydi. AQSh kichik biznes uchun bir nechta investitsiya mexanizmlarini taqdim etadi, bu

⁴²⁹ AQSh Aholini ro'yxatga olish bo'yicha biznesni shakllantirish statistikasi va CEA hisob-kitoblari.

mexanizmlar angel investorlar, venture kapitalistlar, banklar dasturlari va crowdfunding tizimini o‘z ichiga oladi, xususan:

a) angel investorlar kichik bizneslarga kapital ta‘minlash uchun moliyaviy yordam beradi. Angel investorlar o‘zlarining kapitalini kichik bizneslarga investitsiya qilish orqali oshirishadi. Bu mexanizm kichik biznesni o‘stirish uchun qulaydir, chunki u katta talablarga ega emas.

b) venture kapitalistlar kichik biznesga moliyaviy ta‘minot orqali investitsiyalarni ta‘minlaydi. Venture kapitalistlar kichik biznesga katta summalarni investitsiya qilish orqali kapital olishadi. Bu usul kichik bizneslarni o‘stirish uchun qulay, lekin u katta talablarga ega.

d) crowdfunding bir necha kishilarning kichik hissalar to‘plashi orqali kapitalni ta‘minlashidir. Bu usul orqali kichik biznesning moliyaviy ta‘minoti oshiriladi va katta talablarga ega emas.

e) bank kreditlari kichik biznesga kredit berish orqali moliyaviy yordam beruvchi yo‘nalishdir. Bu usul kichik biznesga moliyaviy yordam beradi, lekin yuqori daromad ko‘rish uchun zarur shartlar qo‘yilishi mumkin.

f) Small Business Administration (SBA) kichik biznesni rivojlantirish uchun moliyaviy yordam beruvchi dasturlardan biridir. SBA kichik bizneslarga kapital olish, sifatli ta‘lim olish va qarz olish imkoniyatini beradi. SBA kichik bizneslarga moliyaviy yordam ko‘rsatuvchi katta talablarga ega emas, shuning uchun bu mexanizm kichik biznes uchun qulaydir.

AQShda kichik biznesni rivojlantirish uchun investitsiya mexanizmlari tizimi sifatida turli dasturlar ham katta rol o‘ynaydi. Ushbu mexanizmlar kichik biznesda yangi mahsulotlarni ishlab chiqarish va xizmatlarni taqdim etish uchun qo‘llaniladi. Bular quyidagi kabi dasturlardan iborat:

Small Business Administration (SBA): AQShda SBA dasturi kichik biznesni rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlovchi eng mashhur dasturlardan biridir. U 1953-yilda tashkil etilgan bo‘lib, boshqa agentlik va dasturlar orqali kichik biznesni rivojlantirish va moliyaviy yordam ko‘rsatishni maqsad qilgan. SBA dasturi orqali mahalliy banklar kichik bizneslarga kreditlar taqdim etadi. SBA kichik biznesga kapital olish uchun ko‘plab dasturlarni taqdim etadi, xususan: 7(a) Kredit dasturi kichik biznesni rivojlantirishga moliyaviy yordam beruvchi dastur. Bu dastur orqali banklardan kredit olinadi. CDC/504 dasturi orqali kichik biznes sotib olish uchun moliyaviy yordam olinadi. SBA ta‘lim dasturi bilan kichik biznes egalari xususiy ta‘lim olishlari uchun moliyaviy yordam oladilar. Mikroqarz dasturi orqali kichik biznesdagilar 50 ming \$gacha qarz olishlari mumkin.⁴³⁰

Small Business Investment Company (SBIC): SBIC AQShda biznesni rivojlantirish uchun yordam beruvchi jamiyatlar tomonidan tashkil etilgan. SBIC kompaniyalari kichik biznesga kreditlarni taqdim etadi, shuningdek, ularga kapital sotish va sotib olish imkoniyati beriladi. SBIC investitsiya kompaniyalari tijorat markazlari yoki banklar bilan hamkorlik qilishi mumkin.

New Markets Tax Credit (NMTC): NMTC dasturi orqali AQSh hukumati qoloq hududlarda kichik biznesni rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlaydi. NMTC dasturi

⁴³⁰<https://www.sba.gov/business-guide>.

yordamida kapitalni jalb etish uchun belgilangan hududlardagi yangi vaqtincha loyihalarga investitsiya kiritiladi.

Community Development Financial Institutions (CDFI): CDFI AQShda kichik biznesga kreditlarni taqdim etish va ularni moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni oshirishda ishtirok etadigan jamiyatlar tomonidan tashkil etilgan. CDFI kichik biznesga qaraydigan kreditlarni taqdim etishda mahalliy banklar bilan hamkorlik qiladi.

State Small Business Credit Initiative (SSBCI): AQShda SSBCI dasturi orqali kichik biznesni rivojlantirish uchun kreditlar taqdim etish imkoniyatlarini yaratish maqsad qilindi. SSBCI dasturi orqali mahalliy banklar va kredit tashkilotlari kichik biznesga kreditlar taqdim etadi.

Yevropa davlatlarida kichik korxonalarining tadbirkorlikni rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlashga yordam beradigan bir nechta investitsiya mexanizmlari mavjud. Bu mexanizmlar moliyaviy qo‘llab-quvvatlash, investitsiyalar, innovatsiya, eksport va boshqa sohalardagi rivojlanishni oshirishga yo‘naltirilgan.

Birinchi navbatda, **Yevropa Banki** (European Bank for Reconstruction and Development, EBRD) kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni ta‘minlashda katta ahamiyatga ega bo‘lib, ularga investitsiyalar, kreditlar va konsalting xizmatlarini taqdim etadi. EBRD kichik korxonalar uchun imtiyozlar, moliyaviy qo‘llab-quvvatlashning o‘rishini ta‘minlash va ularga xalqaro bozorlarga kirish imkoniyatlarini yaratishda muhim rol o‘ynaydi.

Yana bir investitsiya mexanizmi **Yevropa Investitsiya Banki** (European Investment Bank, EIB) hisoblanadi. EIB kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlash va investitsiyalar uchun fondlarni taqdim etadi. Ushbu fondlar, korxonalariga investitsiya kapitalini jalb etish, tashkil etish, innovatsiya va ekologik loyihalarni rivojlantirish, infratuzilmani rivojlantirish va shu kabi maqsadlarga yo‘naltiriladi.

Yevropa davlatlarida kichik korxonalar uchun bir nechta mahalliy va hududlararo investitsiya fondlari ham mavjud. Bu fondlar moliyaviy qo‘llab-quvvatlash, kreditlar, kafolatli va sifatli kasblarni rivojlantirish uchun yo‘llanmalar taklif qiladi. Masalan, Ispaniyada “ENISA” fondi, Italiyada “CDP Venture Capital” fondi kichik korxonalar uchun moliyaviy imtiyozlar va investitsiya qo‘llab-quvvatlashini taqdim etadi.⁴³¹ Bundan tashqari, Yevropa davlatlarida tadbirkorlikni rivojlantirishga yo‘naltirilgan turli dastur va tashkilotlar mavjud. Bu dasturlar orqali kichik korxonalar sertifikat va ko‘rsatkichlar, moliyaviy imtiyozlar, mentorlik va ta‘limlar, innovatsiya markazlari va boshqa imkoniyatlardan foydalanishlari ta‘minlanadi.

Yevropa qit‘asidagi kichik korxonalarda tadbirkorlikni rivojlantirishda boy tajribaga ega davlatlarni ko‘rib chiqadigan bo‘lsak, bu mavzu, eng avvalo, dunyo bo‘yicha birinchi sanoat inqilobini boshidan kechirgan Buyuk Britaniyadan boshlanadi. Buyuk Britaniyada, birinchi navbatda, “British Business Bank” kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni oshirishga yordam beradigan muhim institut hisoblanadi. Ushbu bank korxonalariga moliyaviy ko‘mak berish, investitsiyalar, kapital jalb etish va innovatsiya rivojlanishini oshirishning turli vositalarini taklif etadi. “Start Up Loans” dasturi yordamida yangi biznesni ochish

⁴³¹ <https://www.investeurope.eu/research/activity-data/#login-modal>.

uchun kreditlarni taklif etish bilan birga, “Enterprise Finance Guarantee” dasturi orqali bank kreditlarini kafolatlash imkoniyatini taqdim etadi. “Growth Vouchers” dasturi kichik korxonalar uchun bepul maslahat va konsultatsiyalar taklif etadi. Ushbu dastur orqali korxonalar marketing, strategiya, innovatsiya va boshqa sohalarda yordam beriladi. “Innovate UK” dasturi innovatsiyalarni rag‘batlantirish uchun moliyaviy resurslarni taqdim etadi, shuningdek, korxonalarni boshqarishda innovatsiya, rivojlanish va yangiliklarga yondashadi. Buyuk Britaniyada “SEIS” (Seed Enterprise Investment Scheme) va “EIS” (Enterprise Investment Scheme) kabi dasturlar ham mavjud. SEIS orqali investorga investitsiya qilish uchun kreditdan chiqarish imkoniyati taqdim etiladi, bu esa kichik korxonalar uchun kapital jalb etishni oshiradi. EIS esa, korxonalar moliyaviy qo‘llab-quvvatlash va investitsiya qiluvchilarga moliyaviy imtiyozlar berish orqali korxonalar rivojlanishini rag‘batlantirishga yordam beradi.⁴³²

Fransiyada kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlashda “Bpifrance” tashkiloti muhim ahamiyatga ega bo‘lib, ularga moliyaviy resurslar, investitsiya va kreditlarni taqdim etadi. “Bpifrance” korxonalar kapital jalb etishda ham yordam beradi va ularning innovatsiyalarini rivojlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Shuningdek, “Bpifrance” korxonalar eksportga qarshi risklarni boshqarishda ham ko‘maklashadi. Fransiya, innovatsiya va yangiliklarni rag‘batlantirishga ham e‘tibor qaratadi. “Banque Publique d’Investissement” (BPI) kichik korxonalar uchun innovatsiya va rivojlanishni oshirish uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlash va kapital jalb etish imkoniyatlarini taklif etadi. Shuningdek, “Pôle Emploi” va “Bpifrance” tashkiloti hamkorlik qilish orqali ish o‘rinlari yaratish va ishga kirishning osonlashtirilgan shakllarini taklif etish bilan kichik korxonalar uchun qo‘llanmalarni taqdim etishda ham muhim ahamiyatga ega. Fransiya kichik korxonalar uchun moliyaviy imtiyozlarni taqdim etishda ham ilk qadam tashlagan mamlakatdir. “Jeune Entreprise Innovante” (JEI) dasturi orqali innovatsiyaviy tadbirkorlikni oshirishga qiziqish bildirgan korxonalar soliqdan imtiyozlar berish imkoniyati taqdim etiladi. Shu bilan birga, “Crédit d’Impôt Recherche” (CIR) dasturi orqali innovatsiya va ilmiy-tadqiqot faoliyatini rivojlantirgan korxonalar soliq imtiyozlari beriladi.⁴³³

Germaniya kichik korxonalar va tadbirkorlikni rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash uchun bir nechta investitsiya mexanizmlari va dasturlarga ega bo‘lgan mamlakatdir. Bu mexanizmlar moliyaviy qo‘llab-quvvatlash, kapital jalb etish, innovatsiya va eksportni oshirish, tashkilotlararo hamkorliklar va boshqa rivojlanish jihatlarini o‘z ichiga oladi. Masalan, “Bund” dasturi (Federal agro-tadbirkorlik va tashqi savdo vazirligi) kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlash va investitsiya imkoniyatlarini taqdim etadi. Ushbu dastur orqali korxonalar kreditlar, kapital jalb etish va boshqa moliyaviy muammo va ziddiyatlarda yordam beriladi. Shuningdek, “ERP Start-up Fund” dasturi innovatsiyaviy tadbirkorlikni rag‘batlantirish uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlash imkoniyatlarini taklif etadi. Shuningdek, “KfW Bank” kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlashda juda muhim o‘ringa ega. Ushbu bank korxonalar investitsiya va kreditlar, kapital jalb etish, eksportning oshirilishi, energiya iqtisodiyoti va innovatsiya sohasida

⁴³² <https://www.gov.uk/business-finance-support>.

⁴³³ <https://bpifrance-creation.fr/encyclopedie/aides-a-creation-a-reprise-dentreprise/aides-a-linnovation/jei-jeune-entreprise>.

ko‘mak beradi. “High-Tech Start-Up Fund” dasturi innovatsiyaviy tadbirkorlikni rag‘batlantirish uchun moliyaviy resurslar va mentorlik imkoniyatlarini taqdim etadi.

Italiyada kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlashda “Cassa Depositi e Prestiti” tashkiloti mavjud. Ushbu tashkilot korxonalariga moliyaviy resurslar, investitsiya va kreditlar, innovatsiya va rivojlanish loyihalarini qo‘llab-quvvatlash imkoniyatlarini taqdim etadi. Shuningdek, “SACE” kompaniyasi eksportga qarshi risklarni boshqarishda yordam beradi va korxonalariga eksportni oshirish bo‘yicha qo‘llanmalarni taklif etadi. Italiyada kichik korxonalar uchun “Invitalia” dasturi innovatsiyaviy tadbirkorlikni rag‘batlantirish uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlash imkoniyatlarini taqdim etadi. Ushbu dastur orqali korxonalariga moliyaviy tashkilotlar, kreditlar, kapital jalb etish, innovatsiya loyihalarini rivojlantirish, eksportni oshirish va boshqa muhim asoslar bo‘yicha yordam beriladi.

Turkiyada kichik korxonalar uchun “KOSGEB” (Küçük ve Orta Ölçekli Sanayi Geliştirme ve Destekleme İdaresi Başkanlığı) tuzilgan. Bu tashkilot kichik korxonalar uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlash va investitsiya imkoniyatlarini taqdim etadi. KOSGEB korxonalariga kreditlar, kapital jalb etish, innovatsiya loyihalarini qo‘llab-quvvatlash, eksportga yordam berish va boshqa rivojlanish sohalarida ko‘maklashadi.

Xulosa va takliflar. Tadqiqot jarayonida amalga oshirgan tahlillar quyidagi xulosa va takliflarni berishga asos bo‘ladi:

Amerika va Yevropa davlatlarida kichik korxonalarini rivojlantirish uchun maxsus dasturlar ishlab chiqilgan;

hukumatlar kichik biznes uchun kam foizli kreditlar tizimini tuzgan;

Amerika va Yevropadagi risk kapitali muassasalari, start-up tadbirkorlarning rivojlanishini qo‘llab-quvvatlashda katta ahamiyatga ega;

mikroqarz investitsiyalar kichik bizneslarga moliyaviy yordam berishda ishlatiladi;

biznes-inkubator va akseleratorlar kichik biznes va start-uplarga mentorlik, moliyaviy resurslar va biznes taraqqiyotini ta‘minlashda yordam beradi;

sarmoyadorlik fondlari kichik biznesga investitsiyalar kiritish orqali ularning rivojlanishini qo‘llab-quvvatlashda o‘z vazifalarini bajaradi.

Amerika va Yevropa davlatlarining kichik korxonalarda tadbirkorlikni rivojlantirishga xizmat qiladigan investitsiya mexanizmlari borasidagi tajribasini chuqurroq o‘rganish va uni O‘zbekiston sharoitida ham tatbiq etish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar:

1. Jahon banki ma‘lumotlari.
2. <https://www.whitehouse.gov/cea/written-materials/2023/05/01/investing-in-small-businesses>.
3. AQSh Aholini ro‘yxatga olish bo‘yicha biznesni shakllantirish statistikasi va CEA hisob-kitoblari.
4. <https://www.sba.gov/business-guide>.
5. <https://www.investeurope.eu/research/activity-data/#login-modal>.
6. <https://www.gov.uk/business-finance-support>.
7. <https://bpifrance-creation.fr/encyclopedie/aides-a-creation-a-reprise-dentreprise/aides-a-linnovation/jei-jeune-entreprise>.

THE NEED TO ATTRACT FOREIGN INVESTMENTS TO THE ECONOMY

*Assis. Saribaeva Azadajan Baratbaevna,
Namangan Institute of Engineering and Technology*

Abstract. The article defines the tasks of improving the attraction of foreign investments in the development of Small business sectors. The economic nature of foreign investments and the objective necessity of involvement in the economy have been studied. Territorial features of investment attraction and development in small business sectors are determined. A proposal for assessing the attractiveness of the investment environment based on the generalized potential level of factors influencing the investment process and the average levels of risk types is included.

Keywords: Investment, income, expenses, economic activity, bank loans, tangible and intangible assets, gross domestic product, financial resources.

Introduction. PF-4947 of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 “On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan”, PF-4947 of the President of the Republic of Uzbekistan dated November 17, 2017 “On Measures for the Further Development of Crafts and Comprehensive Support of Craftsmen” No. 5242 and Decree No. PQ-3777 of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 7, 2018, on the implementation of the “Every family is an entrepreneur” program, dated July 14, 2018 “On measures to improve and increase the efficiency of work to ensure the employment of the population” No. PQ-3856, dated March 7, 2019 “On additional measures to involve the population in entrepreneurship in the regions and develop family entrepreneurship” No. PQ-4231, dated October 24, 2019 “Crediting projects implemented within the framework of state programs for the development of family entrepreneurship” This dissertation research serves to a certain extent the implementation of the tasks defined in the decision PQ-4498 “On additional measures to improve the procedure” and other regulatory legal documents related to this activity.

At the present time, almost every specialist and business entity understands well that the sustainable development of the economy of every country is related to the effective attraction and use of investments. It is necessary to understand that the wider involvement of investment in the economy and regions of our republic is related to the fact that they have become an important basis for ensuring the effective implementation of economic reforms in our country. The importance of investments in the integration of the country into the world economic community is very high.

The level of study of the problem. From foreign scientists on the theoretical and methodological foundations of the development of small business and private entrepreneurship: J.B. Say, A. Smith, A. Marshall, Y. Schumpeter, J. Keynes, R. Khizrich, M. Peters, F. Hayek, M. Lapusta, Yu. Starostin, K. McConnell, S. Bru and others are covered in scientific works. At the same time, V.M. Vlasova, A. Raisky, A. Shestakov, N.E. Egorova, V.M. Savchenko, V.M. Shepelov, M.A. Fedotova and others conducted scientific research. From local scientists on general problems of small business and entrepreneurship in Uzbekistan, improvement of statistical indicators and forecasting: S.S. Gulyamov, Yo. Abdullaev, B.K. Goyibnazarov, M.R. Boltabaev, O.T. Kenjaboev, O.Q. Rikhsimboev, A.B. Yugay,

N.Q. Murodova, Z.Ya. Khudoyberdieva, H.P. Abulkosimov, A.A. Kulmatov and others who conducted scientific research.

In this regard, the attraction of foreign investments to the economy of the country contributes greatly to the introduction of new techniques and technologies, to the improvement of the skills of workers, to the provision of employment to the population, and to the development of the main economy. Any form of property directed from one country to another country for income can be called full-blooded foreign investment. But there are such forms of property that we cannot call foreign investment, for example, an embassy is considered the property of a foreign state, or if a foreign fukoro buys a private house, it is considered the property of a foreign person, but it cannot be a foreign investment.

As we know, foreign investments are all property, financial and intellectual assets mobilized by a foreign investor for business and other activities of the economy of a completely different state in order to obtain a high level of income and efficiency. All types of tangible and intangible assets and rights related to them, including intellectual property rights, which foreign investors add to business activities and other types of activities not prohibited by law, mainly for the purpose of obtaining income (profit), any income received from foreign investments in the territory of the Republic of Uzbekistan is considered foreign investments. is acknowledged. Foreign investments are of great importance in the development of the national economy. Therefore, it is necessary to know that attracting foreign investments for the construction and reconstruction of new enterprises equipped with modern equipment and technologies in the regions of the country is of great decisive importance for the improvement of the country's economy. First of all, it gives an opportunity to solve the most important social problems, such as the employment of the population and the increase in wages and incomes.

In 2022, the economic growth in Uzbekistan will initially be partially mitigated by the impact of the pandemic, primarily on the basis of the utilization of capital funds and the activation of new progressive productions equipped with modern technological equipment, as well as the activities of small business entities. However, lack of financial resources in economic entities, low level of investment, high percentage of bank loans, and high need for foreign investment are obstacles to further development of the economy.

The factors of production proposed above – labor force, equipment, construction materials – are in excess of demand with solvency. This requires special attention to be paid to the direction and distribution of investment activity and proper management. Because the investment in the economy of the country leads not only to an increase in the volume of the gross domestic product but also to an increase in the volume of the gross domestic product and investment per capita.

The main economic indicators of the Republic of Uzbekistan

	2000 year	2005 year	2010 year	2015 year	2021 year	Change in 2021 compared to 2000 (+,-)
GDP and GRP, bln soum	3255,6	15923,4	78936,6	221350,9	734587,7	731332,1

GDP per capita, thousand soums	132,1	608,5	1778,2	7072,2	21039,3	20907,2
Investments in fixed capital, bln soum	744,5	3165,2	16463,7	44810,4	239552,6	238808,1
Investments per capita, thousand soums	30,2	121	583,2	1431,7	6861,0	6830,8

It can be seen from the above table that the gross domestic product of the Republic of Uzbekistan in 2021 will be 734587,7 bln. 731332,1 bln compared to 2000, equivalent to the soum. Has increased by 20907,2 thousand soums compared to the base year and is equal to 21039,3 thousand soums. It should be noted that in 2000, investment in fixed capital accounted for a quarter of the country's gross domestic product ($3255,6/744,5=4,4$), but by 2022, this figure has decreased by 1,3 times. In turn, it is reasonable to conclude that the amount of investment in the economy has changed over time, depending on the state of demand, especially as a result of the impact of the pandemic.

In conclusion, it should be said that one of the most important issues is economic stimulation and the creation of necessary conditions for enterprises attracting investments in the regions of our country.

References:

1. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev to the Oliy Majlis. "People's Word", January 25, 2020, №19(7521).
2. Янчевский В.Г. Основы менеджмента/В.Г. Янчевский. –Мн.: Тетра-Системс, 2004. –С.224.
3. Эндрю Харгалон. "Управление инновациями. Опыт ведущих компаний". Учебник. –М.: ООО "И.Д. Вильяма", 2007. –С.304.
4. Data of the Namangan Region Statistics Department. www.agro.uzsite information.

INVESTITSIYA FAOLLIGINI OSHIRISHDAGI LOYIHALARNI BAHOLASH

*Raximova Shohsanam Usmonali qizi, assis.,
Azimjonova Zoxidaxon Shoxrux qizi, talaba,
Farg'ona Politehnika instituti*

Annotatsiya. Investitsiya loyihasi – investitsiya jarayoni loyihasi. Uni amalga oshirish kelajakda daromad olish uchun bugungi pul mablag'idan voz kechish, demakdir. Bu ishning samarasi ham, mablag'dan ajralib qolish xavfi ham bo'lishi mumkin. Shuning uchun, har qanday investitsiya loyihasi tahlil va baholashni talab etadi. Ushbu maqolada shu kabi muammolarni Excel hamda Maple darsturlari yordamida matematik jihatdan bartaraf etish usullari keltirilgan.

Tayanch so'zlar: investitsiya loyihasi, tadbirkorlik xavfi, moliyaviy xavf, to'lovlar oqimi, oshgan qiymat, keltirilgan (boshlang'ich) qiymat, daromad me'yori (foйда), NPV (net present value), (IRR – internal rate of return), sof keltirilgan daromad, qarzni qoplash.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. Investitsiya bu kelajakda foyda yaratish va olish maqsadida iqtisodiy mablag'larning uzoq muddatli moliyaviy qo'yilmasidir.

Investitsiya jarayoni esa investitsiya mablagʻlari qoʻyilishi va ular boʻyicha natijalar olishning vaqt boʻyicha ketma-ketligidir.

Muammoni hal qilish yoʻllari. Investitsiya loyihalarining tahlili, uning samaradorligi pulli oqimlar koʻrinishida ifodalanuvchi daromad va xarajatlarni oʻrganishga, diskontlash prinsipiga asoslangan. Investitsiya qoʻyilmalari quyidagicha farqlanadi:

Moliyaviy investitsiya – qimmatli qogʻozlarga qoʻyilgan pul mablagʻlari.

Real investitsiya – asosiy kapital va zaxiralarni koʻpaytirish uchun qoʻyilmalar.

Nomaterial aktivlarga investitsiya – ilmiy izlanishlarni rivojlantirish, xodimlar malakasini oshirish, litsenziya va huquqlarni olish uchun qoʻyilmalar.

Investitsiya loyihasi – investitsiya jarayoni loyihasi. Uni amalga oshirish kelajakda daromad olish uchun bugun pul mablagʻidan voz kechish, demakdir. Bu ishni samarasi ham, yoki mablagʻdan ajralib qolish xavfi ham boʻlishi mumkin. Shuning uchun, har qanday investitsiya loyihasi tahlil va baholashni talab etadi. Investitsiya loyihalari uchun ikki xil xavf boʻlishi mumkin: tadbirkorlik va moliyaviy. Tadbirkorlik xavfi – muayyan tijorat faoliyati bilan bogʻliq xavf. Moliyaviy xavf – kapitaldan olinadigan foydaning bozor stavkasi oʻzgarishi bilan bogʻliq xavf.

Investitsiya loyihalarining tahlili, uning samaradorligi pulli oqimlar koʻrinishida ifodalanuvchi daromad va xarajatlarni oʻrganishga, diskontlash prinsipiga asoslangan. Toʻlovlar oqimini tahlil qilishda quyidagi umumlashtiruvchi koʻrsatkichlardan foydalaniladi: oshgan qiymat, keltirilgan (boshlangʻich) qiymat, daromad meʼyori (foйда).

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar. Investitsiya loyihalarini baholashda sof keltirilgan daromadni hisoblash usulidan foydalaniladi. Bunda barcha daromad va xarajatlar boʻyicha pul oqimlari diskontlanib, vaqtning bir momentiga keltiriladi. Bu usulning asosiy koʻrsatkichi NPV (net present value) – tushumlar va xarajatlar oqimlarining joriy qiymatlari ayirmasiga teng. Bir marotabalik investitsiyada sof keltirilgan daromadni quyidagicha hisoblash mumkin:

1) Bevosita matematik formula yordamida hisoblash:

$$NPV = \sum_{k=1}^n R_k \cdot (1+i)^{-k} - IC, \quad (1)$$

Bu yerda: R_k – k-yildagi tushum, $k=1,2,\dots,n$; IC – boshlangʻich investitsiya qiymati, i – diskontlash stavkasi.




2) Excelning moliyaviy funksiyalar paketi yordamida hisoblash:

$$NPV = \text{ЧИИС}(r;a; b;c,d,e) - IC, \quad (2)$$



3) Maple 9.5 dasturi yordamida hisoblash:



Agar loyiha bir marotabadan ko'p, ketma-ket „m“ ta investitsiyani o'z ichiga olsa, u holda bu korsatkichni quyidagi modifikatsiyalangan formula orqali hisoblash mumkin:

$$NPV = \sum_1^n R_k \cdot (1+i)^{-k} - \sum_1^m IC_j \cdot (1+i)^{-j}, \quad (3)$$

NPV absolyut o'sish ko'rsatkichi bo'lib, keltirilgan daromadni keltirilgan xarajatdan qanchaga oshganini baholaydi. NPV>0 bo'lganda, loyihani qabul qilish mumkin; NPV<0 da loyiha qabul qilinmaydi; NPV=0 da loyihadan foyda ham, zarar ham yo'q. Turli loyihalarning NPV ko'rsatkichlarini qo'shib, investitsiya portfeli optimalligini tahlil qilish imkoniyatiga ega bo'lamiz.

Kutilayotgan iqtisodiy samara. *Masalan*, reja bo'yicha yillik tushum qiymati 55000 \$ bo'lgan, 5 yilga mo'ljallangan, foyda me'yori 11 %, mablag'i 210000 \$ bo'lgan investitsiya loyahasini baholash zarur.

Berilgan: R=55000; i=11 %; IC=210000; n=5.

Topish kerak: NPV=?


Yechish: Bevosita matematik formula (1) yordamida hisoblash:

$$NPV = \sum_1^5 55000 \cdot (1,11)^{-k} - 210000 = 203274 - 210000 = -6725.66$$



Excelning moliyaviy funksiyalar paketi (2) yordamida hisoblash:

$$NPV = \text{ЧПС}(0.11; 55000; 55000; 55000, 55000, 55000) - 210000 = -6725.66.$$




Maple



9.5
dasturi
(3)

yordamida hisoblash:



Demak, $NPV = -6725.66 < 0$ bo'lgani uchun loyihani qabul qilish mumkin emas.

Qarz muddatini aniqlash. Investitsiya loyihalarini tahlil qilishda qoplash muddati ko'rsatkichi ham qo'llaniladi. U tushumlar oqimining joriy qiymati investitsiya qiymatiga teng bo'ladigan ($NPV=0$) muddatdir, ya'ni:

$$\sum_1^n R_k \cdot (1+i)^{-k} = \sum_1^m IC_j \cdot (1+i)^{-j} \quad (4)$$

shartni qanoatlantiruvchi „n“ ga aytiladi.

Soddalashtirilgan holda qoplash muddati „n“ quyidagicha hisoblanishi mumkin:

$n = \text{qoplashgacha bo'lgan yillar soni} + (\text{qoplashgacha yil boshidagi to'lanmagan qiymat}) / (\text{qoplash yili davomida o'tkaziladigan qiymat})$.

Misol. 5 yil davomida pul tushumlari mos ravishda \$ 200000, \$ 500000, \$ 600000, \$ 800000, \$ 900000 qiymatlarga teng, diskontlash stavkasi esa 15 % bo'lgan, \$ 1000000 qiymatli investitsiya loyihasining qoplanish muddatini aniqlang?

Berilgan: $R_1=200000$; $R_2=500000$; $R_3=600000$; $R_4=800000$; $R_5=900000$; $i=15\%$; $IC=1000000$; $n=5$.

Topish kerak: $n=?$

Yechish: Diskontlangan pul oqimini topamiz:

Davr	0	1	2	3	4	5
Pul oqimi	-1000	200	500	600	800	900
Diskontlangan pul oqimi	-1000	174	378	394	458	447
Jamg'armaning diskontlangan pul oqimi	-1000	-826	-448	-54	404	851

Loyihaning qoplanish muddati: $n = 3 + 54/458 = 3,12$.

Shunday qilib, investitsiya qiymatini real qoplash muddati 3,12 yil yoki 3 yilu 44 kun ekan.

Adabiyotlar:

1. Четыркин Е.М. Финансовая математика. Учебник. 6-е изд., испр. –М.: Дело, 2006, –С.400.
2. Лукашин Ю.П. Финансовая математика: Учебно-практическое пособие –М.: МЭСИ, 2005. –С.81.
3. Коптева Н.В., Семенов С.П. Финансовая математика. Учебное пособие. –Изд-во Алтайского гос. унив., 2003.
4. Кузнецов Б.Т. Финансовая математика. –М.: ЭКЗАМЕН, 2005. –С.268.

TASHQI INVESTITSIYALAR UCHUN REGRESSION MODEL QURISH VA SIFATINI TEKSHIRISH

*Raximova Shohsanam Usmonali qizi, assis.,
Aliqulov Muhammadhabib Asomiddin o'g'li, talaba,
Farg'ona Politexnika instituti*

Annotatsiya. Statistik tahlil asosida turli sohalarda bashorat modellari qurilib, ularni amaliyotda qo'llash orqali ijobiy natijalarga erishilmoqda. Tashqi investitsiyalar hajmini oshirish uchun bugungi kunda juda ko'plab modellar qurilmoqda va bu modellarni qurishda ekonomtrika, iqtisod, algebra va statistika elementlaridan foydalanilmoqda. Statistik tahlilning g'oyasi yig'ilgan

statistik ma'lumotlar asosida modellar qurish va bu modellar asosida bashorat qilish, qilingan bashorat asosida xulosalar chiqarish va boshqa ko'plab vazifalardan iborat. Tadqiqot ishining maqsadi mamlakatga kirib kelayotgan tashqi investitsiyalar hajmini oshirish uchun hisoblash dasturlari yordamida bashorat modelini qurish va qurilgan model asosida natijalar olishdan iborat.

Tayanch so'zlar: tashqi investitsiya, ichki investitsiya, statistik tahlil, gipoteza, Frensis Galton, regression tahlil, o'zgaruvchilar.

Tadqiqot mavzusining dolzarbligi. Bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan zamonda har bir mamlakatning iqtisodiy, moliyaviy va siyosiy rivojlanishi uchun unga tashqaridan kirib kelayotgan investitsiyalar juda muhim ahamiyat kasb etadi. Tashqi investitsiyalar hajmini oshirish uchun unga qaysi omillar ijobiy va qaysi omillar salbiy ta'sir qilishini aniqlash hamda tashqi investitsiyalar bilan kuchli, ijobiy bog'liq bo'lgan omillar hajmini oshirish kerak. Buning uchun ishonchli va sifatli bashorat modelini qurish kerak. Sifatli model qurish uchun matematik statistika elementlaridan foydalangan holda, model qurish bosqischlari ketma-ket amalga oshiriladi va sifati, ishonchligi uchun bir nechta statistik gipotezalar tekshiriladi.

Tadqiqot mavzusi bo'yicha adabiyotlar sharhi (tahlili). Tashqi investitsiyalar hajmi uchun statistik tahlil asosida bashorat modellari qurish masalasini quyidagi maqolalarda uchratishimiz mumkin: Vlatka Bilas., 12.12.2019, Foreign direct investment trends. Procedia Economics and Finance 10(2014), P. 249–260, Gheorghe Săvoiu, Marian ŕaicub Foreign Direct Investment Models, Based on Country Risk for Some Post-Socialist Central and Eastern European Economies.

Muammoni hal qilish yo'llari. Mamlakatimizda investitsiyalar, shuningdek, investitsiya faoliyatining huquqiy-iqtisodiy asoslari yaratilgan bo'lib, shunga muvofiq bu jarayonning mazmuni qonuniy talqin etilgan. Xususan, O'zbekiston Respublikasining "Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida"gi Qonunida "Iqtisodiy va boshqa faoliyat obyektlariga kiritiladigan moddiy va nomoddiy hamda ularga doir huquqlar" sifatida ta'riflanadi.

Investitsiyalar faoliyatning kim tomonidan amalga oshirilishi nuqtai nazaridan ichki va tashqi investitsiyalarga bo'linadi: **Ichki investitsiyalar** mazkur mamlakat hududida investitsiya faoliyatini yuritayotgan xo'jalik subyektlari, ya'ni investorlar tomonidan iqtisodiyotga yo'naltiriladigan investitsiyalardir. **Xorijiy investitsiyalar yoki tashqi investitsiyalar** chet el mulkdorlarining mutlaq boshqa mamlakat iqtisodiyotining qonun bilan taqiqlanmagan turli tarmoqlariga yuqori darajada daromad olish, samaraga erishish maqsadida muayyan muddatga safarbar etadigan barcha mulkiy, moliyaviy va intellektual boyliklaridir. Xorijiy investitsiyalar rivojlanish darajasidan qat'i nazar, xoh u sanoati rivojlangan davlat bo'lsin, xoh rivojlanayotgan bo'lsin, har qanday davlatning iqtisodiy rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etadi. To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar (TTXI)ning zarurati, ayniqsa, o'tgan asrning 80-90-yillarida ahamiyatli darajada o'sdi.

Xorijiy investitsiyalar milliy resurslardan samarali foydalanish orqali iqtisodiy o'sishga ko'maklashadi. Samaradorlikning ikki yo'nalishini ajratib ko'rsatish mumkin: milliy bozorga xorijiy firmaning kirib kelishi kam samarali milliy kompaniyalarning siqib chiqarilishiga olib keladi va bu o'z navbatida katta va kichik rentabellikka ega bo'lgan kompaniyalar o'rtasida ichki resurslarning qayta taqsimlanishini va qabul qiluvchi davlatda mehnat unumdorligining o'rtacha darajasi hamda aholi jon boshiga o'rtacha daromadning o'sishiga ko'maklashadi.

Kapital migratsiyasining asosiy qismi TTXI shaklida amalga oshiriladi. TTXI deganda, kapital harakatining shunday shakliga aytiladiki, u orqali ma'lum davlat firmasi boshqa davlatda qo'shma korxonasini tashkil etadi yoki kengaytiradi. TTXIning o'ziga xos jihati shundaki, ular resurslar harakati bilan birga nazoratning ham ko'chishini o'z ichiga oladi.

TTXIning kiritishning asosiy sababi kapitalni maksimal foyda keltiradigan davlatga joylashtirish, soliq to'lovlarini kamaytirish va riskni diversifikatsiyalash hisoblanadi. Uning quyidagi xususiyatlari mavjud: boshqa xarajatlari bir xil bo'lgan davlatlarning minimal soliq stavkasiga ega bo'lganida operatsiyalarni amalga oshirish orqali soliq to'lovlari hajmini minimallashtirishga intilish, bundan tashqari, firmalar o'zlarining rasmiy foydalarini soliq stavkasi eng kam bo'lgan davlatlarga joylashtirish uchun transfert narxlari mexanizmidan foydalanishadi; tabiiy resurslardan foydalanish imkoniyati; ishlab chiqarishni ishchi kuchi nisbatan arzon bo'lgan davlatga joylashtirish hisobiga ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish; transport xarajatlarini iste'molchiga yaqin joyga ishlab chiqarishni joylashtirish orqali kamaytirish; chet davlatidagi import to'siqlarini uning hududida nazorat ostidagi ishlab chiqarishni tashkil etish orqali bartaraf etish; iqtisodiy tebranishlar yoki almashish kursining tebranishidan risklarni diversifikatsiyalash.

Quyida TTXIning qabul qiluvchi davlat iqtisodiyotiga ta'sirini tahlil qilamiz. Tadqiqotlarga ko'ra, xorijiy investitsiyalarning qabul qiluvchi davlat iqtisodiyotiga ijobiy ta'sirlarini quyidagilar orqali belgilash mumkin:

real sektorga qo'shimcha resurslar (kapital, texnologiya, boshqaruv tajribasi va malakali mehnat) olib kiradi, ish joyi yaratadi va tovar bozorida taklifni ko'paytiradi, natijada ichki bozor sig'imi kengayadi, eksport, YaIM oshadi;

mahalliy ishlab chiqaruvchilar bilan kooperatsiyani amalga oshirib, ularning iqtisodiy o'sishiga imkon beradi. Xuddi shunday TTXI ichki bozor rivojlanishiga turtki beradi;

texnologiya va "nou-hau"larni ushbu mavjud bo'lmagan davlatga olib kirib, iqtisodiy o'sishni yanada samaraliroq darajaga olib chiqadi;

davlatning makroiqtisodiy va moliyaviy holatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi;

tovar taklifini ko'paytirishga ko'maklashib, inflatsiyaga to'siqlar yaratadi;

davlat budjeti daromadlarini oshiradi;

milliy valyutani mustahkamlaydi.

Shu bilan birga, TTXIning jalb etishdan mumkin bo'lgan tahdidlarni ham hisobga olish kerak, ularga quyidagilarni kiritish mumkin:

nisbatan arzon kapital va nisbatan kuchli xorijiy raqobatchi kirib kelishi natijasida milliy kapital va kompaniyalarni siqib chiqarish ("crowdingout" samarasi);

zararli va ifloslantiruvchi ishlab chiqarishli kapitalni qabul qilish.

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar. Ikkita X va Y o'zgaruvchilari o'rtasidagi munosabatni ko'rib chiqish uchun ikkita variantni belgilash mumkin. Birinchi holda, ikkala o'zgaruvchi ham birlamchi va ikkilamchi (bog'liq va bog'liqsiz) o'zgaruvchilarga bo'linmaganligi ma'nosida ekvivalent hisoblanadi. Bu holatda, asosiy savol bu o'zgaruvchilar o'rtasidagi munosabatlarning mavjudligi va kuchi masalasidir. Masalan, mahsulot narxi va unga bo'lgan talab hajmi o'rtasida, kartoshka ekinlari va g'alla ekinlari o'rtasida, transportning intensivligi va baxtsiz hodisalar soni o'rtasida. Bunday o'zgaruvchilar bilan chiziqli bog'liqlik kuchini

o'rganishda korrelyatsion tahlilga murojaat qilinadi, uning asosiy elementi "korrelyatsiya koeffitsiyenti" hisoblanadi. Misol uchun, kartoshka va don hosildorligi bir xil yo'nalishda harakat qiladi, ammo bu o'zgaruvchilarning hech biri aniqlovchi emas. O'zaro munosabatlarni ko'rib chiqishning yana bir varianti kattaliklardan birini mustaqil (tushuntiruvchi), ikkinchisini esa bog'liq (tushuntiriluvchi) deb ajratish. Bunday holda, ulardan birinchisining o'zgarishi ikkinchisining o'zgarishiga olib kelishi mumkin. Masalan, daromadning oshishi iste'molning oshishiga olib keladi; narxlarning oshishi esa talabning pasayishiga; past foiz stavkalari investitsiyalarni oshiradi; valyuta kursining oshishi sof eksport hajmini kamaytiradi va h.k. Boshqacha aytganda, tushuntiruvchi o'zgaruvchi (tushuntiruvchi o'zgaruvchilar to'plami)ning har bir o'ziga xos qiymati bog'liq o'zgaruvchining ma'lum bir ehtimollik taqsimotiga mos keladi. Shuning uchun, tushuntiruvchi o'zgaruvchi(lar)ning "o'rtacha" bog'liq o'zgaruvchiga qanday ta'sir qilishi tahlil qilinadi. Ushbu turdagi bog'liqlik "regressiya funksiyasi" deb ataladi va quyidagi munosabat bilan ifodalanadi:

$$M(Y/x) = f(x), \quad (1)$$

Bunda X – mustaqil (tushuntiruvchi) o'zgaruvchi (regressor), Y – qaram (tushuntiriladigan) o'zgaruvchi. Ikkita o'zgaruvchi bog'liqligi o'rganilayotganda, juftlik regressiyadan foydalaniladi. Funksiya orqali ifodalangan ko'p o'zgaruvchili bog'liqlik:

$$M(Y/x_1, x_2, \dots, x_m) = f(x_1, x_2, \dots, x_m), \quad (2)$$

"ko'p o'zgaruvchili regressiya" deb ataladi. "Regressiya" atamasi (lot. "regression" – orqaga qaytish, oldingi holatga qaytish) XIX-asr oxirida ingliz psixologi va antropologi Frensis Galton tomonidan ota-onalarning bo'ylari va farzandlarining bo'ylari o'sishi orasidagi bog'liqlikni tahlil qilgan. Tadqiqotchining ta'kidlashicha, juda baland bo'yli ota-onalar farzandlarining bo'yi ota-onalarning o'rtacha bo'yidan pastroq. Boshqa tomondan, juda past bo'lgan ota-onalar bolalarining bo'yi ularning o'rtacha bo'yidan yuqoriroq. Ikkala holatda ham bolalarning o'rtacha bo'yi ma'lum bir mintaqadagi odamlarning o'rtacha balandligiga intiladi (qaytadi). Aniqlangan tendensiya "o'rtacha holatdagi regressiya" deb nomlanadi. Hozirgi vaqtda "regressiya" deganda, tushuntiruvchi o'zgaruvchining o'zgarishi orqali tushuntiriluvchi o'zgaruvchining o'zgarishini bashorat qilish tushuniladi. Bog'liq va bog'liqsiz o'zgaruvchilar orasidagi regression modellar quyidagi munosabatlar bilan aniqlanadi:

$$Y = M(Y/x) + \varepsilon, \quad (3)$$


$$Y = M(Y/x_1, x_2, \dots, x_m) + \varepsilon, \quad (4)$$

Kutilayotgan iqtisodiy samara. Regression tahlilining asosiy bosqichlari:

1. Regressiya tenglamasining turini tanlash (model spetsifikatsiyasi).
2. Bog'liq o'zgaruvchiga sezilarli ta'sir ko'rsatadigan bog'liqsiz o'zgaruvchilarni tanlash.
3. Regressiya tenglamasining parametrlarini baholash (modelni parametrlashtirish).
4. Bog'liq o'zgaruvchiga bog'liqsiz omillarning ta'sirini o'lchash.
5. Regression modelining statistik ishonchliligini baholash (modelni tekshirish).

O'zgaruvchilarni bog'lash uchun formulani tanlash "regressiya tenglamasining spetsifikatsiyasi" deb ataladi. Juftlik regressiya holatida formulani tanlash, odatda,

“korrelyatsion maydon (tarqalish grafigi)” deb ataladigan Dekart koordinata sistemasidagi nuqtalar ko‘rinishidagi real statistik ma’lumotlarning grafik tasviriga ko‘ra amalga oshiriladi (1-grafik).




1-grafik. Korrelyatsiya turlari


Yuqoridagi grafikda uchta holatni ko‘rish mumkin:

a) X va Y o‘rtasidagi bog‘liqlik chiziqliga yaqin va 1.a-grafik empirik nuqtalarga juda mos keladi. Shuning uchun bu holda X va Y o‘rtasidagi bog‘liqlik sifatida $y = b_0 + b_1x$ chiziqli funksiyani tanlash maqsadga muvofiqdir;

b) X va Y o‘rtasidagi haqiqiy bog‘liqlik katta ehtimol bilan $y = ax^2 + bx + c$ kvadratik funksiya bilan tavsiflanadi (1.b- grafik);

d) X va Y orasida aniq bog‘liqlik yo‘q. Bunday holda, o‘zgaruvchilar o‘rtasidagi munosabatlarning qanday shaklini olishini aniqlash qiyin, bunda modelni spetsifikatsiya qilish va parametrlash (regressiya tenglama koeffitsientlarini aniqlash) natijalari muvaffaqiyatsiz bo‘ladi. Bog‘liqliklarni miqdoriy baholashda ishlatiladigan asosiy egri chiziqlar quyidagi shakllarda ko‘rsatilgan (2-grafik):





2-график. Бог'liqliklarni miqdoriy baholashda ishlatiladigan asosiy egri chiziqlar

Demak, ikki o'zgaruvchi o'rtasidagi munosabatlar miqdorini aniqlashda qo'llaniladigan asosiy egri chiziqlar:

$$\text{a) } y_x = b_0 + b_1x; \quad \text{b) } y_x = b_0 + b_1x + b_2x^2; \quad \text{c) } y_x = b_0 + \frac{b_1}{x}; \quad \text{d) } y_x = b_0 \cdot x^{b_1}$$

Adabiyotlar:

1. Козар А.Н. Математическая статистика. Лекционный анализ. –Казань, 2011.
2. Impact of Foreign Direct Investment on Employment Level In Pakistan. Malik Danish Habib1 Saima Sarwar2. Journal of Law, Policy and Globalization. –ISSN 2224-3240 (Paper) –ISSN 2224-3259 (Online) Vol.10, 2013.
3. Многомерные статические методы регрессионного анализа. –Иваново, 2007.
4. Foreign Direct Investment Models, based on Country Risk for Some Post-socialist Central and Eastern European Economies. Procedia Economics and Finance 10(2014) 249–260.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Қорабаев Шухратжон Ахмаджонович, тадқиқотчи,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

Аннотация. Ушбу мақолада саноат корхоналарида инвестицияларнинг моҳияти, турлари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари баён қилинган.

Таянч сўзлар: инвестиция, асосий капиталга инвестициялар, реал инвестициялар, молиявий инвестициялар, ақлий инвестициялар.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида саноат корхоналарини доимий ривожлантириш ва модернизация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бири саноат корхоналарининг тармоқ тузилмасини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳар томонлама ривожлантириш ва шу асосда, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш беришдан иборатдир. Миллий иқтисодиётда саноат тармоқларини ривожлантириш бозор иқтисодиётини қарор топтириш ва товарлар бозорида кучли рақобат муҳитини яратишнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда республикада 98,8 мингта саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 16,8 мингтаси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 17,0 %) Тошкент шаҳрига, 11,1 мингтаси (11,2 %) Фарғона вилоятига, 10,0 мингтаси (10,1 %) Тошкент вилоятига, 9,9 мингтаси (10,0 %) Андижон вилоятига ва 8,9 мингтаси (9,0 %) Самарқанд вилоятига тўғри келмоқда.⁴³⁴ Дастлабки маълумотлар бўйича 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида республика корхоналари томонидан 551,1 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2021 йилнинг январь-декабрь ойига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 105,2 %ни ташкил этди.

Шу сабабли, бугунги Ўзбекистон саноатини замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турини кўпайтириш, ҳудудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кескин кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, мамлакатимиздаги мавжуд хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш соҳасига замонавий технологияларни кенг жорий этган ҳолда, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш айна кундаги муҳим вазифалардан биридир. Бу вазифаларни амалга оширишда саноат тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш ва шу асосда, уларни ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 269,9 трлн сўм инвестиция ўзлаштирилган бўлиб, бу 2021 йилга нисбатан 100,9 % ни ташкил этди. Асосий капиталга инвестициялар – янги асосий фондларни сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар мажмуини билдиради. Сўнгги 6 йилдаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, у деярли 4 мартага кўпайиб, ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда.

“Инвестиция” атамаси лот. “invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш”, “капитал қўйилмаси” маъносини беради. Кенг маънода, инвестиция маблағни кўпайтириб ва қайтариб олиш мақсадида капитални сафарбар этишни билдиради. Кўп ҳолларда, “инвестиция” тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар, қолаверса, уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. Инвестиция дейилганда, барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб, даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур. Инвестиция киритишдан асосий мақсад даромад олиш ва ижобий ижтимоий самарага эришишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестицияларга қуйидагича таъриф берилган: “Инвестиция – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига

⁴³⁴ <https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/21516-2022>.

таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

маблағларни, шу жумладан, пул маблағларини (чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);

интеллектуал мулкка доир мулкый ҳуқуқларни, шу жумладан, у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа қимматликларни”⁴³⁵.

Саноат корхоналари иқтисодий фаолиятига жалб этиладиган инвестициялар қатор белгиларига кўра алоҳида турларга бўлинади.



Инвестиция турлари⁴³⁶

Инвестицияларнинг кўрсатилган ҳар бир тури бажарадиган функцияси ва жалб этиш йўналишига кўра алоҳида мазмунга эга. Жумладан:

реал инвестициялар моддий ишлаб чиқариш соҳаларига, моддий-ашёвий фаолият турларига, корхона активлари (кўчар ва кўчмас мулклар)ни қўлга

⁴³⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019.

⁴³⁶ Муаллиф ишланмаси.

киритиш ва кўпайтириш амалиётларига узоқ муддатли маблағлар қўйиш шаклларида амалга оширилади;

молиявий инвестициялар турли хил молиявий активларга, жумладан, акциялар, корпоратив, инфратузилмавий ва давлат облигациялари ҳамда қимматли қоғозларнинг бошқа турларига киритилади;

ақлий инвестициялар (номоддий активларга инвестициялар) илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мутахассисларни тайёрлаш, янги технологиялардан фойдаланиш учун лицензиялар, ноу-хау, таниқли компанияларнинг савдо белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқлари кабиларга киритиладиган сармояларни ўз ичига олади.

Корхоналар хўжалик фаолиятини ривожлантириш учун киритиладиган инвестициялар уларнинг пировард мақсадини рўёбга чиқариши, яъни келажакда юқори фойда олишни таъминлаши лозим. Шу сабабли, инвестицияларнинг корхоналар самарадорлигини оширишдаги роли қуйидагилардан иборатдир:

ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантиришнинг асосий манбаи;

корхона иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадларини амалга оширишдаги асосий механизм;

хўжалик субъектлари активлари тузилмасини оптималлаштиришнинг бош механизми;

ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этиш механизмларидан бири;

инновация сиёсатини амалга оширишнинг бош инструменти;

оддий ва кенгайтирилган ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосий механизми;

корхона бозор қийматини оширишнинг муҳим шарти.

Инвестициялар самарадорлигини таъминлашда бир қатор шартлар бажарилиши лозим. Инвестиция киритишда, аввало:

инвестиция фаолияти субъектларининг мустақиллиги ва ташаббускорлиги таъминланиши;

киритилаётган моддий неъматларга инвестиция мақомини бериш (фуқароларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун сотиб олган буюмлари инвестиция бўла олмайди);

қонун билан белгиланган инвестиция фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилиши зарур бўлиб ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, инвестиция лойиҳалари натижадорлигини таъминлаш учун қуйидаги тамойилларга амал қилиш тавсия этилади:

1. Корхона бошқаруви барча тизимларининг аҳамиятини ҳисобга олиш. Инвестиция ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш умуман корхона самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиши керак.

2. Корхонани ривожлантиришнинг стратегик йўналишини ҳисобга олиш. Қабул қилинган ривожланиш концепциясига мувофиқлигини текширмасдан, ҳеч қандай бошқарув қарори қабул қилинмаслиги керак.

3. Бошқарув қарорларининг долзарблиги ва динамиклигини таъминлаш. Ҳар бир қарор корхона ривожланиши учун муҳим кўрсаткичлар – рентабеллик,

рақобатбардошлик, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши керак.

4. Инвестиция ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш стратегиясини аниқ мувофиқлаштиришни назарда тутувчи комплекс ёндашув.

5. Тизимли ёндашув. Ҳар қандай инвестиция қарори лойиҳанинг барча иштирокчилари – пудратчи, инвестор, воситачи, кредитор, етказиб берувчи, мижоз ва бошқаларнинг манфаатларини ҳисобга олиши керак.

6. Қарор қабул қилишда мослашувчанлик. Доимий ўзгарувчан ташқи ва ички омиллар шароитида ягона тўғри қарор қабул қилиш қийинлигини ҳисобга олган ҳолда, қабул қилинган қарорларни қайта кўриб чиқиш ҳамда ўзгартиришга тайёр бўлишлари керак.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2019.
2. Маҳмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти –Т.: ТДИУ, 2004. –Б.208.
3. Абдурахим О. Саноат иқтисодиёти. Ўқув кўлланма. –Т.: ТДИУ, 2006. –Б.220.
2. К.В. Балдин, А.В. Барышева, Е.Л. Макриденко. Инновационный менеджмент. –М.: Дашков и К, 2009. –С.40.
3. Н.Ю. Ковалёвская. Управление инвестиционными проектами. –Иркутск: Изд-во “БГУ”, 2017. –С.112.


ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

*Юлдашев Бахтиёр Гайраджонович, тадқиқотчи,
Тошкент Кимё халқаро университети*

Аннотация. Ушбу мақолада инвестицион фаолликни оширишда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ)ни ташкил этишнинг роли, ЭИЗни ташкил этиш хусусиятлари, Европа мамлакатларининг илғор тажрибалари баён қилинган.

Таянч сўзлар: инвестиция, ЭИЗ, инвестиция муҳити, эркин савдо ҳуқуқи.

Жаҳонда инвестицияларни жалб этишдаги алоҳида механизмлардан бири – эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)ларни ташкил этиш борасида катта ва самарали тажрибаларнинг кўрсатишича, турли мамлакатларда ЭИЗни ташкил этиш борасидаги фаразларни асослашда, уларни фаолият тури ва бошқа алоҳида хусусиятларига кўра таснифлаш ҳамда туркумлашда турли хил мезон ва ёндашувларга асосланилади. Жумладан, Буюк Британияда XX асрнинг 80-йилларида ташкил этила бошлаган ЭИЗнинг муайян тури ҳисобланган “тадбиркорлик зоналари”ни барпо қилишда қуйидаги расмда таъкидланган муҳим жиҳатларга эътибор қаратилган (1-расм). Ушбу 1-расм маълумотларига кўра, ЭИЗларни ташкил этишдаги муҳим хусусиятларга алоҳида аҳамият бериш лозим.



1-расм. ЭИЗни ташкил этишдаги муҳим хусусиятлар⁴³⁷

Жумладан, мазкур иқтисодий зонани ташкил этишда фаолият турлари бўйича тадбиркорлик муҳитининг ривожлантирилганлик даражаси ёки мазкур зонани ташкил этиш учун танланган ер майдони жойлашган ҳудуднинг омили алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби – танланган ер майдони инфратузилма тармоқларини жойлаштиришда, умуман, ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш учун қулай ҳамда қишлоқ хўжалик фаолиятига ҳалақит бермаслиги лозим. Шунингдек, бу борада, Испанияда “ЭИЗ” сифатида кичик бир географик майдонда саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пасайиб кетиши асос сифатида қабул қилиниб, танланган ҳудуд назарда тутилади ва айнан шу ерда ЭИЗ ташкил этилади. Францияда эса, ЭИЗ учун жой танлаш аҳолини иш билан таъминлаш заруриятидан келиб чиқиши аниқланди. Қолаверса, инвестиция муҳитининг жозибадорлигини таъминлашда ушбу зоналар омилдан самарали фойдаланиб келаётган Туркия давлатида эркин савдо зоналарини ташкил этиш жараёнида куйидаги муҳим хусусиятларга эътибор қаратилади:

ЭИЗни ташкил этиш учун танланган ер майдони ҳудудида бошқа ҳудудларга нисбатан ривожланган ишлаб чиқариш ва тижорат инфратузилмаси мавжудлиги ҳамда унинг қай даражада ривож топганлиги;


ЭИЗни ташкил этишда танланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, асосий кўрсаткичлари таҳлили;

ҳудуддаги “ёрдамчи” ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари тенденциялари.

Ривожланган давлатлар орасида ЭИЗни, дастлаб, моддий ишлаб чиқариш ҳолатидан “Smart free economic zones” кабиларга айлантира олган АҚШда “тадбиркорлик зоналари”ни ташкил этиш борасида федерал дастур мақомини олган “Жамоаларни ривожлантириш тўғрисида”ги қонун (1987) талабларидан келиб чиқилади. Унга кўра, ташкил этилган ЭИЗдаги “эркин савдо ҳуқуқи” мақоми махсус Эркин савдо қўмитаси томонидан тасдиқланиши талаб этилади. Бу борада тадбиркорлик ва инвестиция муносабатлари учун “эркин” ёки

⁴³⁷ Муаллиф ишланмаси.

“махсус” иқтисодий зоналарни ташкил этишда қуйидаги муҳим хусусиятлар инобатга олинади (2-расм).



2-расм. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш хусусиятлари⁴³⁸

ЭИЗни ташкил этишда юқорида саналган хусусиятларга эътибор қаратилса, уларнинг самараси юқори бўлиши мумкин, акс ҳолда, барча қилинган ишлар самарасиз бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ЭИЗни яратишда энг асосий мезонлар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

зонани ташқи иқтисодий алоқаларга тўғридан-тўғри ва кам харажат билан чиқишини таъминлай оладиган қулай географик муҳитда жойлаштириш;

ички ва ташқи бозорлар, биринчи навбатда, зона ихтисослигига мўлжалланган бозорларга чиқиш имконини берувчи транспорт ва бошқа коммуникациялар бор жойда жойлаштириш;

рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, ички ва ташқи бозорларда талабгир, шу маҳсулот бўйича ўртача ишлаб чиқариш харажатларидан камроқ харажатларда ишлаб чиқариш имконини берадиган турли хил ресурсларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш;

ўша жойда мавжуд ёки қулай шароитда бошқа минтақалар ёхуд хориждан жалб қилиш, жойларда уларни тайёрлаш имкони бўлган малакали кадрлар мавжудлигини ҳисобга олиш;

ишлаб чиқариш, ижтимоий, бозор инфратузилмалари мавжудлиги, қисқа муддат ва юқори самара даражасида маҳаллий, миллий ва хорижий ресурслар ҳисобидан ярата олиш имкони мавжудлиги;

ташқи бозор билан мустаҳкам ишчан алоқаларнинг мавжудлиги ёки уларни зона фаолияти йўналишлари талаб қиладиган даражада самарали ўрнатиш ва ривожланиш имкониятининг мавжудлиги;

⁴³⁸ Муаллиф ишланмаси.

махаллий аҳоли томонидан зона яратиш ғоясининг қўллаб-қувватланиши, уларнинг зонани яратиш ва ривожлантиришга тайёрлиги, фаол қатнаша олиш имконияти ва асосийси, хоҳиши борлиги;

зона фаолиятининг таркиб топиши ва ривожланишига бош-қош бўла оладиган, ташаббускор, компетентли ташкилотчиларнинг мавжудлиги.

Адабиётлар:

1. Авдокушин Е.Ф. Свободные (специальные) экономические зоны. –М., 1993 –С.132.
2. Ярош П. Управление развитием территориально-хозяйственных зон в Польше: теория, методология, практика. Монография. –Польша, 2018.
3. Остонақулов А.А. Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш. И.ф.ф.д. (PhD) ... дисс. автореф. –Т., 2017.
4. Ташқи савдо зоналари кенгашининг АҚШ Конгрессига 70-йиллик ҳисоботи/70th Annual report of the Foreign-Trade Zone Board to the Congress of the U.S. 2009. Манба: www.amazon.com сайти.
5. Муфтайдинов К. Зоны экономического предпринимательства//Бозор, пул ва кредит, №7, 2003.
6. А.И. Ленидова, Е.Б. Блинников. Свободные экономические зоны: сущность, возможности. Актуальные проблемы авиации и космонавтики (18-21-ноябрь 2010 г.). – Россия: Сибирский Государственный университет, Эл. манба: <https://cyberleninka.ru/article/n/svobodnye-ekonomicheskie-zony-suschnost-vozmozhnosti>.

САВДО КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

*Сайдуллаев Шохжаҳон Зариф ўғли, тадқиқотчи,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

Аннотация. Мақолада савдо корхоналари рақобатбардошлигини корхонанинг техник даражаси, меҳнатни ташкил этиш даражаси, маҳсулот ассортиментини баҳолаш, бошқарув самарадорлиги, меҳнат ресурсларининг ҳолати ва малакасини баҳолаш мезонлари ҳамда кўрсаткичлари асосида баҳолаш услубияти таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: савдо корхонаси, савдо хизмати, рақобатбардошлик, рақобат устунлиги, баҳолаш мезони, конкордация коэффиценти.

Annotation. The article analyzes the methodology for assessing the competitiveness of commercial enterprises based on the technical level of the enterprise, the level of labor organization, assessment of the range, management efficiency, the state and qualifications of labor resources.

Keywords: commercial enterprise, trade services, competitiveness, competitive advantage, assessment criteria, concordance coefficient.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви, ташқи савдо фаолиятининг кенгайиб бориши, шу билан бирга, ички бозорларда истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар сифатига бўлган қўшимча талаблари савдо хизматлари соҳасида ҳам рақобат курашининг кучайишига олиб келмоқда. Республикамизда ҳам савдо механизмларини янада такомиллаштириш, товарлар бозорида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайитириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш учун

шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу билан бирга, рақобатбардошликнинг ўзига хос жиҳатлари, таъсир даражаси, характери, бошқа тармоқларга нисбатан турличалиги, бозор фаолияти самарадорлик кўрсаткичларига комплекс таъсир кўрсатиши назарда тутилса, савдо соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлик омилларини тадқиқ этиш улар учун нафақат ташқи, балки ички бозорда ҳам рақобатбардошлик даражасини баҳолаш ва оширишнинг долзарб масалаларидан бири сифатида ўрганилиши зарурлигини тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. М. Портер саноат тармоқларининг рақобатбардошлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда уларнинг, энг аввало, ресурс ва технологик рақобат афзалликларига эга бўлишини таъкидлаб ўтади.

Ф.Б. Абдукаримов илмий ишларида “...савдонинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларга хизмат қилиш ва аҳоли ҳаётини таъминлайдиган алоҳида хизмат соҳасидир”, деб изоҳланган. Муаллиф “савдо хизмати” тушунчасига кенг маънода, “савдо – хизматнинг алоҳида тури бўлиб, у бир томондан ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади, иккинчи томондан истеъмолчиларга, учинчи томондан давлатга хизмат қилади, ва тўртинчидан, у бошқа иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади, уларнинг хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади”, деб таъкидлайди.

К.М. Ибодов тадқиқотларида “Корхона ёки тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлиги иқтисодий категория бўлиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, фойда олиш ва жамият эҳтиёжларини қондириш мақсадидаги бошқа устунликлари ҳамда узоқ давр мобайнида ўз капиталини ошириб бориш имконияти”, деб изоҳланган.

Илмий адабиётларда корхоналарнинг рақобатбардошлигини ишлаб чиқараётган маҳсулот, фаолияти тури, иқтисодий фаолияти самарадорлигига, шунингдек, маркетинг фаолиятини қай даражада йўлга қўйганлигига кўра баҳолаш услублари кенг тарқалган. Мамлакатимиз олимлари томонидан рақобатбардошликнинг турли таърифлари келтирилган бўлиб, аксариятида иқтисодий рақобат субъекти учун афзалликлар яратадиган хусусиятларга эга бўлиш сифатида тушунилади. Шу билан бир қаторда, чакана савдо корхонаси рақобатбардошлигини баҳолашнинг тўлақонли услубиятини ишлаб чиқиш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, бироқ бу борада ҳали бир тўхтамга келинмаган.

Муаммони ҳал қилиш йўллари. Савдо хизматлари соҳаси республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, соҳанинг барқарор ривожланиши учун ўзига хос қулай тадбиркорлик муҳити шаклланганлиги билан ажралиб туради. Рақобат устунликлари ҳар хил турдаги маҳсулотлар, корхона ва ташкилотлар ёки уларнинг гуруҳлари, иқтисодий муносабатларнинг турли соҳаларидаги етакчилик ва ниҳоят, алоҳида мамлакатлар ёки уларнинг бирлашмалари (минтақавий, сиёсий, этник-маданий) бўлиши мумкин. Объектлар рақобатбардошлиги маълум бир бозорга ёки бозорни стратегик сегментлашнинг белгиларига кўра шаклланган маълум истеъмолчилар гуруҳига нисбатан белгиланади.

Бозор муносабатларининг бугунги шароитида рақобатбардошлик иқтисодий фаолиятнинг муваффақият омилларидан бири ҳисобланади. Корхона

рақобатбардошлигининг ажралмас хусусияти сифатида қуйидаги таркибий қисмларни ажратиб кўрсатиш тавсия этилади:

- корхона бозор таклифининг рақобатбардошлиги;
- корхона ресурсларининг рақобатбардошлиги;
- бошқарувнинг рақобатбардошлиги;
- тадбиркорлик ғоясининг рақобатбардошлиги.

Рақобатбардошликнинг асосий жиҳати – кўрсаткичларнинг нисбийлик ва динамик хусусиятидир. Нисбийлик шундан далолат берадики, корхона ва рақобатчиларни солиштириш у ёки бу томонга нисбатан рақобатбардош устунликлар ҳақида гапириш имконини беради. Рақобатбардошликнинг динамик хусусияти унинг доимий ўзгариб туришини белгилаб беради. Бозорда рақобатбардош объектга эришиш ва уни доимий равишда қўллаб-қувватлаш учун қўлга киритилган рақобатбардош устунликларни сақлаб қолиш, янгиларини излаш ва амалга ошириш керак.

Савдо корхонасининг рақобатбардошлигини турли нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда изоҳлаш мумкин:

истеъмолчилар учун савдо корхонаси томонидан реализация қилинаётган товар ва хизматлар орқали уларнинг эҳтиёжларини рақиб корхоналарга нисбатан қанчалик қондира олиш имконияти, яъни, бунда рақобатбардошлик товар рақобатбардошлиги орқали ифодаланади;

рақобатчи корхоналар учун ички ва ташқи бозор талабларига жавоб бера оладиган товар-хизматлар сотувини йўлга қўйиш ҳамда рақобат устунлигини мунтазам равишда ривожлантириб бориш салоҳияти билан ифодаланади;

инвесторлар учун савдо корхонасининг мавжуд моддий ва иқтисодий ресурслардан қай даражада самарали фойдалана олиши ва келгусида бозор қийматини ошириб бориш имконияти орқали ифодаланади;

бозор субъектлари учун корхонанинг рақобатбардош маҳсулотларни реализация қилиши, шунингдек, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда инновацион ўсиш суръатлари ва омилларини намоён қилиш салоҳияти сифатида ифодаланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, биз К.М. Ибодов томонидан изоҳланган корхона рақобатбардошлигига таъриф беришда умумтан олинган “рақобатбардошлик” категориясидан четга чиқмасликни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунга кўра, ҳар қандай шароитда ҳам рақобатбардошлик танлаб олинган объект (бизнес, товар, корхона, ҳудуд, мамлакат)га нисбатан қўлланилади. Унинг “Савдо корхонаси рақобатбардошлиги деганда, унинг рақиб корхоналарга нисбатан товарлар ва хизматлар бозоридаги ҳолати, рақобат курашига бардош бера олиш имконияти ҳамда ушбу ҳолат ва имкониятларнинг барқарорлиги билан изоҳланувчи нисбий кўрсаткич тушунилади” деган фикрини тўлиқ маъқуллаймиз. Шу асосда, савдо корхонасининг рақобат устунлиги – бу узоқ вақт давомида қўллаб-қувватлаб туриладиган рақобатбардошлик даражасидир.

Бизнинг фикримизча, рақобатбардошликни ички омилларга асосланган рақобатбардошлик ҳамда ташқи омилларга асосланган рақобатбардошлик кўрсаткичлари сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ. Мазкур тасниф келгусида савдо хизматлари кўрсатувчи субъектларнинг рақобат

устунликларидан фойдаланиш ҳамда унга эришиш имконини беради (1-жадвал).

1-жадвал. Корхонанинг рақобатбардошлик омиллари таснифи

Ташқи омиллар гуруҳи	Мижозлар билан алоқалар; содиқ мижозлар сонининг кўпайиши
	Ҳуқуқий жиҳатлар
	Янги рақобатчиларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилувчи маҳаллий қонунлар
	Солиқ имтиёзлари
	Манзил
	Етказиб берувчилар
Ички омиллар гуруҳи	Ҳамкорлик муносабатлари
	Эксклюзив маҳсулот
	Миқёс самараси туфайли арзон нархлар; ассортимент кенглиги; кулай харид шартлари
	Паст нархлар
	Савдо ҳажмининг кенглиги

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу рўйхат тўлиқ эмас. Чакана сотувчининг ҳар қандай ҳаракати рақобатчилардан устунликка эришиш учун асос бўла олади.

Рақобатбардошликни баҳолашнинг энг муҳим мақсади корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширишдир. Рақобатбардош корхоналарнинг бозордаги фаолияти ва мустаҳкам мавқега эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий адабиётларда рақобатбардошлик мезонлари ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Уларнинг айримлари қуйида келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал. Баҳолаш объектига нисбатан рақобатбардошлик омиллари

Ташкилот	маҳсулотни истеъмолчига етказиш
Саноат	маҳсулотни реклама қилиш
	ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги
Товарлар (маҳсулотлар)	маҳсулот ва унинг сифат мезонлари
Ишлаб чиқариш	нарх
Савдо корхоналари	савдо фаолиятининг сифати ва рақамлашув даражаси

Савдо корхонасининг рақобатбардошлигини тавсифловчи мезонлар қуйидагиларга асосланиши лозим:

корхона хўжалик фаолиятининг якуний мақсадли натижаларини акс эттириши;

белгиланган мақсадларга эришиш учун корхона харажатлари даражасини белгилаш;

бошқа корхоналарнинг шу каби мезонлари билан ўзаро таққосланиши;

таҳлил кўрсаткичларнинг келгусида янада деталлашган кўрсаткичларга ажратилиш имкониятига эга бўлиши;

вақт омилини ҳисобга олиш.

Савдо корхонасининг рақобатбардошлиги бир вақтнинг ўзида бир нечта мезонлар ёрдамида баҳоланиши мумкин. Рақамли иқтисодий муносабатларнинг жадаллашуви шароитида савдо корхонасининг рақобатбардошлигини қуйидаги 3-жадвалда мезонлар ва кўрсаткичлар асосида тўлдиришни таклиф қиламиз.

3-жадвал. Савдо корхонаси рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Рақобатбардошлик мезонлари	Рақобатбардошлик кўрсаткичлари
Корхонанинг техник даражасини баҳолаш мезонлари	Савдо фаолиятини автоматлаштириш ва рақамли технологияларни жорий этилиш даражаси
Меҳнатни ташкил этиш даражаси мезонлари	Меҳнатнинг илмий ташкил этилиши ва иш жойларининг рақамли технологиялар билан жиҳозланиши
Товарлар ассортиментини баҳолаш мезонлари	Корхонанинг бозор улуши ҳолати ва динамикаси
Талабни рағбатлантириш самарадорлиги мезонлари	Корхонанинг сотиш ҳажми ва динамикаси
Бошқарув самарадорлиги мезонлари	бошқарув харажатларининг ҳажми ва минималлашуви даражаси
Меҳнат ресурсларининг ҳолати ва малакаси мезонлари	Савдо ходимларининг касбий малакаси; ходимларни рағбатлантириш тизимининг самарадорлиги; ишлаб чиқариш фаолиятида менежерлар ва техник ходимларнинг иштироки даражаси; ходимлар мотивацияси ва ишдан қониқиш даражаси.

Рақобатбардошликнинг санаб ўтилган мезонлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг ҳар бирининг кўрсаткичининг ўзгариши бошқа кўрсаткичларнинг муқаррар ўзгаришига олиб келади. Ушбу ҳолат савдо корхонасининг ташқи муҳит шароитларига мослашуви учун ўзгаришларни амалга оширишда корхона раҳбарияти томонидан ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, аксарият иқтисодчи олимлар томонидан рақобатбардошликнинг кўпинча сўров натижаларига асосланган ҳолда эксперт усулда баҳоланиши, амалиётда кенг қўлланиладиган рентабеллик ва иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари эса корхонанинг молиявий ҳужжатларини таҳлил қилишга асосланиши ҳамда тижорат сири билан боғлиқ жабҳалари мустақил тадқиқотлар олиб боришга тўсқинлик қилишини эътиборга олган ҳолда, ушбу таклиф этилаётган савдо корхонасининг хизматлар сифати ва мижозлар нуқтаи назаридан рақобатбардошлигини баҳолашда самарали қўлланилиши мумкин.

Биз томонимиздан таклиф этилаётган рақобатбардошлик мезонлари ва кўрсаткичлари савдо корхоналарида хизматлар сифатини такомиллаштириш асосида рақобат устунлигига эришиш учун энг самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Таклиф ва тавсиялар. Рақобатбардошликни баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари, таъсир даражаси, характери, бошқа тармоқларга нисбатан турлича

эканлиги бозор фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига комплекс таъсир кўрсатади. Савдо соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлик омилларини тадқиқ этиш улар учун нафақат ташқи бозорда, балки ички бозорда ҳам рақобатбардошлик даражасини баҳолаш ва оширишни долзарб масалалардан бирига алантирмоқда.

Савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

савдо фаолиятининг автоматлаштирилиши ва рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш;

сотиш ҳажмининг динамикасини барқарор сақлаб қолиш. Бунинг учун сотишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш ва самарали маркетинг технологияларини кенг жорий этиш;

бошқарув харажатларининг мунтазам равишда пасайиб боришига эришиш орқали маблағларнинг такрор ҳосил бўлишини тезлаштириш;

савдо ходимларини рақобатлантиришнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш.

Ушбу таклифларнинг амалиётда жорий этилиши савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва келгусидаги барқарорлигини сақлаб қолишга имкон беради.

Адабиётлар:

1. И.Б. Шарипов, З.А. Хакимов. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №3, 2017.
2. Портер, М. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов/М. Портер; пер. с англ. 2-е изд. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2006. –С.454.
3. Ф.Б. Абдукаримов. Савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида). И.ф.н. ... дисс. автореф. –Самарқанд: СамИСИ, 2011. –Б.156.
4. Абдукаримов Б.А. ва б. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2016. –Б.504.
5. К.М. Ибодов. Монополияга қарши бошқарув назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2020. –Б.308.

РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИНГ АҲАМИЯТИ

*Омонов Отабек Учқунович, магистрант,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

Аннотация. Ушбу мақолада реал сектор корхоналарини ривожлантиришда инвестиция муҳитининг аҳамияти, инвестициялаш усуллари, реал сектор корхоналарини кредитлашни ривожлантириш истиқболлари ёритилган, шунингдек, банклар томонидан инвестициялаш жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: реал сектор, инвестиция муҳити, тижорат банклари, диверсификация, кредит, инновацион ривожлантириш, қимматли қоғозлар, инвестициялаш, имтиёз, барқарорлик.

Кириш. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника-технологиялар билан жиҳозланган янги инновацион корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун инвестицияларни жалб қилиш муҳим ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Айтиш жоизки, бу аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боис, мамлакатимизга инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир иқтисодиётни узоқ муддатли даврда инновацион жиҳатдан барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда шу мамлакатнинг инвестиция муҳити муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлашда оқилона инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Реал сектор корхоналари инвестиция самарадорлигини ошириш учун қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга хизмат қилувчи кўплаб молиявий институтлар ташкил қилинмоқда. Мамлакатимизда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит, қатор имтиёз ва преференциялар тизими мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулкый ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш, солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзлар тақдим этиш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш каби имтиёз ҳамда преференцияларни ўз ичига олган.

Реал сектор корхоналарида инвестиция муҳитини ривожлантиришнинг асосий муаммоси баъзан лойиҳанинг аниқ самарадорлиги бўйича ёндашувлар тизимининг тўлиқ мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Реал сектор корхоналари учун инвестициявий қарорларни қабул қилиш жараёнида асосий масала инвестиция муҳитининг самарадорлиги масаласидир.

Мамлакатимизда ялпи инвестицияларнинг сезиларли даражада кўпайиши корхоналарда инвестиция муҳитининг сифат кўрсаткичлари ва хилма-хиллигининг ўсишини англатади. Инвестиция муҳити ва асосий фондларни янгилаш, юқори техника ва ахборот технологияларини жорий этиш иқтисодий ўсиш асосини белгилайди. Бугунги иқтисодий ривожланишларга мувофиқ, инвестиция муҳитининг юқори технологик жиҳати инвестиция муҳити бўйича услубий базанинг такомиллаштирилиши билан бирга олиб борилиши зарур.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Маҳаллий адабиётларда реал сектор иқтисодиётини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларининг ўрни ва ролини ошириш масаласи, шунингдек, инвестицион кредитлаш амалиёти Г.Х. Розикова, Д.Г. Ғозибеков каби олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Г.Х. Розикованинг (2018) фикрича, “Ишлаб чиқариш корхоналарида инновацияларни ривожлантириш учун мақбул шароитларнинг яратилиши технологик базани модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг

рақобатбардошлигини тубдан ошириш имконини беради ва бунда тижорат банклари муҳим роль ўйнайди”. Д.Г. Ғозибеков ўз илмий ишларида инвестиция, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва унда тижорат банкларининг роли инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва инвестицияларни иқтисодийга жалб қилиш масалаларини ёритган. Унинг таъкидлашича, бизда молиялаштиришнинг муҳим манбаси ҳисобланган тижорат банкларисиз миллий ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожланишини қўллаш имкони мавжуд эмас.

Инвестиция муҳити муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга, чунки бу корхоналарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг кўплаб муаммоларини ҳал қилиш айнан инвестиция муҳити орқали рўй беради.

Тадқиқот методологияси. Илмий мақолани ёзишда диалектик дунёқараш тамойиллари, тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, мантикий фикрлаш, қиёсий ва тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда иқтисодий ислохотлар замиридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, реал сектор корхоналарига жалб қилинаётган инвестициялардан фойдаланишда, улар самарадорлигини янада оширишда инвестицияларни реал сектор корхоналарига оқилона тақсимлаш инвестиция сиёсатимизнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Шу мақсадда, асосий капиталга киритилган инвестицияларни реал сектор корхоналари бўйича паст самарадорлик кўрсаткичига эга бўлган корхоналарга йўналтириш, айниқса, реал сектор корхоналарига инвестицияларни жалб қилишда ҳар бир ҳудуднинг нисбий устунликларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг асосий вазифаларидан бирига айланмоқда.

Бугунги кунда юртимизда корхоналар фаолиятига доир иқтисодий ислохотлар туфайли қулай инвестиция муҳити яратилганини асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмидан ҳам кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиши, %

Т/р	Ҳудудлар/йиллар	2020	2021	2022
	Ўзбекистон Республикаси	95,6	102,9	100,9
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	69,9	105,1	113,2
2.	Андижон в.	110,6	106,0	119,9
3.	Бухоро в.	104,7	147,4	92,0
4.	Жиззах в.	147,4	72,4	108,6
5.	Қашқадарё в.	76,5	77,8	80,8
6.	Навоий в.	77,1	86,0	118,2
7.	Наманган в.	88,0	100,5	101,2
8.	Самарқанд в.	128,8	98,7	129,5
9.	Сурхондарё в.	77,4	109,7	87,1
10.	Сирдарё в.	111,2	107,7	137,6
11.	Тошкент в.	92,2	120,3	108,2
12.	Фарғона в.	113,5	105,7	112,3
13.	Хоразм в.	92,7	139,3	94,5
14.	Тошкент ш.	108,6	105,0	87,0

Ўтган 2020-2022 йилларни таҳлил қиладиган бўлсак, шу йиллар давомида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори амалда ўсишга эришилган. Шу билан бирга, айтиш жоизки, реал сектор корхоналарининг иқтисодий жиҳатдан барқарор ўсишини таъминлаш учун таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни инновацион ривожлантириш ва технологик янгилаш жараёнларини янада тезлаштириш лозим. Бу эса, йирик ҳажмда инвестициялар киритишни талаб қилади ва мазкур жараёнда инвестиция муҳити муҳим аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори режага нисбатан амалда бажарилиши 2020 йилда пандемия чекловлари ҳисобига 95,6 %га бажарилган бўлса, 2021 йилда 102,9 %га, 2022 йилда 100,9 %га бажарилган, 2020 йилда энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси бўлиб 69,9 %ни, Қашқадарё вилояти 76,5 %ни ташкил этган. Бундан ташқари, кўйилган режа Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларига тўғри келган. Бу кўрсаткич 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида ўсиш кўрсаткичига эришган бўлса, кейинги уч йилда пасайиш кўрсаткичи кузатилган вилоятлар қаторида Қашқадарё вилоятини кўрсатиш мумкин.

Реал секторда иқтисодий ўсишга эришишда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар яратилган инвестиция муҳитининг самарадорлиги натижасидир.

Иқтисодиётда инвестиция муҳитини янада яхшилаш шарт-шароитларидан бири сифатида меъёрий-ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш устувор вазифа бўлиши керак. Шу ўринда, реал сектор корхоналарини инвестициялаш жараёнидаги бюрократияни йўқотиш ва мавжуд ваколатларни қайта кўриб чиқиб, бу жараёнга кўпроқ тижорат банкларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Асосий эътиборни тижорат банкларининг реал сектор корхоналарини молиялаштиришда анъанавий кредитлаш усулидан воз кечиб, корхона устав фондига улуш билан кириши ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун узлуксиз инвестициялаш методикасини яратишга алоҳида эътибор бериш керак.

Хулоса ва таклифлар. Айтиш жоизки, реал сектор корхоналарининг инвестицион молиялаштириш фаолияти объекти – иқтисодиётнинг реал сектори корхоналаридаги ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва инновацион ривожлантириш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларидир. Шунини таъкидлаш керакки, корхоналарнинг инновация фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги муаммоларни бартараф этиш лозим:

корхоналарда замонавий ускуналарни харид қилиш учун етарли маблағлар йўқлиги, маҳсулотга бўлган талабнинг пастлиги ҳамда ускуналар нархининг юқорилиги;

реал секторда инновация инфратузилмаларини ташкил этиш, инновация маҳсулотларини яратиш учун тадқиқот ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга кўп маблағлар талаб этилаётганлиги.

Реал сектор корхоналарига капитал кўйилмаларнинг манбаларини кенгайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш лозим:

инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида тижорат банкларида алоҳида – реал сектор корхоналарини инновацион ривожланишини инвестициялаш бўлимини яратиш мақсадга мувофиқ;

реал сектор корхоналарининг инновацион ривожланишини молиялаштириш учун чиқариладиган акцияларда тижорат банкларининг иштирокини таъминлаш учун меъёрий ҳужжатларни мустаҳкамлаш зарур.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон Қонуни, 25.12.2019.
2. Мирзарайимов Д.У. Мамлакатда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва ривожлантириш истиқболлари//“Молия ва банк иши” илмий электрон журнали, №5, 2019. –Б.146.
3. Розикова Г.Х. (2018) Инвестицион лойиҳаларни молиялашда юзага келувчи рискларни бошқариш: назария ва амалиёт//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 3-б.
4. Ғозибеков Д. (2003) Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. –Т.: Шарқ, 10-б.
5. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.